

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**2021**

**4-сон**

**Тошкент**

---

4  
2021

Илмий журнал  
Научный журнал  
Scientific magazine

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

## Муассис

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

## Таҳрир кенгаши раиси:

Шарипов Конгратбай Авезимбетович – т.ф.д., профессор

## Таҳрир кенгаши раиси ўринбосари:

Калонов Мухиддин Бахритдинович – и.ф.д. профессор

## Бош муҳаррир:

Исаев Фахриддин Икромович – PhD, доцент

## Таҳрир кенгаши

Гуломов Саидахрор Саидахмедович - и.ф.д., академик  
Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и.ф.д., академик  
Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович – и.ф.д., профессор  
Бекмуродов Адхам Шарипович – и.ф.д., профессор  
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и.ф.д., профессор  
Жумаев Нодир Хосиятович – и.ф.д., профессор  
Эшов Мансур Пўлатович – и.ф.д., профессор  
Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна – и.ф.д., профессор  
Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор  
Йўлдошев Нуриддин Қурбонович – и.ф.д., профессор  
Усманов Анвар Саидмахмудович – и.ф.д., профессор  
Қодиров Абдурашид Маджидович – и.ф.д., профессор  
Қурбанов Зият Ниязович – и.ф.д., профессор  
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор  
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.д., профессор  
Карлибаева Рая Хожабаевна – и.ф.д., профессор  
Ҳотамов Комил Раббимович – и.ф.д., профессор  
Мамадалиева Хафиза Холдаровна – и.ф.д.  
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.д., доцент  
Хотамов Ибодулла Саъдуллаевич – и.ф.н., доцент  
Қурбонов Хайрулла Абдурасулович – и.ф.н., доцент  
Аброров Сирожиддин Зухриддин ўғли – PhD  
Ўринов Бобир Насиллоевич – PhD  
Ғоибназаров Санжар Баходирович – PhD

© ISSN 2010-6130

**Бош муҳаррир:**

Исаев Ф.И. PhD, доц.

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Аброров С.З. PhD

**Масъул котиб:**


Камилова С.М.

Журнал  
“Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий  
асослари ва муаммолари”  
илмий-тадқиқот маркази  
билан ҳамкорликда нашр  
этилади

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан  
иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган  
тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий  
мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот  
воситалари жумласига киритилган.

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан  
фойдаланилганда “Иқтисодиёт ва таълим” илмий  
журналидан олинганли кўрсатилиши шарт.  
Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар  
учун муаллиф жавобгар.

Веб-сайт манзили: <http://cedr.tsue.uz>  
E-mail: [iqt.tal14@mail.ru](mailto:iqt.tal14@mail.ru)  
Телеграм канал: [t.me/Iqtisodiyot\\_va\\_talim](https://t.me/Iqtisodiyot_va_talim)



Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси  
томонидан 02-0041 рақам билан рўйхатга олинган.

Обуна индекси: 1008

# МУНДАРИЖА

## МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

Саидов М.С.	Табий монопол ташкилотларни бошқаришда рақобат муҳитини ривожлантириш.....	6
Зокиров С.С.	Ўзбекистонда урбанизацияни ривожлантиришнинг концептуал асослари: таҳлил ва таклиф.....	12

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Қодиров А.М., Базаров Ф.О., Ахмедиева А.Т., Маъмуров Б.Х.	Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	19
--	--	----

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Содиқов А.М.	Ўзбекистон минтақаларида инвестиция салоҳиятининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги	
Валиев Б.Б.	роли.....	26
Разиқова Г.Ш.	Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни.....	31
Маннопова Ш.Э.	Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари.....	35
Дехканова Н.Ш.	Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш йўллари.....	39

## ЛОГИСТИКА

Калонов М.Б.	Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт логистика ҳамкорлиги — тараққиёт омили.....	45
--------------	---	----

## БАНК ИШИ

Мамадияров З.Т.	Рақамли трансформация шароитида банк хизматларини масофадан ташкил этишнинг ривожланган давлатлар тажрибаси.....	51
Каримова А.М.	Совершенствование банковского кредитования инновационного развития предприятий сферы туризма.....	59
Набиев Б.К.	Тижорат банклари даромадига таъсир қилувчи молиявий рискларни баҳолашда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари.....	66
Бобобеков Ф.Р.	Факторингни турлари ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари.....	73
Арифханов А.Д., Арифханова Х.Ш.	Влияние внешнего долга на экономический рост: эмпирический анализ на примере стран Азии.....	80

## МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Нематов И.У.	Олий таълим тизимида маркетинг стратегияси ва уни ишлаб чиқишнинг назарий-услубий асослари.....	89
Умидова Ф.И.	Маркетингни бошқариш самарадорлигини баҳолаш.....	95
Амиркулов А.З.	Корпоратив тузилмаларнинг рақобат маркетинг стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш.....	100
Рустамова С.Х.	Раҳбар фазилатлари – бошқарув қарорларини қабул қилишнинг асосий мезони.....	103
Холмаматов Д.Х.	Маркетинг логистикасининг асосий йўналишлари.....	108

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Дусмухамедов О.С.	Ўзбекистонда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг муҳим жиҳатлари.....	113
Ризақулов Н.С.	Ўзбекистон Республикаси молия институтларида бизнес-таҳлил инструментларини амалда қўллаш ва бизнес-таҳлилчининг ўрни ва янги шароитда қандай муваффақият қозониши масалалари.....	124
Накимов У.Ф.	Ўзбекистонда солиқ қарзларини undirish mexanizmini takomillashtirish tahlili.....	127
Гиясов С.А.	Солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг халқаро амалиёти.....	132
Сайидов К.М.	Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларини солиққа тортишнинг хорижий тажриба.....	141
Аброров С.З., Имамназаров Ж.М.	Ислом молияси: Ўзбекистон учун янги имкониятлар.....	146
Соатова Н.Б.	Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустақкамлаш йўналишлари.....	159
Суванқулов А.Р., Эшанқулов А.А.	Бюджет ташкилотларида назорат тизимини такомиллаштириш.....	167
Исаев Ф.И.	Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлиладан фойдаланишни такомиллаштириш.....	172
Ҳотамов К.Р., Аминбоев Ж.О.	Ижтимоий солиқни ҳисобда акс эттириш масалалари.....	177

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Валиев М.К.	Кўчмас мулкни баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари.....	181
Маткаримова Н.Т.	Управление конкурентными позициями спортивной организации.....	185

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

Omanov S.Q.	Ho'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarish xarajatlari tahlilini takomillashtirish.....	194
-------------	--	-----

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Ғойибназаров Б.К., Шарипов Б.А.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий - статистик таҳлили.....	200
Бозоров Б.У., Тухлиев Б.М.	Аҳоли иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни роли.....	206
Шадиева Г.М.	Инновацион иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим назарий жиҳатлари.....	210
Хатамов О.Қ., Тошалиева С.Т.	Сурхондарё вилояти кичик тадбиркорлик салоҳияти натижавийлигини ижтимоий-иқтисодий баҳолаш усуллари ва мезонлари.....	215
Хусанова З.Р.	Аёллар тадбиркорлиги механизмининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	225

# МУНДАРИЖА

## САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ

Исаев Р.А.	Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграллашган комплекс тизимли стратегияни амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш.....	233
Mamadjonov Sh.M., Madiyarov G'.A.	Kosonsoy tumanida paxta yetishtirish va uning samaradorligi masalalari.....	236
Xakimova Sh.N., Umarhodjayeva M.G.	Yaponiyaning ilg'or tajribalaridan foydalangan holda o'zbekiston avtomobilsozlik sanoatining barqaror rivojlanishini qo'llab-quvvatlash uchun barqaror ta'minot zanjirini yaratish.....	240
Абдурашидова Н.А. Гиязова Н.Б.	Автомобиль транспорти корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш..... Стратегик рақобатбардош устунликларнинг замонавий саноат корхонасининг барқарор ривожланишига таъсири диагностикаси услубини ишлаб чиқиш.....	246 249
Мухтаров М.М., Акбаров М.А. Рахманов Н.Ғ., Юсупов С.Ш. Суюнов Ж.Ў.	Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналари самарадорлигига меҳнат салоҳияти таъсири..... Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини оптималлаштириш.....	252 255
Нигматуллаева Г.Н.	Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашнинг моҳияти ва муаммолари..... Анализ текущего состояния электроэнергетики Узбекистана.....	261 268

## ДЕМОГРАФИЯ. МЕХНАТ ИҚТИСОДИЁТИ

Мансуров С.Ю., Мансуров Ю.Н., Туракулов А.Х.	Эконометрическая оценка системы государственного управления услугами экономической миграции и инновациями.....	271
Исакулов Ш.Н. Хайдаров Б.Х.	Особенности систематизации миграционных процессов и механизмов управления..... Иқтисодий ислохотларни ривожлантиришда камбағалликни қисқартириш.....	281 288
Отанова Н.Р. Саидов Н.Р. Хакимова Ш.Н. Бердиев Ғ.И., Қудратов А.А., Ўринкулов С.Х.	Aksiyadorlik korxonalarida personalni boshqarish xususiyatlari..... Барқарор иш ўринлари ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари..... Barqaror rivojlanish sharoitida korxonada inson resurslarini boshqarish tizimining roli..... Ўзбекистонда аҳоли даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўрни.....	292 295 302 306

## КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Насимов Б.В.	Корхоналар фаолиятининг стратегик бошқариш самарадорлиги.....	311
--------------	---	-----

## ТАЪЛИМ ВА ФАН

Эшпўлатов К.А. Салихов Н.Д.	Инсон капиталини оширишда дуаль таълим тизимининг афзалликлари..... Мактабгача таълим бошқарувида жорий қилинган менежмент усулларининг натижаларини баҳолаш.....	318 322
Дусанов С.М., Маллабоев А. Қодиров Ҳ.Т., Аҳмаджонова М.Б.	Диний таълим муассасаларини молиялаштиришнинг концептуал асослари..... Наманган вилоятида олий таълим хизматларини ривожланиши.....	330 338

## СУҒУРТА ИШИ

Каленов К.Т.	Аграр соҳада суғурта хизматларини йулга қуйишнинг жаҳон тажрибасидан фойдаланиш.....	343
--------------	--	-----

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ачилов М.У.	Мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича хориж тажрибаси.....	348
-------------	--	-----

## МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ

Ismatullayev J.A.	Mintaqalar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining zamonaviy sur'atlari va ularning investitsion jozibadorligini tahlili.....	355
-------------------	---	-----

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ахмедова М.Ш. Айсачев А.А.	Ўзбекистон республикаси фермер хўжаликлари фаолиятини статистик тадқиқ этиш..... Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги тармоғини иқтисодий ривожланиш ҳолатини статистик баҳолаш.....	359 367
Ражамурадов Х.З. Жўраев Ф.Д.	Аграр ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот технологиялари ривож стратегияси..... Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболдаги муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштириш.....	374 377

## ХИЗМАТ КўРСАТИШ

Саттаров Ш.Х. Каланова М.Б. Рахимов А.Н., Очилов М.А.	Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари..... Умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар сифатини баҳолаш..... Қашқадарё вилояти аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини тренд моделлар асосида баҳолаш.....	386 391 396
--	---	-------------------

## РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ

Алиева М.Т., Хужаназарова Н.Ш. Мамаюсупова Д.Б. Навруз-зода Ш.Б. Турабеков С.Ш.	Методика мониторинга финансового состояния туристической индустрии с помощью вспомогательного счёта туризма..... Туристический кластерни ташкил қилишда давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари..... Ёшлар туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари..... Теоретические вопросы взаимосвязи развития туристических услуг и показателей занятости.....	403 408 415 421
---	--	--------------------------

ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШДА РАҚОБАТ  
МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Саидов Машғал Самадович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
докторанти и.ф.н., доцент

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда табиий монопол субъектлар фаолиятини бошқаришда рақобат муҳитини шакллантириш борасида давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар, жумладан хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишнинг мақсад ва шакллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** монополия, табиий монополия, қўлай рақобат муҳити, рақобат механизми, монопол бозорларга табақалашган ёндашув, маҳсулот сифати, нархлар (тарифлар)ни режалаштириш, монополист корхона, "картель" келишувлар, товар ва молия бозори.

РАЗВИТИЕ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ В УПРАВЛЕНИИ ОРГАНИЗАЦИЯМИ  
ЕСТЕСТВЕННОЙ МОНОПОЛИИ

Саидов Машғал Самадович -

Ташкентский государственный экономический  
университет, к.э.н., доцент

**Аннотация.** В статье описаны цели и формы государственных реформ в управлении естественными монополиями в стране, включая помощь приватизированным предприятиям, регулирование антимонопольного законодательства, развитие конкурентной среды, контроль и регулирование естественных монополий.

**Ключевые слова:** монополия, естественная монополия, благоприятная конкурентная среда, механизм конкуренции, дифференцированный подход к монопольным рынкам, качество продукции, ценовое (тарифное) планирование, монополистическое предприятие, «картельные» соглашения, товарные и финансовые рынки.

DEVELOPING A COMPETITIVE ENVIRONMENT IN THE MANAGEMENT  
OF NATURAL MONOPOLY ORGANIZATIONS

Saidov Mashal Samadovich -

Tashkent State University of Economics,  
PhD (in economics), dotsent

**Annotation.** This article describes the goals and forms of state reforms in the management of natural monopolies in the country, including assistance to privatized enterprises, regulation of antitrust, development of a competitive environment, control and regulation of natural monopolies.

**Key words:** monopoly, natural monopoly, favorable competitive environment, competition mechanism, differentiated approach to monopoly markets, product quality, price (tariff) planning, monopolistic enterprise, "cartel" agreements, commodity and financial markets.

**Кириш.** Янгиланиб бораётган ислохотлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш салоҳиятини, хусусан иқтисодиёт реал секторида аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ва ялпи модернизация қилиш ҳамда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини хусусий мулкчиликка олиб ўтмоқда, хусусан, табиий монополиялар соҳаларида рақобат муҳитини яратиш борасида ишлар босқичма - босқич амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг айнан реал секторида рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПК-4126 сонли "Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қўмита ташкил этилди.

Қўмита зиммасига бугунги кундаги замонавий ислохотларни иқтисодиётнинг реал секторида, яъни хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш орқали шаффоф муҳитни шакллантириш вазибалари қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан 2019-2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун қуйидагилар қарорга киритилди [1]:

-рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш ҳамда мо-

нополияга қарши тартибга солишнинг миллий иқтисодиётда ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва жараёнларнинг юксак талабларига жавоб берадиган мутлақо янги илғор моделини яратиш;

- товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг мослашувчан, шу жумладан хулқатвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган воситалари ва усуллари жорий этиш;

- рақобатни ҳимоя қилиш бўйича олдини олувчи воситаларни, шу жумладан монополияга қарши комплаенс механизми – биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ичида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш;

- рағбатлантирувчи тарифлар шакллантиришнинг рақобатни кучайтирувчи таъсир кўрсатадиган янги юқори самарали усуллари ва уларни қўллашни назорат қилиш механизмларини жорий этиш ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари (тарифлари)ни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

- рақамли иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини, шу жумладан рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари трансчегаравий шакллари-нинг олдини олиш мақсадида яратиш;

- рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида ҳуқуқни қўллашда кенг ихтиёр берадиган ваколатларни бекор қилиш;

- “картель” келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

- иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методикаси бўйича товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш индикаторларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) жорий этиш;

- рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш тезкорлигини ошириш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

- монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлар салоҳиятини тизимли равишда ошириш, олий ўқув юртлари ўқув дастурларига рақобат сиёсати ва рақобат ҳуқуқи соҳасида

кадрларни тайёрлаш бўйича махсус йўналишларни жорий этиш;

- муносиб моддий таъминот ва ижтимоий шароитлар борасида ижтимоий кафолатларни назарда тутган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг олдини олиш.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Қулай рақобатли тадбиркорлик муҳитини шакллантириш мақсадида халқаро стандартларга мувофиқ янги нормаларни ишлаб чиқиш ва миллий қонунчиликни модернизация қилиш йўли билан монополияга қарши тартибга солиш чоралари ва компанияларнинг рақобатга қарши хулқатворига қарши курашиш чоралари кучайтирилади, маҳсулотларга ва табиий монополиялар хизматларига нарх белгилаш бўйича норматив қоидалар такомиллаштирилади[2].

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашни англатади[3].

Монополистик рақобат монополия ва рақобат унсурларининг уйғунлашуви орқали рўй беради. Баъзи бир манбаларда уни “маҳсулотларнинг табақаланиши” деб ҳам аталади[4].

Республикамизда рақобат муҳити мавжуд бўлган иқтисодиётда тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг эркин бўлиши, уларнинг исталган товарлар бозорида фаолият кўрсатишлари ва ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир[5].

Товар ва молия бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш орқали самарали рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, нархни ортиқча тартибга солишдан воз кечиш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони чиқарилди[6].

Мазкур Фармонда қўйидагилар белгилаб берилди:

- тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш яқунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан ёки тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита

25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилиш;

- ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда тендер ва танлов савдолари ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиб-таомиллари ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб бориш;

- эркин рақобат муҳитини олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва уни ривожлантиришни назарда тутган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўрнатилган тартибда ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақобат тўғрисидаги Қонунлар ва уларни татбиқ этиш бўйича махсус органлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги охириги 15-20 йил ичида ташкил этилди.

Умуман, республикада шундай тизим шакллантирилганки, у мажбурий равишда рақобат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаши мумкин. Шу билан бир вақтда рақобат сиёсатининг турли жиҳатларига масъул бўлган кўп сонли органларнинг мавжудлиги бундай органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва вазифаларини кўпайтириш билан боғлиқ жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш ва бу орқали ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш, пировардида эса аҳолига сифатли ва ҳамёнбоб маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тараққиётнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ўтган 4 йил давомида мамлакатимизда ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш йўлида бир қатор чоралар кўрилганли таъкидланади. Жумладан[7]:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси»да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатиб ўтилди.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши, вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши кўрсатиб ўтилди.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2019 йилнинг 1 октябрдан асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) озод қилинмайдиган бўлди.

**Тўртинчидан,** 2020 йил 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҚҚС билан боғлиқ солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинди. Жумладан, мазкур Фармонга асосан экспортёр корхоналарга экспорт улушига мутаносиб равишда берилган регрессив солиқ ставкалари бекор қилинди.

**Бешинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг алоҳида тартиблари бекор қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда антимонопол сиёсатни амалга оширишда ҳимоя - огоҳлантириш чораларни қўллаш эндигина амалиётга кириб кела бошлади ва мажбурлаш - жазолаш чораларини қўллаш ҳозирча сақланиб қолинмоқда. Кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ҳокимияти органлари жойларда етарли огоҳлантирилмаганлиги туфайли антимонопол қонунчилик талабларини бузмоқдалар.



**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, таққослаш, статистик маълумотлар билан ишлаш, қиёсий таҳлил усуллари билан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Шу сабабли қатор хорижий мамлакатларда антимонопол органларни билиш, кузатиш, тўсатдан текшириш ва бошқа тадқиқот усуллари ажратилган. Нархсиз нуқсонларни аниқлашда антимонопол орган ходимларида етарли малака ва тажрибанинг етишмаслиги ҳам ўзининг салбий таъсирини

кўрсатмоқда. Антимонопол сиёсат бизнинг республикамизда қуйидаги тўрт асосий тамойиллар асосида амалга оширилмоқда.

Бозорларни ўрганиш, улар орасидан рақобатли ва монополлашганларини аниқлаш. Товар ва молия бозорларининг монополлашув даражасини аниқлаш, бозорлардаги мавжуд ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тўсиқларни кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ўрганилди (1-расм).



**1-расм. Монопол ташкилотларнинг 2005-2020 йиллардаги ЯИМ нинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда**

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.*

Монопол бозорларга табақалашган ёндашув ва табиий монополия соҳаларини ажратиш. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида бозор механизмлари, шу жумладан, бозор орқали нарх белгилаш тизими оқилона бўлмаган соҳалар мавжуд. Табиий монополиялар, рақобатни ривожлантиришнинг иложи бўлмаган ёки иқтисодий самарасиз бўлган тармоқлар айнан шундай соҳалар қаторига киради. Бундай тармоқларга нисбатан давлатнинг асосий вазифаси уларнинг монополистик фаолияти билан келишиш ҳисобланади. Шу сабабли табиий ва давлат монополияларига тааллуқли бўлган хўжалик субъектларига нисбатан бевосита давлат тартибга солиши қўлланилади ва уларнинг хўжалик фаолиятларини ишлаб чиқариш ва инвестициялар, маҳсулот сифати, нархлар (тарифлар)ни режалаштириш асосий кўрсаткичлари бўйича тартибга солишни ҳамда бундай тартибга солиш харажатлари билан боғлиқ дотациялар тақдим этиш имкониятини кўзда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2147-сон билан рўйхатга олинган Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом, табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартибини белгилайди.

2021 йил 1 февраль ҳолатига Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрида 11 турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича 130 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, республика бўйича жами 130 та табиий монопол ташкилот мавжуд бўлса, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари 175 тани ташкил этмоқда. Шундан, реестрнинг республика бўлимида 14 та табиий монопол ташкилотлар ва 14 турдаги хизмат кўрсатиш турини амалга оширади. Энг кўп табиий монопол ташкилотлари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг кам табиий монопол ташкилотлар сони Жиззах вилоятида қайд этилмоқда. Иккинчи ва учинчи ўринларда Фарғона вилоятида табиий монопол ташкилотлар сони 20 та, хизмат кўрсатиш турлари бўйича 21 та ҳамда Тошкент шаҳрида табиий монополиялар сони 15 та, хизмат кўрсатиш турлари 26 тани ташкил қилмоқда.

Табиий монополия ташкилотларининг Давлат реестрида жами 130 та хўжалик юритувчи субъектлар 11 та хизмат турлари бўйича қайд этилган. Ўтган йилнинг шу даврига (134 та субъект ва 10 хизмат турлари бўйича) нисбатан ташкилотлар сони 4 тага камайган.

Республика бўйича табиий монопол ташкилотлар ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари сони

№	Республика бўйича реестрга олинган ҳудудий бўлимлар	Табиий монопол ташкилотлар сони	Кўрсатаётган хизмат турлари бўйича сони
1	Реестрнинг республика бўлими	14	14
2	Реестрнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими	4	5
3	Реестрнинг Андижон вилояти ҳудудий бўлими	3	4
4	Реестрнинг Бухоро вилояти ҳудудий бўлими	7	10
5	Реестрнинг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими	2	3
6	Реестрнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими	5	7
7	Реестрнинг Навоий вилояти ҳудудий бўлими	10	20
8	Реестрнинг Наманган вилояти ҳудудий бўлими	6	7
9	Реестрнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими	6	7
10	Реестрнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими	4	5
11	Реестрнинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими	4	5
12	Реестрнинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими	25	35
13	Реестрнинг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими	20	21
14	Реестрнинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими	5	6
15	Реестрнинг Тошкент шаҳри ҳудудий бўлими	15	26
	<b>жами</b>	<b>130</b>	<b>175</b>

**Манба:** Ўзбекистон Республика монополияга қарши курашиш қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Табиий монополия субъектларининг Давлат реестридаги хўжалик юритувчи субъектларининг 90 таси (69,2 фоиз) давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳисобланса, 40 таси (30,8 фоиз) хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади.

Рақобатни ривожлантириш асосий омил сифатида хусусий тадбиркорликни фаол қўллаб - қувватлаш. Тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантириш солиқ ва бошқа имтиёзларда, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, турли қўллаб - қувватлаш муассасаларини яратиш кабиларда кўринади.

Тадбиркорликни монопол хўжалик субъектлари тўсиқларидан муҳофаза қилиш, хусусий секторни жадал ривожлантириш учун шароит яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликни бошқаришнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини турли даражадаги ҳукумат органларининг ноқонуний ҳаракатларидан муҳофаза қилиш антимонопол органларнинг мазкур йўналишдаги вазифаси ҳисобланади. Қўмита томонидан 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя этилиши юзасидан 190 та соҳада ўрганишлар ўтказилиб, ўтказилган ўрганишлар натижасида жами 430 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан[8]:

- “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси 19 та ҳолатда, 11-моддаси 1 та ҳолатда, 12-моддаси 45 та ҳолатда, 13-моддаси 94 та ҳолатда, 14-моддаси 111 та ҳолатда, 15-моддаси 10 ҳолатда, 16-моддаси 2 та ҳолатда, 17-моддаси 4 та ҳолатда, 23-моддаси 22 та ҳолатда;

- “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси 2 та ҳолатда, 12-моддаси 1 та ҳолатда, 16-моддаси 25 та ҳолатда;

- Вазирлар Маҳкамасининг 28.10.2010 йилдаги 239-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг 36-банди талаблари 55 та ҳолатда;

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддаси талаблари 39 та ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузилганлиги аниқланган.

Хўжалик субъектларини рўйхатга олишда Қўмита томонидан қулай шароитлар яратилмоқда ва мазкур йўналишда доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Давлат томонидан мақсадли антимонопол сиёсат олиб бориладиган монополияларни аниқлаш. Давлат ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва марказлаштириш асосида юзага келадиган йирик бизнесни бозор механизмнинг меъёрида амал қилишини бузадиган монополияга айлантирмасликка интилади. Давлат корхоналарнинг бирлашиш жараёнларини назорат қилади ҳамда буни қонуний ва йўл қўйиш мумкин бўлган ҳолат, деб тан олади.

Ислохотларнинг барча босқичларида бошқариш фаолиятининг асосий йўналиши монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга эркин чиқишини таъминлаш ва тўсиқларни бартараф этиш йўли билан тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланди.

Монополист – корхоналар Давлат реестри Ўзбекистон Республикаси товарлар бозорида етакчи мақега эга бўлган хўжалик субъектлари

## МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

рўйхатини ўзида ифодалайди. Яъни Давлат реестри рақобат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторинг олиб бо-ришнинг туб воситаларидан бири ҳисобланади.

«Монополист – корхоналар Давлат реестрини юритиш ва шакллантириш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмалар»га кўра, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бош-қармалари томонидан ўтказилган товар ёки молия бозорларининг таҳлили натижалари реестрга киритиш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2013 йилдаги 230-сонли қарори билан тасдиқланган Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Қўмита томонидан Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестри шакллантирилади ва юритиб борилади.

2-жадвал

### Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестри бўйича ҳолати

№	Хўжалик юритувчи субъектларнинг соҳа номлари	Товарларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони	Монопол товарларнинг (хизматларнинг) сони
1	Нон ва дон маҳсулотлари	1	1
2	Озиқ-овқат	7	3
3	Кўмир	2	3
4	Нефть-газ саноати	5	3
5	Кимё саноати	4	4
6	Машинасозлик ва металлургия	8	11
7	Электротехника саноати	1	1
8	Қурилиш материаллари	9	6
9	Хизматлар	45	43
10	Молиявий хизматлар	8	16
11	Бошқа соҳалар жами	5	5
		95	96

*Манба:* Ўзбекистон Республика монополияга қарши курашиш қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал маълумотларига кўра 11 та соҳа бўйича, товарларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 95 тани, монопол товарларнинг (хизматларнинг) сони эса 96 тани ташкил қилади.

2020 йилда қўмита томонидан 70 дан ортиқ товар ва молия бозорида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганиш натижалари асосида 12 та хўжалик юритувчи субъект 15 та товар ва хизматлар бўйича давлат реестрига киритилган бўлса, 18 та хўжалик юритувчи субъект 18 та товар ва хизматлар бўйича давлат реестридан чиқарилди. Товар ва молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган 95 та хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, шундан 81 та яъни 85,2 фоизига давлат иштироки мавжуд бўлиб, бунда 45 та (42,5 фоиз) товар бўйича ва 61 та (57,5 фоиз) хизмат бўйича улушга эга ҳисобланади.

Маълум давр оралиғидаги сотиш ҳажми, товар етказиб бериш, келтириш – чиқариш ва товарлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар сингари товарлар бозорининг тавсифлари, бозорга кириш ва чиқиш тўсиқлари, рақобатчилар сони, нисбий бозор улушлари ҳамда у ёки бу

товарлар бозоридаги рақобат даражаси таҳлил қилинди.

**Хулоса ва таклифлар.** Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар монополиясининг иқтисодий рақобатбардошлигига салбий таъсирини янада камайтириш, имтиёз ва преференциялар бериш тизими самарадорлигини ошириш бугунги кун учун ҳисобланади. Қуйида келтирилганлари таклифларни бугунги кун учун муҳим деб ҳисоблаймиз:

- табиий монопол ташкилотлар фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик асосларини такомиллаштириб бориш.

- соф табиий монопол ташкилотларни рақобатли соҳалардан мунтазам ажратиб бориш. Соф табиий монопол турларини алоҳида тармоқ корхонасига ажратиш ва унинг фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда потенциал рақобатли соҳаларни яратиш.

- табиий монопол ташкилотлари устидан мунтазам нарх назоратини ўрнатиш ва таърифларнинг вақт доирасидаги ўзгаришларини қайд этиш.

- табиий монополия тармоқларидан рақобат муҳити шароитида фаолият олиб боришга

лаёқатли ишлаб чиқаришларни ажратиш ва хусусийлаштиришни кўзда тутадиган реструктуризация дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- табиий монополия корхоналарининг ички бозордаги монополь ҳолатидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хиз-

матларга асоссиз, сунъий равишда нархларни ошириш учун фойдаланишларига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг фаолиятлари устидан қаттиқ назорат олиб бориш;

- табиий монополия субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни тартибга солиш услуги бўйича таклифларни тайёрлаш.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 24 январдаги ПК-4126 сонли “Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4178984>

2. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. 12788459.html

3. Яхшиева М.Т. Ҳозирги замон рақобат назарияси. Ўқув қўлланма. -Т.:ТДИУ 2019 й.

4. Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп./ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина и др. – М.: ИНФРА-М, 2005, с.120; Шишкин А.Ф. Экономическая теория: Учебное пособие для вузов. 2-е изд. Кн.1. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996, с.608

5. Х.Т.Азизов. Рақобат ҳуқуқи. Дарслик. Т.: ТДЮУ. 2016 й. 236 б

6. Ўзбекистон Республика Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4887654>

7. А.Бурхонов. Рақобат муҳитини яхшилаш – ривожланишнинг муҳим омили. Халқ сўзи 2021 йил 7 май.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг маълумотлари.

## ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

**Зокиров Сайидфозил Сайидакбарович** –  
иқтисодиёт фанлари номзоди, Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари

**Аннотация.** Ушбу мақолада урбанизация жараёни, унинг ривожлантириш хусусиятлари бўйича изланишлар тадқиқ этилган. Шунингдек, урбанизация жараёнларини ривожлантиришни мамлакат хусусиятлари асосида очиб берилган ҳамда мазкур масаланинг ижобий жиҳатларини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** урбанизация; инфратузилма; давлат-хусусий шерикчилик; шаҳар аҳолиси; қишлоқ аҳолиси.

## КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ УРБАНИЗАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ: АНАЛИЗ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

**Зокиров Сайидфозил Сайидакбарович** –  
к.э.н., Руководитель группы Института прогнозирования  
и макроэкономических исследований

**Аннотация.** В статье освещены исследования по процессу урбанизации, особенностям его развития. Рассмотрены развитие процессов урбанизации на основе специфики экономики страны. Также, разработаны предложения и рекомендации, направленные на обеспечение положительных аспектов процессов урбанизации.

**Ключевые слова:** урбанизация; инфраструктура; государственно-частное партнёрство; городское население; сельское население.

## CONCEPTUAL FRAMEWORK FOR THE DEVELOPMENT OF URBANIZATION IN UZBEKISTAN: ANALYSIS AND PROPOSALS

**Zokirov Sayidfozil Sayidakbarovich** –  
PhD., Group Leader of the Institute for  
Forecasting and Macroeconomic Research

**Annotation.** The article highlights research on the process of urbanization, the features of its development. The development of urbanization processes based on the specifics of the country's economy is considered. Also, proposals and recommendations have been developed to ensure the positive aspects of urbanization processes.

**Key words:** urbanization; infrastructure; public private partnership; urban population; rural population.

**Кириш.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида худудлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда иқтисодий тараққий эттириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, арзон ва сифатли уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларни ҳар томонлама янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар кўзда тутилган[1]. Шунингдек, ушбу ислохотлар доирасида, шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёни тегишли даражада ҳам тадқиқ этиш лозим. Чунки, ижтимоий инфратузилмани ривожланиши мамлакатда урбанизация жараёнларини ривожлантиришга бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда республика шаҳар аҳоли пунктларида 50,6 фоиз Ўзбекистон аҳолиси истиқомат қилади. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти томонидан эълон қилинадиган дунё мамлакатларининг урбанизация даражаси рейтинги бўйича Ўзбекистон 127 ўринни эгаллаб турибди.

2012-2019 йилларда Ўзбекистон шаҳар аҳолиси 1,7 миллионга кўпайган (11,5 фоиз, қишлоқ жойларда 2,1 миллион киши ёки – 14,6%). Шаҳар аҳолиси ўсишининг асосий омиллари – аҳолининг табиий ҳаракати, миграция ҳамда маъмурий-худудий ўзгартиришларга асосланди.

**Адабиётлар таҳлили.** Урбанизация деганда, қишлоқлардан аҳолининг кўчиши туфайли шаҳарлар ўсиш жараёни, шунингдек, уларнинг мавқеи, шаҳарча турмуш тарзи ва шаҳар маданиятининг юксалишига қаратилган узлуксиз жараённи тушунамиз.

Албатта, қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг шаҳарларга кўчиши учун иш ўринларидан ташқари, яшаш шароитлари – уй-жой, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти, оқава сув тизимлари, телекоммуникация инфратузилмаси ҳамда жамоат транспорти каби зарур қулайликлар яратилиши лозим[2]. Жумладан, амалга оширилган тадқиқотларни ифодалашича АҚШда транспорт инфратузилмасининг ривожланиши ишлаб чиқариш омиллари самардорлигини ортишига сабаб бўлган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки. Аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши ҳам ўз навбатида алоқа хизматлари, телекоммуникация инфратузилмасини ривожланишига олиб келган[3]. Юқоридагилар билан бирга амалга оширилган эмпирик тадқиқотларни ифодалашича[4], инфратузилма учун йўналтирилган капитал меҳнат унумдор-

лигини sanoat тармоғида ўзгаришига ижобий таъсир этади. Шу билан бирга, муҳандислик инфратузилмаси ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари ҳам кишилар турмуш даражасига, шаҳарлар ривожланишига ўзининг ижобий боғлиқлигини ифодалаган[5].

Ҳар бир шаҳарни ривожлантиришда ва аҳолини етарли шаҳар қулайликлари билан таъминлашда муҳандислик инфратузилманинг ривожланганлик даражаси ва унинг сифатини янада ошириш урбанизация жараёнининг муҳим йўналишларидан биридир. Яъни, қатор тадқиқотларни ифодалашича[6], урбанизация жараёнининг ривожланиши мавжуд муҳит ва шарт-шароитга боғлиқ.

Шунингдек, бир қатор тадқиқотларда кўрсатилишича[7], агломерацияни ривожланиши натижасида аҳоли турмуш даражаси ортишига, янги иш ўринлари яратилишига ҳамда барқарорликни таъминланишига олиб келади.

Демак, юқоридаги олиб борилган тадқиқотларни умумлаштириш асосида мамлакатда урбанизацияни ривожлантиришда жорий вақтдаги ҳолатни таҳлил қилиш, олинган натижаларга мувофиқ муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни кенгайтириш ва бунинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқот мақоласини тайёрлаш давомида ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, аҳолининг сони, уларнинг географик тақсимланиши, шаҳар ва туманлар ҳамда улар сонининг ўзгариши баҳоланган. Шунингдек, урбанизация жараёнлари ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб тизимлаштирилган. Омилли таҳлил жараёнида инфратузилма, унинг ижтимоий ҳамда муҳандислик турлари алоҳида тизимли равишда таҳлил этилган.

Тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, омилли ва статистик баҳолаш, қиёсий таҳлил ҳамда эксперт каби усуллардан кенг фойдаланилган. Айниқса, республика ва унинг вилоятларидаги урбанизация ривожланишини очиб беришда қиёсий ҳамда эксперт усуллар кенг қўлланилган. Ишда мантиқий, тизимли ва таркибий ёндашувлардан ҳам муаллиф кенг фойдаланган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон Республикаси худудида 120 та шаҳар (8 та йирик, 10 та катта, 22 та ўрта ва 80 та кичик шаҳар), 1067 та шаҳарчалар ҳамда 11 мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси шаҳар аҳолисининг (17,3 млн. киши) асосий қисми кичик ва

ўрта шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларда истиқомат қилади.

Сўнги йилларда уй-жойлар қурилиш кўлами сезиларли даражада ўсганига қарамай, аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш пастлигича қолмоқда. 2012 йилда шаҳар аҳоли пунктларида жон бошига ўртача уй-жой фонди 15 м<sup>2</sup>ни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2019 йилда 1 бандга ортиб, 16 м<sup>2</sup> ташкил этди. Шунингдек, турар уй-жойлар муҳандислик инфратузилмаси билан қониқарли даражада таъминланмаган ёки қайта таъмирлашни талаб этмоқда. Бугунги кунда шаҳар аҳолиси марказлашган сув билан 64 % га, табиий газ билан 50,6 % га, иссиқ сув – 25 % ва иссиқлик таъминоти билан – 20 % га таъминланган. 120 та шаҳардан фақатгина 79 таси оқова сув билан қамраб олинган.

Республика шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 21,2 минг км.ни ташкил этиб, уларнинг 59,0 фоизи, яъни 12,5 минг км қайта таъмирлашни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили 1400 км шаҳар автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилишига қарамасдан, айрим шаҳарларда автомобиль йўлларининг ҳолати ҳанузгача ночор аҳволда. Бу эса йўлларни жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда янги йўл қуриш учун молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги ҳамда йўл техник хизмат кўрсатиш корхоналарининг жиҳозланиш даражасининг пастлигидан далолат беради.

Шаҳар аҳолисининг кўпайиши, шаҳарларда фаолият юритаётган ижтимоий соҳа, жумладан соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим ва мактаб таълими объектларига қўшимча юклама келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, тасдиқланган шаҳар бош режалари талабларига риоя қилинмаслик, бунда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг мавжуд эмаслиги, йирик корхоналарни барпо этишда унинг ижтимоий ва экологик оқибатларининг эътиборга олинмаслиги саноат ривожланишининг тизимли муаммоларидан ҳисобланмоқда.

Шаҳарларда чекланган ер ресурслари майдонларини бошқариш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, ер бозорининг шаклланиши, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқариш мақсадида ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида мавжуд меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта инвентаризациядан ўтказиш натижасида ерларни ягона мониторинг тизимини шакллантириш зарурати мавжуд.

Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича қабул қилинаётган чоралар шаҳарларнинг яшил ҳудудларини 30 % гача етказиш имконини берди. Минтақанинг иқлим

хусусиятлари сабабли ҳаво ҳароратини пасайтириш ва экологик жиҳатдан яхшилаш, шунингдек, шаҳарларнинг умумий ободонлаштирилганлик даражасини ошириш учун яшил ҳудудларнинг майдонини сақлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан бевосита мазкур мақола муаллифи иштирокида «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш Концепцияси» ҳамда унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Республикада урбанизацияни ривожлантириш Концепциясининг мақсади – шаҳар аҳоли пунктларини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсишни таъминлаш, йўлдош-шаҳарлар ва агломерацияларни шакллантириш, меҳнат ва инвестиция ресурслари учун жозибадор бўлган шаҳарларни комплекс ва тизимли ривожлантиришдир. Шаҳар аҳоли пунктларини ривожлантиришда урбанизациянинг устувор йўналишлари қуйидагилар:

урбанизацияни тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда илғор ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш;

шаҳар аҳоли пунктларидаги мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда ривожлантириш, йўлдош-шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларини шакллантириш;

уй-жой кўрсаткичини аҳоли жон бошига 20 м<sup>2</sup> га етказиш;

инфратузилма ва жамоат хизматларидан аҳолининг тўлиқ фойдалана олишини таъминлаш;

аҳоли пунктларидаги ер ресурсларини самарали бошқариш ва ердан фойдаланишни такомиллаштириш;

шаҳар аҳоли пунктларида экологик барқарорлигини ошириш;

шаҳар инфратузилмаси билан таъминланган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктлари рурбанизациясини тараққий эттириш.

Ушбу мақсадга эришиш ва уни амалда рўёбга чиқариш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

мамлакатда урбанизация даражасини 2030 йилгача 60 фоизга етказиш;

шаҳарларнинг бош режалари ва истиқболда бажарилиши режалаштирилган тадбирларни ишлаб чиқиш;

«ўзига тортувчи марказлар»ни яратиш мақсадида табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга шаҳарларни белгилаш;

йўлдош-шаҳарларни ривожлантириш натижасида асосий ядро-шаҳарга бўлган демогра-

фик юкни қисқартириш. Бунда, йўлдош-шаҳарларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий эътиборни кучайтириш орқали маҳаллий аҳолининг шаҳарлар ичида ҳаракати эркинлигини таъминлаш, саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича чоралар кўриш;

шаҳарларни ривожлантиришда комплекс ва инклюзив ёндашувга ҳамда ривожланган давлатларда тан олинган моделларга асосланиб, муҳандислик, йўл-транспорт, ижтимоий-маиший инфратузилмаларидан шаҳар аҳолисининг барча қатламлари тўлиқ фойдаланишини таъминлаш;

марказлашган сув, канализация, ирригация, электр ва газ таъминоти ҳамда иссиқлик таъминоти ва телекоммуникация объектларини қуриш, қайта таъмирлаш ва модернизация қилишда энергия тежамкор замонавий технологияларни жорий этиш;

аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмаси ва жамоат жойларини таъминлаган ҳолда турар уй-жойлар қуриш ҳамда ҳудуд реновацияси дастурларини амалга ошириш;

ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш, бунда ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;

миграцион жараёнларини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграциясини қисқартириш;

ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ер бозорини шакллантиришга қаратилган механизмларни такомиллаштириш, шунингдек, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг архитектуравий кўринишини яхшилаш мақсадида қурилишлар зичлигини таъминлаш ва уларнинг қаватлилигини ошириш;

маданий-тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тиклашни таъминлаш, шаҳар аҳоли пунктларида жамоат жойларини яхшилаш.

Республикамиз шаҳарлари аҳолисининг 57,6 фоизи кўп қаватли уйларда истиқомат қилмоқда. Уй-жой майдонининг ижтимоий меъёри бир кишига 16 м<sup>2</sup> дан, ногиронлар учун эса 23 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга, айрим шаҳарлардаги ҳолат ушбу меъёрдан камлигича қолмоқда. Жумладан, бу кўрсаткич Андижонда – 9,4 м<sup>2</sup>, Марғилонда – 11,2 м<sup>2</sup>, Зарафшонда – 11,6 м<sup>2</sup>, Самарқандда – 11,8 м<sup>2</sup>, Хонободда – 12,9 м<sup>2</sup>, Жиззахда – 10,9 м<sup>2</sup> ва Қўқонда – 14,2 м<sup>2</sup> ни ташкил этади.

Шаҳарларда арзон кўп квартирали ва қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган. Кўпгина жойларда эса шошма-шошарлик билан сифатсиз қурилган, шунингдек, қурилиш материалларидан белгиланган меъёрлар асосида фойдаланилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Мазкур уй-жойлар атрофида зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тўлиқ шаклланмагани ва ижтимоий объектларнинг барпо этилиши ҳам эътибордан четда қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий инфратузилма аҳолининг фаровонлигини ошириш, меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этувчи, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди ва ҳудуднинг иқтисодий юксалиши учун шароит яратади.

Йиллар ўтган сайин уйларнинг таянч конструкцияларида физик эскириш ва емирилиши жараёни содир бўлиб, оқибатда уларнинг сейсмик ҳолати заифлашади. Бу каби ҳолатлар салбий оқибатларга, шу жумладан кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар ҳаётига жиддий ҳавф-хатарларга олиб келади. Жисмонан эскириши ёки емирилиш муддати уларнинг конструкциясига қараб ўртача 50 йилдан 100 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади.

Эскирган кўп квартирали уйларда яшаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга яшаш учун етарли бўлган шарт-шароитларини яратиш мақсадида уй-жой фонди реновацияси дастурини амалга ошириш лозим. Бунда, илғор мамлакатларнинг тажрибасини инобатга олиб, қурилиш, санитария меъёр ва қоидаларига риоя қилиш, уй-жой шароитларини яхшилаш, яқин атрофдаги қурилишлар архитектура услуби билан уйғунликда иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш ёки ҳудуд реновацияси каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шаҳар аҳоли пунктларининг уй-жой фонди ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

турар-жой комплексларини қуришда оқва сув объектларини ичимлик суви таъминоти объектлари билан биргаликда лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда қайта таъмирлаш тизимини йўлга қўйиш;

оқва сув билан таъминлаш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш тадбирларини белгилаш;

аҳолини марказлашган ва сифатли ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш;

фаолияти сув таъминоти ва оқва сув билан боғлиқ бўлган корхоналарни давлат-

хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида хорижий тажрибани жорий қилиш;

муҳандислик-коммуникация тизимларини тўлиқ ер остига ўтказиш;

барча коммунал хизмат турларининг хизмат кўрсатиш ва назорат тизимини тўлиқ электрон бошқариш механизмни яратиш;

кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилишида 1 та квартиранинг ўртача майдонини белгилашда уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси, 1 та квартирага тўғри келувчи ўртача аҳоли сони ҳамда аҳоли сонининг кўпайишини ҳисобга олиш механизмни қўллаш;

йирик шаҳарларнинг электр энергияга бўлган талаби ўсиб бораётганини инобатга олиб, ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш, муқобил ва қайта тикланадиган энергияни шакллантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Ижтимоий инфратузилмада барча унсурлар ўзаро боғлангани сабабли, улардан бири-нинг ривожланишдан ортда қолиши бошқаларидан самарасиз фойдаланилишига сабаб бўлади. Шу боис, ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришни режалаштиришда шаҳар аҳолисини ижтимоий-маиший, шу жумладан мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, умумтаълим мактаблари, ижтимоий ва маданий жамоат объектлари ва транспорт хизматлари билан қамровини ошириш лозим.

Йўл-транспорт инфратузилмани қуриш, модернизация қилиш ва ривожлантириш шаҳарлар тараққиётининг асосий унсурларидан биридир. Автомобиль йўллари мамлакат иқтисодиётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда барча ташилаётган юкларнинг деярли 82 фоизи ва йўловчиларнинг 95 фоизидан ортиғи автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, сўнгги йилларда республикада ушбу тармоқнинг жадал ривожланиши, якка тартибдаги ва жамоат транспортдан фойдаланишнинг ортиши кузатилмоқда.

Автомобиллаштириш даражаси ортишининг шаҳарлар иқтисодиётига салбий таъсири – йўлнинг ўтказиш имкониятларини кескин камайиши, ёқилғи сарфини ошиши, зарарли моддалар чиқишининг кўпайиши, шовқиннинг ортиши, йўл қоламаларининг эскиришида намоён бўлмоқда.

Шаҳар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари маҳаллий бюджет томонидан молиялаштирилмоқда. Йўл қурилиши ишларини фақат ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш йўл

тармоғини тиклаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал эта олмайди. Халқаро тажриба автомобиль йўлларига хусусий инвестициялар ҳажми ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Кўплаб мамлакатлар давлат-хусусий шерикчилик механизмларидан фойдаланиш орқали хусусий сектор маблағларини жалб этмоқда. Шунингдек, республикада шаҳар аҳолисининг кўпайиши жамоат транспорти хизматларига бўлган талабни оширмоқда. Шаҳар аҳоли пунктларида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

шаҳарларда йўлларни қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишда хусусий секторни кенг иштирокини таъминлаш;

йўл қурилиши ишларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;

давлат-хусусий шерикчилик асосида пулли хизмат асосида йўлларни қуриш;

автомобил йўлларида таъмирлаш-қурилиш ишларини бажарувчи пудратчиларга, шу жумладан хусусий тадбиркорлик субъектларига шаҳар йўлларини эксплуатацияси ва техник хизмат кўрсатиш вазифаларини камида 3 йил давомида ўтказиш амалиётини жорий этиш;

жамоат транспортлари оқимини бошқариш ва оптималлаштириш ечимларини, шу жумладан “ақлли транспорт” технологияларини жорий этиш;

автотранспорт воситалари учун тўхташ жойларини самарали тартибда белгилаш ва транспорт йўллари сифатини мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

транспорт воситаларининг атроф-муҳитга экологик таъсирини камайитиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шаҳарларда саноат салоҳияти нисбатан юқори даражада ривожланганлиги билан ажралиб туради. Ушбу ҳолатга асосан инфратузилманинг ривожланганлиги, экспортбоп ишлаб чиқариш қувватларнинг, инвестицион ресурсларнинг жамланиши ҳамда юқори малакали мутахассислар ва ишчи кучи концентрацияси каби омиллар сабаб бўлмоқда. Ривожланган давлатларда ишлаб чиқарувчи кучларни асосан кичик ва ўрта шаҳарларда жойлаштиришни рағбатлантириш, йирик урбанистик марказларда эса янги саноат корхоналари қурилишини чеклаш бўйича қонуний меъёрлар қабул қилинган. Республиканинг Навоий, Ширин, Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Нукус, Фарғона, Нурафшон, Ангрен, Жиззах, Урганч, Янгийўл, Самарқанд, Қувасой, Андижон, Гулистон, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида юқори саноат салоҳияти шаклланган.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланмаслик, машина ва ускуналарнинг техник жиҳатдан эскири-



ши ва шаҳарларда хомашё етишмаслиги муаммолари кузатилмоқда. Шаҳар аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари талабларига тўлиқ риоя қилинмаслик, бунда йирик корхоналарни жойлаштиришда, талаб ва таклиф омилларини, ижтимоий ва экологик оқибатларни эътиборга олмаслик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг асоссиз жойлаштирилиши саноат ривожланишининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш кучларини шаҳар аҳоли пунктларида жойлаштирилишида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

худудларда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини комплекс амалга ошириш, бунда ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришда муҳандислик-коммуникация инфратузилма объектлари билан таъминлаш чораларини кўриш;

ички ва ташқи бозорда кенг талабга эга бўлган машинасозлик ва енгил саноатнинг юқори технологияли маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, шу жумладан маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва кўшилган қиймат улуши юқори бўлган истеъмол товарларини кенгайтириш, уларнинг жаҳон бозорларига кенг кириб бориши ҳамда импорт товарлар ўрнини босишини таъминлаш;

ресурсларни тежаш ва самарасиз корхоналарни қайта қуришни рағбатлантириш чоратадбирлари асосида, шу жумладан модернизациялаш орқали рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

зарур муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан таъминланган ихтисослаштирилган худудларда янги технологияларни ривожлантириш, технопарклар, саноат зоналари ва кластерларни шакллантириш учун инвестиция жамлаш;

саноат, қурилиш ва хизматлар соҳасида иш жойларини ташкил қилиш ҳамда фуқаролар бандлигини таъминлаш.

Шаҳарсозлик тараққиётининг устувор йўналиши саноат корхоналарини самарали жойлаштириш ва янги юқори технологияли иш ўринлари яратишдан иборатдир.

Йўлдош-шаҳарларни ривожлантириш натижасида асосий шаҳарда вужудга келаётган ижтимоий, иқтисодий, муҳандислик инфратузилма ҳамда демографик юкни қисқартириш назарда тутилади, йўлдош-шаҳарларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий эътиборни кучайтириш орқали маҳаллий аҳолининг шаҳарлар ичида ҳаракати эркинлиги таъминланади.

Йўлдош-шаҳарлар қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

асосий шаҳар ва йўлдош-шаҳарлар орасидаги масофа 30 км дан ошмаслиги;

асосий шаҳар ва йўлдош-шаҳарлар ўртасида ривожланган ва ўзаро қатнови вақти 60 дақиқадан ошмаган транспорт алоқалар;

йўлдош-шаҳар асосий шаҳарнинг инфратузилмасидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги, бу ўз навбатда ички миграциясини вужудга келишини таъминлайди.

Ядро шаҳар ва йўлдош-шаҳарлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши, яъни йўл-транспорт, инфратузилма, ижтимоий, маданий ва бошқа имкониятларнинг яратилиши оқибатида ушбу икки шаҳар аҳоли пунктлар ўртасидаги чегараларнинг кескин қисқаришига ва агломерациянинг шаклланишига, пунктлараро худудларни янада ривожланишига туртки беради.

Агломерациянинг ривожланишида йўлдош-шаҳарда қўшимча яратилган иш жойларнинг мавжудлиги ҳамда яшаш шароитларининг яхшиланиши сабабли, асосий шаҳардан йўлдош-шаҳарга ички миграциянинг ривожланишига ва аҳоли сонининг ўсишига олиб келади.

Концепцияни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тегишли вазирлик ва идоралар, лойиҳалаш илмий тадқиқотлар институтлари иштирок этадилар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан Концепциянинг сифатли ва самарали бажарилишини назорат қилишнинг қуйидаги тизими йўлга қўйилиши лозим:

мунтазам мониторинг олиб бориб, чоратадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумотни киритиб боради;

Концепциянинг тўлиқ ва тизимли амалга оширилиши семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар доирасида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

Шунингдек, урбанизация йўналишида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчилик ҳамда халқаро ҳам-

жамият тизимли равишда хабардор қилиб борилади.

Концепциянинг барча чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шу билан бирга, ҳамкорлик доирасида халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг маблағлари, грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади:

урбанизация бўйича халқаро стандартларни қонунчилик амалиётига имплементация қилишнинг самарадорлиги ошади ҳамда миллий қонунчилик такомиллаштирилади;

шаҳар аҳолисининг сони ва у ердаги мавжуд инфратузилма, уй-жой, иш ўринлар сонини

кўпайтириш, шаҳарнинг умумий қиёфасини яхшилаш билан бир қаторда кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келиб чиқишни олди олинади;

ишсизлик, уй-жой танқислиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари етишмаслигининг олдини олиш орқали мазкур ҳудудларда урбанизация жараёнларини тартибга солишга асосий эътибор қаратилади;

урбанизация ва шаҳарсозлик йўналишида қонун ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилади, халқаро ташкилотларнинг урбанизация соҳасидаги тавсияларини бажариш самарадорлиги оширилади;

халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш орқали мамлакатнинг урбанизация бўйича халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
2. Швецов А.Н. Поляризация урбанистического пространства: особенности российского процесса в контексте мировых тенденций // Регионалистика. Т. 4. № 5. С. 22-24.
3. Коломак Е.А. Инфраструктура: влияние на экономический рост и пространственные экстерналии // <https://publications.hse.ru/mirror/pubs/share/folder/qy14jl3ufe/direct/91021782.pdf>
4. Morrison C.J., Schwartz A.E. State Infrastructure and Productive Performance // American Economic Review. 1996. 86. P. 1095-1111.
5. Moreno R, Lopez-Bazo E. Returns to Local and Transport Infrastructure under Regional Spillovers // International Regional Science Review. 2007. 30. P. 47-71
6. Моргунов Е.В., Мамаев С.М. Развитие городов через призму качества жизни населения // Вестник Томского государственного университета. Экономика. 2017. № 38. С. 26-42.
7. Кожевников С. А. Агломерационные процессы на Европейском Севере России: опыт Вологодской области // Регионология. Том 26 б №4, 2018. С. 718-741.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Қодиров Абдурашид Маджитович** –  
ТДИУ ҳузуридаги ИТМ, и.ф.д., проф.

**Базаров Фурқат Одилевич** –  
Тошкент молия институти, и.ф.н., доц.

**Ахмедиева Алия Тохтаровна** –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, и.ф.н., доц.

**Маъмуров Бахтиёр Холматжанович** –  
ТДИУ ҳузуридаги ИТМ докторанти

**Аннотация.** Мамлакатда АКТ соҳасининг ривожланиш ҳолати, рақамли трансформация жараёни ва жаҳон бозорида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси ўрганилди. Жаҳон ва Ўзбекистон АКТ бозорининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини башорат қилиш учун кўп омилли модел шакллантирилди. 2021-2025 йиллар учун прогноз қилинди, рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича хулоса ва таклифлар берилди.

**Асосий тушунчалар.** рақамли иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, Интернет, дастурий таъминот, рақобат, прогноз, АКТ, рақамли трансформация, ахборотлашган жамият.

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Қодиров Абдурашид Маджитович** –  
НИЦ при ТГЭУ, д.э.н., проф.

**Базаров Фурқат Одилевич** –  
Ташкентский финансовый институт, к.э.н., доц.

**Ахмедиева Алия Тохтаровна** –  
Ташкентский государственный экономический университет, к.э.н., доц.

**Маъмуров Бахтиёр Холматжанович** –  
докторант, НИЦ при ТГЭУ

**Аннотация.** Изучены состояние развития сектора ИКТ в стране, процесс цифровой трансформации и уровень конкурентоспособности национальной экономики на мировом рынке. Проанализированы основные показатели мирового и узбекского рынка ИКТ. Разработана многофакторная модель для прогнозирования объема коммуникационных и информационных услуг в Узбекистане. Сделан прогноз на 2021-2025 годы, даны выводы и рекомендации по дальнейшему развитию цифровой экономики.

**Ключевые слова.** цифровая экономика, национальная экономика, Интернет, программное обеспечение, конкуренция, прогноз, ИКТ, цифровая трансформация, информационное общество.

FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY IN  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Kadirov Abdurashid Madjitovich** -  
Research center the Tashkent State University  
of Economics, Doctor of Economics, Professor

**Bazarov Furkat Odilovich** -  
Tashkent institute of finance, Candidate of  
Economic Sciences, Associate Professor

**Akhmedieva Aliya Tohtarovna** -  
Tashkent State University of Economics,  
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

**Mamurov Bahtiyor Holmatjanovich** -  
doctoral student, Research center "Scientific foundations and  
problems of development of the economy of Uzbekistan" at the TSEU

**Abstract.** The state of development of the ICT sector in the country, the process of digital transformation and the level of competitiveness of the national economy in the world market have been studied. The main indicators of the global and Uzbek ICT market are analyzed. A multifactor model has been developed to predict the volume of communication and information services in Uzbekistan. The forecast for 2021-2025 was made, conclusions and recommendations on further development of the digital economy were given.

**Keywords.** digital economy, national economy, Internet, software, competition, forecast, ICT, digital transformation, information society.

**Кириш.** Мамлакатда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасини ривожлантириш, жаҳон бозорида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш иқтисодиётни интенсив таркибий ўзгаришлар билан ажралиб турадиган янги тараққиёт даражасига олиб чиқишга ёрдам беради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, умуман миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ. Жаҳон иқтисодий форумининг маълумотларига кўра, давлатларнинг иқтисодий рақобатбардошлиги уларнинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси билан юқори даражада боғлиқликка эга. Ахборот технологиялари соҳаси дунёдаги энг жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир.

2020 йил январ ойида Gartner - ахборот технологиялари бозорларига ихтисослашган илмий-тадқиқот ва консалтинг компанияси 2019 йилда жаҳон АКТ бозорини ривожлантиришнинг дастлабки натижаларини маълум қилди ва 2020-2021 учун прогноз кўрсаткичларни тақдим этди. Таҳлилчиларнинг фикрича, 2019 йилда унинг ҳажми 3,74 трлн. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2018 йилга нисбатан 0,5% га кўпдир[4].

Энг тез ўсиб бораётган ва ривожланишда давом этадиган бу корпоратив дастурий таъминот бозори - 2019 йилда 8,5 фоизга ўсиб, 456 миллиард долларни ташкил этди ва кейинги йилларда унинг ўсиш суръати 10,5 фоизга етиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабаби булутли технология туфайли тобора қулайроқ бўлиб келаётган дастурий таъминот хизматларининг машхурлигидир.

Қуйидаги 1-жадвалга кўра, жаҳон АКТ бозорининг энг йирик сегменти алоқа хизматлари ҳисобланади (2019 йилда 1,36 триллион доллар). Иккинчи ўринда АТ хизматлари (1,03 трлн. Доллар). Gartner - глобал тадқиқот ва маслаҳат компанияси 2019 йилдаги пасайишдан сўнг маълумотлар маркази бозори (мос равишда - 2,7% ва 1,9%) ва қурилмалар бозори (мос равишда - 4,3% ва 0,8%) 2021 йил яна ўсишини тахмин қилди.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, янги ахборот ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши нафақат миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ўсишига бевосита таъсир қилади, балки самарали тадқиқот ва таълим соҳасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди[2].

1-жадвал

Жаҳон АКТ бозорининг айрим кўрсаткичлари[3]

	Бозор ҳажми 2019, млрд. доллар	Ўсиш 2019/ 2018, %	Бозор ҳажми 2020, млрд. доллар	Ўсиш 2020/ 2019, %	Бозор ҳажми 2021, млрд. доллар*	Ўсиш 2021/ 2020, %
Маълумот марказлари (Data center)	205	-2,7	208	1,9	212	1,5
Корпоратив дастурий таъминот	456	8,5	503	10,5	556	10,5
Қурилмалар	682	-4,3	688	0,8	685	0,3
АТ хизматлари	1030	3,6	1081	5,0	1140	5,5
Алоқа хизматлари	1364	-1,1	1384	1,5	1413	2,1
<b>Жами</b>	<b>3737</b>	<b>0,5</b>	<b>3864</b>	<b>3,4</b>	<b>4006</b>	<b>3,7</b>

\*2021 – йил учун прогноз кўрсаткичлар

**Адабиётлар таҳлили.** Рақамли иқтисодиёт, унинг шакллари ва таъсир этувчи омилларининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижий олимлар, жумладан: С.Алстром, Д.Белл, К.Берд, Н.Винер, Б.Гейтс, Д.Гёлди, Е.Геллнер, К.Гирц, П.Друкер, Дж.Лихтгайм, Г.Маклюэн, Р.Макридис, Г.Менш, А.Пшеворский, Д.Рисмен, М.Роуз, Т.Стоуньер, Э.Тоффлер, М.Фриден, Ф.Фукуяма, К.Шваб, Й.Шумпетер ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон иқтисодиётида ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақамли иқтисодиётни жорий этишнинг долзарб масалалари ва ижтимоий-иқтисодиётга таъсирини ўлчаш билан боғлиқ тадқиқотлар А.М.Қодиров, С.С.Гулямов, А.Н.Арипов, О.Умаров, К.Х.Абдурахмонов, Г.Р.Балтабаева ва мамлакатимизнинг бошқа

кўплаб етакчи иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда ИСТР – Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) лойиҳаси доирасида бир қатор махсус тадқиқотлар ўтказилди. Жумладан, “Ўзбекистонда Интернет ривожланишининг ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилиш”, “Ўзбекистонда дастурий таъминотга интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича қўлланма”, “Ўзбекистонда ахборот жамияти ҳолатини таҳлил қилиш”, “Ўзбекистонда дастурий таъминот экспорт саноатини ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари” ва бошқалар.

**Асосий қисм.** Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ахборот жамиятига ўтиш концепцияси ва дастурларини амалга оширишни устувор вазифа сифатида

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

белгилаб олдилар. Шунга ўхшаш тушунчалар АҚШ, Буюк Британия, Канада, Финляндия, Франция, Япония, Италия, Ҳиндистон ва бошқаларда ишлаб чиқилган ҳамда амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатлар турли шаклларда амалга оширилмоқда, лекин жаҳон ахборот ҳамжамиятининг етакчиларидан бири бўлиш мақсадини кўзламоқда.

Ахборот жамиятига ўтиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таркибида ўзаро боғлиқ бўлган тубдан янги ўзгаришларни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида янги янада ривожланган, самаралироқ ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши ва объектив таъсири билан боғлиқ.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг бир қисмидир, шунинг учун халқаро бозорда давом этаётган интеграция жараёнлари саноат ташкилотларидан нафақат миллий, балки глобал даражада ҳам ахборот жамиятига киришни талаб қилмоқда.

Минтақалар бўйича, кўплаб мамлакатларда комплекс миқёсида телекоммуникация хизматлари устунлик қилишда давом этмоқда. Ўсиш суръатлари бўйича бу ерда “бешлик” етакчилик қилмоқда: Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Россия. Ушбу гуруҳ мамлакатларини жаҳон бозорининг 50% даражасида ўсишига кўшган ҳиссаси асосан уяли алоқанинг ривожланиши билан боғлиқ[5]. Шу билан бирга, телекоммуникация бозорининг тўйинганлик чегарасига етган етакчи мамлакатларда ривожланишнинг янги истиқболли (иқтисодий жиҳатдан самарали) йўналишларини излаш фаол давом этмоқда. Захиралардан бири – симли ва мобил

ечимдаги кенг поласали уланиш янги хизматларни тижоратлаштириш учун кенг имкониятлар очади.

Алоқа воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича АКТ мажмуасида энг юқори ўринларни Хитой, Ҳиндистон ва Осиё-Тинч океани минтақаси эгаллайди. Уларнинг сотуви умумий даромаднинг 13-20% ни ташкил этади. Шу билан бирга, Хитой алақачон бозорнинг 11 фоизини назорат қилиб, Япониядан атиги 1 фоиз ортда қолмоқда.

Gartner таҳлилчиларининг фикрига кўра, тармоқ ускуналари қисмида корхоналар учун бозорнинг асосий улушини булутли технологиялар ва мобил алоқа бўлади. Ethernet – калитларга бўлган талабни рағбатлантириш маълумотлар марказларини виртуаллаштириш ва булутли технологияга асосланган бўлиб, мобил алоқа нуқталарининг тарқалиши симсиз LAN ускуналарига бўлган талабни кучайтиришда давом этмоқда. Бунинг учун CRM, DBMS, маълумотлар интеграцияси ва маълумотлар сифатини яхшилаш воситалари каби дастурий таъминот турлари талаб қилинади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда инфратузилмани яратиш билан аҳолини янги технологияларга тезкор жалб қилиш зарурияти туғилади. Юқоридагиларни келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг барча йўналишларида амалга оширилган Ўзбекистон Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш стратегияси ижобий тенденцияни намойиш этмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

### Ўзбекистонда АКТ инфратузилмасининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015	2017	2019	Ўзгариши, 2019 йил 2015 йилга нисбатан	
					(+), (-)	%
АКТ секторининг ялпи қўшилган қиймати	трлн. сўм	190,0	267,7	465,3	+275,3	244,9
Уй хўжалиқларидаги АКТ воситалари, жумладан:						
телевизор	100 уй хўжалигига, дона	152	154	160	+8	105,3
уяли алоқа воситаси		234	257	282	+48	120,5
шахсий компьютер		42	44	47	+5	111,9
TAS-IX трафик алмашиш қобилияти, жумладан:	Гбит/с	5880,0	5880,0	5880,0	0,0	100,0
фойдаланилаётган ҳажм	Гбит/с	44,6	73,2	122,5	+77,9	274,7
юклар олиш	%	16,0	47,3	62,1	+46,1	388,1
Магистрал тармоқларнинг ўтказиш қобилияти	Гбит/с	100,0	200,0	400,0	+300,0	400,0
Ўрнатилган кенг доирадаги Интернет тармоғи	минг порт	722,9	1039,2	1878,5	+1155,6	259,9
Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги	минг км	20,0	24,5	36,6	+16,6	183,0
Мобиль алоқа тизимига уланган абонент радиостанциялари сони	минг бирлик	20666,1	22504,5	23846,7	+3180,6	115,4
Мобиль алоқа тизимига уланган абонент радиостанцияларининг қамров даражаси	%	66,0	69,5	71,0	+5,0	107,6
Уяли мобиль алоқа таянч станциялари сони	минг дона	16,3	20,0	26,4	+10,1	162,0

*Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилган*

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Таҳлил қилинаётган даврда АКТ секторининг ялпи қўшилган қиймати 190,0 триллион сўмдан (2015) 465,3 триллион сўмгача (2019) ўсди ёки ўсиш 2,4 баробар, оптик толали алоқа линияларининг узунлиги ва ўрнатилган кенг доирадаги Интернет тармоғи портлари сони мос равишда 1,8 ва 2,5 бараварга ўсди.

2015-2019 йилларда Интернетга уланганлар сони 8339,1 минг кишидан 16386,2 минг кишига ошди ёки ўсиш 196,5% ни ташкил этди. Трафик тезлиги 40 Гбит/с дан 1200,0 Гбит/с гача ўсди, Интернетга уланиш нархи эса 438,1 минг сўмдан 56,0 минг сўмгача камайди (3-жадвал).

3-жадвал

### Ўзбекистонда Интернет хизматларининг асосий кўрсаткичлари\*

Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	2015	2016	2017	2018	2019	Ўзгариши, 2019/2015	
							(+), (-)	%
Интернет тармоғига уланган абонентлар сони	минг киши	8339,1	9626,8	11168,0	13321,7	16386,2	+8047,1	196,5
Интернетдан фойдаланувчи аҳолининг умумий аҳоли сонидоги улуши	%	25,8	29,1	33,2	39,1	46,9	+21,1	181,8
Интернет тезлиги	Гбит/с	40,0	80,0	120,0	1200,0	1200,0	+1160,0	30 баробар
Интернет тармоғидан фойдаланилаётган сиғим	Гбит/с	26,4	55,0	94,0	439,0	750,0	+723,6	28 баробар
1 Мбит/с Интернет тармоғига уланиш нархи	минг сўм	438,1	294,4	245,0	84,9	56,0	-382,1	12,8
Интернетга уланган корхона ва ташкилотлар улуши	%	21,6	25,9	27,2	27,5	26,2	+4,6	121,3

\*Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилган

Маҳаллий дастурий таъминот бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2021 йил 1 март ҳолатига 164 та маҳаллий компанияларни ўз ичига олган дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларнинг Миллий реестри яратилган[6], 1750 та маҳаллий дастурий маҳсулотлар[7] ҳақида маълумот software.uz дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларининг ички каталогига жойлаштирилган.

Соҳанинг муаммоларидан бири бу малакали кадрларнинг етишмаслиги. Шу билан бир қаторда малакали дастурчилар ҳам етишмаяпти. Кўпгина университетларда дастурлаш амалий фан ҳисобланади, чунки университетлар маълум бир соҳа учун дастурчиларни тайёрлайди: транспорт, машинасозлик ва ҳқ. Шу билан бирга, ихтисослашув бўйича маълумотлар баъзан ортиқча бўлиб, дастурлаш қобилиятларини ўргатиш етарли эмас.

Соҳада ишлаш учун мутахассисларнинг бошланғич базасига киритилган ахборот технологияларига оид мутахассисликлар бўйича битирувчилар сонини кўпайтиришга эътиборни кучайтириш керак. Дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва архитектура соҳасида ишга жойлашишда бир қатор компанияларнинг тажрибасига кўра, олий таълим муассасаларининг ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисликлари бўйича битирувчилари физика-математика ёки муҳандислик мутахассисликлари битирувчила-

ри устидан деярли ҳеч қандай афзалликларга эга эмаслар.

Узоқ муддатли истиқболда миллий иқтисодиётнинг ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг тизимли муаммосини амалий ҳал қилишда иккита асосий тамойилга амал қилиш муҳимдир:

- АКТнинг муҳим йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун маблағларнинг тўпланиши: фундаментал ва амалий билимларнинг кўпайиши; “инсон капитали” сифат даражасини ошириш бу соҳада Ўзбекистоннинг рақобатдош устунликларидан бири бўлиши мумкин;

- давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланган ҳолда билимларнинг бозор маҳсулотига айланишини таъминлайдиган ахборот инфратузилмасини яратиш. Илмий тадқиқотларнинг бир қисми, ахборот инфратузилмасини яратиш давлат иштирокида, бозорни тижоратлаштириш эса асосан бизнеснинг ўзи томонидан амалга оширилиши керак.

Шу билан бирга, АКТ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга кўчириш жараёни мавжуд бўлган дунё ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиш керак. Хитой, Жануби-Шарқий Осиё, лотин Америкаси ва Шарқий Европа мамлакатлари асосий офшор ишлаб чиқариш ва экспорт зоналари бўлиб, кўп хорижий АКТ компанияларини ўз ичига олади. Улар АКТ ишлаб чиқаришни ривожланти-

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

риш учун катализаторга айландилар, бу ерда уларнинг катта маблағлари йўналтирилади. Бунинг сабаби шундаки, ушбу маҳсулотлар юқори сифатли, лекин ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида арзонроқ нархларда ишлаб чиқарилмоқда, бу уларнинг маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширади. Умуман олганда, АКТ бозори жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ва катта тармоқларидан бирига айланди, бу ўз навбатида ушбу соҳада халқаро рақобатни кучайтиришга олиб келди ва кўплаб мамлакатларга илмий-тадқиқот ва

тажриба-конструкторлик ишлари глобал АКТ соҳасида етакчиликни таъминлаш учун инновациялар ва маҳсулотлар харажатларини кўпайтиришга олиб келди.

Глобал рақамли технологиялар бозорида талабнинг шаклланишини ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ушбу маҳсулотнинг хусусиятларига асосланиб, ахборот технологияларига бўлган глобал талабни шакллантирадиган учта асосий истеъмолчилар гуруҳини ажратишга имкон беради (4-жадвал):

4-жадвал

### Рақамли технологияларга глобал талабни шакллантирадиган истеъмолчиларнинг асосий гуруҳлари[1]

№	Номи	Таркиби
1	саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган хусусий ва давлат корхоналари	жаҳон иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида рақобат кучайиб бораётган шароитда, бошқарув самарадорлигини оширишга интилиб, турли интеграцияланган бошқарув тизимларига (Enterprise Resource Planning Systems – ERP Systems, Customer Relationship Management Systems – CRM Systems, Product Service Management Systems – PSM Systems) барқарор талабни таъминлайди, уларнинг савдо даромадлари йилдан йилга ўсиб бормоқда
2	илмий-тадқиқот муассасалари ва университетлар	илмий-тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш, молия ва маъмурий бўлимлар, миллий кутубхоналар фаолиятини автоматлаштириш, шахсий компьютерлар учун инфратузилма дастурлари ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш марказлари хизматлари учун қўлланиладиган дастурий таъминотга асосий талабни шакллантиради
3	уй хўжаликлари	улар, биринчи навбатда, шахсий компьютерлар учун дастурий таъминот, матн, товуш, видео ва график маълумотларни қайта ишлаш учун талабга эга

Шундай қилиб, сўнгги пайтларда дунё ишлаб чиқариши ва савдосида ривожланаётган мамлакатлар йўналиши бўйича силжиш юз берганини айтиш мумкин. Буларнинг барчаси ушбу ривожланишга нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам қизиқишни кучайишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми (Y) ни башорат қилиш

(прогноз) учун кўп омилли модел шакллантирилди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмига таъсир этувчи омиллар сифатида: асосий капиталга инвестициялар (АКТ соҳаси учун) (X1), Интернетдан фойдаланувчилар сони (X2) ва уяли алоқа абонентлари сони (X3) танлаб олинган (5,6-жадваллар).

5-жадвал

### Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг асосий кўрсаткичлари[8]

Давр	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми, млрд. сўм	Асосий капиталга инвестициялар (АКТ), млрд. сўм	Интернетдан фойдаланувчилар сони, млн. киши	Уяли алоқа абонентлари сони, млн. киши
	Y	X1	X2	X3
2011	2515,0	773,7	6,9	23,2
2012	3046,0	671,4	8,8	19,4
2013	3503,9	760,5	9,8	20,3
2014	4195,1	760,7	10,0	19,6
2015	5181,5	985,3	10,2	20,1
2016	6306,8	1098,5	12,1	20,6
2017	8196,7	1926,1	14,7	21,4
2018	10332,6	1607,9	20,0	22,8
2019	10891,7	2679,0	22,0	23,6
2020	12634,4	3174,6	22,5	25,4

Ҳисоб-китоблар натижасида кўп омилли регрессия тенгламаси қуйидагича:  
 $Y = -151,469 + 0,9256 \cdot X1 + 500,9059 \cdot X2 - 63,1636 \cdot X3$ .


Ривожланиш кўрсаткичларининг корреляцион матрицаси

Кўрсаткичлар		Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми	Асосий капиталга инвестициялар (АКТ)	Интернетдан фойдаланувчилар сони	Уяли алоқа абонентлари сони
		Y	X1	X2	X3
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми	Y	1			
Асосий капиталга инвестициялар (АКТ)	X1	0,9375239	1		
Интернетдан фойдаланувчилар сони	X2	0,9838239	0,9241690	1	
Уяли алоқа абонентлари сони	X3	0,7366212	0,8148952	0,7335932	1

\* Муаллифлар томонидан шакллантирилган.

Модел параметрларини иқтисодий таҳлил қилиш мумкин: асосий капиталга инвестициялар (АКТ соҳаси учун)ни 1 бирликка ошириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг ўртача 0,93 бирликка кўпайишига олиб келади; Интернетдан фойдаланувчилар сонини 1 бирликка кўпайиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг ўртача 500,9 бирликка кўпайишига олиб келади; уяли алоқа аба-

нентлари сонини 1 бирликка ошириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг ўртача 63,2 бирликка камайишига олиб келади. Максимум коэффициент бўйича Интернет фойдаланувчилари сонининг ( $\beta_2 = 0,8$ ) алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмига энг катта таъсир кўрсатмоқда деган хулосага келиш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 2021-2025 йиллар учун прогнози, млрд. сўм\*

\* Муаллифлар томонидан шакллантирилган

Тенгламанинг статистик аҳамияти, аниқлаш коэффициенти ва Фишер критерияси билан ўрганилди. Аниқланишича, ўрганилаётган вазиятда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 97,38% ўзгарувчанлиги асосий капиталга инвестициялар (X1) ва Интернетдан фойдаланувчилар сонининг (X2) ўзгаришига боғлиқ.

**Хулоса.** Шундай қилиб, Глобал ахборот жамиятига киришнинг турли хорижий моделларининг шарт-шароитлари ва хусусиятларини аниқлаш Ўзбекистоннинг потенциал ҳамкорлар

ва рақобатчиларни аниқлайдиган глобал ахборот жамиятига кириши учун АКТ соҳасини ривожлантириш дастурларини ва институционал муҳитни янада яхшилаш зарур. Фикримизча, маҳаллий компаниялар ички бозорда рақобатбардош устунликларга эга бўлган саноатнинг АКТ сегментларига, шунингдек, истиқболли ўсиш потенциалига эга бўлган глобал АКТ бозорининг сегментларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Асосий вазифа технологик ривожланишнинг миллий устувор йўналишларини самарали



амалга ошириш учун республикада илмий-тадқиқот соҳасининг салоҳиятидан фойдаланиш, айти пайтда ахборот-коммуникация секторини “билим иқтисодиёти” ишлаб чиқариш тармоғига айлантириш. Истиқболда ушбу муаммонинг куйидаги асосий жиҳатларини ўрганиш талаб этилади: республика ахборот-коммуникация соҳасини глобал жаҳон бозорига интеграция қилиш стратегиясига концептуал ёндашувлар; иқтисодиётнинг инновацион-ахборот турини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; миллий иқтисодиётни ахборот жамия-

ти моделига ўтишга рағбатлантириш стратегияси.

Ушбу тадқиқотлар давомида олинган назарий натижалар ахборотлашган жамиятни шакллантириш, мамлакат рақобатбардошлигини оширишнинг янги шарт-шароитлари ва манбаларини яратиш, шунингдек, рақамли трансформация жараёнини жадаллаштириш орқали рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳамда уларни жаҳон иқтисодий тизимининг глобаллашув муаммоларига мослаштириш механизмини кенгайтиришга қаратилган илмий-услубий ёндашувларни кенгайтириш зарур ҳисобланади.

### *Манба ва адабиётлар рўйхати:*

1. *А.М.Кадыров, А.Т.Ахмедиева, Динамика мировых тенденций развития сектора информационно-коммуникационных технологий в условиях глобализации* [www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/37739-dinamika-mirovix-tndntsiy-razvitiya-sktora](http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/37739-dinamika-mirovix-tndntsiy-razvitiya-sktora)
2. *Б.Х.Маъмуров, “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва хориж тажрибаси” “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 4-сон, 2020 й. 38-43-бетлар.*
3. [www.gartner.com/en/information-technology](http://www.gartner.com/en/information-technology) маълумотлари асосида шакллантирилган
4. [www.weforum.org](http://www.weforum.org) – *The World Economic Forum* - давлат-хусусий ҳамкорлик халқаро ташкилоти расмий веб-саҳифаси
5. [www.oecd.org/sti/interneteconomy](http://www.oecd.org/sti/interneteconomy) - *OECD Information Technology Outlook*.
6. [http://software.uz/ru/organization?in\\_registry=1](http://software.uz/ru/organization?in_registry=1)
7. <http://software.uz/ru/software>
8. *Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик тўпламлари*

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

**Содиқов Авазбек Мадаминович** –  
Ўзбекистон Миллий Университети профессори  
**Валиев Бобур Батирович** –  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси доценти, DSc

**Аннотация.** Мақола минтақалар инвестиция салоҳияти юзасидан илмий қарашларни тадқиқ этиш, инвестицияларнинг ҳудудлар иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш ва инвестиция салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга бағишланган. Унда инвестицияларнинг минтақалар иқтисодий ўсишига таъсири эконометрик моделлар эластиклик коэффициенти орқали ҳисобланган.

**Асосий тушунчалар:** минтақа, инвестиция салоҳияти, иқтисодий ўсиш, эластиклик коэффициенти, минтақавий сиёсат, концепция, молиялаштириш манбаси.

РОЛЬ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
РОСТА В РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА

**Садыков Авазбек Мадаминович** –  
профессор Национального университета Узбекистана  
**Валиев Бобур Батирович** –  
доцент Международной исламской академии  
Узбекистана, DSc

**Аннотация.** Статья посвящена изучению научных взглядов на инвестиционный потенциал регионов, оценке влияния инвестиций на экономический рост в регионах и разработке предложений по увеличению инвестиционного потенциала. В нем влияние инвестиций на экономический рост регионов рассчитывается с помощью коэффициента эластичности эконометрических моделей.

**Ключевые понятия:** регион, инвестиционный потенциал, экономический рост, коэффициент эластичности, региональная политика, концепция, источник финансирования.

THE ROLE OF INVESTMENT POTENTIAL IN ENSURING ECONOMIC GROWTH  
IN THE REGIONS OF UZBEKISTAN

**Sadikov Avazbek Madaminovich** –  
professor of National University of Uzbekistan  
**Batirovich Bobur Valiev**  
Assistant professor of International  
Islamic Academy of Uzbekistan, DSc

**Annotation.** The article is devoted to the study of scientific views on the investment potential of the regions, the assessment of the impact of investments on economic growth in the regions and the development of proposals to increase the investment potential. It calculates the influence of investments on the economic growth of regions using the coefficient of elasticity of econometric models.

**Key concepts:** region, investment potential, economic growth, elasticity coefficient, regional policy, concept, source of funding.

**Кириш.** Дунё мамлакатларида охириги йилларда давлат ички минтақалари иқтисодиёти ўртасидаги номуносивликлар ошиб бормоқда. Жумладан, ривожланган илғор давлатларда реал ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми бўйича энг юқори ва энг паст 10 фоизликка кировчи ҳудудлар ўртасидаги ўртача фарқ ортиб бориб, охириги ўн йилликда 1,7 баробарни, ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу тафовут таҳлил даврида 3,2 баробарни ташкил этган. Айрим ҳолатларда эса иқтисодий салоҳият бўйича мамлакатлар ичидаги ҳудудлар ўртасидаги фарқ мамлакатлар ўртасидаги фарқдан катта бўлмоқда[1].

Мамлакатимиз минтақаларида ҳам инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизми-

ни такомиллаштириш ва ҳудудлар инвестиция салоҳиятини ошириш вазифаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам, республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида[2] ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам алоҳида устувор йўналишлар сифатида ҳудудларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, уларни комплекс ривожлантириш тадбирларини ва иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шартини бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифалари қўйилган.

Республикамизда 2019 йил 14 майда қабул қилинган ПФ-5717 сон “Ўзбекистон Респуб-

ликаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 1 майда эълон қилинган ПҚ-4702 сон “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” Қарори ва бошқа мазкур соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишининг асосий мақсадларидан бири ҳам худудлар инвестиция салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Минтақаларнинг инвестиция салоҳияти масаласига кўпгина илмий тадқиқотларда ҳам ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз иқтисодчи олими А.М.Содиқовнинг ёндашувига кўра, муайян минтақада инвестиция салоҳияти ундаги табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий салоҳият билан аниқланади[3]. Унинг тадқиқотларида келтирилишича, фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олибгина капитални жалб қилишдан кутилаётган самарага эришиш ва уни иқтисодиётни жадал ривожлантиришга йўналтириш мумкин. А.М.Марголиннинг фикрича, инвестиция салоҳияти бу маълум даражада тартибланган инвестиция ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, улардан фойдаланиш синергизм самарасига эришишни таъминлайди, объектга турли омилларнинг ўзаро биргаликдаги таъсирлашуви натижасидаги самарани таъминлайди. Мазкур таъсир самараси эса омилларнинг объектга алоҳида таъсирлари самараси йиғиндисидан катта бўлади[4]. С.А.Трухин эса инвестиция салоҳиятини меҳнат, истеъмол, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инновацион, инфратузилма ва табиий-ресурс салоҳиятларини баҳолаш орқали аниқлашни таклиф этади [5]. Бошқа бир иқтисодчи олим Д.Д.Деньгин инвестиция салоҳиятини минтақанинг макроиқтисодий хусусияти сифатида билиб, ўз ичига иқтисодий-географик шароити, худуднинг ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби каби омилларни қамраб олишини таъкидлайди[6].

К. Гуадалупе и Г. Кастро каби иқтисодчилар эса ўз илмий ишларида Мексика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳиятига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлар сифатида даромадлар даражаси (жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, реал ўртача иш ҳақи), бозор ҳажми (ЯИМ, аҳоли сони), инсон капитали (жон бошига тўғри келувчи таълимга давлат харажатлари, таълим даражаси), инфратузилма (жон бошига тўғри келувчи транспорт ва алоқага давлат харажатлари, жон бошига тўғри келувчи

стационар телефонлар сони), географик жойлашув (минтақа марказидан пойтахтгача масофа, минтақа марказидан энг яқин чегарадаги чорраҳагача масофа) индикаторларидан фойдаланганлар [7].

Яна бир манбада минтақавий иқтисодий ўсиш, ишсизлик, ишлаб чиқариш омилларининг бир-биридан ҳар хил масофада жойлашган минтақалар орасидаги ҳаракати муаммолари эконометрик моделлар тўпламидан фойдаланадиган минтақавий макроиқтисодиётнинг таҳлил мавзуси ҳисобланади ва худудларда рўй бераётган жараёнларнинг моҳиятини тушунишга ва тегишли минтақавий иқтисодий сиёсатни шакллантиришга ёрдам беради [8].

Ғарб адабиётларида инвестиция фаолиятини акс эттиришда “инвестиция салоҳияти” тушунчаси билан биргаликда, “инвестиция муҳити”, “инвестицион жозибадорлик” тушунчалари ҳам кўп ишлатилади. Иқтисодчилар К. Хэд и Т. Майер ўз тадқиқотларида бозор салоҳияти ва япон инвестиция ресурсларининг Европа Иттифоқида жойлашуви масалаларини таҳлил қилганлар[9]. Уларнинг фикрича, инвестицияларни жойлашувини танлашга таъсир кўрсатадиган энг муҳим омил талаб ҳисобланади. Хусусан, улар ўтказган тадқиқот натижаларига кўра муайян худудда бозор салоҳиятининг 10%га ўсиши, мазкур худуд хусусиятларига боғлиқ ҳолда унинг инвесторлар томонидан танланиш имкониятини 3-11%га оширади.

А. Охотина ва О. Лавриненка каби муаллифлар эса инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омиллар сифатида сиёсий, ҳуқуқий, экологик шарт-шароитларни келтирадилар[10]. Сербия давлати минтақалари бизнес муҳитини баҳолашда С.Радукич ва Ж.Станковиц ўз илмий ишида ўн иккита гуруҳ мезонларидан фойдаланган [11]: маҳаллий иқтисодий ривожланишга стратегик ёндашувнинг зарурлиги, иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий салоҳияти, маҳаллий бизнес билан доимий ҳамкорлик ва алоқанинг мавжудлиги, қурилиш ишларига рухсат беришнинг самарадорлиги, бизнес учун ахборотнинг тўлақонли етказиб берилиши, минтақада инвестициялар ва маркетингнинг қўллаб-қувватланиши, кредитга қобиллик ва молиявий барқарорлик, бандликни ва инсон ресурслари ривожланишини қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш, мос инфратузилма ва ишончли маиший хизмат, маҳаллий тўловлар, солиқлар ва йиғимларнинг очиқ ва рағбатлантирувчи сиёсати, ахборот технологияларни жорий қилиш.

Хюксу Чо ва Еонгсеок Ха эса ўз методикаларида Кореянинг Поханг-Еонгил портига хорижий инвестицияларни жалб қилишда энг муҳим омиллар қаторида ҳукуматнинг рағбатланти-

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

рувчи сиёсати, эркин савдо зоналарининг мавжудлиги, саноат кластерларининг ривожланганлиги, транспорт тармоқлари, ахборот ва алоқа технологияларининг мавжудлиги кабиларни санаб ўтган [12].

**Асосий қисм.** Мамлакатимизга 2020 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 202 трлн сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 91,8 %ни ташкил этган ва пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2010-2019 йилларда ўрта ҳисобда мамлакатимизга жалб қилинган асосий капиталга инвестицияларнинг 52,7% тўртта ҳудуд - Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳудудлар орасида пойтахт Тошкент шаҳри мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар таркибида энг катта улушга (айтилган даврда ўртача 19,7%) эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2010-2013 йилларда 20,6%, 2014-2016 йилларда 17,6%, 2017-2019 йилларда 20,7% га етган (1-жадвал). Ваҳоланки 2010-2019

йилларда Тошкент шаҳри мамлакат аҳолисининг ўртача 7,7 %ни, республика ялпи ичи маҳсулотининг эса ўртача 14,7 %ни эгаллаган. Бу эса мамлакатга ўзлаштирилаётган инвестициялар пойтахтнинг иқтисодий кўлами ва аҳолиси сонига нисбатан каттароқ улушга эга эканини кўрсатади. Айтилган даврда Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳам мос равишда республика иқтисодиётининг 7,7 % ва 5,6 %ни, аҳолининг эса 9,5 % ва 5,8 % ташкил этсада, уларга ўзлаштирилган инвестициялар республикага ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 13,1% ва 10,5 %ни ташкил этмоқда.

2019 йилда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида 29,3% ёки 55,6 трлн. сўм маблағ корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз ресурслари ҳисобига, манбаларнинг 70,7% ёки 134,3 трлн. сўмдан ортиқ қисми эса жалб қилинган маблағлар ҳисобига таъминланди.

1-жадвал

**2010-2019 йилларда Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, ўртача %да**

№	Ҳудудлар номлари	2010-2013 йй.	2014-2016 йй.	2017-2019 йй.	2010-2019 йй. ўртача
	<b>Тошкент ш.</b>	20,6	17,6	20,7	<b>19,7</b>
	<b>Қашқадарё</b>	11,9	13,6	14,2	<b>13,1</b>
	<b>Бухоро</b>	11,1	10,3	9,7	<b>10,5</b>
	<b>Тошкент вил.</b>	10,0	9,5	8,6	<b>9,4</b>
	<b>Навоий</b>	7,9	4,9	8,1	<b>7,1</b>
	<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	5,3	11,0	4,6	<b>6,8</b>
	<b>Самарқанд</b>	6,3	6,6	5,4	<b>6,1</b>
	<b>Фарғона</b>	6,2	5,2	4,4	<b>5,3</b>
	<b>Наманган</b>	3,5	4,9	5,9	<b>4,6</b>
	<b>Сурхондарё</b>	3,9	3,9	5,6	<b>4,4</b>
	<b>Андижон</b>	4,4	4,0	3,9	<b>4,1</b>
	<b>Хоразм</b>	3,1	3,4	2,9	<b>3,1</b>
	<b>Жиззах</b>	2,9	2,7	3,1	<b>2,9</b>
	<b>Сирдарё</b>	2,8	2,5	2,5	<b>2,6</b>

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Айтилган йилда давлат ташаббуси ва таъсири остида бўладиган марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан деярли 50,7 трлн. сўмлик инвестициялар молиялаштирилди ва бу жами инвестицияларнинг 26,6%ни ташкил этди. Инвестицияларни жалб қилишда ҳуссий сектор ташаббускорлигининг ортиши ҳисобига марказлашган инвестицияларнинг 2019 йилдаги улуши аввалги йилга нисбатан 5,5% пунктга камайди.

Инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашда уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари ҳам аниқ хулосалар чиқариш имконини беради

(2-жадвал). Шу боис, Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудлари бўйича 2000-2020 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари таъсири панел маълумотлар базасига асосланган регрессия функциялари орқали баҳоланди.

Содда қилиб айтганда, 2020 йилда эришилган иқтисодий ўсишга инвестицияларнинг таъсирини баҳолашда ушбу ўсишни таъминлашга киритилган 2018, 2019 ва 2020 йилдаги инвестициялар ҳисобга олиниши даркор. Эконометрик ҳисоб-китобларни формаллашган функция кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Ўзбекистон ҳудудларида инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини  
эконометрик баҳолаш натижалари

Тобе ўзгарувчи (grp_growth) – ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши							
Мустақил ўзгарувчилар (independent variable)		Эластиклик коэффицентлари					
		1 йиллик лаг		2 йиллик лаг		3 йиллик лаг	
		Random effects GLS regression	Fixed effects (within) regression	Random effects GLS regression	Fixed effects (within) regression	Random effects GLS regression	Fixed effects (within) regression
C	константа	104.8489 (*1.223885) (**85.67) (***0.000)	104.8084 (*1.160727) (**90.30) (***0.000)	104.6087 (*1.227492) (**85.22) (***0.000)	104.595 (*1.161363) (**90.06) (***0.000)	101.5541 (*2.189705) (**46.38) (***0.000)	101.5344 (*2.172638) (**46.73) (***0.000)
In_gr	Ҳар бир ҳудудда жами инвестициялар ўсиш суръати	<b>0.0241959</b> (*0.0098802) (**2.45) (***0.014)	<b>0.024554</b> (*0.0099607) (**2.47) (***0.015)	<b>0.0255824</b> (*0.0096373) (**2.65) (***0.008)	<b>0.0256999</b> (*0.0096902) (**2.65) (***0.009)	<b>0.0526826</b> (*0.0186226) (**2.83) (***0.005)	<b>0.0528552</b> (*0.0188195) (**2.81) (***0.006)
R-squared: within		0.0519		0.0596		0.0663	
R-squared: between		0.0016		0.0003		0.0048	
R-squared: overall		0.0364		0.0438		0.0507	
rho		0.2013652	0.25331415	0.20354306	0.25359971	0.20418531	0.25350189
Танланма даври Time: 2000-2020		Танланма гуруҳлари сони Number of groups=14		Кузатувлар сони Number of obs=154			
* Стандарт хатолик (Std. Error)		** t (z) - статистика (t-Statistic)			***p-эҳтимоллик қиймати (Prob.Value)		

$$\begin{aligned}
 &grp\_growth=0.0241959*in\_gr\_1+104.8489 (RE) \\
 &grp\_growth=0.024554*in\_gr\_1+104.8084 (FE) \\
 &grp\_growth=0.0255824*in\_gr\_2+104.6087 (RE) \\
 &grp\_growth=0.0256999*in\_gr\_2+104.595 (FE) \\
 &grp\_growth=0.0526826*in\_gr\_3+101.5541 (RE) \\
 &grp\_growth=0.0528552*in\_gr\_3+101.5344 (FE)
 \end{aligned}$$

Эконометрик баҳолашда 14 та ҳудуд бўйича 11 йиллик маълумотлардан фойдаланилгани боис кузатув нуқталари сони 154 тага етди. Бошқача айтганда, ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш ва инвестицияларнинг ошиши ўртасидаги 154 та ўзаро таъсирлашув ҳолатини ўзаро таҳлил қилиш асосида “Stata” компьютер дастуридан фойдаланиб, инвестицияларнинг иқтисодий таъсири қонуниятини аниқланди. Эконометрик ҳисоб-китоблар орқали жуфтлик регрессия функциялари ёрдамида инвестициялар ўсишининг иқтисодий ўсишга таъсир даражаси эластиклик коэффицентлари орқали ифодаланди. Маълумки, инвестициялар ишлаб чиқаришга ўзлаштирилиши билан якуний натижага, яъни иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиши учун муайян муддат талаб этилади. Мазкур муддат инвестицион лаг деб номланиб, инвестициялар таъсирининг маълум вақт оралиғида кечикиб иқтисодий ўсишга ўтишини ифодалайди. Муаллиф эконометрик ҳисоб-китобларда инвестициялар таъсирининг ушбу хусусиятларини ҳам эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ҳудудларида инвестицияларнинг 3 йилгача бўлган ҳар бир лагдан фойдаланган.

Ўзбекистон минтақаларида 2010-2020 йилларга нисбатан инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижаларига кўра инвестицияларнинг эластиклик коэффицентини бир йиллик лаг ҳолатида (“Random effects GLS regression”, Fixed effects (within) regression усулларида) **0.024** дан ортиқни, икки йиллик лаг билан айtilган икки усулда ҳам **0.025** дан ортиқни ташкил этган. Уч йиллик лагни ҳисоблашда эса сўнгги уч йиллик кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматидан фойдаланилди. Натижада эса уч йиллик лаг ҳолатида ҳудудларда инвестициялар ўсишининг иқтисодий ўсишга таъсири эластиклик коэффицентини деярли **0.053** ни ташкил этди. Мазкур рақамлардан кўриш мумкинки, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсир даражаси уч йиллик (лаг) даврда ўзининг энг юқори қийматига эга бўлган. Бу эса муайян йилга нисбатан сўнгги уч йилликда ҳудудларга жалб қилинган инвестицияларнинг ўртача ўсиш суръатининг 1 фоиз пунктга кўтарилиши (масалан, ўсиш суръати 102 %дан 103 %га етган бўлса) иқтисодий ўсиш суръатининг (ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати) 0,053 фоиз

пунктга ошиши билан уйғун келмоқда. Шунингдек, эластиклик коэфффициентларининг турли лаглар бўйича қийматларининг кўрсатишича, мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция лойиҳалари биринчи ва иккинчи йилларга қарганда, уч йиллик даврда иқтисодий ўсишга энг кўп ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Натижалар.** Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистон минтақалари инвестиция салоҳиятини ошириш ва инвестиция самарадорлигини яхшилаш юзасидан бир қатор тавсияларни бериш мумкин. Мамлакатимизда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларга инвестицияларни фаол ўзлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда дастлабки босқичда узоқ муддатга мўлжалланган Минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур умумреспублика концепцияси эса алоҳида минтақалар доирасида узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар ва асосий мақсадларни аниқлашга асос бўлади. Кейинги босқичларда эса минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари асосида ҳудудлар инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини ишлаб чиқиш ва инвестиция салоҳиятини оширишда куйидаги асосий вазифаларни қамраб олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

❖ мамлакат минтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда улар таркибида доимий равишда “ўсиш марказлари” ва “ортда қолаётган ҳудудлар”ни ажратиб бориш;

❖ “ўсиш марказлари” ҳисобланган минтақалардан периферия ҳудудлари ва узоқ қишлоқ жойларга янгиликлар ва инновациялар фаол диффузиясини таъминлаш учун барча шароитларни яратиш;

❖ ривожланган минтақалар ва ортда қолаётган ҳудудларни ўзаро боғловчи замонавий транспорт корридорлари тизимини шакллантириш;

❖ “ўсиш марказлар”ида шаклланган алоқа тармоғини ортда қолаётган ҳудудларда давом эттириш ва ривожлантириш;

❖ республиканинг ривожланган минтақалари ва тараққиётдан орқада қолаётган ҳудудлари ўртасида ўзаро ишчи кучи ва меҳнат ресурслари эркин ҳаракатини таъминлаш;

❖ ривожланган ҳудудларда фаолият юритаётган олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, “ақл” марказларининг ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудларда филиалларини очишни рағбатлантиришнинг самарали механизминини яратиш;

❖ ишлаб чиқариш, истеъмол, меҳнат, институционал ва инновация салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар имкониятларидан минтақалараро қўшма ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали ортда қолаётган минтақаларда самарали фойдаланишни таъминлаш.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://blogs.imf.org/2019/10/09/widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация // Монография. Ташкент, “Ўзбекистан”, 2019 й., - 511 с.
4. Марголин А. М. Экономическая оценка инвестиций. М., 2001. С. 357–359.
5. Трухин С.А. Оценка инвестиционной привлекательности и инновационного потенциала региона (на примере Алтайского края) // Ползуновский Вестник. 2006. № 3-1. С. 200–203.
6. Деньгин Д.Д. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования // Экономический журнал. 2009. Т. 16. № 2. С. 50–56.
7. Carmen Guadalupe Juárez Rivera, Gerardo Ángeles Castro Foreign direct investment in Mexico Determinants and its effect on income inequality // Contaduría y Administración. 2013. Vol. 58. № 4. P. 201–222.
8. Armstrong H., Taylor J. Regional Economic Policy. 3 ed. (1-ed. Philip Allan, Oxford, 1978) — Wiley-Blackwell, 2000, 437 p.
9. Head K.C., Mayer T. Market potential and the location of Japanese investment in the European Union // Review of Economics and Statistics. 2004. Vol. 86. № 4. P. 959–972.
10. Ohotina A., Lavrinenko O. Education of Employees and Investment Climate of the Region: The View of the Heads of Enterprises // Procedia – Social and Behavioral Sciences. 2015. Vol. 174. P. 3873–3877. doi: 10.1016/j.sbspro.2015.01.1127
11. Radukić S., Stanković Jo. Evaluation of Local Business Environment in The Republic of Serbia // Procedia Economics and Finance. 2015. Vol. 19. P. 353–363.
12. Hyuksoo Cho, Yeongseok Ha Determinants of FDI Inflow in Regional Port with Resource-Based View and Institutional Theory: A case of Pohang-Yeongil Port // The Asian Journal of Shipping and Logistics. 2009. Vol. 25. № 2. P. 305–331.

### МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**Разикова Гулмира Шарифовна -**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, катта ўқитувчи*

**Аннотация.** Ушбу мақолада хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва уларни миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ёритилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда мавжуд муаммолар ва уларни олдини олишни фаоллаштиришда қандай чора-тадбирлардан фойдаланиш кераклиги кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:** Инвестиция, хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, портфел инвестиция, инвестор, капитал экспорти, устав капитал, дивиденд, тадбиркорлик фойдаси, экспорт, импорт.

### РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**Разикова Гулмира Шарифовна -**

*Ташкентский государственный экономический университет, старший преподаватель*

**Аннотация.** В статье обсуждается важность иностранных инвестиций и их роль в развитии национальной экономики и анализируется на основе статистических данных. В статье также рассматриваются существующие проблемы с привлечением иностранных инвестиций в национальную экономику и какие меры следует предпринять, чтобы усилить их предотвращение.

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, портфельные инвестиции, инвестор, вывоз капитала, уставный капитал, дивиденды, прибыль бизнеса, экспорт, импорт.

### THE ROLE OF FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

**Razikova Gulmira Sharifovna -**

*Tashkent State University of Economics, senior lecturer*

**Annotation.** This article discusses the importance of foreign investment and their role in the development of the national economy and analyzes it on the basis of statistical data. The article also discusses the existing problems in attracting foreign investment to the national economy and what measures should be taken to intensify their prevention.

**Keywords:** Investment, foreign investment, foreign direct investment, portfolio investment, investor, capital export, charter capital, dividend, business profit, export, import.

**Кириш.** Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ҳамда иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар беқиёс ўрин тутди. Инвестицияларга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Бу борада эришилган аниқ ютуқ ва муваффақиятларнинг кенг ва атрофлича таҳлили, шу асосдаги муҳим амалий хулосалар, келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган энг долзарб масалалар орасида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва ривожланиш дастурларини белгилашда, албатта, асосий эътибор хорижий инвестицияларга қаратилаётганлигини таъкидлаш керак [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан-

тириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди [2]. Ушбу ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу – инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишдан иборат. Шунинг учун ҳам, хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни

амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технология, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А Вахабов, Ш.Ҳажибакиев, Н.Мўминов, Д.Ғозибеков, Д.Тожибоева, Киев, Н.Мўминов, Д.Ғозибеков, Д.Тожибоева, Махмудовалар томонидан инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти юзасидан илмий изланишлар олиб борилган ва муносабат билдирилган. А.Вахабов, Ш.Ҳажибакиев, Н.Мўминовлар томонидан инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича баён этилган таърифда: «инвестициялар - фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли омонатлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулк хуқуқлар, интеллектуал бойликлар», деб таърифланган [3 с. 24].

Хорижий инвестицияларнинг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қуйидагича берилган: “Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар” [4 с. 35]. Бундан ташқари, профессор Д.Ғозибековнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидаги фикрлар баён этилган: “Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, хуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради” [5 с. 14]. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади. Шунингдек, иқтисод фанлари доктори Н.Қўзиёванинг илмий ишларида хорижий инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: “Келгуси-

да фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва бошқалар) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комиссия мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишига хорижий инвестициялар дейилади” [6 с. 66] деган таъриф келтирилган. Олимнинг фикрича, хорижий инвестицияларни турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада ойдинлаштиради.

Ш.Қ.Фозилчаев ва Н.Ғ. Хидировларнинг “Инвестиция ва лизинг асослари” китобида хорижий инвестицияга қуйидагича таъриф келтирилган: “Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулк, молиявий, интеллектуал бойлик К.В. Балдин, В.М.Аскинадзи, В.Ф. Максимов, Э.С. Хазанович, Али Салим, Муҳаммад Реза Разави, Лиу Ванг ва Н.Ғ.Каримов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Ғ.Мўминов, Ш.И.Мустафақулов, М.А.Раимжонова, Б.С.Маматов, Д.Ю. Хўжамқуловларнинг илмий ишларида инвестицион муҳит жозибадорлиги, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоларига бағишланган масалалар кўриб чиқилган [8].

**Асосий қисм.** Инвестиция муҳитининг ҳолатини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, хуқуқий, сиёсий, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция муҳити деганда, мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-хуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади. 2020 йил молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ичида чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши 42,9 %ни, вилоятлар кесимида эса Навоий вилояти 70,8 %ни ташкил қилди. Бу еса ўз навбатида мамлакатни иқтисодий ўсишга ўз ҳиссасини қўшмоқда (1-жадвал).



2020 йил молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (жами фоизда) [9]

	Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	Қабул қилинган маблағлар	улардан:		
			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари
<b>2020 йил январ-декабр</b>					
Ўзбекистон Республикаси	34,6	65,4	6,5	14,1	42,9
Қорақалпоғистон Республикаси	34,1	65,9	10,9	7,0	46,0
вилоятлар:					
Андижон	39,1	60,9	6,8	12,9	40,0
Бухоро	34,7	65,3	5,9	9,5	49,5
Жиззах	31,6	68,4	5,4	15,2	45,6
Қашқадарё	23,4	76,6	3,6	4,5	66,8
Навоий	17,7	82,3	1,9	7,6	70,8
Наманган	37,8	62,2	5,2	24,4	31,7
Самарқанд	43,5	56,5	6,8	18,9	29,4
Сурхондарё	21,2	78,8	6,9	8,7	62,1
Сирдарё	30,2	69,8	7,5	16,3	43,4
Тошкент	47,5	52,5	10,1	8,0	30,8
Фарғона	29,0	71,0	6,3	24,3	39,6
Хоразм	41,7	58,3	7,0	21,2	27,0
Тошкент ш.	40,9	59,1	6,6	19,0	31,5

Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Миллий иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

*биринчидан*, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

*иккинчидан*, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

*учинчидан*, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқа-

ли ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

*тўртинчидан*, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

*бешинчидан*, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади, давлат бюджетига солиқ тушумининг келиб тушиши кўпаяди [10].

Хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодийга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазибаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазибаларни бажариш натижасида ўтган йилларда инвестицияларнинг ўсиши жадаллашди.

Инвестицион жозибдорликни акс этадиган кўрсаткичлар тизими [11]

Гуруҳ	Кўрсаткич
Иқтисодий жозибдорлик	Макроиқтисодий барқарорлик (mb)
	Меҳнат бозорининг самарадорлиги (mbs)
	Инфратузилмаларнинг сифати (is)
	Институтларнинг сифати даражаси (isd)
	Ички бозорнинг имконияти/ҳажми (ibh)
	Технологияларнинг ривожланиш даражаси (trd)
	Инновацион салоҳият (is)
Ҳуқуқий жозибдорлик	Ҳуқуқий нуқтаи назардан бизнес қилиш учун яратилган қулай шароитлар
Инвестициялаш жараёнида рисклар	Демографик босимнинг даражаси (dbd)
	Олиб борилаётган сиёсатдан ва ҳаётдан норози бўлган аҳолининг қатлами (nb)
	Давлат тузилмаларида авж олган коррупция ҳолати (dtk)
	Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиш даражаси (ihpb)
	Юқори бошқарув гуруҳларининг таъсир кўрсатиш даражаси (ybog)
	Давлат ҳавфсизлик органларининг таъсир кўрсатиш даражаси (dxot)
	Бошқа давлат/худудларнинг таъсир кўрсатиш даражаси (bt)

Бутунжаҳон иқтисодий форуми иқтисодий жозибаторликни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланади:

$$IJ = mb + mbs + is + isd + ibh + trd + is \quad (1)$$

IJ - “Иқтисодий жозибаторлик” бўйича давлатга берилган балл.

Хуқуқий жозибаторликни аниқлашда “бизнесни юритиш” рейтингидан фойдаланилади. Бу ерда, HJ - хуқуқий жозибаторлик; DB – “Doing Business” да давлатнинг рейтинги.

$$\text{риск} = \frac{1}{dbd+nb+dtk+ihepb+ybog+dxot+bt} \quad (2)$$

Бу ерда, риск - инвестициялаш жараёнида рискнинг мавжудлиги даражаси: кўрсаткич қиймати қанчалик катта бўлса, капитал қўйилмаларни жойлаштириш риск даражаси шунчалик кичик бўлади[12]. Қолаверса мамлакатимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Биргина, Тошкент шаҳрида 2017 йилда 13573,7 млрд сўмни, 2018 йилда эса 26435,7 млрд сўмни етган бўлса 2020 йилга келиб 44778,8 млрд сўмни ташкил қилган (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (жорий нархларда, млрд. сўм) [13]

	2015	2016	2017	2018	2019	2020 йил январ-декабр
Ўзбекистон Республикаси	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	202000,1
	6021,2	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	8167,4
вилоятлар:						
Андижон	1956,5	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	8755,1
Бухоро	4075,9	5922,9	11613,4	9610,9	10366,6	11248,7
Жиззах	1304,9	1449,7	1788,2	3606,3	7900,9	12974,2
Қашқадарё	5894,7	7304,4	11175,3	16518,5	24462,5	19921,7
Навоий	1809,1	2963,2	3977,9	10579,5	17646,3	16042,6
Наманган	2227,5	2824,5	3586,7	8158,1	12084,9	11982,5
Самарқанд	3237,2	3623,5	4384,2	7061,4	10266,7	13426,0
Сурхондарё	1843,6	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1	9923,0
Сирдарё	1083,3	1322,9	1628,0	2699,3	5869,1	7174,5
Тошкент	4428,1	4238,7	5938,4	11226,9	20353,9	18994,4
Фарғона	2542,3	2643,6	2954,5	5539,1	8685,4	11320,0
Хоразм	1531,5	1560,5	2175,9	3013,8	5032,0	6663,2
Тошкент ш.	6854,6	9268,9	13573,7	26435,7	42458,1	44778,8

Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир[14]. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

*биринчидан*, инфляция даражасини инвестицион лойиҳалар қиймат ўсишига таъсирини камайтириш, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш;

*иккинчидан*, инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, яъни хом ашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш;

*учинчидан*, чет эл инвесторларига янада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида рағбатлантириш тизимини янада такомиллаш-

тириш, хусусан, солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини инвесторлар учун ҳам соддалаштириш;

*тўртинчидан*, хорижий иқтисодий субъектлар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва улар билан эркин инвестицион иқтисодий зоналарни ташкил этиш;

*бешинчидан*, инфратузилмаси мавжуд ва ривожланиши қулай бўлган жойларга инвесторларни жалб қилиш орқали саноатни тизимли ривожлантириш.

Юқоридаги таклифларни амалиётда жорий этиш миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этишни янада фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат пировардида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш асосида, келгусида мамлакатимизда инвестицион сиёсатни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. // “Халқ сўзи”, 8 феврал 2017 йил.
3. Dictionary of International Trade. Global Marketing Strategies, 2015, p.82.
4. Schwarb K. World economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World economic Forum, 2013.
5. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия”, 2003, 45 бет.
6. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008, 111 бет.
7. Фозилчаев Ш.Қ., Хидиров Н.Ғ. Инвестиция ва лизинг асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2017 йил, 122 бет.
8. Stobaugh R.B. How to Analyze Foreign Investment Climates // Harvard Business Review. 1969. September-October.
9. Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий веб сайти).
10. [https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/AnnualReports/English/DB2019-report\\_web-version.pdf](https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/AnnualReports/English/DB2019-report_web-version.pdf)
11. Schwarb K. World economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World economic Forum, 2013.
12. Polyxeni Kechagia and Theodore Metaxas. FDI in Central Asia:Uzbekistan. Munchin Personal RePEc Archive. University of Thessaly, Department of Economics, Greece, 2016.

### КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ

**Маннопова Шахноза Элшодовна -**

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация.** Мақолада кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари ва шарт-шароитлари билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни таъминлаш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар назарий-услубий жиҳатдан ўрганилган. Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш йўналишлари ва имкониятлари асосланган. Ўзбекистонда кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик йўналишларини шакллантиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** кичик саноат зоналари, инвестиция дастури, инвестицион лойиҳа, инвестицион фаоллик, инвестиция сиёсати, инвестицион салоҳият, инвестиция муҳити, инвестицион ресурс.

### СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН

**Маннопова Шахноза Элшодовна -**

*Самостоятельный соискатель Ташкентского финансового института*

**Аннотация.** В статье исследуются процессы, связанные со стратегическими возможностями и условиями повышения инвестиционной активности малых промышленных зон. Исследованы теоретико-методологические факторы, влияющие на процесс обеспечения инвестиционной деятельности в малых промышленных зонах. Обоснованы направления и возможности преодоления факторов, негативно влияющих на инвестиционную активность малых промышленных зон. Научные предложения и практические рекомендации по формированию стратегических направлений повышения инвестиционной активности малых промышленных зон в Узбекистане.

**Ключевые слова:** малые индустриальные зоны, инвестиционная программа, инвестиционный проект, инвестиционная деятельность, инвестиционная политика, инвестиционный потенциал, инвестиционная среда, инвестиционный ресурс.

### STRATEGIC OPPORTUNITIES TO INCREASE INVESTMENT ACTIVITY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES

**Mannopova Shaxnoza Elshodovna -**

*Scientific Researcher of Tashkent Institute of Finance*

**Annotation.** The article examines the processes associated with the strategic opportunities and conditions for increasing the investment activity of small industrial zones. Theoretical and methodological factors influencing the process of ensuring investment activity in small industrial zones have been studied. The directions and opportunities for overcoming the factors that negatively affect the investment activity of small industrial zones are based. Scientific proposals and practical recommendations on the formation of strategic directions for increasing the investment activity of small industrial zones in Uzbekistan.

**Key words:** small industrial zones, investment program, investment project, investment activity, investment policy, investment potential, investment environment, investment resource.

**Кириш.** Бугунги кунда саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини оширишда, саноат зоналарида ташкил этилган корхоналар фаолиятининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, юқори истеъмол характерига эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш жараёнлари устувор аҳамият касб этади. Бу каби қатор ҳолатларда инвестицияларни иқтисодий тараққиётдаги ролини комплекс баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «...Жаҳон таърибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди» [1].

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг белгиланган йўналишларига мувофиқ, ўрта муддатга мўлжалланган “инвестиция сиёсати стратегияси”ни ишлаб чиқиш, республиканинг “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жамғармаси”ни ташкил этиш, шунингдек, ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этишнинг устувор инвестицион лойиҳалар тизимини шакллантириш орқали мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини кенгайтириш, ҳудудлар ва тармоқлар кесимида “инвестиция лойиҳалари портфели”ни шакллантириш каби вазифаларнинг амалий ижросини таъминлайди. Аммо, саноат ишлаб чиқаришнинг бугунги кунда ҳудудлар ўртасидаги нотекис улуши, саноат тармоқларининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни, саноатнинг етакчи тармоқлари фаолиятини ривожлантиришда инновацияларнинг ролини ошириш билан боғлиқ қатор муаммоли ҳолатлар саноат зоналари, хусусан, кичик саноат зоналарида инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва бу орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу сабабли мазкур муаммонинг ечимини комплекс ҳал этишга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

**Адабиётлар шарҳи.** Саноат зоналарида инвестицион фаолликни ошириш имкониятлари бевосита ҳудуднинг инвестицион салоҳиятига боғлиқ. Бу борадаги интеграл боғлиқлик А.В.Бабанов томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўрганилган бўлиб, ҳудудларнинг инвестицион жозибдорлигини бошқариш ме-

ханизми давлат, тармоқ ва ҳудуд миқёсида инвестор функцияларини бажарувчи корхона ва унга тенглаштирилган бошқа тузилмаларнинг фаолияти орқали белгилаб берилган [2]. С.М.Вдовиннинг илмий тадқиқот изланишлари орқали ҳудуд инвестицион жозибдорлигини таъминлашда иқтисодиётни бошқаришда юқори самара берувчи ёки бериши мумкин бўлган капитал қўйилмалар фаолияти ўрганилади. Бу борадаги тегишли хулосалар, инвестициялаш самарасини имкон қадар қисқа муддат ичида таъминлаш, мавжуд стратегияни оптимал самардорлигини ошириш имкониятларини шакллантириш учун хизмат қилади [3]. Г.П.Литвинцева, А.А.Голдобина ўзларининг илмий тадқиқот изланишлари орқали инвестицион жозибдорликни ошириш омиллари ва усуллари билан боғлиқ жараёнларга эътибор қаратадилар. Тадқиқотчилар ўзларининг илмий изланишлари орқали инвестицион жозибдорликни ошириш танланган стратегияни оптимал самарадорлигига боғлиқ деган хулосага келадилар [4].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Х.С.Асатуллаев, Б.О.Турсунов, А.А.Маманазаровлар ўзларининг илмий тадқиқот изланишлари орқали саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг устувор йўналиши, инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш орқали намоён бўлади, шу сабабли бу борада инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суришнинг муайян механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади деган хулосага келадилар [5]. Ш.И.Мустафакулов томонидан амалга оширилган илмий изланишларда инвестиция стратегиясини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилинади. Ҳудудлар иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестиция рискларини камайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш инвестиция стратегиясини шакллантириш алгоритми сифатида қайд этилади [6]. Б.Т.Салимов, Б.Б.Салимовлар тадқиқотларида кичик саноат зонасида жойлашган корхоналарнинг энергия манбалари ва коммунал хизматларга уланиш тарифлари, хом ашё ва логистика харажатлари, шу билан бирга банкнинг фоиз кредитлари бўйича ставкалари инвестиция фаоллигини ошириш омили сифатида ўрганилган [7]. Ж.И.Каримкулов томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига мувофиқ ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида алоҳида имтиёзлар пакетини ишлаб чиқиш ва қўллаш, эркин иқтисодий зоналар учун берилган имтиёзларни “ҳудуд омили” асосида қайта кўриб чиқиш лозимлиги эътироф этилади [8].

Юқоридаги илмий тадқиқотларда инвестицион фаолликни оширишнинг стратегик им-

конияти сифатида маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш жараёнига устуворлик берилган. Саноат зоналарининг қиёсий устунликларидан фойдаланиш инвестиция сиёсатини олиб боришнинг асоси сифатида қайд этилганлиги билан характерланади. Аммо, замонавий иқтисодий ва геосиёсий шароитларда саноат зоналарининг фаолият самарадорлиги унинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, мазкур жараён сармоявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли, бу борада глобаллашув жараёнларининг таъсирини тадқиқ этиш жараёнига устуворлик бериш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида, мантиқий абстракция, тизимли таҳлил, горизонтал таҳлил, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида, инвестиция сиёсатини амалга ошириш жараёнига мамлакат иқтисодий тараққётини таъминлашнинг асосий омили сифатида устуворлик берилган. Стратегияда мамлакатда бизнесни ривожлантириш учун қулай воситаларни шакллантириш, ҳудудларни ривожлантириш учун иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳаларининг инвестицион фаоллигини

ошириш, шунингдек, инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлашда самарали воситаларни шакллантириш тизимини яратиш зарурлиги қайд этилади.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳалари бўйича устувор инвестиция сиёсати, инвестицияларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга йўналтирилган инвестицион қарорларнинг самарадорлигини талаб этади. Ўз навбатида бу борадаги амалий вазифалар янги технологияларни жорий этиш, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификациялашга қаратилган инвестицияларнинг фаоллик даражасига боғлиқ.

Республика ва унинг ҳудудларида нисбий устунликлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишлаб чиқариш қувватлари ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омилларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлаш жараёни, қўшимча молиялаштириш манбаларини топишга имкон беради.

1-жадвал

**Кичик саноат зоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар тизими**

<b>I. Мутлақ кўрсаткичлар</b>
1.1. Кичик саноат зоналарининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши
1.2. Ҳудудий экспортда кичик саноат зоналарининг улуши
1.3. Ҳудуднинг импортида кичик саноат зоналарининг улуши
1.4. Ҳудуд кичик саноат зоналарида банд бўлганлар сони, минг киши
1.5. Ҳудуд кичик саноат зоналари маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг таркиби
1.6. Кичик саноат зоналарига жалб қилинган инвестициялар ҳажми
1.7. Чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажми, млрд.сўм.
1.8. Кичик саноат зоналарининг мавжуд ерлар, минг га.
1.9. Хўжаликлар сони, минг дона.
1.20. Илмий тадқиқотларга бўлган харажатлар, млрд.сўм.
<b>II. Нисбий кўрсаткичлар</b>
2.1. Ҳудуд кичик саноат зоналарида банд бўлганлар сонини иқтисодиётда банд бўлганларга нисбатан улуши, (фоизда)
2.2. Кичик саноат зоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги улуши, (фоизда)
2.3. Кичик саноат зоналари экспортининг ўсиш динамикаси, (фоизда)
2.4. Кичик саноат зоналари импортининг ўсиш динамикаси, (фоизда)
2.5. Кичик саноат зоналарининг ялпи инвестициялардаги улуши, (фоизда)
2.6. Ҳудуднинг асосий турдаги кичик саноат зоналаримаҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, (фоизда)
2.7. Аҳоли жон бошига кичик саноат зоналаримаҳсулотининг ҳажми, (фоизда)
2.8. Кичик саноат зоналари маҳсулотлари рентабеллиги, (фоизда)
2.9. Кичик саноат зоналари корхоналари рентабеллиги, (фоизда)
<b>III. Интеграл кўрсаткичлар</b>
3.1. Ихтисослаштириш коэффициенти
3.2. Маҳаллийлаштириш коэффициенти
3.3. Асоий кўрсаткичларни аҳоли жон бошига нисбатан дифференциацияси
3.4. Маҳсулотлар бўйича рақобатбардошлик коэффициенти
3.5. Кичик саноат зоналарининг рақобатбардошлиги бўйича рейтинг баҳоси

*Манба: муаллиф томонидан тузилган.*

Саноат зоналари ўртасида ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятнинг ўзаро фарқланиши бу борадаги ягона стандартлаштирилган амалиётни инкор этади. Шу сабабли, саноат зоналарида инвестицион фаолият стратегиясини шакллантириш орқали уларнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борада кичик саноат зоналари учун инвестиция муҳитини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари саноат зонасида инвестицион салоҳиятни баҳолаш, унинг молиявий-иқтисодий имкониятларни асослаш учун хизмат қилади. Ўз навбатида мазкур жараёнда, ишлаб чиқариш фаолиятининг цикл давомийлиги таъминланади. Шунинг учун бу борада тегишли аниқлик киритиш талаб этилади. Мазкур жараён кичик саноат зоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар тизими ёрдамида амалга оширилади.

Кичик саноат зоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар тизими саноат зонаси даражасида инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги қатор йўналишларини шакллантиришга имкон беради:

- кичик саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини оширишга йўналтирилган инвестиция муҳитини шакллантириш;

- кичик саноат зоналарида саноат ишлаб чиқаришнинг таркибий асосларини молиялаштириш манбаларини излаш;

- кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;

- давлат инвестиция дастури доирасида кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштиришда инвестиция учун ажратилган бюджет маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш;

- инвестиция рискинни пасайтириш ва бошқалар.

Шу сабабли, кичик саноат зоналарида инвестицияларни жалб қилишнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланиш талаб этилади:

- кичик саноат зоналари жойлашган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини танлаш, асослаш ва амалга ошириш учун устувор йўналишларни тақсимлаш;

- ҳудудларда етакчи кичик саноат зоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмига устуворлик бериш;

- кичик саноат зоналарининг ЯХМ улуши ва умумий саноат ишлаб чиқаришдаги салмоғи паст бўлганларида инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини диверсификациялаш;

- кичики саноат зоналарига инвестицион лойиҳалар тарғиботини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-оммабоп нашрларни тайёрлаш ва бошқалар.

Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишнинг стратегик имкониятлари асосан корхоналар ва ташкилотларнинг муҳим илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятида намоён бўладиган инновацион жараёнларни фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш орқали намоён бўлади. Кўпгина кичик саноат зоналари учун уни чеклашнинг асосий сабаби инновацион ривожланиш, иқтисодий омиллар ҳисобига рўй беради. Шу сабабли, кичик саноат зоналарида молиявий манбаларнинг етишмаслиги, инновацияларнинг нисбатан юқори нархи, товарларга бўлган ноаниқ талаб юқори риск шаротини келтириб чиқаради.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўзбекистон Республикасида кичик саноат зоналарининг инвестиция фаолияти асосий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари қуйидаги муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда:

- инвестиция ресурсларини жалб қилишда ҳудудларда жойлашган кичик саноат зоналари ўртасида ўзаро юқори даражада фарқланиш давом этмоқда;

- аксарият кичик саноат зоналарида инвестицион ресурслар бўйича иқтисодий даромадларнинг камлиги ҳисобига кичик саноат зоналарининг рентабеллик даражаси пастлигича қолмоқда;

- кичик саноат зоналарига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми кичик саноат зоналарининг инвестицион салоҳиятини тўлиқ намоён этиш имкониятини бермаслиги билан бирга, уларнинг манбалари диверсификацияланмаган;

- кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш учун инвестицияларни жалб қилиш даражаси қайта ишлаб чиқариш жараёнини самарали таъминлаш учун етарли эмас;

- кичик саноат зоналарида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишда давлатнинг юқори даражадаги иштироки сақланиб қолаётган бўлиб, бу борада норматив муҳит доирасида номутаносибликнинг юзага келиши, кичик саноат зонасининг инвестицион ўсиш имкониятини ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида бозор омилларидан фойдаланиш имкониятини чеклайди;

- кичик саноат зоналарида инфратузилма тармоқлари ва алоқа соҳасида муайян муаммоларнинг мавжудлиги;

– кичик саноат зоналарида фойдаланил-маётган кўплаб ишлаб чиқариш қуввати ва электр энергиясини етказиб бериш тизимидаги муаммолар, қишлоқ жойларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;

– асосий воситаларни қайта ишлаш ва модернизация қилиш жараёнларида, айниқса, қайта ишлаш саноатига инвестиция ресурсларининг етарлича кирмаётганлиги;

– маҳаллий муҳандислик ва илмий-тадқиқот ишлари, замонавий технологияларнинг йўқлиги. Маҳаллийлаштиришнинг паст даражаси ва ишлаб чиқариш компонентларининг импортга боғлиқ эканлиги;

– инфляциянинг юқори даражасининг сақланиб қолиши инвесторларнинг ишлаб чиқаришга пул маблағларини киритишларига тўсиқ бўлади.

Юқорида келтирилган муаммоларни тизимли ва оқилона ҳал этиш учун Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, саноат зоналари учун ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясининг пухта ишлаб чиқилган йўналишларини шакллантириш зарур.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазибалари тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyas-28-12-2018>

2. Бабанов А.В. Развитие механизма управления инвестиционной привлекательностью региона. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук., – М., 2013. 26 с.

3. Вдовин С.М. Инвестиционная привлекательность как фактор устойчивого развития региона. Экономический анализ: теория и практика. 41 (392) – 2014. – С. 20-27.

4. Литвинцева Г.П., Голдобина А.А. Факторы и пути повышения инвестиционной привлекательности региона // Идеи и идеалы. – 2019. – Т. 11, № 4, ч. 2. – С. 243–266. – DOI: 10.17212/2075-0862-2019-11.4.2-243-266.

5. Asatullayev X.S, Tursunov B.O, Mamanazarov A.A. Korxonalarni rivojlantirish strategiyasi. Darslik. – Т.: “Iqtisod Moliya”, 2019. 524-b.

6. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт.– Т.:«МАЪНАВИЯТ», 2017. 328-б.

7. Салимов Б.Т, Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. – Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 135 б.

8. Каримқулов Ж.И. Вiсiс мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш механизми. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил.

9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ АСОСИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Дехканова Наргиза Шарифовна -**

докторант ТДТУ,

“Саноат иқтисодиёти ва менежмент” кафедраси

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлган саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш йўналишлари ва аҳамияти ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** саноат корхоналари, хорижий ва ички инвестициялар, молиявий интеллектуал бойликлар, иқтисодий сиёсат, инвестицион лойиҳа, импорт, экспорт имконияти, инновацион фаолият.

## **ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ УЗБЕКИСТАНА НА ОСНОВЕ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ**

**Дехканова Наргиза Шарифовна -**

докторант ТГТУ, кафедра

«Экономика и менеджмент в промышленности»

**Аннотация.** В статье описаны современные подходы, стратегии и роль инноваций в развитии инновационных процессов на промышленных предприятиях Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** промышленные предприятия, транснациональные корпорации, экономическая политика, стратегия, возможности импорта и экспорта, инновационная деятельность.

## WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN UZBEKISTAN ON THE BASIS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT

*Dexkanova Nargiza Sharifovna -  
doctoral student TSTU, Department  
of "Industrial Economics and Management"*

**Annotation.** The article describes modern approaches, strategies and the role of innovation in the development of innovative processes at industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** industrial enterprises, transnational corporations, economic policy, strategy, import and export opportunities, innovation.

**Кириш.** Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, диверсификациялаш, унинг асосий фондларини янги замонавий технологиялар асосида янгилаш, уларни такрор ишлаб чиқариш, янги корхоналарни қуриш, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш, янги ускуна ва технологияларини, транспорт воситаларини сотиб олиш каби ишлар инвестиция орқали амалга оширилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Саноатга қўйиладиган инвестициялар саноат тармоқларини ривожлантириш билан бирга, саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи бошқа соҳаларни ривожланишига олиб келади, мавжуд хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб қилинишига ва натижада Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ортишига олиб келади. Инвестицияларнинг технологик таркиби, ундаги ускуна ва технологияларнинг сўнгги фан-техника ютуқларига асосланганлиги саноатни инновацион ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, асосан миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этила-

ётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ.

Республикамизнинг бир гуруҳ иқтисодчи-олимлари томонидан "инвестиция"га берилган таърифлари ўзгача маънода бўлиб, уларнинг фикрича, "Инвестиция деганда даромад олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг барча турдаги мулкӣ, молиявий интеллектуал бойликларни иқтисодиётни турли тармоқларига узоқ муддатларга йўналтириш ва шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли талабларини қондириш тушунилади" - деб таърифлашган [2].

Профессор Д.Ғ. Ғозибековнинг фикрича - "инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадида қаратилган"[3].

У.Ф. Шарп, Г.Ж.Александр, Ж.В.Бейли инвестициялар ҳақида куйидаги фикрларни билдиради: мумкин қадар кенгрок маънода айтганда "инвестициялар – бу келажакда каттарок фойдага эга булиш учун бугунча пулдан ажралишдир" [4].

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чикиб, жаҳон да инвестициялар учун катъий рақобатли кураш изчил давом етмоқда. Хусусан иқтисодчи олим Проф. Н.Ҳ.Ҳайдаров ўз илмий ишларини корхоналар инвеститсион фаолиятида молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалаларига бағишлади ва у қуйидаги таърифни берди: "Инвеститсия - бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашдир"[5].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотни амалга оширишда асосан статистик гуруҳлаш, ва таққослаш илмий абстракциялаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди, яъни Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари саноат корхоналарида инвестицион фаолият ди-



намикаси келтириб ўтилди, саноат тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларни кенг жалб этган корхоналар сони ҳамда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини динамикаси таҳлил қилинди. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада оширишда саноат корхоналарига киритилган инвестициялардан кенг фойдаланиш ҳамда соҳани такомиллаштириш борасида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс амалга оширилмоқда. Бу жараёни муваффақиятли юритиш учун республикада қатор фармонлар, қонунлар, ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Президент Фармони ҳам мавжуд бўлиб, ушбу меъёрий ҳужжат мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни янада мукамал тарзда шакллантирди.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати иқтисо-

диётни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд бўлган маблағлардан ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мавжуд шароитларда турли хатарлар ва бойликларни самарали тақсимлаш, биринчи навбатда устувор тармоқларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобига жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашишга йўналтирилган. Бугунги кунда хорижий сармояларни жалб қилишнинг бир қанча турлари мавжуд:

- капитал иштироки орқали қўшма корхоналар ташкил этиш;
- 100% хорижий иштирокида хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компаниялар ва фирмаларнинг шўба ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномаларини тузиш;
- танлов савдоларини эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудларни шакллантириш;
- молиявий активларни сотиб олиш ва сотиш [6]

2018 йил 1 январ ҳолатига кўра, чет эл сармояси иштирокидаги мавжуд корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўриб чиқсак, энг кўп саноатда -2438 донага тўғри келади (44,2%), савдо учун 1055 та (19,1%) ва бошқа турдаги 993 (18,4%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича энг кичик кўрсаткич 74 тани ташкил этади (1,3%), ахборот ва коммуникатсия соҳасида 126 та (2,3%), қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик саноати учун 159 та (2,9%), транспорт ва сақлаш -161 та (2,9%), турар жой ва овқатланиш хизмати 220та (4,0%) ва 291та қурилиш корхона (5,3%).



**1-расм. Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши**

Ўзбекистон Республикасида инвестиция кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	январь-сентябрь 2018
Инвестициялар, млрд. АҚШ долл.	7,2	8,5	10,0	10,5	12,1	13,7	15,2	16,3	16,2	13,4	8,9
Хорижий инвестициялар млрд. АҚШ долл.	2,2	2,8	2,8	2,2	2,5	2,6	3,0	3,2	3,6	3,3	2,2
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млрд. АҚШ долл.	1,8	2,4	2,5	1,9	1,9	2,1	2,4	2,4	2,5	2,5	0,9
Аҳоли жон бошига инвестициялар, АҚШ долл.	265,2	307,9	353,6	356,8	405,1	452,8	495,6	525,4	509,1	412,5	270,1
Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар, АҚШ долл.	79,5	99,7	100,1	76,6	82,7	87,3	98,2	103,8	112,3	103,4	67,5
Аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, АҚШ долл.	66,0	85,7	87,1	63,9	65,2	68,1	77,2	76,6	77,9	77,0	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Куйидаги натижаларга иқтисодиётда модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришлар жараёнини жадаллаштирмасдан, уни муҳим тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали эришилади.

Куйидаги 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами асосий капиталга инвестициялар қарийб 4,5 баробарга ортган. Унинг ҳажми 2010 йилда 15338,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 68423,9 млрд сўмгача ортиб борган.

Чет эл инвестицияси жалб қилинган корхона (кичик ёки йирик корхона бўлса ҳам) даромадининг маълум қисми солиқдан озод қилинади. Чунки бундай кичик корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтиришда инвестиция ва янги технологияни жорий қилиш учун имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	январь-сентябрь 2018
Инвестициялар, млрд. АҚШ долл.	7,2	8,5	10,0	10,5	12,1	13,7	15,2	16,3	16,2	13,4	8,9
Хорижий инвестициялар млрд. АҚШ долл.	2,2	2,8	2,8	2,2	2,5	2,6	3,0	3,2	3,6	3,3	2,2
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млрд. АҚШ долл.	1,8	2,4	2,5	1,9	1,9	2,1	2,4	2,4	2,5	2,5	0,9
Аҳоли жон бошига инвестициялар, АҚШ долл.	265,2	307,9	353,6	356,8	405,1	452,8	495,6	525,4	509,1	412,5	270,1
Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар, АҚШ долл.	79,5	99,7	100,1	76,6	82,7	87,3	98,2	103,8	112,3	103,4	67,5
Аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, АҚШ долл.	66,0	85,7	87,1	63,9	65,2	68,1	77,2	76,6	77,9	77,0	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Жадвал натижалари иқтисодиётда модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришлар жараёнини жадаллаштирмасдан, уни муҳим тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали самарадорликка эришилади.

Куйидаги 2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами асосий капиталга инвестициялар қарийб 4,5 баробарга

ортган. Унинг ҳажми 2010 йилда 15338,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 68423,9 млрд сўмгача ортиб борган.

Саноат соҳасидаги тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш йўналишига йўналтирилган инвестициялар таҳлил даври бошида 1514,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, давр охирида 14203,8 млрд сўмгача ёки қарийб 9,4 мартага ортган. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўсиш даражасидан икки марта кўпдир.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар, млрд.сум

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2017 йил 2010 йилга нисбатан,%
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	15338,7	17953,4	22797,3	28694,6	35233,3	41670,5	48083,1	68423,9	446
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1514,6	2164,7	3204,1	4632,3	6973,4	9701,1	7173,4	14203,8	938
Ишлаб чиқарадиган саноат	2334,9	3016,4	3714,7	4082,0	4780,7	5346,2	8992,1	12238,1	524
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	895,9	908,6	969,0	1317,6	1687,6	2244,5	2722,7	5472,2	611

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Ўзбекистон иқтисодиётининг ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларида ҳам асосий капиталга инвестицияларнинг динамикаси ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010 йилда унинг ҳажми 2334,9 млрд сўм бўлгани ҳолда 2017 йилда 12238,1 млрд сўмни ташкил этган. 2017 йили 2010 йилга нисбатан 524 фоизга ортган. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасига 2010 йилда 895,9 млрд сўм инвестициялар жалб этилган бўлса 2017 йили унинг ҳажми 5472,2 млрд сўмга етган ёки 611 фоизга ортган.

2019 ва кейинги йилларда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги тармоқ инвестиция лойиҳалари рўйхатидан бир қатор катта лойиҳалар ўрин олган. Жумладан, 2019 йилда умумий қиймати 4 880,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида инвестицион лойиҳалар режалаштирилган бўлиб, 2019 йилнинг ўзидаёқ 2417,3 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши башорат қилинмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари

бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 ва кейинги йилларда 2 882,6 млн. АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 51,6 млн. АҚШ доллари тижорат банклари кредитлари ҳисобидан ва 21 946,3 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда республикада 90 та мамлакат хорижий сармоялар иштирокидаги 4 мингдан зиёд корхона фаолият юритмоқда ва уларнинг 20 фоизи тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган (100%).

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2018 йил 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 7155 тага етди. Ўтган йилга нисбатан фаолият юритаётган корхоналар сони қарийб учдан бир қисмга ёки 1734 тани ташкил этди. Улардан 3837 таси кўшма корхоналар, 3318 таси хорижий корхоналар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни 2018 йилга тақсимлаш (жамига нисбатан % да)

	Корхоналар сони	Корхоналарнинг улуши
Жами	7560	100
Саноат	2871	40,1
Савдо	1549	21,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	90	1,3
ахборот ва коммуникациялар	188	2,6
ташиш ва сақлаш	206	2,9
қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	310	4,3
турар жой ва овқатланиш хизматлари	295	4,1
Қурилиш	451	6,3
бошқа турлар	1195	16,7

Манба: Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. Давлат статистика қўмитаси РУз.Т.2018.-178б.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса киладиган бўлсам инвестициялар орқали корхоналарнинг капитал жамғарилишига, натижада корхонанинг инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга эришилади. Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади, нафақат ушбу иқтисодий секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки

бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устивор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, ташқи ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самардорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар руйхати:*

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.*
2. *Рафиқов О.Д. Инвестиции. Учебник, Изд. КНО-РУС, 2014 г., 142 стр.*
3. *Ғозибеков Д.Ғ «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари» мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациони автореферати. Т.; 2002, 16-б.*
4. *Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж.: “Инвестиции”. – М.: ИНФРА-М, 1998.*
5. *Ҳайдаров Н.Ҳ “Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари”. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш ёзилган диссертация. – Т.: 2003.*
6. *И. Хотамов, У. Алиқулов “Инвестициявий фаоллик”. Монография ТДИУ, 2020, 170-бем.*
7. *Dekhanova N. Sh. Modern approaches to the implementation of innovative processes in industrial enterprises : сборник межд. конф. «Проблемы и перспективы в области экологии окружающей среды в инновационной техники и технологии». – Ташкент, 2020. – С. 401–403.*
8. *Дехканова Н.Ш. Организация инновационных кластеров в управлении инновационно-инвестиционной деятельностью промышленных предприятий // Экономика и инновационные технологии научный электронный журнал. – 2020. – № 4. – С. 179–184.*

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ,  
ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКА ҲАМКОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Калонов Мухиддин Бахритдинович** -  
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиёти  
ривожлантиришининг илмий асослари  
ва муаммолари” илмий - тадқиқот маркази директори  
и.ф.д., профессор

**Аннотация:** Мақолада Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт логистика ҳамкорлиги таҳлил қилиниб, мавзу доирасида хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, транспорт, логистика, экспорт, импорт, савдо айланмаси, савдо улуши.

ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ, ИНВЕСТИЦИОННОЕ И ТРАНСПОРТНОЕ  
ЛОГИСТИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ  
И ЮЖНОЙ АЗИИ - ФАКТОР РАЗВИТИЯ

**Калонов Мухиддин Бахритдинович** -  
Директор Научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развития  
экономики Узбекистана»  
д.э.н., профессор

**Аннотация:** В статье анализируется торгово-экономическое, инвестиционное и транспортно-логистическое сотрудничество между странами Центральной и Южной Азии и делаются выводы по теме.

**Ключевые слова:** инвестиции, транспорт, логистика, экспорт, импорт, товарооборот, доля торговли.

TRADE-ECONOMIC, INVESTMENT AND TRANSPORT LOGISTIC COOPERATION BETWEEN  
CENTRAL AND SOUTH ASIAN COUNTRIES IS A FACTOR OF DEVELOPMENT

**Kalonov Muhiddin Baxritdinovich** –  
Research center “Scientific bases and issues of  
economic development of Uzbekistan”

**Abstract:** The article analyzes trade, economic, investment and transport logistics cooperation between Central and South Asian countries and draws conclusions on the topic.

**Keywords:** investment, transport, logistics, export, import, trade turnover, trade share.

**Кириш.** Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан яқин қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни яқинлаштириш ва мустақамлашга, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, шунингдек транспорт соҳасидаги ўзаро алоқаларга қаратилган ташқи сиёсий курси Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун мустақам замин яратди.

Марказий Осиё мамлакатлари майдони 75,3 миллион киши бўлган бозорни ташкил қилади. 2020 йилда Марказий Осиё мамлакатининг ялпи ички маҳсулоти 291,1 миллиард долларни, ташқи савдо айланмаси 142,5 миллиард долларни ташкил этди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти 5-7% оралиғида юқори ўсиш суръатларига эга бўлган. Жаҳон банкининг прогнозларига қўра, Марказий Осиё мамлакатлари 2021

йилда ЯИМ ўсишининг ижобий динамикасини тиклаши ва 2022 йилда ўсиш суръатларини ошириши мумкин.

Қуйидаги савдо битимлари доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро савдо учун қулай шароитлар яратилган:

- барча Марказий Осиё мамлакатлари (Туркменистондан ташқари) 2011 йилги МДҲ эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимнинг иштирокчилари бўлиб, унинг доирасида иштирокчи мамлакатлар ўзаро божсиз савдо-сотиқни амалга оширадilar;

- Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ЖСТга аъзо, Ўзбекистон ЖСТга кириш бўйича фаол музокаралар олиб бормоқда, Туркменистон 2020 йилда ЖСТда кузатувчи мақомини олди;

- Қозоғистон ва Қирғизистон, Европа Иттифоқининг аъзолари сифатида умумий божхона маконида;

- Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро савдо учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича икки томонлама келишувларга ҳам эга.

Марказий Осиё мамлакатлари турли даражаларда халқаро ва минтақавий савдо, ишчи кучи ва капитал ҳаракати учун очиқ бўлишига қарамай, улар бир-бири билан яқинроқ ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион ўзаро алоқаларни ўрнатиш учун катта имкониятларга эга.

2020 йилда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги умумий савдо айланмаси (товарларда, хизматлар савдосини ҳисобга олмаганда) 12,2 миллиард долларни, ташқи савдо айланмаси 142,5 миллиард долларни ташкил этди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида минтақалараро савдонинг улуши 8,6 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро минтақавий савдода иштирок этиш даражаси ҳар хил.

Шундай қилиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмидаги Қозоғистон ва Туркменистоннинг улуши уларнинг умумий савдо айланмасидаги энг паст кўрсаткичга мос равишда 5,5 ва 4,5 фоизни ташкил этади. Тожикистон ва Қирғизистоннинг минтақалараро савдодаги иштироки энг юқори кўрсаткич бўлиб, мос равишда 28,3% ва 21,0 %ни ташкил этади. Ўзбекистон 13,3 % кўрсаткич билан оралиқ позицияни эгаллайди.

Қозоғистон ва Туркменистон ташқи савдоси асосан чет эл давлатларига (Европа мамлакатлари, Хитой, Россия) етказиб бериладиган углеводородлар (нефть ва газ) экспортида устун бўлганлиги сабабли минтақавий бозорга кам эътибор қаратмоқда, жумладан, импорт ҳам белгиланган мамлакатларга тўғри келади.

Марказий Осиё мамлакатлари товарлари экспортининг асосий қисмини қазилма табиий ресурслар ва уларни бирламчи қайта ишлаш маҳсулотлари (барча товар экспортининг 70-80 фоизига) ташкил этишига қарамай, минтақа мамлакатлари ўзаро савдо-сотиқни анча паст даражада амалга оширмоқдалар.

Хусусан, 2020 йилда Тожикистоннинг умумий экспорт ҳажмида олтиннинг улуши 58,1%, Қирғизистон - 50,2% ва Ўзбекистон - 38,3 %ни ташкил этди, бу Швейцария ёки Буюк Британияга етказиб берилади. Қозоғистоннинг умумий экспорт ҳажмининг 66 фоизга яқини асосан Европа Иттифоқи мамлакатларига етказиб бериладиган минерал маҳсулотлар экспортидир. Туркменистон экспортининг асосий улуши, деярли 80 %, Хитойга тўғри келади, бу ерда асосан туркман табиий газини экспорт қилинади.

Шу муносабат билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо улуши, агар

уларнинг хомашё экспорти (нефть, газ ва қимматбаҳо металллар) нинг учинчи мамлакатларга экспорт қилиш ҳажми ҳисобга олинмаса, анча юқори бўлади.

Шу билан бирга, фойдали қазилмалар бўлмаган товарлар учун Марказий Осиё мамлакатлари минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларига жавоб берадиган минтақалараро савдо ҳажмини, айниқса тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун катта истиқболларга эга.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг ички бозорларига ўзаро кириш имкониятларини кенгайтириши, уларнинг тайёр маҳсулот экспорти ҳажмининг ўсишига ёрдам беради, чунки улар кўплаб хом ашё товарлари бўйича ўзаро савдода рақобатдош эмаслар.

Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатлари томонидан минтақавий қиймат занжирларини, шу жумладан саноат ва қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш, учинчи мамлакатларга экспорт қилиниши мумкин бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар сонининг кўпайишига ёрдам беради. Минтақавий интеграция ишлаб чиқарувчилар харажатларини камайтиришга ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари минтақада савдо операцияларини амалга оширишда товарларни етказиб бериш бўйича энг қисқа масофаларга эга, бу уларга транспорт харажатларини тежашда афзалликларни беради.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари минтақада халқаро транспорт йўлаклари ва халқаро транспорт инфратузилмасини биргаликда яратишга жавоб беради, бу эса Марказий Осиё мамлакатларидан жаҳон бозорларига экспорт маҳсулотларини етказиб беришда транспорт харажатларини камайтиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё минтақасининг барча мамлакатлари экспорт ҳажмини кўпайтириш ва ташқи савдосини диверсификация қилиш, янги ташқи бозорларга чиқиш, шунингдек, янги транспорт йўналишларини яратиш ва улардан фойдаланишга қизиқишмоқда.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари асосий савдо йўллари шимолий йўналишда ётганлигини ҳисобга олсак, ташқи савдони диверсификация қилиш учун иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши жанубий йўналиш бўлиб, шу жумладан, географик жиҳатдан Афғонистонни ўз ичига олган Жанубий Осиё мамлакатлари Бангладеш, Бутан, Малдив ороллари, Непал, Покистон, Ҳиндистон ва Шри-Ланка билан.

*Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти.*

**Ўзбекистон.** 2020 йилда Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдосининг умумий ҳажми 1,38 миллиард долларни ташкил этди ёки ташқи савдо умумий ҳажмининг 3,8 % ташкил этди.

Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан товар айланмасида энг катта ҳажм Афғонистонга тўғри келади - 56,2%, Ҳиндистон - 32% ва Покистон - 8,9%.

**Афғонистон.** Афғонистон билан савдосотиқда асосий улушни (99%) Ўзбекистон экспорти эгаллайди, бу эса Афғонистонни фойдали савдо-иқтисодий шерикга айлантиради. Ўзбекистоннинг Афғонистонга экспортининг асосий улушини электр энергияси (экспортнинг 30%), буғдой уни ва дуккакли экинлар (24,1%), шунингдек металлургия маҳсулотлари ташкил этади.

Шунингдек, Афғонистон худудида узунлиги 260 км бўлган 500 кВт қувватга эга "Сурхон - Пули-Хумри" электр узатиш линиясини қуриш "инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. ОТБ кредитлари ҳисобига тахминан 150 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, уларнинг 45 миллионини Ўзбекистон молиялаштиради. Ушбу электр узатиш линияси Афғонистон энергетика тизимини Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг ягона энергия тизимига улаш имконини беради.

Шунингдек, Хайратон-Мозори-Шариф темир йўл линиясининг кенгайишига айланган ва янги трансни ташкил этадиган "Мозори-Шариф-Ҳирот темир йўл линиясини молиялаштириш, лойиҳалаш ва қуриш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилинмоқда.

Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилган "Афғонистон билан иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш учун янги ҳуқуқий шароитлар яратмоқда. Ҳужжатларда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида имтиёзли савдо тўғрисида битим имзоланиши ва ўзаро савдо ҳажмининг йиллик ҳажмини 2023 йилгача 2 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган.

Ушбу мақсадлар учун Термизнинг Афғонистон билан чегара шаҳри худудида тегишли логистика инфратузилмаси ва Эрон фуқаролари ва чет эл фуқаролари учун махсус визасиз режимга эга бўлган "Халқаро савдо маркази Термиз" эркин савдо зонаси яратилмоқда.

Бундан ташқари, Қарорда Мозори-Шариф-Кобул темир йўлини қуриш лойиҳасининг барча жиҳатлари бўйича манфаатдор мамлакатлар ва халқаро молия институтлари билан ўрганиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан, 2021 йил 2 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистон ҳукумат делегациялари ишти-

роқида ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича уч томонлама ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Учрашув натижасида Мозори Шариф - Кобул - Пешовар темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшма "Йўл харитаси" имзоланди. Ушбу темир йўлнинг қурилиши Жанубий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида Марказий Осиё орқали юкларни ташиш вақтини ва нархини сезиларли даражада камайтиради. Ушбу темир йўл Покистоннинг Карачи, Қасем ва Гвадар денгиз портларига чиқишни таъминлайди ва Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий Осиё ва Евроосиё темир йўл тизимлари билан боғлайди ва Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини сезиларли даражада оширади.

**Ҳиндистон.** Ҳиндистон Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдоси бўйича иккинчи ўринда туради. Шу билан бирга, Ҳиндистон билан ўзаро савдо-сотиқда Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми импортдан сезиларли даражада орқада қолмоқда, улар асосан Ўзбекистонда талаб қилинадиган фармацевтика маҳсулотлари билан ифодаланади.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистонга экспорти асосан тўқимачилик маҳсулотлари (улуши 13,6%), асосий металллар (8,4%), озиқ-овқат маҳсулотлари (5,8%) ва бошқалардан иборат.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондан импорти асосан "фармацевтика маҳсулотларини" сотиб олишнинг ўсиши ҳисобига ўсиб бормоқда, уларнинг импортдаги улуши 47 %ни ташкил қилади, 28,6 % улуши билан иккинчи ўринни "механик ускуналар" эгаллайди.

Шу билан бирга, фармацевтика соҳасидаги сармоявий ҳамкорлик Ҳиндистон билан муваффақиятли ривожланиб бормоқда, «Андижон-Фарм» ЭИЗ худудида қўшма корхоналар ташкил этилди. ИТ мутахассисларини тайёрлаш учун Ҳиндистоннинг «Амитй» ва Андижонда «Шарда» университетларининг филиаллари очилди. Ҳозирда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида "Имтиёзли савдо тўғрисида битим" ни тузиш мақсадга мувофиқлиги ўрганилмоқда.

**Покистон.** Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Покистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги фаол ривожлана бошлади, Покистон бозорига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёр маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми ошди.

Ўзбекистоннинг Покистонга экспорти таркибида: озиқ-овқат маҳсулотлари 81 фоизни ташкил қилади; тўқимачилик маҳсулотлари - 10,5%; хизматлар - 3,5%.

Покистондан импорт таркибида: фармацевтика маҳсулотлари 37% ни ташкил қилади; озиқ-овқат маҳсулотлари (картошка, цитрус

мевалар, гуруч ва бошқалар) - 36%, транспорт хизматлари - 10%; кимёвий маҳсулотлар - 4,5%.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Покистон билан транспорт соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришдан ва Мазари - Шариф - Кобул - Пешовар темир йўл линиясини қуриш бўйича юқоридаги лойиҳани биргаликда амалга оширишдан манфаатдор.

**Қозоғистон.** Қозоғистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдоси асосан Афғонистон, Ҳиндистон, Покистонга тўғри келади, камроқ Бангладеш ва Шри-Ланкага тўғри келади. 2020 йилда савдо ҳажми 2,3 миллиард доллардан ошди ёки Қозоғистон ташқи савдо айланмасининг 2,3 % ташкил этди.

Шу билан бирга, Қозоғистон ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлашнинг энг катта ҳажми Ҳиндистонга тўғри келади - 1,9 миллиард доллар. (Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдонинг 80%) ва Афғонистон - 401,8 миллион доллар. (17%).

Қозоғистон Ҳиндистонга асосан нефть (экспорт ҳажмининг тахминан 50 %), кимёвий элементлар ва уларнинг бирикмалари (ферроалюмин, титан, фосфор), шунингдек кумушни кукун шаклида экспорт қилади. Қозоғистоннинг Ҳиндистондаги импорти тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, тўқимачилик, чой маҳсулотлари ва бошқалар билан ифодаланган.

Қозоғистон Афғонистонга озик-овқат маҳсулотларини, асосан дон ва ун маҳсулотларини етказиб берувчи асосий мамлакатдир.

Транспорт соҳасида Қозоғистон Шимлий-Жанубий транспорт коридорини ривожлантириш ва Эроннинг Чабахар портидан Ҳиндистон ва Жанубий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан савдо ҳажмини ошириш учун фойдаланишга қизиқиш билдирмоқда.

**Қирғизистон.** Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қирғизистон Жанубий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо кўрсаткичлари бўйича энг паст кўрсаткичга эга - 61 миллион доллар ёки унинг ташқи савдо айланмасининг 1,0 %ни ташкил этди, бу асосан (84%) Ҳиндистон импорти билан таъминланади.

Шу билан бирга, Қирғизистон Тожикистон билан биргаликда Марказий Осиёдан Жанубий Осиёга электр энергиясини САСА-1000 (Марказий Осиё - Жанубий Осиё) электр узатиш линияси орқали етказиб бериш лойиҳасини амалга оширишга қизиқиш билдирмоқда. Лойиҳа ҳар йили апрелдан октябргача Қирғизистондан 2 миллиард кВт / соат ва Тожикистондан Афғонистон ва Покистонга 3 миллиард кВт / соат электр энергиясини етказиб беришни режалаштирмоқда.

2021 йил февраль ойида Қирғизистон ушбу лойиҳа доирасида ўз ҳудудида электр узатиш

линияларини қуришни бошлашни режалаштирган эди. Таъкидлаш жоизки, САСА-1000 лойиҳасининг умумий қиймати тахминан 1,1 миллиард долларни ташкил этади.

**Тожикистон.** Тожикистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 2020 йилда 185,2 миллион долларни ташкил этди ёки мамлакат умумий товар айланмасининг 4,0 фоизини ташкил этади.

Тожикистоннинг Жанубий Осиёдаги асосий савдо шериклари Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистондир.

Ўзининг географик мавқеи туфайли Тожикистон муқобил транспорт йўналишларини, шу жумладан Жанубий Осиё мамлакатлари, хусусан Афғонистон ва Покистон орқали ўтишни хоҳлайди.

Тожикистон учун энг қисқа денгиз порти Покистоннинг Карачи портидир, масофа тахминан 2,7 минг км, Эроннинг «Бандар-Аббос» денгиз порти эса 3,4 минг км. Бундан ташқари, Покистон МО мамлакатлари томонидан мамлакатнинг жанубий-ғарбий қисмида, Белужистон вилоятида жойлашган «Гвадар» денгиз портидан фойдаланишга қизиқиш билдирмоқда.

Тожикистон учун, шунингдек Қирғизистон учун Жанубий Осиёдаги муҳим лойиҳа - электр энергиясини Тожикистон ва Қирғизистондан Афғонистон ва Покистонга экспорт қилиш бўйича САСА-1000 электр узатиш линияси лойиҳаси. САСА-1000 лойиҳаси доирасида Тожикистон 15 йил ичида 75 миллиард кВт / соат электр энергиясини экспорт қилишни режалаштирмоқда. 2021 йилда Тожикистон ушбу лойиҳа доирасида ўз ҳудудига электр узатиш линияларини тортишни яқунлашни режалаштирмоқда. Ҳозирда Тожикистон ҳар йили Афғонистонга 1,5 миллиард кВт / соатгача электр энергиясини экспорт қилади.

**Туркменистон.** Туркменистон, шунингдек, Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. 2019 йилда товар айланмаси 462,3 миллион долларни ташкил этди ёки унинг умумий товар айланмасининг 3,4 % ташкил этди. Шу билан бирга, Жанубий Осиё мамлакатлари орасида Туркменистоннинг асосий савдо шериклари Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон ҳисобланади. Туркменистоннинг Афғонистонга экспортининг асосий улушини (70%) минерал маҳсулотлар (нефть маҳсулотлари ва табиий газ) ташкил этади. 2020 йил октябрь ойида Туркменистон ва Афғонистон ўртасида қуйидаги шартномалар имзоланди:

- Туркмангаз ва Афган Газ Энтерприсе ўртасида Афғонистонда табиий газ бозорини яратиш ва ривожлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми;



- Туркменистон-Афғонистон-Покистон электр узатиш линияси (ПТЛ) лойиҳаси доирасида Афғонистон томонидан электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида келишув.

Жанубий Осиё давлатлари иштирокида Туркменистоннинг муҳим лойиҳаси қуввати йилга 33 миллиард кубометр бўлган Туркменистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон (ТАПИ) газ қувурини ётқизишдир.

ТАПИ қурилиши бўйича консорциум таркибига «Туркмангаз» давлат концерни (консорциумнинг назорат пакетига эгалик қилади) ҳамда Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон газ компаниялари қиради.

Туркменистон ўз ҳудудида ТАПИ газ қувури қурилишини 2020 йилда яқунлашни, 2021 йилда эса Афғонистонга қувур ўтказишни бошлашни режалаштирган.

*Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари*

Жанубий Осиё мамлакатлари орасида МО мамлакатларининг асосий савдо шериклари Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистондир. Шу билан бирга, географик яқинлик, шунингдек, Афғонистон ички бозорининг озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари импортига, шунингдек, импортга катта боғлиқлиги сабабли МО мамлакатлари энг фаол савдо-иқтисодий ҳамкорлиги Афғонистон билан энергиядир.

Марказий Осиё мамлакатлари ШХТ доирасида Ҳиндистон ва Покистон билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Ҳиндистон Қозоғистон ва Қирғизистонни ўз ичига олган Европа Иттифоқи билан эркин савдо шартномаси ва Ўзбекистон билан имтиёзли савдо шартномасини тузиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Маълумки, халқаро денгиз портларига эркин кириш имконига эга бўлмаган Марказий Осиё мамлакатлари транспорт ва транзит учун катта харажатларни бошдан кечирмоқдалар, бу денгиз алоқаларига эркин кириш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатларникидан 2-3 баравар юқори.

Шу муносабат билан Покистон ва Ҳиндистон билан савдонинг ўсиши кўп жиҳатдан товарларни етказиб беришнинг ишончли йўналишларини яратишга боғлиқ бўлиб, улар орасида Мозори Шариф - Кобул - Пешовар темир йўлини қуриш лойиҳаси алоҳида ўрин тутади ва минтақа мамлакатлари ўртасида юкларни етказиб бериш учун транспорт харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

Шундай қилиб, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий истиқболли йўналишлари Марказий Осиё давлатларига жанубий денгиз портларига чиқишни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини ётқизиш, энергетика соҳасидаги

ҳамкорлик (электр энергияси, табиий газ, нефть экспорти) ҳисобланади. маҳсулотлар), ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш, шунингдек кенгайтириш ва диверсификация қилиш ташқи савдо. Шуни таъкидлаш керакки, икки минтақа ўртасида кўприк бўлган Афғонистондаги вазиятни тезроқ тартибга солиш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу муносабат билан Афғонистон ҳудудида транспорт-энергетика лойиҳаларини амалга ошириш савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ўрнатиш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида транспорт-коммуникацион ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтириш учун шароит яратади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан 2016 йилдан 2019 йилгача бўлган савдо айланмаси 2 баробардан зиёд ошиб, 2,5 миллиард доллардан 5,2 миллиард долларгача ўсди. Ўсиш кўрсаткичи Қозоғистон билан - 1,8, Қирғизистон билан — 5, Туркменистон билан — 2,7 ва Тожикистон билан — 2,4 баробарни ташкил этди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий савдо айланмасидаги улуши ҳажми ҳам 10,2 дан 12,4 фоизга ошди. Шу ўринда Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида Афғонистоннинг минтақадаги ўрни хусусидаги фикрлари мамлакатнинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамиятини яққол ифодалайди. Яъни “ Марказий ва Жанубий Осиёда замонавий, самарадор ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш.

Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар темир йўл тармоғи минтақаларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик архитектурасининг асосий бўғинига айланиши керак. Ушбу лойиҳа етакчи халқаро молия институтлари томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Бу темир йўл тармоғининг қурилиши ҳар икки минтақанинг транзит салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, Жанубий Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудуди орқали ўтадиган энг қисқа йўлни очиш, шу билан бирга, юкларнинг туриб қолиши ва ташиш муддатларини сезиларли даражада қисқартиришга хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу трансчегаравий темир йўлни фойдаланишга топшириш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг инклюзив иқтисодий ривожини учун мустаҳкам замин яратади.

Мазкур темир йўл тармоғи Ҳинд-Ганг текислигини Таксила, Гандара, Термиз сингари тарихий шаҳарлар орқали Евроосиёнинг жанубий ҳудуди билан боғлаган, Уттарпатха номи билан маълум қадимги шимолий савдо йўлининг ўзига хос замонавий шакли бўлади.

Ҳиндистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган “Шимол – Жануб” транспорт коридори мана шундай трансминтақавий инфратузилмани ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишнинг ёрқин намунасидир.

Бундан ташқари, Трансафғон темир йўл қурилиши лойиҳаси келгусида мамлакатларимизни Хитой ва Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа етакчи давлатлари билан боғлаши мумкин. Бу эса “Бир макон, бир йўл” ташаббуси мақсадлари билан ҳам уйғундир”-деб минтақа

аҳамияти ва салоҳиятини яна бир марта алоҳида таъкидлаб ўтди.

**Хулоса ва тақлифлар.** Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси юрифтаётган очиқ ва ўзаро манфаатли конструктив ҳамкорлик сиёсати Марказий Осиё мамлакатларида юқори даражада қўллаб-қувватланмоқда. Нафақат қўшни давлатлар балки бутун жаҳон афкор оммаси Ўзбекистоннинг ишонч ва яқин қўшнилик муҳитини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳоламоқда, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари икки минтақани барқарор, ҳавфсиз, ҳамкорликда гуллаб-яшнаган маконга айлантиришга тайёрликларини изҳор қилмоқда. Бу эса икки минтақа давлатлари иқтисодиётларнинг тезкор тараққиётига юқори даражада ўсишига ёрдам беради.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Буткова О.В. (Формирование доходов и порядок их отражения в учете пассажирских автотранспортных предприятий). Учет доходов пассажирских автотранспортных предприятий //проблемы эксплуатации транспортных и транспортно-технологических колесных и гусеничных машин: межвузовский сборник научных трудов. – Зерноград: ФГОУ ВПО АЧГАА, 2004. – 125 с.
2. Абдукаримов И.Т., Отчет о прибылях и убытках – основной источник информации для мониторинга и анализа финансовых результатов предприятия. // актуальные вопросы экономики и управления. № 1 (047), 2013
3. Эйхлер Л.В., Стринковская А.С., Диагностический анализ результатов деятельности грузовых автотранспортных предприятий в условиях нестабильной бизнес-среды Монография. Омск, 2011. 35-бет.
4. Ташназаров С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириши. Докторлик диссертация, автореферат. Тошкент. 2019 й.
5. Бачурин А.А. Анализ производственно-хозяйственной деятельности автотранспортных организаций [Текст]: учеб. пособие / А.А. Бачурин; под ред. З.И. Аксеновой. –М.: Издательский центр «Академия», 2005. –320 с.
6. 16. Бурдин А.Г., Бурдина Е.В., Григорян М.Г и др.; Экономика автомобильного транспорта [Текст]: учеб. пособие для студ. высш. учеб. завед. / под ред. Г.А. Кононовой. –М.: Изд. центр «Академия», 2005. –320с.
7. Акбаров Б.. //Автотранспорт корхонаси харажатлари таҳлили. Бизнес-эксперт. 12/2017. Б-63-66.
8. Эйхлер Л.В. /Особенности формирования финансовых результатов деятельности автотранспортного предприятия. Проблемы экономики и менеджмента. № 6 (58) – 2016. С-90-93.

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ МАСОФАДАН  
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

*Мамадияров Зокир Тоштемурович,  
и.ф.ф.д. (PhD) доцент,  
ТДИУ, Талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи*

**Аннотация.** Мазкур мақолада банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматларини ташкил этишда ривожланган давлатлар тажрибаси, Ўзбекистонда банкларнинг трансформациялашувида хориж тажрибасидан фойдаланиш ҳамда банк хизматларини масофадан ташкил этишни ривожлантириш истиқболлари тадқиқ этилган. Бугунги кунда банкларнинг Fintech саноатидаги фаоллиги ва Ўзбекистон банк тизимида ислохотларни бошлаш ва соҳани ривожлантиришга асос бўладиган таҳлиллар амалга оширилган. Олиб борилган тадқиқотларнинг натижасида муаллиф томонидан рақамли трансформация шароитида банк хизматларини масофадан ташкил этишнинг ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ва соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** Банк хизмати; трансформация; FinTech; тўлов; мобил илова; онлайн банкинг; тўлов.

ОПЫТ РАЗВИТЫХ СТРАН В ОРГАНИЗАЦИИ ДИСТАНЦИОННОГО БАНКОВСКОГО  
ОБСЛУЖИВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

*Мамадияров Зокир Тоштемурович,  
к.э.н., доцент, ТГЭУ  
начальник отдела по студенческим вопросам,*

**Аннотация.** В статье исследуется опыт развитых стран по организации дистанционного банковского обслуживания в контексте трансформации банков, использование зарубежного опыта трансформации банков в Узбекистане и перспективы развития дистанционного банковского обслуживания. На сегодняшний день проведен анализ деятельности банков в FinTech индустрии и основы для инициирования реформ и развития банковской системы Узбекистана. В результате исследования автором разработаны научные предложения и рекомендации, направленные на использование опыта развитых стран в области удаленной организации банковских услуг в условиях цифровой трансформации и развития отрасли.

**Ключевые слова.** Банковское обслуживание; трансформация; FinTech; оплата; мобильное приложение; онлайн-банкинг; оплата.

THE EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES IN THE ORGANIZATION OF REMOTE  
BANKING SERVICES IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION

*Mamadiyarov Zokir Toshtemirovich,  
PhD Associate Professor,  
TSUE, Head of the Student Affairs Department,*

**Annotation.** This article examines the experience of developed countries in the organization of remote banking services in the context of bank transformation, the use of foreign experience in the transformation of banks in Uzbekistan and the prospects for the development of remote banking services. To date, the analysis of the activity of banks in the Fintech industry and the basis for the initiation of reforms and development of the banking system of Uzbekistan has been carried out. As a result of the research, the author developed scientific proposals and recommendations aimed at using the experience of developed countries in the field of remote organization of banking services in the context of digital transformation and the development of the industry.

**Keywords.** Banking service; transformation; FinTech; payment; mobile application; online banking; payment.

**Кириш.** Жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий банк хизматларини жорий қилишда бошқа амалиётдан тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки уни банкка, мижозларга ва жамиятга мослаштириш, шунингдек, бу бўйича бошқа ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда фаолият юритиш, изланишлар олиб бориш зарур. Информацион оқимларнинг тезлик билан ҳаракатланаётган ва янгидан-янги тадқиқотлар ўтказиш учун имкониятлар, шароитларнинг мавжудлиги, шунингдек мижозлар ва

банкларнинг бунга тезлик билан тайёр бўлаётгани фикримизга асос бўлади. Банк хизматларини, хусусан, рақамли банк хизматлар хусусида назарий қарашларни ўрганиш, хорижий олимлар фикрларидан фойдаланиш самарали бўлади. Банк хизматларини масофадан ташкил этишнинг ривожланганлик даражаси, унинг мижозлар томонидан кенг қўлланилиши билан белгиланади.

COVID-19 пандимеяси шароитида FinTech инқилоби тезлашмоқда. Шундай қилиб, ортда

қолмаслик учун, мижозлар талабини ўрганиш, шаффоф ва узлуксиз тажрибаларни яратиш орқали мижозлар ишончни қозониш лозим. Саноат тенденцияларига эътибор бериш ва доим сўнгги технологияларни жорий этишга қаратилган инвестицияларни жалб қилиш ва самарали фойдаланиш лозим. Зеро, банк тизимида замонавий FinTech маҳсулотларини жорий қилиш банклар учун мижозлар жалб қилишда, келажакда даромадларини кескин оширишга ва харажатларини қисқартириш имкониятини яра-тади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси тасдиқланди[1]. Мазкур стратегияда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш, инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва шу каби устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси” тасдиқланди[2]. Мазкур стратегияда ҳам банк тизимини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларидан бири сифатида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш каби кўплаб ривожланиш йўналишлари белгилаб берилган.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Банкларда чакана банк хизматларини кўрсатишда рақамли трансформация энг муҳим жиҳатлардан биридир[3]. Сўнгги бир неча ўн йилликларда технологиянинг жадал ривожланиши одамларнинг яшаш ва бизнес юритиш услубларини ўзгартирди[4]. Шу сабабли, интернет-банкинг, онлайн-банкинг ва электрон банк иши каби атамалар кенг тарқалди. Сўнгги ўн йил ичида тўлов тизими барқарор ўсишга эришди. Глобал рақамли тўловлар ҳажми тўлов тизимида 2019 йилда 3885,57 миллиард АҚШ долларни, 2025 йилга келиб эса 8686,68 миллиард АҚШ долларига

етиши кутилмоқда [5].

Интернет ва мобил телефонларнинг ривожланиши ва уларнинг афзалликлари иқтисодиётда қўлланилиши банк-молия тизимини ҳам тубдан ўзгартиришга олиб келди. Маълумотларни алмашиш учун рақамли оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни бошлаган истеъмолчилар эндиликда компаниялар билан алоқа ўрнатиш, онлайн харидларни амалга ошириш ва бошқа кўплаб янги интернет хизматларидан фойдаланишмоқда [6, 7, 8, 9].

Масофавий банк хизматлари тўғрисида хабардорлик даражасига, банк мижозлари томонидан олинган турли маълумотлар таъсир кўрсатади. Mohd Daud, N., Kassim, M., Ezalin, N., Said, M., Wan, W.S.R., Mohd Noor, M.M. лар томонидан ўтказилган тадқиқотларида мижозларнинг хабардорлик даражаси юқори бўлиши, масофавий банк хизматларининг фойдаланувчи учун фойдали эканлигини англашга ёрдам беради[10]. Бошқача қилиб айтганда, банк мижозларини масофавий банк хизмат турлари бўйича хабардор қилиши ва уларни бу хизматларга қизиқтириш масофавий банк хизматларининг оммалашини-га ижобий таъсир кўрсатади[11].

Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари ривожланиб бораётган бўлсада COVID-19 пандемияси даврида тижорат банклари аҳолига банк хизматларини масофадан ташкил этишда жуда кўплаб муаммоларга дуч келди ва мижозларига масофадан барча хизматларни кўрсата олмади. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда масофавий банк хизматлари хали етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ўз исботини топди [12].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни жадваллар асосида қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, тизимли таҳлил асосида статистик гуруҳлаш ҳамда эксперт баҳолаш усулларидан ҳам унумли фойдаланилди. Рақамли трансформация шароитида масофавий банк хизматлари ўзгаришининг таҳлили амалга оширилган.


**Асосий қисм.** Хусусан, «Ipsos Global Trends» томонидан 23 мамлакатдан 18180 нафар одам жалб қилинган ҳолда, инсонларнинг мобиль тўловлар тўғрисида хабардорлик ҳолати бўйича тадқиқот олиб борди. Тадқиқот натижаларига кўра, дунё бўйича фойдаланувчиларнинг ярмидан зиёдроғи яъни, 52% бозорда тақдим этилган мобиль тўлов хизматларидан хабардор эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин фойдаланувчилар миқдори мамлакатлар кесимида турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Солиштириб ўтсак, смартфонлар орқали тўловларни амалга оширишга алоқадор барча хизматлар борасида ривожланаётган мамлакатлар фойдаланувчилари ривожланган мамлакатлардагига нисбатан кўпроқ хабардор эканлигини

кўришимиз мумкин.

Сўровнома натижаларидан кўриш мумкинки, мобиль тўлов хизматларидан энг кўп хабардор бўлган фойдаланувчилар Хитойда (77%) истиқомат қилишар экан. Кейинги ўринларни Ҳиндистон (76%) ва Индонезия (67%) эгаллади. Етакчиликнинг кейинги ўринларида Жанубий Корея (64%), Бразилия (60%), Мексика (59%), Жанубий Африка Республикаси (59%) ҳамда Россия, Туркия ва Перу (57% дан)

турибди.

Европа мамлакатлари ичида 56% билан Польша етакчилик қилмоқда. Германия ва АҚШ да кўрсаткич 48% ташкил қилди. Сўнгра Швеция ва Буюк Британия (47%), Италия (46%), Аргентина ва Бельгия (42%), Испания (41%), Австралия ва Канада (39%), шунингдек, Франция (38%) турибди. Ушбу рўйхатнинг сўнггини Япония давлати 27 %ни ташкил этган (1-расмга қаранг).



1-расм. «Сиз хизматлар бозорида мавжуд бўлган барча мобиль тўлов хизматлари ҳақида биласизми?» сўровномаси натижалари (фоизда)

Манба: "Ipsos Global Trends" томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тузилди.

Сўнги йилларда банклар глобал миқёсда рақамли банк имкониятларини фақат фронт офис учун 9,7 миллиард АҚШ доллар сармоя киритдилар. Кўплаб чакана банклар учун онлайн банкинг ва мобил алоқа каналлари филиаллар ва банкоматлардан кўра муҳимроқ саналмоқда.

Дунё бўйлаб банклар рақамли технологияларга киритилган сармоялар мижозларни жалб қилиш ва рақамли технологиялар сезиларли даражада фойда келтириши мумкинлигини аллақачон англамоқдалар. Масалан, ҳозирги кунда Bank of America депозитларни филиаллар орқали жалб қилганидан кўра ўз уяли алоқа каналлари орқали кўпроқ жалб қилмоқда. Bank of America бош директори Брайан Мойнихан қайд этишича рақамли банкларга сармоя киритиш мижозлар эҳтиёжини қондиришга тўлақонли ёрдам берган.

Аммо банк мижозларининг янги маҳсулот ва хизматлардан қониқиши нисбийдир. Apple, Amazon ёки Google каби этакчи технологик брендлар рақамли алоқанинг олтин стандартига айланганлиги сабабли, кўплаб истеъмолчилар энди ушбу брендлар билан банкларига қараганда кучли ҳиссий алоқага эга. Агар банклар


ўз функциялари ва мижозларини сақлаб қолишни истасалар, улар рақамли тажрибани қўллаш натижасида хизматлар жозибадорлигини яратиши керак, бу эса охир-оқибат мижозларни жалб этиш ва сақлаб қолишда аҳамиятли бўлиши мумкин.

Йилдан-йилга мобиль иловаларнинг тўлов тизимидаги ўрни кескин тарзда ўсиб бормоқда. Айтиш жоизки, 2017 йилда банк мижозлари томонидан текин юклаб олинган мобиль дастурларнинг сони 178,1 млрд.ни, 2018 йилда 205,4 млрд.ни ташкил этган бўлса 2022 йилга бориб 258,2 млрд.га етиши прогноз қилинмоқда. Шу билан бирга пуллик юклаб олинган мобиль иловалар 2012 йилда 2,78 млрд.ни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 14,78 млрд.ни ташкил этган. Табиийки, пуллик юклаб олинган мобиль иловалар даромаднинг ошишига олиб келади ва 2015 йилда 69,7 млрд. АҚШ доллардан 2020 йилга бориб 188,9 АҚШ долларга етиши прогноз қилинмоқда. Бугунги кунда ҳам мобиль иловаларни янада илғор дастурий таъминот, қўшимча қурилмалар ва янада мураккаб ишлаб чиқиш воситалари устида доимий изланишлар олиб борилмоқда. Глобал миқёсда мобиль ило-

валарни яратиш молиявий хизматлар бозорида 2016 йилдан 2022 йилгача 14 фоизга ўсиши кутилмоқда [13].

Бугунги кунда мобиль телефонлар инсон ҳаётида ажралмас воситага айланиб бормоқда яъни маълумотларни ўқишда, интернет тизимига уланишда, электрон почталарни текширишда, керакли маълумотларни юклаб олишда, иш қидиришда, ҳаридларни амалга оширишда,

тўловларни амалга оширишда ва бошқа бир қанча амалларни амалга оширишда инсониятнинг кўмакчисига айланиб бормоқда. Айниқса, мобиль телефонлардан исталган жойда ва исталган вақтда яъни уйда, ишда, автобусда, кинода ва бошқа жойларда ҳам фойдаланишнинг қулайлиги ҳар қандай тўлов учун идеал тўлов восита эканлигидан далолат беради.



**2-расм. Европа бозорларида онлайн банкинг фаолиятининг ҳолати**

*Манба: "Ipsos Global Trends" томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тузилди.*

Лекин Европа давлатларида онлайн банкинг фаолияти шиддат билан ривожланмоқда. Бугунги кунда Европада тўлов тизимида кенг фойдаланилаётган тўлов турлари мобиль тўлов тизими ва онлайн банкинг турлари бўлиб, банклар ёки бошқа молия институтлари мижозларига веб-сайтлари орқали кенг миқёсли молиявий хизматларни кўрсатишга имкон беради. Қуйидаги 2-расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2021 йил 1 январь ҳолатига Европа бозорларида онлайн банкинг фаолияти ҳолати келтирилган. Исландия, Норвегия ва Финландия давлатлари аҳолисининг 90 фоизидан ортиғи онлайн банкинг хизматлари орқали банк хизматларини амалга ошириши орқали Европада банк хизматларини онлайн банкинг орқали амалга ошириш рейтингини бўйича етакчи мамлакатларга айланди [14]. Европа зонасида онлайн банкингдан фойдаланиш ўртача 60 фоизни ташкил этади.

Банк мижозлари банк веб-сайтига боғланиш орқали кенг миқёсли молиявий хизматла-

ри амалга оширади. Вақт ўтиши билан Европада ушбу электрон тўлов хизматига ишонч ортиб борди. Натижада, Дания, Германия ва Австрия каби давлатларда нақд пулдан фойдаланиш сезиларли равишда камайиш юз берди.

Демократик	Жамоавийлик ҳамда эксперт баҳолаш усули	Муоммоларни жамоавий тарзда муҳокама қилади, экспертларни жалб қилади	Ижронини маъсулларга ваколати доирасида тақсимлайди	Ижрочиларга ишонч билдиради ва назоратни амалга оширади
Либерал	Коллегиал	Кичик гуруҳларда муоммоларни ҳал қилиш	Маъсулиятдан қочади	назоратсиз қолдиради
Замонавий	Жамоавийлик ҳамда эксперт баҳолаш усули	Муоммони ҳал қилишда маъсулиятни ўз бўйнига олган ҳолда, жамоа ходимларига ишоч билдиради	Вазифаларни ўзи ва ҳодими ўртасида тақсимлайди	Назоратни ўз вақтида четга оғишларни англаб, тез чора кўради

Шу нуқтаи назардан ҳам раҳбар ҳодимлари учун севимли ва ҳурматли йўлбошчи бўлиши зарур. Раҳбар ёки менежернинг етакчи ёки лидерлиги ҳам қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қарорлар шахс томонидан қабул қилинар экан, унда шу шахс фазилатларининг у ёки бу даражада акс этмаслигининг ҳеч иложи йўқ. Шу нуқтаи назардан қуйидаги қарорларнинг мавжудлиги эътироф этилади:

- мўътадил, мувозанатлашган қарорлар, яъни мазкур муомони обдон билган, қарорни қабул қилишдан олдинроқ ўзининг таянч фикрига эга бўлган раҳбар қабул қилади. Мувозанатли қарор қабул қилиш муаммонининг ҳолати ва масалага бўлган талабни бошланғич таҳлилда ҳосил бўлган, дастлабки мулоҳаза билан ёндашишадиган инсонларга хос. Мувозанатлашган қарорларни одатда ҳар бир ишга эътибор билан ёндашишадиган, бошланғич ғояни шакллантира оладиган, ўз ишига танқидий ёндашишадиган менежерлар қабул қиладилар.

Бу борада Президентимиз Ш. М. Мирзиёев ўзининг раҳбарларга аталган нутқида “Пала партиш таклифларни бериш ва шошма шошарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас” [7, 22-б] деган эди. Демакки “етти ўлчаб бир кес” нақлига амал қилган ҳолда қабул қилинган қарорлар натижасидан халқ рози бўлади.

- туртки берувчи қарорлар, яъни раҳбар бундай қарорни бирданига қабул қилиб, етарлича асосланган ва ишончсиз бўлади. Импульсив, туртки берувчи қарорларни турли туман ғояларни тезлик билан ишлаб чиқадиган менежерлар томонидан қабул қилинади. Тезликда ишлаб чиққани учун ҳам уларни етарли асослари бўлмайди ва ишончсизроқ бўлади. Импульсив қарор қабул қиладиган инсонлар илмий башорат қилиш жараёнидан уларни текшириш ва аниқлашдан устун бўлади. Уларни фикрлаши осон, лекин баҳолашга кам эътибор беришади. Қарорнинг импульсивлиги раҳбарни ҳаётга ўйланмаган ва асосланмаган қарорни тадбиқ эти-

шига олиб келиши мумкин. Импульсивлар учун қарама-қарши тактик усул характерлидир, яъни улар ютуқларни мўлжаллайдилар, муваффақиятсизликларга таъсирчанлиги камроқ;

- тинч ҳолатни сақловчи қарорлар чуқур изланишлар натижасида, тезкор ғоянинг пайдо бўлишидан кўра кўпроқ аниқлик киритиш, назорат қилиш асосида қабул қилинади. Шу сабабли бундай қарорларда новаторлик, ўзига хослик аломатлари ўз аксини топмайди. Инерт, тинч ҳолатни сақловчи қарорлар-ечимларни эҳтиёткорлик билан излаш натижаси ўлароқ, уларда янгилик, ўзига жалб этиш каби хусусиятлар йўқлиги сабабли ҳодимларни чарчатади. Баҳолаш ҳар бир қадамни раҳбар бир неча бор текшириши оқибатида қарор қабул қилиш жараёни секинлашади;

- таваккал қарорларнинг туртки берувчи қарорлардан фарқи шундаки, уни қабул қилувчи бошқарувчилар ўз тахминини асослашга уришимайди, ўзларига ишонган ҳолда ҳар қандай ҳавфдан қўрқинмайди. Таваккал қарорлар импульсив қарорларга ўхшайди, лекин улардан индивидуал тактикаси билан фарқланади. Раҳбар англашилмовчилик вужудга келганда вазиятни баҳолайди, шунда илмий башорат қилиш унсурлар ва уларни текшириш мувозанатга келади;

- эҳтиёткорона қарорлар ўз ишига пухта ёндашишадиган, унга танқидий нуқтаи назардан қарайдиган, турли вариантларни баҳолаб иш тутадиган менежерлар томонидан қабул қилинади. Уларда ҳам ўзига хослик ва янгилик аломатлари ўз аксини топмайди. Эҳтиёткорлар одатда ўзларининг ижобий ишларига нисбатан салбий ишларига таъсирчан бўлиб, кўпроқ хатоликлардан чўчийдилар. Шунинг учун ҳам эҳтиёткорларнинг тактик усуллари хатоликка йўл қўймасликдир.

Қайд қилинган қарорлар одатда тезкор бошқарувни амалга ошириш мақсадида қабул қилинади. Стратегик ва тактик бошқарув мақса-

дида эса иқтисодий таҳлилга мақбуллаштиришга асосланган оқилона қарорлар қабул қилинади. Демак раҳбарликка номзодларни танлашда ҳам уларни қарор қабул қилишга ёндашиш услубларини ўрганиш аҳамиятга моликдир. И.А.Каримов номзодларни раҳбарликка танлашда қуйидагиларга эътибор қаратишни маслаҳат берган: “Маъсул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман.” [8, 12-б]

Бундан ташқари қарор қабул қилишда раҳбарнинг психологик хусусиятлари қарор қабул қилиш услублари сифатида кўриб чиқиши даркор. Рус олимлари Самигин С.И. ва Столяренко Д.Д. ўзларининг ўқув қўлланмаларида қуйидаги фикрларни баён этган: қарор қабул қилувчиларни психологик хусусиятларига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Биринчиси, қабул қилувчи кишилар гуруҳи. Бунда субъектлар томонидан қарорлар қабул қилишда иккиламчи омилларни чиқариб ташлаш йўлидан фойдаланади. Чунки бу гуруҳ кишилари нима хоҳлашию, нимани ёқламастлигини аниқ биладилар. Шунинг учун қарор қабул қилиш зарур бўлган вазиятда улар қўллаб қувватловчига муҳтож бўлади. Уларнинг муқобил йўллари қидиришга бўлган иштиёқи, ижодий ишга қобилияти қарор қабул қилишда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иккинчиси, ҳал қилувчи кишилар гуруҳи, аксинча тезкор қарор қабул қилишга интиладилар, гарчи ҳамма вариантлар кўриб чиқилмаса ва натижаларга баҳо берилмаган бўлса ҳам. Ҳал қилувчиларнинг кучи уларнинг мақсадларини аниқ ўришлари ва у саъи ҳаракат қилишларидадир. Лекин “мақсадга эришишлари учун қарорнинг сифатидан ҳам муҳим бўлиб қолиш ҳавфи бор” [9].

Ўзбек тадқиқотчиси О.К.Алимовнинг илмий ишидаги асосий янгиликларида янги тайинланган раҳбарларнинг психологик ҳолатига таъсир кўрсатувчи салбий омилларни бошқарувчилик фаолиятига мослашув даврини узаёшига ва бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайиб кетишига олиб келиши аниқланган; турли ташкилотларда бошқарувчи кадрларни тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаштирувчи Кенгашларни шакллантириш зарурати билан боғлиқ аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, ушбу Кенгашларнинг фаолиятини салоҳиятли ҳодимларни тайёрлаш самарадорлиги билан узвий боғлиқлиги аслаб берилди [10,8-б]

Қарор қабул қилишда ходимлар мотивацияси ва ходимлар фикрини инobatга олиб қарор чиқаришда аввало уларнинг фазилатларига

ҳам эътибор бериш даркор. Раҳбарнинг шахсий фазилатлар тўплами орасида ўзгармас ва жуда ўзгарувчан фазилатлари борлиги ҳақида бошқарув соҳасида илмий иш олиб борган олимлар таъкидлаб ўтганлар:

- ўзгармас фазилатларга қуйидагиларни: темперамент, соғлиқ, реакциялар;

- заиф ўзгарувчан фазилатларга - таклиф, ҳиссиётлилик даражаси, профессионаллик, тажриба, эътиборнинг табиати, талабчанлик, фикрлаш параметрлари;

- жуда ўзгарувчан фазилатларга - ирода, жавобгарлик, ҳушмуомалаликларни киритишган. Муваффақиятсиз раҳбарнинг характерли ташқи хусусиятлари - бу ҳаддан ташқари мулозимлик, тажрибанинг етарли эмаслиги, оғзаки ва ташқи кўриниши.

Холерик томонидан қабул қилинган қарорлар юқори даражадаги ҳавф, қатъийлик ва муросасизлик билан тавсифланади. Шунинг учун, уларнинг қарорини қўллаб-қувватлаш учун юқори тезликдаги ахборот тизимларидан фойдаланишни тавсия этишган бир гуруҳ олимлар. Холериклар – кўтаринки руҳда ишлаб оладиган, қаршилиқларни енга оладиган кишилар бўлиб, уларнинг ишлаш завқи кайфиятининг бузилиши биланоқ тез ўзгариши мумкин. Улар сержаҳллиги билан ҳам сангвиниклардан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан ҳам муаммога ташхис кўювчи холерик темпераментидаги раҳбарларга ахборотларни вақтида етказиб бериш лозим.

Сангвиниклар ҳам холериклар каби тезкор, лекин улар қарор қабул қилиш жараёнида кўпроқ жамоанинг фикрини инobatга оладилар. Сангвиниклар иш жараёнида кечган кўнгилсиз ҳодисаларни тез унутадилар. Улар ўз кучи ҳамда қобилиятларига ортиқча баҳо бериш хусусиятига эга бўладилар. Улар мутахассислар билан ҳам, қарор қабул қилишга ёрдам берувчи ахборот тизимлари билан ҳам яхши ишлашади.

Меланхоликлар қарор қабул қилишда ўта маъсулият билан ёндашиб, қабул қилиши мумкин бўлган қарорнинг салбий томонлари нималарда акс этиши мумкинлигини ҳисобга оладилар. Аҳамиятсиз нарсаларни биринчи ўринга олиб чиқишгани оқибатида қарорни ишлаб чиқишга кўп вақт сарф этадилар. Шунинг учун ҳам ўз қарорларини амалга оширишда, улар доимий равишда бажарилиш жараёнини кузатадилар, ижрочиларга ёрдам берадилар, юзага келган муаммоларнинг барча тафсилотларини ўрганадилар. Улар кўпинча стратегик режалаштириш доирасида яхши қарорлар қабул қила оладилар.

Флегматиклар қарор қабул қилишда ахборот тизимларидан кўра мутахассисларга кўпроқ таянадилар. Уларнинг қарорлари ҳавфсизлик-

нинг юқори даражаси ва муҳокамаси билан тавсифланади. Ўз қарорларини амалга оширишда, флегматик одамлар қатъий ва қатъиятлидир. Лекин юқоридаги темпераментлар бир одамда дуч келиши қийиндир.

Раҳбар ҳамиша бир нарсани ёдида тутмоғи даркор. Унинг ҳодимлари корхонанинг энг асосий ресурслари ҳисобланади. Шундай экан уларга кунда бир маротаба бўлса ҳам назар ташлаш керак, чунончи инсонда ҳурматга бўлган эҳтиёж мавжуддир. Корхоналардаги ишнинг маҳсулдорлиги маҳсулотнинг сифати ва миқдори билан белгиланади экан, менежерлар айнан шу мезонларга эришиш учун асосий ресурслари бўлган ҳодимларини яхши кайфият билан ишлаши учун шароит яратиши даркор. Зеро маҳсулдорлик ўз навбатида корхонанинг ички муҳитига боғланган. Бу борада Ғарб олимлари Б. Карлоф, С. Седербергнинг ўз асарларида қуйидагича фикрларни келтирган: “Ўз навбатида асосий диққат-эътиборни ўз қўл остидаги ҳодимлари билан қиладиган муносабатларга қаратишни ҳуш кўрадиган раҳбар ўртача қулайликка эга бўлган шарт-шароитларда кўпроқ самарача эриша олади” [11, 352-6].

Ўзингда йўқ нарса билан бировга танбеҳ бериб бўлмайди, яъни биз ўзбекларда “аввал ўзинга боқ кейин ноғора қоқ” деган мақол бор. Яъники шахсий ўрнак кўпроқ эффект беради. Ходимга у нотўғри бажарганини айтиб, бу ҳақида нимани ҳис этаётганингизни айтиш, яъни сизга уни нотўғри қилаётган ишидан қанчалик азият чекаётганингизни, уни қанчалик қадрлашингизни елкасига қўлингизни қўйиб айтишларингиз ходимнинг ҳулқида яхши томонга силжишига олиб келади. Харизма - инсоннинг фазилатларига асосланган кучдир: донолик, “муқаддаслик”, қаҳрамонлик, ҳар қандай инсон учун очиқлик, таъсирчан ташқи кўриниш, жамиятда турли мавқега эга одамларни муносиб ва ишончли тутишда намоён бўлади [12, 91-с] Ҳорижий компаниялар амалиётида замонавий бошқарувнинг асосан 3 та инновацион тенденциялари намоён бўлади:

- тегишлилиги бўйича умумий қарорларни қабул қилишнинг мураккаблик жараёнлари яъни қарор қабул қилишда барчани фикри ва уларнинг бу қарор юзасидан билдирилган муносабатларнинг инобатга олиниши;

- ўзгаришларни амалга оширишдаги мураккабликларни ва ноқулайликларни бартараф этишда тезкор янги бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш;

- бошқарув тизимини соддалаштириш орқали узоқ муддатли режалаштириш вақтини тажрибавий қисқартириш [13, 42-6].

Муваффақиятга эришган ишбилармонлар ўз вақтларини келгусида уларни янги билим-

лар, ижодий қарорлар ва куч-қувват билан таъминлайдиган нарсаларга сармоя қилишади. Менежмент масалалари бўйича иқтисодчи ва маслаҳатчи *Питер Друкер* қарор қабул қилаётиб, бундан нималар кутаётганини ёзиб борган, бир неча ойдан кейин эса уларни амалдаги натижалар билан таққослаган. [14]

**Яқуний қисм.** Юқорида қайд этилган назарий фикрларни ўрганган ҳолда қуйидаги ҳулосаларга келдик ва қуйидагиларни таклиф қилмоқчимиз:

1. Қарор қабул қилишдак муҳим аҳамиятга молик бўлган жараёни ўзбўларчилик билан эмас, ходимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш даркор;

2. Раҳбарликка шундай инсонларни танлаш керакки, улардаги шахсий фазилатлари бу лавозимга қўйилганлиги учун ходимлар ёки халқ норизо бўлмаслиги ва ундан азият чекмаслиги керак;

3. Биз ўзбек халқига муносиб бўлган хусусиятларидан бири ҳам ажодларни, катта ва тажрибали инсонларни фикрларини албатта инобатга олишдир. Яъни бу ҳолатда тажрибага асосланган қарорлар ёки илмийлик тамойили асосидаги қарорлар юқори натижа беришлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро халқимизда “қари билганни пари билмас” деган нақл бор;

4. Раҳбарлик қобилияти бор ёш кадрларни ўз вақтида пайқаб олиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларни тўғри йўналтира олиш ҳам даркор. Бу масалада айниқса раҳбар кадрларда ҳасад эмас, балки ҳавас туйғуси, ватанпарварлик руҳи мавжуд бўлиши керак. Зеро иқтидор эгасини “у эртага мени лавозимимни тортиб олади” қабилда эмас, аксинча эртанги кунимиз повдевор, Ватан равнақи учун ҳисса қўша оладиган шахс сифатида қараш даркор;

5. Қарор қабул қилиш жараёнида раҳбарнинг раҳбарлик услублари муҳимлик даражаси юзасидан аввало илғор ўринларни эгаллайди. Зеро сўнги қарорни раҳбар ишлаб чиқаради ва уни назорати юзасидан ҳам, ижросини таъминлаш юзасидан ҳам ўзида жавобгарлик, яъни маъсулият юқори даражадалиги у қабул қилган қарорнинг амалга ошгандан кейинги фаолиятида ўз аксини топади;

6. Қарор қабул қилиш жараёнида раҳбарларда ижодий ёндашувнинг мавжуд бўлиши, қарор қабул қилиш жараёнига инновацион ёндашув даркор. Фантастик китоблар ўқиш, шахмат ўйинларини кўпроқ ўйнашлик бўлажак раҳбарларда вариантлардан муқобилини танлай олиш кўникмасини оширади;

7. Қарор қабул қилиш жараёнида мақсадни аниқ қўя олиш, ходимларга тўғри мотивация бериш ва вақтида танбеҳни ҳам бериш зарур.

Ҳар бир қарорни ҳодимлар билан биргаликда қабул қилишдан олдин раҳбар аввало ушбу қарорнинг ижросидан кутилаётган мақсадни, “нишонни” аниқ кўрсатиб бериб, унга қандай “ўқ” узиш кераклигини ўзларига қўйиб бериш керак. Корхона олдиға қўйган мақсадни тўғри тушинган ҳодимларгина қарорнинг ижросини шунга мослаб бажарадилар. Танбеҳ бериш де-

ганда назорат функцияси ўлароқ, четға оғишларни вақтида тўғрилаш орқали қарорларда юзаға келадиған камчиликларни олдини олиш назарда тутиляпти.

Умумий хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, раҳбар ўз ваколати доирасида қарор қабул қилар экан, албатта унда маъсулият ва жавобгарликни ҳам ёддан кўтармаслик зарур.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Н.К.Йўлдашев, Г.Е.Заҳидов “Менежмент” “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” Тошкент-2018, 33-б
2. Тебекин А.В., Мантусов В.Б. Управление организацией: теоретико-методологические основы, функциональные задачи, технологии, прикладные аспекты применения Монография/ М.: РИО Российской таможенной академии, 2016, 134-с
3. Муаллиф ишланмаси
4. Смирнов Э. А. Разработка управленческих решений: Учебник для вузов. – М:ЮНИТИ-ДАНА, 2002. –15- с.
5. Муаллиф ишланмаси
6. Л.Н. Ахтулова А.Л.Ахтулов А.В.Леонова А.В.Овсянников Особенности процесса принятия управленческих решений в организации “Омский научный вестник» №3(129)2014, 39-с
7. Ш.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиққоидаси бўлиши керак” Тошкент-“Ўзбекистон”-2017. 22-б
8. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.-2008, 12-бет
9. Самигин С. И. Столяренко. Д.Д. Психология управления. Учебное пособие-Ростов на дану «ФЕНИКС» Москва «ЗЕВС»1997
10. Алимов Одил Комилжонов “Корхона бошқарувчиларида лидерлик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси Тошкент-2008, 8-б
11. Карлоф .Б, Седерберг С.Визов лидеров: Пер. Со швед .-М.: Дело, 1996. 352-б
12. Самигин С. И. Столяренко. Д.Д. Психология управления.-Ростов на дану 91-с
13. Абдуллаев Д.Х. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришида замонавий бошқарув услублари. “Рақамли иқтисодиёт: иқтисодий ривожланиш тенденцияларини такомиллаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш истиқболлари ” Республика илмий-амалий конференция илмий мақолалар ва маърузалар тўплами 2019 йил 2 декабр, 42-б
14. [www.kun.uz.lifestyle](http://www.kun.uz.lifestyle)

## МАРКЕТИНГ ЛОГИСТИКАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Холмаматов Диёр Ҳақбердиевич –**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, доц. PhD*

**Аннотация:** Ўзбекистонда сўнги йилларда амалға ошириб келинаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиёти тартиб-қоидалари тизимли равишда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида амал қилмоқда. Товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ўзгариши, барча тармоқларда рақобат интенсификацияси ошмоқда. Бу жараён эса корхоналарнинг рақобат устунлигига эришишлари учун барқарор ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатмоқда. Рақобат устунлигига эришишнинг муҳим воситасига айланиб бораётган маркетинг логистикаси ва унинг янги сотув бозорларига кириш, товар тарқатиш тизимини шакллантириш ҳамда материаллар, хом ашё, товарларни харид қилиш йўналишлари мазкур мақолада ёритилган.

**Калит сўзлар:** маркетинг, логистика, маркетинг логистикаси, сотув бозорлари, товар тарқатиш тизими, рақобат устунлиги, таъминот, тақсимот, хизмат кўрсатиш.

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ МАРКЕТИНГОВОЙ ЛОГИСТИКИ

**Холмаматов Диёр Ҳақбердиевич –**

*Самаркандский институт экономики и сервиса, доцент, PhD*

**Аннотация:** в результате экономических реформ, проведенных в Узбекистане в последние годы, регулирование рыночной экономики систематически применяется во всех секторах и отраслях экономики. Меняется конкурентная среда на товарных и финансовых рынках, растет интенсивность конкуренции во всех секторах. Этот процесс демонстрирует необходимость разработки устойчивых и долгосрочных стратегий, с тем чтобы предприятия могли достичь конкурентных преимуществ. В данной статье рассматривается маркетинговая логистика, которая становится важным средством достижения конкурентного преимущества, и ее внедрение на новые рынки сбыта, формирование системы дистрибуции бренда, а также закупки материалов, сырья, товаров.

**Ключевые слова:** маркетинг, логистика, маркетинговая логистика, рынки сбыта, система распределение товара, конкурентное преимущество, поставка, распределение, сервис.

Kholmamatov Diyor Haqberdievich –

Samarkand Institute of Economics and Service, docent PhD

**Abstract:** As a result of the economic reforms implemented in Uzbekistan in recent years, the procedures of a market economy are systematically applied in all sectors and industries of the economy. The changing competitive environment in the commodity and financial markets, the intensity of competition in all sectors is increasing. This process highlights the need to develop sustainable and long-term strategies for enterprises to gain a competitive advantage. This article covers marketing logistics, which is becoming an important tool for achieving a competitive advantage, and its access to new sales markets, the formation of a distribution system, as well as the purchase of materials, raw materials and goods.

**Keywords:** marketing, logistics, marketing logistics, sales markets, product distribution system, competitive advantage, delivery, distribution, service.

**Кириш.** Ўзбекистонда сўнг йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошиб бормоқда. Бу эса маҳаллий корхоналар фаолиятида замонавий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда истеъмолчиларни жалб қилиш ва ушлаб туриш, бозорда янги рақобат усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўз маҳсулотларини сотишни ташкил қилишда илғор воситалар ва усуллардан фойдаланишнинг энг самарали усуллари излашни тақозо этмоқда. Бундай шароитда бизнес юриштининг муҳим воситалари бўлган маркетинг ва логистикадан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг интеграцияси масалалари алоҳида долзарбликка эга бўлмоқда.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Маркетингнинг замонавий концепциялари шаклланиши билан бирга 1990 йилларнинг ўрталарида “маркетинг логистикаси” атамаси назарий жиҳатдан илмий манбаларда ишлатила бошлади. Маркетинг бўйича етакчи олим Ф.Котлер маркетингнинг муҳим таркибий қисми ва элементи бўлган товар тарқатишнинг стратегик муаммолари логистика ва маркетинг билан боғлиқлигини таъкидлайди. Охириги вақтларда маркетинг логистикаси атамаси тобора кенг қўлланилаётганини таъкидлаб, у товарларнинг нафақат товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракати жараёнини, балки товарлар ва материалларнинг таъминотчилардан корхоналарга етказиб берилишини ҳам ўзи ичига олишини ўз илмий тадқиқотларида кўрсатиб ўтган [7].

Россиялик олим Г.Л.Багиев маркетинг логистикаси атамасини ўзининг маркетингнинг изоҳли луғатига киритди. Маркетинг логистикаси барча турдаги оқимларни оптималлаштиришда логистика билан маркетинг фаолиятини уйғунлигини таъминлайдиган усул сифатида талқин қилган [2].

Яна бир улгуржи савдода маркетинг ва логистика масалалари билан шуғулланувчи таълимчи рус олими Е.А.Голиков маркетинг ва логистика бир-бири билан ҳаммаҳаллига боғлиқ эканлигини исботлади ва маркетинг логистикаси тусунчасига таъриф берди. Маркетинг логистика-

си хўжалик юриштининг янги инструменти деб таъкидлади [4]

**Асосий қисм.** Маркетинг истеъмолчилар эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга қаратилган концепция сифатида, товарларни сотишдаги қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ХХ аср бошларидан бошлаб бизнес субъектлари томонидан қўлланила бошланди. ХХ асрнинг ўрталарида бозорда зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга оид хатти-ҳаракатларнинг йўналиши ва талабга таъсир этувчи омилларни ўрганишда маркетинг усуллари билан фойдаланиш рақобатбардошликни оширишда ҳал қилувчи омил бўлиб чиқди. Бу даврларда моддий ва ахборот оқимларини бошқаришни таъминлайдиган тизимларни яратиш масалалари ўша пайтда долзарб эмас эди. Иқтисодиётда бундай тизимларни қуриш учун техник имкониятларнинг етишмаслиги, шунингдек, рақобатбардош устунликларга эга бўлиш учун асосан маркетинг техникасидан фойдаланилган.

Ҳозирги кунда фақат маркетинг концепцияси асосида бозорда барқарор позицияни таъминлаш ва рақобатчилардан устун бўлиш мумкин эмас. Рақобат устунлигига маркетинг томонидан аниқланган талабга мувофиқ ишлаб чиқарилган керакли маҳсулотни керакли жойга, керакли миқдорда, сифатли, тез ва аниқ етказиб бериш орқали ўз вақтида талаб қониқтирилиши керак [8]. Бу фақат маркетинг фаолияти билан амалга ошмасдан, балки логистика тизими иштирокида ўз ечимини топади.

Маркетинг талаб ва таъминотни ривожлантириш ҳамда бошқариш билан шуғулланади. Шунингдек, бозорда таъминот қилинадиган товар ва хизматларни сегментлаш ва силжитишни амалга оширади. Логистика эса таъминотчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчинини технологик жиҳатдан ягона тизимга бирлаштириб, улар ўртасида товар оқимини таъминлайди. Шундай қилиб, маркетинг ва логистика функциялари битта жараёни ташкил этиб, муваффақиятга эришиш учун хизмат қилади.

Маркетинг ва логистика функциялари ўртасидаги ўзаро боғлиқ асосий йўналишларга

қуйидагилар янги савдо бозорларига чиқиш, материаллар, хом ашё, товарларни харид қилиш ва товарларни тарқатиш тизимларини шакллантириш киради.

Янги сотув бозорларига кириш. Кўпгина маҳаллий корхоналар учун долзарб муаммолардан бири бу янги савдо бозорларига чиқиш ҳисобланади. Янги сотув бозорларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу бозорларга йўналтирилган товар ва хизматлар портфелини шакллантириш, ишлаб чиқарилган товарларни қадоқлаш ва маркалаш, товарларни тараларга жойлаштириш, етказиб бериш учун транспорт турини танлаш, ташиш ва етказиб бериш шартларини аниқлаш, тақсимот тармоқларида захираларни яратиш, бозорда талабни

товар ассортиментни, сотув ҳажми, потенциал хариддорларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш бўйича прогнозлаш кабилар маркетинг логистикасининг муҳим функциялари ҳисобланади.

Янги сотув бозорларига кириб боришда омборхона тармоқларини шакллантириш, тақсимот занжири бўйлаб моддий оқимлар ҳаракати графигини ишлаб чиқиш ва режалаштириш масалалари ҳам маркетинг ва логистика доирасида ечиладиган масала ҳисобланади. Шунинг учун янги сотув бозорларини, айниқса ташқи бозорларга чиқишда маркетинг ва логистика функцияларини бирлаштириб, маркетинг логистикаси амал қилса, сотув самарадорлиги таъминланишига хизмат қилади.

1-жадвал

Корхоналарни янги сотув бозорларига чиқишларида маркетинг ва логистиканинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари

Маркетинг	Логистика
1. Потенциал сотув бозорини аниқлаш 2. Янги сотув бозорларини эгаллаш ва мижозлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш учун инновацион дастурларни тайёрлаш 3. Бозорда талабни товар ассортиментни, сотув ҳажми, потенциал хариддорларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш бўйича прогнозлаш 4. Ўрнатилган рақобатбардошлик мезонлари бўйича бозор чегарасини аниқлаш 5. Бозорда хизмат кўрсатиш сиёсатини аниқлаш 6. Реклама компаниясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	1. Омборхона тармоқларини шакллантириш 2. Тақсимот тармоғи ва логистика занжирларини яратиш 3. Ҳар бир етказиб бериш занжири иштирокчиларини танлаш 4. Тақсимот тармоқларида ресурсларни тақсимлаш 5. Тақсимот тармоқларида захираларни яратиш 6. Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича товар ҳаракати шаклини танлаш 7. Товар таъминоти тизимини аниқлаш 8. Мижозлар учун хизмат кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш 9. Маркетинг томонидан таклиф этилган реклама компаниясини қўллаб-қувватлаш

Манба: илмий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Материаллар, хом ашё, товарларни харид қилиш. Харид қилиш фаолияти зарур материаллар, хом ашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва тайёр товарларни керакли миқдорда ва керакли вақтда сотиб олиш бўйича комплекс бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнидан иборат. Бу бозорни тўйинганлиги ва корхона мақсадлари билан яқин мувофиқлаштиришни таъминлайди. Материаллар ва хом ашёларни ишлаб чиқариш корхоналари харид қилади. Бу жараёнда ҳам ишлаб чиқариш корхоналарига

материаллар ва хом ашёларни етказиб бериш, харид таркибини аниқлаш, ишлаб чиқариш талабини ўрганишда маркетинг логистикаси муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, тайёр товарларни истеъмол бозорига таклиф этиш, улгуржи ва чакана савдо корхоналари орқали охирги истеъмолчиларга сотиш жараёнида ҳам маркетинг ва логистиканинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд. Шунинг учун харид логистикаси билан маркетинг функциялари бирлашиб, маркетинг логистикасига айланади (2-жадвал).

2-жадвал

Материаллар, хом ашё, товарларни сотиб олишда маркетинг ва логистиканинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари

Маркетинг	Логистика
1. Корхонанинг харид фаолияти бўйича маълумотлар базасини яратиш 2. Узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартларда етказиб берувчилар билан шерикликни ўрнатиш 3. Харидларни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилиш учун товар ҳажми ва сифати, нарх, логистика, ташкилий шартларни оптималлаштириш 4. Харидлар ассортиментини янгилаш ва уларнинг ҳажмини кенгайтириш 5. Харид қилиш имкониятларини таъминлаш учун фойдали ўринбосар товарларни топиш	1. Товар оқими ҳаракатини таҳлил қилиш 2. Буюртма қилинаётган товарлар таклифини аниқлаш 3. Етказиб берувчилар базасини яратиш ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириш, функционал кўрсаткичларини баҳолаш орқали етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш (SRM - Supplier Relationships Management) 4. Маҳсулотларни сақлаш ва омборлаштиришни рационал ташкил этиш 5. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиб олиш харажатларини камайтириш усулларини амалга ошириш

Манба: илмий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

Тақсимот тизимини шакллантириш. Ҳар қандай корхона фаолияти харидорларнинг талабларини қондириш, яъни кўзланган якуний натижага эришишда мижозларга юқори даража-ли хизмат кўрсатиш, истеъмолчининг талабларига мувофиқ самарали етказиб беришга қаратилган. Бу жараёнда истеъмолчилар талабларига мувофиқ етказиб бериш харажатлари ва ресурслардан минимал фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, ушбу соҳада маркетинг ва логистика бир-бири билан тўлиқ кесишади ва биргаликда кўзланган мақсадларга эришишни таъминлайди. Шундай қилиб, маркетинг - бу ҳар бир савдо ҳудудида савдо тизимини яратиш бўлса, логистиканинг вазифаси эса истеъмолчиларга ўз товар тарқатиш тармоғи орқали ёки воситачиларни жалб қилган ҳолда товар оқимлари ҳаракатини таъминлашдан иборат (3-жадвал).

3-жадвал

**Товар тарқатиш тизимини шакллантиришда маркетинг ва логистиканинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари (илмий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси)**

Маркетинг	Логистика
1. Маҳсулотлар сотув бозорларини излаш 2. Маҳсулотлар тақсимои стратегиясини ишлаб чиқиш 3. Бозорни қамраб олиш стратегиясини танлаш бўйича қарор қабул қилиш 4. Тақсимот тизмида воситачиларни танлаш ва баҳолаш 5. Воситачиларни рағбатлантириш	1. Тақсимот канали тизимини қуриш ва танлаш 2. Хизмат кўрсатиш ҳудудларида оптимал омборхоналар сонини аниқлаш 3. Хизмат кўрсатиш ҳудудларида оптимал тақсимот марказларини жойлаштиришни аниқлаш 4. Савдони ташкиллаштириш ва рационал товар ҳаракатини танлаш

Маркетинг ва логистиканинг ривожланиш эволюцияси уларнинг функцияларини бирлаштириш жараёни ва маркетинг логистикасининг пайдо бўлиши муқаррар бўлганлигидан далолат беради. Чунки маркетинг фаолияти истеъмолчилар талабини аниқлашга ва шу асосида керакли товарларни таклиф қилишга қаратилган бўлса, логистика фаолияти эса товарларни керакли миқдорда, керакли жойга ва керакли вақтда етказиб беришни ўз ичига олади.

Маркетинг логистикаси концепцияси барқарор рақобатбардош устунликларга эришиш, сервис сифатини яхшилаш ва харажатларни оптималлаштириш мақсадида товар тарқатиш каналларида товарлар оқимини самарали ташкил этиш ва маркетингни бошқариш тизими сифатида қаралади. Маркетинг логистикасининг концептуал қоидаларини амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни таъминлайди: товар тарқатиш каналлари иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали истеъмолчилар учун қиймат яратиш тизимини шакллантириш, мувофиқлаштириш орқали истеъмолчилар учун қиймат яратиш тизимини шакллантириш, товар тарқатиш каналининг иштирокчиларини маркетинг ва логистика функцияларини бирлаштириш, юқори сифатли сервис кўрсатиш орқали истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш, таъминот занжиридаги харажатларни оптималлаштириш орқали маркетинг фаолияти рентабеллигини ошириш.

Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиёти тартиб-қоидалари тизимли равишда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида амал қилмоқда. Товар ва молия

бозорларида рақобат муҳити ўзгариши, барча тармоқларда рақобат интенсивлиги ошмоқда. Бу жараён эса корхоналарнинг рақобат устунлигига эришишлари учун барқарор ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатмоқда.

Корхоналар амалда рақобатчилик устунлигини таъминлаш, рақобатбардошликни сақлаб қолишни истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини сифат ва нарх уйғунлигида қондиришга имкон берадиган маркетинг концепцияларини қўллаш орқали ва логистика нуқтаи назардан товар-моддий ресурслар оқимини оптималлаштириш орқали фойданинг етарлича юқори даражасини таъминлаш эвазига қўлга киритади.

Эркин бозор шароитида ўз самарадорлигини исботлаган корхона менежменти маркетинг ва логистика концепцияларини ўзаро бирлаштириш орқали эришганлигини бир қатор илмий изланишлар тасдиқламоқда. Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда маркетинг ва логистиканинг ўзаро алоқадорлиги бўйича учта асосий ёндашув борлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи ёндашувга кўра, маркетинг компанияда талабни шакллантириш, маҳсулотни силжитиш ва сотишни бошқариш жараёнлари тўпламидир. Логистика эса, омборлаштириш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишда жисмоний тақсимотни амалга ошириш, ишлаб чиқариш корхоналарига хом ашё ва бошқа материал ресурсларни етказиб бериш, товар-моддий ресурслар ҳаракатини бошқариш жараёни билан боғлиқ масалаларни ечади. Ишлаб чиқариш жараёнларини ресурслар билан таъминлаш муаммоларининг кучайиши, тобора

ўсиб бораётган рақобат шароитида сотиш жараёнини оптималлаштириш билан боғлиқ омиллар 60-йилларда логистика концепциясининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунда логистика савдо операцияларини бошқариш, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар бозорларини таҳлил қилиш, товар ва хизматлар бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштиришни ўз ичига олади. Бундан кўриниб турибдики, маркетинг масалалари билан логистика масалалари туташмоқда.

Муаллифларнинг аксарияти маркетинг ва логистикани бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган мустақил ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият йўналишлари деб ҳисоблайди.

Маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда корхона ўз истеъмолчилари кимлиги, уларнинг қандай товарга, қанча миқдорда эҳтиёжлари борлиги аниқланади. Логистика воситалари корхонада товар-моддий ресурслар оқимларини оптимал ташкил этиш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида, керакли ҳажмда, керакли жойга етказиб беришни таъминлайди. Кўриниб турибдики, корхона фаолиятидаги ушбу иккала восита ҳам турли хил функционал вазибаларни ҳал қилади ва ҳеч қандай ҳолатда бир-бирини алмаштирмайди. Улардан фақат биргаликда фойдаланиш корxonанинг самарадорлигини кафолатлаши мумкин. Корхоналар ўз фаолиятида маркетингдан ҳам,

логистикадан ҳам мустақил фойдаланишлари мумкин.

**Хулоса.** Шундай қилиб, маркетинг логистикаси корxonанинг бозорда маркетинг фаолиятини кузатиб борадиган ахборот, моддий ва хизмат оқимларини оптималлаштириш жараёнига оид назарий ва амалий қоидалар тўпламидир. Маркетинг логистикасининг асосини жараёнлар ташкил этади: мижозлар билан муносабатларни бошқариш, етказиб берувчилар билан муносабатларни бошқариш, дистрибютор билан муносабатларни бошқариш, рақобатчилар билан муносабатларни бошқариш.

Замонавий бизнес концепцияларидан фойдаланган ҳолда маркетинг логистикаси концепциясини амалга ошириш улгуржи ва чакана савдо ривожланишининг сифат жиҳатидан янги даражасини таъминлайди. Чунки ҳозирги пайтда рақобатдош устунлигига фақат маҳсулот, нарх ва алоқа стратегиясини шакллантириш орқали эришиш жуда қийин. Ҳозирги вақтда рақобат алоҳида товарлар ўртасида эмас, балки уларни тарқатиш каналлари ўртасида ўсиб бормоқда. Шунинг учун маркетинг логистикаси тарқатиш каналлари стратегиясини ишлаб чиқиш, тарқатиш каналларининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва савдо маркетинг тизимида барқарор рақобатбардош устунликларни қўлга киритиш имкон беради.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 29-декабр
2. Багиев Г.Л. Маркетинг: словарь и библиография. – СПб: Изд-во СПбГУЭФ, 1998. – 74 с.
3. Германчук, А. Н. Специфика организации трейд-маркетинга на предприятии / А. Н. Германчук // *Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире : матер. XXVII Междунар. науч.-практ. конф.*, 15 окт., 2019 г. – СПб. : Стратегия будущего, 2019. – С. 58-61.
4. Голиков Е.А. Маркетинг и логистика – новые инструменты хозяйствования. – М. : Издательство «Экзамен», 2006. – 220 с.
5. Дубинина, М. А. Трейд-маркетинг в коммуникационной политике фирмы / М. А. Дубинина, В. В. Лобанова // *Новое слово в науке и практике*, 2013. – № 4. – С. 192-200.
6. DWILIŃSKI, L., 1998: *Wstęp do logistyki*, Oficyna Wydawnicza PW, Warszawa.
7. Kotler, P. (1998) *Marketing Management: Analysis, Planning, Implementation, and Control*. 9th Edition, Prentice Hall, Upper Saddle River.
8. Ryszard Barcik, Marcin Jakubiec (2013). *Marketing logistics*. <https://docplayer.net/4272544-Marketing-logistics-bielsko-biala-poland-email-rbarcik-ath-bielsko-pl-bielsko-biala-poland-email-m-jakubiec-ath-bielsko-pl.html>
9. Трифилова А.А., Воронков А.Н. *Маркетинговая логистика. Учебное пособие. Нижегород. гос. архит.-строит. ун-т – Н. Новгород: ННГАСУ, 2011. – 83 с.*



**ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШДА АҲОЛИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ**

*Дусмухамедов Ойбек Суратбекович -  
Ўзбекистон Миллий университети мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон ҳукумати томонидан аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш бўйича қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар мазмуни ва долзарблиги баён этилган. Мақолада мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари таҳлили берилган. Халқаро молия корпорацияси, Бирлашган миллатлар ташкилоти экспертлари томонидан аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳолати бўйича тадқиқот натижалари таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада муаллиф томонидан амалга оширилган Ўзбекистон аҳолиси томонидан банк хизматларидан фойдаланиш ҳолати ва ривожланиш даражаси бўйича мустақил таҳлили баён этилган. Шу билан бир қаторда муаллиф томонидан мамлакатимиз аҳолисининг молиявий саводхонлигини шакллантириш ва унинг амалга ошириш механизмларини яратиш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Асосий тушунчалар:** молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар, молиявий саводхонлик мезонлари, давлат дастурлари, Марказий банк, тижорат банклари, молиявий таълим, ислом молияси, молиявий билим ва кўникма.

**ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В  
ПОВЫШЕНИИ ДОСТУПНОСТИ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Дусмухамедов Ойбек Суратбекович -  
самостоятельный соискатель  
Национального университета Узбекистана*

**Аннотация.** В данной научной статье описывается содержание и актуальность нормативных документов, принятых Правительством Узбекистана для повышения уровня финансовой грамотности населения. В статье представлен анализ научных работ зарубежных и отечественных ученых, работающих в этой области. Результаты исследования состояния финансовой грамотности и доступа к финансовым услугам проанализировали эксперты Международной финансовой корпорации и ООН. В статье также представлен независимый авторский анализ состояния и уровня развития банковских услуг населением Узбекистана. Кроме того, автором представлены научные предложения и практические рекомендации, направленные на формирование финансовой грамотности населения нашей страны и создание механизмов ее реализации и повышения ее эффективности.

**Основные понятия:** финансовая грамотность, финансовые услуги, критерии финансовой грамотности, государственные программы, центральный банк, коммерческие банки, финансовое образование, исламские финансы, финансовые знания и навыки.

**IMPORTANT ASPECTS OF INCREASING THE FINANCIAL LITERACY OF THE POPULATION IN  
INCREASING THE AVAILABILITY OF FINANCIAL SERVICES IN UZBEKISTAN**

*Dusmukhamedov Oybek Suratbekovich -  
Independent researcher National University of Uzbekistan*

**Annotation.** This scientific article describes the content and relevance of regulatory documents adopted by the Government of Uzbekistan to increase the level of financial literacy of the population. The article presents an analysis of scientific works of foreign and domestic scientists working in this field. The results of the study of the state of financial literacy and access to financial services were analyzed by experts from the International Finance Corporation and the United Nations. The article also presents an independent author's analysis of the state and level of development of banking services by the population of Uzbekistan. In addition, the author presents scientific proposals and practical recommendations aimed at shaping the financial literacy of the population of our country and creating mechanisms for its implementation and increasing its efficiency.

**Basic concepts:** financial literacy, financial services, financial literacy criteria, government programs, central bank, commercial banks, financial education, Islamic finance, financial knowledge and skills.

**Кириш.** Халқаро молия корпорацияси томонидан 2020 йилда мамлакатимиз аҳолисининг молиявий салоҳиятини баҳолаш мақсадида амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра мамлакатда молиявий саводхонлик даражаси юқори эмаслигини, катта ёшдаги аҳолининг 23 фоизи базавий молиявий тушунчалар бўйича минимал молиявий билимга эга экан-

лигини кўрсатди [11]. Ушбу кўрсаткич Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда 30 фоизни ташкил этса, Катта йигирматалик давлатларида ўртача 48 фоизни, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда эса ўртача 62 фоизни ташкил этди [6].

Ривожланган мамлакатларда аҳолини аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини

оширишнинг назарий жиҳатларини такомиллаштириш ва мазкур йўналишдаги давлат дастурлари самарадорлигини ошириш борасидаги илмий изланишларга устуворлик қаратилган бўлса, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда аҳолини молиявий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, молиявий саводхонлик дастурларини бозор иқтисодиёти компонентлари билан бойитиш, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишда молиявий ташкилотлар, жумладан, тижорат банкларининг мавқеини мустақамлашга бағишланган илмий тадқиқотлар янада жадаллашмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти талаблари асосида молия тизими шаклланди ва мунтазам такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак: камбағалликни кискартириш учун биринчи навбатда ишизликни камайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда, айниқса аёлларимизда тадбиркорликка иштиёқни уйғотиш зарур”[1]. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида молия бозорининг амал қилиши, аҳолига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ва ишлаб чиқарилаётган молиявий маҳсулотларнинг сифатини такомиллаштиришда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш борасида чуқур илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларни олиб бориш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади.

Ушбу илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони, 2019 йилнинг 23 июлдаги ПҚ-4400-сонли “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги”ги Қарори, 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони ҳамда 2021 йилнинг март

ойида тасдиқланган “2001-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий Стратегияси” ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб аҳолининг молиявий саводхонлини ошириш муаммосига бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширила бошланди. Жумладан, Л.В. Стаховичнинг: “Молиявий саводхонлик – бу инсоннинг таълим масканлари, яъни мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида эгаллаган молиявий-иқтисодий билимлари билан бир қаторда, унинг ҳаёти давомида ортирган кўникмаларини ҳам қамраб олади [7].”

Иқтисодчи олим А.В. Вахабов фикрича, молиявий саводхонлик – фуқаронинг молиявий маҳсулотлар ва хизматлар бозоридида актив позициясини эгаллаши, жамиятда ўзи ва оила аъзоларининг молиявий фаровонлигини ошириш учун зарур бўлган билим ва кўникмалари йиғиндиси сифатида намоён бўладиган инсоний фазилатдир. Инсон ҳаётининг турли босқичларида етарли даражадаги турмуш фаровонлигига эга бўлиши устун даражада шахс томонидан қабул қилинаётган молиявий қарорларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлмоқда. Сўнгги ўн йилликда мамлакат молия бозоридида истеъмолчилар секторининг кенгайиши, молиявий маҳсулотларнинг турлари, жумладан уларнинг мураккаблилик даражасининг ортиши, аҳоли даромадлари ва ялпи жамғармаларнинг ўсиши аҳолининг қабул қилган молиявий қарорларида шахсий жавобгарликни ортганлигини акс эттиради. Ушбу ҳолат мамлакатнинг узоқ муддатли даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлашда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга устуворлик қаратиш заруриятини келтириб чиқаради[3].

Қ.Қ.Қуролов таъкидлашча, иқтисодий таълим тизимини такомиллаштириш орқали аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш, жумладан, хўжалик юритишда молиявий қарорларни қабул қилишда уларнинг муқобил ечимларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Олим ўз тадқиқотларида иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иқтисодий таълим йўналишлари, мутахассисликлари кадрларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини фақат давлат сектори нуқтаи назаридан баҳолаган[4]. Шу сабабли олинган хулосалар комплекс аҳамият касб этмайди. Фикримизча, иқтисодий таълим бошқа таълим турлари каби жамиятнинг ялпи ижтимоий эҳтиёжлари таркибий қисми ҳисобланиб, жамият аъзоларининг умумий саводхон-

лик даражасини ошириш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни амалга оширишдан қўзланган мақсад ва вазибаларини тўғри англаб етиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Э. Шадманов ва Н. Хасанхановалар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, инсонларнинг молиявий фикрлаши – бу уларнинг ўз молиявий ресурсларини инвестиция қилиш имкониятларини баҳолаши, тегишли молиявий қарорларни қабул қилиш бўйича малака ва хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади [5].

Фикримизча, молиявий хатти-ҳаракатлар аҳолининг пул маблағларни қайта тақсимлаш ва инвестиция қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида ўз аксини топади. Ўз навбатида, аҳолининг молиявий ҳолати истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигининг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.


**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш, хонадон хўжаликларининг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини (яъни даромад ва харажатларини) бошқариш ва уларни режалаш-

тириш жараёнларини такомиллаштиришда молиявий интеграцияни кучайтиришга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунда тижорат банклари, кредит ташкилотлари ва суғурта компаниялари томонидан аҳолига тўлов хизматлари, омонат ҳисобварақалари, кредит ва суғурта хизматлари кўрсатилиши шартлари ва қоидаларини кенг оммага етказиш ҳамда уларнинг мазкур йўналишдаги билимини оширишда ҳамкорликдаги фаолиятини назарда тутилади.

Мамлакатимиз молия тизимида тижорат банклари етакчи ўринни эгаллайди. Молия бозорида фаолият юритаётган турли молиявий воситачилар депозит олмайдиган микромолия ташкилотлари ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар мамлакатимиз молия бозорининг ривожланишида етарли даражадаги таъсир кучига эга эмас. Жумладан, мамлакатимизда аҳолини қўшимча молиялаштиришнинг ягона платформа сини мавжуд эмаслиги туфайли молиявий бозорларнинг ривожланиш даражаси паст ҳисобланади.

Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражаси ва уларнинг молиявий саводхонлиги даражасини белгилашда банк сектори кредитларининг ЯИМдаги улушини ҳисоблаш услубидан фойдаланишлари халқаро даражада тан олинган усуллардан бири ҳисобланади. Халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда молиявий воситачилик даражаси ва банк кредитларининг ЯИМдаги улуши паст ҳисобланади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган айрим мамлакатларда хусусий секторга ажратилган банк кредитларининг 2020 йил 1 январь ҳолатига ЯИМдаги улуши (фоизда)[17]**


1-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2019 йилда бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган Польша (50,8%), Словения (42,5%) ва Словакия (62,9%) каби

мамлакатларда хусусий секторга ажратилган банк кредитларининг мамлакат ЯИМдаги улуши бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлиб, ушбу мамлакатларда

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

молиявий воситачилик муносабатларининг жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Жумладан, Бразилия (63,9), Россия (52,9) ва Хиндистон (63,9) каби мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишга қаратилган давлат дастурларининг изчил амалга оширилаётганлигини сабабли, сўнгги йилларда ушбу мамлакатлар гуруҳида ҳам хусусий секторга ажратилаётган банк кредитлари ҳажми сезиларли даражада ортган.

2016-2020 йилларда мамлакатимиз молия ва банк соҳасида амалга оширилган ислохотларда молиявий эркинлаштиришга устуворлик қаратилди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган расмий маълумотларга кўра, 2020 йилда банк сектори кредитларининг ЯИМдаги улуши 47,7 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан қарийб 2 марта ортди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўзбекистонда жами банк кредитларининг ЯИМдаги улуши [8]

Аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг умумий банк мажбуриятларидаги улуши таҳлили шуни кўрсатадики, 2016-2020 йилларда депозит маблағларининг банкларнинг асосий маблағлар сифатидаги аҳамияти пасайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспертлари томонидан билдирилган фикрларга кўра, тижорат банкларининг кредитлари ҳажмининг ортиши таҳлил этилаёт-

ган даврда тўғридан-тўғри давлат маблағлари ва қисман халқаро кредит линияларидан қарз олиниши ҳисобига эришилди. Натижада, ушбу даврда тижорат банкларининг умумий мажбуриятларида олинган қарз маблағлари улуши 36 фоиздан 49 фоизга ошди, умумий мажбуриятлардаги депозитларнинг улуши эса 50 фоиздан 37 фоизга қисқарди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тижорат банкларининг жамланма баланси (трлн. сўмда) [8]

Кўрсаткичлар номи	2016 й.	Улуши, %да	2017 й.	Улуши, %да	2018 й.	Улуши, %да	2019 й.	Улуши, %да	2020 й.	Улуши, %да
Мажбуриятлар	75,1		146,0		187,7		221,7		307,8	
Жумладан:										
Депозитлар	37,2	50	59,6	41	70,0	37	91,0	41	114,8	37
Олинган кредитлар ва лизинг	26,8	36	72,8	50	104,4	56	105,3	48	151,7	49

Таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилда аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари ҳажми 2016 йилга нисбатан 3,1 баробарга, жумладан, банклар томонидан олинган кредит ва лизинг маҳсулотлари ҳажми 5,7 баро-

барга ортган. Ушбу ҳолат мамлакат тижорат банкларининг аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган депозитлар ҳисобига кредит бериш қобилиятини сусайтиради.

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР



**3-расм. 2016-2020 йилларда тижорат банкларидаги жами депозитлар қолдиғи динамикаси [15]**

3-расм маълумотлари таҳлили кўрсататишича, мамлакатимизда тижорат банкларининг жами депозитлар қолдиғида жисмоний шахсларнинг банкка нисбатан ишонч даражасининг пастлигини кўриш мумкин. 2016 йилда банк-

лардаги жами депозит қолдиғида жисмоний шахсларнинг депозит қолдиғидаги улуши 23%ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич фақатгина 0,9%га ортган.



**4-расм. 2016-2020 йилларда тижорат банкларинг кредит қолдиқлари [15]**

2016-2020 йиллар давомида тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитлар қолдиғи 4.6 баробарга ошган, жумладан жисмоний шахсларга берилган кредитлар қолдиғи эса 5.9 баробарга ошганлигини кўриш мумкин (4-расмга қаранг). 2016 йилда жами кредитлар қолдиғида жисмоний шахсларга берилган кредитлар улуши 31 %ни ташкил этган бўлса 2020 йилга бориб мазкур кўрсаткич 40 %га етган. Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш уларнинг ўсиб бораётган кредит қарздорлигини самарали бошқаришда ва муддати ўтган кредит қарздорлиги даржасини камайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган расмий маълумотларга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига аҳоли томони-


дан миллий валютада тижорат банкларига қўйилган жами омонатларнинг 50,0 фоизи, чет эл валютасида эса 57,0 фоизи бир йилдан кўпроқ муддатга қўйилган. Жумладан, аҳоли омонатларининг жами банк депозитларидаги (юридик ва жисмоний шахслар) улуши 24,0 фоизни ташкил этиши ва мазкур маблағларнинг 53,0 фоизигина бир йилдан ортиқ муддатга қўйилганлиги банкларнинг кредит бериш қобилиятида, Жумладан, узоқ муддатли кредитлашдаги жиддий чекловлар мажудлиги каби тегишли муаммоларни намён қилди. Аҳолининг молиявий саводхонлигини, жумладан, уларнинг тижорат банкларига бўлган ишончининг ортиши банкларнинг депозит базасини аҳоли маблағлари ҳисобига кенгайтириш ва кредитлаш имкониятини оширишда зарурий шарт-шароитларни яратилишида муҳим ўрин тутади.

**Жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозит қолдиғи таркиби  
(01.01.2021 й. ҳолатига, млрд сўмда) [15]**

Депозит турлари	Миллий валютадаги депозитлар қолдиғи (турлари ва муддатлари бўйича)	Улуши %да	Хорижий валютадаги депозитлар қолдиғи (турлари ва муддатлари бўйича)	Улуши %да	Жами	Улуши %да
<b>Жами</b>	17 019,2	100%	10 384,4	100%	27 403,6	100%
<b>Талаб қилиб олингунча</b>	6 130,3	36%	3 167,0	31%	9 297,3	34%
<b>Жамғарма</b>	3 025,6	18%	243,6	2%	3269,2	12%
<i>жумладан,</i>						
<b>1 йилдан юқори</b>	2 242,8	13%	212,5	2%	2455,3	9%
<b>Муддатли</b>	7 863,3	46%	6 973,8	67%	14837,1	54%
<i>жумладан,</i>						
<b>1 йилдан юқори</b>	6 373,8	37%	5 730,8	55%	12 104,6	44%

2013-2020 йилларда тижорат банкларида муаммоли кредитлар ҳажми қарийб 0,4 трлн. сўмдан 5,8 трлн сўмга ортди. Жумладан, 2017 йилдан кейинги даврда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилган иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислохотлар даврида муаммоли кредитлар ҳажми кескин ортди.


Жумладан короновирус пандемияси мамлакатимиз аҳоли ва тадбиркорлари учун стресс сивига айланди. Натижада, 2021 йил 1 январь ҳолатига 5,8 трлн.сўмни ташкил этди (5-расмга қаранг). Муаммоли кредитларни бартараф этиш учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиш муҳим ҳисобланади.



**5-расм. 2013-2020 йилларда банк тизимида муаммоли кредитлар ҳажмининг ортиш динамикаси[15]**

Коронавирус пандемияси жаҳонда жами норасмий секторда банд бўлган 2 млрд. (жаҳондаги жами бандларнинг 62 фоизи, жумладан, кам даромадли мамлакатларда 90 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 67 фоиз ва ривожланган мамлакатларда 18 фоиз) аҳолининг ишсиз бўлиб қолишига олиб келди[9]. Бу эса яна

бир маротаба дунё аҳолисининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласи пандемия даврида долзарб масалага айланди. Коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистонда ҳам аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳаётий муҳим вазифа эканлигини исботлади.




**6-расм. Хонадон хўжаликларининг даромад даражаси бўйича таснифланиши [10]**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан 2020 йилнинг II чорак якунлари бўйича хонадон хўжалиklarининг даромадлари ва харажатлари, уларнинг таркиби, коронавирус пандемияси ва инфляциянинг турмуш даражасига таъсири ўрганилди [11]. Таҳлиллар хонадон хўжалиklари даромадлари ва харажатлари бўйича сўров (УДХС) натижалари ҳамда ҳудудлар кесимидаги истеъмол нархлари индекси (ИНИ) [16] маълумотлари асосида амалга оширилди. Респондентларнинг 21 фоизда оилавий ўртача ойлик даромад 2 млн. сўмгача бўлиб, ушбу гуруҳ улуши I чоракка (8 фоиз) нисбатан сезиларли даражада ўсган (21 фоиз). II чоракдаги сўровда мазкур кам даромадли гуруҳ улушининг сезиларли ўсиши карантин чекловлари таъсирида норасмий сектор ва хизматлар соҳасида иш жойларининг қисқариши ҳисобига аҳоли даромадларининг камайганлиги билан изоҳланади (6-расмга қаранг). Амалга оширилган сўровнома-лар натижаларига кўра, пандемия сабабли 56

фоиз уй хўжалиklarининг оилавий даромадлари камайган бўлса, 15 фоизи даромадсиз қолган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил якунлари бўйича берган маълумотига кўра, аҳолининг турли даромадга эга бўлган гуруҳларида шахсий ёки оилавий жамғармаларининг кескин камайиши, айримларида эса ўзгаришсиз қолганлиги қайд этилган. Таҳлиллар кўрсатишича, коронавирус инқирози аҳолининг кам даромадли гуруҳларида шахсий ёки оилавий даромаднинг салмоқли қисмини йўқотганлиги аниқланди. Жумладан, 3 млн. сўмгача оилавий даромадга эга респондентларнинг 50 фоизи жамғармалари камайганлигини таъкидлаган бўлса, аксинча, юқори даромадга эга респондентлар таркибида жамғармалар камайишини қайд этганлар улуши 35 фоизни ташкил этди. Фақатгина аҳолининг юқори даромадли қисмида шахсий ёки оилавий жамғармаларнинг кўпайиши ҳолати аниқланган [13].



7-расм. Аҳолининг шахсий ёки оилавий жамғармасининг даромадсиз қолган пайтда харажатларни қоплаш учун етарлилик муддати [13]

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, жорий даромад олиш манбаларида узилиш бўлган ёки меҳнат фаолиятини тўхтатган тақдирда ўртача яшаш учун жамғармалар 1 ойгача етади деб жавоб берган респондентлар улуши – 23,6 фоизни, 1-3 ойгача – 21,7 фоизни ва 3-6 ойгача – 9 фоизни ташкил этди. Шунингдек, респондентларнинг атиги 8,3 фоизи ўртача яшаш учун 6 ойдан ортиқ муддатга етарли жамғармага эга эканлигини таъкидлаган бўлса, 37,4 фоизи даромад олиш манбаларида узилиш бўлган ёки меҳнат фаолиятини тўхтатганда яшаш учун манбалари мавжуд эмаслигини таъкидлашган (7- расм).

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётида аҳолининг жорий даромад олиш манбаларида узилиш бўлган ёки меҳнат фаолиятини тўхтатган тақдирда икки йил муддатда ўртача яшаш учун етарли бўлган шахсий ёки оилавий жамғармага эга ҳисобланиб, мамлакатимиз аҳолисининг узоқ муддатли жамғармаларни шакллантиришида уларнинг молиявий саводхонлик даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, аҳоли даромадиган келиб чиқиб, қарз олиш тажрибаси, яъни қуйи даромадли аҳоли харажатлари таркибида кредит тўловининг улуши 10 фоиздан, ўрта даромадли аҳоли гуруҳларида эса ушбу кўрсаткич 20 фоиздан ошмаслиги керак.

Шунингдек, мамлакатимизда аҳолига молиявий хизматлар кўрсатиш оммабоплигини оширишга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик қаратилиши натижасида, банк хизматларини масофдан туриб кўрсатиш сўнгги йилларда кескин ортди. Жумладан, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 7,2 марта ортди (8-расмга қаранг). Ушбу ҳолат аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда он-лайн тўловларни амалга ошириш, он-лайн микроқарз олиш, он-лайн омонат ва шу каби қатор “Он-лайн банк хизматлари” доирасида интерфаол молиявий маҳсулотлар тақдим этилгани истеъмолчиларга кенг қулайликлар яратганлиги билан тавсифланади.


## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР



**8-расм. Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони, минг бирликда [15]**

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг аксарияти тижорат банклари томонидан тақдим этилади. Халқаро молия корпорацияси томонидан 2020 йилда мамлакатимиз аҳолисининг молиявий салоҳиятини баҳолаш мақсадида амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра[11], тадқиқот доирасида ташкил этилган сўровномада иштирок этган фуқароларнинг 36 фоизининг молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотларда ўз ҳисоб рақамлари мавжудлиги аниқланган (8-расмга қаранг). Жаҳон банкининг мамлакатларнинг даромад даражаси бўйича гуруҳланиши услубиётига асосан, қуйи

ўрта даражадаги даромадга эга бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида Ўзбекистон молия соҳаси оммабоплиги нуқтаи назаридан ўрта даражадаги ривожланиш кўрсаткичига эга ҳисобланади. Аммо фуқароларда банк ҳисобварақларининг мавжудлиги кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг ўртача кўрсаткичи Европа Иттифоқи ва бошқа Марказий Осиё мамлакатларидан орта қолмоқда. Глобал Findex рейтинг маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилда Ўзбекистон молиявий оммабоплик бўйича 14 фоизлик ўсишга эришган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2011 йилда 23,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда – 37,0 фоизга тенг бўлди[8].



**9-расм. Ўзбекистон аҳолисининг жорий ҳисобварақларнинг мавжудлиги ҳолати (шумладан тўлов карталари, мобил тўлов иловалари хизматлари) [11]**

Шунингдек, 2020 йилда мамлакатимизда аҳолининг молиявий компетентлик даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровномада қатнашган респондентларнинг 32,0 фоизи дебет, кредит ёки иш ҳақи карталаридан (Нуро, UZCard ва бошқалар), 23,0 фоизи эса Click ёки PayMe каби тўлов иловаларидан фойдаланишларини маълум қилганлар. Мамлакатимиз аҳолисининг тўлов карталардан фойдаланиши бўйича маълумотлар таҳ-

лилига кўра, аксарият ҳолатларда фуқаролар ставкаси 25,0 фоиз бўлган UZCard тўлов картасидан фойдаланишади, кейинги ўринда эса ставкаси 6,0 фоизлик Нуро картаси туради[11].

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари аҳолисининг молиявий саводхонлик даражаси, шумладан, молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳолати ўртасида сезиларли даражада тафовутлар мавжудлиги аниқланди. Шумладан, ша-



## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

ҳар аҳолисининг 43,0 фоизи тижорат банкларида шахсий ҳисоб рақамларига эга бўлишса, ушбу кўрсаткич қишлоқ аҳолисида 27,0 фоизга тенг ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимиз аҳолисининг 22,0 фоизи ўз норасмий жамғармаларига (масалан, ўз молиявий маблағларини уйда сақлаш) эга бўлиб, сўровномада иштирок эт-

ган респондентларнинг 3,0 фоизигини молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотларда ўз жамғармаларини шакллантиришган. Шунингдек, жамғармаларни норасмий ташкилотларда сақлаш кўрсаткичи 4,8 фоиз, оила ва дўстлар билан жамғариш 6,0 фоиз ва мол-мулк сотиб олиш 5,0 фоизни ташкил этган (10-расмга қаранг).




10-расм. Ўзбекистонда аҳолининг сўнгги 12 ойдаги жамғариш усуллари (фоизда, 2020 й.)[11]

Тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг жамғариш ёки ўз даромадларининг маълум бир қисмини тежашининг сабаблари қуйидагилардан иборат бўлди:

- ўз соғлиғини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун жамғариш (14 фоиз);
- келажакда қутилмаган ҳолатлар юз бериши (11 фоиз);
- ўз бизнесини ташкил этиш, юритиш ва ривожлантиришга (3 фоиз);

- меҳнат лаёқатига эга бўлмаган ва кекса ёшдаги оила аъзоларининг харажатларини қоплаш (2,5 фоиз).

Жамғариш сабаблари аҳолининг ёш гуруҳлари, жинси ва яшаш жойи нуқтаи назаридан жуда мосдир. Шунингдек, юқори даромадга эга бўлган аҳоли қатламларида ўз жамғармаларини шакллантириш учун маблағ кўпроқ бўлиб, улар биринчи навбатда келажакдаги қутилмаган ҳолатлар ва таълим хизматларидан фойдаланиш учун пул жамлаб қўйишлари аниқланди.



11-расм. Ўзбекистонда аҳолининг қарз олиш табиати билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳолати (фоизда, 2020 й.)[12]

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 7,0 фоизгина қисми қарз маблағларини олиш учун банк кредитлари ёки микрокредит ташкилотлар қарзлари каби фақат расмий кредит ташкилотларини танлашларини айтиб ўтишган. Таҳлиллар кўрсатишича, аҳолининг расмий кредит ташкилотларидан қарз олмасликларининг сабаби қуйидагилардан иборат: юқори фоиз ставкалари (14 фоиз), муайян талабларга жавоб бермагани сабабли кредит олиш имконияти мавжуд эмаслиги (10 фоиз), тизимга нисбатан ишонч йўқлиги (4 фоиз). Шунингдек, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 16,3 фоиз улуши оила, дўст ва қариндошларидан қарз олишни афзал кўрган (11-расмга қаранг). Ушбу ҳолат мамлакатимиз аҳолисининг молиявий саводхонлигини оширишда расмий кредит ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ва уларга бўлган ишончини ошириш заруриятини уйғотади.


Аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишда ислом молиявий хизматлар бўйича билимини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. 2020 йилда Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида 2235 та тадбиркорлар, 4938 та аҳоли ва 27 та тижорат банклари ўртасида “Ислом молия маҳсулотларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш ва қўллаш” мавзусида тадқиқот ўтказилган [12].

Тадқиқотнинг йўналишларидан бири сифатида респондентлар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали “Молия муассасаларидан маблағ жалб қилиш имкониятлари” ўрганилган.

Сўровнома ўтказиш жараёнида бизнес вакиллари ҳамда аҳолидан банк кредитлари олганликлари ҳақида сўралганда, 40 фоиз тадбиркор, ва 32 фоиз аҳоли расмий банк-молия муассасаларидан кредитлар олишганлигини тасдиқлашди.

Сўровномада иштирок этган бизнес вакиллари 60 фоизи, ҳамда жисмоний шахсларнинг 68 фоизи кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган. Бизнес вакиллари ҳамда жисмоний шахслар учун энг асосий муаммо анъанавий кредитларнинг ислом дини талабларига мос эмаслиги бўлган.



12-расм. Расмий банк-молия муассасалари кредитларидан фойдаланмаслик сабаблари [12]

Жумладан, бизнес вакиллари 38%, ҳамда жисмоний шахсларнинг 56% диний қарашлари сабабли анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган. Кредитлардан фойдаланмасликнинг бошқа сабаблари сифатида фоиз даражасининг юқорилиги, мураккаб талабларнинг мавжудлиги, ҳамда кредитлардан фойдаланиш зарурати йўқлиги кўрсатилган (12-расмга қаранг). Юқоридагиларга асосан аҳоли ва тадбиркорларнинг ислом молияси йўналишида билим, кўникма ва малакаларини ошириш, жумладан илмий-оммабоп мақола ва китоблар тайёрлаш ва чоп этиш, тижорат банкларида босқичма-босқич ислом тамойиллари асосида банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш, ОАВларида шу мавзуда махсус

эшиттириш ва кўрсатувларни ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон республикасида фаолият юритаётган 7 та тижорат банкида ислом молияси бўйича банк хизматларини кўрсатиш ишлари бошланган ва келажакда тез суръатлар билан ривожланиши кутилмоқда. Ўз навбатида мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев ўз нутқларида «Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади» деб таъкидладилар [2]. Бу эса ҳозирда мамлакатимиз молия ташкилотлари томонидан ислом тамойиллари асосида молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва хизматлар кўр-

сатишни ташкиллаштириш, аҳолини молия бозорга кенг жалб этиш ва мамлакатмизда тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим воситалардан бири эканлигини англатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳажминини оширишда ҳамда молиявий ресурсларни самарали тақсимлашида молия бозорга ижобий таъсир этади.

Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- таълим тизими орқали, жумладан, мактаблар, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўқув юртларида молиявий билим беришга қаратилган фан дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни мунтазам ўқитиб бориш;

- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламлари учун интенсив, ихтисослаштирилган молиявий саводхонлик дастури асосида молиявий ресурсларни бошқариш, оила, жумладан, шахсий даромад ва харажатларни режалаштириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш;

- “edutainment” (қизиқарли тарзда ўқитиш) технологияси асосида молиявий таълим беришни йўлга қўйиш орқали аҳоли фундаментал молиявий билимларини шакллантириш;

- муаммоли кредитлари мавжуд бўлган фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий низолар вужудга келган вазиятда истеъмолчилар ҳуқуқларини кучли ҳимоясини таъминлаш мақсадида молиявий омбудсман лавозимини жорий этиш ва низоли ҳолатларни ижобий бартараф этиш чораларини кўриш;

- манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлари масъул ходимларидан иборат хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳини (taskforce committe) ташкил этиш;

- аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича он-лайн платформа ишлаб чиқиш ва уни тарқатиш;

- ўқувчиларнинг таълим ютуқларини баҳолаш халқаро дастури (PISA)нинг навбатдаги босқичида Ўзбекистонда ёшларнинг молиявий саводхонлигини баҳолаш йўналишларини киритиш;

- аҳолининг молиявий маҳсулотлар ва хизматлар, молия бозори ва унинг таркибий компонентлари тўғрисидаги билим ва малакавий кўникмаларини шакллантириш;

- молиявий хизматлар ва маҳсулотларни сотиб олишда тузиладиган хўжалик шартномаларнинг моҳиятини англаши, уларда қўлланиладиган иқтисодий терминологияларни тушуниши ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш;

- хонадон хўжаликлари, оилалар ва шахсларга ўз бюджетларини шакллантириш, режалаштиришга оид билим ва кўникмаларни мунтазам бериб боришнинг универсал усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- молиявий ташкилотлар билан содир бўладиган мунозарали ҳолатлар вужудга келганда фуқароларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари борасидаги молиявий хулқини шакллантириш;

- молиявий ташкилотлар қошида “Мижозларнинг молиявий саводхонлигини ошириш марказлари”ни ташкил этиш;

- ислом молияси йўналишида билим, кўникма ва малакаларини ошириш, жумладан илмий-оммабоп мақола ва китоблар тайёрлаш ва чоп этиш, тижорат банкларида босқичма-босқич ислом тамоиллари асосида банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш, ОАВларида шу мавзуда махсус эшиттириш ва кўрсатувларни ташкил қилиш;

- аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун мўлжалланган молиявий саводхонлик дастурлари ва унинг таркибий компонентларини такомиллаштириш бўйича турли инфорацион ва таълим дастурларини ишлаб чиқиши ва уларни аҳолининг турли қатламлари учун етказиб бориш ва бошқалар.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. - 456 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. [www.president.uz](http://www.president.uz)
3. Moliyaviy savodxonlik asoslari:o'quv qo'llanma/ A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Xaydarov, A.V.Vaxabov.- Tashkent:Baktria Press.2013.288b.
4. Қуролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқт.ф.д. ...дисс. автореф. –Т.: ТДИУ., 2016
5. Шадманов Э., Хасанханова Н. Теоретические основы экономического мышления. Монография. “LAP LAMBERT Academic Publishing RU”-2020. 64 с.
6. The publication of OECD “Levels of financial literacy in Eurasia”, OECD (2018), 15p.
7. Стахович Л.В. К вопросу о финансовой грамотности населения. <http://ecsocman.hse.ru/text/33372918/>
8. Ahunov, M. 2018. Financial Inclusion, Regulation, and Literacy in Uzbekistan. ADBI Working Paper 858. Tokyo:Asian Development Bank Institute ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банку <https://www.cbu.uz>: маълумотлари асосида тузилган

9. Кризис Covid-19 и неформальная экономика: Срочные меры реагирования и политические вызовы. – Отраслевая справка МОТ. Май 2020 г.
10. Аҳоли турмуш даражаси ва инфляция. Ахборот-таҳлилий маълумот. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 й. ҳамда Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича Пул-кредит сиёсати таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 йил 23 июль.
11. “Повышение финансовой компетентности и финансовой доступности в Узбекистане”. Оценка со стороны спроса Узбекистан, июнь 2020г. МФК 2020 г. Стр. 88.
12. Ислом молия маҳсулотларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш ва қўллаш” юзасидан таҳлилий ҳисобот Бирлашган Миллатлар Ташиқоти Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида тайёрланди. UNDP, 2020. 61 б.
13. Аҳолининг истеъмол кайфияти шарҳи, 2020 йил IV чорак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент 2021.
14. “2001-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий Стратегияси”, Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва келгусида амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган. Тошкент, март 2021 й.
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени” асосида тузилган. Марказий банкнинг расмий сайтида (<http://www.cbu.uz>) жойлаштирилган.
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.
17. Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <https://databank.worldbank.org/reports>.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИДА БИЗНЕС-ТАҲЛИЛ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ВА БИЗНЕС-ТАҲЛИЛЧИНИНГ ЎРНИ ВА ЯНГИ ШАРОИТДА ҚАНДАЙ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШИ МАСАЛАЛАРИ

**Ризақулов Нурали Садриддинович -**  
“Асакабанк” акциядорлик жамияти  
Бошқарув раиси маслаҳатчиси

**Аннотация:** Махсус мақолада Ўзбекистонда бизнес-таҳлил инструментларини амалда жорий этишнинг аҳамияти муҳокама қилинади. Айниқса молия институтларида бу ихтисосликка эҳтиёж бор. Бу бизнес-лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу мақола бизнес-таҳлилчининг роли ва ҳозирги пандемия ҳолатида қандай муваффақият қозониши масаласини муҳокама қилишда иштирок этади.

**Калит сўзлар:** тадбиркорликни тарғиб қилиш ва камбағалликни қисқартириш, молиявий саводхонлик, молиявий институтлар, бизнес лойиҳалар, бизнес таҳлил инструментлари.

### ПРАКТИЧЕСКОЕ ВНЕДРЕНИЕ БИЗНЕС АНАЛИТИЧЕСКИХ ИНСТРУМЕНТОВ В ФИНАНСОВЫХ ИНСТИТУТАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОЛЬ БИЗНЕС АНАЛИТИКА И ЗАДАЧИ КАК ДОБИТЬСЯ УСПЕХА В НОВЫХ НЫНЕШНИХ УСЛОВИЯХ

**Ризақулов Нурали Садриддинович -**  
Советник председателю Акционерное  
общество “Асакабанк”

**Аннотация:** В данной статье будет обсуждаться важность практического внедрения инструментов бизнес-аналитики в Узбекистане. Эта специализация крайне необходима, особенно в финансовых учреждениях. Он будет способствовать успешной реализации бизнес-проектов. Помимо этого, этот документ должен быть вовлечен в обсуждение роли бизнес-аналитика и того, как добиться успеха в текущем случае пандемии.

**Ключевые слова:** продвижение предпринимательство и снижение бедности, финансовая грамотность, финансовые институты, бизнес проекты, техники бизнес аналитики.

### PRACTICAL IMPLEMENTATION OF BUSINESS ANALYTICAL TOOLS IN THE FINANCIAL INSTITUTIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE ROLE OF BUSINESS ANALYST AND ISSUES HOW TO SUCCEED IN THE NEW NORMAL CONDITIONS

**Rizakulov Nurali Sadriddinovich -**  
Advisor to the Chairman  
of the Joint-Stock Company “Asakabank”

**Abstract:** Particular article shall discuss the importance of practical implementation of business analytical tools in Uzbekistan. There is an imperative need for this specialization especially in the financial institutions. It shall contribute successfully deliver business projects. Apart from this, this paper shall be involved in the discussion of role of the business analyst and how to succeed in the current pandemic case.

**Key words:** promoting entrepreneurship and reducing poverty, financial literacy, financial institutions, business projects, business analytical techniques.

**Introduction.** Nowadays, lack of financial literacy among local population and fresh entrepreneurs across the Republic of Uzbekistan is costing huge financial losses in defaulting on time payments towards banks. Usually, entrepreneurs approach financial institutions to get a loan for starting certain business activities, however in most cases they fail to plan their finances sophisticatedly. Financial institutions must be pro-active in advising and consulting their customers how to effectively and efficiently manage their finances wholistically. If proposed business idea or project lacks feasibility, business analysts should provide independent opinion on this business plan whether it shall succeed or not. If business idea appears to be feasible in terms of units of economics, ultimately project must be approved by business analysts and therefore loan shall be granted.

#### **Research Method.**

The particular research was done by gathering and analyzing materials used in implementation of business analytical techniques. Technical articles were collected to use in this paper. Secondary research has enabled to demonstrate and discuss practical implementation of business analytical methods in the current market of the Republic of Uzbekistan.

#### **Main body: Upskilling business analysts in the banks of the Republic of Uzbekistan**

Number of qualified business analysts in the financial institutions of Uzbekistan is extremely limited. Also, they lack practical skills to analyze business environment. It goes without saying that the need for highly qualified business analysts is especially important in the current market conditions of Uzbekistan.

Local government has launched new initiative to promote entrepreneurship and reduce poverty among population. All commercial banks are engaged in promoting this initiative through providing loans at a privileged rate. Today majority of people in different regions and provinces of Uzbekistan are having limited income in a month around 1,5 – 2.0 million soums. New initiative aims to double and boost income of local people and create environment to promote entrepreneurship. Here is the big question mark. Since highest proportion of population do not have proper financial knowledge and expertise which might lead to total failure.

#### **Business analytical techniques and its implementation in the financial institutions and role of business analysts**

Considering the real scenarios in the banks, we can witness that no business analytical techniques and methods implemented in the financial institutions.

Successful implementation and utilization of business analysis requires certain important steps

and measures. Before we discussed upskilling of business analysts in the banks, here we shall be discussing the techniques and methods to successfully implement in practice and its direct relation to business analysts[1].

I believe business analysis has a promising future in the successful appraisal of future potential projects and provide people necessary expertise and economic knowledge.

Let us draw attention to the following business analysis techniques:

Environmental and social considerations: refers to the use of environmental and social factors alongside in the investment process[5].

Categories of capital projects:

- Replacement projects
- Expansion projects
- New products and services
- Other projects

BA techniques encompasses careful analysis of these capital projects.

To conclude, this paper has demonstrated essentials and practical implications of the business analysis. It goes without saying that, incorporating business analysis in current practices of financial institutions of the Republic of Uzbekistan will increase success rate of the projects.

However, we should not ignore the limitations of business analysis tools. Perhaps these tools may fail adequately analyze the social and certain factors.

BA takes utmost importance in financial operations of the banking system if sophisticatedly applied hereto. It shall ensure successful monitoring of the unit of economics of the ongoing projects and enable to make holistic decisions. Practical implementation is far from understanding theoretical concepts rather than applying them into practice. Financial institutions must be willing to employ BA techniques during facilitation and supervision of the projects or loaded credit facilities.

Afterwards, entrepreneurs shall understand the importance of BA within their businesses, and they will ensure that failure to consider BA will decrease success rate of future projects. Banks should be pro-active in implementing BA, whereas businesses shall become responsive.

**The Pandemic hit us suddenly and yes it came without any notice to our lives as a transient thing but became the new normal way of life.**

Some of us were initially worried thinking about what lies ahead, some were shocked, some found pleasure being relieved from the daily commute, time on the road, and traffic jams. With the COVID 19 pandemic hitting us globally, organizations have embraced remote working as the new way for 2020, and some have announced it for 2021 also. IT industry has moved to this new model in a

relatively easier way, and the transition is relatively smoother.

But for the traditional industries, it's a big shift, and the mode of working and infrastructure needed rethinking, planning, and to be worked out. In most countries, the pandemic hit so suddenly that it left no time to prepare for the upcoming times. Going remote isn't an easy task for many, as we may think. However, as it's popularly said, every cloud has a silver lining; similarly, every challenge comes with an opportunity. It's up to us to step up and embrace this change and take benefit of the opportunity. However, many challenges started to unfold as the new normal started sinking in, and this seemed like here to stay for some more time.

For this article, we will take a deeper look into the business analysis profession, what seemed to have worked well, the new challenges thrown, and how we can make the best of it in the new normal.

As a business analyst, one is responsible for:

Leading change and bringing new technology and products to the organization, gathering existing and new requirements/processes/features as part of the automation/new product. Coming up with solutions to business problems/needs and developing new systems/solutions to take care of any manual process / better performance / better revenue stream / more efficient process / better user experience.

The business analysis profession is primarily involved in communication (written, verbal, visual), and the absence of face-to-face meetings brought new challenges.

### **Practical challenges for BAs in remote working**

As part of the solutioning, requirements elicitation, user story reviews, prototyping, or any other phase of the project a BA needs to have close interaction and work with stakeholders, the tech team, the QA team, and other BAs.

Some specific challenges are:

Staying Engaged with Stakeholders

Most of these tasks were done traditionally with stakeholders using pre-dominantly following techniques such as Workshops, walk-throughs/ Reviews, Brainstorming, and Observations.

Challenges most of the business analysts faced:

- Getting stakeholder engagements
- Getting to know the non-verbal cues
- Meetings can get off track
- Getting clear communications
- Getting approval and clarity on requirements

Here is a set of guidelines for business analysis professionals to work effectively and efficiently in this new way and to make the transition smooth.

Spend initial 5 minutes in setting out expectations and responsibilities like who will take notes, who will take responsibility for which part, who is expected to share inputs or information, who will get sign off, etc. A RACI matrix may be of help here. Meetings with clear agenda, expectation, success criteria, ownerships, and tasks assigned to members are more effective. Wrapping up the meetings with the major discussion points and decisions made.

Being better prepared for the meetings/ requirements elicitation sessions having gone through all the previous documents, changes suggested, and the mockups/processes/ documentation. Keeping all the documents needed open in the background for the meetings. Use visuals and demos to gather better inputs or feedback. Start showing similar applications to gather/understand requirements and collect feedback instead of doing it verbally. Some popular visual/diagramming tools are:

- Visio
- BizAgi Process Modeler
- Zoom white Board
- Use collaboration tools to be more effective, like:
- Webex

Being open about being away from work/ break timings. Transparency is the key; keep everyone up to date, even if it's good or bad. In this new normal, trust keeps us going.

### **Conclusion**

It has been proven that upskilling and getting certified puts one at the forefront in the job market, makes one eligible for the best opportunities and promotions.

Hence please keep some time booked or marked in your calendar for learning new skills, tools, or a certification.

Businesses and huge multinational corporations have realized the importance of having highly skilled and matured BAs to enhance their delivery capabilities. So, when the demand for BAs is on the rise, how do you set yourself apart in a highly competitive world? Well, the answer is certification is one of the best and independent ways of showcasing your skills. IIBA Certifications are the most sought-after BA certifications for business analysts to excel in their careers.

**Bibliography and list of references:**

1. Base, K., 2021. What is business analysis? – Knowledge Base. [online] microTOOL. Available at: <<https://www.microtool.de/en/knowledge-base/what-is-business-analysis/>> [Accessed 25 May 2021].
2. Brandenburg, L., 2021. An Introduction to Business Analysis and the Business Analyst Process Framework. [online] Bridging the Gap | We'll Help You Start Your Business Analyst Career. Available at: <<https://www.bridging-the-gap.com/business-analysis-process/>> [Accessed 25 May 2021].
3. Calvello, M., 2021. What Is Business Analytics and Why You Need It for Success. [online] Learn.g2.com. Available at: <<https://learn.g2.com/business-analytics>> [Accessed 25 May 2021].
4. Contributor, P., 2021. What is Business Analysis and 8 Steps You Should Follow. [online] PESTLE Analysis. Available at: <<https://pestleanalysis.com/what-is-business-analysis/>> [Accessed 25 May 2021].
5. MicroStrategy. 2021. Business Intelligence & Analytics Solutions. [online] Available at: <<https://www.microstrategy.com/en>> [Accessed 25 May 2021].
6. Pratt, M. and White, S., 2021. What is a business analyst? A key role for business-IT efficiency. [online] CIO. Available at: <<https://www.cio.com/article/2436638/project-management-what-do-business-analysts-actually-do-for-software-implementation-projects.html>> [Accessed 25 May 2021].

**O'ZBEKISTONDA SOLIQ QARZLARINI UNDIRISH MEKANIZMINI  
TAKOMILLASHTIRISH TAHLILI**

**Hakimov Ulug'bek Furqat o'g'li -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada soliq tizimi, soliqlarning davlat iqtisodiyotidagi ahamiyati tadqiq qilingan. Yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlarning, shu jumladan jismoniy shaxslarning soliq qarzlari tahlil qilingan. Soliq qarzi bo'yicha xorijiy va mahalliy olimlarning fikr va mulohazalari o'rganilgan. Shuningdek, davlatimizda soliq qarzlarini kamaytirish va samarali undirish mexanizmini takomillashtirish borasida taklif va tavsiyalar shakllantirilgan.

**Asosiy tushunchalar:** Soliq tizimi, soliq to'lovchilar, soliqlar va yig'imlar, soliq qarzi, budjet, soliq qarzi mavjud bo'lgan tadbirkorlik subyektlari.

**АНАЛИЗ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ВЗЫСКАНИЯ НАЛОГОВОЙ  
ЗАДОЛЖЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Ҳақимов Улуғбек Фуқрат ўғли -**  
Ташкентский государственный экономический  
университет, соискатель

**Аннотация:** В статье исследуется налоговая система, значение налогов в экономике государства. Проанализирована налоговая задолженность юридических лиц и индивидуальных предпринимателей, в том числе физических лиц. Изучены мнения зарубежных и местных ученых о налоговой задолженности. Кроме того, сформированы предложения и рекомендации по сокращению налоговой задолженности и совершенствованию механизма эффективного сбора в нашей стране.

**Ключевые слова:** Налоговая система, налогоплательщики, налоги и сборы, налоговая задолженность, бюджет, предприятия с налоговой задолженностью.

**ANALYSIS OF IMPROVING TAX COLLECTION MECHANISMS IN UZBEKISTAN**

**Hakimov Ulugbek Furkat ogli -**  
Tashkent State University of Economics, researcher

**Abstract:** The article examines the tax system, the importance of taxes in the state economy. The tax debts of legal entities and individual entrepreneurs, including individuals, have been analyzed. Opinions of foreign and domestic scholars about tax debts were studied. In addition, suggestions and recommendations are given about reducing tax arrears and improving the mechanism of effective collection in our country.

**Key words:** Tax system, tax payers, taxes and fees, tax debt, budget, a business entity with a tax debt.

**Kirish.** Bugungi kunda mamlakatda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar tadbirkorlikni jadal qo'llab-quvvatlash bilan birgalikda soliq tizimini ham keng rivojlantirishga qaratilgan.

Soliq tizimi, soliqlar - davlat tomonidan iqtisodiyotni tartibga solishda eng samarali vositalaridan biri hisoblanadi. Shunga ko'ra, mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridanoq barcha sohalarda singari soliq sohasida ham ko'plab islohotlar

amalga oshirildi. Ushbu masala yuzasidan olib borilgan ishlar nafaqat soliqlar va yig'implarni undirish orqali, balki soliq qarzdorligini kamaytirgan holda davlat budjetini to'ldirishga qaratilgan.

O'zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlarining asosiy qismi aynan soliqlar hisobidan shakllanishi bizga ma'lum. Soliqlar belgilangan muddatda va to'liq hajmda tushishi davlat miqyosida amalga oshirilayotgan barcha chora-tadbirlarning, ya'ni budjet va maqsadli jamg'armalarning xarajat qismini o'z vaqtida moliyalashtirishga xizmat qiladi.

Bu borada davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev "Davlat korxonalariga va 500 mingdan ziyod tadbirkorlik subyekti hamda qariyb 8 million fuqaroga jami 66 trillion so'mlik soliq imtiyozlari, kredit muddatlarini uzaytirish va moliyaviy qo'llab-quvvatlash bo'yicha amaliy yordamlar berildi.

Bundan tashqari, o'zini o'zi band qilgan aholi uchun soliq imtiyozlari berilishi hamda ko'pgina cheklolarning bekor qilinishi tufayli 500 ming nafar fuqaro mehnat faoliyatini qonuniy tarzda yo'lga qo'ydi. Shuningdek, kelgusi yilda "Soliqchi – ko'makchi" tamoyili asosida tadbirkorlar uchun ularning biznes hamkorining soliq qarzdorligi haqidagi ma'lumotlarni olish imkoniyati yaratiladi" – deya ta'kidladi [1].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmonining III yo'nalishi "Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlari"da soliq yukini kamaytirish va soliqqa tortish tizimini soddalashtirish yo'lini davom ettirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish va rag'batlantirishning tegishli choralarini kengaytirish keltirib o'tilgan [2].

Binobarin, soliq to'lovchilarga nisbatan soliq yukining pasaytirilishi, orqada qolayotgan sohalariga soliq imtiyozlari berilishi o'z - o'zidan ularning soliq qarzlarini kamayishiga ham olib keladi.

Shu munosabat bilan soliqlar va yig'implarni belgilangan muddatda hamda to'liq kelib tushishini ta'minlash vazifasi muhim ahamiyatga egadir. Soliqlarni muddatda to'lanishini ta'minlash esa soliq qarzini imkon qadar paydo bo'lishini oldini olish va paydo bo'lgandan so'ng uni samarali undirish bilan amalga oshiriladi.

Demak, soliq to'lovchilarning soliq qarzlarini qisqartirish va yangi qarzlarni paydo bo'lishini oldini olish hamda soliqlar va yig'implarni belgilangan muddatda budjetga kelib tushishini nazorat qilish soliq organlarining e'tibor beriladigan eng muhim masalalardan biri hisoblanadi hamda bu borasida alohida ilmiy ish olib borilishini taqazo etadi.

**Ilmiy adabiyotlar tahlili.** Mamlakatda moliya va soliq tizimini takomillashtirishning ustuvor

yo'nalishlari, shu jumladan, soliqlar va yig'implarni undirishning ayrim masalalari qator xorijiy va mahalliy olimlar tomonidan o'rganilgan.

Mazkur masala bo'yicha ilmiy tadqiqot olib borgan xorijlik olim Margherita Ebraico mamlakatda soliqlar va yig'implarni undirilishini rivojlantirish va rag'batlantirish bilan bir qatorda soliq qarzi mavjud bo'lgan soliq to'lovchilarga qat'iy choralar qo'llanilishini, soliqlar va yig'implar undirilishi bo'yicha soliq qarzlarining kamayishi va kelgusida ularning vujudga kelishini oldini olishda ijobiy samara berishini ta'kidlab o'tadi. [8, c. 23]

Xorijlik olim Michael Brostek esa o'z tadqiqotida soliq qarzini undirilishining samaradorligini oshirish bo'yicha quyidagi omillarini ko'rsatib o'tadi, xususan:

- mamlakatda soliq qarzi summalarining paydo bo'lishiga yo'l qo'yishni oldini olishda soliq yukini pasaytirish kelajakda soliq qarzdorliklari kamayishiga olib keladi;

- muddatida to'lanmagan soliqlar va yig'implarni undirish strategiyasi faqat belgilangan davr mobaynida o'z ijobiy natijasini beradi. [9, c. 27]

Bu borada rus tadqiqotchilari, S.N. Alixin va D.A. Levachevalar o'zlarining ilmiy tadqiqotlarida soliq qarzini undirish mexanizmining nazariy asoslarini keltirib o'tishgan. Unga ko'ra, ular soliq qarzini undirish soliq bazasini kengaytirish bilan birgalikda uni soliq to'lovchidan undirish murakkabligini ta'kidlab, bu jarayonga alohida yondashuvni inobatga olgan holda soliq qarzi mavjud bo'lgan tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy holatidan kelib chiqib undirish mexanizmini ishlab chiqish kerakligini ta'kidlashgan. [10, c. 28]

Bundan tashqari, I.G. Vinoxodova ham o'zining ilmiy ishida soliq qarzlarini undirishda soliq qarzi mavjud xo'jalik yurituvchi subyektlardan mulluklarini xatlash jarayonini ko'paytirish samarali natija berishini aytib o'tadi. [11, c. 22]

Mahalliy olimlarimizdan Sh. Toshmatov soliq qarzini yuzaga kelish sabablari va uni bartaraf etish yuzasidan, "Soliq yukini yuqoriligi korxonalar uchun qator salbiy oqibatlarini keltirib chiqaradi. Bunday oqibatlarga soliq qarzlarining oshishi, xufyona iqtisodiyot qamrovlarining kengayishi, kreditorlik qarzdorliklarining oshishi kabilarni keltirish mumkin. Soliqqa tortish tizimi soliq to'lashdan qonuniy va noqonuniy qochish imkoniyatlarini minimallashtirishi lozim" - deb ta'kidlagan. [12, c. 13]

Shuningdek, I. Niyazmetovning ta'kidlashicha soliq qarzi yuzaga kelishini "QQS va mulkiy soliqlar yukining asosan sanoat korxonalarini zimmasiga yuklatilganligi soliq yukining notekis joylashuviga, sanoat korxonalarini soliq yukining nisbatan og'ir bo'lishiga sabab bo'lmoqda. Bu esa korxonalarda soliq qarzi muammosini tugatishga yo'l bermaydi. Soliq qarzlarining katta qismi umumbelgilangan




solliqlar kesimiga to'g'ri keladi. Bu esa, soliq yukining umumbelgilangan tartibda soliq to'lovchi korxonalar moliyaviy faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan darajada og'irligidan dalolat beradi. [13, c. 10]

A. Jo'rayevning "Davlat budjeti daromadlarini shakllantirishning dolzarb muammolari" mavzusidagi doktorlik tadqiqot ishi davlat budjeti daromadlarini shakllantirish borasidagi muammolarni tahlil qilishga bag'ishlagan. Aynan ushbu tadqiqotda mamlakatimizda ilk bor davlat budjeti solikli daromadlari ijrosida to'lov intizomi, soliqlarni undirishda budjetga qarz (boqimanda) vujudga kelish holatlari tadqiq qilingan. [14, c. 9]

**Asosiy qism.** Davlatimiz tomonidan mustaqillik yillaridan boshlab tadbirkorlik sohasini rivojlantirish maqsadida soliqlardan imtiyoz va prefe-

rensiyalar berib kelinmoqda. Buning natijasida, bugungi kunga kelib tadbirkorlik sohasi jadal rivojlandi.

Shu bilan birgalikda amaliyotda shunday holatlar ham mavjudki, soliq to'lovchilar obyektiv yoki subyektiv sabablarga ko'ra, belgilangan mudatlarda to'lanishi lozim bo'lgan soliqlar va yig'imlar summasini to'lab bera olmaydi. Ushbu to'lanmagan summa soliq qonunchiligiga binoan, soliq qarzi hisoblanib, soliq organlari tomonidan majburiy undirishga qaratiladi. 2015-2019-yillar mobaynida respublikada faoliyat yuritayotgan yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar soni hamda ular ichida soliq qarziga ega bo'lgan soliq to'lovchilarning ulushini quyidagi 1-rasm orqali ko'rishimiz mumkin.



**1-rasm. Respublika bo'yicha soliq qarziga ega bo'lgan yuridik shaxslar hamda yakka tartibdagi tadbirkorlar soni tahlili (ming dona) [3]**

Yuqoridagi 1-rasmdan ko'rinib turibdiki, yuridik shaxslar hamda yakka tartibdagi tadbirkorlar soni yil sayin o'sish tendensiyasiga ega bo'lib turibdi. Respublika bo'yicha 2015-yilda subyektlar soni 838,5 mingtani, 2016-yilda 892 mingtani, 2017-yilda 901 mingtani, 2018-yilda 1 007 mingtani va 2019-yilda 1 056 mingtani tashkil etgan. Bu 2019-yilda 2015-yilga nisbatan 217,5 mingtaga yoki 20,6 foizga ko'payganligini anglatadi.


Shuningdek, bugungi kunda bunday o'sish sur'atlari yaxshi natijadir, chunki buning natijasida ko'plab yangi ish o'rinlari yaratilib, aholining ishsiz qatlami yangi ish o'rinlariga ega bo'ladi.

Ammo tashkil etilgan korxonalarining hammasi ham "samarali ishlayapti" deb ayta olmaymiz.

Budjet oldidagi majburiyatini bajara olmayotgan soliq to'lovchilar ham bor. 1-rasm ma'lumotlaridan kelib chiqadigan bo'lsak, soliq qarzi mavjud bo'lgan tadbirkorlik subyektlari soni yildan yilga ko'payib kelmoqda. 2015-yilda soliq qarzi mavjud bo'lgan tadbirkorlik subyektlari soni jami subyektlar sonining 33,3 foizini tashkil etgan bo'lsa, 2019-yilga kelib soliq qarzi mavjud bo'lgan tadbirkorlik subyektlari soni 37,7 foizgacha ko'paygan.

Shuningdek, respublikada soliq qarzi mavjud bo'lgan tadbirkorlik subyektlarining jami soliq qarzlarini soliqlar va yig'imlar kesimidagi tahlilini quyidagi 2-rasm orqali ko'rishimiz mumkin.

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР




**2-rasm. Respublika bo'yicha jami soliq qarzlarning soliqlar va yig'imlar kesimidagi ulushi tahlili (foizda). [4]**

Yuqoridagi 2-rasm ma'lumotlarini ko'rib chiqadigan bo'lsak, ushbu rasmda asosiy soliq turlari tahlil qilingan. Xususan, 2015-yilda QQSdan qarz summasi jami soliq qarzining 35,4 foizini tashkil qilgan bo'lsa, 2019-yilga kelib ushbu ko'rsatkich 31,5 foizgacha tushgan. 2019-yildagi pasayish omillaridan biri bu PF-5837-sonli farmonga asosan, QQSning stavkasi 20 foizdan 15 foizga tushirilganligi bo'lib hisoblanadi. [5] Shunday bo'lsada, QQS jami soliq qarzidagi ulushi yuqori va bu salbiy holatdir.

Foyda solig'i bo'yicha soliq qarzi 2015-yil jami soliq qarzining 4,7 foizini tashkil etgan bo'lsa,

2019-yilga kelib ushbu ko'rsatkich 7,2 foizgacha oshgan. Buning sabablaridan biri bu yuridik shaxslarning foyda solig'i stavkasi 12 foizdan 15 foizga ko'tarilganligi bo'lsa, yana bir sababi yakka tartibdagi tadbirkorlarda belgilangan 1 mlrd. so'm chegaraviy miqdordan oshib ketgan hollarda foyda va QQS to'lashga o'tganligini ko'rsatsak bo'ladi. Soliq to'lovchilar, shu jumladan soliq stavkalarining oshishi bevosita soliq qarzlari ko'payishiga ta'sir qiladi va aksincha.



**3-rasm. Respublika bo'yicha mol-mulk va yer soliqlaridan soliq qarzi mavjud bo'lgan jismoniy shaxslar (yakka tartibdagi tadbirkorlardan tashqari) to'g'risida ma'lumot. [7]**

Bundan tashqari, 2015-2019-yillar mobaynida aksiz solig'i bo'yicha soliq qarzlari jami soliq qarzlarning o'rtacha 9,1 foizini tashkil qilgan. Shuningdek, aylanmadan olinadigan soliq[6] (2020-yilga qadar yagona soliq to'lovi deb yuritilgan) pasayish tendensiyasiga ega. 2015-yil 5,4 foizni tashkil etgan bo'lsa 2019-yilga kelib 4,3 foizgacha tushgan. Buning sababini yuqorida aytib o'tganimizdek yakka tartibdagi tadbirkorlarning foyda solig'i va QQSga to'lashga o'tishi deb ko'rsatishimiz mumkin.

Shuningdek, yer solig'i bo'yicha qarz summasi jami soliq qarzlarning o'rtacha 8,4 foizini, mulk solig'i o'rtacha 5,9 foizini va yer qa'ridan foydalanlik uchun soliq esa o'rtacha 8,4 foizga to'g'ri keladi.

Respublika bo'yicha 2015-2019-yillar davrida mol-mulk va yer soliqlaridan soliq qarzi mavjud bo'lgan jismoniy shaxslar (yakka tartibdagi tadbirkorlardan tashqari) to'g'risida ma'lumotni quyidagi 3-rasmdan ko'rishimiz mumkin

Yuqoridagi 3-rasm ma'lumotlaridan shuni ko'rishimiz mumkinki, soliq to'lovchi jismoniy shaxslarning (yakka tartibdagi tadbirkorlardan tashqari) soni o'sish tendensiyasiga ega. 2015-yil jami mol-mulk va yer solig'i to'lovchilari bo'lgan jismoniy shaxslar soni 4 968,9 mingtani tashkil etgan bo'lsa, 2016-yil 5 269,1 ming, 2017-yil 5 935,2 ming, 2018-yil 6 406,9 ming va 2019-yil esa 7 350,1 mingtaga yetgan. 2019-yilda 2015-yilga qaraganda 2 381,2 mingtaga yoki 67,6 foizga oshgan. O'zbekiston Respublikasida aholi soni yildan yilga oshayotganligi o'z-o'zidan mol-mulk va yer solig'i to'lovchilari bo'lgan jismoniy shaxslar sonining oshishiga olib kelishi tabiiy holdir.

3-rasm ma'lumotlarini tahlil qiladigan bo'lsak, mol-mulk va yer soliqlaridan soliq qarzi mavjud bo'lgan jismoniy shaxslarning (yakka tartibdagi tadbirkorlardan tashqari) soni 2015-yilda 987,2 mingtani, 2016-yilda 1 024,1 mingtani, 2017-yilda 1 201,8 mingtani, 2018-yilda 1 250,1 mingtani va 2019-yil 1 389,6 mingtani tashkil etgan. Bu 2019-yilda 2015-yilga nisbatan 402,4 mingtaga yoki 29 foizga ko'payganligini bildiradi.

Shuningdek, ularning soliq qarzlari summaları 2015-yilda 557,5 mlrd. so'mni, 2016-yilda 578,9 mlrd. so'mni, 2017-yilda 601,3 mlrd. so'mni, 2018-yilda 642,6 mlrd. so'mni va 2019-yilda ushbu sum-

ma 861,5 mlrd. so'mga yetgan. Bu ko'rsatgich 2015-yilga nisbatan 304,0 mlrd. so'mga yoki 35,3 foizga oshganini ko'rsatadi.

#### Xulosa va takliflar.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, so'nggi yillarda soliq stavkalarining pasaytirilishi, tadbirkorlik subyektlariga o'zlarining faoliyatlarini olib borishda yengillik va keng imkoniyat yaratmoqda. Shunga qaramay soliq qarzi mavjud bo'lgan soliq to'lovchilarimiz talaygina.

Fikrimizcha soliqlar va yig'imlar bo'yicha qarzdorlikni kamaytirish ularni muddatida va to'liq undirish samaradorligini oshirishda quyidagi takliflar o'z samarasini beradi deb hisoblaymiz:

1. Germaniya davlatida soliq qarzlaridan voz kechish holatlari ko'p uchraydi. Bu ayniqsa kichik tadbirkorlik subyektlariga to'g'ri keladi. O'zbekistonda ham ushbu konsepsiyani qo'llash maqsadga muvofiq hisoblanadi. Bunda soliq qarzi kechilayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari kelajakda ishlab ketilishiga ishonch hosil qilinishini e'tiborga olish lozim.

2. Amaliyotda jinoiy ish doirasida o'tkazilgan soliq auditi natijasida qo'shimcha hisoblangan soliqlar, shu jumladan moliyaviy sanksiyalar soliq to'lovchi tomonidan jinoiy ish o'tkazgan vakolatli organning deposit hisobraqamiga to'lanadi, lekin ushbu summa soliq organining bazasida ko'rinmaydi ya soliq to'lovchining shaxsiy kartochnasida aks etmaydi. Buning oqibatida soliq to'lovchining hisobraqamiga avtomat inkasso topshiriqnomasi qo'yiladi hamda soliq to'lovchi ikki yoqlama soliq tortilishiga olib keladi. Mazkur masala yuzasidan Soliq kodeksiga tegishli o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

3. Xorij tajribasida soliq qarzini majburiy undirish bilan shug'ullanadigan alohida xususiy firmalar mavjud. Soliq qarzi uzilmaganda soliq organi mazkur firmalar bilan hamkorlikda undirish tizimi yo'lga qo'yilgan. O'zbekistonda ham ushbu tizimni joriy etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

4. Jismoniy shaxslarga yer va mol-mulk soliqlarini belgilangan muddatida to'lamaganliklari uchun soliq summasiga penya hisoblash bilan birgalikda soliq qarzi summasining 20 foizi miqdorida ma'muriy jarima qo'llanilishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

#### Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020-yil 29-dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni. 2017-yil 7-fevral.
3. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi.
4. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining rasmiy veb sayti: <http://www.soliq.uz> ma'lumotlari.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5837-sonli Farmoni. 2019-yil 26-sentabr.
6. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi, 461-modda. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020-yil. – 640 bet.
7. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining rasmiy veb sayti: <http://www.soliq.uz> ma'lumotlari.
8. Margherita Ebraico. An Assessment of the Performance of the Italian Tax Debt Collection System // Taxation papers. – 2015. P-53.

9. Michael Brostek. Tax debt collection IRS needs to better manage the collection notices sent to individuals. // United States government Accountability office.-2009. P-27.

10. Алихин С.Н., Левачева Д.А. Эволюция механизма принудительного взыскания задолженности перед бюджетом.// Налоги. – 2018 г. –С.28.

11. Виноходова И.Г. Совершенствование практики взыскания задолженности организаций по налогам и сборам. // Научное статья., 2019 г.–С.22.

12. Toshmatov Sh. Korxonalar iqtisodiy faolligini oshirishda soliqlar rolini kuchaytirish muammolari. Doktorlik ishi. Avtoreferat. T.: 2008-yil.

13. Niyazmetov I. Soliq yukining tadbirkorlik subyektlari moliyaviy faoliyatiga va budget daromadlariga ta'siri tahlili. Nomzodlik ishi. Avtoreferat -2008-yil.

14. Jo'rayev A. Davlat budjeti daromadlarini shakllantirishning dolzarb muammolari. Doktorlik ishi. Avtoreferat. – T.: 2006-yil.

## СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ

**Гиясов Сарвар Аъзамович -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Молия ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти в.б.  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мазкур мақолада корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш, хусусан рағбатлантиришнинг халқаро амалиёти ёритилган. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг янги шакллари, уларнинг ижобий ва афзаллик жиҳатлари тадқиқ этилган. Солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг хориж тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотлар натижасида тегишли илмий хулосалар шакллантирилиб, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлар чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқлар, инвестиция, кредит, солиқ имтиёзлари, инвестицион солиқ кредити, солиқ кредити, солиқ чегирмаси, инвестицион чегирма, амортизация ажратмалари.

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА НАЛОГОВОГО СТИМУЛИРОВАНИЯ

**Гиясов Сарвар Аъзамович -**

и.о доцент кафедры Финансы и бухгалтерский учёт  
Ташкентского государственного университета  
доктор философии по экономическим наукам (PhD)

**Аннотация.** В данной статье приведена международная практика налогового регулирования, в частности стимулирования инновационно-инвестиционной деятельности предприятий. А также исследованы новые формы, положительные и преимущественные аспекты налоговых льгот и преференций. Проведен анализ возможностей применения зарубежного опыта налогового стимулирования в Узбекистане. В результате исследований сформированы соответствующие научные выводы и разработаны научные предложения и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** налоги, инвестиция, кредит, налоговые льготы, инвестиционных налоговый кредит, налоговый кредит, налоговый вычет, инвестиционный вычет, амортизационные отчисления.

## INTERNATIONAL PRACTICE OF TAX INCENTIVES

**Giyasov Sarvar Azamovich -**

Associate Professor of Finance and Accounting Department  
Tashkent State University Doctor of philosophy  
in economic sciences (PhD)

**Annotation.** This article describes the international practice of tax regulation, in particular, the promotion of innovative and investment activities of enterprises. New forms, positive and preferential aspects of tax benefits and preferences are also studied. The analysis of the possibilities of applying foreign experience of tax incentives in Uzbekistan is carried out. As a result of the research, relevant scientific conclusions were formed and scientific proposals and practical recommendations were developed.

**Keywords:** taxes, investment, credit, tax benefits, investment tax credit, tax credit, tax deduction, investment deduction, depreciation deductions.

**Кириш.** Инновацион ва инвестицион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш муаммолари ва мазкур фаолиятларни ривожлантиришни тадқиқ этишда, илғор хориж таж-

рибаси ҳамда амалиётини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ имтиёзлари иқтисодиётни тартибга солишнинг жаҳонда энг кенг тарқалган билвосита усулларида бири ҳисоблана-

ди. Улар нафақат алоҳида иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ўсиши, илм-фан ва техника соҳасига хусусий капитал жалб қилинишини таъминлайди. Дарҳақиқат, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни фаол жалб этишда ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришни солиқлар орқали рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари ва преференциялардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда бу борада қатор ислохотлар амалга оширилиб, индивидуал солиқ имтиёзларини тақдим этилишига барҳам бериш ҳамда самарасиз солиқ имтиёзларини аниқлаш ва бекор қилишга доир муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Аммо, инновацион-инвестицион фаолият учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ягона тизимлаштирган ҳолда янги таҳрирдаги Солиқ кодексига киритиш, шунингдек, солиқ имтиёзлари самарадорлигини ядана ошириш, соғлом рақобат муҳитига салбий таъсирини олдини олиш ҳамда солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг энг самарали ва мақбул шакллари татбиқ этишни таъминлашда илғор халқаро амалиётни тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Инновацион ва инвестицион фаолиятни давлат томонидан солиқлар воситасида тартибга солиш масалалари қатор иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Дж.Стиглиц фикрига кўра, бозор механизмининг қодирсизлиги иқтисодиёт ривожидан давлат аралашуви заруратининг асосий сабаби ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш заруратига қатор далилларни келтириб ўтади [1]:

1. Бозор субъектлари учун ахборотларни мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги ва бунинг оқибатида бозор тўлиқ мувозанатга эриша олмаслиги;

2. Бозор измида бўлмаган омилларга мувофиқ жамият неъматларини қайта тақсимлашни зарурати;

3. Етарли ҳажмда кўплаб бозор турларининг (масалан фьючерс ва суғурта) мавжуд эмаслиги;

4. Такмиллашган реал рақобатнинг мавжуд эмаслиги;

5. Фундаментал илм-фан, муҳофаа хизматлари ва шу каби бошқа жамият неъматларини яратилиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ аҳамиятли соҳаларнинг мавжудлиги.

Е.Баклыкованинг фикрига кўра, инновацион ва инвестицион фаолиятни тартибга солиш, хусусан рағбатлантириш инструментларидан бири солиқ тўловчиларнинг мажбуриятла-

рини камайтириш ёки кечиктириш мақсади бўлган солиқ имтиёзлари ҳисобланади [2]. Марголин, Фоломьев ва Яковец каби инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари билан шуғулланувчи замонавий муаллифлар - ўзларининг ишларида солиқлар воситасида тартибга солишни инвестицион фаолиятни фаоллаштиришдаги механизмларидан бири сифатида кўриб чиқадилар [3].

А.Макрушина солиқ имтиёларини йириклаштирилган уч гуруҳга таснифлайди: солиқдан озод қилишлар, солиқ чегирмалари ва солиқ кредитлари. Муаллифнинг бу таснифи солиқ имтиёзларини имтиёзлар усули билан фарқлаш имконини беради. Шунингдек, ушбу таснифда солиқ имтиёзлари инновация фаолиятининг муайян босқичида рағбатлантириш объектига таъсири тамойилига кўра таснифланади: тадқиқот, амалга ошириш, тижоратлаштириш [4].

Г.Соболева ва В.Яковлеваларнинг тадқиқотлар натижаларида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини амалга ошириш учун солиқ кредитлари солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг энг асосий чораларидан бири сифатида бизнес ва инновацион фаолиятга сезиларли ижобий таъсир этиши таъкидланган [5].

Г.Костюнинанинг фикрига кўра, инвестицион чегирмалар ва солиқ кредитлари солиқ таътилларига нисбатан афзалликларга эга, чунки улар капитални у ёки бу шаклда жалб қилиш учун бирмунча таъсирчан ва самарали инструмент ҳисоблананди. Уларни қўллашдан келган даромадлар янада шаффоф характерга эга ва назорат қилиш осонроқдир [6].

Л.Мокина ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида инвестицион солиқ кредити илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари ва инновацияларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун давлатнинг механизми ва қарз молиялаштиришнинг элементларини ўзида ифода этади, деган хулосага келинган [7].

Ҳ.Абдурахмонов фикрича, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашни жами қўлланилаётган солиқ имтиёзлари самарадорлигининг комплекс таҳлилини амалга оширишга имкон беради. Натижада кам самарали имтиёзлардан воз кечиш, солиққа тортишни минималлаштиришга қаратилган имкониятларни йўққа чиқариш орқали солиқ имтиёзларини янада оптималлаштиришга эришиш мумкин [8].

Н.Ашурованинг фикрига кўра, имтиёз бериш билан кифояланмасдан, унинг ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилиши, солиқ, пул-кредит сиёсати, давлатнинг иқтисодий бошқарув сиёсати билан мувофиқлаштирилиши

лозим. Солиқ механизми солиқ имтиёзларининг ишлаши учун шароит яратиши, асосий йўналиш илмий-техника тараққиётини юксалтиришга ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга, кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилиши лозим [9].

**Асосий қисм.** Бугунги кунга келиб, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвести-

цияларни фаол жалб этишда ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда самарали натижа бераётган солиқ имтиёзлари шаклларида солиқ таътиллари, солиқ чегирмалари, солиқ кредити, тадқиқот солиқ кредити ва инвестицион солиқ кредити ҳисобламоқда.

1-жадвал

**Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш  
инструментларининг таснифланиши [10]**

	Солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари	Рағбатлантириш объекти	Инновацион фаолият босқичлари
Озод қилишлар	Солиқ таътиллари	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўсиш суръатлари	Тадқиқот, жорий қилиниши, тижоратлаштирилиши
	Солиқ ставкасини пасайтириш ёки ноль ставка	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши, тижоратлаштирилиши
	Хорижий манбадан даромадга имтиёзлар	Трансфер технологиялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Алоҳида объектларни солиққа тортишдан чиқариш	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион мукофот	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
Чегирмалар	Тадқиқот ва ишланмаларга жорий харажатларни ҳисобдан чиқариш	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўсиш суръатлари	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион чегирмалар	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Асосий воситалар амортизацияси-нинг махсус режимлари	Қимматбаҳо тадқиқот ускунасига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Зарарларни келажакка ўтказиш	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Тезлаштирилган амортизация	Қимматбаҳо тадқиқот ускунасига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
Кўшимча солиқ чегирмалари	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши	
Кредитлар	Тадқиқот солиқ кредити	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми, хусусий бизнес ва тадқиқот муҳити ўртасидаги ҳамкорлик	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион солиқ кредити	Корхона технологик модернизациясига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Тадқиқот фаолиятидаги иш ҳақи учун солиқ кредити	Инвестициялар ҳажми, инсон капиталига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши

Шунингдек, мазкур таснифда солиқ имтиёзлари инновацион фаолиятнинг аниқ бир босқичида рағбатлантириш объектига уларнинг таъсири тамойили бўйича таснифланади. Албатта мамлакатимиз солиқ тизимида ҳам мазкур инструментларнинг айримлари амалда мавжуд, лекин рағбатлантиришнинг айрим объектилари қонунчилик билан белгиланмаган. Бундан ташқари, солиқ имтиёзлари инновацион фаолият босқичлари, яъни тадқиқот, жорий қилиниши ва тижоратлаштирилиши каби босқичларидан қатъий назар номуайян муддатга ва тўлиқ озод қилинади.

Солиққа тортишни кечиктириш корхоналарда ихтиро ишларини амалга оширишга ва бу учун зарур ускуналарни сотиб олишга маблағлар сарфланаётганда, аммо етарли фойда олмаётганда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланилади.

Сингапурда интеллектуал мулк ва илм-сиғимкор тармоқларни ривожлантириш учун қулай тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат инвестицияларга асосланган иқтисодиётдан асосий рақобатдош устунлиги билим ҳисобланган инновацияларга таянган иқтисодиётга ўтмоқда. Биринчи навбатда илм-сиғимкор тармоқларга солиқ имтиёзлари сақланиб қолинган. Янги ва инновацион фаолият турларига нисбатан паст солиқ ставкалари қўлланиладиган катта устунликлар тақдим этилган.

Шунингдек, Сингапурда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари, интеллектуал мулк ва лицензиялаш харажатларга солиқ чегирмалари кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда Сингапурдаги бизнес учун тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш сарфлари ва моддий харажатлар ҳажмига нисбатан 150 фоиз миқдорда ва бошқа харажатларга 100 фоиз миқдорда солиқ чегирмалари мавжуд [11].

Сингапур солиқ ислохотларининг устувор вазибалари янги инновацион тармоқлар учун солиқ имтиёзларини сақлаб қолишди. Шунингдек, мамлакат таянч устунликларга эга бўлган соҳаларда ўсишни таъминлаши керак, бироқ паст солиқ ставкалари, маъмурчилик ва ижронини соддашлатириш учун имтиёзлар тизимини қисқартириш ва рационаллаштиришни таклиф қилувчи бошқа мамлакатлар билан рақобатлашишга мажбур.

АҚШда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришда фискал сиёсатининг асосий инструментларидан [12]:

а) фойдани солиққа тортиш жараёни доирасида инновацион фаолиятга солиқ чегирмалари;

б) тадқиқот ва тажриба фаолиятига солиқ сийловлари ҳисобланади. Мазкур инструментлардан ташқари АҚШ Солиқ кодексидан инновацион фаолиятни рағбатлантиришда тор доирадаги қатор механизмлар мавжуд.

Юқоридаги илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш механизмлардан биринчисига таъриф беришга ўтар эканмиз, таъкидлаш жоизки, бошқа аксарият мамлакатларда бўлгани каби солиқ солиш базасидан харажатларни чегирини тарзидаги имтиёз энг кенг қўлланиладиган механизмларидан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқот фаолиятга харажатлар асосий воситалар ёки номоддий активлар шаклида келажакда капиталлаштирилиши фақатгина амортизация ажратмалари воситасида қопланиши мумкин. Агар номоддий активлар бўлса, харажатларни қоплаш имконини янада қийинлаштиради, бу активнинг мазкур турини фойдали ишлатилишининг маълум муддатга эга эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун илмий тадқиқот фаолиятига харажатларни дарҳол чегирини, бюджет жамғарилиши нуқтаи назаридан, нисбатан қиммат бўлмаган механизми бўлгани ҳолда тадқиқотларни амалга оширишда яхши рағбат ҳисобланади.

Иккинчи солиқлар воситасида рағбатлантиришда кенг қўлланиладиган механизм бу инновацион маҳсулотни яратиш жараёнида жалб этиладиган ва иқтисодий агентларга тақдим этиладиган солиқ чегирмаси ҳисобланади. Умуман олганда, солиқ чегирмаси солиқ солиш базасидан камайтириш тарзидаги солиқ чегирмасидан фарқли ўлароқ, қонун билан рухсат этилган умумий солиқ мажбуриятлардан ижтимоий қўллаб-қувватловчи ёки жамият учун муҳим бўлган маълум харажатларни тўридан-тўғри чегирини ўзида ифода этади.

Солиқ чегирмаси таркибан учта илмий тадқиқот фаолияти учун алоҳида мўлжалланган:

1. Илмий тадқиқот фаолиятига харажатлар ҳажми маълум бир даврнинг мос даврига нисбатан оширилган тақдирда 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the incremental credit»).

2. Сертификатлаштирилган тадқиқот консорциумнинг фундаментал тадқиқотларига харажатлар ҳажми маълум бир даврнинг мос даврига нисбатан оширилган тақдирда солиқ тўловчига 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the credit for basic research payments»).

3. Энергетик консорциумга тўловлар доирасида 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the credit for payments to an energy consortium»).

АҚШнинг солиққа оид қонун ҳужжатларида фундаментал илмий тадқиқотларга инвестициялар учун алоҳида солиқ чегирмаси мавжуд. Белгилаш зарурки, АҚШ солиқ тизими умумий йўналтирилганлик (солиқ чегирмалари ва солиқ сийловлари) механизмлари сифатида ҳам ва тор доирадаги солиқ имтиёзларини таргетлаш сифатида ҳам илмий тадқиқот фаолиятини кенг қўллаш рағбатлантириш механизмларига эга.

Шунингдек, халқаро амалиётда инновацион корхоналар учун кенг тарқалган имтиёзлардан қўйидагиларни келтириш мумкин [13]:

- фойда солиғи бўйича қўшимча солиқ сийловлари (ҳажм кўрсаткичлари асосида Буюк Британия, Бельгия ва Данияда, мослаштириш (комбинациялаш) асосида Австралия, Австрия ва Венгрияда қўлланилади);

- тадқиқот солиқ кредити (солиқ кредити шаклида - АҚШ, Япония, Мексика ва Жанубий Кореяда, тўлиқ ҳажмда - Италия, Канада, Норвегия ва аралаш шаклида - Франция, Испания, Португалияда қўлланилади);

- асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдаги алоҳида имтиёзлар («эркин» амортизация Ирландия ва Буюк Британияда, тезлаштирилган амортизация Франция ва Германияда);

- инвестицион солиқ кредити - АҚШ, Франция ва Россияда қўлланилади;

- инновацион маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) пасайтирилган ставкалари Германия, Буюк Британия, Швеция ва Италияда қўлланилади.

Бундан ташқари, қатор мамлакатларда, мисол учун Голландияда хусусий инновацион фаолиятни тадбиркорларнинг ижтимоий ажратмаларини ҳамда илмий ходимларнинг иш ҳақини ва ижтимоий солиқларини камайтириш тарзидаги «тадқиқот солиқ кредити» орқали рағбатлантириш амалга оширилади. АҚШда юқори рискли инновацион маҳсулотларга узоқ муддатли инвестиция қилишга рағбатлантирув-

чи қимматли қоғозлар сотувидан олинган даромадлар бўйича махсус солиқ имтиёзлари амал қилади [14].

Ирландия, Хиндистон, Хитой, Исроил ва Тайван каби мамлакатларнинг инновацион соҳада ўз фаолиятларини амалга оширувчи компанияларга мислсиз солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича тажрибалари бу мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ҳамда қисқа муддатда уларнинг иқтисодий тузилмасини юқори технологиялик тармоқларга мўлжалланган иқтисодий ўзгартиришга олиб келди [15].

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан инвесторларга асосан солиқ таътиллари, Ғарбий Европанинг саноати ривожланган мамлакатлари томонидан эса – инвестицион чегирмалар ва тезлаштирилган амортизация шаклидаги солиқ имтиёзлари тақдим этилиб келинмоқда. Японияда солиқ чегирмалари ва амортизациянинг алоҳида тартиби ўрнатилган бўлиб, асосий воситалар, солиқ солиш базасидан харажатларнинг маълум бир турларига, шунингдек, ускунанинг тезлаштирилган амортизациядан ўтказиш имкониятини истисно қилиш қўлланилган. Бундан ташқари, капиталга нисбатан 100 млн. йендан ортмаган миқдорда тезлаштирилган амортизация меъёрлари билан бухгалтерия ҳисобининг алоҳида тизими амал қилади.

Хорижий мамлакатларда инвестицион фаолликни ошириш мақсадида кенг қўлланиладиган кейинги солиқ имтиёз тури бу инвестицион солиқ чегирмаси ҳисобланади. Бу тадбир-

корларни ускуналар паркини кенгайтириш ёки эскирган ускуналарни қайта жиҳозлашга инвестиция қилиш учун рағбатлантиришга мўлжалланган. АҚШда ушбу имтиёз жорий қилинган вақтдаги энг юқори ставкаси камида 8 йил хизмат муддати бўлган ҳолда машина ва ускуналарга инвестиция қилинган маблағларнинг умумий қийматидан 7 фоизни, энг паст ставкаси эса активлар учун фойдаланиш муддати 4-6 йил бўлгани ҳолда 2,33 фоизни ташкил этган.

Инвестицион солиқ чегирмаси корхонанинг солиқ солиш базасидан маълум бир инвестицион харажат турларини истисно этиш йўли билан ушбу харажат ёки солиқ суммасига нисбатан фоизларда солиқ юқини пасайтирилиши таъминланади. Аксарият мамлакатларда мазкур имтиёз ҳуқуқи янги техника фойдаланиши биланоқ автоматик тарзда юзага келиши қонунчилик билан мустақамланган.

Ушбу имтиёзнинг эътиборли жиҳати шундаки, тегишли солиқ даврида солиққа тортиладиган фойдадан чегириладиган сумма мазкур фойдадан кам миқдорда бўлган тақдирда сийловга ҳуқуқи сақланадиган даврни аниқлаш ҳисобланади. Бунда Бельгия қонунчилиги энг либерал ҳисобланади, чунки бу давр чегараланмаган.

Шунингдек, Европа иттифоқи аъзолари – мамлакатларида ҳам фойда солиғи бўйича тезлаштирилган амортизация, инвестицион солиқ чегирмаси ва инвестицион солиқ кредити каби имтиёзлардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

2-жадвал

Европа иттифоқи аъзолари – мамлакатларида фойда солиғи бўйича фойдаланилаётган имтиёзлар [16]

Мамлакат	Тезлаштирилган амортизация	Инвестицион солиқ чегирмаси	Инвестицион солиқ кредити
Австрия	+	-	-
Бельгия	+	+	-
Буюк британия	+	+	-
Греция	+	-	-
Дания	+	+	-
Италия	+	+	-
Испания	+	+	+
Люксембург	+	-	+
Голландия	+	+	-
Германия	+	-	-
Франция	+	-	+
Швеция	+	-	-
Норвегия	-	-	+

Бундан ташқари, кўплаб мамлакатларнинг инвестиция сиёсатида корхоналарнинг маълум бир инвестицион фаолият турини амалга ошириш ва кейинчалик солиқ солишдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қайта реинвестиция қилиш ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга мўлжалланадиган ва

қўлланиладиган солиқ имтиёзи туридан инвестицион солиқ кредити ҳисобланади. Масалан, Францияда фойда солиғи суммаси ҳисоб-китобидан бевосита чегирилиб, солиқ тўловлари камайтирилиши ҳисобига корхонанинг янги инвестицияларининг муайян бир қисмини молиялаштиришга имкон берадиган инвестицион солиқ кредити қўлланилиб келинади. Бундан



## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

ташъари, турли мамлакатларда инвестицион солиқ кредитининг корхона тури, инвестиция шакли ва суммасидан келиб чиққан ҳолда фарқли жиҳатлари мавжуд. Мисол учун, Японияда – электрон техника ва ускуна учун 5,3 фоиз, Буюк Британияда – янги техника, технология, материалларнинг биринчи йилдаги эксплуатация учун 50 фоиз, Канадада – корхонанинг ўзлаштирган худуди ва жойлашувидан қатъий назар 10-15 фоиз, Ирландияда ва Люксембургда – 100 фоизни ташкил этади [17].

Мамлакатимиз корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишда Хитойнинг илғор тажрибасидан фойдаланишимиз мумкин. Хусусан, Хитойда корхоналарнинг инновацион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатланти-

ришда кенг тарқалган инструментлардан фойда солиғининг имтиёзли ставкалари ҳисобланади [18]. Яъни, корхоналарнинг инновацион фаолияти турларидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи ставкаларининг табақалаштирилган ставкаларини қўллаш мумкин.

Мазкур 3-жадвалда келтирилган инновацион фаолият турлари ва инновацион корхоналарга фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш ўрнига 10, 9 ва 8 фоиз қилиб белгиланиши бир томондан бюджетда имтиёз ҳисобига ортиқча йўқотишлар олди олинса, бошқа томондан корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишда ва инновацион жараёнларни фаоллаштиришга олиб келади.

**3-жадвал**

<b>Фойда солиғи ставкалари</b>	
<b>Корхоналар фойда солиғининг асосий ставкаси</b>	<b>12%</b>
<b>Корхоналар фойда солиғининг имтиёзли ставкалари</b>	
<b>Корхоналар тоифаси</b>	<b>Фойда солиғи ставкаси</b>
Янги ва юқори технологик корхоналар	9 %
Дастурий маҳсул ишлаб чиқарувчи корхоналар	8 %
Интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчилар	8 %
Чизиқ кенглиги (эни) 0,25 микрометрдан кам бўлган интеграл схемалар ишлаб чиқарувчилар	9 %
Илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхоналар	9 %
Инновацион корхоналар	9 %
Кичик инновацион корхоналар	8 %

Бундан ташқари, Хитойда инновацион корхоналар учун солиқ таътиллари ҳам тақдим этилади. Мисол учун интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга фойда олинган кундан бошлаб дастлабки икки йил давомида тўлиқ солиқдан озод қилиш ва келгуси уч йилда камай-

тирилган ставка (асосий ставканинг 50 фоизи) бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқини беради (4-жадвал). Мазкур солиқ имтиёзларга талабгорлар асосан икки тоифадаги солиқ тўловчилар бўлиши керак: янги ва юқори технологик корхоналар ҳамда илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхоналар.

**4-жадвал**

<b>Инновацион корхоналар учун солиқ таътиллари [19]</b>	
<b>Солиқ таътиллари тақдим этилувчи корхоналар</b>	<b>Солиқ таътилларининг муддати ва даври</b>
Янги ва юқори технологик корхоналар	5 (2+3)
Дастурий маҳсул ишлаб чиқарувчи корхоналар	5 (2+3)
Интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчилар	5 (2+3)
Чизиқ кенглиги (эни) 0,25 микрометрдан кам бўлган интеграл схемаларни ишлаб чиқарувчилар	10 (5+5)
Муқобил энергетика учун ускуна ва технология ишлаб чиқарувчилар	5 (2+3)
Энергия тежовчи ва табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар	6 (3+3)
Кичик бизнеснинг инновацион корхоналари	5 (2+3)

Мазкур мақомни нафақат мамлакатимиз корхоналари, балки чел эл корхоналари ҳам олишлари мумкин. Бироқ, мазкур мақомни олувчи ташкилот-изланувчи нафақат тадқиқот ва инновацион фаолиятини амалга ошириш керак, балки қатор маҳсул талабларга мувофиқ бўлиши керак. Масалан, янги ва юқори технологик

корхоналар тоифаси учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- бир йилдан кам бўлмаган муддатда мамлакат резиденти бўлиши керак;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) учун асосий технологияларга интеллектуал мулк ҳуқуқига эга бўлиши керак;

- корхонанинг илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига ва инновацион фаолиятга харажатлари умумий харажатлар ҳажмида камида 10 фоизни ташкил этиши керак;

- инновацион фаолиятга харажатлар корхонанинг жами йиллик даромадининг (фойда) камида 6 фоизини ташкил этиши керак;

- корхонанинг умумий ишчилари сонидан илмий-техник ходимлар улуши камида 30 фоизни ташкил этиши керак;

- корхонанинг умумий ишчилари сонидан тўғридан-тўғри инновацион фаолият билан банд бўлган дипломли мутахассислари улуши камида 10 фоизни ташкил этиши керак;

- корхонанинг тадқиқотлар ва инновацияларга харажатлари йиғиндисининг камида 60 фоизи мамлакатда амалга оширилиши керак;

- корхонанинг янги ва юқори технологик маҳсулотлар (хизматлар) реализациясидан олинган фойда улуши умумий фойдасида камида 60 фоизни ташкил этиши керак.

Илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхона мақомига эга бўлишнинг зарурий шарт, корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қуйидаги устувор соҳалардан бирига киритилиши керак:

- электрон ахборот коммуникация технологиялари;

- биологик ва фармацевтик технологиялари;

- аэрокосмик ва авиация технологиялари;

- янги материаллар ишлаб чиқариш;

- юқори технологик саноат хизматлари;

- янги энергетика ва энергия тежовчи технологиялар;

- атроф муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилувчи технологиялар;

- саноат ва аграр секторнинг одатий тармоқларини модернизацияси учун янги ва юқори технологиялар.

Шунингдек, Хитой тажрибасига таянган ҳолда инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг самарали йўллари яна бири бу илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига харажатлари бўйича юқори солиқ чегирмалари. Юқори солиқ чегирмалари солиққа тортиладиган даромаддан 1,5 баробар (150 %) ошган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига харажатларига камайтирилади [20].

Таъкидлаш жоизки, Хитойда инновацион бизнес учун солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кенгайтирилиши давлатнинг бюджет тизимига солиқ тушумлари камайишига олиб келмади. Аксинча, солиқ юкини пасайтирилиши хуфёна иқтисодиёт соясидан чиқишга имкон берди, бу эса корхоналар фойда солиғи бўйича

тушумлар 2006-2016 йилларда 3,5 баробардан зиёдга ўсишига олиб келган [21].

Россияда инновацион корхоналар учун солиқ имтиёзларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ имтиёзлар инновацион фаолият билан шуғулланувчи барча солиқ тўловчилар томонидан қўлланиладиган имтиёзлар ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса фақатгина алоҳида иқтисодий ҳудудларнинг резидентлари ҳисобланадиган ташкилотлар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳисобланади. Инновацион фаолиятни амалга оширувчи барча ташкилотларда қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг стандарт пакетини кўриб чиқамиз [15]:

1. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни амалга оширишда ҚҚСдан озод этиш;

2. Интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқларни сотганда ҚҚСдан озод этиш;

3. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга харажатларни соддалаштирилган ҳисоби;

4. Электрон ҳисоблаш техникасини сотиб олишга харажатларни ягона вақтдаги ҳисоби;

5. Илмий техник фаолиятда фойдаланиладиган асосий воситалар амортизациясининг тезлаштирилган тартиби. Ташкилотлар томонидан асосий воситалар амортизациясида учдан катта бўлмаган махсус коэффицентни қўллашлари мумкин;

6. Мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойда солиғини озод қилиш;

7. Махсус дастурлар доирасида амалга оширадиган кичик ва ўрта бизнес субъектлари оладиган субсидиялар ҳисобининг тартиби;

8. Инвестицион солиқ кредити. Қайта молиялаштириш ставкаси бўйича  $\frac{3}{4}$  миқдоригача беш йилгача фойда солиғи тўлови муддатини кечиктириш;

9. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга харажатлар захирасини яратиш. Захира икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ва реализациядан даромадларни 3 фоиздан ортмаган ҳолда яратилади;

10. Энергияси самарадор бўлган асосий воситалар бўйича мулк солиғининг тўлови бўйича имтиёз. Фойдаланишга топширилган вақтдан бошлаб уч йилгача солиқни тўлаш кечиктирилади;

11. Таълим ва тиббиёт ташкилотлари учун фойда солиғи бўйича ноль ставка;

12. Суғурта бадалларининг пасайтирилган тарифлари;

13. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш ҳуқуқига эга ташкилотлар рўйхати.

Белорусияда солиқ кредити бир ёки бир нечта солиқ ва йиғимларнинг (божлар) сумма-

сига нисбатан тўлиқ ёки қисман тақдим этилади. Солиқ кредити иқтисодий ночор ҳавфи юзага келган тақдирда солиқ ва йиғимлар (божлар) ягона вақтда тўланиши шарт билан бир йилдан уч йилга қадар, агар товарларнинг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши мавсумий бўлган тақдирда бир ойдан бир йилга қадар тақдим этилади [22]. Солиқ кредитининг фоизи Белорусия Республикаси Миллий банкининг ушбу тақдим этилган кредитдан фойдаланган ҳар бир давр учун солиқлар ва йиғимларни қоплашда тўлов кунига амал қилувчи қайта молиялаштириш ставкасининг 1/360 га тенг бўлган ½ фоиз ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши белгиланган.

Умуман олганда, иқтисодиётни устувор тармоқлари ва муҳим соҳаларини солиқ имтиёзлари воситасида самарали рағбатлантиришда солиқ мажбуриятдан тўлиқ озод қилишдан кўра солиқ юкини адолатли тақсимланишига эришиш, шунингдек, инвестицион солиқ кредити, солиқ чегирмаси ҳамда ҚҚС ва фойда солиқларининг пасайтирилган ёки табақалаштирилган солиқ ставкаларини қўллаш зарур.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида бугунги кунда икки хил ҚҚС ставкаси мавжуд: 15 фоиз ва 0 фоиз. Бунда, 0 фоиз фақатгина товарлар экспортига ва айрим экспортга тенглаштирилган операцияларга нисбатан қўлланилади. Қолган товар ва хизматлар (имтиёзлилардан ташқари) 15 фоиз ставкада солиққа тортилади. Иқтисодиётнинг турли тармоқларига нисбатан бир хил ҚҚС ставкасини қўллаш уларнинг молиявий аҳволига турли таъсир кўрсатади [23].

Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси катта миқдорда мавжуд бўлганлиги сабабли (ҚҚС тўловчилари ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун сарфланadиган ресурсларни ҚҚС билан харид қилишга ҳаракат қилинади) ҳақиқий (эффeктив) ставка 5 фоиздан ошмайди. Лекин хизмат кўрсатиш соҳасида материал ресурслар деярли сарфланмаслиги натижасида, хизмат қийматига ҳисобланадиган ҚҚСнинг эффeктив ставкаси 15 фоиз ташкил этади. Яъни, бу ҳолат адолатсизликка олиб келади. Мисол учун фойда солиғи ёки айланмадан олинadиган солиқда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳақиқий ставкалар деярли бир хил бўлади.

Натижада, ҚҚС билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш мақсадида хизмат кўрсатувчи корхоналар айламасини 1 млрд. сўмдан оширмасликка, хизмат ҳаққини маълум қисмини нақд пул кўринишда олишга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатда, Ўзбекистон бозорида йирик ва қудратли хизмат кўрсатувчи корхоналарни кўпайишини тўхтатиб туради.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўзбекистон солиқ тизими, шу жумладан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни белгилаш, жорий этиш ва тақдим этиш жараёнларини мақбуллаштиришда халқаро амалиётда синалган ҳамда ўзининг ижобий ва юқори кўрсаткичлари билан ажралиб турадиган афзаллик жиҳатларидан фойдаланиш ҳозирги давр талабидир.

Солиқ имтиёзлари ва преференциялари воситасида иқтисодий, инвестицион ва инновацион фаолиятни самарали рағбатлантиришга эришиш учун энг аввало солиққа оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарур. Жумладан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги инновацион-инвестицион фаолият учун мўлжалланган солиқ афзалликлари ва енгилликларини тизимлаштирилган ҳолда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Номуайян муддатга ва ҳеч қандай шартларсиз солиқдан тўлиқ озод қилиш тарзида тақдим этиладиган имтиёзлар ўрнига инвестицион солиқ кредитини қўлланилиши корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш, инновацион фаолиятини самарали рағбатлантириш ва бюджет даромадларидаги йўқотишлар ҳисобини прогноллашда ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Умуман олганда, иқтисодиётни устувор тармоқлари ва муҳим соҳаларини солиқ имтиёзлари воситасида самарали рағбатлантиришда солиқ мажбуриятдан тўлиқ озод қилишдан кўра солиқ юкини адолатли тақсимланишига эришиш, шунингдек, инвестицион солиқ кредити, солиқ чегирмаси ҳамда ҚҚС ва фойда солиқларининг пасайтирилган ёки табақалаштирилган солиқ ставкаларини қўлланилиши имтиёзларнинг натижадорлигини оширади деб, ҳисоблаймиз.

Реал сектордаги корхоналарга солиқ юкини камайтириш жуда қийин муаммо ҳисобланади, чунки солиқ тушумларининг ярмидан кўпи шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, бугунги кунда бу муаммо келажакда барқарор солиқ тушумлари ва базасига эга бўлиш учун ҳал қилиниши керак. Шу нуқтаи назардан, фойда солиғининг солиқ базасида қайта ҳисобга олинadиган харажатлар таркибини кескин қисқартириш ва мазкур солиқ базасидан ҳомийлик бадалларини тўлиқ чегириш имконини бериш лозим. Шу жумладан инвестицион чегирмаларни амалга ошириш вақтида амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш ёки чегириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак бўлади.

Солиқ кодексига илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун ҚҚС бўйича назарда ту-

тилган солиқ имтиёзи самарадорлигини ошириш мақсадида нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари фондлар ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларига ҳам солиқ имтиёзларини татбиқ этиш, шунингдек, бундай ишлар қийматини ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолда пасайтирилган ставкасини қўлланилиши самарали ҳисобланади.

Реал секторда кўчмас мулкнинг қимматлиги туфайли солиқ юки ошади. Бу корхоналарда кўчмас мулкни ишлаб чиқариш (тижорат) мақсадларида фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш (нотижорат) мақсадларида фойдаланиш мезонларига кўра фарқлашга асосланган ҳолда мол-мулк солиғи ставкаларини табақалаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдала-

ниладиган кўчмас мулкка инвестицияларни рағбатлантиришга эришиш мумкин.

Шунингдек, солиқлар воситасида самарали рағбатлантиришнинг халқаро амалиёти бўйича олиб борилган тадқиқотларимиз асосида қўйидагилар таклиф қилинади:

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолият турларидан келиб чиққан ҳолда ҚҚСнинг пасайтирилган ставкаларини жорий қилиш;

маҳсулотларни етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчиларга сезиларли даражада салбий таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда истеъмол солиқлари бўйича солиқ имтиёзларини (айниқса ҚҚС бўйича) минималлаштириш;

тадбиркорлик субъектларининг янги иш ўринларни яратишдаги ролини ошириш ва бу жараёни солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида ҳар бир яратилган янги иш жойи учун ижтимоий солиқнинг регрессив ставкаларини жорий этиш.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мармилова Е.Н. *Современные подходы к оценке эффективности налоговых льгот // Актуальные проблемы налоговой политики: сб. ст. участников VII Междунар. науч.-практ. конф. молодых ученых и студентов (Минск – Москва – Екатеринбург – Харьков, апр., 2015 г.) / М-во образования Респ. Беларусь; Белорус. гос. экон. ун-т; сост. Е.Ф. Киреева. – Минск: БГЭУ, 2015. – С. 222–226.*
2. Баклыкова Е.А. *Механизмы налогового регулирования инновационного развития предприятий в условиях членства России в ВТО. Росийское предпринимательство. Москва. 2014. № 20 (266) стр. 158–164.*
3. Русских Е.В. *Повышение стимулирующей роли налогов в обеспечении инвестиционной активности предприятий. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. Москва. 2005. стр. 247.*
4. Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. *Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности. Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». 2015. стр. 1–6.*
5. Соболева Г.В., Яковлева В.С. *Эффективность налоговых льгот в стимулировании инновационной деятельности. Налоговая система государства. Экономика. Налоги. Право. Санкт-Петербургский государственный университет. 2014. стр. 84–88.*
6. Костюнина Г.М. *Международная практика регулирования иностранных инвестиций: учеб. пособие / Г.М. Костюнина, Н. Н. Ливенцев; МГИМО(У) МИД РФ. – М.: Анкил, 2001. – 126 с. – (Второе высшее образование). – ISBN 5-86476-166-4.*
7. Мокина Л.С., Сумкина О.В., Шадрская М.М. *Анализ применения инвестиционного налогового кредита как инструмента финансирования инновационной экономики в российской практике. Креативная экономика. Том 12. Номер 1. январь 2018. стр. 59–72*
8. Абдураҳмонов Ҳ. *Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. // Солиқлар ва солиққа тортиш. Молия. 2015. № 6 ТМИ. 80–84 б.*
9. Ашурова Н. *Солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадларининг узвийлиги. // Солиқлар ва солиққа тортиш. / Молия. 2015. №4 ТМИ. 82–86 б.*
10. Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. *Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности // Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». Казань. 2015. Стр. 1–5.*
11. *The Singapore Tax System – IRAS. <http://www.iras.gov.sg>.*
12. Лукин А. Е. *К разработке программы долгосрочного социально-экономического развития России. Проблемы перехода к инновационной экономике Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики, Москва: 2010. N 1 (33).*
13. Шелюбская Н.В. *Политика ЕС по стимулированию инновационной деятельности частного бизнеса // Наука. Инновации. Образование. 2010. № 9. С. 120–130.*
14. Иванова Н.И. *Налоговое стимулирование инновационных процессов М.: ИМЭМО РАН, 2009. 160 с.*
15. Калачева О.С. *Налоговое стимулирование инновационной деятельности в РФ на современном этапе. Юбилейный выпуск журнала «Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса». 2016. № 4 (37) стр. 157–159.*
16. Калашников А. *Налоговое стимулирование инвестиционной деятельности: возможности совершенствования / Налогообложение. № 47. (350) 2013. -57–61 б.*
17. Насырова В.И. *Инвестиционный налоговый кредит как фактор инвестиционной активности регионов // Вестник экономики, права и социологии. – 2016. – № 4. – с. 99–103.*
18. *People's Republic of China: Tax on Corporate Income. PWC. June. 2017. P. 5–9.*
19. Клавдиенко В. *Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае // Общество и экономика / Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова. № 7. 2018. стр. 39–50.*
20. *Securing of Global Investment and Innovation Incentives. China. Deloitte. UK. October. 2017. P. 36–39.*
21. *China Statistical Yearbook. National Bureau of Statistics of China. 2016.*
22. *Белорусия Республикаси Солиқ кодекси. 2016. Электрон ресурс. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)*
23. Рахимов Ф.Д. *Изменения в порядке определения объекта обложения налогом на добавленную стоимость в новой редакции Налогового кодекса Республики Узбекистан. Economics and business. Бенефициар. Плутон. 2020. 11–13 с.*

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИЙ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА  
ТОРТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**Сайидов Комил Маматмуродович -**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Фискал институт мустақил татқиқотчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортишнинг АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Япония тажрибаси ўрганилган. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортишнинг хорижий тажриба Ўзбекистондаги ушбу тизим билан қиёсий таҳлил қилинган ҳамда хорижий мамлакатларнинг жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш тизимининг айрим жиҳатларини мамлакатимизда тадбиқ қилиш имкониятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Германия, АҚШ, Ўзбекистон, жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш, декларация, ижтимоий ҳимоя, "оилавийлик" тамойили.

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ИМУЩЕСТВЕННЫХ  
ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ**

**Саидов Комил Маматмуродович -**  
Самостоятельный соискатель Фискального института  
при Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье исследуется опыт США, Германии, Великобритании и Японии по налогообложению доходов от собственности физических лиц. Проведено сравнение зарубежного опыта налогообложения доходов физических лиц с данной системой в Узбекистане и изучена возможность применения некоторых аспектов системы налогообложения доходов физических лиц в нашей стране.

**Ключевые слова:** Германия, США, Узбекистан, налогообложение имущественных доходов физических лиц, декларирование, социальная защита, принцип «семьи».

**FOREIGN EXPERIENCE IN TAXATION OF PROPERTY INCOME OF INDIVIDUALS**

**Sayidov Komil Mamatmurodovich -**  
Independent researcher of the Fiscal Institute under  
the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article examines the experience of the United States, Germany, the United Kingdom, and Japan in taxing property income of individuals. Foreign experience of personal income taxation has been compared with this system in Uzbekistan and the possibility of applying some aspects of the personal income tax system in our country has been studied.

**Keywords:** Germany, USA, Uzbekistan, property taxation of individuals, declaration, social protection, the principle of "family".

**Кириш.** Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш давлат фискал сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиш билан бирга ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг муҳим қисмидир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар стратегияси"нинг 4 йўналиши "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизими-ни такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш" деб номланади ва ушбу йўналишда амалга оширилиши режалаштирилган ислохотларни ўз ичига олади.

Аммо жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини ва улардан олинadиган солиқларни тартибга солишда ушбу ислохотлар етарли эмас. Жумладан, жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиққа тортилган мулкӣ даромадларининг 2020-2021 йиллардаги ҳолатини

таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йилда 446 606 та фуқаро декларация топширган бўлиб, турар жойларни ижарага бериш асосида 2021 йил 1 май ҳолатига қўра, 73 682,2млн. сўм солиққа тортилган. Қўшимча даромад манбаларига эга бўлганлардан 2020 йилда 57 955,8, 2021 йилда 69 206,8 млн. сўм солиқ ҳисобланган[1]. Аммо декларация топштирилмаган, ижара шартномаси расмийлаштирилмаган ҳолатларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини ҳисобга олишда ва уларни солиққа тортишда табақалаштирилган тизим қўлланилмайди. Яъни, мулкӣ даромад олувчининг ижтимоий ва оилавий ҳолати (фарзандлари сони, оилада расмий иш билан бандлар, оилада I гуруҳ ногиронларининг мавжудлиги ва бошқалар) ҳисобга олинмайди ва бирхиллаштирилган тизим қўлланилади.

Ижтимоий тенгсизлик ва аҳолининг нотекис ижтимоий ҳимояси кўламини ошириш муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, шубҳасиз, аҳолининг даромадлари ва мол-мулкига ижтимоий йўналтирилган солиққа тортишни қўллаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш зарур. АҚШ, Германия, Франция, Канада каби давлатларнинг солиқ тизимларида солиқ имтиёзлари жамиятда тенглик ва адолатни таъминлаш учун мўлжалланган воситалар сифатида кенг қўлланилади. Ушбу мамлакатларда жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш тизимини кенг ўрганиш мамлакатимизда ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш имконини беради.

#### Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Мавзу кенг қамровли бўлиб, ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг олимлари ва солиқ амалиётчиларининг диққат марказида бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, япон олимлари Mizuki Komura, Hikaru Ogawa, Yoshitomo Ogawa томонидан олиб борилган тадқиқот иккита боқувчиси бўлган оила учун даромадларни оптимал солиққа тортишни ўрганади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юқори солиқ ставкаси иш ҳақи эгилиувчанлиги паст бўлган одамга, одатда юқори маҳсулдорликка эга бўлган шахсга нисбатан қўлланилиши керак. Анъанавий далиллардан фарқли ўлароқ, ушбу тадқиқот шуни исботлайдики, юқори маҳсулдорликка эга бўлган уй хўжалиги аъзоси учун энг мақбул солиқ ставкаси эр-хотиннинг даромадлари ўртасидаги фарқ катта бўлиб, солиқ ставкаси паст бўлганда юзага келади [2].

Nicola Borri, Pietro Reichlin тадқиқотларида эса бойлик ва камбағал уй хўжалиги моделида мақбул солиққа тортишни кўриб чиқилган бўлиб, бу ерда бойлик бизнес капитали ва уйга эгалик қилишдан келиб чиқади. Ушбу солиқ ставкалари бўйича барқарорликда ўсиб бораётган бойлик тенгсизлигининг оқибатларини ўрганилади. Оптимал солиқ тузилмаси ишчи кучига баъзи солиқларни, молиявий ва бизнес капиталига нол солиққа тортишни, бадавлат уй хўжаликлари учун уй-жой бойлигидан солиқни ва камбағал уй хўжаликлари учун уй-жой субсидиясини ўз ичига олади. Бойлик тенгсизлиги ошганда, меҳнат солиғи ва уй-жой бойлиги ўртасидаги мақбул мувозанат бойлик ўсиш манбасига боғлиқ бўлади [3].

Marco Battaglini, Stephen Coate томонидан Парето диаграммаси орқали самарали даромад солиғини солиққа тортиш ўрганилади. Тадқиқот учта асосий хулосани тақдим этади. Биринчидан, одамлар ҳавф-хатарга дуч келганда, ҳар қандай вақтда, даромадлари бузилган ягона шахслар - бу ҳозирги ва ҳар доим ҳам қобилияти паст бўлганлар. Бундан ташқари, ушбу доимий

чекланган қобилиятлар даромадларининг бузилиши вақт ўтиши билан камаяди ва вақт ўтиши билан етарлича катта бўлса, нолга яқинлашади. Иккинчидан, ҳавфдан қочиш даражаси доимий бўлиб, у фойдани яшириш кўринишида намоён бўлади. Учинчидан, ҳатто иштирокчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси юқори бўлса ҳам Парето даромадларига солиқ солишнинг самарали тизимлари вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин [4].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида Ўзбекистон жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш тизими Германия, АҚШ ва Япония сингари мамлакатларнинг шу каби тизимлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар.** Солиқларнинг адолатли бўлишига ижтимоий йўналтирилган ёндашув нуқтаи назаридан ўрганилган энг қизиқарли мамлакатлардан бири Германия. Германиядаги солиқлар давлатнинг мамлакат иқтисодиётига, шу жумладан ижтимоий таъсирга таъсир қилувчи асосий восита сифатида қаралади. Фуқаролар ҳаётининг жиҳатлари, шу билан боғлиқ равишда мамлакатда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб оладиган солиқларнинг мураккаб ва кенгайтирилган тизими амал қилади.

Германиядаги солиққа тортиш тизими, авваламбор, унинг асосида мамлакат иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасига эришганлиги ва фуқароларнинг юқори даражада ижтимоий ҳимоясини таъминлаганлигидан далолат беради. Германия солиққа тортишнинг асосий принципи шундан иборатки, тўланган солиқлар миқдори фуқароларга, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўрсатиладиган давлат хизматлари миқдорига мос келади. Шунингдек, Германиядаги солиқлар жамиятдаги даромадларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш имконини беради [5].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортишнинг қатъий белгиланган ставкалари ва йўриқномалари Давлат солиқ қўмитаси сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинмайди. Ҳуқуқий нормалардан ва солиққа тортишнинг ташкилий-амалий механизмидан хабардор бўлмаган жисмоний шахслар томонидан даромадларини яшириш деб кўринган ҳолатлар юзага келади. Бундан ташқари мамлакатда жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортишда прогрессив шкала қўлланилмайди.

Масалан, Германия тажрибасини кўрадиган бўлсак, солиқлар ва солиққа тортишнинг мустасно ҳолатлари биргина “Солиққа тортиш” Қонуни билан тартибга солинади.

Германияда жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари тури [6]

Т/р	Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари тури	Солиқ ставкаси
1.	Капитал қўйилмадардан даромад (дивидент, фоизлар)	25 фоиз
2.	Кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун даромад	25 фоиз
3.	Мерос ва совғадан олинадиган даромад	7-50 фоиз

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги мулкый даромадлари солиққа тортилади:

- иш ҳақи шаклида;
- бизнес қилишдан олинган даромаддан;
- якка тартибдаги иш билан банд бўлганлардан;
- балиқ овлаш, қишлоқ ёки ўрмон хўжалигидан;
- капитал билан амалга оширилган операциялардан (банклардаги омонатлар, шахсий маблағлардан фоизлар билан кредит бериш);
- турар-жой кўчмас мулкни ижарага беришдан;
- кўчмас мулкни сотишдан;
- бошқа даромадлардан (пенсия ва ҳар хил савдо операциялари).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари солиққа тортилиш жараёнида жисмоний шахснинг ижтимоий аҳволи (оилали, фарзандлари сони, эрхотиннинг ишлаши, топаётган даромади) ҳам инобатга олинади. Ушбу 6 та синф бўйича ҳисобланади. Жумладан:

1-синф: ёлғиз шахслар, болалари йўқ;

2-синф: ёлғиз одамлар, лекин болалари билан (ажрашганлар ёки қонуний эрлари / хотинлари билан яшамайдиганлар);

3-синф: фақат биттаси ишлайдиган эрхотин;

4-синф: иккаласи ҳам ишлайдиган эрхотин;

5-синф: турмуш ўртоқлар, бу ерда эрхотинлардан бири ўртачадан юқори даромадга эга;

6-синф: иккита иш жойи бўлган ёки қўшимча даромадга эга бўлган шахслар.

Германияда қатъий солиқ назорати мавжуд. Германия солиқ хизматларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳуқуқлари ва функцияларини бериш солиқ соҳасида назорат самарадорлигини оширишга имкон берди, бу эса ўз навбатида иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш даражасининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Германия солиқ тизимининг асосини ташкил этган ижтимоий тенглик ғояси аҳолининг юқори даромадли қатламлари ўз даромадларининг маълум улушини давлатга беришига олиб келди. Маблағлар давлат функцияларини амалга ошириш ва аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш учун сарфланади[7].

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича кўплаб ривожланган хорижий мамлакатларда ижтимоий ажратмалар кенг қўлланилади. Ва энг муҳими, ижтимоий ажратмалар самарали ва амалда ишлайди. Масалан, ушбу давлатлардан бири Канададир. Канададаги даромад солиғи тўғрисидаги қонунчиликда махсус тақдим этилган ижтимоий имтиёзлар орқали ижтимоий сиёсат мақсадларини амалга оширишга қаратилган элементлар мавжуд. Ушбу элементлар, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади: солиққа тортиладиган даромадлардан пенсия жамғармасини шакллантириш харажатлари, университет таълими харажатлари ва фойда тақсимлаш дастурларида иштирок этишдан олинадиган даромадларни чиқариб ташлаш.

Қўшма Штатларда даромад солиғи тушумларининг 80% дан ортиғини мамлакатнинг энг бадавлат фуқароларининг 20% таъминлайди. Бой ва камбағалларнинг даромадларини ҳаддан ташқари қутбластириш ижтимоий адолат туйғусига қарши кураш бўлиб, зиддиятларга ҳам олиб келади [8].

АҚШ солиқ тизими уч поғонали. Солиқ федерал, штат ва маҳаллий даражада қўлланилади. Солиқлар даромад, иш ҳақи, сотиш, мол-мулк, дивидендлар, импорт ва бошқа мулклардан, шунингдек турли хил тўловлардан олинади. АҚШда жисмоний шахсларнинг мулкый даромадларини солиққа торитишда қуйидаги солиқ турлари қўлланилади:

*Даромад солиғи.* Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи АҚШ бюджетига солиқ тушумлари таркибида 50% дан ортиқни ташкил этади. Америка Қўшма Штатлари ўз фуқаролари ва аҳолисининг дунё бўйлаб даромадларидан солиқ тўлайди. Норезидентларга Қўшма Штатларда олинган даромад ва Қўшма Штатларда савдо ёки бизнес билан боғлиқ бўлган даромадлар бўйича солиқ солинади. Мамлакатда йиллик даромад миқдорига қараб 10 % дан 37 % гача прогрессив солиқ ставкаси амал қилади. Шахсий даромад солиғи ишдан олинадиган даромадларга (иш ҳақи, компенсация, мукофотлар ва бошқалар), капиталга эгалик қилишдан пассив даромадга (дивидендлар, фоизлар, роялти), ижара ҳақи, капиталдан олинадиган даромадларга (активларни сотиш, мол-мулк, корпоратив ҳуқуқлар ва бошқалар), ўз-ўзини иш билан банд бўлганларнинг даромадлари (хусусий тадбир-

корларнинг даромадлари, шериклик аъзоларининг даромадлари)дан олинади.

Аксарият штатлар ва айрим маҳаллий ҳокимият идоралари ўз юрисдикцияси доирасида ишлайдиган ёки яшайдиган шахслардан даромад солиғи олади. 50 штатнинг аксариятида шахсий даромад солиғи олинади, фақат штат даромад солиғи бўлмаган Аляска, Флорида, Невада, Жанубий Дакота, Техас, Вашингтон ва Ваёмин бундан ташқари. Нью-Хемпшир ва Теннессида дивиденд ва фоизлардан олинadиган солиқлар олинади. Давлат солиқ тушумлари таркибида ушбу солиқ тахминан 40% ни ташкил қилади.

*Мол-мулк солиғи.* Америка Қўшма Штатларида федерал мулк солиғи мавжуд эмас, лекин аксарият штатлар мол-мулк солиғини тижорат ва турар-жой мулкдорларидан мол-мулк қийматига қараб ундирадилар. Солиқ одатда муниципалитет ёки давлат даражасида олинади. Солиқ ставкалари солиқ юрисдикциясининг фискал эҳтиёжларига қараб жуда фарқ қилади. Шахсий мол-мулк солиғи, шунингдек, бир қатор штатларда олинади, лекин одатда фақат автомашиналар бундай солиққа тортилади [9].

Буюк Британияда жисмоний шахслар даромадлари куйидаги солиқларга тортилади:

- даромад солиғи;
- миллий суғурта бадаллари - пенсия ва суғурта фондларига ажратмалар;
- капиталдан олинadиган солиқ;
- мерос солиғи;
- кенгаш солиғи - кўчаларни сақлаш, ахлат йиғиш ва ҳқ.;
- почта божи - мулкни сотиб олишда штамп божи;
- шахсий транспорт воситалари эгаларига йиллик акциз солиғи (агар автомобил 1973 йилдан кейин ишлаб чиқарилган бўлса);
- мол-мулкни суғурталаш ва телевизорга эгалик қилиш учун солиқлар (шунингдек, оққора ҳам);

Буюк Британиянинг баъзи туманларида сақланиб қолган турар-жой биноларига солинадиган солиқ [10].

Кўпгина Европа давлатларида ва Қўшма Штатларда бўлгани каби, мулкнинг даромад солиғи ҳам ставкаларнинг прогрессив тузилишга эга. Солиқ ставкалари 5 дан 40% гача. Асосий ставка кўшимча равишда капитал ўсиши ставкаларига қўшилади ва у 5 дан 10 % гача миқдорда бўлади.

Япония солиқ тизими уни АҚШ ва Европа тизимларидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Япония унитар давлатдир. У 47 префектура ва деярли 2000 та маҳаллий муниципалитетга бўлинган. Япония икки поғонали солиқ тизимига эга. Барча солиқ-

ларни давлат ва маҳаллий солиқларга бўлиш мумкин. Демак, давлат (марказий) даражасида куйидаги солиқлар белгиланади:

- даромад солиғи;
- юридик шахсларнинг даромад солиғи;
- совға ва мерос солиғи;
- истеъмол солиғи;
- акцизлар;
- давлат божлари ва бошқалар.

Япония солиқ тизими кам таъминланган оилалар учун ишончли ижтимоий таъминотни таъминлайди. Солиқ ставкалари у ерда 4 та "асосий" турдаги оилалар учун ҳисобланади: бакалаврлар, фарзандсиз оилалар, битта болали, икки ва ундан ортиқ болали оилалар.

Японияда солиқ солинадиган энг юқори кўрсаткич ҳар қандай ривожланган мамлакатларга қараганда юқори ва болалилар оила учун тахминан 15,4 минг доллар, ёлғиз ва боласизлар учун 7,7 минг доллар.

Солиқни ҳисоблашда солиқ суммасидан солиққа тортилмайдиган максимал чегирма олинади. Бундан ташқари, куйидаги имтиёзлар мавжуд: ногиронлар, 70 ёшдан ошган қарамоғида бўлганлар, 16 ёшдан 23 ёшгача бўлган талабалар, барча суғурта турлари учун тўловлар, ишдан бўшатиш учун нафақалар. Бу солиқларнинг ўртача даражаси 5,8 %ни ташкил этади [11].

Префектурадаги солиққа куйидагилар киради:

- префектурада яшаш ҳуқуқи учун солиқ;
  - маҳаллий истеъмол солиғи;
  - кўчмас мулкни сотиб олиш учун солиқ;
  - акцизлар;
  - транспорт воситалари солиғи ва бошқалар.
- Шаҳар даражасидаги солиқларга куйидагилар киради.
- муниципалитет ҳудудида яшаш учун солиқ;
  - акцизлар;
  - мол-мулк ва ер солиқлари;
  - ёнилғи солиғи ва бошқалар.

Префектура ёки муниципалитет ҳудудида яшаш ҳуқуқи учун солиқ, аслида, шахсий даромад солиғи ва юридик шахсларнинг даромад солиғининг маҳаллий шакли ҳисобланади [12].

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муаллиф томонидан ўрганилган барча ривожланган мамлакатларда прогрессив солиқ тизими қўлланилади. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг мулкнинг даромадларини солиққа тортишдан тушадиган даромадлар давлат ва маҳаллий бюджетларга тушади. Аммо Ўзбекистонда бундай тизим ишламайди. Жисмоний шахсларнинг мулкнинг даромадларини солиққа тортишда прогрессив солиқ тизими қўлланилмайди ва солиқ тўловчининг ижтимоий аҳволи ҳисобга олинмайди.



Жисмоний шахслар мулкӣ даромадларини солиққа тортишнинг қиёсий таҳлили

		АҚШ	Германия	Буюк Британия	Япония	Ўзбекистон
1.	Табақалаштирилган (прогрессив) солиқ тизими	+	+	+	+	-
2.	Поғонали солиқ тизими	+	+	+	+	-
3.	Мулкӣ даромадлардан солиқнинг ўртача ставкаси	15-20 фоиз	19-53 фоиз	10-40 фоиз	10-50 фоиз	20-40 фоиз

*Манба:* муаллиф ишланмаси

Ўзбекистонда ўрганилган ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари фақат умум-давлат бюджетига тушади.

Мулкӣ даромадлардан олинadиган солиқнинг ўртача ставкаси АҚШда мулкӣ даромаднинг ўртача 15-20 фоизини ташкил этса, Германия, Буюк Британия ва Японияда бу кўрсаткич шртрача 10-50 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 20-40 фоизни ташкил этмоқда. Шунн таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мисолида “бой-кўпроқ, камбағал-камроқ солиқ тўлайди” деган қонуният ишламайди, яъни солиқ ставкаси табақалашмайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Фуқароларни қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим воситаси бу “оилавийлик” тамойили асосида солиққа тортишдир. Ўзбекистонда, маълумки, жисмоний шахслар учун солиқ солиш тизими яқка тартибдаги солиққа тортиш тамойилига асосланади. Ҳар бир жисмоний шахс алоҳида солиқ тўловчи сифатида қаралади, ўз даромадларини мустақил равишда декларация қилади ва шахсий даромад солиғини тўлайди.

“Оилавийлик” тамойили асосида солиққа тортиш тизимининг йўқлиги аҳолининг кам даромадли қатламларига кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Болаларнинг сони, шунингдек ишламайдиган хотин ёки эр, оиланинг истеъмол саватига, яъни ишлаётган одамнинг қўшимча

харажатларига таъсир қилади. Шундай қилиб, жамиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида оила институтининг барқарорлигини таъминлаш фуқароларни қўллаб-қувватлашда устувор йўналиш бўлиши керак. Бу борада Германия тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларидан олинadиган солиқларни табақалаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромад, саноат мулк-и объектларига, селекция ютуғига оид патент (лицензия) эгаси бўлган солиқ тўловчининг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромад солиқларини умумдавлат бюджетига тушадиган солиқлар сифатида, роялти, ишончли бошқарувга берилган мол-мулк бўйича ишончли бошқарувчидан олинган даромад, РЕПО операциялари бўйича даромад ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар бўйича мулкӣ даромадлардан олинadиган солиқларни маҳаллий солиқлар сифатида тан олиш ва ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашувнинг қўлланилиши жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларидан олинadиган солиқларнинг ижтимоий аҳамияти ошишида муҳим рол ўйнаши мумкин (Буюк Британия ва Япония тажрибасидан келиб чиқиб).

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар**

1. Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари
2. Mizuki Komura, Hikaru Ogawa, Yoshitomo Ogawa. Optimal income taxation when couples have endogenous bargaining power. *Economic Modelling*, Volume 83, 2019, Pages 384-393, ISSN 0264-9993, <https://doi.org/10.1016/j.econmod.2019.09.021> (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264999318317310>)
3. Nicola Borri, Pietro Reichlin. Optimal taxation with home ownership and wealth inequality, *Review of Economic Dynamics*. Volume 40, 2021, Pages 64-84, ISSN 1094-2025, <https://doi.org/10.1016/j.red.2020.09.003>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S109420252030079X>)
4. Marco Battaglini, Stephen Coate. Pareto efficient income taxation with stochastic abilities, *Journal of Public Economics*, Volume 92, Issues 3-4, 2008, Pages 844-868, ISSN 0047-2727, <https://doi.org/10.1016/j.jpubeco.2007.06.006>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0047272707000953>)
5. Карибян Эмма Петровна Опыт применения социально-ориентированного налогообложения доходов физических лиц в Германии // ЭТАП. 2018. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/opyt-primeneniya-sotsialno-orientirovannogo-nalogooblozheniya-dohodov-fizicheskikh-lits-v-germanii> (дата обращения: 20.06.2021).
6. InternationalWealth.info
7. Косева Е.С. Актуальные вопросы налогообложения в Германии // Экономика, управление и право: инновационное решение проблем: сборник статей победителей VI Международной научно-практической конференции. Под общей редакцией Г.Ю. Гуляева. 2017. С. 154-156.
8. Мусаева Х.М. Налог на доходы физических лиц на современном этапе Российской Федерации: опыт взимания и необходимость усиления социальной роли // *Налоги и налогообложение*. – 2016. – № 8. – С. 616-624. DOI: 10.7256/1812-8688.2016.8.19986.
9. <https://fbs-tax.com/tax-planning/usa/us-tax-system/>
10. <https://fbs-tax.com/tax-planning/united-kingdom/taxation-in-united-kingdom/>
11. <https://www.kommersant.ru/doc/266060>
12. [https://nalog-nalog.ru/nalogovaya\\_sistema\\_rf/nalogovaya\\_sistema\\_ssha\\_i\\_drugih\\_zarubezhnyh\\_stran/#item-6](https://nalog-nalog.ru/nalogovaya_sistema_rf/nalogovaya_sistema_ssha_i_drugih_zarubezhnyh_stran/#item-6)

ИСЛОМ МОЛИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

**Аброров Сирожиддин Зухридин ўғли** -  
“Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази  
катта илмий ходими, PhD  
**Имамназаров Жаҳонгир Мухамедович** -  
Тошкент давлат иқтисодий университети  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Исломо молия тизими дунёдаги энг тез ривожланаётган тизимлардан бири бўлиб, халқаро даражада ўз ўрнини фаол равишда мустақамлаб ва кенгайтириб бормоқда. Буни исломо молия муассасалари сонининг тез суръатларда ўсиб бориши, анъанавий банклар томонидан исломо дарчалари ва бўлинмаларининг очилиши ва етакчи фонд биржаларида исломо қимматли қоғозлари савдоси ўсиб бораётганлиги исботламоқда. 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ҳамда COVID-19 туфайли юз берган пандемия даврида юзага келган жаҳон молиявий инқирози, реал тармоққа боғлиқликни тарғиб қилувчи ва жамият тараққиётини мақсад қилувчи исломо молия механизмларини қўллаш ва кенгайтиришни долзарб вазифага айлантирди. Ушбу мақолада Исломо молияси, хусусан, сукук – исломо қимматли қоғозларининг жаҳон молия бозоридаги ҳажми ва аҳамиятининг ўсиши, ҳамда Ўзбекистонда исломо молиясининг жорий ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда исломо молиясини жорий қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ сўровнома натижалари ҳам келтирилган.

**Таянч сўзлар.** Исломо молияси, сукук, эмиссия, реал иқтисодий, молия бозори, Ўзбекистон, сўровнома.

ИСЛАМСКИЕ ФИНАНСЫ: НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

**Аброров Сирожиддин Зухридин углы** -  
PhD, старший научный сотрудник Научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»  
**Жахонгир Имамназаров Мухамедович** -  
самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация:** Исламская финансовая система - одна из самых быстрорастущих систем в мире, которая активно укрепляет и расширяет свои позиции на международном уровне. Об этом свидетельствует быстрый рост числа исламских финансовых институтов, открытие исламских окон и филиалов традиционными банками, а также рост продаж исламских ценных бумаг на ведущих фондовых биржах. Глобальный финансово-экономический кризис 2008 года, а также мировой финансовый кризис, вызванный пандемией COVID-19, сделали актуальной задачей применение и расширение исламских финансовых механизмов, которые опираются на реальный сектор и способствуют развитию общества. В данной статье анализируется рост исламского финансового сектора, в частности сукук - исламских ценных бумаг на мировом финансовом рынке, а также текущее состояние исламских финансов в Узбекистане. Также представлены результаты исследования, в том числе опроса, посвященного изучению вопроса внедрения и развития исламских финансов в Узбекистане.

**Ключевые слова:** Исламские финансы, сукук, выпуск, реальная экономика, финансовый рынок

ISLAMIC FINANCE: NEW OPPORTUNITIES FOR UZBEKISTAN

**Sirojiddin Abrorov Zukhriddin o'g'li** -  
PhD, senior researcher of the Research center  
“Scientific bases and issues of economic development of Uzbekistan”  
**Jahongir Imamnazarov Mukhamedovich** -  
Researcher of the Tashkent State Economic University

**Abstract.** The Islamic financial system is one of the fastest-growing systems in the world, which is actively strengthening and expanding its position internationally. This is evidenced by the rapid growth in the number of Islamic financial institutions, the opening of Islamic windows and branches by traditional banks, as well as the growth in sales of Islamic securities on leading stock exchanges. The global financial and economic crisis of 2008 and the global financial crisis caused by the COVID-19 pandemic made it an urgent task to use and expand Islamic financial mechanisms that rely on the real sector and contribute to the development of society. This article analyzes the growth of the Islamic financial sector, particularly Sukuk - Islamic securities in the global financial market and the current state of Islamic finance in Uzbekistan. Also presented are the results of the research, including a survey on the opportunities of introduction and development of Islamic finance in Uzbekistan.

**Keywords.** Islamic finance, sukuk, issue, real economy, financial market

**Кириш.** COVID-19 пандемияси оқибатида жаҳон иқтисодиётига етган салбий таъсир ҳа-  
нузгача ўз аксини топмоқда. Ҳукуматлар иқти-  
содий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида  
молиявий тармоқни трансформация қилиш бў-  
йича чора-тадбирларни амалга оширмоқда.  
Жумладан, Ўзбекистон 2021 йилда сукук – ис-  
лом қимматли қоғозларини синов (пилот) усу-  
лида чиқаришни режалаштирмоқда. Бу билан  
махаллий ва халқаро сармоядорлар маблағла-  
рини жалб этиш, молия бозорини ривожланти-  
риш ва ислохотлар жараёнини жадаллаштириш  
кўзда тутилган[1]. Бундан ташқари, жорий  
йилдан бошлаб бир нечта тижорат банклари  
“ислом дарчаси” хизматларини йўлга қўйишни  
мақсад қилган. Дунё тажрибасидан маълумки,  
ушбу жараёнлар ислом молиясини жорий  
қилишнинг дастлабки босқичлари ҳисобланади.

Маълумки, Ислом молиясининг асосий  
мақсадларидан бири – бу реал иқтисодиётга  
таъсир қилиш ва унинг ўсишини таъминлашдан  
иборат. Албатта, бу мамлакатда банк хизматла-  
ридан фойдаланмаётган мижозлар учун ҳам қўл  
келади. Ҳозирги кунда ислом маънавияти  
илдизи бақувват бўлган Ўзбекистон, Марказий  
Осиёда ислом молияси учун энг истиқболли  
мамлакатлардан бири бўлиши мумкин. Муқобил  
ва инновацион молиялаштириш усули сифатида  
ислом банк-молия хизматларининг, жумладан,  
сукук бозорининг халқаро молия бозоридаги  
ҳолати ва ривожланиш истиқболларини таҳлил  
қилиб, агар бу тизим бизнинг мамлакатда ҳам  
татбиқ қилинса, у ҳолда унинг мамлакатимиз  
иқтисодиётига таъсирини баҳолаш керак бўла-  
ди. Ислом молияси тарихига назар ташласак,  
унинг VI аср охирларидан шакллана бошлагани  
ни кўриш мумкин. Яқин Шарқ, Шимолий Африка  
ва Марказий Осиё минтақасида VII асрдан ягона  
тизим сифатида тарқалган ислом молиясининг  
замонавий тарихи, биз билган янги тизим  
сифатида XX асрнинг 50-йилларидан шакллана  
бошлаган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан аҳолиси-  
нинг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қи-  
ладиган мамлакатлар мустақилликка эришгач  
(БАА 1971 йил, Жазоир 1962 йил, Қувайт 1961  
йил, Малайзия 1957 йил, Судан 1956 йил,  
Покистон 1947 йил), ушбу мамлакатларда катта  
миқдорда нефть ва табиий газ конлари топилди  
ва улар кенг кўламда қазиб олина бошлади ва  
ушбу маҳсулотлар экспортининг ҳажми ҳам  
ошиб борди. Ўз навбатида, жаҳон бозорида  
нефть нархининг ўсиб бориши мазкур мамла-  
катларда йирик жамғармалар шаклланишига  
замин яратди. Аммо тўпланган жамғармаларни  
мавжуд анъанавий банк-молия маҳсулотлари-  
дан фойдаланган ҳолда тасарруф қилиш аҳоли-  
сининг аксарияти мусулмонлар бўлган жамият-

лар талабига мос келмаслиги сингари муаммо-  
лар пайдо бўла бошлади. Бу эса, ислом дини  
тамойилларига асосланган молия тизимини  
шакллантириш талабини юзага келтирди.

Ислом дини тамойилларига мос келувчи  
илк молиявий муассаса Мит Ғамр жамғарма бан-  
ки 1963 йилда Мисрда ташкил этилган. Ушбу  
жамғарма ислом молиясининг муқобил молия  
тизими сифатида ишлай олишини амалда кўр-  
сатди. 1975 йилда Ислом тараққиёт банкининг  
таъсис этилиши ислом молиясининг глобал бос-  
қичга ўтганлигини жаҳон ҳамжамиятига эълон  
қилди. Шундан бошлаб ислом молия муассаса-  
лари сони ортиб, уларнинг географик қамрови  
кенгайиб борди.

Ислом молиявий маҳсулотлари жаҳон  
миқёсида XX аср иккинчи ярмида жадаллик  
билан жорий этилиб, ривожланган бўлса, XXI  
асрда ислом молиясининг молиявий инқироз-  
ларга бардошлилиги, хатарларнинг адолатли  
тақсимланиши, реал активларга асосланганлиги  
ва иқтисодиётда қиймат яратиш учун хизмат  
қилиши каби омиллар ҳисобига ўз жозибадор-  
лигини оширди. Ислом молияси хизмат ва маҳ-  
сулотларидан, хусусан, сукукдан мусулмонлар  
кам истиқомат қилувчи ривожланган мамлакат-  
ларда ҳам кенг фойдаланиш бошланди.

Изланишлар шуни кўрсатадики, ислом  
молиясининг жаҳон молияси таркибидаги улу-  
ши кам бўлса-да, унинг ўсиш суръати тез ва  
самарадорлиги юқори бўлмоқда.

**Адабиётлар таҳлили.** МДХ мамлакатлари  
олимларидан В.Антропов[2], Т.Гафурова[3],  
С.Мокина[4], О.Трофимова [5], И.А.Зарипов [6],  
ва И.Беккин[7] сингари олимлар илмий ишларида  
ислом қимматли қоғозлари ва ислом молиясига  
оид масалалар ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Х.Хасанов  
[8] [9], М.Султанов [10], ва О.Давлатяровларнинг  
[9] илмий ишларида ҳам мазкур соҳа бўйича  
изланишлар олиб борилган ва бу ишлар бугунги  
кунда давом этмоқда. Шунингдек, Б.Жўраев [11]  
[12] [13] томонидан ислом молиясига оид баъзи  
адабиётлар рус тилидан ўзбек тилига таржима  
қилинган. Амалга оширилган ушбу илмий иш-  
лар ислом молиясининг назарий асослари ва  
ислом молия муассасалари фаолиятига оид бў-  
либ, сукуклар илмий асосда тадқиқ қилинмаган.

Сукук билан боғлиқ илмий ишлар ортиб  
бораётган бўлса-да, бошқа соҳаларга нисбатан  
камлигича қолмоқда. Шу сабабли, фонд бозори  
фаоллигини ошириш ва аҳоли пул маблағлари-  
ни жалб этиш мақсадида Ўзбекистонда сукукни  
жорий этиш билан боғлиқ тадқиқотларни амал-  
га ошириш бугунги кунда жуда муҳим.

Ибраҳим ва Минаи корхоналарга инвести-  
ция жалб этишда сукукларнинг аҳамияти юза-  
сидан ўрганишлар олиб борган [15]. Натижалар

шуни кўрсатадики, кичикроқ ва инвестицион салоҳияти юқори бўлган корхоналар сукук эмиссия қилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳукуматнинг сукук бозорини қўллаб-қувватлаши ижобий натижа бериши муқаррар.

Тадқиқотлар ЯИМ, истеъмол нархлари индекси ва ишлаб чиқариш нархлари индекси каби макроиқтисодий омилларнинг сукук бозори ривожланишига таъсири борлигидан далолат бермоқда [16]. Аммо инфляция ва банк тармоғи кўлами сингари айрим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бу турдаги ислом молияси маҳсулотига сезиларли таъсир даражаси мавжуд эмас. Яна бир муҳим нарса шуки, мусулмон аҳолиси сонининг ўсиши сукук бозорининг ривожига ижобий таъсир этса, мамлакат аҳолисининг этник бўлиниши аҳамиятсиз бўлиб қолиши маълум бўлган [17]. Саид ва Грасса изланишларида сукук бозори учун таъсир этувчи бир неча омиллар 10 та мамлакат кесимида 2003-2012 йиллар учун тадқиқ қилинган ҳамда якунида қуйидаги омиллар сукук бозорига сезиларли ижобий таъсир этиши хулоса қилинган:

- харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ аҳоли жон бошига;
- облигациялар бозори ҳажми;
- савдонинг очиқлиги;
- аҳоли сони;
- аҳоли таркибида мусулмонлар улуши;
- қонун устуворлиги;
- порахўрлик (коррупция) индекси;
- ислом молиясини тартибга солувчи қонунчилик.

Сукук бозорига сезиларли таъсирга эга бўлмаган омиллар:

- инфляция;
- нефть қазиб олиш ҳажми;
- нефть экспорти кўрсаткичлари;
- Дубай қарз инқирози (2009);
- ислом банкчилиги кўлами;
- кредит рейтинги;
- аҳолининг этник бўлиниши

Сукук бозорига кам салбий таъсирга эга омиллар эса қуйидагилар келтирилган:

- фоиз даражаси (ставкаси);
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози.

Сукукларнинг иқтисодиётга таъсири борасида амалга оширилган илмий ишлар кам бўлиб, бу борада илк уриниш сукук эмиссиясининг ЯИМ, ялпи асосий капитал ҳажми ошиши ва савдо жараёнларига таъсирини ўрганишга қаратилган [18]. Ушбу илмий ишда сукук эмиссиясининг 2005-2012 йилларда ЯИМ, асосий капитал ҳажми ошиши ва савдо жараёнларга таъсири кўриб чиқилган бўлиб, унда барча эмитент мамлакатлар биргаликда олинганда сукук эмиссияси ЯИМга ижобий таъсир этиши аниқланган. Ўрганишлар кутилганидек натижа бермаган

бўлса-да, янги йўналишга қўл урилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Бу йўналишдаги кейинги изланиш салмоқли натижаларга эришганлиги билан эътиборга моликдир [19]. Иш бошқа омиллар ва услубнинг танланганлиги билан аввалгисидан фарқ қилади. 2000-2015 йилларда сукук эмиссия қилувчи мамлакатлар иқтисодий ривожланишига сукукларнинг таъсири ўрганилган. Ундаги натижага кўра, сукуклар узоқ муддатли давр учун иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайди. Бунда корпоратив ва давлат сукуклари бир хил аҳамият касб этади.


**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий абстракциялаш, эмпирик, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, гуруҳлаштириш, динамик таҳлил, сўровнома усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом корпорацияси (ICD) томонидан тақдим қилинган ҳисобот маълумотларига кўра, Ислом молияси ялпи активлари ўсиш тенденцияси 2019 йилда 14% ўсиш суръати билан 2,880 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (1-расм). Ислом банклари жаҳон ислом молия активларининг асосий қисмини ташкил этади. 2019 йилда ушбу тармоқ 14 фоизга ўсди ва 1,99 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсида ислом молияси ялпи активларининг ўсиши 2024 йилга бориб эса 3,690 млрд. АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Ислом молияси тизимида нисбатан янги йўналиш ҳисобланган сукук – ислом қимматли қоғозлари жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда.

Тарихий ҳужжатларга кўра, сукук масаласи биринчи марта Имом Моликнинг “Ал-Муваатто” асарида келтирилган. Бу механизм VII асрда Умавийлар халифалиги даврида амал қилган. Унга кўра ҳарбийларга берилган маошнинг бир қисми нақд пулда, қолган қисми эса озик-овқат сертификатлари билан тўланган. Ушбу сертификатлар уни чиқарган томондан муайян муддатда сотиб олиниши (сўндирилиши) кўзда тутилган. Шу белгиланган муддатга қадар сертификат эгалари уни учинчи тарафга сотиш имкониятига эга бўлишган [21].


Замонавий шаклдаги сукук эмиссияси чиқариш учун 1978 йилда Йордания ва 1980 йилда Покистонда уринишлар бўлган. Аммо бозордаги инфратузилма ва шаффофлик даражасининг етарли эмаслиги сабабли бу уринишлар муваффақиятсиз якунланган. Муваффақиятли ҳисобланган илк сукук 1990 йилда Малайзияда 125 миллион малайзия ринггити (32,9 млн. АҚШ dollari) қийматида чиқарилган. Шундан сўнг, 2001 йилга қадар бирорта сукук эмиссия қилинмаган.



1-расм. Дунё миқёсида ислом молияси ялпи активлари ўсиш суръатлари (млрд. АҚШ доллари) [20].

Сукуклар XXI асрга келибгина жадал ривожлана бошлади ва сўнгги 20 йилда муайян ўсиш кузатилмоқда. 2001 йилда йиллик 1,2 млрд. АҚШ доллари миқдоридида сукук чиқарилган бўлса, 2019 йил якунига кўра, йил давомида чиқарилган жами сукуклар ҳажми 145,7 млрд. АҚШ долларига етган (2-расм). Таъкидлаш лозим, 2019 йил энг кўп сукук чиқарилган йил бўлган. Умуман олганди, 2020 йилга қадар жа-

ҳонда қарийб 1,25 трлн. АҚШ долларлик сукук эмиссия қилинган[22]. Ушбу маълумотлар ўтган йигирма йил давомида ҳар йили сукук чиқариш орқали йирик инвестициялар жалб этилганлигидан далолат беради. Ўсиш даражалари турлича бўлса-да, йиллик эмиссиянинг амалга оширилиши сукукка бўлган барқарор талабнинг мавжудлигини англатади.




2-расм. Жаҳонда сукук эмиссияси ҳажми динамикаси [22].

Сукукларнинг асосий қисми маҳаллий сармоядорлар учун чиқарилиб, мамлакат ичида жойлаштирилган. 2001-2019 йиллар давомида эмиссия қилинган сукукларнинг 76,7% маҳаллий сукуклар ҳисобланади (3-расм). 2019 йилда сўнгги йиллардаги ўсиш тенденциясини сақлаб

қолган ҳолда 107,2 млрд. АҚШ доллари миқдоридида маҳаллий сукуклар жойлаштирилган. Ўтган давр мобайнида энг кўп маҳаллий сукук эмиссияси 2012 йилга тўғри келиб, 117,3. млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР




**3-расм. Жаҳонда халқаро ва маҳаллий сукук эмиссияси ҳажми динамикаси (млрд. АҚШ доллар) [22].**

Хорижий инвестицияларни жалб этишда сукуклар эмиссиясидан фойдаланиш салмоғи ортиб бормоқда. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида 290,6 млрд. АҚШ доллари қийматидаги халқаро сукуклар жойлаштирилган бўлиб, шундан 38,5 млрд. АҚШ доллари 2019 йил ҳиссасига тўғри келади. Бу энг юқори йиллик кўрсаткич ҳисобланади.

Ислом молия муассасалари учун ликвидликни таъминлашда сўндирилиш муддати бир йилгача бўлган сукуклардан кенг фойдаланилади. 2001-2019 йиллар давомида 441,7 млрд.

АҚШ доллари қийматига эга қисқа муддатли сукук эмиссиялари амалга оширилган ва бу мос даврдаги жами сукук эмиссиясининг 35,4 %ни ташкил қилган (4-расм).

Қисқа муддатли сукуклар 2012 йилда энг кўп чиқарилган бўлиб, 65,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. Бироқ, 2015 йилдан Малайзия Марказий банки қисқа муддатли сукуклар чиқариш бўйича ўз сиёсатини ўзгартириши оқибатида, уларнинг чиқарилиши қисқарди ва жаҳон сукук бозоридаги ҳажми кескин тушиб кетди.




**4-расм. Жаҳонда қисқа муддатли сукук эмиссияси ҳажми динамикаси [22].**

Бу асосан қисқа муддатли маҳаллий сукуклар ҳиссасига тўғри келган. 2007-2012 йилларда деярли чиқарилмаган қисқа муддатли халқаро сукуклар ҳажми 2013 йилда жонланиб, 2014 йилдан буён ошиб келмоқда. Баҳрайн Марказий банки 2007 йилдан қисқа муддатли халқаро сукуклар эмиссиясини тўхтатган бўлса, 2013 йилдан бозордаги янги иштирокчи Халқаро ислом ликвидлик менежменти корпорацияси бу турдаги сертификатларини чиқара бошлаган. 2019 йилда қисқа муддатли сукуклар эмиссиясининг 22,7 фоизи халқаро тоифада, 77,3% фоизи эса маҳаллий тоифада чиқарилган.

Сукук эмиссиясини эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра ажратиб ўрганилса, давлат томонидан чиқарилганлари асосий қисмини ташкил этиши кузатилади. Давлат сукуклари 2001-2019 йиллардаги жами эмиссиянинг 54,7%ни ташкил этган (5-расм). Давр бошида корпоратив сукуклар устуворликка эга бўлиб, 2008 йилдан уларнинг улуши камайиб, давлат сукукларидан кейинги ўринга тушган.

2019 йилдаги эмиссиянинг 51,0%и давлат, 14,9 %и корпоратив, 21,2 %и квази-давлат ва 12,9 %и молия муассасалари сукукларидан иборат бўлиб, давлат ҳамда квази-давлат сукукларининг биргаликдаги улуши 72,2%ни ташкил этган. Бу ҳолат сукуклар орқали давлат-хусусий шерикчилигидаги ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича лойиҳаларига инвестициялар самарали жалб этилаётганлигини кўрсатади. 2001-2019 йиллар оралиғида 847,0 млрд. АҚШ доллари қийматидаги инвестициялар айнан шундай лойиҳаларга йўналтирилган. Ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш учун чиқарилган қимматли қоғозлар муваффақиятли жойлаштирилаётганлигининг бошқа омилларини ҳам унутмаслик керак. Исломи динида хайр-саховат ва сахийлик инсоннинг олижаноб сифатларидан эканлиги ҳамда жамият манфаатлари шахснинг манфаатларидан устунроқ бўлиши таъкидланади. Исломи молиясида фойда олиш масаласи ижтимоий масъуллик билан уйғун бўлиши лозим.




5-расм. Жаҳонда эмитентларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра сукук эмиссияси ҳажми динамикаси (млрд. АҚШ доллари) [22]

Жаҳон бўйича 2019 йил якунига қадар 25 та валютада сукук чиқарилган бўлиб, унда Малайзия ринггити 53,3 фоизлик улуш ёки 665,5 млрд. АҚШ долларига тенг қиймат билан етакчилик қилган (6-расм). Валюталар кесимида АҚШ доллари 22,1% (276,2 млрд.) ва Саудия Арабистони риёли 7,2% (89,5 млрд. АҚШ доллари)лик улуш билан учликдан ўрин олган. Шунингдек, Индонезия рупийси (6,4 %, 80,2 млрд. АҚШ доллари) ва турк лираси (2,1 %, 26,6 млрд. АҚШ доллари) қиймати бўйича энг кўп эмиссия қилинган валюталардан ҳисобланади.

АҚШ долларидан ташқари халқаро тан олинган валюталардан ҳисобланувчи Буюк Британия фунт стерлинги, евро ва Хитой юани-

да ҳам сукук чиқарилган бўлиб, жами 283,0 млрд. АҚШ доллари (22,7 %)га тенг бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу қиймат халқаро сукуклар қийматидан кам. Бу эса, халқаро сукуклар маҳаллий валютада ҳам чиқарилаётганлигини англатади.

Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантириш мақсадида ислом молияси инструментларидан тўлиқ фойдаланиш учун ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаса-да, ислом молиясининг айрим жиҳатларини учратиш мумкин. Бу эса ислом молияси, хусусан, сукукларни татбиқ қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу жиҳатлар қисқача қуйидагилардан иборат:



6-расм. Жаҳон валюталари кесимида сукук эмиссияси ҳажми, 2001-2019 йиллар (млрд. АҚШ доллари) [22]

Ўзбекистон Республикаси 2003 йилда Ислом тараққиёт банкига ва 2004 йилда Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича ислом корпорациясига аъзо бўлган. Эълон қилинган маълумотга кўра, Ислом тараққиёт банки гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасидаги лойиҳаларни молиялаштиришни бошлангандан сўнг жами портфель қиймати 2,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган [23];

2011 йилда ислом ижара фаолияти билан шуғулланувчи “TAIBA LEASING” МЧЖ ҚК (taibaleasing.com); ва 2020 йилда мудораба ва муробаҳа тамойили бўйича ишловчи “Iman invest” МЧЖ (iman.uz) ташкил этилди;

2018 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5416-сон фармони билан ислом иқтисодиёти ва молияси мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрловчи Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди;

2019 йил февралдан эса мамлакатимиз Халқаро ислом савдо-молия ташкилоти ва Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорациясига аъзоликка қабул қилинди ва давлатимиз шу орқали Ислом тараққиёт банки гуруҳининг барча ташкилотларига аъзоликни қўлга киритди;

2019 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи фондлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4224-сонли қарори қабул қилинди;

2021 йил 13 апрелда сукук чиқарилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6207 фармони қабул қилинди;

9 та тижорат банки ва Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси ўртасида “ислом дарчалари” очиш бўйича келишувга эришилган.

Ўзбекистон аҳолисининг 90%дан ортиғи мусулмонлар эканлиги ислом тамойилларига асосланган қимматли қоғозларга талаб юқори бўлиши мумкинлигини англатади.

**Ўзбекистонда ислом молия маҳсулотларини татбиқ қилиш имкониятлари, ҳамда уларга бўлган талаб ва эҳтиёжни сўровнома асосида баҳолаш**

Ислом молиясини мамлакатда татбиқ қилиш масаласида бирор бир таклиф киритишдан олдин тадбиркорлар, банклар ва аҳолининг бу масаладаги фикрини ўрганиш ғоят муҳим деб ҳисоблангани боис ушбу гуруҳлар орасида сўровнома ўтказилди [24]

Сўровнома ўтказишдан асосий мақсад аҳоли ва тадбиркорлар ўз молиявий эҳтиёжларини амалдаги банк-молия муассасалари орқали қанчалик даражада қондира олаётганлиги, бу жараёнда улар қандай (расмий ва норасмий) тўсиқларга дуч келаётганлиги, ҳамда улар томонидан ислом молия муассасалари ва уларнинг молиявий маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш бўлди.

Сўровнома 5 қисмдан иборат бўлиб сўровнома иштирокчилари ҳақидаги демографик маълумотни, молия маблағларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги маълумотни, ислом молияси учун имкониятларнинг мавжудлиги, суғурта бозори, ҳамда ислом ижтимоий молияси ҳақидаги маълумотларни қамрам олди.

Сўровнома қуйидагича ўтказилди:

*Бизнес вакиллари/тадбиркорлар*



Сўровнома, 1000 (бир минг) тадбиркор/ бизнес вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри суҳбатлар шаклида ва яна 1235 сўровнома интернет орқали, Google form ва Survey Monkey дастурларидан фойдаланган ҳолда онлайн шаклда ўтказилди. Шундай қилиб, Жами 2235 та тадбиркор (бизнес вакиллари) ўртасида сўровнома ўтказилди.

**Банклар.** Республикадаги барча тижорат банкларига (30та) расмий хатлар сўровнома шаклини илова қилган ҳолда юборилди ва 27 та банкдан жавоб хати (тўлдирилган сўровномалар билан бирга) олинди.

**Аҳоли.** Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровнома интернет орқали, Google form ва Survey Monkey дастурларидан фойдаланган ҳолда онлайн шаклда ўтказилди. Сўровномада жами 4938 та респондент иштирок этди.

Сўровномада иштирок этган аҳолининг 47 фоизининг ёши 31-45 оралиғида, 44 фоизиники 18-30 оралиғида бўлган.

Иштирокчиларнинг 42 % олий маълумотга (бакалавр), 36 % эса ўрта маълумотга эга бўлган (яъни ўрта мактабни битирганлар). 25% иштирокчи давлат хизматчилари, 21 % эса хусусий тармоқ вакиллари бўлган.

Сўровномада иштирок этган тадбиркорлар бизнесларининг ташкилий шакли бўйича маълумот куйидагича:

1. Масъулияти чекланган жамиятлар – 44%;

2. Хусусий корхоналар – 18%;

3. Хусусий тадбиркорлар – 16,5%

Шундан 64% кичик фирмалар, 25 % микрофирмалар, 10 % йирик компаниялар.


26 % компаниялар саноат соҳасида, 17 % хизмат кўрсатиш, 22 % савдо, 13 % эса қурилиш соҳасида фаолият олиб борган.

Ушбу компаниялар 41 %нинг йиллик ялпи даромади 100 млн.сўмдан кам, 37 %нинг даромади 100 миллиондан 1 миллиардгача, ва фақат 4 %ники 10 миллиарддан кўп бўлган.

Банкларга келадиган бўлсак, сўровнома тўлдирган банкларнинг 2 таси 100% давлат банки, 5 таси хусусий ва 20 таси акциядорлик тижорат банкларидир.

Сўровнома ўтказиш жараёнида бизнес вакиллари, ҳамда аҳолидан банк кредитлари олганликлари ҳақида сўралганда, 40% тадбиркор, ва 31% аҳоли расмий банк-молия муассасаларидан кредитлар олишганлигини тасдиқлашди. Тадбиркорларнинг 50% кредитларни ишлаб чиқариш воситалари (яъни турли дастгоҳ ва ускуналар), транспорт воситалари ва махсус техника сотиб олиш учун, 34% айланма молия маблағларини шакллантириш учун, 11 % қишлоқ хўжалик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилганликларини айтишган. Банк кредитларидан фойдаланган аҳолининг 53 % истеъмол кредитлари, 28 % эса ипотека (яъни уй-жой сотиб олиш учун) кредитлари олишганлигини айтишган. Сўровномада иштирок этган 60% бизнес вакили, ҳамда 68% жисмоний шахслар кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган.

Бизнес ва жисмоний шахслар учун энг асосий муаммо анъанавий кредитларнинг ислом дини талабларига мос эмаслиги бўлган. Хусусан, бизнес вакиллари 38 %, ҳамда жисмоний шахсларнинг 55 % диний қарашлари сабабли анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган (7-расм). Кредитлардан фойдаланмасликнинг бошқа сабаблари сифатида фоиз даражасининг юқорилиги, мураккаб талабларнинг мавжудлиги, ҳамда кредитлардан фойдаланиш зарурати йўқлиги кўрсатилган.



**7-расм: Расмий банк-молия муассасалари кредитларидан фойдаланмаслик сабаблари**

*Манба: Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган.*

Жисмоний шахсларга ҳам, тадбиркорларга ҳам банк кредитлари олиш мураккаблиги, ҳамда фоиз даражаси юзасидан ҳақида савол берилди. Бу саволга 45% жисмоний шахс кредит олиш унчалик мураккаб эмаслигини айтишган бўлса, 44 % кредитлар бўйича фоиз даражасининг юқорилигини таъкидлашган. Бизнес вакилларининг 42 % банклардан кредит олиш унчалик мураккаб эмас дейишган бўлса, 36 % тадбиркорлар фоиз даражасининг юқорилигини қайд этишган. Шунингдек, 44% бизнес вакиллари банклардан кредит олиш ўта даражада қийин эмас деб жавоб беришган, 24% кредит олиш шартлари мураккаб дейишган ва буни гаров ва битимларнинг мураккаблиги билан изоҳлашган.


Банклар ўртасидаги рақобат даражасини 15 % банклар жуда юқори деб, 70,4 % эса юқори деб баҳолашган. Банкларнинг бошқа молия муассасалари билан рақобат даражаси юқори эмас деб 85,2 % банклар (23 та банк) айтишган бўлса, 7,4 % (2та банк) юқори деб айтишган. Шунингдек банклардан улар лизинг амалиёти билан шуғулланишлари ҳақида сўралганда, 2017-2018 йилларда 80% банк лизинг билан шуғулланганлиги, 2019 йилга келиб эса бу кўрсаткич 76 %га тушганлиги, 24 % банк (6 та банк) эса умуман лизинг хизматлари кўрсатишмагани маълум бўлди.

61 % бизнес вакиллари ва 75 % жисмоний

шахслар агар ислом молия муассасалари Ўзбекистонда фаолият бошлашса, ўз молиявий амалиётларини ислом молия муассасаларида олиб бориш истагини билдиришган. Шу билан бирга, 35 % тадбиркор ва 22 % жисмоний шахс бу нарса молия муассасаларининг маҳсулот ва хизматлари нархи ва сифатига боғлиқ (яъни агар ислом банкларида молиявий амалиётлар олиб бориш арзонроқ ва/ёки қулайроқ бўлса улар билан ишлаймиз, акс ҳолда йўқ деган маънода) дейишган. Фақат 3% жисмоний шахс ислом банклари ҳақида маълумотга эга бўлмаганликлари учун уларнинг маҳсулот ва хизматларига қизиқиш билдирмасликлари ҳақида айтишган.

47 % бизнес вакиллари ва 55 % жисмоний шахс ислом банклари хизмат ҳақи юқори бўлса ҳам улар билан ишлайверишларини айтишган, чунки бу уларнинг диний дунёқарашлари билан боғлиқ эканлигини айтиб ўтишган (мақсад - молиявий амалиётларни ислом дини талабларига мувофиқ тарзда олиб бориш).

Шу билан бирга, 22 % бизнес вакиллари ва 19 % жисмоний шахслар бунга тескари фикр билдиришган, яъни улар учун молия маҳсулотлари ва хизматларининг нархи муҳим эканлигини (яъни агар ислом банклари маҳсулотларининг нархи қиммат бўлса у ҳолда улар билан ишламасликларини) айтишган.



8-расм. Ислом банклари омонат турларига йўналтирилиши мумкин маблағлар (сўмда)

*Манба:* Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислом молия тизими жорий қилинса 44% корхоналар (бизнес) ва 42% жисмоний шахслар ўз шахсий


(бўш) маблағларини ислом банклари омонатлари ва шерикчилик лойиҳаларига киритишларини, 26 % корхона ва 36 % жисмоний шахслар

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

эса бундай қилмасликларини айтишган.

“Ислом тамойилларига асосланган даромад келтирувчи омонат ёки шериклик битимларига қанча маблағ йўналтириган бўлардингиз?” деган саволга 26,3 % жисмоний шахслар

1 млн.дан - 5 млн. сўмгача бўлган, 23,7 % эса 20 млн. сўмдан кўп бўлган (бўш) маблағларини ислом банкларига омонат сифатида қўйишга тайёр эканликларини билдиришган (8-расм).




**9-расм. Ўзбекистонда ислом молия тизимини татбиқ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари**

*Манба:* Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган

Бизнес вакилларида ҳам, жисмоний шахслардан ҳам ислом молия маҳсулотлари ва молиялаштириш усул-битимлари ҳақида билиш билмасликлари сўралди ва олинган жавоблардан ижара (лизинг) маҳсулоти иккала гуруҳда ҳам энг машҳур молия маҳсулоти, ундан кейин эса мудораба шартномаси эканлиги маълум бўлди. Салам, истисна ва суқук камчиликка маълум бўлган маҳсулотлар бўлиб чиқди.

Сўровномада иштирок этган 79 % жисмоний шахс ва 68% тадбиркорлар мамлакатда ислом молиясининг татбиқ этилиши “ҳалол” маҳсулот ва хизматлар бозорининг ривожланишига туртки беради деб ҳисобласа, 45 % жисмоний шахс ва 47 % корхоналар ислом молиясининг кириб келиши молия муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтиради деб ҳисоблашади (9-расм).



**10-расм: Ўзбекистонда ислом молиясининг ривожланмаганлиги сабаблари**

*Манба:* Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган

Шу билан бирга, 47% бизнес вакиллари, ҳамда 58 % жисмоний шахслар Ўзбекистонда ислом молиясининг татбиқ қилинмаётганлиги сабабини давлатнинг масъул идора ва ташкилотлари бу соҳани ривожлантиришга эътибор

қаратмаётганлиги билан изоҳлашган. Бунинг бошқа сабаблари қаторида мутахассисларнинг камлиги, ислом молияси бўйича билим берувчи таълим муассасаларининг йўқлиги кўрсатилган (10-расм).

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Сўровномада иштирок этган 39% тадбиркор ва 42% жисмоний шахснинг фикрича ислом молия маҳсулотларига талаб юқори бўлади. Молия маҳсулотлари турларига келадиган бўлсак, ижара (26%), мушорака ва мудорабага (24%) талаб юқори бўлади деб айтишган бўлса, 43% корхоналар қайси ислом молия маҳсулотларига талаб юқори бўлишини билмасликлари маълум бўлди.

Ўтказилган сўровнома доирасида банкларга “Ўзбекистонда ислом молияси татбиқ этилиши, жумладан ислом банклари очирилишини қўллаб-қувватлайсизми” деган савол берилди ва барча банклар бир овоздан буни қўллаб қувватлашини айтишди. Баъзи банклар мамлакатда ислом банклари очирилишини қўллаб-қувватлашларини Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 90 фоизи мусулмонлар эканлиги ва бундай молия маҳсулотларига бизнес тарафидан талаб юқори эканлиги билан изоҳлашган. 67% банк ислом молиясининг татбиқ қилиниши жуда ҳам керак, чунки бу молия муассасалари ўртасидаги рақо-

батни кучайтиради, “ҳалол” маҳсулот ва хизматлар бозори ривожланади, мусулмон мамлакатларидан инвестиция кириб келиши кучаяди деб айтишган.

26% банклар ислом молияси маҳсулотлари тадбиркорлар учун ҳам, аҳоли учун манfaatли бўлади, чунки уларнинг янги молия маҳсулотлари ва хизматларига эhtiёжи мавжуд дейишган. Шу билан бирга 2 та банк (7,4%) мамлакатда битта ёки иккита ислом банки ёки анъанавий банкларда “ислом молияси дарчалари” бўлиши кифоя, чунки талаб шунга яраша деган фикр билдиришган.

Сўровнома натижаларига кўра, 44,4% банк вакиллари тижорат банкларининг ислом молия тизимини жорий қилиш истаги бор, лекин бунга уларнинг имкониятлари етарли эмас деб, 44,4% эса банклар ислом молиясининг асосий тамойилларини билишади холос, бу эса қисқа муддатда ислом молия тизимини жорий қилиш учун етарли эмас деб ҳисоблашлари маълум бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

### Ўзбекистонда ислом молия тизимини татбиқ қилиш имкониятлари


Ислом молия тизимини қисқа муддатларда жорий қилиш учун тижорат банкларига имкониятлар етарлими?	Сони	Фоизи
Ҳа, ушбу соҳада фаолиятимизни бошлаш учун билимли мутахассисларимиз етарли	3	11.11%
Имкониятлар етарли деб бўлмайди, аммо биз ушбу соҳани ривожлантиришга тайёрмиз	12	44.44%
Биз бу тизимнинг асосий тамойилларинигина биламиз, лекин ушбу йўналишда фаолият бошлаш учун бу етарли эмас	12	44.44%
Бу соҳада керакли билимларга эга мутахассисларимиз умуман йўқ	0	0.00%
<b>Жами</b>	<b>27</b>	<b>100.0%</b>

*Манба:* Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган.

81% банклар Ўзбекистонда ислом молия тизимини жорий қилиш аҳоли тарафидан ислом молиясига бўлган катта қизиқиш туфайли уларнинг бўш маблағларини омонат турлари ёки шерикчилик битимларига жалб қилиш имкониятини оширади деб жавоб беришган. Шу билан бирга 15% банклар бунга қарши фикр айтишган, яъни улар ислом молиясига талаб паст деган, 4% банк эса умуман талаб йўқ деган.

Қайси ислом молия маҳсулотлари мамла-

катимизда тадбиркорликни қўллаб қувватлашда самаралироқ бўлади деган саволга 81% банклар мушорака ва мудораба, чунки бу маҳсулотлар шерикчиликка асосланган деб жавоб беришган бўлса, 66% банклар муробаҳа ва ижара маҳсулотлари самарали бўлади, чунки ҳудди шунга ўхшаш фаолият турлари Ўзбекистонда бор деб жавоб беришган (яъни муробаҳа ва ижарани қўллаш қийинчилик туғдирмайди деган маънода).



**11-расм. Сўровнома иштирокчиларининг ислом ижтимоий молияси турлари ҳақида тушунчага эгаллиги**

*Манба:* Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган.


## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Сўровномада иштирок этган аксарият жисмоний шахслар ва тадбиркорлар ислом молияси ҳақида билим ва маълумотлар тарқатишнинг энг яхши йўли/усули сифатида ижтимоий тармоқлар, вэб-сайтлар, махсус теледастурлардан фойдаланиш эканлигини айтишган (40% дан 70% гача иштирокчи шундай жавоб берган). 74% банклар эса хорижий ислом молия муассасаларида тажриба ўрганиш энг самарали усул дейишган. Улар шунингдек бу мавзуда тренинг ва семинарлар ўтказиш яхши натижа беришини (67%) айтишган.

Ислом ижтимоий молиясининг закот, са-

дақа ва вақф каби турлари ҳақида аҳоли, тадбиркорлар ва банклар орасида тушунча борлиги аҳамиятга эга (11-расм).

60% тадбиркорлар, 75% банклар ва 73% жисмоний шахслар ислом ижтимоий молияси Ўзбекистонда камбағалик даражасини пасайтиришга ёрдам беради деб ишонишини айтишган. Шунингдек 55% бизнес вакиллари, 75% банклар ва 83% жисмоний шахслар ислом молиясининг татбиқ этилиши натижасида аҳолига Шариатга мос хизматлар кўрсатилади дейишган (12-расм).



### 12-расм. Ислом ижтимоий молиясининг Ўзбекистон учун манфаатлари

**Манба:** Сўровнома натижалари асоси муаллиф томонидан тайёрланган.

Закот тўлаш ҳақида сўралганда 64 % бизнес вакиллари ўз корхоналари фаолиятдан, 81 % жисмоний шахслар эса ўз бойликларидан закот тўлашга тайёр эканликларини билдиришган. 25 % тадбиркорлар ва 17 % жисмоний шахслар закот тўлашга тайёр эканликларини аммо бунини қандай амалга оширишни (яъни қандай ҳисоб-китоб қилишни) билмасликларини айтишган.

Банкларга ислом банклари Ўзбекистон иқтисодий ривожига қандай ҳисса қўшиши мумкин деган савол берилди. Бу саволга 12 та банк (44,4 %) ислом банкларининг очилиши сармоялар диверсификациясига (яъни сармоя манбаларини турини кўпайтиришга) сабаб бўлади, тадбиркорларга фойдасиз (яъни ислом молияси тамойиларига мос бўлган) кредитлар тақдим қилиш имконияти пайдо бўлади, мусулмон мамлакатлардан (яъни ИХТга аъзо мамлакатлар) инвестициялар жалб қилиш имконияти ошади, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортади, жалб қилинган аҳоли ва тадбиркорларнинг пул маблағларини “ҳалол” (яъни шариат

рухсат берган) лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш мумкин бўлади, банклар ўртасида соғлом рақобат кучаяди, аҳолининг ва банк мутахассисларининг ислом молияси ҳақидаги билимлари ортади деб жавоб беришган.

Қўшимча маълумот сифатида қайд этиш лозимки, Осий тараққиёт банки (ADB) тадқиқоти давомида аҳолининг тахминан 30% анъанавий банклар кредитларидан диний қарашлари сабаб фойдаланмасликлари маълум бўлган, ислом банкларининг очилиши ана шу бўшлиқни тўлдиришга имкон беради.

**Тўсиқлар:** Банклардан Ўзбекистонда ислом банкчилигини жорий этишдаги энг катта тўсиқлар ва муаммолар ҳақида сўралди. Респондентлар энг катта муаммо ислом молия маҳсулотлари ва хизматларини тартибга солувчи қонунларнинг йўқлиги ва амалдаги банк фаолияти ва солиқ бўйича қонунчилик ислом ҳуқуқи тамойиллари асосида ишлайдиган банклар учун мос эмаслигини таъкидлашди. Шунингдек, улар мавжуд солиқ ва банк қонунчилигининг ислом молия амалиёти хусусиятлари билан номуво-

фиқлиги ва банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимлари ислом молия битимлари бўйича амалиёт ўтказишга мослашмаганлиги учун улар билан ишлаш қийин бўлиши мумкинлигига тўхталиб ўтилган. Шу сабабли, ислом банкиши ва молияси юзасидан тегишли, жумладан ислом суғуртаси - такофулни тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Банклар яна бир жиддий тўсиқ сифатида ислом молия соҳасида тажрибанинг йўқлигини айтишган.

**Банклар таклифлари:**

- қисқа муддатларда ислом банкчилиги ва молияси Ўзбекистонда татбиқ қилиниши учун тегишли қонунлар қабул қилиниши ва мавжуд қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши зарур;

- ислом банкчилиги яхши ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш орқали уларнинг тажрибасини ўрганиш кўп хатоларни олдини олишга ёрдам беради ва бошиданоқ соҳани мустақкам пойдевор устига қуриш имкониятини беради;

- ААОIFI сертификатлари татбиқ қилиниши ва банк мутахассилари учун ислом молияси ва банкчилиги бўйича тренинглар ташкил қилиниши керак;

- ислом молиясини татбиқ қилиш, қисқа муддатларда мамлакат банк-молия муассасаларида янги молия маҳсулотларининг пайдо бўлишига, бу соҳадаги халқаро/хорижий тажрибани ўрганиш имкониятлари ошишига, банк-молия соҳасида хатарларни камайтириш имкониятлари ошишига ва умуман соҳани жиддий ривожлантиришга имкон яратади. Буларнинг барчаси мамлакатга қўшимча инвестициялар жалб қилиш имконини беради;

- шерикчиликка, яъни фойда-зарарни бўлишга асосланган ёки бошқача айтганда маънавий асосга эга бўлган ислом молия механизмларини жорий этиш аҳоли ва тадбиркорларга муқобил молия механизмларини таклиф қилиш имконини беради, бу эса, уларнинг иқтисодий-молиявий фаолияти фаоллашувига сабаб бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ислом молияси, хусусан, сукук бозорининг шаклланиши ва ривожланишида жамият талаби асосий омил сифатида хизмат қилади. Молия тизимида ислом молияси алоҳида тармоқ сифатида шаклланиб улгурган бўлиб, шариатда мавжуд бўлган савдога оид қонун-қоидалар замонавий ислом молияси тизимига асос бўлди. Бугунги кунга келиб, бу тизимдан мусулмонлар кам истиқомат қиладиган мамлакатларда ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ислом молия восита ва маҳсулотларини жорий қилган дуалистик тизимли мамлакатлар тажрибасидан чиқарилган хулоса шуки, ислом молияси анъанавий молия тизими билан тенг рақобатлашган ҳолда жамиятга иқтисодий ўсиш ва самара олиб келади. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ислом молиясининг инструменти бўлган сукуклар эмиссиясининг ортиб бориши иқтисодиётнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бизнинг фикримизча, сукуклар эмиссиялари иқтисодиётга қуйидаги омиллар туфайли ижобий таъсир қилади: Биринчидан, шариат нуқтаи назаридан рибо ва майсир сингари омиллар мавжудлиги сабаб анъанавий облигацияларга инвестиция қила олмаётган мусулмонлар маблағлари иқтисодиётга жалб қилинади. Иккинчидан, инвестиция портфелини диверсификация қилиш орқали хатарлар даражасини пасайтириш учун қулай восита ҳисобланади. Учинчидан, хатарларни бўлишиш тамойили сукук чиқарувчи томонни кўпроқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ундайди. Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши молиявий тармоқ иштирокчилари ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Ўзбекистон аҳолисининг аксар қисми мусулмонлар ташкил этганлиги сабабли ислом молияси учун юқори даражада эҳтиёж мавжуд бўлиши борасидаги гипотезамиз ўтказилган сўровнома натижаларига кўра ўз тасдиғини топди. Барча таҳлиллардан хулоса шуки, ислом молиясини жорий этиш Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини учун янги омил бўлиб хизмат қилади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Отабек Назиров, *Қантал бозорни ривожлантириш агентлиги директори*. <https://kun.uz/news/2020/11/29/sukuk-ozbekiston-bozoridagi-yangi-moliyaviy-instrument-otabek-nazirov-bilan-suhbat>
2. Антропов В.В. *Исламские финансы в глобальной экономике: современные тенденции и перспективы. Причины появления исламских финансов // Экономический журнал. 2017. №48.с. 57-77;*
3. Гафурова Г.Т. *Сукук в системе исламского финансирования // Вестник АГТУ. Экономика. 2011. №2. с. 90-94;*
4. Мокина Л.С. *Исламские ценные бумаги как источник финансирования инвестиционных проектов и перспективы их размещения на финансовом рынке России // Российское предпринимательство. 2017. Том 18. №22. с. 3429-3446;*
5. Трофимова О. *Мусульмане и ислам в Западной Европе // Мировая экономика и международные отношения. 2009. №10. с. 52-62;*
6. Зарипов И.А. *Малайзия – флагман исламских финансов // Вестник финансового университета. 2016. №4. с. 118-129;*
7. Р.И.Беккин. *Исламская экономическая модель и современность. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – 367 с.*
8. Хасанов Х. *Ахлоқий (исломий) молиялаштириш тизими – инновацион молиялаштириш востиси сифатида (Ўзбекистон ва МДХ мисолида). "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, 2017 й.;*

9. Хасанов Х., Давлатяров О. Фоиз ставкаси ва инфляция даражаси ўртасидаги боғлиқликнинг исломий молиялаштириш жиҳатидан таҳлили. Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова.–Ташкент: IFMR, 2019. сс. 245-252.
10. Султанов М. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. -Т.: ТДИУ, 2019. 58 б.;
11. Жўраев Б. Исломиё молиялар ва банк тизими. – Т.: O'zbekiston, 2014. – 464 б.;
12. Жўраев Б. Исломиё молия асослари [Матн]/Е.А.Байдаулет. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б.;
13. Жўраев Б. Исломиё иқтисодий модели ва замон [Матн]/Р.И.Беккин – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – 360 б.
14. Zulkhibri M. (2015). A synthesis of theoretical and empirical research on sukuk. *Borsa Istanbul Review*, 15, p. 240. doi: [10.1016/j.bir.2015.10.001](https://doi.org/10.1016/j.bir.2015.10.001)
15. Ibrahim, Y., & Minai, M. S. (2009). Islamic bonds and the wealth effects: evidence from Malaysia. *Investment Management and Financial Innovations*, 6(1), pp. 184–191. [Retrieved from]
16. Ahmad N., Daud S.N., & Kefelia Z. (2012). Economic forces and the sukuk market. *Procedia: Social and Behavioral Sciences*, 65, pp. 127–133. doi: [10.1016/j.sbspro.2012.11.101](https://doi.org/10.1016/j.sbspro.2012.11.101)
17. Said A., & Grassa R. (2013). The determinants of sukuk market development: does macroeconomic factors influence the construction of certain structure of sukuk? *Journal of Applied Finance and Banking*, 3(5), pp. 251–267. [Retrieved from]
18. Echchabi A., Abd.aziz H., Idriss U., 2016. Does sukuk financing promote economic growth? An emphasis on the major issuing countries. *Turk. J. Islam. Econ.* 3, pp. 63–73. doi: [10.15238/tujise.2016.3.2.63-73](https://doi.org/10.15238/tujise.2016.3.2.63-73)
19. Smaoui H., & Nechi S. (2017). Does sukuk market development spur economic growth? *Research in International Business and Finance*, 41, pp. 136-147. doi: [10.15238/tujise.2016.3.2.63-73](https://doi.org/10.15238/tujise.2016.3.2.63-73)
20. Islamic Finance Development Report 2020: Progressing through adversity. The Islamic Corporation for the Development of the Private Sector and Refinitiv. p72.
21. Mohammed Imad Ali, Ikramur Rahman Falahi. Islamic banking and finance: principles and practices // Marifa Academy Private Limited, 2014. p161. [Retrieved from]
22. IIFM Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. *International Islamic Financial Market*, July 2020, 9th edition. p190.
23. <https://www.isdb.org/uzbekistan>
24. <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР СОЛИҚЛИ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Соатова Нодира Бобохановна -

Тошкент молия институти,

“Молия-кредит” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари базаларини шакллантириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад йўналишларини белгилаш, маҳаллий бюджет даромадларининг шакллантириш механизмларига таъсир этувчи омиллар самарадорлигини ошириш ҳамда маҳаллий бюджетнинг даромад базаларини белгилашда солиқ потенциали, маҳаллий бюджет даромадлар таркибини шакллантириш тартиби, солиқли даромадларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиш механизмлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Давлат бюджети, солиқ, солиқ сиёсати, солиқли даромадлар, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджетни режалаштириш, маҳаллий солиқлар, даромад базалари.

## НАПРАВЛЕНИЯ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА ПО УКРЕПЛЕНИЮ НАЛОГОВЫХ ДОХОДОВ

Соатова Нодира Бобохановна -

Ташкентский финансовый институт,

Старший преподаватель кафедры “Финансов и кредита”

**Аннотация:** В статье рассмотрены вопросы формирования базы налоговых доходов местных бюджетов, определения доходных направлений местных бюджетов, повышения эффективности факторов, влияющих на механизмы формирования доходов местных бюджетов, а также налоговый потенциал при определении доходной базы местных бюджетов, порядок формирования структуры доходов местных бюджетов, механизмы распределения налоговых доходов между бюджетами различных уровней.

**Ключевые слова:** Государственный бюджет, налоги, налоговая политика, налоговые доходы, местный бюджет, планирование местного бюджета, местные налоги, доходные базы.

## LOCAL BUDGET DIRECTIONS FOR STRENGTHENING TAX INCOME

Soatova Nodira Boboxanovna -

Tashkent Financial Institute,

Senior teacher of the department "Finance and Credit"

**Annotation:** The article deals with the issues of forming the base of tax revenues of local budgets, determining the revenue directions of local budgets, improving the efficiency of factors affecting the mechanisms of generating local budget revenues, as well as the tax potential in determining the revenue base of local budgets, the procedure for forming the structure of local budget revenues, mechanisms for distributing tax revenues between budgets of different levels

**Key words:** State budget, taxes, tax policy, tax revenues, local budget, local budget planning, local taxes, revenue bases.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислохотлар ўтказилиши бюджет тизими, жумладан, маҳаллий бюджетлар аҳамиятини янада оширади. Чунки, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Ислохотлар чуқурлашиши билан маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштириладиган чора-тадбирлар ҳажми ошаверади, шунингдек, улар ихтиёрига қоладиган даромадлар ҳам кенгайиверади. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари имкониятларини баҳолаш ва уларни ошириш ҳамда мустаҳкамлаш йўналишларини белгилаш, нафақат маҳаллий бюджетлар даромадлари базаси шаклланишининг амалдаги механизмини таҳлил қилиш учун зарур, балки ушбу зарурият, маҳаллий бюджетларни бошқариш давлат сиёсатидаги ўзгаришларни асослаш ҳамда унинг истиқболдаги вазифаларини белгилашда ҳам сезилмоқда.

Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаган ҳолда ҳамда молиявий барқарорликка эришиш ислохотларнинг ҳозирги даврида давлат молияси тизимида ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлашда, хусусан, маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини яхшилашда муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Шу боисдан ҳам таъкидлаш лозимки, маҳаллий бюджетлар даромадларини бошқариш давлат тадбирлари тизимида, бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш амалиётида ҳудудлардаги солиқ салоҳиятига эътибор қаратиш бюджет сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этиш жоиздир. Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш биринчидан, Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларнинг самарали тизимини шакллантириш учун зарур бўлса, иккинчидан, маҳаллий бюджетларни "молиявий тенглаштириш сиёсати"ни амалга ошириш учун муҳимдир.

Маҳаллий бошқарув органлари жавобгарлиги ва ваколатларини такомиллаштириш ҳамда ислох қилиш масаласи ривожланган мамлакатлар, хусусан, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам давлат молиясини бошқариш амалиётидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув органларининг фаолият кўрсатиш механизmlарини такомиллаштириш жараёнлари демократик ва ижтимоий стандартлар назарда тутилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Замонавий давлатчиликда маҳаллий бюджет даромадлар сиёсатини самарали ташкил этиш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги вазифаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Даромад сиёсатини ишлаб чи-

қишда бюджет тизимида солиқ ва тўловларни мобилизация қилиш бўйича ҳудудлар имкониятларини объектив баҳолаш, маҳаллий бюджет даромадларининг шакллантириш механизmlарига таъсир этувчи омиллар самардорлигини ошириш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудлар, туман ҳамда шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш орқали ҳудудларга хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб [1] мазкур вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республика амалиётида қўллаш муҳим масала ҳисобланади. Жумладан, маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш улар барқарорлигини таъминлаш ҳамда доимий ривожлантириш бориш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш бўйича алоҳида урғу бериб ўтдилар. Хусусан, "ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас"лиги таъкидлаб ўтилган [2].

Маҳаллий бюджетларни такомиллаштириш борасида кескин чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳаллий бюджет даромадлар сиёсатини самарали олиб бориш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда мазкур масалага тизимли ёндашиш муҳим ўрин тутди. Хусусан, ривожланган давлатларда даромадлар сиёсатини самарали олиб боришда ҳамда маҳаллий бюджетнинг даромад базаларини белгилашда солиқ потенциали, маҳаллий бюджет даромадлар таркибини шакллантириш тартиби, солиқли даромадларнинг турли даражадаги бюджетлар ўрта-



сида тақсимланиши механизмлари каби омиллар муҳим роль ўйнайди.

**Адабиётлар таҳлили.** Бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатларнинг назарий ва амалий жиҳатлари, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини шакллантириш, солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш масалалари хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл ва С.Брю ўзларининг ишларида кўрсатиб ўтганлар. Шу билан бирга, улар иқтисодиётда барқарорликни таъминлашда ҳал этиладиган вазибалардан келиб чиқиб, фискал сиёсатни тўққинлик қилувчи ёки рағбатлантирувчи сиёсатлар эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. Улар ўзларининг “Экономикс” асарида “Фискал сиёсатнинг асосий мақсади-ишсизлик ва инфляцияни тугатишдан иборатдир[3]. Хусусан, маҳаллий олимлар, Ж.Есмурзаевнинг тадқиқоти иши иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштиришга[4], А.Мама-назаровнинг илмий иши маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг родини ошириш масалаларига[5], Х.Қобуловнинг илмий тадқиқоти иши ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишларига бағишланган[6]. Шунингдек, А.Хайридиновнинг тадқиқоти ишида маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари асослаб берилган[7]. У.Ўроқовнинг илмий ишида маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари ўрганилган[8].

**Тадқиқот методологияси.** Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида бюджетга ундирилади, яъни солиқлардан шакллантирилади. Шу нуқтаи назардан маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари, уларнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги юқорида қайд этилган вазибаларнинг ба-жарилишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ўз навбатида, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базалари маҳаллий бюджетларга ундириладиган барча солиқлар (умумда-лат солиқлари ва маҳаллий солиқлар) ҳисоби-дан шакллантирилади. Бу ерда база тушунчаси маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларининг таянч қисми, асоси, негизи, мажмуи маъноларини англатади[9]. Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш эса соф ўзбек тилида маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини барқарор қилмоқ, кучайтириш, чидамлилигини ошириш (харажатларга нисбатан) каби маъноларни ифода этади. Юқо-

ридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, «маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш»нинг иқтисодий моҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин: маълум бир нисбатдаги умумда-лат ва маҳаллий солиқлардан шакллантириладиган тегишли маъмурий ҳудуд доирасидаги бюджетнинг молиявий барқарор бўлишининг таъминланишига маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш дейилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири унинг молиявий мустақиллиги бўлиб, маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашдан, унинг имкониятлари даражаси етарлилигини таъминлашдан, мазкур принципга риоя қилиш мумкин эмас. Шу боисдан, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда барқарор даромад сиёсати мотивацияси муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлар базасини тўлиқ аниқлаш, хусусан, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги солиқлар тақсимоти ва бюджетлараро трансфертларнинг оптимал миқдорини белгилаш, солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, илмий асосланган солиқ тушумлари прогнозини ишлаб чиқиш ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари ҳисобланиб, маҳаллий бюджетларнинг солиқ потенциалини баҳолашда муҳим ўрин тутаяди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг асосий даромад манбаи ҳисобланиб, уларнинг турлари ҳар бир мамлакат солиқ қонунчилиги асосида белгиланади. Маҳаллий бюджетлар ихтиёридаги солиқлар ва йиғимлар жорий этилган пайтдан шу кунга қадар улар таркибида, нафақат, сон жиҳатдан, балки моҳият жиҳатдан ҳам ўзгаришларга эришилди. Бугунги кунга келиб, солиқ маъмурчилигининг такомиллашуви натижасида солиқлар ва йиғимларнинг объектлари, ставкалари ва ундириш тартибларига ўзгартиришлар киритилиб, маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш, уларнинг молиявий мустақиллигини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Маҳаллий бюджетлар даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги улушини ҳамда унинг ўзгаришини таҳлил қилиш, шунинг асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш орқали маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини таъминлаш ва оширишга йўналтирилган муҳим илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

2016-2020 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадларининг таркиби ва унинг ўзгариши (млрд.сўм) [10].

№	Даромад номлари	Йиллар				
		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
	<b>Жами</b>	<b>16303,3</b>	<b>18536,3</b>	<b>22944,3</b>	<b>35134,2</b>	<b>27689,0</b>
1.	Юридик шахсларнинг фойда солиғи	344,0	372,0	764,0	2995,0	1812,0
2.	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратма	1647,3	2378,2	3790,9	1988,7	1354,0
3.	Жисмоний шахслардан даромад солиғи	2267,0	2492,0	4068,0	9122,0	9081,0
4.	Қатъий белгиланган солиқ	822,3	1042,8	1024,8	658,9	286,0
5.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	378,2	469,5	-0,7	0,6	0,0
6.	Қўшилган қиймат солиғи	2871,4	3200,7	4526,3	8105,1	1266,0
7.	Акциз солиғи	2653,2	2689,7	2 030,3	3631,4	4789,0
8.	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи	591,0	1554,0	1898,0	1554,0	1241,0
9.	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи	445,0	576,0	708,0	807,0	733,0
10.	Ер солиғи	967,0	1092,0	1504,0	2313,0	2387,0
11.	Ер ости бойликларидан (норудавий) фойдаланганлик учун солиқ	63,4	126,4	145,9	298,2	560,0
12.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	162,6	171,8	128,4	314,5	479,0
13.	Давлат божлари	522,3	549,4	651,0	1075,0	968,0
14.	Жарималар	522,1	520,6	419,5	626,0	790,0
15.	ДАН йиғимлари	177,7	204,4	262,2	417,3	396,0
16.	Бозорлардан тушадиган даромадлар	221,8	266,5	301,0	381,1	-9
17.	Маҳаллий йиғимлар	65,0	80,0	113,0	341,0	820,0
18.	Бошқа даромадлар	1584,0	751,0	610,0	506,0	736,0

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Мазкур ҳолат маҳаллий бюджет даромадлари таркибида тартибга солувчи солиқли даромадлар энг юқори улушга эга эканлигидан далолат беради. Хусусан, мазкур йиллар мобайнида 2016-2020 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг улуши ўртача 18,0 фоизни, бириктирилган даромадлар ўртача 22,0 фоизни, тартибга солувчи даромадлар энг катта улушни, яъни ўртача 56,0 фоизни ҳамда бошқа даромадлар эса ўртача 4,0 фоизни ташкил этмоқда (1-жадвал).

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг мутаносиб тақсимланганлиги ҳамда бундай ҳолат улар даромадлари манбаларининг таркибига ҳам бевосита боғлиқдир. Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида тартибга солувчи даромадлар улушининг юқорилиги уларнинг мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади ҳамда юқори бюджетга қарамлигини кўрсатади. Тартибга солувчи даромадларнинг нормативлар асосида бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиши маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлашга ва молиявий мустақиллигини оширишга имкон бермайди. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетларнинг ўз ва бириктирилган даромадлари ҳажми ни оширишга асосий эътиборни қаратиш билан биргаликда яширин иқтисодиётни қисқартириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳудудларда тадбиркорлик фао-

лиятини кенг қўламда ривожлантириш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда катта ташвиш ва ҳавотир уйғотаётган коронавирус пандемияси ҳам Ўзбекистонни четлаб ўтмади. Коронавирус пандемияси даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни дефолт ҳолатига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбари бошчилигида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 10 апрелда бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида сўзлаган нутқида: “Бу пандемия, ўзининг кўлами ва миқёсига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башарият тақдири ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди”[11] деб таъкидлаб ўтганлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Ушбу хавф-хатарнинг давлатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини камайтириш борасида бир қанча фармонлар, чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ этилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969 сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонга биноан: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этиш ва қуйидагилар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

✓ Тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:

✓ Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш;

✓ Биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

✓ уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинаниган даромадлар ўрнини тўлдириш;

✓ якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтириш;

✓ алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори 5 фоиздан 3 фоизга пайсантириш;

✓ умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи

учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга камайтириш;

✓ 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 августга қадар узайтирилади

✓ Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фаолияти туризм соҳасига бевоқиф ёки билвосита боғлиқ бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинаниган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайтириш ваколати берилганлиги;

✓ Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ваколати берилганлиги;

✓ мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

2020 йил 1 октябрга қадар экспорт қилувчиларнинг транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиланиган маблағлар ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилганлиги;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини 500 млрд сўмгача ошириш каби мисли кўрилмаган имтиёз ва ҳуқуқлар берилиши алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.



1-расм. Бюджет даромадларини шакллантириш принциплари[12]

Бугунги куннинг долзарб ва ўз ечимини кутаётган мураккаб муаммолардан яна бири бу хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлигидир.

Хуфиёна иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин унинг иқтисодиётдаги улуши қанчалигига қараб баҳоланади. Бизнинг иқтисодиётимизда бу даража бир мунча баланд. Бугунги кунда халқаро ва маҳаллий экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра ЯИМнинг 45-50 фоизига тенг. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдириб ўтган фикрларини таъкидлаб ўтиш жоиз: “Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди”[13]. Фикримизча, айрим ҳолларда қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг ривожига хизмат қилмоқда[14]. Масалан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қиладиган бўлсак яқка тартибдаги тадбиркорларга оид киритилган ўзгартиришларга биноан 2019 йил 1 январдан бошлаб товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми миқдорига қараб, жумладан, 100 млн. сўмгача, қатъий белгиланган солиқни; 100 млн. сўмдан 1,0 млрд. сўмгача ташкил этганда, 4 фоизлик ставкада ягона солиқ тўловини; ҳамда 1,0 млрд. сўмдан ошганда юридик шахслар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши белгилаб қўйилган. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат корхоналарнинг тушумларини яширишга яъни 1,0 млрд. сўмгача етказмасдан, бошқа фирма ташкил этиб фаолиятни уша фирма орқали давлат эттиришга олиб келмоқда. Натижада давлат бюджетига тушуши мумкин бўлган солиқлар тушмай қолишига ва хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолатда рағбатлантирувчи иқтисодий сиёсатни қўллаб кўриш мумкин. Яъни тушуми 1,0 млрд. сўмдан ошган юридик шахсларга пасайиб боровчи солиқ юкини қўллаш мумкин. Яъни тушум ошган сари солиқ юки ҳам камайиб бориши лозим, лекин солиқ юкини энг қуйи чегарасини белгилаб қўйиш керак. Натижада, тадбиркорлик субъектлари томонидан тушумларини яширмасдан фаолият кўрсатиш манфаатли бўлиб қолади, бундай ҳолат эса банкдан ташқари пул айланмасини камайтиришга ёрдам беради ва бюджетга тушумларнинг кўпайишига туртки бўлади. Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш орқали молиявий ресурслар салоҳиятини ошиши ҳамда маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.


Маҳаллий бюджетлар солиқли даромадлари базасининг умумдавлат солиқлари ҳисобига шакллантирилиши улар харажатларини маҳаллий бюджетларнинг бирламчи даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига молиялаштириш имкони йўқлиги билан ифодланади. Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, маҳаллий ҳокимият органларининг ўзларига бевосита бириктирилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларининг чекланганлиги шароитида, умумдавлат солиқларидан ажратмалар амалга оширилиши уларда ўз даромадлари базасини мустаҳкамлашдаги ваколатларини янада чеклаб қўймоқда. Лекин, шунга қарамасдан маҳаллий ҳокимият органларига ажратмалар белгиланган умумдавлат солиқлари бўйича ҳам айрим ваколатлар берилган бўлиб, улар асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромад солиғи ва алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан энг юқори ва қуйи чегаралари белгиланган базавий ставкалари даражасидан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳудудлари учун ушбу чегарадан чиқиб кетмаган ҳолда уларнинг аниқ ставкаларини белгилаш ваколатларига эгадирлар.

Шундай бўлсада, маҳаллий ҳокимият органлари даромадларининг асосини ташкил этадиган солиқлар ва йиғимлар бўйича улар ваколатларининг чекланганлиги, қайсидир маънода маҳаллий ҳокимият органларининг ўз даромадларини мустаҳкамлашга доир қизиқишларини чеклаб қўймоқда. Шунинг билан биргаликда, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда субвенция бериш тизимининг мавжудлиги уларни юқори бюджетга тобъелигини билдиради. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермайди.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўзига хос тарзда классификация қилинади. Бунда улар давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискаль аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб иккига бўлиниши мумкин.

1) қонунчилик ҳокимият органи томонидан жорий этиладиган ва мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

2) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорига мувофиқ жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.



2-расм: Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари таркиби[15]

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги тизимли ва ташкилий муаммолар мавжуд. Тизимли ва ташкилий муаммолар ҳудудларнинг молиявий имкониятларига бевосита боғлиқдир. Молиявий имкониятлар ҳудуднинг табиий шароитларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига, ҳудуднинг ҳўжалик тузилиш ва ихтисослашувига ва мамлакат меҳнат тақсимотидаги мавқеига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига қуйидагиларни назарда тутувчи жавобгарлик ва рағбатлантириш чоралари қўрилади:

а) солиқ ва молия органлари раҳбарларини уларнинг лавозим маошларидан 50 фоизгача бўлган миқдорда мукофотлаш, шу жумладан:

- маҳаллий бюджет даромадларининг тасдиқланган прогнозининг ижро этилгани учун 10 фоиз миқдорда;

- бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги қисқартирилгани учун 20 фоиз миқдорда;

- маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилгани учун 20 фоиз миқдорда;

б) юқорида кўрсатилган мезонларнинг ижроси таъминланмагани учун уларнинг лавозим маошларидан 30 фоиз миқдорида жарима санкцияларини қўллаш, шу жумладан:

- маҳаллий бюджет прогнози бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда;

- маҳаллий бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги оширилгани учун 10 фоиз миқдорда;

- маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда.

Молия ва солиқ органлари раҳбарларини мукофотлаш ҳамда жавобгарлик чораларини қўллаш Молия вазири ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тавсияларига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди[16].

Мазкур Фармон маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Қуйидагилар маҳаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазибалари этиб белгиланди.

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш;

2. Вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенциядан чиқариш, уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

3. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимлилик асосида қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

4. Депутатлик ва жамоатчилик назоратини кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва

унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

5. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларнинг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

Янги ўрнатилаётган тартибга кўра, даромадлар манбалари ва харажатлар турлари кесимида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманларининг (шаҳарларининг) маҳаллий бюджетлари параметрлари, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиди, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманлари (шаҳарлари) халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида йил чораклари кесимида атрофлича кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан бир неча хулосаларга келинди ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини шакллантириш жараёни маълум бир принципларга таянмоғи лозим. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: солиқлар уларни тўловчилар ўртасида адолатли тақсимланиши; давлат учун солиқларнинг ундири-

лиши иложи борича арзонроқ бўлиши; солиқларнинг бюджетга олиниши мамлакат миллий бойлиги манбаларининг тугашига олиб келмаслиги; солиқларнинг ундирилиш жараёни хусусий секторни сиқиб чиқармаслиги керак.

2. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқли даромадларнинг роли масаласини, кўпчилик ҳолларда, улар салмоғининг даражаси билан изоҳлашга ҳаракат қилинади. Шунга мос равишда, агар тегишли салмоқни ифодаловчи кўрсаткич юқори бўлса, роли юқори ва аксинча, паст бўлса, роли ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас деган хулосага келинади. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув бир ёқлама характерга эга бўлиб, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқли даромадлар родини тўлиқ кўрсатиб беролмайди.

3. Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш масаласи маҳаллий солиқларнинг миқдорларини белгилаш, айрим солиқларнинг ставкаларини ошириш, солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш ва солиқ тизимида пасайтирувчи коэффицентларни қўллаш тадбирларини тақозо этади.

4. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва зарур миқдорда молиявий маблағ билан таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ҳажмини ошириш, хусусан, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ижросини таъминлашдаги манфаатдорлигини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар ижроси жараёнида кенг жамоатчилик фикри ва иштирокини таъминлаш муҳим устувор аҳамият касб этади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Макконелл К.Р., Брю С.Л. “Экономикс” Учебник. Издательство: ИНФРА-М. 2009.–С.376. Источник: <https://instituciones.com/download/books/805-economics.html>.
4. Есмурзаев Ж. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2007. – 20 б.;
5. Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг родини ошириш масалалари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2002. – 22 б.;
6. Қобулов Х. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2006. – 129 б.;
7. Хайридинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2009. – 22 б.;
8. Уроқов У. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари: И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т.: 2020. – 25 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. «Б» ҳарфи. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. – Б. 139.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқи. <https://president.uz/>
12. Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
13. Khotamjon Kobulov, Sherzod Jalilov, Sherali Sultonov, Nodira Soatova. Modeling the processes of forming a strategy for the revenue potential of local budgets // Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. VOLUME 12,ISSUE 6. DOI: 10.5373 / JARDCS / V12I6 / S20201161. Pages: 1210-1216
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь
15. Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 13 декабрдаги ПФ 5283-сонли Фармони.

### БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Суванқулов Алиасқар Раҳмонқулович**  
ТМИ Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши  
кафедраси ўқитувчиси и.ф.н  
**Эшанқулов Азамат Абдирахимович** –  
ТМИ магистранти

**Аннотация.** Жаҳон молиявий муносабатларини глобаллашуви шароитида мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва уни ресурслари самарали бошқариш мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида назорат тизимини такомиллаштириш орқали бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уни давлат молиявий назорати тизимининг муҳим элементи эканлигини ёритишга қаратилган.

**Таянч сўзлар:** бюджет ташкилотлари, давлат сектори, молиявий назорат, ички назорат, ички аудит, молиявий ҳисобот, молиявий актив, мажбурият, касса усули, ҳисоблаш усули, соф активлар

### ВНУТРЕННИЙ АУДИТ КАК ЭФФЕКТИВНАЯ ФОРМА ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

**Суванқулов Алиасқар Раҳмонқулович** -  
ТФИ Преподаватель кафедры бюджетного  
учета и казначейства к.э.н  
**Эшанқулов Азамат Абдирахимович** –  
магистрант ТФИ

**Аннотация.** В мире международных отношений приверженность страны и способ управления ее собственными ресурсами основывается на понимании финансового положения. В этой статье рассмотрены вопросы повышения эффективности системы контроля в бюджетных организациях как важный элемент системы государственного финансового контроля.

**Ключевые слова:** бюджетные организации, государственный сектор, финансовый контроль, внутренний контроль, внутренний аудит, финансовая отчетность, финансовые активы, обязательства, метод касса, метод начисления, чистые активы.

### INTERNAL AUDIT AS AN EFFECTIVE FORM OF STATE FINANCIAL CONTROL IN BUDGET ORGANIZATIONS

**Suvanqulov Aliasqar Rahmonqulovich** -  
TIF Department of Budget Accounting and  
Treasury teacher u.f.n  
**Eshankulov Azamat Abdiraximovich** -  
TIF master's student

**Abstract.** In the world of international relations, a country's commitment and way of managing its own resources is based on an understanding of the financial situation. This article discusses the issues of increasing the effectiveness control of in budget organizations as an important element of the state financial control system.

**Key words:** budget organizations, public sector, financial control, internal control, internal audit, financial reporting, financial assets, liabilities, cash method, accrual method, net assets.

**Кириш.** Иқтисодий амалиётда бюджет ташкилотларини ички аудит хизмати молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш ва бюджет - смета интизомини мустақкамлашда қўлланиладиган муҳим услубиятга айланмоқда. Кейинги йилларда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш жараёнида бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган маблағлар жамғармаси бўлиб, у давлатнинг вазифаларини бажаришни молиялаштиришга йўналтирилади. Кейинги йилларда барча мамлакатларда давлат бюджетининг аҳамияти ошиб бормоқда. Хусусан, давлат бюджетининг кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги ялпи ички маҳсулотига нисбатан улуши 40-60 фоизни ташкил этмоқда. Бунда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳам ошади. Давлат молиявий назоратида ички аудитнинг роли, аҳамияти ва уни амалга ошириш йўналишлари хусусида сўз юритишдан олдин, ушбу тушунчанинг мазмун моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Соҳага оид кўплаб адабиётлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички аудит тушунчасига таърифлар ва изоҳлар берилган. Ички аудиторлар институти (The Institute of internal auditors) томонидан берилган таърифта кўра, “Ички аудит бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва холис кафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга ўз мақсадларини рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самардорлигини баҳолаш ва яхшилашга тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишда кўмаклашади”[11]. Ушбу таърифта ички аудитнинг мақсади ва функциялари ўз ифодасини топган бўлиб, улар умумий тарзда ифодаланган.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш белгиланган[1]. Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар асосан бюджет ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий ресурслар ҳисобига амалга оширилади. Бундай маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ва улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантириш эса уларда самарнали бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустақкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида[3] ва 2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ва уларга буйсунувчи қуйи муассасаларда бухгалтерия хизматлари тугатилиб, халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларида ва тиббиёт бирлашмаларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди. Бу эса ички аудит хизматини такомиллаштириш орқали республикамизда бюджет тизимини янада самардорлигини ошириш имкониятини беради деб ҳисоблаймиз.

**Адабиётлар шарҳи.** “Буюк депрессия” деб ном олган иқтисодий инқироздан кейин 1939 йилдан бошлаб Америка дипломли бухгалтерлар уюшмаси (American Institute of Certified Public Accountants — AICPA) ўзининг аудиторлик фаолияти тўғрисида илмий мақолалар чоп эта бошлади. 1941 йилда эса нистабан катта бўлмаган мутахассислар томонидан Ички Аудиторлар Институти (Institute of Internal Auditors — ИА) ташкил этилди ва ҳозир унинг фаолияти 150 дан ортиқ мамлакат вакиллари ассоциацияси ташкил этилган.

Англиялик олим Р.Доджнинг[5] фикрича, “..ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми бўлиб, фирма бошқаруви томонидан хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил этиш мақсадида ташкил этилади”.

Бошқа инглиз олими Р.Адамс[6] ҳам “..ички аудитни фаолияти иқтисодий субъектлар томонидан ички заҳиралардан самарали



фойдалалишни текшириш, баҳолаш ва сифатли ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини назоратини амалга оширадиган муҳим элемендир” деб ҳисоблайди.

Америкалик олимлар Э.Аренса ва Дж.К.Лоббеклар[7] “...ички аудит-бу хўжалик субъектининг аудити бўлиб, бошқарув тизимини бизнесни самарали фаолият юритиши учун самарали қарор қабул қилиши учун қимматли маълумотлар билан таъминлайди” дейишади.

Россиялик олимлар А.Алборов, Л.Хоружим ва С.Концевалар[8] фикрича “...ички аудит-бу аслида ташкилотнинг ички назорат тизимидир. Бошқача айтганда, ички аудит бу корхонани ва унинг бўлимлари фаолиятини самарали бошқаришни назоратидир”.

В.Д. Андреева эса[9] “...ички аудит тушунчаси бир мунча кенг бўлиб, у фақат назоратгина эмас, балки бошқарув функциясини бажарувчи тизимдир” деб таъриф беради.

А.М. Богомоллова ва Н.А. Голощаповалар[10] фикрича «...ички аудит (ички хўжалик ва фирмаларни) – умумий аудитини таркибий қисми бўлиб, иқтисодий субъектда уларни бошқаруви томонидан ташкил этилиб, ички ҳужжатларга биноан бухгалтерия ҳисобини юритиш, хусусий мулкни қўриқлаш ва ички назорат тизимини ишончли бошқаришдир”.

Масалан, профессор С.Меҳмоновнинг фикрича, “Ички аудит ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини ишончилигини таъминлаш, бюджет смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишига йўналтирилган фаолиятдир”[4].

Турли мамлакатларда давлат секторида ички аудит хизматини такомиллаштириш бўйича бир қанча илмий тадқиқот марказлари ва институтлари томонидан изланишлар олиб борилмоқда. Булар жумласига: American Institute of Certified Public Accountants(AICPA), Center for


Accounting Research and Technology (АҚШ), Institute for Public Sector Accounting Research (IPSAR) (Шотландия), Public Expenditure Management Peer Assisted Learning (PEMPAL), International Financial Reporting Standards of Board (IFRSB), The Institute of Internal Auditors (IIA), Stanford University, (АҚШ), University of Cambridge[12], Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия), Тошкент молия институти киради.

Ҳозирги кунда давлат секторида ички аудитнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- давлат харажатлари молиявий назоратида ички аудит хизматидан кенг фойдаланиш;
- ички аудит текшируви ҳамда молиявий назоратни замон талаблари асосида ривожлантириб бориш;
- ҳисоб юритиш ва ички аудитни самарали қўллаш асосида ташкилотларда харажатларни қисқартиришга эришиш.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Мамлакатимизда давлат молиявий назоратини амалга оширувчи, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан мунтазам мониторинг олиб борувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳисобланар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда қабул қилинган “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги [3] ПҚ-3231-сон Қарори давлат молиявий назорати тизимининг ислохотини янги йўналишини белгилаб берди ва ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат молиявий назорати Департаменти этиб қайта ташкил қилинди.



**1-расм. 2019-2020 йилларда Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати Департаменти томонидан амалга оширилган тадбирлар**


*Манба: Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

У томонидан бюджет ташкилоти ва бюджет маблағларини олувчиларини харажатлари назоратини амалга ошириш белгиланиб, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш доимий мониторинги ташкил этилмоқда.

Давлат бюджети ҳисобидан энг кўп маблағ ажратиладиган бюджет ташкилотларида бюджет маблағларидан самарали ва тўғри фойдаланишини назоратини кучайтириш, унинг очиқлигини таъминлаш мақсадида ташкилий масалалар режалаштирилиб, тегишли меёрий-ҳуқуқий база яратилмоқда.

2-расмдан кўриниб турибдики, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги муассасаларида қонунбузилиш ҳолатларини кескин ўсиши кузатилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги тизимида ўтказилган 709 та назорат тадбирларининг 573 тасида 96,6 млрд.сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019-йилга (29,8 млрд.сўм) нисбатан 3,2 мартага ошган.



**2-расм. Ҳисобот даврида Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати Департаменти томонидан вазирлик ва идоралар бўйича қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар динамикаси**

*Манба: Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*


Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилган 723 та назорат тадбирларининг 523 тасида 40 млрд.сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (13,8 млрд.сўм) нисбатан 2,9 мартага ошган.

Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ўтказилган 327 та назорат тадбирларининг 270 тасида 16,7 млрд.сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019-йилга (8,3 млрд.сўм) нисбатан 2 мартага ошган.

Маҳаллий бюджетлар маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида жами 175,3 млрд. сўм миқдоридан, жумладан Қашқадарё (26,1 млрд. сўм), Андижон (19,8 млрд. сўм), Сурхондарё (16,5 млрд. сўм), Фарғона (14,4 млрд. сўм), Тошкент (13,2 млрд. сўм), Жиззах (13 млрд. сўм), Самарқанд (13 млрд. сўм), Сирдарё (12,9 млрд.

сўм), Наманган (12 млрд. сўм), Хоразм (6 млрд. сўм), Бухоро (3,6 млрд. сўм), Навоий (2,4 млрд. сўм) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (13,8 млрд. сўм) ва Қорақалпоғистон Республикасида (8,1 млрд. сўм) қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланган (3-расм).

Бу ҳолатлар бюджет ташкилотларида ички аудит тизимини жорий этиш ва бюджет харажатларини доимий ички назоратини амалга ошириш учун тегишли меёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирмоқда. Бюджет ташкилотларида ички аудит тизимини жорий этиш бюджет назоратини янада такомиллаштириш имкониятини бериб, Давлат молиявий назорати тизимини самарадорлигини оширишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.



**Расм 3. Ҳисобот даврида Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати Департаменти томонидан маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари**

*Манба:* Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Хулоса ва тақлифлар.** Ўзбекистонда бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш мақсадида бюджет ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган ички аудит хизмати-ни ташкил этиш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Бунинг учун бюджет ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия ҳисобини жорий этиш, бюджет ташкилотларида фаолият юритаётган бухгалтер ва ички аудит хизматчиларини малакасини ошириш мақсадида ўқув марказларини ташкил этиш, уларни тегишли ўқув қўлланмалари, инфор-мацион технологиялари асосида дастурларни иш-лаб чиқиш ва уларни амалий жараёнларга кири-тиш борасида аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Бу эса Ўзбекистонда бюджет даромад ва хара-жатларини назоратини такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш имконияти-ни бериш билан бирга иқтисодиётга солиқ юки-ни камайтириш имкониятини беради.

Маълумки, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг асосий мақсади маблағларнинг мақ-садли сарфланишини ҳамда фаолиятнинг нати-жадорлигини таъминлашга қаратилган.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хиз-матининг самарадорлиги кўрсаткичларига қу-йидагиларни меъёрларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти йўлга қўйилгандан кейин молиявий қоидабузарликларнинг камайиш кўр-саткичларининг миқдор ва қиймат параметр-ларини белгилаш;

- ички аудит хизмати тавсияларининг ижросини таъминлаш ҳисобига бюджет хара-жатларининг самарадорлигини ошириш;

- бюджет ташкилоти зиммасидаги вазифаларни ижобий бажарилишини натижалари.

Бунда бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ички аудит хизмати ходимларининг малака даражасига боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб, бюджет ташкилотлари ички аудит хизма-тининг ходимларига қўйиладиган малака талаб-лари Ўзбекистон Республикаси Молия ваирлиги томонидан ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоб-лаймиз.

Шунингдек ишлаб чиқилган илмий-наза-рий ҳамда амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши давлат молиясини ислоҳ этиш жараёнида давлат секторида бухгалтерия ҳисо-би ва ҳисоботини такомиллаштириш концеп-цияси, ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифа-ларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон //www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3231-сон Қарори.

4. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. - Т.: 2018. - 74 б.
5. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита: Пер. с англ.; предисловие С.А. Стукова. — М.: Финансы и статистика; ЮНИТИ, 1992. — 240 с.: ил. (Аудит: теория и практика).
6. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. — М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. — 398 с.:
7. Арнс А., Лоббек Дж. Аудит: Пер. с англ./ Гл. редактор серии проф. Я.В. Соколов. - М.: Финансы и статистика, 1995. -560 с.:
8. Алборов Р.А., Хоружий Л.И., Концевая С.М. Основы аудита: Учебное пособие. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2001. -224 с.
9. Андреев В.Д. Внутренний аудит: Учебное пособие. — М.: Финансы и статистика, 2003. — 464 с.: ил.
10. Богомолов А.М., Голощапов Н.А. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. — М.: «Экзамен», 1999. — 192 с.
11. [https://en.wikipedia.org/wiki/Institute\\_of\\_Internal\\_Auditors](https://en.wikipedia.org/wiki/Institute_of_Internal_Auditors).
12. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.
13. <https://global.theiia.org>-Ички аудиторлар институти расмий веб сайти.

### КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА СОЛИҚ ТАҲЛИЛИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Исаев Фахриддин Икромович -**  
PhD, доцент «Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари»  
илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари

**Аннотация:** Мақолада камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқот ҳамда унинг натижалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, мавзу доирасида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ назорати, камерал солиқ текшируви, солиқ текшируви.

### УЛУЧШЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЛОГОВОГО АНАЛИЗА ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ВНУТРЕННИХ НАЛОГОВЫХ ПРОВЕРОК

**Исаев Фахриддин Икромович -**  
PhD, доцент Заместитель директора Исследовательского  
центра «Научные основы и проблемы  
экономического развития Узбекистана»

**Аннотация:** В статье дается отзыв о проведенном исследовании использования налогового анализа при проведении внутренних налоговых проверок и его результатах, делаются выводы и рекомендации по теме.

**Ключевые слова:** налог, налоговый контроль, внутренняя налоговая проверка, налоговая проверка.

### IMPROVING THE USE OF TAX ANALYSIS IN CONDUCTING IN-HOUSE TAX AUDITS

**Isaev Fakhriddin Ikromovich -**  
PhD, Associate Professor Deputy Director of the  
Research Center "Scientific Basis and Problems  
of Economic Development of Uzbekistan"

**Annotation:** The article provides feedback on the study of the use of tax analysis in the conduct of in-house tax audits and its results, and develops conclusions and recommendations on the subject.

**Keywords:** tax, tax control, in-house tax audit, tax audit.

**Кириш.** Сўнги йилларда мамлакатимизда бюджет-солиқ соҳаси бўйича кўплаб ҳукумат миқёсида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш, инвестицион жозибadorлигини ошириш мақсадида солиқ соҳасида хорижий давлатларнинг тажрибаларидан унунмли фойдаланилиб, бир қанча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фар-

мони билан солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш бўйича вазифалар белгилаб олиниб, кўплаб солиққа оид қонунчиликда ўзгаришлар амалга оширилди. Шулардан энг кўзга кўринарлиси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 2020 йил 1 январдан бошлаб амал қила бошлаган янги таҳририни таъкидлашимиз мумкин.

Солиқ маъмуриятчилиги тизимида солиқ таҳлилига аҳамият кун сайин ошиб бормоқдаки, натижада солиқ текширувларини амалга оши-

риш бўйича хатарларни таҳлил қилишнинг янги методикалари амалиётга жорий қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-модда. Солиқ назорати тўғрисидаги умумий қоидалар қисмида “Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир”-деб кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ солиқ органлари солиқ текширувларининг камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудит текширувларини тайинлаш ҳуқуқини берадиган солиқ назоратини ўтказишнинг янги тартиби бўйича иш бошлади. Ушбу мақолада камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланиш бўйича изланишлар баён қилинган.

**Адабиётлар шарҳи.** Мавзу доирасида солиқ текширувларининг муҳими тури бўлган камерал солиқ текшируви бўйича қонунчилик ва олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар асосида тадқиқот олиб борилди.

Камерал солиқ текшируви тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (2021) 138-модда. Камерал солиқ текширувида “Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказилади”[1]-деб изоҳланган. “Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ”да “Камерал солиқ текшируви — солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув”-деб таърифланган[2].

Россия Федерацияси қонунчилигида “Камерал солиқ текшируви солиқ декларациялари (ҳисоб -китоблари) ёки ушбу Кодекснинг 221.1-моддаси 2 -бандида кўрсатилган ариза ва солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, шунингдек бошқа ҳужжатлар асосида солиқ органи жойлашган жойда ўтказилади”[3].

Майбурувнинг И.А. фикрича, “камерал солиқ текширувининг мақсади солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, солиқ қонунбузарликларини аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун зарур маълумотларни йиғиш ва тайёрлашдир” [4].

Попонова Н.А. талқинича “Камерал солиқ текшируви - бу солиқ декларацияси ва солиқ

тўловчи солиқ идорасига мустақил равишда топширган ҳужжатлар, шунингдек солиқ органида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш”[5].

Камерал назорат йўналишида З.Қурбонов, Р. Муминовлар солиқ назоратида камерал назоратни ташкил этилиши солиқ қонунчилигини изчил бажарилиши таъминлаб, солиқ тўловчилар фаолияти асосиз аралашувларни олдини олиб, уларнинг фаолияти юзасидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тушишига хизмат қилишини қайд этган[6].

Муминов Р.Р. Солиқ назоратини ўтказиш учун ҳисоб-ахборот тизими мавжуд бўлиши зарурлиги маълум қилиб, “Солиқ назоратининг ҳисоб-ахборот таъминоти тизими бу - солиқ тўловчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича мажбуриятларини тўғри ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга доир молиявий ва солиқ ҳисоблари ҳужжатлари ҳамда ташқи манбалардан олинган ахборотлар, маълумотлар, ҳисоботлар мажмуидир”[7]. Бу билан солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг ҳузурига бормаган ҳолда масофадан туриб солиқ органларидан бошқа жойлардаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали солиқ тўловчини назорат қилади.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Солиқ текширувининг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва солиқ агентларини солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашдир[8].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан солиқ органлари солиқ назоратини солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 137-модда. Солиқ текширувларининг турларида “Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади”-деб белгилаб қўйилган бўлиб, “Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказилади:

- 1) камерал солиқ текшируви;
- 2) сайёр солиқ текшируви;
- 3) солиқ аудити”-турлари[1].

Ҳозирги вақтда солиқ назоратининг асосий самарали тури - камерал солиқ текшируви ҳисобланади.

Камерал солиқ текширувининг ўзига хос хусусияти шундаки, текширув истисносиз барча солиқ тўловчиларни қамраб олади. Камерал солиқ текшируви, шунингдек, солиқ органида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборот банкини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб, бу жой солиқ текширувларини ўтказиш режасини тузиш учун асос бўлади. Камерал солиқ текшируви доирасида, молиявий кўрсаткичлар ва солиқ ҳисоб-китобларида такрорланадиган кўрсаткичларнинг мослигини таҳлил қилиш, индивидуал кўрсаткичларнинг ишончлилиги, шубҳали нуқталар ёки номувофиқликлар мавжудлиги, бузилиши тўғрисида далолат беради”[9]. Бугунги кунда солиқ органлари камерал солиқ текшируви самарадорлигини бевосита оширишга катта эътибор қаратмоқдалар. Чунки солиқ тўловчилар сонининг ўсиши барча солиқ тўловчиларни сайёр солиқ текширувлари билан тўлиқ қамраб олишга имкон бермайди. Бунинг сабаби, жойлардаги солиқ текширувлари энг кўп меҳнат ва вақт талаб қилади, шунинг учун, солиқ назоратининг бу шакли солиқ тўловчиларнинг оз сонини қамраб олади.

Камерал солиқ текшируви бўлмаган тақдирда, солиқ ҳисоботларини тақдим этаётган солиқ тўловчилар назоратсиз қоладилар. Айнан камерал солиқ текшируви ёрдамида солиқ органлари солиқ тўловчиларга ўзларини назорат қилиш ҳиссини бериб, уларнинг қонунчиликка ва солиқларни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилишади. Хусусан, камерал солиқ текширувининг асосий мақсади солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, солиқ бузилишларини аниқлаш ва олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун айбдорларни солиқ ва маъмурий жавобгарликка тортишдир.

Камерал солиқ текширувининг ўтказилиши солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ тўловлари бўйича ҳисоботларни ва ҳисоб-китобларни топшириш муддатлари билан белгиланади. Шундай қилиб, қоида тариқасида, солиқ тўловчи фаолиятининг жорий йилидаги солиқ даврлари камерал солиқ текшируви назоратидан ўтказилади. Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва ҳужжатлар асосида амалга оширилади, бу солиқни ҳисоблаш ва тўлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, солиқ органи солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ҳужжатлардан ҳам фойдаланиши мумкин (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотлари).

Овчаров Е.В фикрича камерал солиқ текширувининг биринчи босқичи солиқ ҳисоботларини қабул қилиш пайтида амалга оширилади ва солиқ тўловчи солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ ҳисоботини тақдим этишининг тўлиқлигини назорат қилишдан иборат. Бу назорат солиқ ҳисоботларини қабул қиладиган солиқ тўловчилар билан алоқалар бўйича мутахассис томонидан амалга оширилади[10].

Глухов В.В. мавзу доирасида “камерал солиқ текширувининг иккинчи босқичида тақдим этилган солиқ ҳисоботининг визуал назорати амалга оширилади, бу эса керакли маълумотларни тўлдиришнинг тўлиқлиги ва равшанлигини, зарур имзоларнинг мавжудлигини назарда тутди. Шундай қилиб, ушбу текшириш даврида, бўлим мутахассиси, солиқ тўловчи учун солиқ декларациясини тузган солиқ тўловчилар билан ишлашга мувофиқ, барча керакли реквизитлар мавжудлигини назорат қилади: солиқ тўловчининг исми, ИНН, ҳужжат топширилган солиқ даври ва бошқалар” [11] деб юқоридаги фикрларни давомини баён қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 138-модда. Камерал солиқ текшируви қисмида “Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисобга олиш ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва ҳисобга олиш ҳужжатларига доир тушунтиришларни, шунингдек солиқ ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда сўраб олиши мумкин.

Сўралган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига тегишли сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак. Сўралган ҳужжатларни тақдим этиш муддати солиқ тўловчининг ҳужжатлар тақдим этиши учун сабаблари ва зарур бўлган муддатлари кўрсатилган аризасига кўра солиқ органи томонидан узайтирилиши мумкин”[1].

Солиқ таҳлили усулларида фойдаланиб, камерал солиқ текширувини ўтказиш зарурияти солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган асосий солиқ таҳлилининг ҳисоб-ахборот таъминоти ҳисобланадиган молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоботлари маълумотларига таяниб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармонида мувофиқ давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланган бўлиб [12], Ўзбекистон

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 августдаги 2018-68-сон қарорига илова “Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳавфини таҳлил этиш тизими жорий этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”га мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳавфини таҳлил этиш тизими давлат солиқ хизмати органларида амалиётга жорий этилган «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти орқали тадбиркорлик субъектларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳавфини автоматик тарзда инсон омили аралашмаган ҳолда таҳлил қилиш амалиёти жорий қилинган[13].

Бугунги кунда солиқ органлари томонидан солиқ текширувлари таҳлика таҳлил методикаси асосида ҳар бир солиқ тури ва ҳўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолиятини мезонларга асосан баҳоланади. Солиқ хавфларини таҳлил қилиш “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” (Таҳлика-таҳлил) автоматлаштирилган дастурий маҳсулоти ёрдамида амалга оширилади. Дастур орқали солиқ хавфи даражаси солиқ хавфи мезонлари асосида 1 дан 100 гача балл бериш йўли билан аниқланади. Агар:

- 81 баллдан 100 баллгача тўплаган солиқ тўловчилар - юқори ҳавф (қизил йўлак) ҳисобланиб, уларга солиқ аудити тайинланади;

- 30 баллдан 80 баллгача тўплаган солиқ тўловчилар ўрта ҳавф (сарик йўлак) бўлиб, уларга камерал солиқ аудити тайинланади;

- 1 баллдан 29 баллгача тўплаган солиқ тўловчилар паст ҳавф (яшил йўлак) бўлиб, уларга назорат тадбири тайинланмайди.

Аслида камерал солиқ текшируви қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

- солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори ёки ўртача бўлганда;

- солиқ органига жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мурожаатлари келиб тушганда;

- солиқ ҳисоботидаги хато ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги тафовутлар аниқланганда [2].

Камерал солиқ текширувлари натижасида аниқланган энг юқори ҳавфга эга солиқ тўловчиларга эса солиқ аудити тайинланади. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2020 йилда ўтказилган солиқ аудитлари тўғрисида ҳудудлар бўйича маълумотга эътиборингизни қаратмоқчимиз (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2020 йилда ўтказилган солиқ аудитлари тўғрисида ҳудудлар бўйича маълумот, млрд.сўм

№	Худуд номи	Ўтказилган солиқ аудитлари сони	шундан		Қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар	шундан		Қўлланилган молиявий жарималар	шундан	
			Тугатиш тартибиде	Жиноят ишлари бўйича		Тугатиш тартибиде аудитларда	Жиноят ишлари бўйича аудитларда		Тугатиш тартибиде аудитларда	Жиноят ишлари бўйича аудитларда
	<b>ЖАМИ</b>	<b>12423</b>	<b>10581</b>	<b>1842</b>	<b>1 385,2</b>	<b>179,7</b>	<b>1 205,5</b>	<b>1 620,5</b>	<b>49,2</b>	<b>1 571,3</b>
1	Қорақалпоғистон Р	684	626	58	15,2	5,0	10,2	19,1	5,4	13,7
2	Андижон вилояти	1165	1090	75	39,2	6,9	32,4	63,6	1,7	61,9
3	Бухоро вилояти	1186	1096	90	114,9	7,3	107,5	170,0	3,7	166,2
4	Жиззах вилояти	522	455	67	229,9	2,3	227,5	63,6	0,3	63,3
5	Қашқадарё вилояти	404	226	178	66,4	8,9	57,5	108,9	0,2	108,7
6	Навоний вилояти	478	443	35	11,6	0,9	10,7	13,9	0,1	13,8
7	Наманган вилояти	505	415	90	49,8	14,9	34,9	62,3	0,8	61,5
8	Самарқанд вилояти	496	406	90	33,1	1,6	31,5	28,5	0,2	28,3
9	Сурхондарё вилояти	853	777	76	35,6	1,6	34,0	34,1	0,6	33,5
10	Сирдарё вилояти	683	610	73	126,5	4,3	122,2	96,0	0,4	95,6
11	Тошкент вилояти	852	617	235	128,8	5,0	123,8	193,4	0,5	193,0
12	Фарғона вилояти	1096	890	206	91,6	8,3	83,3	89,3	0,9	88,3
13	Хоразм вилояти	1330	1244	86	30,8	4,7	26,1	27,9	1,3	26,7
14	Тошкент шаҳри	2051	1676	375	259,3	34,3	225,0	503,5	32,1	471,3
15	ЎСТХДСИ	118	10	108	152,4	73,5	78,9	146,4	1,0	145,4

*Манба:* Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида томонидан тайёрланди.

1-жадвалда давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2020 йилда ўтказилган солиқ аудитлари тўғрисида ҳудудлар бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, жами ўтказилган солиқ аудитлари сони 12423 тани ташкил этган. Олиб борилган солиқ аудитларидан 10581 таси

тугатиш бўлса, 1842 таси бўйича жиноят аниқланган. Қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар миқдори 1 385,2 млрд.сўмни ташкил этиб, қўлланилган молиявий жарималар миқдори 1 620,5 млрд.сўмни ташкил қилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ўтказилган солиқ аудитларининг миқдорини ҳудудлар кесимида қаралганда, Тошкент шаҳрида 2051 марта ўтказилган бўлса, Қашқадарёда энг кам текширув, яъни 404 та солиқ аудити ўтказилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Олиб борилган солиқ аудитларидан Тошкент шаҳрида 1676 таси тугатилган бўлса, 375 таси бўйича жиноят аниқланган. Қашқадарёда эса мос равишда 226 таси тугатилиб, 178 тасида жиноят аниқланган.

Кўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар бўйича йирик миқдорини Тошкент шаҳрида 259,3 млрд.сўмни, Жиззах вилоятида эса 229,9 млрд.сўмни ташкил қилган. Қўлланилган молиявий жарималар миқдори катталиги кесимида Тошкент шаҳри бўлиб, 503,5 млрд.сўм молиявий жарималар қўлланилган.

Олиб борилган тадқиқотлардан шуни англаш мумкинки, камерал солиқ текширувида солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молиявий ҳисобот ва солиқ ҳисоботлари, улар томонидан амалга оширилган молиявий характердаги барча фаолиятлари асосида таҳлиллар амалга оширилади. Солиқ таҳлилнинг таққослама ва солиштирма каби анъанавий усуллари воситасида таҳлилий амаллар бажарилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда солиқ тўловчилар фаолиятини ўрганиш бўйича таҳлика таҳлил дастурий воситасида текширув амаллари амалга оширилмоқда. Солиқ органлари солиқ тўловчининг ўзи томонидан тақдим қилинган маълумотлари, яъни солиқ тўловчининг солиқ идорасига мустақил равишда ёки Давлат солиқ инспекциясига топширган ҳужжатлар асосида солиқ текширувларини амалга оширади.

Камерал солиқ текшируви солиқ органи жойлашган жойда амалга оширилади, бундан солиқ тўловчининг ҳудуд ва биноларини кўздан кечириш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш давомида солиқ органлари Солиқ кодексининг

145-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг ҳудуд ва биноларини кўздан кечириши мумкин.

Ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш тадбирлари солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларида кўрсатилган кўрсаткичлар ва (ёки) маълумотлар ҳамда солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун ўтказилади[2].

**Хулоса ва таклифлар.** Бизнинг фикримизча, камерал солиқ текширувининг асосий босқичлари қуйидаги тарзда амалга оширилиб, кейин хулосаларни шаклантирилиши таҳлилий маълумотларни сифатли бўлишини таъминлайди. Хусусан, солиқ базасини ҳисоблашнинг тўғрилигини текшириш. Ушбу босқичда солиқларни таҳлили ўтказилади, унга қуйидагилар кирди:

- солиқ базасини ҳисоблаш учун зарур бўлган индивидуал кўрсаткичлар ўртасидаги мантиқий алоқани текшириш;

- ҳисобот маълумотларининг ўтган даврнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан солиштириш;

- бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари ва солиқ ҳисоботлари, шунингдек, солиқларнинг ҳар хил турлари бўйича ҳисоботларнинг индивидуал кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги;

- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва солиқ ҳисоботларини солиқ органларида мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларига мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолаш;

- ҳисоботлардаги маълумотларнинг арифметик ҳисобининг тўғрилигини текшириш;

- талаб қилинган солиқ имтиёзларининг ҳақиқийлигини текшириш;

- қўлланиладиган солиқ ставкалари ва имтиёзларининг тўғрилигини, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2021. Адолат.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 апрелдаги 2020-14-сон қарорига ИЛОВА "Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида НИЗОМ"
3. Федеральных законов от 08.06.2015 N 150-ФЗ, от 29.09.2019 N 325-ФЗ, от 20.04.2021 N 100-ФЗ
4. Майбуrow И.А. Налогообложение и налогообложение. 6-издание перевыпущено и заполнено. Москва. Единство-Дана. 2015. -487
5. Попонova Н.А. Учебное пособие / Н.А. Попонova, Г.Г. Нестеров, А.В. Терзиди. – Москва.: Изд-во Эксмо, 2014. С. 251( 624 с.)
6. Муминов Р. "Солиқ назоратини такомиллаштириш масалалари" Biznes-Эксперт. Иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр № 6, 2016.
7. Қурбонов З., Муминов Р. "Солиқ назоратини самарадорлигини ошириш масалалари". Biznes-Эксперт. Иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр № 8, 2016.
8. Майбуrow И. А., Ядренникова Е. В., Мишина Е. Б. [и др.]; Налоги и налогообложение: учебник. под ред. И. А. Майбуrowa. – 6-е изд. – Электрон. текстовые данные. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. – 487 с
9. Баташев Р.В. "Камеральные налоговые проверки: результативность и проблемные аспекты реализации" Московский экономический журнал 12/2019 с. 14
10. Овчаров Е.В. Ответственность налогоплательщиков по результатам налоговых проверок: учеб. пособие / Е.В. Овчаров. – Москва: 85 Бухгалтерский учет, 2016. (с. 79) 290 с.
11. Глухов В.В., Дольде И.В., Некрасова Т.П. Налоги. Теория и практика, - Санкт-Петербург, 2011. - 83 с.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармон.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 августдаги 2018-68-сон қарорига илова "Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ"



ИЖТИМОЙ СОЛИҚНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Хотамов Комил Раббимович -**  
И.ф.д., профессор ДСҚ ҳузуридаги Фискал институт  
**Аминбоев Жалолiddин Отабек ўғли -**  
Тошкент молия институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом бўйича таннархни тўғри шакллантириш билан боғлиқ айрим масалалар баён қилинган. Хусусан, ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва уни қандай харажат сифатида акс эттирилиши бўйича амалиётдаги муаммолар кўрсатиб берилган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ кодекси, харажатлар таркиби тўғрисидаги низом, ижтимоий солиқ, давр харажатлари, бевосита меҳнат харажатлари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарлари.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ УЧЕТ СОЦИАЛЬНОГО НАЛОГА

**Хотамов Комил Раббимович -**  
Д.э.н., профессор Фискальный институт при ГНК  
**Аминбоев Жалолiddин Отабек ўғли -**  
Ташкентский финансовый институт

**Аннотация.** В данной статье описаны некоторые вопросы, связанные с правильным формированием себестоимости в соответствии с Положением «О структуре затрат на производство и реализацию товаров (работ, услуг) и порядке формирования финансовых результатов», утвержденным постановлением Кабинетом Министров Республики Узбекистан от 5 февраля 1999 г. № 54. В частности, описаны практические проблемы по исчислению социального налога и его отражение в качестве расхода, также разработаны предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** Налоговый кодекс, положение о составе затрат, социальный налог, расходы периода, прямые затраты на оплату труда, международные стандарты финансовой отчетности.

SOME ISSUES OF ACCOUNTING SOCIAL TAX

**Khotamov Komil Rabbimovich -**  
Professor Fiskal institute  
**Aminboev Jaloliddin Otabek ugli -**  
Tashkent institute of financial

**Annotation.** This article describes some issues related to the correct formation of net cost in accordance with the Regulation "On structure of costs for production and sale of goods (works, services) and procedure for the formation of financial results", approved by resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, February 5, 1999, N 54. In particular, describe the practical problems of calculation the social tax and its reflection as an expense, proposals for their elimination have also been developed.

**Keywords:** Tax Code, regulation on composition of costs, social tax, period expenses, direct labor costs, international financial reporting standards.

**Кириш.** Давлат иккита ричакли оддий механизм бўлиб, битта ричаг билан монетар сиёсатни иккинчи бир ричаг билан фискал (солиқ) сиёсатни юритади. Бунда, монетар сиёсатни юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, фискал сиёсатни юритиш эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда сўнги 5 йил давомида амалга оширилган ислохотлар солиқ сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар ясади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони билан амалга

оширилиши белгиланган ислохотлар доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга, мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга, ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 4 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди ҳамда, солиқ ставкаси 22,5 фоизгача бўлган 4 поғонали даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон Фармони билан 20 йил давомида пасайтирилмаган қўшилган қиймат солиғининг солиқ ставкаси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 5 фоизга камайтирилган ҳолда 15 фоиз этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 599-сон ЎРҚ Қонуни билан 2020 йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси нормаларининг амалга киритилиши хўжалик юритувчи субъектлар харажатларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттиришда айрим масалаларни келтириб чиқарди.

**Адабиётлар шарҳи.** Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сўтлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” (рўйхат рақами 1181, 2002 йил 23 октябрь)га асосан хўжалик юритувчи субъект ўзингиз “Ишчи сўтлар режаси”ни тайёрлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган солиқлар бўйича солиқ харажатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида маҳсулот (ишлар, хизматлар)лар таннархига киритиш ёки киритмаслик мазкур “Ишчи сўтлар режаси”ни тўғри шакллантириш

билан боғлиқ бўлади десак адашмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида ягона ижтимоий тўлов ўрнига тегишинча ижтимоий солиқ киритилганлиги ҳамда уларнинг тўловчиларига қонун ҳужжатларида илгари белгилаб қўйилган имтиёзлар ва алоҳида ҳисоблаш тартиби татбиқ этилиши назарда тутилган.

Биз томонимиздан олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, айнан ижтимоий солиқнинг бухгалтерия ҳисоби доирасида олиб борилган тадқиқотлар деярли учрамайди. Бироқ амалиётда бу солиқнинг бухгалтерия ҳисоби корхона харажатларининг нотўғри тақсимланишига олиб келмоқда.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон қонуни билан ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ киритилди. Бу ўзгариш ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини тўғри шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтириб чиқармоқда.

### 1 - жадвал

#### Солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Сумма	Сўтлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Асосий фаолиятда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи фондига нисбатан ижтимоий солиқ ҳисобланди	1 000 000	9430	6410
2	Асосий фаолиятдаги ишчиларнинг иш ҳақидан ЖШДС ҳисобланди	1 000 000	6710	6410
3	Маъмурий ҳодимлари иш ҳақи фондига нисбатан ижтимоий солиқ ҳисобланди	500 000	9430	6410
4	Маъмурий ҳодимларининг иш ҳақидан ЖШДС ҳисобланди	500 000	6710	6410
5	Мол етказиб берувчилардан товар харид қилинди. (ҚҚС билан 10 000 000 сўмга)	8 695 650	1010	6010
		1 304 350	4410	
6	Товар харидорларга сотилди. (ҚҚС билан 12 000 000 сўмга)	10 434 800	4010	9010
		1 565 200		6410
7	ҚҚС бюджетга тўланди	1 304 350	6410	4410
		260 850		5110
8	Ҳисобот даврида фойда солиғи бўйича мажбуриятлар ҳисобланди	700 000	9810	6410
9	Ҳисобот даврида АОС бўйича мажбуриятлар ҳисобланди	1 000 000	9820	6410
10	Таврлар харидорга сотилди. (10 % акциз солиғи билан 12 000 000 сўмга)	10 909 000	4010	9010
		1 091 000		6410
11	Ресурс солиқлари бўйича мажбуриятлар юзага келди	1 000 000	9430	6410

**Манба:** 21 сонли БҲМС маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

Амалдаги Низомнинг 1-бандида қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги харажатларга нисбатан ҳисобланган ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмаларига ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари сифатида қаралиб маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркибига киритилади деб белгиланган.

Шунингдек, Низомда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, со-

лиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш каби харажатларни давр харажатлари сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасига мувофиқ республика ҳудудида амалда бўлган 9 та солиқ туридан бири – ижтимоий солиқдир.

Юқоридагиларга асосан, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги харажатларга нисбатан ҳисобланган ижтимоий солиқ суммаси давр харажатлари сифатида эътироф этилади деган қараш юзага келмоқда.

### 2-жадвал

#### Ижтимоий солиқ харажатларини ҳисобда акс эттирилиши (амалдаги тартиб)

№	Ижтимоий солиқ харажатлари бевосита маҳсулот таннархига киритилганда (01.01.2020 йилгача)			№	Ижтимоий солиқ харажатлари давр харажатлари таркибига киритилганда (01.01.2020 йилдан кейин)		
	счётлар корреспонденцияси	сумма			счётлар корреспонденцияси	сумма	
1	2010	1010	10 000	1	2010	1010	10 000
2	2010	6710	2 000	2	2010	6710	2 000
3	6710	6410	240	3	6710	6410	240
4	2010	6520	240	4	9430	6410	240
5	2810	2010	12 240	5	2810	2010	12 000
6	9110	2810	12 240	6	9110	2810	12 000
7	4010	9010	1 300	7	4010	9010	1 300
8	9910	8710	760	8	9910	8710	760

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ларнинг таннархини нотўғри шаклланишига ҳамда инвесторлар томонидан қарорлар қабул қилишда нотўғри таҳлилий маълумотлар шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликлар хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳеч қандай солиқ оқибатларини ўзгартирмайди ва солиқ ҳисоби бўйича амалдаги тартиблар

сақланиб қолади.

Юқоридагилар бўйича асосий муаммо хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бошқарув қарорлари ва нархларни шакллантиришда таннарх базис қилиб олинadиган ташкилотларда, ҳамда молиявий кўрсаткичларини ялпи даромад асосида белгиловчи хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ташқи ва ички фойдаланувчилари учун нотўғри шаклланишига сабаб бўлмоқда.

### 3 - жадвал

#### Ижтимоий солиқ харажатларини ҳисобда акс эттирилиши (таклиф этилаётган тартиб)

№	Ижтимоий солиқ харажатлари давр харажатлари таркибига киритилганда			№	Ижтимоий солиқ харажатлари бевосита маҳсулот таннархига киритилганда		
	счётлар корреспонденцияси	сумма			счётлар корреспонденцияси	сумма	
1	2010	1010	10 000	1	2010	1010	10 000
2	2010	6710	2 000	2	2010	6710	2 000
3	6710	6410	240	3	6710	6410	240
4	9430	6410	240	4	2010	6410	240
5	2810	2010	12 000	5	2810	2010	12 240
6	9110	2810	12 000	6	9110	2810	12 240
7	4010	9010	1 300	7	4010	9010	1 300
8	9910	8710	760	8	9910	8710	760

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарти (IAS 2) “Захиралар”га асосан товар-моддий захираларни қайта ишлаш харажатларига маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар, жумладан *бевосита меҳнат харажатлари* киради. Бевосита меҳнат харажатлари дейилганда ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига мутаносиб ўзгариб борадиган, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи харажатлари назарда тутилади. Бундан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ижтимоий солиқ ҳам бевосита меҳнат харажати деб ҳисобланиши лозим.

**Хулоса.** Биз томонимиздан олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, ижтимоий солиқни ҳисобда тўғри акс эттириш корхоналарда таннарх ёки давр харажатларини оптималлаштириш, давр фойдасини тўғри ҳисоблашга олиб келади.

Шу сабабли, корхоналар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ харажатлари давр харажатлари таркибига эмас бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)лар таннархига киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бир вақтнинг ўзида ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини биз томонимиздан таклиф этилган тартибда таннарх счётларига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/docs/4674011>
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси <https://lex.uz/docs/4674902>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/264422>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни, (ЎРҚ-319-сон 06.01.2012), <https://lex.uz/docs/1931443>

КЎЧМАС МУЛКНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Валиев Мохир Камолович -**  
Кадастр агентлигининг давлат  
кадастрлари палатаси Раиси

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда кўчмас мулкни баҳолаш тизимининг амалдаги ҳолати тадқиқ этилган. Мулкни баҳолаш жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уларни мулкрий муносабатларга таъсири баҳоланган. Замонавий бозор муносабатлари шароитида мулкчилик тизимини ислоҳ қилиш жараёнини оптималлаштириш имкониятлари ўрганилган. Ўзбекистонда мулкрий ислоҳотлар тизимини такомиллаштириш жараёнида кўчмас мулкни баҳолаш жараёнини мулк бозори талабларига мувофиқлаштириш имкониятлари асосланган. Кўчмас мулкни баҳолаш тизимини такомиллаштириш орқали мулкрий ислоҳотлар самарадорлигини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** кўчмас мулк бозори, мулкни баҳолаш тизими, мулкнинг бозор қиймати, мулкни бошқариш, мулк объекти, мулкни тасарруф этиш, мулкчилик муносабатлари.

НАПРАВЛЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СИСТЕМЫ СТОИМОСТИ НЕДВИЖИМОСТИ

**Валиев Мохир Камолович -**  
Председатель Государственной кадастровой  
палаты Кадастрового агентства

**Аннотация.** В статье исследуется современное состояние системы оценки недвижимости в нашей стране. Были оценены существующие проблемы в процессе оценки имущества и их влияние на имущественные отношения. Изучены возможности оптимизации процесса реформирования системы собственности в условиях современных рыночных отношений. В процессе совершенствования системы реформирования собственности в Узбекистане основывается на возможности адаптации процесса оценки недвижимости к требованиям рынка недвижимости. Сформированы научные предложения и практические рекомендации по повышению эффективности реформирования собственности за счет совершенствования системы оценки недвижимости.

**Ключевые слова:** рынок недвижимости, система оценки имущества, рыночная стоимость имущества, управление имуществом, объект собственности, управление имуществом, имущественные отношения.

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE REAL ESTATE VALUE SYSTEM

**Valiev Moxir Kamolovich -**  
Chairman of the State Cadastre  
Chamber of the Cadastre Agency

**Annotation.** The article examines the current state of the real estate appraisal system in our country. Existing problems in the property valuation process and their impact on property relations were assessed. Opportunities to optimize the process of reforming the property system in the context of modern market relations have been studied. In the process of improving the system of property reform in Uzbekistan is based on the possibility of adapting the process of real estate appraisal to the requirements of the property market. Scientific proposals and practical recommendations for improving the effectiveness of property reforms by improving the system of real estate valuation have been formed.

**Key words:** real estate market, property valuation system, market value of property, property management, property object, property management, property relations.

**Кириш.** Бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулкнинг бозор муносабатларига муқаррар равишда жалб этилиши - бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларини ўзида акс этади. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, ҳудудларда кўчмас мулк бозори фаолиятини такомиллаштириш ва бу борада инновацион йўналишларни шакллантириш заруриятини юзага келтирмоқда. Хусусан, COVID-19 пандемияси шароитида иқтисодиётда мулкрий муносабатлар тизимини шакллантириш жараёни, мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларига йўналтирилганлиги сабаб-

ли, мулкрий муносабатлар тизими бу борадаги ташкилий асосни қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтиради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «...пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теп-па-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим»[1].

Юқоридаги қатор ҳолатлар мамлакатимизда кўчмас мулк бозори фаолиятини такомиллаштиришда тубдан янгича ёндашув заруриятини тақозо этади. Мазкур ҳолат мулкчилик соҳасини ислоҳ қилиш тизимида кўчмас мулкни баҳолаш тизимини оптималлаштириш орқали ижтимоий йўналтирилган кўчмас мулк бозори фаолиятини шакллантириш ва устувор объектларга инвестициялар оқимини фаол жалб этиш имкониятини беради. Бу каби қатор ҳолатлар кўчмас мулкни баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари шакллантиришга доир тадқиқотларнинг долзарб аҳамиятга эга эканлигини асослаш учун хизмат қилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Кўчмас мулкни баҳолаш тизимини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар қатор иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган. Хусусан бу борада иқтисодчи олимлардан В.Шеховцов, О.Мастихина, С.Пестенко тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқот жараёнида кўчмас мулк қийматини шакллантиришда бозор омиллари билан бирга нобозор омилларнинг ўрни ҳам кенг миқёсида таҳлил қилинган. Шунингдек, кўчмас мулк қийматининг шаклланиши ва унинг баҳоланишини таҳлил қилиш воситаларини доимий равишда такомиллаштириш орқали кўчмас мулкка сармоя киритиш ва уни ривожлантириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш имкониятларининг ортиб бориш жараёнига устуворлик берилган[2]. Л.Н.Телман тадқиқотларида кўчмас мулк объектларининг таснифи, уларни баҳолаш усуллари кўрсатилган. Турли мамлакатларда мулк қийматини баҳолашнинг амалдаги ҳолати қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мулк қийматини баҳолашнинг кўчмас мулкларнинг бозор қийматини ошириш жараёнига таъсир кўрсатувчи нобозор омилларнинг роли юқори аҳамият касб этади деган хулосага келинади[3]. А.В. Татарова тадқиқотларида кўчмас мулк бозори фаолиятининг назарияси ва амалиёти билан боғлиқ асосий иқтисодий ва бошқарув муаммолари тизимлаштирилган[4].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Р.Х.Алимов, Б.Б.Беркинов, А.Н.Кравченко, Б.Ю.Ходиевлар ўзларининг илмий тадқиқотлари орқали кўчмас мулк бозори ҳақидаги асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти изоҳлаб бердилар. Кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг тамойиллари, андазалари ҳамда ҳуқуқий жиҳатларига асосланган ҳолда кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш усуллари ҳамда алгоритмлари тавсия этилади[5]. Б.Б.Беркинов, Ш.Д.Эргашходжаева, Н.И.Неделькина ўзларининг илмий тадқиқот изланишларида давлат активларига бўлган мулк ҳуқуқлари алмашинуви бўйича трансакцияни амалга ошириш меха-

**Tadqiqot metodologiyasi.** Tadqiqot ishida guruhlash, taqqoslash, analiz, sintez, induksiya, deduktiya va omilli tahlil usullari qo'llanilgan. Xususan, taqqoslash usuli korxonada faoliyatini tahlil qilishning eng asosiy usuli bo'lib, undan moliyaviy natijalar tahlilida ham foydalaniladi. Chunki taqqoslash asosida baholash uchun qo'llaniladigan har bir ko'rsatkich, har bir raqam, nazorat va prognoz xuddi shunday ko'rsatkich bilan taqqoslagandagina ahamiyatli hisoblanadi. Taqqoslash natijasida ishlab chiqarish xarajatlarini tizimli nazorat qilish va har tomonlama baholash imkoni bo'ladi. Guruhlash ayniqsa ishlab chiqarish xarajatlari tahlilida keng qo'llaniladigan usul hisoblanadi. Chunki xarajat tarkibini guruhlash asosida ularning xususiyatlari, asosiy jihatlarini e'tiborga olingan holda tahlil qilish, auditorlik tekshiruvlari sifatini oshishiga imkon beradi.

Ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil qilishda dialektik bilish usullari - analiz va sintezdan foydalaniladi. Mazkur usullar xarajatlar tarkibini bholash va tahlil natijalarini umumlashirishda qo'llaniladi.

Omilli tahlil usuli ishlab chiqarish xarajatlari tahlilida qo'llaniladigan asosiy usul hisoblanadi. Chunki omilli tahlil usuli xarajat ko'rsatkichining

o'zgarishiga ta'sir qiluvchi har bir omillarni hisob-kitob qilishda foydalaniladi. Mazkur usulni qo'llash natijasida xarajatlarni kamaytirish va foyda hajmini oshirish bo'yicha ichki xo'jalik imkoniyatlarini aniqlash imkoni bo'ladi.

**Tahlil va natijalar.** Iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida korxonalarining barqaror faoliyatini ta'minlashda moliyaviy, moddiy va mehnat resurslaridan samarali foydalanish dolzarb masalaga aylanadi. Bu vazifalarni hal etishning asosiy maqsadi ishlab chiqarilayotgan mahsulot tannarxini pasaytirish, uning sifatini yaxshilash va tovar bozoridagi raqobatdoshligini oshirishni ta'minlashdir.

Har qanday ishlab chiqarish jarayonida sarf xarajatlar bo'ladi. Aynan xo'jalik faoliyati davomida olinadigan yakuniy daromad bevosita ishlab chiqarilgan mahsulotga sarflangan xarajatlar miqdoriga bog'liq bo'ladi.

Iqtisodchi olim A. Karimov tahririda tayyorlangan darslikda: "Foyda moddiy ishlab chiqarish sohasida tadbirkorlik faoliyati jarayorida yaratiladi. U iste'molchiga sotilganda tovar bo'lib hisoblanadi"[3] deb yozilgan.


"Mahsulot (ishlar, xizmatlar) ishlab chiqarish

va uni sotish bo'yicha xarajatlar tarkibi va moliyaviy natijalarni tarkib topishi haqidagi" Nizom[4] bo'yicha xo'jalik sybyektlari daromadi tarkibi quyidagilardan tashkil topadi: mahsulot sotishdan, asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar, moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlar hamda favqulodda-gi vaziyatlardan olingan daromadlar.

Xo'jalik yurituvchi subyektlarning faoliyati bevosita xarajatlar bilan bog'liq. Iqtisodchi olimlarning fikricha: "Xarajatlar – hisobot davrida iqtisodiy foydaning aktivlarning chiqib ketishi yoki ulardan foydalanish shaklini kamayishi, shuningdek, qatnashchilar o'rtasida kapitalning kamayishiga olib keluvchi majburiyatlarning yuzaga kelishidir"[5].

Iqtisodchi olimlar B.A.Xasanov va A.A.Xashimovlar tomonidan: "Xarajatlar mahsulotlarni ishlab chiqarish, tovarlarni sotish, ishlar bajarish va xizmatlar ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan sarflarning puldagi ifodasidir"[6] deb ta'rif berilgan.

"Mahsulot tannarxiga kiritiladigan ishlab chiqarish xarajatlari tarkibi va moliyaviy natijalarni shakllanish tartibi to'g'risida"gi Nizom bo'yicha xarajatlar tarkibi quyidagicha bo'linadi (1-chizma).



1-chizma. Xarajatlar tarkibi

**Manba:** Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Bugungi kunda amalda bo'lgan Nizomga muvofiq mahsulot (ish, xizmat)ni ishlab chiqarish xarajatlari tarkibiga kiradigan moddalar sirasiga o'zgarishlar kiritilgan. Mahsulot tannarxiga kiritiladigan xarajatlar tarkibini aniqlashdan maqsad:

1. Buxgalteriya hisobi schyotida jami xarajatlar to'g'ri, da to'liq va aniq ma'lumotlarga ega bo'lish, korxonada faoliyatini rentabelligi va bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatbardoshligini aniqlash.

2. Mahsulot (ish, xizmat)lar tannarxini aniq hisob-kitobini qilish.

3. Mahsulot tannarxiga kiritilmaydigan xarajatlarni alohida tarkiblash va ularni moliyaviy natijaviylikka bog'lash.

4. Ishlab chiqarish xarajatlarini yuzaga chiqishi va javobgarlik markazlari bo'yicha hisobga olish va nazorat qilish.

5. Soliq to'lanadigan bazani aniq hisob-kitobini yurtish va bu orqali ishlab chiqarish xarajatlari

hamda korxonada sarflarini boshqarishni tashkil etishdan iboratdir.

Iqtisodchi olim A. Shoalimovning fikricha: "Xarajat – bu mahsulotlarni ishlab chiqarish, tovarlarni sotish va xizmatlar ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan sarflarning puldagi ifodalanishidir"[7].

Iqtisodchi olim N.N. Selezneva va A.F. Ionovlar tomonidan[8] ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil etishning asosiy vazifalari quyidagi 2-chizmada ko'rsatilgan.

1-jadval ma'lumotlari shuni ko'rsatadiki, tahlil etilayotgan "G'alla-Alteg" aksiyadorlik jamiyatida bir so'mlik mahsulot uchun qilingan xarajat 2020-yil boshida 82,82 tiyinni, 2020-yil oxirida esa 88,82 tiyinni tashkil qilgan holda 6 tiyinga yoki 7,24 foizga oshgan. Demak korxonada bir so'mlik tovar mahsuloti uchun qilingan xarajatlar ko'payishiga sabab ishlab chiqarilgan mahsulotlar hajmini oshishi sabab bo'lgan.

<b>Ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil etishning asosiy vazifalari</b>
Ishlab chiqarish harajatlari dinamikasini o'rganish, o'zgarish sabablarini aniqlash
Ishlab chiqarish harajatlarini iqtisodiy elementi va kal'kulyatsiya moddalari bo'yicha bazis davriga nisbatan o'zgarishini aniqlash
Ish haqi, materiallar harajatlarini o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillarni hisoblash
Mahsulotning ayrim turlari bo'yicha harajat moddalarini o'zgarish sabablarini aniqlash
Tannarxni pasaytirish imkoniyatlarini aniqlash

**2-chizma. Ishlab chiqarish xarajatlarini kompleks tahlil etishning asosiy vazifalari**

*Manba:* Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Korxonada 2020-yil oxirida 2020-yil boshiga nisbatan bir so'mlik mahsulot uchun qilingan xarajatni 6 tiyinga oshishi hisobiga bo'yicha ortiqcha xarajatlarni sarf qilinishi 1558122786 ming so'mni

tashkil etgan. Buning hisob-kitobi quyidagicha amalga oshirilgan:  $+6 \times 259687131 = +1558122786$  ming so'm.

**1-jadval**

**“G’alla-Alteg” aksiyadorlik jamiyatida bir so'mlik mahsulot uchun qilingan xarajatlar tahlili**

T.r.	Ko'rsatkichlar	2020 yil boshi	2020 yil oxiri	Farqi (+,-)	O'sish sur'ati, %
1.	Mahsulot ishlab chiqarish tannarxi, ming so'm	197966578	230662325	32695747	116,5
2.	Mahsulot sotishdan sof tushum, ming so'm	239023335	259687131	20663796	108,64
3.	Bir so'mlik mahsulot uchun qilingan xarajat, tiyin 1/2	82,82	88,82	6	107,24

*Manba:* «G’alla-Alteg» AJ moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisoboti ma'lumotlari asosida tuzildi.

Endi bir so'mlik tovar mahsuloti uchun qiluvchi omillarni hisob-kitobini ko'rib chiqamiz qilingan xarajatlar hajmini o'zgarishiga ta'sir (2-jadval).

**2-jadval**

**Bir so'mlik tovar mahsuloti uchun qilingan xarajatlar hajmiga ta'sir etuvchi omillarni zanjirli almashtirish usuli orqali hisob-kitobi (Omillar balansi: +6)**

Hisob	Almashtirish	Hisob formulasi tarkibiga kiruvchi omillar		Pirovard natija - Bir so'mlik mahsulot uchun qilingan xarajat (1u/2u), tiyin	Oldingi hisobga nisbatan farq (+,-)
		Mahsulot ishlab chiqarish tannarxi	Mahsulot sotishdan sof tushum		
A	V	1	2	3	4
1	-	197966578	239023335	82,82	-
2	1	230662325	239023335	96,50	13,68
3	2	230662325	259687131	88,82	-7,68

*Manba:* «G’alla-Alteg» AJ moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisoboti ma'lumotlari asosida tuzildi.

2-jadval ma'lumotlaridan ko'rinishicha, tahlil obyektida Bir so'mlik mahsulot uchun qilingan xarajat 6 tiyinga ko'paygan. Bu o'zgarish quyidagi omillar ta'sirida sodir bo'lgan:

1 Mahsulot ishlab chiqarish tannarxi hajmini 32695747 ming so'mga ko'payishi natijasida bir so'mlik tovar mahsuloti uchun qilingan xarajatlar 13,68 tiyinga ko'paytirgan.

2. Mahsulot sotishdan sof tushum 20663796 ming so'mga oshishi bir so'mlik tovar mahsuloti uchun qilingan xarajatlarni -7,68 tiyinga kamaygan.

Shunday qilib, barcha omillar ta'siri natijaning umumiy o'zgarishiga teng:  $13,68 + (-7,68) = +6$  tiyin.

Korxonada bir so'mlik tovar mahsuloti uchun qilingan xarajatlarni oshishi asosan ishlab chiqarilgan mahsulotlar hajmini va unga mutanosib ravishda ishlab chiqarilgan mahsulotlar tannarxini oshishi hisobiga bo'lgan. Jamiyat kelgusida xarajatlarni kamaytirish bo'yicha kerakli tadbirlarni amalga oshirishi lozim. Bu esa o'z navbatida rentabellik ko'rsatkichlarini oshishiga imkon beradi.

Xo'jalik subyektlarida ishlab chiqarish xarajatlari auditi jarayonida mahsulotlar rentabellik darajasini tahlil qilish muhim masala hisoblanadi. Mahsulotlar rentabelligini tahlil qilishdan maqsad ishlab chiqarishni rekonstruksiya qilish, zamonaviy yangi texnikani joriy etish orqali mahsulotning raqobatbardoshligini oshirish, ishlab chiqarish xarajatlarini pasaytirishdan iborat.

Mahsulotlar rentabelligi bir so'mlik sof tushumga to'g'ri keluvchi xarajat birligini ko'rsatadi. Ushbu rentabellik darajasini o'sishi mahsulot tannarxini pasayishi va mahsulot rentabelligini oshishidan dalolat beradi.

Iqtisodchi olimlar A.X. Shoalimov va Sh.I. Ilxamovlar[9] tomonidan mahsulotlar rentabellik darajasi quyidagicha aniqlanishi tavsiya qilingan:

Mahsulotlar rentabelligi = Mahsulotlarni ishlab chiqarish tannarxi / Mahsulotlar sotishdan tushgan sof tushum.

Iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent S.P. Polevanovning fikricha, ishlab chiqarish xarajatlarini hisobi xo'jalik yurituvchi subyektlar ichki extiyojlari va tannarxni aniqlash uchun xizmat qiladi[10].

Korxonada barcha turdagi mahsulotlarni yuqori rentabellik bilan ishlashini ta'minlash maqsadida rentabelligi past va zarar keltiradigan mahsulotlar kelkulyatsiyasini chuqur tahlil etish talab etiladi.

**Xulosa va takliflar.** Mamlakatimizda iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida xo'jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarish xarajatlarining to'g'ri, o'z vaqtidagi buxgalteriya hisobini yo'lga qo'yish, auditorlik tekshiruvidan o'tkazish va tahlil qilish shuningdek, moddiy, mehnat hamda moliyaviy resurslardan oqilona foydalanish ustidan qattiq nazoratni tashkil etish mahsulot tannarxini pasaytirishning eng muhim yo'llaridan hisoblanadi.

Auditorlik faoliyatida iqtisodiy tahlil usullaridan foydalanish auditor uchun auditni har tomonlama sifatli o'tkazishga, audit riskini minimallashtirishga va korxonada faoliyati bilan bog'liq muammolarni aniqlashda hamda shunga mos ravishda mijoz uchun asosli takliflarni ishlab chiqishga imkon yaratadi. Tahliliy amallarning samaradorligi ko'p ji-

hatdan usullarni to'g'ri tanlanishidan, ko'rsatkichlar tarkibini belgilashdan va tahlilni o'tkazish ketma-ketligiga bog'liq. Shu bilan birga tahliliy amallardan ichki auditorlik xizmati samaradorligini oshirishda foydalanilishi mumkin. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida xo'jalik subyektlari faoliyati barqarorligini oshishida moliyaviy intizomga rioya qilish asosiy omillardan biri hisoblanadi. Bu esa albatta mahsulot ishlab chiqarish xarajatlarini to'g'ri sarflanishiga bog'liqdir. Aynan bir so'mlik mahsulot ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil etilishi korxonalarda tejamkorlikning yuzaga kelishida, ortiqcha chiqimlarni oldini olishda alohida o'rin tutadi. Mahsulot ishlab chiqarish xarajatlarini tahlil qilish ichki imkoniyatlardan foydalanishga hamda xo'jalik faoliyatini samaradorligini oshirish bo'yicha amaliy takliflar ishlab chiqishga imkon beradi. Shu boisdan ishda: "G'alla-Alteg" AJda mahsulot ishlab chiqarish xarajatlarini o'zgarishiga ta'sir qimluvchi omillarni hisoblash hamda ichki imkoniyatlar aniqlash hamda oshirish bo'yicha amaliy tavsiyalar berildi.

Tadqiqotlar natijasida korxonada mahsulotlarni ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirishning asosiy manbalari sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- korxonaning ishlab chiqarish quvvatlaridan to'liq foydalanish asosida mahsulot hajmini oshirish;
- mehnat unumdorligini oshirish, xom ashyo va materillar elektr energiya, yoqilg'i, uskunalardan iqtisod rejimiga rioya qilgan holda foydalanish, unumsiz xarajatlarni bartaraf qilish, brakka yo'l qo'ymaslik hisobiga ishlab chiqarish xarajatlarini qisqartirish.

Mahsulot ishlab chiqarish hajmini oshirish imkoniyati ishlab chiqarish dasturi bajarilishini tahlil qilish orqali aniqlanadi. Mahsulot hajmining ortishi tufayli xarajatlarning o'zgaruvchan qismi (ishchilarning ish haqi, material xarajatlar va boshqalar) ortgan holda, xarajatlarning o'zgarimas qismi turgan holatda saqlanadi, shuning uchun tannarx pasayishiga erishiladi.

Xarajatlarni qisqartirish imkoniyati har bir xarajat modalari bo'yicha innovatsiyalarni qo'llash orqali, ish haqi, xom ashyo, material, energiyalarni qisqartiriliga erishiladi. Materiallar xarajatlarini qisqartirish rejalashtirilgan mahsulot hajmi bo'yicha material xarajatlarini pasaytirish rezervlari yangi texnologiya va boshqa choralarni qo'llash orqali aniqlanadi.

Mahsulot ishlab chiqarish hajmining oshirish imkoniyatlari bo'yicha qo'shimcha xarajatlar mahsulotning har bir turi bo'yicha aniqlanadi. Rezervlarni bunday tartibdagi hisob-kitobi mahsulotning har bir turi, imkoniyat chegarasida innovatsiya choralari bo'yicha ham alohida aniqlanishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Tadqiqotlar natijasida ishlab chiqarish xarajatlari tahlili bo'yicha berilgan takliflarni amaliyotga

joriy qilish korxonalar iqtisodiy samaradorligini oshirish imkonini beradi.

Mazkur tavsiyalarni korxonaning amaliy faoliyatida qo'llanishi moliyaviy holatiga aniq tashxis qo'yish, samaradorlikni oshirish, ularning raqobat-

bardoshligini ta'minlash, bankrotlik holatini oldini olish, moliyaviy salohiyatini ko'tarish va moliyaviy barqarorligini ta'minlash imkonini beradi deb hisoblaymiz.

**Manba va adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3946-son qarori. 2018 yil 19 sentyabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4611-son qarori. 2020 yil 24 fevral.
3. Karimov A.A. va boshqalar. Buxgalteriya hisobi. Darslik.-T: Sharq, 2004.
4. Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risidagi Nizom. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qarori. 5.02.1999 №54 son.
5. Vahabov A., Ishonqulov N., Ibrohimov A. Darslik. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. –T.: Iqtisod-moliya 2013.
6. Xasanov B., Xashimov A. Boshqaruv hisobi. Darslik. –T.: Cho'lpon, 2013. -23 b.
7. Shoalimov A.X., va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –T.:Lesson-press, 2016.
8. Selezneva N.N., Ionova A.F. Finansoviy analiz. Uchebnik. –M.: Infra-M, 2017.
9. Shoalimov A.X., Ilxatov Sh.I., Tojiboyeva Sh. A. Iqtisodiy tahlil. Darslik. –T.:Sano-standart, 2017. -114 b
10. Поленова С.П. Взаимосвязь производственных затрат в управленческом и финансовом учете. Управленческий учету 8(224) 2008.
11. Aryantini S. & Jumono S. (2021). Profitability and value of firm: An evidence from manufacturing industry in Indonesia. Accounting, 7(4), 735-746. <http://leeds-faculty.colorado.edu/jere1232/Harrigan%20and%20Wing%20Corporate%20Renewal%20SI.pdf>.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК  
ФАОЛИЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ - СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Гойибназаров Баҳодир Каримович** -  
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Шарипов Бобур Анвар ўғли** -  
Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти  
мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни чет эл тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш йўллари, шунингдек, турли мамлакатлар миллий иқтисодиёти инвестиция салоҳиятини оширишда алоҳида ўрин тутувчи бу хўжалик юритиш шаклларининг статистикаси ҳолати баён қилинган.

**Таянч иборалар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, иқтисодиёти тармоқлари, инновацион ривожланиш, кичик корхоналар, маҳаллий минерал хом ашё, моддий-техник, меҳнат ресурслари, ички бозор сиғими.

ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Гойибназаров Баҳодир Каримович** -  
Доктор экономических наук, профессор  
**Шарипов Бобур Анвар оглы** -  
Обучение персонала и  
Институт статистических исследований  
независимый искатель

**Аннотация:** В статье рассмотрены пути развития малого бизнеса и частного предпринимательства в нашей стране с использованием зарубежного опыта, а также состояние статистики этих форм хозяйствования, которые занимают особое место в повышении инвестиционного потенциала национальной экономики разных стран.

**Ключевые слова:** малый бизнес, частное предпринимательство, отрасли экономики, инновационное развитие, малый бизнес, местные полезные ископаемые, логистика, трудовые ресурсы, емкость внутреннего рынка.

ECONOMIC-STATISTICAL ANALYSIS OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Goyibnazarov Bahodir Karimovich** -  
Doctor of Economics, Professor  
**Sharipov Bobur Anvar ogly** -  
Staff training and Institute for Statistical  
Research independent researcher

**Abstract:** The article considers the ways of development of small business and private entrepreneurship in our country using foreign experience, as well as the state of statistics of these forms of management, which occupy a special place in increasing the investment potential of the national economy of different countries.

**Keywords:** small business, private entrepreneurship, economic sectors, innovative development, small business, local minerals, logistics, labor resources, domestic market capacity.

**Кириш.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омидир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги икки ярим йилда республикаимиз Президентининг эликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Улар асосида жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари

ташқил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди. Шунингдек, барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга кўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташқил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди



Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш имконияти - оммавий ташаббуслар бу хўжалик юритиш шакллари муваффақиятли ривожлантиришнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, биринчи навбатда, аҳолини иш билан таъминлайдиган муассаса ҳисобланиб, ўз фаолияти учун ўзи қулайликлар яратади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти инқироз ҳолатидан олиб чиқиш имкониятига эга бўлиб, кичик ва ўрта компаниялар учун мобиллик ва мослашувчанлик, аҳоли бандлиги соҳасидаги салбий жараёнларни юмшатиш имконини кенгайтиради, уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаши мумкин ҳамда йирик корхоналарда ишчи ўринлари, шунингдек, янги бозор жойларини яратиш ва иқтисодий ўсишга сезиларли даражада ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4417-сонли қарори ҳам бу йўналишдаги тадбирнинг мантқиқий давомидир[1]. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам олиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш бўйича электрон ҳужжат айланиши схемаси тизими жорий этилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2507-сонли қарори[2] ҳуқуқий асос бўлди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳозирги кундаги статистик ҳолати ва уни ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳолатини баҳолашнинг асосий йўналишлари ва усулларини аниқлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича статистик маълумотларни тўплашни ташкил этиш, статистик маълумотларни тўплашнинг асосий кўрсаткичлари, статистик маълумотларни тўплаш учун кичик бизнесни аниқлашнинг асосий мезонлари, шу-

нингдек, тадбиркорлик фаолияти ҳолатини таҳлил қилишда жаҳон рейтингларидан фойдаланиш лозим. Шу талаблардан келиб чиқиб, тадқиқот натижаларига кўра, халқаро талаблар умумлаштирилди, мамлакатда кичик бизнес ҳолатини баҳолаш учун бу тоифадаги субъектлар бўйича статистик маълумотларни тўплашнинг асосий йўналишлари ва усуллари аниқланди.

**Адабиётлар таҳлили.** Профессор Ё.Абдуллаевнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари 1-қисм 100 савол ва 100 жавоб” китобида замонавий иқтисодий шароитда тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ҳақида кенг мулоҳазалар олиб борилган. Тадбиркорликни ўлчаш ва тадқиқ қилиш учун статистика услубиятини ишлаб чиқиш кўплаб статистик идоралари ва халқаро ташкилотлар учун фаолиятнинг устувор йўналишига айланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик статистикаси бўлмаса, бозор ҳолатининг аниқ миқдорий хусусиятларини олиш ва уларнинг тадқиқот ва прогнозларини амалга ошириш мумкин эмас. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик статистикаси кўрсаткичларининг статистик тузилмасини тушунмаслик ва бозорнинг миқдорий хусусиятлари бўйича статистик тадқиқот ўтказмаслик ҳолатларида ҳар қандай кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жиддий зарар етказиши мумкин[7].

Фақат статистик кўрсаткичларни қайта ишлаш усулларини қўллаш, бизнес муҳити ҳақидаги турли маълумотлар иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва тегишли хўжалик юритиш шакллариининг ривожланиш жараёнларини яхшироқ тушуниш, унинг истиқболларини баҳолашда асос бўлиши керак. Таққослама статистик маълумотлар тизими ва ишончли ахборот базаси мамлакатимизда кичик тадбиркорлик ҳолатини баҳолаш ва кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатининг йўналишларини белгилаш учун зарур шарт ҳисобланади [8].

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда (1-расм). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик статистикаси вазифаларига қуйидагилар киради[9]:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини статистик кузатишни ташкил этиш ва ўтказиш учун методика ва инструментарияни (кузатув шакллари, уларни тўлдириш бўйича кўрсатмалар) ишлаб чиқиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қай тарзда кузатиш усулларини статистик амалиётга жорий этиш, унинг дастурлари ва услубиятини доимий такомиллаштириб бориш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни ташкил этиш, услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

– рўйхатга олинган барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўз ичига олган статистик кузатув объектларининг умумий жамланмасини шакллантириш;


– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичларини аниқлаштириш ва қўшимча ҳисоблаш учун ахборот базасини яратиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари, маъмурий-худудий тузилмалар бўйича фаолиятини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

– мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини аниқлаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ресурс салоҳиятини аниқлаш ва самардорлигини статистик баҳолаш.

**Тадқиқот методологияси.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш уларни аниқлашнинг алоҳида мезонларини талаб қилади. Бунда қисқа муддатли режалаштириш устуворлиги, ишлаб чиқариш жараёнида (бир шахс ҳам эга, ҳам менежер) тадбиркорнинг алоҳида роли, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, у ўз маблағларини молиялаштириши каби (ўрта, йирик, кичик бизнес) сифат хусусиятлари маълум. Аммо, статистик тадқиқотлар ва кичик бизнесни ривожлантириш прогнозлари учун фақат сифат мезонларидан фойдаланиб, миқдорий кўрсаткичларнигина қўллаш мумкин[9].



**1-расм. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари[12]**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик статистикаси маълумотлари давлат бошқаруви органлари, тадбиркорлар бирлашмалари, илмий ташкилотлар томонидан қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

1) макроиқтисодий даражадаги иқтисодий фаолият натижаларини, асосий агрегатларнинг ҳисоб-китобларини ва иқтисодиётни ривожлантириш прогнозларини тузиш учун;

2) кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини аниқлаш;

3) давлат бюджетига тушумларни режалаштириш мақсадида солиқлар ва йиғимлар ҳисобланади.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Халқаро статистика амалиётида кичик бизнес субъектларини ўлчаш учун ягона халқаро мезонлар мавжуд эмас. "Кичик бизнес" тушунчаси ҳар бир мамлакатларда шу мамлакат иқтисодиётининг тузилишига ва кичик бизнес фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларга боғ-

лиқ ҳолда қўлланилади. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда "кичик бизнес" ёки "кичик бизнес корхоналари" атамалари кенг тарқалган, Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида ва Японияда "кичик ва ўрта корхоналар" атамаси тез-тез ишлатилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналар ўрта ва кичик корхоналарга ажратилган [3].

Тадбиркорлик йўналишидаги кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари ҳолати таҳлили кўрсатишича, 1000 аҳолига кичик ва ўрта корхоналар сони, масалан, АҚШда 20 тадан тўғри келса, кичик ва ўрта корхоналарнинг ЯИМдаги ҳиссаси 62 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Канадада 33 тага ва 27 фоизга, Австралияда 40 тага ва 35 фоизга, Японияда 45 тага ва 55 фоизга, Малайзияда 21 тага ва 47 фоизга, Чехияда 85 тага ва 35 фоизга, Венгрияда 55тага ва 50 фоизга, Буюк Британияда 27 тага ва 53 фоизга ҳамда Россияда 39 тага ва 21 фоизга тўғри келади (1-жадвал).

Турли мамлакатларда тадбиркорлик йўналишидаги кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари[10] (2019 йил 1 январь ҳолатига)

Мамлакатлар	1000 аҳолига кичик ва ўрта корхоналар сони	Кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлганлар улуши, %	Кичик ва ўрта корхоналарнинг ЯИМга қўшган ҳиссаси, %
АҚШ	20	42	52
Канада	33	47	27
Австралия	40	69	35
Япония	45	77	55
Малайзия	21	56	47
Россия	39	43	21
Чехия	85	51	35
Венгрия	55	48	50
Буюк Британия	27	35	53

Буюк Британияда статистика органлари марказлашмаган ҳолда фаолият юритиб, статистик маълумотларни тегишли маъмурий органларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган саноат бўлимлари тўплайди. Бўлимлар ўртасида статистик ахборот алмашиш бўйича келишув мавжуд. Бу борада маслаҳат берувчи ва мувофиқлаштирувчи асосий ташкилот - барча бўлимлар билан доимий алоқаларни қўллаб-қувватлайдиган Марказий статистика бошқармаси фаолият кўрсатади.

Японияда ҳам статистика ташкилоти марказлашмаган, ҳар бир вазирликда статистика идоралари, бўлимлар ёки бўлинмалар мавжуд. Статистик ишлар префектуралар, шаҳар ҳокимлари, маъмурий марказлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Ҳар бир префектурада статистика Марказий давлат аппарати ва префектурани бошқариш вазифаларини бажаради. Япониядаги Марказий статистика институти статистик комиссия ҳисобланиб, статистик ишларни стандартлаштириш ва мувофиқлаштириш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш, халқаро статистик фаолият билан шуғулланади.

Францияда марказий статистика органи Миллий статистика ва иқтисодий тадқиқотлар институти ҳисобланади. Мунтазам равишда ҳукумат ва монополияни батафсил статистик маълумотлар билан таъминлайди, ҳудудий статистика бошқармалари эса умумдавлат миқёсидаги вазифаларни бажаради ва минтақавий демографик ва иқтисодий тадқиқотлар олиб боради. Миллий статистика ва иқтисодий тадқиқотлар институти ҳар йили 7000 дан ортиқ саноат корхоналарини текширади, савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини даврий текшириб, назорат қилиб боради.

Канадада мамлакат миқёсида маълумотларни тўплаш бўйича ишлар маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда статистика бюроси томонидан амалга оширилади. Махсус

сўровларни олиб борувчи статистик маълумотларни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланган саккизта минтақавий муассаса мавжуд. Статистика бюроси томонидан текширув режалари, натижалар қайта ишланади ва эълон қилинади. Саноат корхоналари, одатда, электрон почта орқали сўров ўтказиш йўли билан текширилади. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш ва ушбу мамлакатлар томонидан қўлланиладиган статистик усулларни уйғунлаштириш билан Европа Иттифоқининг статистик хизмати шуғулланади.

Европа Иттифоқининг статистик хизмати вазифаси:

- статистик инфратузилмани ривожлантириш;
- статистик фаолият соҳасини умумий кенгайтириш;
- ягона интеграция Европа статистика тизимини яратиш;
- статистик маълумотларнинг таққосланиши ва ишончлилигига эришиш учун ягона методология ва статистика стандартларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- Европа Иттифоқини юқори сифатли статистик маълумотлар билан таъминлаш;
- Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва бошқа мамлакатлар ҳамда минтақалар ўртасида таққослашни амалга ошириш;
- Европа даражасида муҳим иқтисодий қарорлар қабул қилиш ҳисоблади[6].

Кўпгина мамлакатларда тадбиркорлик бўйича статистик маълумотларни йиғиш юзасидан мақсадли дастурлар йўқлигига қарамасдан, миллий даражада тадбиркорлик муҳитининг турли жиҳатларини (масалан, ўз-ўзини иш билан таъминлаш, бизнес демографияси ва камдан-кам ҳолларда, шахслар ва корхоналар ёки турли манбалардан корхоналар ҳақида олинган, бирлаштирилган маълумотларга асосланган кўрсаткичлар) мониторинг қилиш статистикаси мавжуд[9].

Статистика идораларидан ташқарида ишлаб чиқилган тадбиркорлик индикаторлари халқаро маълумотлар базалари мазмуни ва хусусиятларининг чуқур таҳлили уларнинг тегишли сиёсатни ишлаб чиқиш учун ишончли асос сифатидаги фойдалилигини шубҳа остига қўядиган турли методологик ва концептуал муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Бундай муаммоларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

– маълумотлар сифатига оид шубҳалар (маълумотлар намуналари ёки манбаларининг ишончилиги);

– корхоналарнинг муайян ҳуқуқий шакллари бўйича кўрсаткичлар тўпланишини чеклаш;

– фақат шахслар томонидан маълумот тўплашни чеклаш (бунда шахсларнинг сўровлари тадбиркорлар ёки тадбиркорларнинг келажакдаги хусусиятлари ҳақида кенг маълумот бериши мумкин бўлса-да, яратилган корхоналарнинг ҳақиқий самарадорлиги қамров доирасидан ташқарида қолади).

Кичик тадбиркорлик ҳолатининг мониторинги бу жабҳанинг таҳлил қилинаётган давр учун аниқ санадаги ҳолатини тавсифловчи статистик, табиий ва молиявий кўрсаткичлар, шунингдек, таҳлилий материаллар тўплами таққосланишини кўзда тутаяди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражасини аниқлаш воситаларидан бири статистика ҳисобланади. Бундай ҳолларда, фойдали бўлиши мумкин бўлган баъзи ўлчовлар (саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) кўпинча амалга оширилмайди. Баъзан турли хил баҳолаш усуллари, жумладан, миқдорий ва сифатли таҳлил усуллари, шунингдек, жаҳон рейтинглари маълумотларига мурожаат қилинади[4].

Кичик бизнеснинг ҳолатини, мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини статистик баҳолаш учун қуйидагилардан ташкил топган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш керак:

– кичик бизнес субъектлари сони;

– кичик корхоналар сони;

– кичик корхоналарнинг корхоналар умумий сонидagi улуши;

– кичик корхоналарнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши;

– 1000 кишига кичик корхоналар сони, маҳсулот сотишдан тушум;

– кичик корхоналар активларининг қиймати, кичик корхоналарнинг асосий воситалари қиймати;

– молиявий натижалар: меҳнат унумдорлиги, ялпи даромад, сотишдан олинган даромад;

– соф фойда, бир йилда бир ишчи учун олинган даромад миқдори;

– кичик корхоналар активлари рентабеллигини аниқлаш.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик фаолиятининг ЯИМдаги улуши 2007 йилда 45,7 фоизни ташкил этилган бўлса, 2019 йилда 56,5 фоизга етган. Шунингдек, бу тоифадаги субъектларнинг иқтисодиётнинг саноат, қурилиш, бандлик, экспорт, импорт, савдо, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда хизматлар тармоқларидаги улушлари ҳолати ҳам ўрганилди (2-жадвал).

Тадбиркорлик нафақат рақобатбардош муносабатларни ривожлантиришнинг асоси, балки бандлик, инновация ва иқтисодий ўсиш муаммоларини ҳал қилиш воситаси ҳамдир. Аммо, ҳамон тадбиркорликни баҳолашга умумий ёндашувлар (шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти даражасини баҳолаш) мавжуд эмас.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг 2007 - 2020 йиллардаги улуши[11] (умумий ҳажмга нисбатан %да)**


Йиллар	ЯИМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик	Экспорт	Импорт	Савдо	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Хизматлар
2007	45,7	13,2	55,4	72,1	14,8	32,0	87,8	97,6	44,1
2008	48,2	14,6	58,4	73,1	12,4	35,7	84,6	97,7	44,2
2009	50,1	17,9	42,4	73,9	14,6	42,5	81,0	97,8	44,1
2010	60,8	26,6	52,5	74,3	13,7	35,8	85,1	97,4	56,1
2011	61,9	28,6	67,6	75,1	18,8	34,3	86,7	97,2	55,6
2012	60,8	29,7	70,0	75,6	14,0	38,6	87,3	97,2	56,0
2013	60,9	33,0	70,6	76,7	26,2	42,4	86,6	97,3	56,2
2014	61,9	36,8	69,5	77,6	27,0	45,4	86,3	97,5	59,1
2015	64,6	40,6	66,7	77,9	27,0	44,5	87,1	98,0	60,2
2016	66,8	45,3	66,9	78,2	26,0	46,8	89,6	98,6	63,2
2017	65,3	41,2	64,8	78,0	22,0	53,6	88,4	98,5	58,3
2018	62,4	37,4	73,2	76,3	27,2	56,2	86,3	98,3	56,0
2019	56,0	25,8	75,8	76,2	27,0	61,6	83,7	97,9	53,2
2020	55,7	27,5	72,4	73,8	20,5	51,8	82,2	97,0	51,5

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Тадбиркорлик ривожлантирилишини баҳолаш фақат сифатли ва миқдорий хусусиятларни ҳисобга олган мавжуд статистик маълумотлардан, жаҳон рейтингларидан фойдаланган ҳолда комплекс статистик ёндашув асосида амалга оширилиши мумкин.

Кичик корхоналарнинг инвестицион фаоллиги кўрсаткичлари қуйидагилар:

- асосий капиталга инвестициялари;
- минтақа асосий капиталига инвестицияларининг улуши;
- асосий капиталга инвестициялари нисбати;
- соф фойдага инвестициялари нисбати.



**2-расм. 2020 йилда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши[11]**

2020 йил ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдориди Тошкент вилояти, (22,2%), Андижон вилояти (16,0) ва Тошкент шаҳрида (15,9%) улуши юқори, Қорақалпоғистон Республикаси (2,5%), Наманган (3,0%), Қашқадарё (3,1%), Сирдарё вилоятида (3,5 %), Жиззах (3,6%) вилоятларида эса энг паст бўлди (2-расм).

Кичик бизнеснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссаси қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- ишловчилар сони;
- ишловчиларнинг ҳудуддаги умумий ишловчилар сонидидаги улуши;
- ходимларнинг иш ҳақи фонди;
- ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи;
- ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши;

Иқтисодийetni модернизация қилиш жараёнида янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги, замонавий банк хизматлари кўрсатиш янада такомиллаштирилиб борилиши зарур.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат органларининг бевосита иштирокида муваффақиятли ривожланмоқда. Кичик ва ўрта инновацион тадбиркорликни энг

ҳавфли жиҳатларини эътиборда тутган ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга энг сезгир тузилма сифатида қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамиятга эга.

### Хулоса ва таклифлар

Келгусида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини барқарор ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойлари яратилишини такомиллаштириш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини аниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш, касаначилик фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг йирик корхоналар билан биргаликда фаолият юритадиган шакллари кўпайтириш лозим;

- хусусий мулк, хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқ ва кафолатларини қонуний ҳимоя қилиш меъёрларини кучайтириш керак;

- хусусий тадбиркорлар томонидан хом ашё ресурсларидан фойдаланиш механизмининг соддалаштириш, бунинг учун ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмининг кенгайтириш зарур;

- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига бандликни ўстириш учун ҳар бир туман ва шаҳардаги маҳаллий минерал хом ашё, моддий-техник ва меҳнат ресурслари, ички бозор сиғими, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятларини баҳолаш керак;

- узоқ қишлоқ туманларида янги иш ўринларини яратувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун имтиёзли кредит ресурсларини жалб этишни такомиллаштириш лозим ва бошқалар.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4417-сонли қарори. // Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2507-сонли қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 12-сон. Lex.uz.
3. Смит. А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.:Эксмо, 2017. 359 с.
4. Хейне Под., Питер Боуттке, Дэвид Причитко. Экономический образ мышления. –М.: Вильямс. 2016. 528 с.
5. Комарова О.В. Проблемы развития ремесленничества, малого и среднего бизнеса и среднего класса: монография // О.В. Комарова, Т.А. Саламатова, Д.Е. Гаврилов. –Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф. - пед. ун-та, 2012. –163 с.
6. Малый бизнес: учебное пособие/коллектив авторов; под ред. В.Я. Горфинкеля. - 2-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2011. –336 с.
7. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари 1-қисм 100 савол ва 100 жавоб. –Т.: Меҳнат, 2000. –352 б.
8. Шодиев Х., Ҳамроев М. Молия статистикаси / Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. –236 б.
9. Курс социально-экономической статистики; под редакцией доктора экономических наук, профессора М.Г. Назарова. – изд. ЮНИТИ-ДАНА, 2000. –324 с.
10. United States Small Business Profile 2018. SBA, 2018, pp. 5–6.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. stat.uz- сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
12. www.kitobxon.uz – сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

## АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РОЛИ

**Бозоров Бердимурод Улуғмуродович** -  
и.ф.н., доцент

**Тухлиев Бахтиёр Махмазияевич** -  
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш таҳлил қилинган ва шу асосда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** бизнес, ишчи кучини ёллаш, ахборот воситалари, хизматлар, персонални танлаш мезонлари.

## РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

**Бозоров Бердимурод Улуғмуродович** -  
и.ф.н., доцент

**Тухлиев Бахтиёр Махмазияевич** -  
Преподаватель Самаркандского государственного университета

**Аннотации.** В статье анализируется обеспечение занятости за счет развития малого бизнеса и частного предпринимательства и на этой основе даются рекомендации.

**Ключевые слова:** бизнес, наем рабочей силы, средства массовой информации, сервисы, критерии отбора персонала.

## THE ROLE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN PROVIDING EMPLOYMENT FOR THE POPULATION

**Bozorov Berdimurod Ulug'murodovich** -  
PhD (in economics), dotsent  
**Tuxliev Baxtiyor Maxmaziyevich** -  
Samarkand State University, teacher

**Abstract.** The article analyzes the provision of employment through the development of small business and private entrepreneurship and, on this basis, gives recommendations.

**Keywords:** business, recruitment of labor, mass media, services, personnel selection criteria.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли тобора ошиб бориши, уни янада ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётда ҳал қилувчи соҳага айлантириш учун ушбу соҳани иқтисодий мазмуни, унга таъсир қилувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади. Кичик бизнес бозар иқтисодиётининг асоси, иқтисодий ўсиш суръатларини, ялпи миллий маҳсулот таркиби ва сифатини, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромади даражасини белгилайдиган етакчи секторлардан бири ҳисобланади. Кичик бизнесни ривожлантириш, мослашувчан аралаш иқтисодиётни шакллантириш умумжаҳон хусусиятига эга. Шунинг учун бутун дунёда кичик бизнесни ҳар тарафлама кенг ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратилади [1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни таҳлил этиш юналишини аниқлаш икки ўзаро боғлиқ ҳолат билан белгиланади: биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат миллий иқтисодиётининг яхлит сектори сифатида фаол ривожланиб бормоқда; иккинчидан, тадбиркорлик фаолият тури ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида кичик бизнес субъектлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлган тадбиркорлик ҳисобланади. Бунда “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчалари кўп ҳолларда бир маънода қўлланилади. Аммо улар орасида муайян фарқлар мавжуд.

Тадбиркор – иқтисодий фаолият ва бозор муносабатларининг бош субъектидир. У иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга ошириладиган кўп қиррали фаолият ҳисобланади. Австралиялик иқтисодчи Й.Шумпетер тадбиркорликни иқтисодий омил сифатида аҳамияти бўйича ер, капитал ва меҳнат билан бир қаторга қўйган, унинг ҳулосасига кўра, “корхона (Unternehmung) деганда янги комбинацияларни амалга оширишни, шунингдек, бу комбинациялар амалга ошириладиган нарсаларни: заводлар ва ҳокзаларни тушунамиз. Тадбиркорлар (Unternehmung) деб эса, функцияси худди шу комбинацияларнинг амалга ошириш бўлган ва унинг фаол унсури сифатида намоён бўладиган хўжалик субъектларини атаймиз” [2].

Амерекалик иқтисодчи П.Друкер тадбиркорликка таъриф беришда биринчи ўринда янгилик киритишни қўйган. Унинг фикрича, “Янгилик киритиш тадбиркорларнинг алоҳида воситаси бўлиб, бу восита ёрдамида улар ўзларининг бизнес ва хизматлар соҳасидаги режаларини қулай имконият сифатида амалга оширади. Тадбиркорларнинг вазифасига муваффақиятга эришиш имкониятини яратадиган янгиликлар киритиш манбаларини собитқадамлик билан кўради”. У тадбиркорлар деганда, ўзи-

нинг кичик бизнесини очган ҳамда “қандайдир янги мавжудлардан фарқ қиладиган нарсани яратадиган, қийматни ўзгартирадиган ва қайта ташкил қиладиган шахсларни тушунган” [3].

Тадбиркорлик хусусида К.Макконел ва С.Брюларнинг фикрлари ҳам диққатга сазовор. Улар Й.Шумпетер, П.Друкер ва бошқа иқтисодчи олимларнинг ғояларини ривожлантирган ҳолда ва тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, тадбиркор товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ер, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштиради ҳамда корхона фаолиятига тааллуқли асосий қарорларни қабул қилади, деган ҳулосага келган. Табиийки, тадбиркор истеъмолчиларга янги товар ва хизматларни таклиф этадиган новатордир ва айти пайтда бунинг учун ўз маблағларини сарфлаб ва ишбилармонлик салоҳиятини ишга солиб таваккалчилик қилади [4].

1974 йил Нобель мукофотининг лаурияти, инглиз иқтисодчиси Ф.Хайек ҳам тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида бошқалар томонидан пайқалмаган даромад топиш йўлини излашга, яъни янгиликка интилиш эканлигини кўрсатган [5].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий моҳияти таҳлили асосида шуни эътироф этиш мумкинки, ишлаб чиқаришни ташкил этиш нуқтаи назаридан турли ҳажмдаги корхоналарни ташкил этилишининг объектив асоси бўлиб, унинг ташкилий шакли хизмат қилади. Айрим тармоқларда (мисол учун қайта ишлаш тармоқларида) корхона даражасида ишлаб чиқаришнинг концентрацияси шундай таркибий тузилмага олиб келадики, у турли ҳажмдаги корхоналарни бирлаштиради. Бундай таркибий тузилмани, бизнинг фикримизча, тармоқ ёки ишлаб чиқариш таркибидаги фарқли ҳажмли саноат таркиби деб аташ мумкин. Миқдорий таркибни самарали қарор топиши биринчи навбатда саноат ишлаб чиқаришининг концентрацияси ва ихтисослашуви ҳамда корхона ҳажмини оптимизацияси натижасида рўй беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Ушбу корхоналарда яратилаётган товар ва хизматларнинг ЯИМдаги улуши 53,9 фоизни ташкил этиб, уларда банд бўлган меҳнат ресурслари 52,2 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки, 2020 йилда ушбу соҳада банд бўлганлар 73,4 фоизни ташкил этган. Демак, мамлакатимиз меҳнат бозорида кичик корхоналар асосий иш берувчи субъектлардир. Бундай ҳолат ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларининг деярли барчасига хос бўлган хусусиятдир. Масалан, АҚШда ҳар уч кишининг иккитаси ишловчилар сони

100 кишидан кам бўлган фирмаларда ишлайди. Италияда эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг 79,0 фоизи кичик корхоналарда ишлайди. Шунинг учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида персонални ёллаш механизмини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳимдир.

Бизга маълумки, ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари миллий иқтисодий тимизнинг барча соҳа ва тармоқларига кириб бормоқда. Бу ҳол, бизнинг фикримизча, меҳнат бозорига таклифни ўрга-

ниш учун анъанавий методологик ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигидан далолат беради. Кичик корхоналар учун турли ёшдаги барча мутахассисликлар талаб этилади. Шунинг учун ҳам корхона (фирма) даражасида меҳнат муносабатларини ташкил этиш учун, биринчи навбатда иш берувчи корхона қайси тармоққа тегишлилиги эмас, балки ушбу корхонада умумий меҳнат хусусиятларини инобатга олиш лозим.

**Жадвал**

**Самарқанд вилоятида кичик бизнес соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2010 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2010-2019 й.да ўсиш
Кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	2925,1	8762,8	14325,8	17485,6	29135,3	10,0 марта
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши, %	73,6	77,9	78,2	80,0	77,5	105,3
Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, бирлик	10689	13840	15005	10669	25643	2,4 марта
Кичик тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар, (минг киши)	1009,0	1213,9	1298,7	1300,2	1345,8	133,4
Кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми, (млн.доллар)	66,6	272,5	295,4	257,4	298,5	4,5 марта

*Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2010-2020 йилларда 10,0 мартага ошган. Самарқанд вилоятида таҳлил этилаётган йиллар мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 2,4 мартага, кичик тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 33,4 %га, экспорт ҳажми эса 4,5 мартага ошган.

Самарқанд вилояти бўйича фаолиятини тугатган кичик тадбиркорлик субъектлар сони ўсиш тенденциясига эга. 2010 йилда уларнинг сони 11217 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 25643 тага етди. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ичида фаолият юритаётганлари сони 2010 йилда 78,4 %ни, 2019 йилда эса 95,0 %ни ташкил этган. Фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектлари сони 2010 йилда (1616 та) нисбатан 2019 йилда (1328 та) пасайиш тенденцияси кузатилган.

Меҳнат бозорини ўрганилганлик даражасини таҳлили шундан далолат берадики, республикамизнинг кўпчилиги олимлари аҳолининг бандлиги масаласини ҳал этишда кичик ишлаб чиқарувчиларни макроиқтисодий функцияси-дан келиб чиқади. Корхона даражасида меҳнат муносабатлари масаласига – хусусан, кичик корхоналарда ишчи учини ёллаш хусусиятларига кам эътибор берилган, шуни эътироф этиш жоизки, кичик корхоналарда меҳнат бозорининг хусусиятлари бир қатор омиллар билан белгиланади. Бу омиллар иқтисодий қонунлар ҳаракати орқали шаклланади (яъни рақобат, та-

лаб ва таклиф нисбати, меҳнат ўзгарувчанлиги, аҳоли моддий шароитини яхшилаш кабилар) ва кичик бизнес соҳасида меҳнат муносабатларини марказлашмаган бошқарувида намоён бўлади. Бу хусусиятларни белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- яхши ишловчиларни жалб этиш учун иш берувчилар ўртасида икки даражали рақобат, биринчиси рақобатдаги кичик корхоналар (фирмалар) ўртасида ва иккинчиси кичик бизнес ва йирик бизнес субъектлари ўртасидаги рақобат;

- кичик корхоналарда раҳбарлик лавозимининг чегараланганлиги учун рақобат даражасининг пастлиги;


- ишчи кучи захираларидан (яъни кичик корхона эгасининг оила аъзоларидан) фойдаланиш ҳисобига ёлланма ишчи кучига талабни бошқариш имкониятларининг катталиги;

- меҳнат бозори конъюктурасининг ўзгаришларига кичик корхоналарни тез мослашини таъминлаш учун яхши шароитларнинг мавжудлиги;

- кичик корхона ичида мансаб лавозимларини чекланганлиги сабабли меҳнат ўзгариш қонунини амал қилиши учун шароитларининг пастлиги.

Самарқанд вилоятида жами иш билан бандлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг улуши 2012 йилда 81,8 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 84,7 %га ошган [6].





**Расм. Самарқанд вилоятида жами иш билан бандлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар сони ўсиш тенденцияси**

*Манба:* Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Турли хил фаолият билан шуғулланувчи кичик корхоналарда персонални танлаш йўлига қарнодошлар ва дўстлар ичидан амалга оширилади. Айниқса савдо, умумий овқатланиш, воситачилик фаолиятлари билан шуғулланувчиларда бу ҳол кузатилади. Чунки, персонални ёллашга ушбу принципга амал қилиниши бир қатор сабаблар билан изоҳланади, хусусан, корхона ходимларининг бир-бирига ишончи, ишга ёлловчи ва ёлланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч ва бошқалар. Қурилиш ва маиший хизмат соҳалари билан шуғулланувчи кичик корхоналар раҳбарлари персонални ёллашда бошқа принципга амал қилишади, хусусан монотон, оғир меҳнат шароитлари раҳбарларини “четдан” ишчи кучини ёллашга ундайди. Молия, илмий-техника, инновация соҳаларида фаолият юритувчи кичик корхоналар раҳбарлари, ўз фирмалари обрўини ошириш учун кўпинча ишловчиларнинг касб-малака даражасини инобатга олишади.

Кичик корхоналарда ишга ёллашнинг энг кўп тарқалган иккинчи усули, корхона раҳбари томонидан илгари синалган дўстлари хизматларидан фойдаланиши ҳисобланади. Бунда корхона раҳбари ўзларининг собиқ ҳамкасбларига ишонганларини юқорилигини ифодалашади. Ушбу принцип молия, тиббиёт, таълим соҳаларида шуғулланувчи кичик корхона раҳбарларига хосдир.

Оммавий ахборот воситаларидаги эълонлар орқали доимий ишловчиларни ёлловчилар ҳудудлар бўйича табақалашган бўлиб, бунинг сабаби жойларда иш берувчилар асосан радио, телевидение, газета каби оммавий ахборот воситаларига мурожаати орқали шаклланади.

Оммавий ахборот воситалари ишга ёлловчилар асосаншаҳар жойларда кенг тарқалган бўлиб, иш берувчиларнинг таклифлари турлитумандир. Махсус оммавий ахборот воситалари орқали ишга ёлловчилар асосан транспорт, ку-

рилиш, савдо, умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари ишчи кучини ёллайди. Улар асосан “ўрта махсус” малакага эга бўлган ишчи кучини ёллайди. Ўтказган социологик сўровнома натижаси ҳам бу хулосани тасдиқламоқда. Самарқанд шаҳрида кичик корхоналарда ёлланган ишчи ва хизматчиларнинг 90 % ўрта махсус малакагаэга мутахассислардир.

Самарқанд вилоятида кичик корхоналарда ишловчилар сони ҳамйилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010 йилда 56,9 минг кишини ташкил этгани ҳолда, 2019 йилга келиб 83,4 минг кишига етган, яъни 46,6 га ошган.

Доимий ходимларни ишга ёллаш учун кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фақат 20 %игина давлат бандлик маркази хизматидан фойдаланилади. Булар асосан қурилиш корхоналари, саноат корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари бўлиб, улар оддий малакасиз ишчи кучини ёллашда ушбу марказлар хизматларидан фойдаланишади. Чунки, меҳнат биржасига мурожаат қилган ишчи кучининг аксарияти “махсус” малакага эга бўлганлардан иборат. Тадбиркорлар ўртасида давлат бандлик марказларига қилишларининг пастлигига асосий сабаб сифатида қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин: биринчидан, алоҳида мутахассисликларга талабнинг пайдо бўлиши, бандлик хизмати таклифига мос келмаслиги; иккинчидан кўпчилик тадбиркорлар ўз корхоналарининг доимий штатида илгари ишсиз бўлган шахслар ёллашдан эҳтиёт бўлишади; учинчидан тадбиркорлар учун бандлик хизмати марказларига мурожаат қилиб ишчи кучини танлаш ва ёллаш узоқ вақтни талаб этадики, бу ҳол уларни (тадбиркорларни) ушбу хизматга кам мурожаат қилишига сабаб бўлади; тўртинчидан, изсизларнинг ўзи ҳам ҳар қандай ишга (меҳнат фаолиятига) рози бўлишмайди.

Кичик бизнес ва хусусий корхоналарда персонални танлаш мезонлари масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрларни тайёрлаш масаласи уларнинг талаби орқали шаклланади. Турли илмий изланишлар ва социологик тадқиқотлар материаллари таҳлили тадбиркорлар томониданишчиларни ёллаш мезонлари бўйича бир неча йўналишларни ажратиш кўрсатишга имкон беради. Биринчиси, ишлаб чиқариш ишчиларини ёллашдаги мезонлар ва мутахассисларни (менежерлар, хизматчилар) ёллашдаги мезонлар фарқланади. Шуни эътироф этиш муҳимки, мутахассислар, менежерлар, хизматчиларни ёллаш уларнинг касбий тайёргарлигишга ёллашнинг мажбурий (зарурий) шартини ҳисобланса, ишчиларни ёллаш эса, уларнинг меҳнат тажрибаси, интизомлилиги зарурий шарт ҳисобланади. Кўпчилик тадбиркорлар (фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда) ўз ишлаб чиқариш ходимларини ёллашда эътиборни уларнинг жинсига, ёшига, соғлиғига, бир неча меҳнат вазибаларини бажара олишига эътиборни қаратган.

Аммо фикримизча, кичик корхоналарнинг тармоқ тузилишига боғлиқ ҳолда юқорида кўрсатилган мезон кўрсаткичлари ўзгариб туриши мумкин, мисол учун, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги энг асосий мезон сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси кичик ва хусусий корхоналарда талаб этилади. Малака, тажриба мезонлари эса бозор инфратузилмаси соҳаси кичик корхона раҳбарлари томонидан талаб қилинадиган мезон ҳисобланади. Шу билан бирга, кичик корхона раҳбарлари томонидан талаб қилинадиган мезон ҳисобланади. Шу билан биргалликда ушбу соҳа кичик корхона раҳбарлари ходимларнинг меҳнат фаолиятига қизиқиши меҳнатга ижодий ёндашиш каби мезонларга катта эътибор беришади. Меҳнат интизоми ва соғлиғи мезони кўпроқ савдо, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаси кичик корхона раҳбарларининг диққат эътиборида бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ўрганишда юқорида келтирилган методологик ёндашув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмунини ўрганиш жиҳатларини ажратишга имкон беради.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнестда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. 54-б
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. / М.: 1982. С. 170
3. Друкер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. – М.: 1992. С. 20,30.
4. Макконел К., Брю Л. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. Т.1. – М.: 1992. С. 38
5. Хайек Ф.А. Общество свободных. / Пер. с англ. – М.: 1990. С. 76
6. Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Шадиева Гулнора Мардиевна -**

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти  
Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси профессори, и.ф.д.

**Аннотация:** Мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари, тадбиркорлик шакллариининг мулк шакли, фаолият соҳаси, шунингдек, банд бўлган ходимларининг сони кўра гуруҳлари, кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари каби масалалар ёритилган

**Калит сўзлар:** инновация, тадбиркорлик, инновацион муҳит, рақамлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, товарлар ва хизматлар, аҳоли фаровонлиги

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ОБРАЗОВАНИЯ В КОНТЕКСТЕ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

**Шадиева Гулнора Мардиевна -**

Самаркандский институт экономики и сервиса  
Профессор кафедры отраслевой экономики, д.э.н.

**Аннотация:** В статье рассмотрены теоретические основы предпринимательства в инновационной экономике, формы собственности, формы деятельности, а также количество работающих, доля малого бизнеса в ВВП, основные направления развития бизнеса в стране.

**Ключевые слова:** инновации, предпринимательство, инновационная среда, цифровизация, малый бизнес и циклическое предпринимательство, товары и услуги, благосостояние населения.

THE THEORETICAL ASPECTS OF EDUCATIONAL DEVELOPMENT IN  
THE CONTEXT OF INNOVATIVE ECONOMY

Shadiyeva Gulnora Mardiyeva -

Samarkand Institute of Economics and Service

Professor of "Sectoral Economics", Doctor of Economics

**Annotation:** The article covers the theoretical foundations of entrepreneurship in an innovative economy, the form of ownership, forms of activity, as well as the number of employees, the share of small business in GDP, the main directions of business development in the country.

**Keywords:** innovation, entrepreneurship, innovative environment, digitalization, small business and cyclical entrepreneurship, goods and services, welfare of the population.

**Кириш.** Мамлакатимизда инновацион иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини фаровонлигини ошириш, турмуш даражаси ва сифатини кўтариш кун тартибда турган муҳим масалага айланмоқда. Янги Ўзбекистонни қуриш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида мамлакатимизни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаларидан бири сифатида тадбиркорлик хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик энг муҳим йўналишлардан бирига айланди. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микроомлия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади»[1] Кўриниб турибдики, тадбиркорликни ривожлантиришнинг жуда кўплаб йўналишларидан бири инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолардир.

Бу борада кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қулай ишчан муҳит яратиш, меҳнат, моддий ва инвестиция каби ресурсларни эътиборга олган ҳолда иқтисодий салоҳиятни яхлит баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий фаолиятга жалб этилмаган бўш иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, пандемия даврида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон ва қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар билан тадбиркорликни, айниқса, пандемияда энг кўп муаммоларга дуч келган туризм, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш

соҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий имкониятлар яратилди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатнома-лар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди. Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга қўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди. Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Кичик бизнес мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Кўпгина вилоятларда экспортнинг 70-90 фоизи айнан кичик бизнесга тўғри келади[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори, 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори, Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4231-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Тадбиркорлик ва уни ривожлантириш масалаларига бағишланган бир қанча монографиялар, илмий тўпламлар, журналлар ва даврий матбуотда кўплаб мақолалар чоп этилган, уларда бу соҳада мавжуд муаммоларнинг турли жихатлари ёритиб берилган. Бугунги кун тадбиркорликни ташкил этши масалаларини кўриб чиқиб, таҳлил қилиш талаб этади.

Тадбиркорликнинг назарий асослари уни ривожланиши масалалари хорижлик олимлардан Ричард Кантильон, Ж.Б.Сей, Смит А., Андре Маршалл, Ж.Б. Кларк. Й. Шумпетер Р.Хизрич, А.Хоскин, Ф.Хайн, россиялик олим Ю. М. Осипов ва бошқа бир катор олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ушбу муаммолар билан мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абдуллаев Ё., Каримов Ф., С.Ғуломов, Б.Ходиевларнинг илмий ишларида баён этилган.

Инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон (1775) тадбиркорлик тушунчасини илк бор XVII аср охири ва XVIII аср бошларида қўллаган эди. Унинг фикрича, “тадбиркор - таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир” (1969).

Шунинг учун, у иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаини ер ва меҳнат омилини деб таъкидлаган.

Машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803й.) ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги тадбиркорлик фаолиятидир деб таърифлаган эди. Ж.Б.Сей (2006). ўзининг илмий тадқиқотла-

рида тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир, тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади деб қайд этган. А. Смит (1723-1790) ўзининг «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776 й.) номли китобида тадбиркор тушунчасига қуйидагича таъриф берган:

“Тадбиркор – капитал эгаси, у муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир”.

А.Смитнинг (1773) фикрича, тадбиркорликдан олинган даромад, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофотдир.

Француз иқтисодчиси Андре Маршалл (1907-1968 йй.) биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг учта омилига (ер, капитал, меҳнат) тўртинчи омил – ташкиллаштириш омилини қўшди. Шу вақтдан бошлаб тадбиркорлик тушунчаси ва шу соҳада олиб бориладиган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) тадбиркорлик фаолиятини қуйидагича тушунган: “Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади”(1994.)

Машҳур америкалик иқтисодчи Й. Шумпетер (1883-1950) ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, дея “функцияси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз” деб таъкидлаган (1982).

Фридрих Фон Хайннинг (1899-1984) фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, ҳатти-ҳаракатларни таъминлашдир. Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади (1989). Америкалик олим Р.Хизрич(1991)., ўзининг илмий ишларида “Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий ҳавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс” - деб таъкидлайди. Инглиз профессори А.Хоскин (1993) эса “ишни ўз ҳисобидан олиб борувчи, бизнесни

бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади”, - деб изоҳлайди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари С.Ғуломов (1997) бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг маънога эга. Тадбиркорлик фаолияти бизнес фаолиятининг бир шакли сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилади, деб таъкидлайди.

“Тадбиркор - бу бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг асосий субъекти ҳисобланади. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омиллари бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинки, бу кишилар ўзлари ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш ёрдамида бирлаштирадиганлар” деб ўз қарашларини баён қилишган профессор Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримовлар(2010)

Б.Ходиев (2000) ўзининг илмий қарашларида “тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури, унинг остида мустақил ташаббус, жавобгарлик, янгилик киритувчи, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир” – деб таъриф беради

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг асарларида тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари умумий тарзда ёритилган. Аммо инновацион иқтисодиёт шароитида соҳасида тадбиркорлик муаммолари кам ўрганилган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ҳам кам ёритилган. Шунинг учун бугунги инновацион иқтисодиёт жараёнларида тадбиркорликни хусусан кичик бизнесни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олиш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантириш йўналишларини аниқлаш, шунингдек, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожда ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришга йўналтирилган масалалар ҳали тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, ушбу мавзу доирасида тадқиқот олиб бориш долзарблиги намоён бўлди.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёритиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорликка оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, ижтимоий иқтисодий соҳалардаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларининг мазмун, моҳияти ўрганилиб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришнинг мавжуд иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, (2000 йил 25 майда): «Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолиятдир» деб таъкидланади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик ўз мулкига асосланиб даромад олиш мақсадида олиб бориладиган фаолиятдир.

Иқтисодчи олимларимиздан А. Ўлмасов, М.Шарифхўжаевлар (1995) ўзларининг илмий адабиётларида тадбиркорликнинг факат кичик, ўрта шаклларинигина таҳлил қилишган. Шунингдек, улар тадбиркорликнинг фаолият соҳаларига ва мулкчилик турларига кўра намоён бўлиш шаклларини кўрсатиб беришган. Россиялик олим Ю.М. Осипов (1995) асосан тадбиркорликнинг якка ва жамоа таркибидаги шаклларини кўрсатиб ўтганлар. Бошқа бир гуруҳ олимларимиз эса тадбиркорликнинг кичик ва ўрга, хусусий ва давлат шаклларини хусусида илмий изланишлар олиб борганлар. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик шаклларининг мулк шакли, фаолият соҳаси, шунингдек, банд бўлган ходимларининг сони кўра гуруҳларга гуруҳларга ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши қуйидагича бўлган.

**1-жадвал**

**Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши**

Йиллар	Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, %
2018 й	60,2%
2019 й	54,7 %
2020 й	54,2 %

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 54,2 %ни ташкил қилди (2019 йилнинг январь-сентябрида 54,7 %). ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик улушининг пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади. 2020 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликни ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимидаги улуши, %да

2020 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликни ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимидаги улуши, %да.

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Инвестиция
Ўзбекистон Республикаси	25,3	72,1	52,4	50,3
Қорақалпоғистон Республикаси	20,4	92,6	52,5	34,5
вилоятлар:				
Андижон	17,5	92,8	66,7	69,5
Бухоро	32,9	81,9	68,1	44,6
Жиззах	61,2	96,4	61,3	73,7
Қашқадарё	30,7	87,5	70,3	15,6
Навоий	6,2	78,0	59,3	26,9
Наманган	48,3	89,8	65,2	76,2
Самарқанд	43,0	87,5	70,2	72,4
Сурхондарё	41,9	85,9	67,6	60,8
Сирдарё	40,3	98,2	55,6	48,4
Тошкент	20,3	79,6	69,8	40,2
Фарғона	39,4	91,3	69,5	63,8
Хоразм	26,4	91,8	64,3	72,9
Тошкент ш.	38,8	74,2	46,3	57,2

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши: саноатда- Жиззах (61,2 %), Наманган (48,3%), Самарқанд (43,0 %), Сурхондарё (41,9 %), Сирдарё (40,3 %) ва Фарғона (39,4%) вилоятларига, қурилишда- Сирдарё (98,2 %), Жиззах (96,4%), Андижон (92,8 %), Қорақалпоғистон Респ. (92,6 %), Хоразм (91,8 %) ва Фарғона (91,3 %) вилоятларига, хизматларда- Қашқадарё (70,3 %), Самарқанд (70,2%), Тошкент (69,8 %), Фарғона (69,5 %), Бухоро (68,1 %) ва Сурхондарё (67,6%) вилоятларига тўғри келган.

Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-мартида 26,8 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда 15,0 фоизга кўп демакдир. Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (33,9 %), саноат соҳасида (20,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (16,9 %), қурилиш соҳасида (6,9 %) ташкил этилган[3].

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 9093 та, саноатда 5602 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 4540 та, қурилишда 1847 та, яшаш ва овқатланишда 1522 та, ахборот ва алоқада 700 та ташкил этилган.

Коронавирус пандемияси иқтисодиётга, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликга таъсир этди. 2019 йилнинг январь- март ойида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 46,0 % ни, кароновирис пандемияси туфайли 2020 йилнинг январь-мартида 44,7 % ни, кўрилган чора –тадбирлар натижасида 2021 йилнинг

январь-мартида бу кўрсаткич 45,0 % ни ташкил қилди.

Бундай шароитда тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантириш чора-тадбирларини шартли равишда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

1. Иш вақтини қисқартириш, вақтинча ишдан бўшатиш ва касаллик таътилига чиқариш орқали кичик бизнесда банд бўлган ишчиларни қўллаб қувватлаш тизимини шакллантириш

2. Тўловларни солиқлар, ижтимоий тўловлар, қарзлар, ижара ва коммунал тўловларни кечиктиришга имкон яратиш

3. Фоизсиз кредитлар беришни ташкил қилиш ва тўлов қобилиятини кафолатлаш

4. Рақамли технологияларни қўллашда кўмаклашиш.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчидан, коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш.

Иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятида бозорга товарлар ва хизматлар таклифи билан эмас, балки истеъмолчиларни муаммоларини ечиш воситалари билан чиқиш лозим. Истеъмолчи учун ишлаш, унинг истагини қондиришга ҳаракат қилиш тадбиркорлик субъектига муваффақият келтиради.

Учинчидан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш

Тўртинчидан, ҳар бир оиладан битта тадбиркор бўлишига эришиш учун, аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда ташвиқот ишларини олиб бориш, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш.

Бешинчидан, тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликга бериладиган молиявий кўмаклар бўйича имтиёزلарни кучайтириш.

Олтинчидан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товарлар ва маҳсулотларини экспорт қилиш, талабни етарли даражада ушлаб қолинишини таъминлаш мақсадида Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Жиззах, ва Бухоро вилоят-

ларида кичик бизнесда банд бўлганларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш.

Еттинчидан, экспорт билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Саккизинчидан, масофадан туриб ишлаш мумкин бўлган фаолият турларини қўллаб-қувватлаш мақсадида рақамли технологиялар, интернет қамровини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш.

Ушбу тадбирлар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юқориқосимли бўлишига қўриқувчи хизмат қилади.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. - <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. <https://daryo.uz/k/2019/07/23/kichik-biznes-va-tadbirkorlikni-rivojlantirish-boyicha-yangi-tizim-joriy-etiladi/>
3. [https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com\\_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=290&id=1088&Itemid](https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=290&id=1088&Itemid)
4. 2000 йил 25 майдаги 70-II-сонли «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
5. Эссе о природе торговли в общем плане // Мировая экономическая мысль. Сквозь призму веков. — М.: Мысль, 2004. Т. 1. — С. 269—278
6. Кантильон Ричард // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. — 3-е изд. — М.: Советская энциклопедия, 1969—1978
7. Сэй Ж.-Б. Трактат по политической экономии. Экономические софизмы; Экономические гармонии. М., Дело, Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, 2006.
8. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М., Высшая школа, 1973.
9. Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер. с англ. — М., Издательская группа «Прогресс», 1993. — 23 л.
10. Ж.Б. Кларк. Распределение богатства. М., 1994. 40ст
11. Хизрич, С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20с.
12. А.Хоскин. Курс предпринимательства. М., 1993, 23с.
13. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. — Т. 1997 — с. 33 – 34.
14. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. «Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари». Т.: Меҳнат. 2010. 9-бет
15. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлари. 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2000. 42-б.
16. Ўлмасов А., Ш арифхўжаев М. лар Иқтисодият назарияси. -Т.: Меҳнат, 1995, 193— 194—б.
17. Ю.М. Осипов Основы предпринимательского дела. Благородный бизнес. -М.: МП. Гризов, 1992, 42-45 -66
18. Проблемы организационно-экономических факторов и развития услуг по повышению благосостояния семьи Г.М. Шодиева - 2008 г. - Диссертация на соискание ученой степени доктора
19. Шодиева Г.М., Пардаева О.М. Проблемы развития семейного предпринимательства и повышения занятости и доходов населения и снижения бедности. Академия управления dwaliog.; 23: 210.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

**Хатамов Очилди Қурбонovich -**  
 иқтисод фанлари доктори, доцент  
**Тошалиева Саодат Тохировна -**  
 Термиз давлат университети докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти кичик тадбиркорлик салоҳияти натижавийлигини ижтимоий-иқтисодий баҳолаш усуллари ва мезонлари илмий тадқиқотлар асосида ёритилган. Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини ижтимоий-иқтисодий баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда. Мақолада кичик тадбиркорлик салоҳиятини натижавийлигини ижтимоий-иқтисодий баҳолашга доир ёндашувлар келтирилган. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти тўрт мезон бўйича алоҳида ва мажмуавий интеграл индекслар ёрдамида муаллифлар томонидан таҳлил қилиниб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** тадбиркорлик салоҳияти, тадбиркорлик салоҳияти бўйича ёндашувлар кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар, ижтимоий-иқтисодий баҳолаш, тадбиркорлик салоҳияти бўйича ёндашувлар, тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш.

МЕТОДЫ И КРИТЕРИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ПОТЕНЦИАЛА  
МАЛОГО БИЗНЕСА В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Хатамов Очилди Курбонович -**  
Доктор экономических наук, доцент

**Тошалиева Саодат Тохировна -**  
Докторант, Термезский государственный университет

**Аннотация.** В данной статье на основе научных исследований рассмотрены методы и критерии социально-экономической оценки эффективности потенциала малого бизнеса Сурхандарьинской области. На сегодняшний день научные исследования по изучению проблем, связанных с социально-экономической оценкой эффективности потенциала малого бизнеса, приобретают актуальное значение. В статье представлены подходы к социально-экономической оценке эффективности потенциала малого бизнеса. Потенциал субъектов малого предпринимательства был проанализирован авторами с использованием отдельных и комплексных интегральных показателей по четырем критериям, и были разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** предпринимательский потенциал, статистические показатели, характеризующие потенциал предпринимательства, потенциал малого бизнеса, социально-экономическая оценка потенциала предпринимательства.

METHODS AND CRITERIA OF SOCIO-ECONOMIC ASSESSMENT OF THE POTENTIAL  
OF SMALL BUSINESS IN SURKHANDARYA REGION

**Khatamov Ochildi Kurbonovich -**  
Doctor of Economics, Associate Professor

**Toshaliyeva Saodat Tokhirovna -**  
Doctoral student, Termez State University

**Abstract.** In this article, the methods and criteria for socio-economic evaluation of the effectiveness of small business potential of the Surkhandarya region are covered on the basis of scientific research. To date, scientific research on the study of problems associated with socio-economic assessment of the potential effectiveness of small businesses is of urgent importance. The article presents approaches to socio-economic evaluation of the effectiveness of small business capacity. The potential of small business entities has been analyzed by the authors using separate and complex integral indexes on four criteria and suggestions and recommendations have been developed.

**Keywords:** approaches to the potential of entrepreneurship, the potential of entrepreneurship statistical indicators characterizing the effectiveness of the potential of small businesses, socio-economic evaluation, approaches to the potential of entrepreneurship, assessment of the potential of entrepreneurship.

**Кириш.** Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида эътироф этилган бўлиб, унинг ривожланиш даражаси тадбиркорлик салоҳияти қай даражада шакллантирилганлиги ва амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Тадбиркорлик салоҳияти муайян турдаги тадбиркорлик фаолияти ва муайян иқтисодий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган жиҳатларга эга.

Тадбиркорлик салоҳиятининг ҳолати, тадбиркорлик ривожланиш даражаси мамлакатда рўй бераётган умумий иқтисодий жараёнлар, миллий иқтисодиёт ривожланиш даражаси, давлатнинг йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонининг туб моҳияти ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришни, тадбиркорликни янада ривожлантиришни назарда тутди[1].

Кичик тадбиркорликнинг мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолашнинг икки хил усули мавжуд: интеграл кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари ва иқтисодий-математик моделлаштириш усули.

Тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш хўжалик юриштининг бозор тамойилларини жорий этиш ва иқтисодий алоқаларни тўлиқ очиқ беришни, шунингдек, рақобат муҳитини ривожлантириш, ишбилармонлик ташаббуси ва фаоллигини ошириш, тижорат мажбуриятлари бўйича моддий жавобгарликни ўз зиммасига олишни назарда тутди.

Тадбиркорлик салоҳиятини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми тадбиркорликни ривожлантириш воситалари ва усулларини, яъни рақобат, талаб, таклиф, нархларни шакллантириш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати воситалари, шунингдек, тадбиркорликка таъсир қилувчи ва шакллантирувчи замонавий жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий институтлари томонидан тақдим этилган бозор механизмларини ўз ичига олади.



Худуд тадбиркорлик салоҳиятини оширишда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш зарур.

**Ўрганилган адабиётлар таҳлили.** Тадбиркорлик салоҳияти ва унинг худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолаш билан боғлиқ тушунчалар бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан, А.Ю.Чепуренко [11], П.Л. Глухих[4], О.В.Ласкутова, О.Е.Гленкова, В.А.Шалова [7], Е.А.Кремин, Е.А.Мазилов[6], И.Е. Чепляева[12], С.Ю. Егорихина [5] томонидан илмий асосланган ҳолда ўрганилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни эконометрик ва статистик таҳлил қилиш асосида республикамизнинг етук иқтисодчи олимлари илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. С.С.Фуломов [14], М.Р.Болтабоев, М.М.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаев, Б.К. Ғойибназаров [3], Н.М.Соатов[9], Т.Ш.Шодиев[13], Б.Б.Беркинов[2], С.К.Салаев [10], О.Қ.Рихсимбоев[8] каби иқтисодчи олимлар кичик тадбиркорликни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини ўз илмий тадқиқотларида ёритганлар.

Кичик тадбиркорликнинг мамлакат ва унинг худудларига таъсирини баҳолашда ўртача геометрик усулда ҳисобланувчи интеграл кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Бундай ёндашувларни кўплаб илмий тадқиқотларда кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқот ишларида кичик тадбиркорликнинг худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини аниқлашда кичик тадбиркорлик ривожланишидаги асосий муаммо ва афзалликларни баҳолашга имкон берувчи турли иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилган. Улар томонидан ишлаб чиқилган услубиёт тадбиркорлик субъектларининг худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини рейтинг асосида баҳолаш имконини беради[6].

Айрим тадқиқотларда кичик тадбиркорликни худудий ривожланиш динамикасига таъсирини баҳолашда кичик тадбиркорлик самарадорлигини баҳолашнинг кўп омилли регрессион таҳлил тенгламасидан фойдаланилган[7].

Лекин ушбу тадқиқотларда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмаган.

П.Л. Глухих илмий тадқиқотларида худудларда тадбиркорлик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ўз услубини таклиф этган[4]. Унда тадбиркорлик салоҳиятини шакллантиришнинг умумий шарт-шароитла-

ри, шаклланиш жараёни ва ривожлантириш босқичлари ёритилган. Лекин кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳитини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилмаган.

**Тадқиқот методологияси** худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини ижтимоий-иқтисодий баҳолаш усуллари ва мезонлари бўйича мажмуавий иқтисодий-статистик ёндашувни шакллантиришдан иборат. Бунда кичик тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижавийлигини баҳолаш тўлиқлиги ва етарлилигини таъминлаш, муайян дастурлар самарадорлиги ва уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришда қўшган ҳиссасини кичик тадбиркорлик салоҳияти ҳолатини ва ривожланишини акс эттирувчи интеграл индекслардан фойдаланган ҳолда баҳолашнинг аҳамияти юқоридир. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, худудларда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолаш бўйича ягона услубиёт ва ёндашувлар мавжуд эмаслиги ушбу соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, худудий давлат дастурлари амалда қандай самара бераётганлигини аниқлаш имкониятини камайтиради.

**Таҳлил ва натижалар.** Кичик тадбиркорлик салоҳияти ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи турли даражадаги даврийлик ва статистик аниқлик билан ҳисобланадиган кўрсаткичлар статистик маълумотлар манбаларига боғлиқ ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин (1-расм). Булар объектив ва субъектив статистика кўрсаткичларидир. Объектив статистик кўрсаткичлар тизими расмий статистика идоралари ва бошқа расмий ташкилотлар манбалари асосида юритилса, субъектив статистик кўрсаткичлар тизими аҳоли ва кичик тадбиркорлик субъектлари ўртасида мустақил ўтказилган сўровнома натижаларига асосланади.

Ушбу статистик кўрсаткичлар тизими асосида худуднинг кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолашга имкон берувчи маҳаллий бюджет даромадлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар, ишсизлик даражаси, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тадбиркорлик фаоллиги, худуд аҳолисининг кичик тадбиркорликни қабул қилиши ҳолати, аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ тушумлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган КБХТ сони, кичик тадбиркорлик айланмаси ҳажми ва бошқа кўпгина статистик маълумотларни таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади.




**1-расм. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятининг ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизими**

*Манба:* муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Айтиб ўтиш жоизки, кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятининг ҳолати ва ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими етарли даражада кўплиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини натижавийлиги ва самарадорлигини акс эттирувчи йиғма индикаторлар тизимини шакллантириш зару-

ратини вужудга келтиради. Тадқиқотимиз доирасида ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини натижавийлигини баҳолашда уларни тавсифлайдиган қуйидаги кўрсаткич ва мезонлардан фойдаланишни лозим топдик (2-расм).



**2- расм. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари**

*Манба:* муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, биз томонимиздан таклиф этилаётган ушбу мезон ва кўрсаткичлар тизими очиқ бўлиб, албатта такомиллаштирилиши мумкин. Лекин, фикримизча ушбу баҳолаш мезони ҳам кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини натижавийлигини баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда яхши самара беради.

Юқорида тавсия этилган ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини аниқлашда минтақада кичик тадбиркорлик салоҳиятини ривожланганлик даражасини баҳолаш юзасидан қуйидагиларни ўрганишни лозим топдик:

-таклиф этилган мезонлар ҳар бири бўйича баҳолаш индексларини аниқлаш;

-кичик тадбиркорлик субъектларини баҳолаш кўрсаткичларини ҳар бири учун оптимал, рухсат этилган, паст ёки юқори, баҳолаш параметрларини белгилаш;

-кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолашда параметрларнинг у ёки бу қийматни қабул қилишига қараб баҳолаш параметрларининг ҳар бири бўйича максимал ва минимал балларни аниқлаш (оптимал чегарадаги кўрсаткич қиймати учун 2 балл, рухсат этилган чегарадаги кўрсаткич қиймати учун 1 балл, паст ёки юқори қийматлар учун 0 балл қилиб белгиланади);-ҳудуд бўйича олинган кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини баҳолаш бўйича умумий индекс кўрсаткичларининг у ёки бу қийматни қабул қилишига қараб натижавийликни баҳолашнинг оптимал энг юқори даражаси (баҳоладиган индекс кўрсаткичлари 1,30 дан юқори бўлса, ҳудудда кичик тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки мавжуд тадбиркорлар ўз фаолиятларини самарали давом эттиришлари учун иқтисодий шарт-шароитларнинг юқори даражада ташкил этилганлиги ва ривожланганлигини кўрсатади), ўрта (0,92 дан 1,30 гача кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тизимининг самарали фаолият юритмаганлиги натижасида ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ривожланиши ёки шаклланишидаги пасайишни англатади), паст (0 дан 0,92 гача кичик тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг деярли самарасизлиги, тадбиркорлик учун ноқулай шарт-шароитлар, аҳолининг кичик тадбиркорликка нисбатан ёмон баҳо бериши, кичик тадбиркорликка хизмат қилувчи инфратузилмаларнинг кучсиз ривожланганлиги) даражасини белгилаш мумкин.;

- умумий индекс кўрсаткичлари йиғиндисига мос равишда ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолаш кўрсаткичларини расмийлаштириш (8 баллик тизим бўйича ҳисоблаб, 7-8 балл ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг оптимал энг юқори даражасига; 3-6 балл натижавийликни баҳолашнинг ўртача (рухсат этилган) даражасига; 3 баллдан кам бўлса, ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг паст даражасига тўғри келади);

- умумий интеграл индекслар кўрсаткичлари асосида ҳудуд кичик тадбиркорлик салоҳиятини ҳисоблаб чиқиш ва юқорида қайд этилган параметрлар бўйича уларни баллар шкаласида баҳолаш;

- умумий интеграл индекслар таркибига кирувчи кичик тадбиркорлик салоҳиятининг ҳар бир алоҳида индексларни ҳисоблаб интеграл баҳосини аниқлаш.

Юқорида таклиф этилган услубият асосида ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини умумий интеграл индекслар асосида баҳолаш амалга оширилди.

Ушбу услубиятга асосланиб кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашни назарда тутувчи тўртта алоҳида ўзгаришли кўрсаткичлар индексини ўртача геометрик усулда ҳисобладиган индекслар жамланмасидан иборат умумий интеграл индексдан фойдаланилди. Келтирилган динамик индексларни ҳисоблашда индивидуал кўрсаткичлар индекси ҳисобот йилини базис йили билан таққослаш натижасида у ёки бу кўрсаткич ўзгаришини акс эттирувчи индекслар асосида тузилади (1-жадвал).



3-расм. Ҳудуд аҳолисининг тадбиркорлик фаолиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар индекси ўзгариши

Манба: муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг натижавийлигини баҳолаш мезонлари

Кўрсаткич тавсифи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш тамойиллари
<b>1. Вилоят аҳолисining тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар тавсифи Iг.с.</b>	
1.1. Худуднинг маҳаллий бюджет даромадлари индекси	$LB R = LBR / LBC$ бу ерда: LBR- маҳаллий бюджет даромадлари; LBC- маҳаллий бюджет харажатлари
1.2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар ҳажми	$APK = GRP / Pn$ бу ерда: GRP-ЯХМ; Pn- аҳоли сони
1.3. Ишсизлик даражаси индекси	$UR = Un / Pea$ бу ерда: Un-ишсизлар сони; Pea- иқтисодий фаол аҳоли
1.4. Худуд аҳолисining тадбиркорлик жамоаси билан алоқадорлиги индекси (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	$BCcom = Bmk / Gsk$ Bmk - Барқарор ривожланишга эга тадбиркорлар билан алоқаси мавжуд шахслар сони; Gsk-умумий сўровнома ўтказилганлар сони
1.5. Шахснинг ўз тадбиркорлик қобилиятига баҳо бериш индекси (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	$Sas.ea = Sknw / Gsk$ бу ерда: Sknw-Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун етарли билим ва кўникмаларга эгаман деб ҳисобловчи аҳоли улуши; Gsk-умумий сўровнома ўтказилганлар сони
1.6. Тадбиркорлик муваффақиятсизлигидан қўрқиниш индекси (ўтказилган анкета сўровномалари асосида ҳисобланади)	$B of.f = 100 - o f f n / Gsk$ бу ерда: o f f n- тадбиркорлик муваффақиятсизлигидан қўрқувчи аҳоли улуши; Gsk-умумий сўровнома ўтказилганлар сони
<b>I. Худуд аҳолисining тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар индекси</b>	
$Ig.c = \sqrt[6]{Ibr_{1.1} \times Iap_{1.2} \times Iur_{1.3} \times Ibc.com_{1.4} \times Isas.e_{1.5} \times Ibof.f_{1.6}}$	
<b>2. Аҳолининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги Iг.e.a</b>	
2.1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган КБХТ сони (1000 та аҳолига нисбатан) индекси	$SBnrc = SBn / Pn$ бу ерда: SBn-кичик тадбиркорлик субъектлари сони; Pn-аҳоли сони
2.2. Битта КБ субъекти ҳисобига тўғри келадиган солиқ тушумлари ҳажми индекси	$SBtrf = Trf / SBn$ бу ерда: Trf-солиқ тушумлари ҳажми; SBn-кичик тадбиркорлик субъектлари сони
2.3. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ тушумлари ҳажми индекси	$Ptrf = Trf / Pn$ бу ерда: Trf- солиқ тушумлари ҳажми; Pn- аҳоли сони
2.4. Давлат бюджетидан КБХТ ни қўллаб-қувватлаш учун қилинган мақсадли харажатлар индекси	$SBst.bte = St.b exp + targ.exp$ бу ерда: St.b exp- давлат бюджети харажатлари; targ.exp- мақсадли харажатлар
2.5. Давлат томонидан қўллаб-қувватланган КБХТ субъектлари улуши	$SBgovsup = SBsup / SBn$ бу ерда: SBsup-қўллаб-қувватланган КБХТ сони; SBn-КБХТнинг умумий сони
2.6. КТ субъектларининг кредит ресурслари, микрокредитлар билан таъминланганлик даражаси	$SBmcr.res = Mcr.res / SBn$ бу ерда: Mcr.res-КТни кредитлаш ҳажми; SBn-КТ субъектлари сони
<b>II. Худуд аҳолисining мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги индекси (Iг.e.a)</b>	
$Iг.e.a = \sqrt[6]{Ib.nrc_{2.1} \times Ibsbtrf_{2.2} \times Iptrf_{2.3} \times Ibs.s.bt_{2.4} \times Ibs.govsup_{2.5} \times Ibsmcr.r_{2.6}}$	
<b>3. Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳити тавсифи Ibus.act</b>	
3.1. КТ субъектларининг “тугатилиш” коэффициенти	$SBlqd = Lqd / SBn$ бу ерда: Lqd- тугатилган КТ субъектлари сони; SBn-умумий КБХТ субъектлари сони
3.2. КТ субъектларининг “ташкил этилиш” коэффициенти	$SBnr = Nr / SBn$ бу ерда: Nr-янгидан ташкил этилган КТ субъектлари сони; SBn-умумий КБХТ субъектлари сони
3.3. Янгидан ташкил этилган ва тугатилган КТ субъектлари нисбати коэффициенти	$SBnr.lqd = Nr / Lqd$ бу ерда: Nr-янгидан ташкил этилган; Lqd- тугатилган КТ субъектлари сони
<b>III. Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳитини тавсифловчи индекс (Ibus.act)</b>	
$Ibus.act = \sqrt[3]{Ibqd_{3.1} \times Ibsnr_{3.2} \times Inr.lqd_{3.3}}$	
<b>4. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш хусусиятлари Id.e.p</b>	
4.1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган КБХТ асосий капиталга инвестициялар ҳажми индекси	$SBin.m.c.pop. = SBin.m.cap / Pn$ бу ерда: SBin.m.cap -КБХТнинг асосий капиталга инвестициялар ҳажми;

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

	<b><i>Pn</i></b> -аҳоли сони
4.2. Умумий корхоналар сонига нисбатан КБХТ субъектлари улуши индекси	<b><i>SBgen.ent=SBn/Gen</i></b> бу ерда: <b><i>SBn</i></b> -КБХТ субъектлари сони; <b><i>Gen</i></b> -умумий корхоналар сони
4.3. Кичик тадбиркорликда банд битта аҳоли сонига тўғри келадиган КБХТ айланмаси ҳажми индекси	<b><i>SBwor.cap.pop.=WK/SBwn</i></b> бу ерда: <b><i>WK</i></b> -КБХТ айланмаси ҳажми; <b><i>SBwn</i></b> -КБХТда ўртача иш билан бандлар сони
4.4. Битта кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобига тўғри келадиган КБХТ ўртача айланмаси ҳажми индекси	<b><i>SBwor.cap=WK/SBn</i></b> бу ерда: <b><i>WK</i></b> -КБХТ айланмаси ҳажми; <b><i>SBn</i></b> -кичик тадбиркорлик субъектлари сони
4.5. КБХТ асосий капиталга инвестицияларнинг битта кичик тадбиркорлик субъектига тўғри келадиган қисми индекси	<b><i>SBin.m.c.o.sb=SBin.m.cap/SBn</i></b> бу ерда: <b><i>SBin.m.cap</i></b> - КБХТ асосий капиталга инвестициялар; <b><i>SBn</i></b> -КБХТ субъектлари сони
<b><i>IV</i></b> .Худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш индекси ( <b><i>Id.e.p</i></b> )	
$Id.e.p = \sqrt[5]{Isb.i.m.c.p_{4.1} \times Isbgen.ent_{4.2} \times Isb.w.c.pop_{4.3} \times Isb.w.cap_{4.4} \times Isb.i.m.k_{4.5}}$	
<b>Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг умумий индекси</b>	
$Isbe.ef = \sqrt[4]{Ig.c_1 \times Ir.e_2 \times Ib.a_3 \times Id.e_4}$	

**Манба:** муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Олинган таҳлил натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоят аҳолисининг тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар индекси 2017 йилда 1,206 га тенг бўлган, яъни бу тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароит мавжудлигини кўрсатяпти, 2018 йилда бу индекс кўрсаткичи 1,132 га, 2019 йилда озгина пасайиш кузатиляпти, яъни индекс 1,017 га, 2020 йилга келиб 1,061 натижага тенг бўляпти (3-расм). Кузатилаётган йиллар давомида тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи омиллар деярли кучли силкинишга учрамаган, яъни энг юқори ва ўртача даражаларда акс этган. Бундан кўринадики, худудда тадбиркорлик салоҳияти шаклланиши ва уни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар мавжуд

4-расмда худуд аҳолисининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги индекси ўзгариши акс эттирилган. Статистик кузатув амалга оширилаётган йиллар давомида индекс натижалари барқарорлиги деярли сақланиб қолинган, яъни 2017 йилда ушбу индекс кўрсаткичи 1,203 га, 2018 йилда 1,251 га, 2019 йилда 1,221га тенг бўлган, лекин 2020 йилга келиб 1,005 кўрсаткичга тушиб кетган. Бунга сабаб, 2020 йилга келиб худудда КБХТ субъектлари сонининг кўпайиши, лекин кичик тадбиркорлик субъектлари айланмаси ҳажми, улар томонидан тўланадиган мажбурий тўловлар ҳажми камайиши биз тадқиқ этаётган маълумотлар тизимида кучли пасайишни келтириб чиқарган.



**4-расм.** Худуд аҳолисининг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги индекси ўзгариши

**Манба:** муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

5-расмдаги кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳитини тавсифловчи индекс маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, 2017 йилда ушбу индекс 1,182 га тенг бўлиб, энг юқори натижани акс эттирган, лекин 2018 йилга келиб, 1,009 натижага тушиб кетган, 2019 йилда ўз барқарорлигини

сақлаб қолишга ҳаракат қилган, 2020 йилга келиб эса ишчанлик муҳити индекси ҳудудда 1,078 га тенг бўлган. Кузатилаётган барча йиллар давомида аҳолининг кичик тадбиркорлик билан шуғулланишга тайёрлиги индекси ўртача барқарор ҳолатда бўлганлигини кўришимиз мумкин.



**5-расм. Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳитини тавсифловчи индекс ўзгариши**

*Манба:* муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Худуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш индекси 2017 йилда 1,164, 2018 йилда 1,836, 2019 йилда 1,725 ва 2020 йилга келиб эса 0,986 кўрсаткичга тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин (6-расм).

2018-2019 йилларда ушбу индекслар барқарор ўсиш даражасига эга бўлган, лекин 2020 йилга келиб пасайиш кузатилган.

Лекин шундай бўлсада, ҳудудда кичик тадбиркорликни ривожлантириш индекси барқарор ва ўрта ҳолатда сақланиб қолмоқда.



**6-расм. Ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш индекси ўзгариши**

*Манба:* муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳоловчи умумий индексга эътибор қаратадиган бўлсак, статистик

кузатув олиб борилаётган йиллар давомида индекс натижалари деярли барқарор ҳолатда сақланиб қолган (7-расм).



7-расм. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти натижавийлигини баҳолашнинг умумий индекси ўзгариши

Манба: муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Юқоридаги индекслар ўзгаришига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳудудда барқарор ва ўртача барқарор ҳолат акс этган. Бунга сабаб йиллар давомида кичик тадбиркорлар сонининг ошиши сотув ҳажми кўпайишига, янги иш ўринларининг яратилишига, асосий капиталга инвестициялар ҳажми ошишига олиб келган. Айниқса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг фаоллаштирилиши, тадбиркорлик салоҳиятини натижавийлигини баҳоловчи умумий

индекс кўрсаткичлари ошиб боришини таъминлаган. Бу кўрсаткич кузатилаётган 2018 йилда айниқса юқори бўлган.

Юқорида келтирилган мезонлар асосида қабул қилинган кўрсаткичлар қиймати бўйича Сурхондарё вилоятининг кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ривожланиш даражаси ўрганилган йиллар бўйича баҳолаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

Сурхондарё вилояти бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ривожланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичи

Мезонлар	Кўрсаткич	2017		2018		2019		2020	
		Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони	Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони	Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони	Кўрсаткич қийматлари	Баллар сони
1. Худуд аҳолиснинг тадбиркорлик фаоллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи омиллар ва умумий шарт-шароитлар тавсифи	Klg.c	1.206	2	1.132	1	1.017	1	1.061	1
2. Худуд аҳолиснинг мавжуд шарт-шароитлар таъсири остида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги	Klr.e.a	1.137	1	1.217	2	1.257	2	0.993	1
3. Кичик тадбиркорлик салоҳиятига таъсир этувчи ишчанлик муҳити тавсифи	Klbus.act	1.182	1	1.009	1	1.127	1	1.078	1
4. Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантириш хусусиятлари	Klsbe.ef	1.164	1	1.836	2	1.725	2	0.986	1
<b>Умумий коэффицентлар</b>									
		1.171		1.313		1.255		1.028	
<b>Баллар сони</b>			5		6		6		4

Манба: муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Сурхондарё вилоятининг кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти ривожланиш даражаси 2017 йил учун

5 балл, 2018-2019 йилларда 6 балл ва 2020 йилга келиб 4 баллга тенг бўлган, яъни бу ўз навбатида рухсат этилган қийматга мос келади.

2020 йилдаги кўрсаткичнинг 4 баллга тушиб қолиши пандемия келтириб чиқарган иқтисодий инқироз натижасида кичик корхоналар фаолиятининг сустлашиши, сотув, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг камайиши, кўпгина корхоналар ўз фаолиятини тугатилиши, ишсизлик даражасининг ошиши, аҳоли харид қобилиятининг пасайиши ва бошқа ҳолатлар билан ҳам боғлиқ.

Демак, юқоридаги расм маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, ҳудудда тадбиркорлик салоҳиятини шакллантириш, кичик тадбиркорлик субъектлари сонини оширишда керакли бўлган шарт-шароитлар ўртача ҳолатда деб изоҳ беришимиз мумкин.

**Хулосалар ва таклифлар.**

Таклиф этилаётган услубиятнинг қулайлиги шундан иборатки:

- ❖ ҳар қандай ҳудуд иқтисодиётининг тадбиркорлик салоҳияти ривожланишини таҳлил қилишда уни кенг қўллаш имконияти;
- ❖ вилоят иқтисодиёти тадбиркорлик салоҳияти ривожланишини мажмуавий интеграл баҳолай олиш;
- ❖ турли вилоятлар, туманлар тадбиркорлик салоҳияти ривожланиш динамикасини таққослама таҳлил қилиш;

- ❖ ҳудуд тадбиркорлик салоҳияти тузилмасидаги муаммоли жараёнларни аниқлаш;

- ❖ ҳудуд тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари самарадорлигини баҳолай олиш имконияти.

Яқуний натижа кўрсаткичлари ва интеграл индексларни кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудуднинг режалаштирилган ижтимоий аҳамиятга эга натижаларига эришишини баҳолаш манбаси сифатида қараш мумкин. Ушбу услубият кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган мақсад ва вазифаларига эришишнинг натижавийлиги ва самарадорлигини доимий назорат қилиш имкониятини беради.

Албатта, вилоят иқтисодиётининг кичик тадбиркорликка йўналтирилганлиги, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти қандай ривожланаётганлигига қараб, тадбиркорлик салоҳиятини ривожланиш даражасини баҳолаш бўйича таклиф этилаётган мезон ва кўрсаткичларга ўзгартириш киритиб, қўшимча мезон ва баҳолаш кўрсаткичлари жорий этилиши мумкин.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
2. Беркинов Б.Б.Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография Т.: “Fan va texnologiya”, 2019
3. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Б.К.Ғойибназаров Б.К. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик –Т.: Иқтисодиёт, 2012.
4. Глухих П.Л.Социально-экономическая оценка реализации предпринимательского потенциала в муниципальных образованиях. Автореферат дисс.на соис. уч. степ.канд.экон наук.Екатеринбург 2013
5. Егорихина С. Ю. Предпринимательский потенциал населения региона//Экономика региона: проблемы и перспективы развития. № 1 (53). 2011. С. 42-50.
6. Кремин А.Е., Мазилев Е.А. Оценка влияния малого бизнеса на социальноэкономическое развитие регионов // Вопросы территориального развития. 2018. № 1 (41). DOI: 10.15838/tdi.2018.2.41.2
7. Лускатова О.В., Гленкова Е.О., Шалова В.А. Методический подход к экономической оценке влияния предпринимательства на динамику развития региона // Фундамент. исслед. 2013.№ 2–3. С. 594–598.
8. Рихсимбоев О.Қ. “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш”. Диссертация 2002.-156 б.
9. Соатов Н.М. Статистика /Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003;
10. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзб.Рес. мисолида) диссертация, 2008-324 б.,
11. Чепуренко А.Ю. Предпринимательство в России: промежуточные результаты GEM//Мир России. № 2. 2008. С. 22-40.
12. Чепляева И. Е. Предпринимательский потенциал: проблемы формирования и использования в российской экономике. Дис. ... к. э. н.: 08.00.07. Саратов, 1999. – 168
13. Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўл. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005.- 126 б;
14. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес –Т.: Шарқ, 2002;



АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ МЕХАНИЗМИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

*Хусанова Зулфия Рахматуллаевна –  
Андижон Давлат Университети,  
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада тадбиркорлик тўғрисидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари умумий ҳолда таҳлил этилган ва бу тушунчага муаллифнинг ишланмаси берилган. Аёлларнинг мамлакат иқтисодиётининг ривожланишидаги тутган ўрни талқин этилган ҳамда аёллар бошқараётган тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиётга таъсири, аёллар тадбиркорлигини бошқарувини ривожлантириш омиллари таҳлил қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда корхона фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнида тадбиркор аёлларни тадбиркор эркакларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлари:** кичик ва ўрта бизнес, аёллар тадбиркорлиги, бизнесмен, тадбиркор, мослашувчанлик қобилияти, бошқарув, омиллар, бизнес юртиши.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ МЕХАНИЗМА ЖЕНСКОГО  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

*Хусанова Зулфия Рахматуллаевна –  
Андижанский государственный университет,  
город Андижан, старший преподаватель кафедры «Экономика»*

**Аннотация.** В статье проанализированы научные взгляды на предпринимательство в целом зарубежных и отечественных ученых и дана авторская разработка этого понятия. Осуществляется интерпретация роли женщин в развитии экономики страны, анализируется влияние женского предпринимательства на национальную экономику, факторы развития управления женским предпринимательством. В процессе организации и управления деятельностью предприятия по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства анализируются особенности женщин-предпринимателей по сравнению с мужчинами-предпринимателями.

**Ключевые слова:** малый и средний бизнес, женское предпринимательство, бизнесмен, предприниматель, гибкость, управление, факторы, ведение бизнеса.

SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF THE MECHANISM OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP

*Khusanova Zulfiya Rakhmatullaевна –  
Andijan State University, Andijan city,  
Senior Lecturer of the Department of Economics*

**Annotation.** The article analyzes the scientific views on entrepreneurship in general of foreign and domestic scientists and gives the author's development of this concept. The interpretation of the role of women in the development of the country's economy is carried out, the influence of women's entrepreneurship on the national economy, factors of the development of management of women's entrepreneurship are analyzed. In the process of organizing and managing the activities of an enterprise for the development of small business and private entrepreneurship, the authors analyze the characteristics of women entrepreneurs in comparison with men entrepreneurs.

**Key words:** small and medium business, women's entrepreneurship, businessman, entrepreneur, flexibility, management, factors, doing business.

**Кириш.** Замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг ривожланиши жаҳон ҳўжалигида глобал миқёсдаги “сокин инқилоб”нинг вужудга келиши билан бир қаторда кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги динамиклик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Тараққий этган мамлакатларда постиндустриал жамиятнинг шаклланиши жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожланиш тенденциялари намоён бўлди. Бунда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши ортиб борган ҳолда, мамлакат иқтисодиётида инсон ресурсларидан максимал даражада сама-

рали фойдаланиш зарурияти вужудга келди. Натижада аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратила бошланди.

Аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг моҳиятини тўлиқ англаб етиш, мамлакат иқтисодиётида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самараси ва ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг оптимал даражадаги ечимларини топиш учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни бошқаришнинг назарий жиҳатларини би-лиш ва ўрганиш талаб этилади.

Иқтисодий адабиётда тадбиркорлик тўғрисидаги илмий қарашларни умумий ҳолда таҳлил этадиган бўлсак, бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари бир-бири билан узвий боғланган, бир хилдаги ижтимоий-иқтисодий асосларга ва тамойилларга эга бўлган иқтисодий категория ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** XVIII асрда Р.Кантильон томонидан иқтисодий адабиётга “тадбиркорлик” тушунчаси киритилади. Унинг фикрига кўра, тадбиркор бозор имкониятларини тўлиқ англай оладиган шахс бўлиб, у юқори фойда олиш мақсадида ушбу имкониятлардан тадбиркорлик билан фойдаланади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик бозордаги мавжуд талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатдан келиб чиққан ҳолда иш тутиш зарурлигига ишора қилади [1].

Классик иқтисодий мактаб вакилларида А. Смит фикрига кўра, “тадбиркор - бу қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадидаги иқтисодий таваккалдир, унинг ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қилади ва натижаларни ўзи тасарруф этади” [2, с 174-176]. Мазкур ҳолат ўз навбатида классик мактаб иқтисодчи олимлари томонидан илгари сурилган рақобатнинг эркинлиги ҳолати бозор иқтисодиётининг муҳим шарти эканлигидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнларига тегишли бўлган назарий қарашларни ривожланишининг турли босқичларида иқтисодий адабиётда “тадбиркор”, “бизнесмен”, “бизнесвумен” каби иқтисодий категориялар талқин этила бошланди. Хусусан, С. Брю ва К. Макконелл томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи, иқтисодий муносабатларда катализатор вазифасини бажарувчи, бизнес юритишда тўғри қарорларни қабул қилувчи, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жорий этувчи ва шу билан бир қаторда янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқаришга интилувчи, риск қилишга мойиллиги бўлган шахс тадбиркор сифатида қаралган [3, с 38].

Амалга оширган тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим иқтисодий адабиётларда “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчалари ўзаро фарқланади. Масалан, бизнес – бу даромад келтирувчи фаолият шакли ҳисобланса [4, с 36], тадбиркорлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, уни бошқариш жараёнида ўзига хос устунликлардан фойдаланган ҳолда юқори даромад олиш ҳисобланади [5, с 136].

Махаллий иқтисодчи олим С.С. Ғуломов тадбиркорлик тушунчасига қуйидагича таъриф

беради: “тадбиркор шундай инсонки, у тўла ёки қисман ўз моддий маблағига ёки молиявий ресурсларига эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини (бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. Улар томонидан бунёд этилган фирма давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади” [6, с 86]. Олим томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти кичик бизнес корхоналарини бошқаруви жараёнида юзага келадиган инсоний фазилят ҳисобланади.

Махаллий иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар фикрича, “Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилидир” [7, 192]. Бунда тадбиркорлик фаолиятининг сифатига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, инсондаги мазкур хусусият тегишли даражада шакллантирилмаса, иқтисодий ўсишга эришилмаслиги асосланади. Ш.Шодмонов эса тадбиркорликни шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида қаратилган иқтисодий фаолият деб баҳолайди [8, с 137]. Яна бир иқтисодчи олим Қ.Муфтайдинов томонидан тадбиркорлик тушунчасига нисбатан берилган таърифга кўра, “Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида иқтисодий маховик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди” [9, с 18].

Юқорида келтирилган махаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини моҳиятини тушунтиришга қаратилган қарашларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бунда даромад топишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорликнинг қўйилишидир. Мазкур вазиятда тадбиркорлик инсоний фазилят эмас, балки иқтисодий субъект сифатида баҳоланган. Ваҳоланки, тадбиркорлик фаолияти кичик бизнес субъектлари вакиллари ёки уларнинг бошқарувчилари учун хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолияти бу инсоний қобилиятдир. Бу фикримизга асос сифатида айтишимиз мумкинки, иқтисодчи олим Е.О. Макарова томонидан олиб борилган тадқиқотлари натижаларида инсон қобилиятларининг даромад келтирувчи манбаси сифатида меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти келтириб ўтилган [10, с 51-77].

Тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: “тадбиркорлик фаолияти иқтисодий категория сифатида хўжалик юритишнинг бошқарув усули бўлиб, тадбиркор шахснинг ташкилотчилик ху-

сусиятлари билан боғлиқ ҳисобланади ва корхона фаолиятига янгиликларни жорий этишга асосланган ҳолда бозор шароитида ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро мақбул алоқадорлигини таъминлаган ҳолда юқори даромадга эга бўлиш ва бойлик орттиришга қаратилган ташаббусли фаолият туридир” [11].


Россиялик иқтисодчи олим А. В.Алимпиева [12, с 19-30] томонидан бизнес соҳасида аёлларни стратегик хусусиятлари ҳамда тадбиркорликни оилавий фаолиятига таъсирини ўрганган, А.В.Орлова [13, 17-21] ассосан аёллар тадбиркорлигини ривожланишида маълумотлар манмасинига ва эмпирик таҳлил этиш методикасига эътибор қаратган. Р. И.Семенов ва З.И.Райманова [14, с 661-664] ларнинг тадқиқот ишлари аёллар тадбиркорлигини ривожланишига тўхтатувчи ва тўсқинлик қилувчи тўсиқларни таҳлил қилган.

Бошқа бир олим Ю.С.Семёнова [15, с 33-35] катта ва ўрта ёшдаги олий маълумотли аёллар тадбиркорлик фаолиятида юқори натижаларга эришишга муваққат бўлишади деб хулоса қилган. Ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш учун улар зарур молиявий ресурсларни ва алоқаларидан фойдаланган ҳолда юқори маънавий қобилиятларига, бошқарувчилик тажрибасига эга бўлганликлари учун, аёллар мустақил ижодий изланишга ва ташаббускорлиги намоён бўлади деб таъкидлаб ўтган.

**Асосий қисм.** Аёлларнинг мамлакат иқтисодиётининг ривожланишидаги тутган ўрни – бу уларнинг микро даражадаги, яъни тадбиркорлик фаолияти асосида корхона даражасидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни

бошқариш жараёнида ўз аксини топади. Аёллар тадбиркорлиги фаолиятини ривожланишининг жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, аёлларнинг кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги хўжалик юритиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида уларнинг иш юритиши, қарорлар қабул қилишдаги ўзига хослик, ўзига яраша маҳорат ва кўникмалари ажралиб туради. Аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаруви жараёнида эркаларга нисбатан инновацион ёндашувнинг мавжудлиги иқтисодий адабиётда менежмент фанининг ривожланишида бошқарув амалиётини ташкил этиш бўйича янги илмий ва амалий қарашларнинг шаклланиши учун замин яратади.

Иқтисодий адабиётда аёллар бошқараётган тадбиркорлик соҳасининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини тадқиқ этишга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (1-расмга қаранг). Олинган натижаларга кўра, аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг миллий иқтисодиёт тармоқларини қайта қуриш жараёнидаги тутган ўрни ортиб, ривожланиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Ушбу соҳа мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини жадаллашувини рағбатлантирувчи иқтисодиётни янги шаклланиб келаётган динамик кучи сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда миллий иқтисодиётда инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириб, ишсизлик даражасини камайтиради ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг барқарор равишда ривожланиши учун замин яратади. Натижада мамлакатда узоқ муддатли даврда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга эришилади.




**1-расм. Аёллар бошқараётган тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиётга таъсири [16]**

Бозор муносабатларининг ривожланиши, иқтисодий муносабатлар тизимида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши босқичида инновацион кичик бизнесни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, XXI аснинг

бошларидан бугунги кунга қадар жаҳонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида аксарият мамлакатларда амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатда иқтисодий субъект-

ларнинг, айниқса аёл тадбиркорлар вакилларининг инновацион фаолиятларини кенгайтиришга қаратилган мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этила бошланди. Пировард натижада аёллар тадбиркорлиги фаолияти замонавий иқтисодиётни барқарор

ривожлантирувчи омил сифатида қарала бошланди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, аёллар тадбиркорлиги мамлакат иқтисодиётида 2-расмда келтирилган омиллар билан узвий боғлиқликда ривожланиб боради [17].



**2-расм. Аёллар тадбиркорлигини бошқарувини ривожлантириш омиллари [18]**

Жамиятнинг ижтимоий таркиби – жамият таркибида олий маълумотга эга бўлган фуқароларнинг, жумладан олий маълумотли аёлларнинг кўпайиши, истеъмолчиларнинг сифатли, янги турдаги маҳсулотларга бўлган талабларининг ортишида ўз аксини топади. Бунда жамият аъзоларининг инновацион жараёнларга бўлган қизиқиши, интилиши ва мойиллиги юқори даражада бўлади.

Мослашувчанлик қобилияти – бу аёл тадбиркорларнинг инновацион жараёнларга тезда мослашиши ва уларни амалиётга татбиқ этиши даврининг қисқа муддатларда бўлишини англатади. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ижтимоий таркиби билан узвий боғлиқ омил ҳисобланади.

Илмий-техник ихтисослашув – яъни, аёл тадбиркорларнинг инновацион жараёнларнинг у ёки бу турига чуқур ихтисослашувини англатади. Бунда олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган технопарклар, илмий тадқиқот институтлари ва мамлакатда илмий тадқиқот-тажриба ва конструкторлик ишланмаларининг қайси соҳада юқори даражада ишлаб чиқилиши, инновацион товар ва хизматларга бўлган талаб ва кадрларнинг мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда, аёл тадбиркорларнинг инновацион бизнес юритишидаги илмий-техник ихтисослашуви йўналишлари аниқлаб берилади. Ушбу омил юқоридаги икки омилнинг маҳсули сифатида қаралади.

Иқтисодий муносабатларнинг ҳаракатланиш инерцияси – бунда мамлакатдаги иқтисодий муносабатлар тизимида инновацияларга бўлган ишонч ва талабнинг юқори даражада бўлиши оқибатида аёллар тадбиркорлигининг

кичик инновацион бизнес сифатида намоён бўлган ҳолда, иқтисодиётни ривожлантирувчи омилга айланиши назарда тутилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, аёллар тадбиркорлигини ривожлантирувчи ҳар тўрттала омил ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, улар мамлакатда инновацион иқтисодий муносабатларни, жумладан, кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг инновацион имкониятлари кучайиб юқори даражадаги қўшилган қийматга эга бўлган, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтилади. Бу эса ўз навбатида, узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади [19].

О.А. Арипов томонидан амалга оширилган тадқиқотларда Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришида тадбиркор-эркаклар (бизнесмен) билан тадбиркор-аёллар (бизнесвумен) ўртасидаги 1-жадвалда келтирилган фарқли жиҳатлар ажратиб кўрсатилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тадбиркор аёллар томонидан тадбиркор эркакларга нисбатан корхона фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнида ўзига хос хусусиятлар шаклланган. Ушбу ҳолат хўжалик фаолиятини юритиш жараёнидаги мослашувчанликнинг юқори даражаси ва бизнес юритишдаги инновацион ёндашувларни амалиётга татбиқ этишдаги интилишнинг юқорилиги билан тавсифланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида тадбиркор эркаклар ва тадбиркор аёллар ўртасидаги фарқ [20]

Тавсифлар	Тадбиркор эркаклар	Тадбиркор аёллар
Бизнесни бошлашдаги ёши	25-35 ёш	30-40 ёш
Маблағ олишдаги манбалар	Омонатдан фойдаланиш, банк кредитлари олиш, инвесторларни жалб этиш, яқин танишлардан қарз олиш	Омонатдан фойдаланиш ва яқин танишлардан қарз олиш
Қўллаб-қувватлаш гуруҳи	Дўстлар, бизнес ҳамкорлар, турмуш ўртоғи	Яқин дўстлар, турмуш ўртоғи, оила, аёллар уюшмалари
Мотивация	Бизнес қилиш истаги, мустақилликка эришиш, вазиятларни бошқариш	Қўйилган мақсад сари интилиш, мустақилликка эришиш
Кўпроқ мақбул бўлган тармоқ	Саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш	Хизмат кўрсатиш, савдо, енгил саноат (тўқимачилик), касаначилик
Шахсий сифатлар	Ўз фикрини маъқуллайди, мақсадга интилади, ҳаддан ортиқ ўзига ишонади, ностандарт фикрлайди, кучли, мустақил	Бошқалар фикрини ўрганади, мослашувчан, чидамли, мақсад сари интилади, кучли, ностандарт фикрлайди

Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, аёлларнинг бандликдаги салоҳияти янада ошади. Айниқса 18–40 ёшгача бўлган аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги фаоллиги сезиларлидир. Масалан, жами фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этади. Жумладан, қишлоқ жойларида яшайдиган аёллар кўпроқ қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган бўлсалар, шаҳар жойларида яшаётган аёлларимиз чеварлик, тикувчилик, қандолатчилик, косметология, таълим бериш (репетиторлик), соғлиқни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларини кенгроқ қамраб олганлар. Ҳозирги кунда бу каби соҳалар қишлоқ жойларида ҳам маълум даражада ривожланмоқда [21, с 8].

Фикримизча, аёллар тадбиркорлиги – бу иқтисодий категория сифатида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида янги шаклда хўжалик фаолияти юритаётган, мустақил ҳисобланган, ўта мослашувчан кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланиб, уларнинг корхона фаолиятини бошқаувини ташкил этишдаги илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилишга интилишининг юқорилиги ва бу борадаги ахборотлар билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўлган, инновацияларни ўзлаштирувчи ва ихтиро қилувчи иқтисодий субъектлари ҳисобланади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда аёллар тадбиркорлиги тушунчасига иқтисодий категория сифатида кенг маънода тариф бериладиган бўлса, бу дунё миқёсида расмий ёки норасмий секторлардаги аёлларнинг ўз-ўзини иш билан бандлигини таъминлаш ва ўз бизнесларини ташкил этиш орқали аёлларнинг мамлакат иқтисодий ривожланиши жараёнидаги фаол иштиоркини англатади. Бунда иқтисодий муносабатлар тизимида кичик, ўрта ва йирик бизнес субъектларини бош-

қарув жараёнларини ташкил этиш жараёнида кумулятив самарадорликка эришиш ҳолатларини кузатиш мумкин бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон мамлакатларида аёллар тадбиркорлиги асосан кичик бизнес соҳасида ривожланмоқда. Турли мамлакатларда кичик бизнес соҳасини аниқлашда корхонада банд бўлган ҳодимлар сонидан келиб чиққан ҳолда турлича баҳоланади. Ҳодимлар сонининг кўп ёки камлиги корхонанинг бошқарув тузилмасини қай даражада ташкил этиш имконияти мавжудлигидан далолат беради. Масалан, АҚШда савдо соҳасида ҳодимлар сони 100 кишигача бўлган иқтисодий субъектлар кичик бизнес вакиллари ҳисобланади, жумладан, ишлаб чиқариш ва нефтни қайта ишлаб саноатида бўлса ҳодимларининг сони 1 500 тагача, электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида эса ҳодимлар сони 1 000 тагача бўлган иқтисодий субъектлар кичик бизнес вакиллари ҳисобланади [22, с 330-348].

ИХТТ мамлакатлари услубиёти бўйича кичик бизнес вакиллари ҳодимлари сони 20 тагача бўлган иш берувчилари ўта кичик турдаги кичик бизнес вакиллар ҳисобланса, кичик бизнес вакиллари учун ушбу меъёр 90 тагача бўлган иш ўрни деб белгиланган. Ушбу мамлакатлар гуруҳида иш ўринлари сони бўйича 100-499 та оралиқда жойлашган иш берувчилар ўрта бизнес вакиллари ҳисобланса, 500 ва ундан ортиқ иш ўрнига эга бўлган иш берувчилар катта бизнес субъектлари қаторига кирад [23, с 330-348].

БМТнинг Иқтисодий комиссияси томонидан Лотин Америкаси қитъасида жойлашган мамлакатларда кичик бизнес вакиллари учун, уларнинг фаолият турлари ва йўналишидан қатъий назар иш ўринлари сони бўйича меъёр 5-50 та эканлиги аниқланган [24].

Европа Иттифоқи мамлакатларида эса ҳолат бироз ўзгача кўринишга эга. Минтақада

ишчилари сони 1-9 тагача бўлган, корхонанинг йиллик айланмаси ва баланси 2 млн. еврогача бўлган иқтисодий субъектлар микро бизнес вакиллари ҳисобланса, иш ўрни 10-49 тагача бўлган йиллик капитал айланмаси ва баланси ҳажми 10 млн. еврогача бўлган иш берувчилар кичик бизнес субъекти ҳисобланади [25, с 330-348].

Аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнида ҳам корхонада банд бўлган ҳодимлар сонидан келиб чиққан ҳолда, унда содир бўлаётган барча жараёнлар, жумладан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, товар ва хизматлар сифатини назорат қилиш, тайёр маҳсулот ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш, уларни сақлаш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида турли тадқиқотлар ўтказиш каби қатор вазифалар тизимли тарзда ташкиллаштирилиши талаб этилади [26, с 215].

Аёллар тадбиркорлиги фаолиятини бошқаришда корхонанинг барча ҳодимларининг функциялари ва вазифалари қай даражада тизимлаштирилганлигига қараб, фирмада бошқарув механизми самарадорлигига баҳо бериш мумкин бўлади. Бунда қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ [27, с. 669]:

- истеъмолчига йўналтирилганлик даражаси. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни бозорга етказилиши ва уларнинг истеъмолчилар талабларига қай даражада жавоб бериши ҳолатига баҳо берилади;

- корхона раҳбарининг етакчилик (лидерлик) хусусияти. Раҳбарнинг етакчилик қобилияти ахборотларни таҳлил қилиш, вазиятни тўғри баҳолай олиши ва аниқ мақсадга йўналтирилган тўғри қарорларни қабул қила олишида ўз аксини топади;

- кадрларни жалб қила олиш. Корхона ишчилари таркибини шакллантириш ва мавжуд кадрларни бошқариш жараёнларини ташкил этишда уларнинг эркин ишлашлари, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олишлари учун етарли даражадаги шарт-шароитларнинг яратилганлигига эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда, корхона фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўз кадрларини ўқитиш, малакасини ошириш ишларини ташкил этилганлиги;

- корхона фаолиятининг тизимли равишда ташкил этилганлиги. Корхонанинг барча ҳодимлари ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларида ўз вазифаларини ҳамжиҳатликда бажаришлари, ишлар чиқариш жараёнида вужудга келган айрим кичик муаммоли вазиятларни бошқарувчининг иштирокисиз ўзлари ҳал қила олиш имкониятларининг мавжудлиги. Корхона бошқарувини ташкил этилишидаги бундай ёндашув-

нинг амалиётга татбиқ этилиши, фирма раҳбарининг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этилишида ҳар бир бўғин фаолиятини назоратига эмас, балки якуний натижага, бошқача қилиб айтганда фирма фаолияти самарадорлигига кўпроқ эътибор қаратиш имконини беради;

- вазиятдан келиб чиққан ҳолда, аниқ фактларга асосланиб қарор қабул қилиш. Бунда корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида батафсил маълумотга эга эканлигига эътибор қаратилади. Бу эса корхонани самарали бошқариш учун замин яратади.

- корхона фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг номенклатурасини кенгайтириш, фирманинг инновацион ривожланишини таъминлаш, янги бозорларга кириб бориш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фирма фаолиятини диверсификациялаш каби амалий ишларни доимий равишда амалга оширилишини таъминлаш;

- фирма бошқарувига тизимли ёндашувнинг мавжудлиги. Яъни, корхона раҳбари томонидан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уни бошқарувига оид бўлган қарорларни қабул қилиниши, фирманинг барча аъзоларига таъсир этиши назарда тутилмоқда. Бунда қарорларни қабул қилишда ишлаб чиқаришнинг маълум бир босқич ёки бўғини фаолиятига оид бўлган қарор унинг бошқа босқичлари ёки бўғинлари фаолиятига муаммо туғдирмаслигини таъминлаш зарур;

- корхонанинг таъминотчилар ва воситачилар билан ўзаро манфаатли муносабатга киришиши. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва нархига таъминотчилар ва воситачиларнинг ҳам маълум бир маънодаги таъсири мавжуд. Фирма арзонроқ ва сифатлироқ маҳсулотни ишлаб чиқариши учун таъминотчилар ва воситачилар билан ўзаро ҳамкорликда узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида корхонанинг бозордаги эгалланган ўрнининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

**Якуний қисм.** Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва уни бошқариш қуйидаги ўзаро алоқадор бўлган босқичларни ўз ичига олади:

- биринчи галда аёллар тадбиркорлиги фаолиятини ташкил этишда бозор конъюнктурасини ўрганиш асосида, ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулот тури ва ҳажминини аниқлашда унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни қиёсий таққослаш. Ташкил этилаётган корхонанинг фаолиятига оид бўлган тўсиқлар, давлат томонидан аёл тадбир-

корлар учун берилган имтиёзларни ҳам тўлиқ ўрганиш талаб этилади. Бу орқали молиявий ресурсларнинг тақсимолига янада аниқлик киритилади.

- ташкил этилган корхонада унинг фаолияти йўналиши, унга рақоботчи бўлган бошқа тадбиркорлар, жумладан, аёл тадбиркорларнинг имкониятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда, фирмани техник ва технологик ҳолда қуроллантириш. Бу орқали корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва нархининг бозордаги мақбул нарх билан тенглаштириш билан бирга, рақобатчиларга нисбатан устунлик ҳолатларини аниқлаш имконияти вужудга келади.

- фирманинг ташқи ва ички муҳитини шакллантириш. Яъни корхонанинг таъминотчилари, унинг персоналани шакллантириш. Бунда таъминотчилар билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини узоқ даврли ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши зарур. Корхона персоналани шакллантиришда ишчиларни ёллашга қўйиладиган талаблар, уларга яратиладиган имкониятларни тўлиқ шакллантириш корхонанинг самарали фаолият юритишига замин яратади.

- корхона фаолиятини ташкил этиш учун молиявий ресурсларни жалб қилиш. Бунда корхона фаолиятини бошлаш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларнинг етишмаган қисмини қандай қоплаш корхонанинг узоқ муддатли даврда молиявий-иқтисодий имкониятларига салбий таъсир кўрсатмаслигини аниқлаш зарур. Аёл тадбиркорларга берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, мақсадли кредитлар олиш, корхона фаолиятини кенгайтиришда қимматли қоғозлар бозорига ўз акцияларини чиқариш шулар жумласидандир.

Жаҳон мамлакатларида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат дастурлари доирасида

аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш давлатнинг мақсадли фаол ижтимоий дастурлари асосида амалга оширилиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида гендер тенглигини таъминлайди;

- аёллар ўртасидаги ишсизлик даражасини камайтиради;

- аёлларнинг ижтимоий мавқеини оширади;

- мамлакатда миллий инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва бошқариш қуйидаги афзалликларга эга эканлиги аниқланди:

- оперативлик – бозордаги ўзгаришларга тезда мослаша олиш қобилияти;

- юқори даражадаги эгилувчанлик – корхонанинг таркибий тузилишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ҳажмига тезда ўзгартириш кирита олиш;

- корхонанинг айланма капиталининг айланиш тезлигининг нисбатан юқорилиги;

Аёллар тадбиркорлигини ташкил этишнинг афзал жиҳатлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- турли инқирозлар ва бозордаги ноаниқлик ҳолатларида корхонанинг молиявий беқарорлик ҳолатига тушиб қолиши;

- аёллар тадбиркорлигида инсон омилидан нисбатан кўпроқ фойдаланиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Грубенкова Д.О. Предпринимательство в теориях Р. Кантильона, Маркса, Веблена и Шумпетера: Сравнительный анализ // Международный студенческий научный вестник. – 2016. – № 2.; URL: <http://www.eduherald.ru/ru/article/view?id=15405>

2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов(Книга1-III). - М.: "Наука", 192. -С. 174, 176.

3. Макконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Том 1. - М.: Инфра-М. 2003. -С.38.

4. Самоукин А., Шишов А. Теория и практика бизнеса: Учебно практическое пособие. - М.: Русская деловая литература, 1997. -С.36.

5. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. -Т.Меҳнат, 2007. -Б.136.

6. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Т.: Шарқ, 2002. -86.

7. Улмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Тошкент.: Меҳнат, 1995. -192 б.

8. Шодмонов Ш. Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Меҳнат, 2007. -Б.137.

9. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. -Тошкент. 2004. -18 б.

10. Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоретические аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77.

11. Муаллиф томонидан тузилган.

12. Alimpiyeva A. V. *Women's entrepreneurship in the Belarusian and Russian public discourse // PRIMO ASPECTU. 2017. № 4 (32). P. 19–30. [Alimpiyeva A. V. Zhenskoe predprinimatel'stvo v belorusskom i rossiyskom publichnom diskurse // PRIMO ASPECTU. 2017. № 4 (32). S. 19–30] – (In Rus.)*
13. Orlova A. V. *Organization of analytical work in studies of women's entrepreneurship // Economics. Business. Finance. 2018. № 2. P. 17–21. [Orlova A. V. Organizatsiya analiticheskoy raboty v issledovaniyakh zhenskogo predprinimatel'stva // Ekonomika. Biznes. Finansy. 2018. № 2. S. 17–21] – (In Rus.)*
14. Semenov R. I. *Development of women's entrepreneurship in Russia // Quality of science – quality of life. 2018. № 11. P. 72–75. [Semenov R.I. Razvitiye zhenskogo predprinimatel'stva v Rossii // Kachestvo nauki – kachestvo zhizni. 2018. № 11. S. 72–75] – (In Rus.); Raimanova Z. I. Actual problems of development of women entrepreneurship in Russia // Reports of the Bashkir University. 2018. № 3 (6). P. 661–664. [Raymanova Z. I. Aktual'nye problemy razvitiya zhenskogo predprinimatel'stva v Rossii // Doklady Bashkirskogo universiteta. 2018. № 3(6). S. 661–664] – (In Rus.)*
15. Семенова Ю.А. *О социальном механизме оптимизации женского предпринимательства // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Социология. Политалогия. 2013. №13(1). С. 33-35.*
16. Муаллиф томонидан тузилган.
17. Счастливая Н.В. *Малый инновационный бизнес в экономике высокоразвитых стран – <https://www.vestnik.osu.ru>; Кокин А.С., Суевалова М.А. Анализ развития инновационного малого бизнеса в рамках национальных инновационных систем зарубежных стран – <https://www.cyberleninka.ru>*
18. Счастливая Н.В. *Малый инновационный бизнес в экономике высокоразвитых стран – <https://www.vestnik.osu.ru>; Кокин А.С. Суевалова М.А. Анализ развития инновационного малого бизнеса в рамках национальных инновационных систем зарубежных стран – <https://www.cyberleninka.ru> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган*
19. Счастливая Н.В. *Малый инновационный бизнес в экономике высокоразвитых стран – <https://www.vestnik.osu.ru>; Кокин А.С. Суевалова М.А. Анализ развития инновационного малого бизнеса в рамках национальных инновационных систем зарубежных стран – <https://www.cyberleninka.ru>*
20. Арипов О.А. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 3, май-июнь, 2017 йил. Б. 8 маълумотлари асосида тузилган.*
21. Арипов О.А. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 3, май-июнь, 2017 йил. Б. 8.*
22. Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. *2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348.*
23. Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. *2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348.*
24. Ўша манба.
25. Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. *2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348.*
26. Огвоздин В. Ю. *Управление качеством. Основы теории и практики. 2009. 215 с*
27. *Управление организацией: Учебник / Под ред. А.Г.Поршнева, З.П. Румянцевой, Н.А. Соломатина. 2-е изд., перераб.и доп. - М.: ИНФРА-М, 2002. 669 с.*



**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН КОМПЛЕКС  
ТИЗИМЛИ СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Исаев Равшан Абдурахмонович -**

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
«Корпоратив бошқарув» кафедраси профессори*

**Аннотация.** Мақолада сифат менежменти ва стратегик менежмент интеграллашган тизимида тўқимачилик саноати корхоналари ривожланиш стратегияларини амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** комплекс тизим, стратегик бошқариш, ривожланиш стратегияси, механизм.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ И УПРАВЛЕНЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ  
РЕАЛИЗАЦИИ ИНТЕГРИРОВАННОЙ КОМПЛЕКСНОЙ СИСТЕМНОЙ СТРАТЕГИИ НА  
ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ОТРАСЛИ**

**Исаев Равшан Абдурахмонович -**

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности  
Профессор кафедры «Корпоративное управление»*

**Аннотация.** В статье исследуются вопросы совершенствования организационно-управленческих механизмов реализации стратегии развития текстильных предприятий в интегрированной системе менеджмента качества и стратегического менеджмента.

**Ключевые слова:** комплексная система, стратегическое управление, стратегия развития, механизм.

**IMPROVEMENT OF ORGANIZATIONAL AND MANAGEMENT MECHANISMS OF IMPLEMENTATION  
OF INTEGRATED COMPLEX SYSTEM STRATEGY IN TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES**

**Isaev Ravshan Abduraxmonovich -**

*Tashkent institute of textile and light industry  
Professor of the Department of Corporate Governance*

**Annotation.** The article examines the issues of improving the organizational and management mechanisms for the implementation of development strategies of textile enterprises in the integrated system of quality management and strategic management.

**Keywords:** complex system, strategic management, development strategy, mechanism.

**Кириш.** Республикамизда ҳозирда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш саналади. Бунинг учун эса барча саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш орқали сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқариш талаб этилади. Корхоналар ишини яхшилаш, уларга эркинлик бериш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш янада сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш, натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистонда экспорт салохиятини янада оширишда тўқимачилик корхоналарида пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли экспортбон тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш зарурати ортиб бормоқда. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш,

миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[1].

Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши самарали ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишни талаб этадики, бунда биринчи навбатни стратегияни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодиётда «механизм» атамасининг қўлланилиши ҳаракат тавсифи ва режимини, турли вазифалар бажарадиган муайян функцияларнинг кетма-кетлигини, тизим элементларининг ўзаро муносабатини ва ҳоказоларни таъкидлаш зарурати билан боғлиқдир. Ўз навбатида, иқтисодиётда механикадан олинган энг оддий қурилмаларнинг ўхшаш вариантлари мустақил ра-

вишда ва механизмнинг бир қисми сифатида ишлатиладиган воситалар деб аталадиган бўлди. "Механизм" атамаси ижтимоий-иқтисодий тизимларни таърифлашга мослаштирилди, чунки уларнинг ўзаро муносабатларида ижтимоий ва саноат жараёнларини кўриб чиқиш зарурати туғилди. Турли иқтисодчилар томонидан тақдим этилган ушбу атаманинг талқинлари жуда зиддиятлидир. Масалан, «хўжалик механизми - ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг таркибий қисмларини бошқаришнинг ўзаро боғлиқ, ўзаро асосланган шакл ва усуллари тизимидир» [2].

Муаллифларнинг фикрича, «механизм ишлаб чиқариш муносабатлари (режалаштириш, регламент, стандартлар, нарх, фойда ва бошқалар) намоён бўлишининг ўзига хос объектив шакли вазифасини бажаради ва шу билан бирга бошқарувнинг маълум бир усулини ифодалайди» [3].

Иқтисодий фаолиятнинг мураккаб тузилишини ҳисобга олган ҳолда, баъзи олимлар хўжалик механизмнинг кўп даражали тузилиши ҳақида хулоса чиқариб, умуман миллий иқтисодиётнинг хўжалик механизми (макроиқтисодий даража) ва бизнес субъектларининг хўжалик механизми (микроиқтисодий даража) даражасини таъкидлашади [4].

Кўпгина замонавий олимлар механизмни «жараёнлар, ташкилий тузилмалар, бошқарувнинг ўзига хос шакллари ва усуллари, шунингдек, муайян шароитларда фаолият юритувчи иқтисодий қонунларни амалга ошириш учун қўлланиладиган ҳуқуқий меъёрлар, такрор ишлаб чиқариш жараёни» сифатида талқин этишади [5]. Бу талқин «механизм» тушунчасининг иқтисодий тизим хусусиятларини беради.

Иқтисодий адабиётларда кўпинча хўжалик механизми конгломерат сифатида тушунилади: «жараёнлар, ташкилий тузилмалар, бошқарувнинг ўзига хос шакллари ва усуллари, шунингдек, муайян шароитларда фаолият юритувчи иқтисодий қонунларни амалга оширувчи ҳуқуқий нормалар, такрор ишлаб чиқариш жараёни» [6]. Бу талқин муайян иқтисодий тизим шаклидаги механизмни ифодалайди ва ушбу бошқарув тизимининг қуйи тизими вазифасини бажаради.

Айрим тадқиқотчилар бу атамани янада аниқроқ талқин қиладилар: «иқтисодий механизм» «иқтисодий жараёнларга таъсир этиш, уларни тартибга солиш усуллари ва воситалари мажмуи», - деб талқин қиладилар [7].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуги ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Терминологик ноаниқликнинг юқори даражасини ҳисобга олиб, стратегиянинг амалга ошириш жараёнига нисбатан ушбу туркумга оид ўз қарашларимизни аниқлаб олишингиз зарур. Бу вазиятда ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда (ишни режалаштириш, бошқарув амалиётида қўлланиладиган иқтисодий дастаклар ва рағбатларни аниқлаш; бошқарув органларининг ташкилий тузилиши, иш усуллари ва услубини шакллантириш; ишлаб чиқариш бошқарувида кадрлар иштирокининг турли шакллари амалга ошириш), *стратегияни амалга ошириш механизми бўйича* муаллиф белгиланган мақсадга эришиш учун омиллар ва ресурсларга таъсир қилишнинг комплекс кўп даражали тизимини тушунади, бу эса бошқариладиган объектнинг натижаси, яъни стратегияни амалга ошириш натижасига боғлиқ бўлади.

Ташкилот стратегиясини амалга ошириш жараёнига таъсир этувчи омиллар ички (ташкilot ичидаги ўзаро таъсир ва бошқарувни аниқлаш) ва ташқи (ташқи муҳит билан ўзаро таъсир жараёнларини аниқлаш-таъминотчилар, рақобатчилар, истеъмолчилар ва бошқалар) каби гуруҳларга ажратилади.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, стратегияни амалга ошириш механизми -  $C_m$  бошқарувнинг мураккаб тоифаси сифатида белгиланиши мумкин ва у ўз таркибига қуйидаги элементларни олади:

- бошқарув вазифалари ва функцияларини белгиловчи стратегик мақсадлар (М);
  - стратегик мақсадларнинг миқдорий аналоглари бўлган стратегик мезонлар (К);
  - стратегияни амалга ошириш омиллари (О)
  - стратегик бошқарув объектининг элементлари ва уларнинг белгиланган мақсадларга эришиш манфаатларига дахлдор бўлган муносабатлари;
  - стратегияни амалга ошириш омилларига таъсир этиш усуллари (У);
  - стратегик амалга ошириш ресурслари (Р)
- танланган бошқарув усулини амалга ошириш ва қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган молиявий, моддий, меҳнат ва ахборот ресурслари.

Шундай қилиб, маълум бир назорат объекти учун стратегияни амалга ошириш (САО), назорат механизми санаб ўтилган элементлардан ташкил топади:

$$F(C_m) = Y(M, K, O, U, P) \quad (1)$$

5. Jabbour C.J.C., Sarkis J., de Sousa Jabbour A.B.L., Renwick D.W.S., Singh S.K., Grebnevych O., Kruglianskas I, Godinho Filho M. (2019). *Who is in charge? A review and a research agenda on the 'human side' of the circular economy. Clean Production*, 222.- 793-801.
6. Jeffrey K. Liker, *The Toyota Way*. New York: McGraw-Hill, 2004, p.51
7. Saeed, M.A., Kersten, W., 2019. *Drivers of Sustainable Supply Chain Management: Identification and Classification. Sustainability* 11(4), 1137.
8. *Toyota press release, July 10, 2008.*- p.3
9. <http://ryokou-ki.sakura.ne.jp/?p=5309>
10. <https://uzavtosanoat.uz/en>

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Абдурашидова Нигора Алишеровна -**

*Тошкент давлат итисодиёт университети докторанти*

**Аннотация.** Мақолада автомобиль транспорти корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш ва тизимини ривожлантиришга қаратилган ёндошувлар баён қилинган. Автомобиль транспорти корхоналари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи таъқи ва ички омиллар аниқланган. Замонавий автомобиль транспорти корхоналарининг ривожланишида инсон капиталининг аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Аутсорсинг, рақобат, автотранспорт, логистика, хизмат кўрсатиш, имконият, фаолит, корхона.

## ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

**Абдурашидова Нигора Алишеровна -**

*Ташкентский государственный экономический университет, докторант*

**Аннотация.** В статье описаны подходы к развитию автотранспортной системы. Выявлены преимущества и недостатки использования услуг аутсорсинга на автотранспортных предприятиях. Выявлены преимущества современных автотранспортных предприятий перед традиционными автотранспортными предприятиями.

**Ключевые слова:** Аутсорсинг, конкуренция, транспорт, логистика, услуги, возможности, активность, предприятие.

## INCREASING THE EFFICIENCY OF MOTOR VEHICLE ENTERPRISES

**Абдурашидова Нигора Алишеровна -**

*doctoral student of Tashkent State University of Economics*

**Annotation.** The article describes the approaches aimed at improving the efficiency and development of the system of road transport enterprises. External and internal factors affecting the efficiency of road transport enterprises have been identified. The role of human capital in the development of modern road transport enterprises is revealed.

**Key words:** Outsourcing, competition, transportation, logistics, service, opportunity, activism, enterprise.

**Кириш.** Мамлакат иқтисодиётнинг самарали ривожда транспорт тизими, жумладан автомобиль транспорти алоҳида ўрин тутди. Транспорт тизимини ривожлантириш, транспорт тизимини рақамлаштириш, хизматлар ҳажмини ошириш ва хизматлар сифатини ошириш, хизматларнинг замонавий турларини кўпайтириш масалалари долзарб ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 13 январь кuni машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказганларида автомобиль транспорти тизимида инвестицион-инвестицион фаолиятни рағбатлантирган ҳолда ҳавфсиз, арзон ва қулай транспорт хизматлари кўрсатишни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инвестиция манбаларининг самарали воситаси сифатида давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш устувор масала ҳисобланишини таъкидладилар. Автомобиль саноати ташкилотларининг самарали ишлаши учун маҳаллийлаштиришни кучайтириш муҳим омил ҳисобланади. Президентимиз йиғилишдаги сўзлаган нутқларида: «Мамлакатимизда барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Йиғилишда шу масалага эътибор қаратилиб, хорижий мутахассислар иштирокида «Ўзавтосаноат» фаолиятини трансформация қилиш офисини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Ушбу жараёнларда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги етакчи бўлиб, ишларни мувофиқлаштиради. 1 июлга қадар тармоқ таркибидаги 40 та корхонани трансформация қилиш бошланади. Тармоқда рақобат муҳитини ривожлантириш учун компания таркибидаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган 23 та корхонани хусусийлаштиришга тайёрлаш лозимлиги қайд этилди. «Ўзавтосаноат»нинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган 14 та ташкилотдаги улушларини сотувга чиқариш вазифаси юклатилди»[2], дейилди.

Бу ўз навбатида инвестицион имкониятлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан натижадор фойдаланиш, автокорхоналарни фаолиятини оптималлаштириш, транспорт воситаларини оптимал эксплуатация қилиш ва тизим корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва аҳолининг турли қатламнинг эҳтиёжларини инобатга олишни тақазо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-

3422-сон «2018-2021 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ҳам автомобиль саноати тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўзлайди.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида хорижий олимлар З.И.Аксенова, В.П.Бычков, Н.К.Горшенин, Ю.Х.Гукетлев, И.Демьянович, В.И.Табаков, Л.Б.Миротинлар [3-7], мамлакатимиз олимларидан автомобиль транспортида инновацион ва инвестицион жараёнларни ташкил этиш ва бошқа масалалар бўйича Ғ.А.Саматов, Т.У.Қодиров, М.Н.Равшанов, М.Н.Ирисбекова, М.Б.Калонов, Д.Х.Суюнов, Э.А.Камалова, З.К.Усманов, А.М.Мерганов, Р.Ғ.Саматовлар томонларидан илмий изланишлар олиб борилган [8-17].

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон банки маълумотида кўра, «дунё автомобиль транспорт хизматларининг ЯИМдаги улуши 6,9 фоизни ёки 4300 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, йилига 110 млрд.тонна юк, 1,0 трлн.дан ортиқ йўловчилар ташилган ва транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этган»[19]. Бу эса транспорт тизимини ривожлантириш, соҳада иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратишни тақазо қилади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида автотранспорт тизимининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда автотранспорт соҳасининг аҳамияти пандемия шароитида айниқса ёққол кўзга ташланди. Соҳада бир мунча ижобий ўзгаришлар бўлиб, шароитга тезкор мослашиш ҳолатларини кузатдик.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган автотранспорт тизими корхоналарининг мулкчилик шакли турлича бўлиб, бозорда рақобат муҳитини шакллантирган. Албатта барча автотранспорт корхоналарининг иқтисодий имконитларини барқарор деб бўлмасада, тизимда салмоқли ижобий ўзгаришларни кузатишимиз мумкин.

Автомобиль транспорти корхоналарининг самарали фаолият юритиши масалалари ҳар бир базавий жараёнлар кўламида алоҳида кўриб чиқилади. Транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда транспорт корхона-

## САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ

си моддий таъминоти бир томондан мустақил локал салоҳиятлар бўлсада, умумий салоҳиятнинг бир-бирига боғлиқ бўлган таркибий элементлари ҳисобланадилар. Автомобиль саноати

корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларга тенг шароитлар яратиш муҳим ҳисобланади (1-расм).

1-жадвал

### Автомобиль транспорти корхонаси самарали фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар [18]

Ички омиллар	Ташқи омиллар
<p><b>1) ресурслар:</b> -моддий ресурслар; -меҳнат ресурслари; -молиявий ресурслар; -ахборот ресурслари; -энергия ресурслари -номоддий активлар ва бошқ.</p> <p><b>2) бошқарув омиллари:</b> -ташкилий тузилма; -бошқарув усуллари; -транспорт тадбиркорлиги ва бошқ.</p> <p><b>3) алоқа ва коммуникациялар:</b> -товар етказиб берувчилар билан; -мижозлар билан; -давлат органлари ва жамоатчилик билан</p>	<p><b>1) бозор омиллари:</b> -макроиқтисодий барқарорлик; - бозор конъюнктураси; -истеъмолчилар талаби; -транспорт воситалари бозори; -рақобат муҳити ва рақобатчилар.</p> <p><b>2) йўл тармоқлари ва йўлдош инфратузилмаси объектлари;</b></p> <p><b>3) тартибга солиш тизими:</b> -меъёрий-ҳуқуқий база; -лицензиялаш; -солиқ тизими; -ҳавфсизлик ва экологик талаблар ва бошқ.</p> <p><b>4) табиий-иқлим ва географик шарт-шароитлар</b></p>

Мамлакатимиз транспорт тизими автомобиль, темир йўл, ҳаво ва қувур транспортларидан ташкил топиб, автомобиль транспорти юк ва йўловчи ташиш бўйича етакчи транспорт тури ҳисобланади. 2019 йилда транспортнинг барча турлари бўйича юк ташиш 1318,9 млн. тонна ёки ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этган. Шундан автомобилда юк ташиш 1176,8 млн. тонна (ўсиш суръати 106,8%), ҳаво йўлида юк ташиш 9,6 минг тонна (ўсиш суръати 73,6%), қувур йўлида юк ташиш 72,0 млн. тонна (ўсиш суръати 99,4%) ҳамда темир йўлида юк ташиш 70,1 млн. тонна (ўсиш суръати 102,5%)га тўғри келади. Шунингдек 2019 йилда транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркибида автомобиль транспортининг улуши 22,2 фоизни ташкил этиб, темир йўл транспортига 32,2 фоиз,

қувур транспортига 45,4 фоиз ва ҳаво транспортига эса 0,2 фоиз тўғри келади [18]. Автомобиль саноати корхоналари ишлаб чиқариш салоҳияти қуйидагилар билан аниқланади:

- 1) бино ва иншоотлар;
- 2) транспорт воситалари;
- 3) технологик ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари;
- 4) номоддий активлар.

Автомобиль транспорти корхоналарининг самарали фаолият юритиши уларнинг нечоғлик тизимда рақобатбардошлигига ҳам бевосита боғлиқ. Корхона маҳсулот ва хизматлари билан бозорда ўз ўрнига эга бўлмоғи зарур. Рақобатбардошликни аниқлаш қуйидаги баҳалаш мезонлари орқали амалга оширилади (2-жадвал).

2-жадвал

### Автомобиль транспорти корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолаш [18]

№	Рақобатдошликни баҳолаш қоидалари
1.	Корхона ва унинг рақобатдошлигини баҳолашда истеъмолчилар томонидан қўйиладиган талабларга устуворлик бериллади. Корхона ва истеъмолчиларнинг манфаатлари кесишуви ёки қарама-қарши бўлиши мумкин;
2.	баҳолаш аниқ вақт ва жойда амалга оширилади
3.	кўрсаткичларни рақобатчилар, ўхшаш маҳсулот ёки хизматлар билан таққосланади;
4.	кўрсаткичларни турлича катталиқда ўлчанишига қарамай (иқтисодий ва техник кўрсаткичлар) уларни ягона интеграллаш имконияти бўлиши лозим;
5.	кўрсаткичлар мумкин қадар истеъмолчилар талабига мослаштирилади
6.	кўрсаткичлар даражасининг жамият ва атроф-муҳитга салбий таъсири мумкин қадар кам бўлиши лозим

**Хулоса ва таклифлар.** Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятида синергетик са-

марадорликни таъминлаш, корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, автомобиль транс-



порти соҳасига жалб этилган инвестицияларни самарали йўналишларга йўналтириш, автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион манбалари ва уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш зарур.

Автомобиль транспорти корхонасининг рақобат салоҳиятини корхона рақобат салоҳияти ва транспорт хизматлари рақобат салоҳиятларига ажратиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Чунки рақобат муҳити ва рақобатчилар ўртасида ишлаб чиқариш салоҳиятлари тенг бўлган шароитда рақобат устунлигига транспорт хизматлари рақобатдошлиги орқали эришилади. Тармоқда рақобат салоҳиятининг асоси сифатида ресурслардан фойдаланиш даражаси таҳлил этилиб, қўшимча ўсиш суръатига асосан экстенсив ўсиш омили кучлироқ таъсир этади. Бундан рақобат салоҳиятини ошириш учун интенсив

омилларнинг мавжуд захираларидан тўлиқ фойдаланиш зарур.

Корхона рақобат салоҳиятини баҳолаш тизимини такомиллаштиримасдан туриб, унинг самарадорлигини оширишга боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш мушкулдир. Инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш жараёнининг барча босқичларида рақобатдошлигини миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири интеллектуал транспорт тизимларини қўллашдир. Автомобиль транспорти корхоналарида мижозлар талаб этган ҳажмда, сифатда ва баҳода транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш учун, аутсорсингга буюртмани шакллантириш ва уни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони.
2. Президент Шавкат Мирзиёев машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган йиғилишлари. 13 нвар 2021 йил.
3. Бычков В.П. Экономика предприятий автомобильного транспорта. – М: Инфра, 2010. –56-61 с.
4. Демьянович И. В. Экспертные методы решения проблем качества транспортных услуг. // Проблемы современной экономики, –2011. –№1, –С. 342-346.
5. Горшенин В.И. Транспортное обеспечение коммерческой деятельности: Учебное пособие. –Мичуринск: изд-во Мичуринского госагроуниверситета. 2009, –С. 6-7
6. Гукетлев Ю.Х. Формирование систем регулирования региональных транспортных комплексов: Автор. дис.докт. экон. наук. – М: МАДИ, 2009. – 41 с.
7. Табаков Н.К. Стратегии развития транспорта. // Транспорт Российской Федерации, –№4, 2006. –С 6.
8. Қодиров Т. Автомобиль транспортида ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарувини ташкил этишга услубий ёндашув. // ТАЙИ хабарномаси. –Тошкент, 2017. – №2. – Б. 83-89.
9. Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар. –Т.: МЭ, 2012. –209 б.
10. Қаххоров А.Ж. Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. Иқт.фан. фалс.док. автор. ТДИУ, 2018. -576
11. Ирисбекова М.Н. (DSc) Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш: иқт. фан. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2017. -84 б.
12. М.Б.Калонов (PhD) Автомобиль транспорти корхоналарида ҳаражатлар ҳисобини такомиллаштириш: иқт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТМИ, 2017. -54 б.
13. Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмининг жорий этишини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. – Т., 2008 – 261 б.
14. Э.А.Камалова (PhD) Юкларни ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш: иқт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2019. -62 б.
15. З.К.Усманов (PhD) Ўзбекистон транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши ва уни такомиллаштириш: геог. фан. фалс. док. дисс. автореф. ЎзМУ, 2019. -65 б.
16. А.М.Мерганов (PhD) Темир йўл транспортида идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш: тех. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТАЙЛҚЭИ, 2020. -57 б.
17. Р.Г.Саматов (PhD) Логистик тамойиллар асосида автомобиль транспорти хизматлари сифатини баҳолаш услуби: тех. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТАЙЛҚЭИ, 2019. -61 б.
18. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. XI ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА, -Т. 2019 -293-297 б.
19. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>.

**СТРАТЕГИК РАҚОБАТБАРДОШ УСТУНЛИКЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАСИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ ДИАГНОСТИКАСИ УСЛУБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**Гиязова Нозима Баязовна -**  
Бухоро давлат университети  
«Иқтисодий» кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада стратегик рақобатбардош устунликларнинг замонавий саноят корхонасининг барқарор ривожланишига таъсири диагностикаси услубини ишлаб чиқиш масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар:** стратегия, рақобатда устунлик, ривожланиш стратегияси, диагностика, услуб.

РАЗРАБОТКА МЕТОДА ДИАГНОСТИКИ ВЛИЯНИЯ СТРАТЕГИЧЕСКИХ КОНКУРЕНТНЫХ ПРЕИМУЩЕСТВ НА УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

*Гиязова Нозима Баязовна -  
Бухарский государственный университет  
Старший преподаватель кафедры "Экономики"*

**Аннотация.** В статье исследуется проблема разработки методики диагностики влияния стратегических конкурентных преимуществ на устойчивое развитие современного промышленного предприятия.

**Ключевые слова:** стратегия, конкурентное преимущество, стратегия развития, диагностика, метод.

DEVELOPMENT OF THE METHOD OF DIAGNOSIS OF THE IMPACT OF STRATEGIC COMPETITIVE ADVANTAGES ON THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE MODERN INDUSTRIAL ENTERPRISE

*Giyazova Nozima Bayazovna -  
Bukhara state university  
Senior Lecturer of the Department of Economics*

**Annotation.** The article explores the issue of developing a method of diagnosing the impact of strategic competitive advantages on the sustainable development of a modern industrial enterprise.

**Keywords:** strategy, competitive advantage, development strategy, diagnostics, method.

**Кириш.** Бугунги кунда барча саноат корхоналари кучли рақобат шароитида фаолият олиб бормоқда. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш биринчи навбатда рақобатда устунликка эришиши орқали эришилади. Ўзбекистонда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш зарурати ортиб бормоқда. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш" бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[1]. Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналган тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик рақобатбардош устунликларнинг корхона барқарор ривожланишига таъсири диагностикасини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлиб, бу эса ушбу тадқиқот иши мавзуси долзарблигини белгилаб беради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бундай шароитда саноатнинг барқарор ривожланиши энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб, у ўз навбатида хориж мамлакатлари билан мавжуд сиёсий ва иқтисодий алоқаларга қарамай, умуман иқтисодиётнинг техник ва технологик тараққиётига сабаб бўлади.

Ушбу муаммони ҳал қилиш барқарор ривожланишнинг моҳияти ва мазмунини, шунингдек, уни қўллаб-қувватловчи механизмларни тушунишни талаб қилади. Барқарорлик халқаро

ҳужжатларда (масалан, «Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио Декларацияси» [2], «XXI аср кун тартиби»[3], шунингдек, конвенциялар ва кўп томонлама шартномалар асосида глобал аҳамиятга эга бўлган муайян масалаларни қабул қилиш каби таъсир тамойилларини ўрнатиш ва қабул қилиш доирасида тизимнинг меъёр даражасида ишлашини давом эттириш қобилиятини назарда тутади. Барқарорлик аҳоли сони ва мавжуд табиий ресурслар ўртасидаги мувозанатни талаб қилади. Бир соҳанинг эҳтиёжларини ва тегишли тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сонини ҳисобга олиш керак, аммо бунда келажак авлодлар эҳтиёжларини инкор этмаслик лозим. Т.Мальтус [4], Л.Вальрас[5], К.Я.Кондратьев[6] каби муаллифлар ва бошқалар ўз тадқиқотларини шу даражадаги барқарорлик жиҳатларига бағишлаганлар. Аммо ушбу тадқиқот ишлари умумий назарий тавсифга эга бўлиб, уларда тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таснифлаш, ҳолатини диагностика қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида танлаб кузатиш, таққослаш, тизимлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тўқимачилик тармоқлари мажмуасидаги корхоналар мисолида маҳаллий саноат корхоналари барқарор ривожланишига қарамай, камдан-кам ҳолларда ижобий динамик ривожланишни намойиш этадилар. Уларнинг аксарияти ҳанузгача оғир иқтисодий ҳолатда, муҳим қисми эса инқироз ҳолатида. Шу муно-

сабат билан саноат корхоналари ривожланишининг барқарорлик даражасини ўрганиш ва унга стратегик рақобатбардош устунликлар таъсирининг хусусиятини аниқлаш вазифаси долзарб аҳамият касб этади.

Республикамиз тўқимачилик саноат корхоналари иқтисодий ҳолати таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, барқарор ривожланишни таъминлаш учун рақобатбардош устунликларга эга бўлиш ва уларни доимий равишда ривожлантириш зарур. Шу боисдан, барқарор ривожланиш омиллари ҳамда имкониятларини излаб топиш учун, бизнингча, чуқурроқ тарзда самарали усулларни қўллаган ҳолда кенг қамровли диагностикани амалга ошириш талаб этилади. Шунинг учун биз томондан тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг барқарор ривожланиш даражасини диагностика қилиш услубини ишлаб чиқдик. Ушбу услубга асосан, тўқимачилик корхоналари барқарор риволаниш даражаси диагностикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

*Биринчи босқич* «Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш даражаси диагностикаси» қуйидаги вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади:

саноат корхоналари ривожланишининг барқарорлик даражаларининг таърифи ва хусусиятлари иқтисодий адабиётларнинг мантиқий таҳлили асосида аниқланади;

саноат корхонаси барқарор ривожланишининг таркибий қисмларини аниқлаш саноат корхонаси барқарорлигини баҳолаш соҳасида жаҳон назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш асосида аниқланади;

корхонанинг барқарор ривожланиш таркибий қисмларини тавсифловчи кўрсаткичларни танлаш;

диагностика учун эмпирик асосни танлаш; ишончли манбалардан кўрсаткичларни йиғиш ва уларни бирламчи қайта ишлаш;

сўров ўтказилаётган корхонанинг барқарор ривожланиш таркибий қисмлари учун жамлама ва интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш;

олинган натижаларни талқин қилиш;

сўров ўтказилаётган корхоналарнинг барқарор ривожланишини белгиловчи асосий таркибий қисмларни аниқлаш.

«Саноат корхонасининг мавжуд рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва баҳолаш» *иккинчи босқичи* қуйидагиларни назарда тутлади:

саноат корхоналарининг рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва таснифлаш;

корхонанинг рақобатбардош устунликларининг барқарор ривожланиш даражасига таъсирининг асосий моделини ишлаб чиқиш;

соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, корхонанинг стратегик рақобатбардош устунликларининг барқарор ривожланиш даражасига таъсири моделини ишлаб чиқиш;

саноат корхонасининг барқарор ривожланишига таъсир кўрсатадиган стратегик рақобатбардош устунликларини аниқлаш;

корхонанинг стратегик рақобатбардош устунликларини тавсифловчи йиғма интеграл коэффициентни ҳисоблаш формуласини ва стратегик рақобатбардош устунликларнинг аҳамиятини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарининг рақобатбардош устунликларини миқдорий баҳолаш.

*Учинчи босқичда* «Стратегик рақобатбардош устунликларнинг саноат корхонасининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш» қуйидагиларни назарда тутлади:

стратегик рақобатбардош устунликларнинг корхонанинг барқарор ривожланиш хусусиятига таъсирини тавсифловчи график тузиш;

хулосаларни шакллантириш;

замонавий саноат корхоналарининг барқарор ривожланишини ва кейинги босқичга ўтиш имкониятини таъминлайдиган зарур стратегик рақобатбардош устунликларни яратишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

стратегик рақобатбардош устунликларни ривожлантириш учун мотивация механизми ва бошқарув воситаларини шакллантириш.

Тадқиқот жараёнида тўқимачилик корхоналарининг стратегик рақобат афзалликларини тавсифловчи барқарор ривожланиш даражаси ва коэффициентлари миқдорини ҳисоблаш учун анкета сўров амалга оширилди. Натижаларга қайта ишлов бериш асосида сўровда қатнашган тўқимачилик корхоналарининг стратегик рақобат афзалликларини тавсифловчи барқарор ривожланиш даражаси ва коэффициентларни баҳоланди ва натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Ривожланишнинг энг юқори даражаси «ALKIM TEKSTIL» МЧЖ ва "COTTON TEXTILE" МЧЖ учун хосдир, улар янги имкониятлар гуруҳидан тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг жорий ва келажакдаги эҳтиёжларини қондириш, самарали стандартларни белгилаш фаолияти, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва самарали ташкилий тузилма ва бошқарув аппаратига эгадирлар. Бу стратегик рақобат афзалликлари танланган ривожланиш стратегиясини самарали амалга ошириш ва қўйилган мақсадни амалга оширишни таъминлайди.

**Сўровда қатнашган тўқимачилик саноати корхоналарининг стратегик рақобат афзалликларини тавсифловчи барқарор ривожланиш даражаси ва коэффициентлари миқдори**

Корхоналар номланиши	Х қиймати	У қиймати	Барқарорлик даражаси
«ALKIM TEKSTIL» МЧЖ	0,61	0,55	нормал барқарор ривожланиш
«BEK MEGA TEXTILE» МЧЖ	0,31	0,13	критик ҳолат
“Crystal Color Textile” МЧЖ	0,33	0,13	критик ҳолат
“Textile Lux” МЧЖ	0,4	0,21	нормал барқарор ривожланиш
«BEST COLOR TEXTILE» МЧЖ	0,55	0,39	нормал барқарор ривожланиш
"COTTON TEXTILE" МЧЖ	0,72	0,45	нормал барқарор ривожланиш

*Манба: Муаллиф ишланмаси.*

**Хулоса ва таклифлар.** Амалда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик рақобат устунликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг келажак эҳтиёжларини олдиндан аниқ билиш;

қулай институционал муҳитни яратиш;  
инновация фаолиятини фаоллаштириш;  
маркетинг фаолиятини фаоллаштириш;  
етарлича жавоб бера оладиган бошқарув

tizими самарадорлигини ошириш;

омиллар ва меҳнат шароитларининг тез ўзгаришига ўз вақтида муносиб жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш;

кенг миқёсда барча соҳаларда рақамлаштириш технологиясидан самарали фойдаланиш.

Стратегик рақобат устунликлари таъсирини диагностикалаш учун таклиф этилаётган усулнинг афзалликлари қуйидагилар саналади:

1) хабардорлик (комплекслилик ва кўп ўлчамлилик, шу жумладан, ички ва ташқи муҳитнинг кўплаб омиллари, стратегик рақобат устунликларининг аксарияти);

2) мавжудлик (жамоатчилик учун эркин мавжуд корхона ҳисоботлардан фойдаланиш);

3) мослашувчанлик (хусусий кўрсаткичлар тўпламидан олинган умумий ва интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш);

4) кўп қирралик (турли саноат йўналишида);

5) муаммолар ҳақида эрта хабар беришлик (баҳолаш пайтида муаммоли йўналишлар ўчоғини аниқлаш имконини беради);

6) ривожланиш динамикасини аниқлаш имконини беради.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони / [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Доклад конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среде, Стокгольм, 5-16 июня 1972 года (издание Организации Объединенных Наций, в продаже под № R.73. II. A. 14), глава 1. -109 с.

3. Повестка дня на XXI век. Принята Конференцией ООН по окружающей среде и развитию, Рио-де-Жанейро, 3-14 июня 1992 года. - 101с.

4. Мальтус Т.Р. Опыт о законе народонаселения [Электронный ресурс] / Т.Р. Мальтус // Аналогия экономической классики. Т.2. - Режим доступа:<http://www.pseudology.org/Reklama/MaltusNarodZakon2.pdf>.

5. Вальрас Л.Элементы чистой политической экономии [Текст] / Л.Вальрас. - М.: Изобраз, 2000. -448 с.

6. Кондратьев К.Я. Глобальная эконимика и устойчивое развитие: естественнонаучные аспекты и „человеческое“ измерение [Текст] / К.Я.Кондратьев // Изв. Рус.геогр. общества, 1997., Вып. 6. - С. 1-12.

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИ ТАЪСИРИ**

**Мухтаров Махмуджон Маруфович –**

Андижон машинасозлик институти “Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш” кафедраси катта ўқитувчиси

**Акбаров Муродилла Абдумалик ўғли –**

“Иқтисодиёт” йўнилиши 2-курс талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш мезонлари, бугунги кундаги мавжуд ҳолати, шунингдек ишлаб чиқариш натижаларига меҳнат салоҳияти таъсири ўрганилган. Муаллиф мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий натижаларини яхшилаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича мулоҳазалар юритади.

**Калитли сўзлар:** саноат, корхона, самарадорлик, ишлаб чиқариш, баҳолаш, фонд қайтими, капитал қайтими, меҳнат салоҳияти, меҳнат унумдорлиги, иқтисодиёт.

## ВОЗДЕЙСТВИЕ ТРУДОВОГО ПОТЕНЦИАЛА НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Мухтаров Махмуджон Маруфович -**

*Старший преподаватель кафедры «Организация промышленного производства» Андижанского машиностроительного института.*

**Акбаров Муродилла Абдумалик ўғли -**  
*студент 2 курса направления «Экономика»*

**Аннотация:** В статье исследуются критерии повышения экономической эффективности промышленных предприятий, текущая ситуация, а также факторы, влияющие на результаты производства. Автор рассматривает развитие экономики страны, улучшение экономических показателей предприятий и повышение экономической эффективности.

**Ключевые слова:** промышленность, предприятие, эффективность, производство, оценка, доходность акций, возврат капитала, рентабельность, модернизация, экономика.

## THE EFFECT OF LABOR POWER ON THE EFFICIENCY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY

**Mukhtarov Mahmudjon Marufovich -**

*A senior lecturer of the department of "Organization of industrial production" of Andijan Institute of Mechanical Engineering*

**Akbarov Murodilla Abdumalik o'g'li -**  
*a 2nd year student of direction of "Economics"*

**Abstract:** This article examines the criteria for increasing the economic efficiency of industrial enterprises, the current situation, as well as the impact of labor potential on production results. The author examines the development of the country's economy, improving the economic performance of enterprises and increasing economic efficiency.

**Keywords:** industry, enterprise, efficiency, production, valuation, stock return, return on capital, labor potential, labor productivity, economy.

**Кириш.** Ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш ҳар бир корхона олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Бизга маълумки корхоналар фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришини даромадлар ва харажатлар ўртасидаги муносабатда ифодаланилади. Сарфланаётган харажат бирлигига олинган даромадларни ўзгариши самарадорликни асосини ташкил этади. Хозирги рақобат муҳити чуқурлашиб бораётган шароитда саноат корхоналари самарадорлигини таъминлашда меҳнат омили алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан бизга маълумки "Conference Board" тадқиқотлар ташкилотининг маълумотларига асосан ўртача меҳнат самарадорлигининг ошиши 3,0-4,0 фоизни ташкил этмоқда. Айниқса саноати яхши ривожланган АҚШ, Германия ва Хитой каби давлатларда меҳнат самарадорлигини ортиши юқорилиги билан ажралиб турмоқда.

Мамлакатимизда ҳам саноат корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш натижаларини яхшилашда меҳнат самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан келиб чиқиб, ислохотлар самарасини ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш учун шарт шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда саноат корхоналари

фаолияти самарадорлигини таъминлаш асосий вазифаларимиздан биридур. Мамлакатимизда бу вазифаларни амалга ошириш учун бир қатор амалий ишлар қилинмоқда, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ҳам «...иқтисодийтни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш»[1] муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Бизга маълумки мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш бевосита ишчи ходимлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолашда бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлаётган ишчи ходимлар фаолиятини ўрганиш талаб этилади.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Шундан келиб чиқиб, бозор рақобати шароитида саноат ишлаб чиқариш натижаларига меҳнат омили таъсирини кўплаб олимлар, Р.С.Каплан, Д.П.Нортон, М.Л.Джорж, Дж.Макси, Д.Роулэндс, М.Прайс, Д.Р.Спитцер каби олимлар томонидан ўрганилган [5].


Р.С. Каплан ва Д.П. Нортонлар саноат корхоналарининг самарадорликни таъминлашда бошқарувни аҳмиятини баҳолаб, корпоратив бошқарув самарадорлиги ва унга таъсир этувчи асосий омиллар ишчи ходимлар, бошқарув стратегияси, бошқарув вазифалари ва раҳбарларни фаол етакчилик қобилиятига баҳо берган.

Мазкур муаллифлар илмий ишларида ишлаб чиқаришда бошқарув самарадорлиги нуқтаи назаридан ёндашган. Бизнинг фикримизча корхонлар фаолиятида меҳнат самарадорлиги тўғрисида гап борганда фақат бошқарув омили эмас, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш натижалари, яъни меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот бирлиги учун меҳнат харажатлари сарфи ўзгаришини, фонд билан қуролланганлик даражаси ва асосий воситаларни янгиланиш даражасини ҳисобга олиш зарур.

**Асосий қисм.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни асосида ҳам Олий таълим-илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлаш мақсадида бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилин-

ган. Жумладан иқтисодиётимиздаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан ишлаб чиқаришда банд бўлган саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида олий маълумотли ходимлар салмоғини ошириш талаб этилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари фаолиятида меҳнат ресурслари таркибида олий маълумотли ходимлар салмоғини ошириш самарадорликни таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Андижон вилоятида фаолият юритаётган саноат корхоналари фаолиятида ҳам ишчи ходимлар таркибида олий маълумотли ходимлар салмоғи юқори эмас (1-расм).



1-расм. Андижон вилояти саноат корхоналарида олий маълумотли ходимларни саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги салмоғи ўзгариши


“Андижондонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида олий маълумотли ходимларни саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги салмоғи йилдан йилга ортиб борган, 2010 йили 8,8 фоизни, 2015 йили 9,6 фоизни, 2018 йили 10,9 фоизни ва 2019 йили 11,3 фоизни ташкил этган бўлса, “Андижон ёғ-мой” акциядорлик жамиятида 2010 йили 9,8 фоизни, 2015 йили 8,9 фоизни, 2018 йили 9,8 фоизни ва 2019 йили 10,1 фоизни ташкил этган. “Антекс” акциядорлик жамиятида олий маълумотли ходимларни саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги салмоғи 2010 йили 4,9 фоизни, 2015 йили 6,3 фоизни, 2018 йили 6,5 фоизни ва 2019 йили 10,5 фоизни ташкил этган. Демак олий маълумотли ходимларни саноат ишлаб чиқариш ходим-

лари таркибидаги салмоғи йилдан йилга барча корхонада яхшиланиб борган, лекин бу кўрсаткични ҳам ривожланган саноат корхоналари билан солиштирсак анча пастлигини кўришимиз мумкин.

Бу ўзгаришлар натижасида корхоналарни меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам бир мунча ортиб борган (2-расм).

“Андижондонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи 2010 йили 29 млн сўмни, 2015 йили 50,1 млн сўмни 2018 йили 110 млн сўмни ва 2019 йили 146,4 млн сўмни ташкил этган бўлса, “Андижон ёғ-мой” акциядорлик жамиятида 2010 йили 70,1 млн сўмни, 2015 йили 124,6 млн сўмни ва 2019 йили 1326,1 млн сўмни ташкил этган.

## САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ



**2-расм. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ўзгариши**

“Антекс” акциядорлик жамиятида 2010 йили 131,5 млн сўмни, 2015 йили 260,7 млн сўмни ва 2019 йили 399,4 млн сўмни ташкил этган. Демак корхоналарда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи йилдан йилга ортиб борган.

**Хулоса.** Юқоридаги маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки саноат корхоналарини меҳнат салоҳияти йилдан йилга яхшиланиб бормоқда, бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ортмоқда, лекин бу ўзгариш бугунги

замон талабига етарли ҳисобланмайди. Саноат корхоналарда олий маълумотли ходимларни салмоғини ошириш, уларни салоҳиятини кўтариш, қўшимча ўқишларни ташкил этиш ва хорижда малака ошириш асосида меҳнат ресурслари салоҳиятини ошириш зарур. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бирга корхоналар фаолиятини бозорга мослаштириш ва маҳсулотлар сифатлиги таъминланади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).
2. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 841-сонли қарори. Lex.uz
3. Бирман Г. Капиталовложения: экономический анализ инвестиционных проектов. Текст.: [пер. с англ.]. –М.: Юнити-Дана, 2003.
4. Гладкий А.В. “Сущность и методы оценки региональной экономической эффективности предприятия” Псковский регионалогический журнал № 17 2014.
5. Жалгасова А.Г. “Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш” мавзусидаги (PhD) диссертацияси Автореферати Тошкент – 2018 йил 7-11 бет.
6. Ирматова З.Б. “Ўзбекистон саноат корхоналарининг меҳнат ресурслари самардорлигига таъсир этувчи омиллар” номли мақола “Иқтисодиёт ва таълим” 2018 №1 86-92 бет.
7. Каплан Роберт, Нортон Дейвид. “Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию”. / 2-е изд., испр. и доп./ М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2012.
8. Курбанова Д. “Тежамкорлик асосида корхона харажатларининг самардорлигини ошириш йўллари”. Ж. Biznes-daily.uz 28.02.2019. “2 (134)-2019.
9. Романова О.А, Позднякова Е.А. Методологический подход к оценке эффективности производства высокотехнологичных материалов Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. № 1/2013
10. Смагулов А.С. “Факторы влияющие на повышение эффективности промышленного предприятия” статья Журнал Экономические науки Выпуск №2 (33) Часть 3 2015 год.
11. Федотова А. Оценка эффективности деятельности и прогнозирование финансовых результатов компании на основе показателя экономического уровня технологии – Риск: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. - №2, 2012 год – с. 281-286.
12. Шадманов Ш.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини мутаносиб ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш мавзусидаги (PhD) диссертацияси Автореферати Тошкент -2020 йил.

## ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

**Рахманов Нуриддин Ғайратжанович** -  
Божхона институти, “Иқтисодий фанлар” кафедраси кабинет мудири  
**Юсупов Саидвали Шукруллаевич** -  
Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти,  
Иқтисодий фанлар кафедраси доценти в.б., (PhD)

**Аннотация:** Ушбу мақолада тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини оптималлаштириш йўллари асослаб берилган. Шунингдек, математик ифодалар тузаётганда бир неча шартларга риоя қилиниши аниқланиб, бир неча мезонлар бўйича тузилган мақсад функциялар ҳамда келтирилган мезонлар бўйича тузилган математик ифодалар чизиқли дастурлаш усулини қўллаб ечилиши мумкинлиги изоҳлаб берилган.

**Калитли сўзлар:** Оптималлаштириш; таннарх; мақсад функция; хом ашё; ишлаб чиқариш дастури; чизиқли дастурлаш усули; шартли белгилар; маҳсулоти ҳажмини юксалтириш.

## ОПТИМИЗАЦИЯ ВИДОВ ПРОДУКЦИИ, ПРОИЗВОДИМОЙ НА ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

*Рахманов Нуриддин Гайратжанович –  
лаборант кафедры экономических наук Таможенного института  
Юсупов Саидвали Шукруллаевич –  
Таможенный институт Государственного таможенного  
комитета, доцент экономических наук, (PhD)*

**Аннотация:** В данной статье обоснованы пути оптимизации производимых текстильными предприятиями ассортимента продукции. Также, обнаружено, что при составлении математических выражений соблюдаются несколько условий и разъяснена возможность применения метода линейного программирования при составлении математических выражений по целям функций, составленным на основе нескольких критериев.

**Ключевые слова:** Оптимизация; расход; целевая функция; сырье; руководство по разработке; метод линейного программирования; символы; продукты, увеличивающие объем.

## OPTIMIZATION OF TYPES OF PRODUCTS PRODUCED IN TEXTILE ENTERPRISES

*Rakhmanov Nuriddin Gayratjanovich –  
laboratory assistant, Department of Economics, Customs Institute  
Yusupov Saidvali Shukrullaevich –  
Customs Institute of the State Customs Committee,  
associate Professor of Economic Sciences, (PhD)*

**Abstract:** This article substantiates the ways to optimize the range of products produced by textile enterprises. Also, it was found that when composing mathematical expressions, several conditions are met and the possibility of using the linear programming method when compiling mathematical expressions for the purposes of functions, compiled on the basis of several criteria, is clarified.

**Keywords:** Optimization; consumption; goal function; raw materials; development manual; linear programming method; symbols; volume-enhancing products.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнлари долзарблик касб этиб бораётган бугунги кунда тўқимачилик саноатининг барқарор ривожланишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур тармоқнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Франция, АҚШ да 6-8 %ни, Италияда 12 %ни ташкил этади. Бу мамлакатлар бюджетининг 20 %гача қисмини тўқимачилик тармоғи ва кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳисобига шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон Қарорида “Хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чармпойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрларининг белгилаб берилиши бугунги кунда ушбу соҳага катта эътибор қаратилаётганлигини аниқлатади [1].

Таъкидлаш керак-ки, ҳозирда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан етарлича

тўлиқ фойдаланилмапти. Шу билан бирга, тармоқ корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ички имкониятлари мавжуд.

Бугунги кунда, республикамыздан 1 тонна пахта толаси ўрнига тайёр маҳсулот экспорт қилинса, республикага валюта тушуми 3200 АҚШ доллариға кўпроқ бўлар экан. Шу билан бирга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қурилган корхоналарда қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилинади. Бу эса ўз навбатида, аҳоли орасида ишсизликнинг камайишини таъминлайди. Ҳозирги Пандемия шароитида қандай, қанча ҳажмда ва ким учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қандай харажатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга [3]. Хом ашёдан қанчалик оқилона фойдаланилса, унга бўлган эҳтиёж камаяди, чунки бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда сарфланадиган хом ашё миқдори камаяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳозирги кунда тўқимачилик корхоналарида 1 % хом ашё тежалса, ўртача 2,6 млрд. сўм иқтисод қилиш мумкин экан. Хом ашёдан рационал фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини камайитиришга эришилади. Бунда *тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини*



*оптималлаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.*

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Каримова Д.А. (2002 й.) ўзининг тадқиқотларида тикув-трикотаж корхоналарини аҳамияти кундан-кунга ортиб бораётганлигини бир неча бор таъкидлаган. Болтабоев М.Р. (2004 й.)нинг “Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси” деб номланган монографиясида бозор иқтисодиётининг тамоиллари асосида иш юритишга ўтаётган корхоналарда ташкил этилаётган маркетинг тизимининг вазифалари ичида ўзгарувчан бозор талабларини ўрганиш ва унинг асосида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш дастурини яратиш етакчи ўринни эгаллаши алоҳида таъкидланган. Тиллаходжаев М.А. (2009 й.) эса “Экономические проблемы развития хлопкоочистительной промышленности в условиях рыночной экономики” деб номланган монографиясида пахта тозалаш заводларининг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиб берган. Тадқиқотчи Юлдашев С.Н. томонидан “Акциядорлик жамиятларида давлат мулкани бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусида тайёрланган диссертацияда (2010 й.) тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларига алоҳида эътибор қаратилган. Йўлдошев Н., Юсупов С., Захидов Ф. (2016)лар томонидан тайёрланган “Менежмент асослари ва бизнес режа” номли дарсликда тўқимачилик маҳсулотлари таннархини пасайтириш бўйича алоҳида тавсиялар келтирилган. С.Ш.Юсупов (2020 й.) ўзининг “Ўзбекистон тўқимачилик саноати рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион стратегиялари” номли монографиясида тўқимачилик корхоналарида турли фирмалар технологиялари қўлланилганда чиқиндилар фоизи кам чиқиши ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш мумкинлиги асослаб берилган.

**Асосий қисм.** Бозор иқтисодиётининг тамоиллари асосида иш юритишга ўтаётган корхоналарда ташкил этилаётган маркетинг тизимининг вазифалари ичида ўзгарувчан бозор талабларини ўрганиш ва унинг асосида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш дастурини яратиш етакчи ўринни эгаллади.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўп турлилигини, хилма-хиллигини инobatга олинса, маркетинг тизимининг юқорида қайд этилган вазифалари ва уларни бажарилиши техникавий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан мураккаб бўлган масалаларни ечилишини тақозо этади. Ундай масалаларни ечишдан кўзда тутилган мақсад корхоналарнинг барча техникавий, молиявий ва ашёвий имкониятларидан ва меҳнат салоҳиятларидан самарали фойдаланил-

ган ҳолда бозор талабларини қондиришдан иборатдир.

Маълумки, корхоналарнинг барча имкониятларидан ва салоҳиятларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси маҳсулот турини ва уларнинг салмоғини белгиловчи ҳажмини *оптималлигига бевосита боғлиқдир.*

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг негизи бўлган меҳнат воситаларидан, яъни асбоб-ускуналардан рационал фойдаланиш корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини бажаришга, унинг самарадорлигини оширишга ва корхона рентабеллигини ўстиришга олиб келади [4].

Ҳозирги пайтда трикотаж корхоналарида ҳар хил турдаги дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, унда бир неча хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бир неча турдаги дастгоҳларда ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқариш дастурининг кўп вариантлилигига олиб келади [2].

Масалан, 3 та ишлаб чиқариш бўлимида 10-12 та ихтисослаштирилган потоги бор бўлган тикувчилик корхоналарида муайян давр ичида 20-25 хилдаги хом ашёлардан 40-50 тадан ортиқ турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши мумкин. Трикотаж саноатида эса агарда 3 турдаги дастгоҳда 4 хил маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилиши лозим бўлса, унда ишлаб чиқариш дастурининг умумий ҳисобланган вариантлар сони 30000 дан ортиқ экан. Бундай шароитда мавжуд бўлган вариантлардан энг фойдалиси ёки оптималини танлаб олиш оддий режалаштириш усуллари ёрдамида ечиб бўлмайдиган масалалар бўлиб қолади. Ҳозирги пайтда бундай масалаларни ечиш учун иқтисодий математик усуллардан, хусусан, чизиқли дастурлаш усулларида фойдаланиш корхоналарга катта самара келтиради. Чизиқли дастурлаш усуллари ёрдамида масалаларнинг математик ифодаларини тузиш ва уларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳисоблаш, унга сарфланадиган вақт ва бошқа харажатлардан ишлаб чиқариш дастурини оптималлашдан олинadиган фойда бир неча баробар кўп бўлиши мумкин.

*Ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масалалари бўйича математик ифодалар тузаётганда бир неча шартларга риоя қилиш талаб этилади:*

– ечиладиган масаланинг асосий мақсади аниқ таърифланган бўлиб, у миқдорий ўлчамларга эга бўлиши керак;

– масаланинг ечилиши шартлари, унинг мақсади каби миқдорий ўлчамларга эга бўлиб, масаланинг мақсадини ифодаловчи кўрсаткичлар билан миқдорий боғланишда бўлиши керак;

Шу шартлар бажарилгандагина масаланинг тўла математик ифодасини тузиш керак.

Ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масалаларида масаланинг мақсадини ифодаловчи мезон кўрсаткичлари сифатида қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларни қабул қилиш мумкин:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмини натура ва қиймат кўрсаткичларида ошириш;
- меҳнат унумдорлигини юксалтириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини камайтириш;

- маҳсулот сотишдан олинган фойдани кўпайтириш;

- ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун сарф бўладиган хом ашёларнинг ёки меҳнат миқдорини камайтириш;

- корхоналарнинг самарадорлик даражасини юксалтириш ва шунга ўхшашлар [6].

Масалаларнинг ечилиш шартлари қилиб эса корхоналарда маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун керак бўлган шарт шароитлар қобул қилинади.

Маълумки, маҳсулотларни ишлаб чиқариш шарт шароитларига асосан меҳнат воситаларидан, хом ашёлардан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш керак.

Юқорида таърифланган масаланинг мақсади ва унинг ечилиши шартларини ифодаловчи математик ифодаларни тузиш учун қуйидаги шартли белгилардан фойдаланамиз:

$i$  – дастгоҳлар турлари сони ( $i=1, m$ );

$j$  – маҳсулот турлари сони ( $j=1, n$ );

$X_{ij}$  –  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилган  $j$  турдаги маҳсулотнинг бир-бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақти;

$t_{ij}$  –  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилган  $j$  турдаги маҳсулотнинг бир-бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақти;

$t_{ijr}$  –  $j$  турдаги маҳсулотнинг бир-бирлигини  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилганда сарф бўладиган  $r$  касбдаги ишчиларнинг иш вақти;

$a_{ij}$  –  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилган  $j$  турдаги маҳсулотнинг бир-бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақти;

$L_{ijk}$  –  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилган  $j$  турдаги маҳсулотнинг бир-бирлигига сарф қилинаётган  $k$  турдаги хом ашёнинг миқдори;

$S_{ij}$  –  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилган  $j$  турдаги маҳсулотнинг таннархи;

$P_{ij}$  –  $i$  турдаги дастгоҳда ишлаб чиқарилган  $j$  турдаги маҳсулотнинг бир-бирлигини сотишдан олинган фойда;

$C_{ij}$  –  $j$  турдаги маҳсулотнинг сотилиш баҳоси;

$M_i$  –  $i$  турдаги дастгоҳнинг иш соатларини жамғармаси (фонди);

$B_j$  –  $j$  турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш режасида кўзда тутилган ҳажми;

$T_1$  ва  $T_2$  – мос ҳолда корхонадаги меҳнат жамғармаларининг миқдори;

$A_k$  – корхоналарнинг  $k$  турдаги хом ашёларининг жамғармаси.

Ушбу шартли белгилардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласининг математик ифодасини тузиш мумкин. Бизга маълумки, ҳар қандай иқтисодий масаланинг жумладан, оптималлаш масаласининг математик ифодасини мақсад функциясида ва масаланинг ечими шартларининг ифодаловчи тенглик ва тенгсизликлардан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласининг мақсад функцияларини тузишда бир неча хил юқорида айтиб ўтилган техник-иқтисодий кўрсаткичлардан мезон кўрсаткичи сифатида фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткичлардан қайси бирини танлаб олиш ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласини ечишдан кўзда тутилган мақсадга боғлиқ [9].

Агар корхона ўзининг миқдор кўрсаткичларини юксалтирмоқчи бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотларни сотишдан олинган фойда каби кўрсаткичларни мақсад функциясини тузиш учун мезон кўрсаткичлари сифатида қабул қилиш мумкин. Агар корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмасдан ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшиламоқчи, яъни ўзининг барча ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтирмоқчи бўлса, у ҳолда мезон кўрсаткичлари сифатида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарф бўлаётган хом ашёлар, меҳнат жамғармалари, маҳсулотнинг таннархи каби кўрсаткичларни қабул қилиш мумкин [7].

Ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласининг бир неча мезонлари бўйича тузилган мақсад функцияларини келтирамиз:

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини юксалтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij} \rightarrow \max \quad (1)$$

Корхонанинг товар маҳсулоти ҳажмини юксалтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n C_j \cdot X_{ij} \rightarrow \max \quad (2)$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган фойдани камайтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m P_{ij} \cdot X_{ij} \rightarrow \max \quad (3)$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарф бўлаётган меҳнатни камайтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m t_{ij} \cdot X_{ij} \rightarrow \min \quad (4)$$

$$L(x) = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m \sum_{r=1}^k L_{tjr} \cdot X_{ij} \rightarrow \quad (5)$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланаётган хом ашё миқдорини камайтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n \sum_{r=1}^k L_{ijk} \cdot X_{ij} \rightarrow \min \quad (6)$$

Ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотларининг таннархини камайтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n S_{ij} \cdot X_{ij} \rightarrow \min \quad (7)$$

Фикримизча, юқорида келтирилган мезонлар бўйича тузилган математик ифодалар чизиқли дастурлаш усулини қўллаб ечилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласида мақсад функцияларга нисбий кўрсаткичларни мезон сифатида танлаб олинганда мақсад функциялар қуйидагича тузилади:

Маҳсулотнинг бир бирлигига сарфланаётган меҳнатнинг миқдорини камайтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \frac{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n t_{ij} \cdot X_{ij}}{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij}} \rightarrow \min \quad (1)$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида харажатларни камайтириш мезони бўйича:

$$L(x) = \frac{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n S_{ij} \cdot X_{ij}}{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij}} \rightarrow \min \quad (2)$$

Шунга ўхшаш каср чизиқли мақсад функцияларни меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича тузиш мумкин:

$$L(x) = \frac{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij}}{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n Y_{ij} \cdot X_{ij}} \rightarrow \max \quad (3)$$

Меҳнат унумдорлигини натурал ва қиймат кўрсаткичларида юксалтириш мезонлари бўйича:

$$L(x) = \frac{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n C_j \cdot X_{ij}}{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n X_{ij}} \rightarrow \max \quad (4)$$

Маҳсулотни ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш мезонлари бўйича:

$$L(x) = \frac{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n P_{ij} \cdot X_{ij}}{\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n S_{ij} \cdot X_{ij}} \rightarrow \min \quad (5)$$

Маълумки, юқорида келтирилган мақсадларга ишлаб чиқариш корхоналарининг аниқ шароитлари ҳисобга олинган ҳолда эришилади. Бу шароитлар корхонанинг ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотиш фаолиятларини акс эттирувчи шарт-шароитлардир.

Фикримизча, корхоналарга маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун етарли даражада ишлаб чиқариш имкониятлари бўлиши керак. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилган маҳсулотга харидорларнинг талаблари ҳам инobatга олинган ҳолда корхонанинг фаолияти ташкил этилиши керак. Бизга маълумки, корхонадаги ресурслар чегараланган бўлади. Шунинг учун юқорида қайд этилган шароитларни акс эттирувчи математик ифодалар тузиш керак. Ушбу шароитларни қуйидагича таърифлаб, унинг математик ифодаларини тузамиз[10]:

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} \cdot X_{ij} \leq M_j \dots (j = 1, n) \quad (1)$$

Ишлаб чиқариш дастгоҳларининг иш вақти жамғармасидан фойдаланиш шarti:

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n L_{ijk} \cdot X_{ij} \leq A_k \dots (k = 1, n) \quad (2)$$

Корхонадаги  $k$  турдаги хом ашёларнинг жамғармаларидан фойдаланиш шarti:

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n t_{ijr} \cdot X_{ij} \leq T_r \dots (r = 1, n) \quad (3)$$

Корхонадаги мавжуд бўлган  $r$  касбдаги ишчиларнинг иш вақти жамғармаларидан фойдаланиш шarti:

$$\sum_{j=1}^n X_{ij} \geq B_j \dots (j = 1, n) \quad (4)$$

Харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариш шarti:

$$\sum_{i=1}^m X_{ij} = B_j \dots (j = n_1 + 1, n) \quad (5)$$

Маҳсулотга бўлган талаб режа даражасида ишлаб чиқарилиши шarti:

$$X_{ij} \geq 0 \dots \left( \begin{matrix} i=1, m \\ j=1, n \end{matrix} \right) \quad (6)$$

Ўзгарувчан миқдорнинг манфий бўлмаслик шarti.

Юқорида келтирилган ифодалар корхонанинг асосий ишлаб чиқариш имкониятларини ва маҳсулотни сотиш шартларини кўрсатади. Бу ифодалардан фойдаланиб ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласининг исталган мезон кўрсаткичи бўйича математик ифодаланиши тузиш мумкин.

Агар 1 дан 5 гача бўлган функцияларни танлаб олсак, шарт-шароитларни инobatга олган ҳолда масалани чизиқли дастурлаш усуллари билан ечиш мумкин.

Агар 7 дан 11 гача функцияларни олсак, корхонадаги шарт-шароитларни чегараловчи шартлар инobatга олинса, масалани каср чизиқли дастурлаш усули ёрдамида ечиш мумкин.

Юқоридаги усуллар билан ишлаб чиқариш дастурининг оптимал вариантини топишда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўлчам birlikлари бутун сонли ёки каср сонли бўлиши мумкин. Агар корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат бутун сон бўлгандагина физик жиҳатдан яроқли бўлса, у ҳолда масаланинг ечимига изланаётган катталиклар, яъни маълум турдаги дастгоҳларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдори ҳам бутун сонли бўлиши шарт қилиб қўйилади.

Унда ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласи бутун сонли дастурлаш усулининг масаласига айланиб қолади. Бундай масалалар *Гаморийнинг биринчи алгоритми* ёрдамида ечилади. Ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масаласи бошқа ҳолларда ҳам бутун сонли дастурлаш усулининг масаласи бўлиши мумкин.

Масалан, ишлаб чиқариш дастури оптималлаштирилганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турли дастгоҳларидаги ҳажмини эмас, балки ишлаб чиқариш режасини бажариш учун ҳар турдаги дастгоҳлардан қанчасини аж-

ратиш кераклиги қабул қилинса, унда юқоридаги келтирилган ишлаб чиқариш дастурининг математик ифодасига ўзгартириш киритиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги шартли белгиларни киритамиз:

$Y_{ij}$  –  $j$  турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш учун ажратиладиган қисми;

$P_{ij}$  –  $j$  турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришда  $i$  турдаги дастгоҳлар унумдорлиги;

$a_{ij}$  – корхонада ўрнатилган ва ишлашга тайёр  $i$  турдаги дастгоҳлар сони;

$T_i$  –  $i$  турдаги дастгоҳларнинг умумий иш вақти жамғармаси.

Ушбу шартли белгилардан ва олдинги қабул қилинган шартли белгилардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш дастурини бутун сонли дастурлаш усули учун математик ифодаларини ёзиш мумкин:

Мақсад функция:

$$L(x) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n P_{ij} \cdot T_i \cdot Y_{ij} \rightarrow \max \quad (1)$$

$$L(x) = \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n C_j \cdot P_{ij} \cdot T_i \cdot Y_{ij} \rightarrow \max \quad (2)$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мезони бўйича.

Қуйидаги шартлар бажарилганда:

$$\sum_{j=1}^n Y_{ij} \leq M_i^1 \dots (i = 1, m) \quad (1)$$

Корхонага ўрнатилган ва ишга яроқли бўлган  $i$  турдаги дастгоҳларнинг машина вақти жамғармаси бўйича шарт:

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n P_{ij} \cdot T_i \cdot D_{ijl} \cdot Y_{ij} \leq A_k \quad (k = 1, k) \quad (2)$$

Корхонада  $k$  турдаги хом ашёдан фойдаланиш шартли:

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n t_{ijr} \cdot P_{ij} \cdot T_i \cdot D_{ijl} \cdot Y_{ij} \leq T_r \quad (r = 1, r) \quad (3)$$

Корхонадаги  $r$  касбдаги ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланиш шартли:

$$\sum_{i=1}^m P_{ij} \cdot T \cdot Y_{ij} \geq B_i \dots (j = 1, q, q \leq n) \quad (4)$$

Харидоргир маҳсулотларга:

$$\sum_{i=1}^m P_{ij} \cdot T \cdot Y_{ij} \geq B_i \dots (j = 1 + q, n) \quad (5)$$

Маълумотларни режалаштирилган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш шартли:

$$Y_{ij} \geq 0 \text{ ва бутун сон.}$$

Юқорида келтирилган масалалар тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини оптималлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш керак-ки, маҳсулот турларини оптималлаштиришда ҳар бир маҳсулотга сарфланаётган харажатлар катта аҳамиятга эга ҳисобланиб, тўқимачилик корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтиришда толалар аралашмаси таркибини тўғри танлаш анча мураккаб ишлардан саналади. Шунинг учун толалар аралашмаси таркибини тўғри танлаш орқали маҳсулот таннархини қандай қилиб пасайтириш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Толалар аралашмаси таркибини оптималлаштиришда чизиқли дастурлаш усулидан фойдаланган ҳолда, аниқ шарт-шароитлар учун толалар аралашмаларининг таркибини оптималлаштиришнинг иқтисодий математик моделини тузамиз. Фабрикага 4 хил навдаги пахта толаси келтирилган бўлсин (1-жадвал) [5].

1-жадвал

Толанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Пата нави	Тола тури индекси	1 тонна пахтаинг улгуржи қиймати, млн. сўм (C <sub>i</sub> )	Толадан калава ип чиқиш фоизи	Толанинг штапель узунлиги мм (L <sub>i</sub> )	Толанинг узилиш узунлиги сН, (R <sub>i</sub> )
I	1	27,3	85,7	28,6	4,5
II	2	25,5	84,2	27,2	4,15
III	3	20,5	85,1	26,5	4,06
IV	4	14,3	83,4	27	3,51
Режа бўйича			86 гача	27,3 дан юқори	4,2 дан юқори

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бунда шундай тола аралашмасининг таркибини аниқлаш лозимки, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари режалаштирилаётгандан ёмон бўлмаслиги ва қиймати минимал бўлиши керак. Мақсад функция толалар масса бирлиги қийматини арзонлаштириш бўйича тузилади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$27,3X_1 + 25,5X_2 + 20,5X_3 + 14,3X_4 \rightarrow \min$$

Чегаравий шартлар қуйидаги кўринишга эга:

1. Аралашманинг комплекслиги бўйича.

$$X_1 + X_2 + X_3 + X_4 = 1$$

2. Толанинг штапель узунлиги бўйича.

$$28,6X_1 + 27,2X_2 + 26,5X_3 + 27X_4 \geq 27,3$$

3. Толанинг узилиш узунлиги бўйича.

$$4,54X_1 + 4,15X_2 + 4,06X_3 + 3,51X_4 \geq 4,2$$

4. Толанинг калавадан чиқиш фоизи бўйича.

$$85,7X_1 + 84,2X_2 + 85,1X_3 + 83,4X_4 \leq 86$$

5. Ўзгарувчиларнинг манфий бўлмаслик шартлари.

$$X_1, X_2, X_3, X_4 \geq 0$$

Юқорида келтирилган иқтисодий математик модел симплекс усули алгоритми билан сунъий базис киритиш усули ёрдамида ечилганда, 1 т тола аралашмаси минимал қиймати 21,9 млн. сўм бўлиб у қуйидаги векторларга мос келади.

$$X = (X_1; X_2; X_3; X_4) = (0,4198; 0,5313; 0; 0,0489).$$

**Якуний қисм.**

Юқоридаги таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин:

– юқорида келтирилган таҳлил натижаларига кўра, агарда тола аралашмаси таркибида 1-чи навли пахта толасидан 41,98 %, 2-чи навлидан 53,13 %, 4-чи навлидан 4,89 % иштирок этса, минимал қийматга эга бўлиб, 1 т тола аралашмаси учун 21,9 млн. сўмга тенг. Бу эса, “Ўзтекс Ташкент” кўшма корхонаси кўрсаткичи-

га нисбатан 2,24 млн. сўмга кам, бошқача айтганимизда аралашма қийматини 10 %га пасайтиришга эришилади;

– ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масалалари бўйича математик ифодалар тузаётганда, ечиладиган масаланинг асосий мақсади аниқ бўлиши, миқдорий ўлчамларга эга бўлиши, масаланинг ечилиши шартлари, масаланинг мақсадини ифодаловчи кўрсаткичлар билан миқдорий боғланишда бўлиши алоҳида аҳамият касб этади;

– ишлаб чиқариш дастурини оптималлаш масалаларида масаланинг мақсадини ифодаловчи мезон кўрсаткичлари сифатида, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмини натура ва қиймат кўрсаткичларида ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулотни сотишдан олинadиган фойдани кўпайтириш, ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун сарф бўладиган хом ашёларнинг ёки меҳнат миқдорини камайтириш, корхоналарнинг самарадорлик даражасини юксалтириш каби иқтисодий кўрсаткичларни қабул қилиш керак.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон Қарори.
2. Каримова Д.А. Развитие швейного производства в условиях многоукладной экономики (на материалах Республики Узбекистан): Автореф. дисс. канд. экон. наук. –Т.: ТГТУ, 2002. –20 с.
3. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография –Т.: ФАН, 2004. –223 б.
4. Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. –Т.: ТГЭУ, 2006. –112 с.
5. Тиллаходжаев М.А. Экономические проблемы развития хлопкоочистительной промышленности в условиях рыночной экономики: Монография. –Т.: Фан ва технология, 2009. –212 с.
6. Юлдашев С.Н. Акциядорлик жамиятларида давлат мулкни бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари (“Ўзбекингилсаноат” ДАК мисолида): Иқтисод фанлари номзоди... дис. –Т.: ТДИУ, 2010. –167 б.
7. Остонакулова Г.М. Ипакчилик тармоғини ривожланишининг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқтисод фанлари номзоди... дис. –Т.: ТДИУ, 2010. –147 б.
8. Насырходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках: Автореф. дисс. докт. экон. наук, –Т.: АН РУз Институт экономики, 2011. –47 с.
9. Yo'ldoshev N., Yusupov S., Zaxidov G'. Menejment asoslari va biznes reja. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2016, -244 b.
10. S.Sh.Yusupov. O'zbekiston to'qimachilik sanoati raqobatbardoshligini oshirishning innovatsion strategiyalari. Monografiya. –Т.: “Lesson press”, 2020, 219 bet.
11. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси йиллик ҳисоботлари. 2017-2020 йй.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ**

**Суюнов Жалолiddин Ўктам ўғли – СамИСИ таяч докторанти**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодий таъминот рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришининг муҳим омил эканлиги, озиқ-овқат савдоси корхоналарида диверсификациялашнинг моҳияти, озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматлари мақсадли бозорни ўзлаштиришнинг «хизмат-бозор» матрицаси ва муаммолари ҳамда, бир қатор муаммоларни ҳал этиш хусусида таклифлар тақдим этилган.

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат савдоси, диверсификация, хизматлар соҳаси, модернизациялаш, макроиқтисодий мувозанат, бозор муҳити, кичик бизнес ва тадбиркорлик, бандлик, горизонтал диверсификация, концентрик диверсификация, конгломерат диверсификация, «хизмат-бозор» матрицаси.

## ПРИРОДА И ПРОБЛЕМЫ ДИВЕРСИФИКАЦИИ УСЛУГ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ ТОРГОВЛИ

Суюнов Джалолiddин Уктам угли -  
докторант Самаркандского института экономики и сервиса

**Аннотация:** В статье изложено, продолжение структурных изменений и диверсификация экономики в стране является важным фактором обеспечения устойчивого и сбалансированного экономического роста, повышения конкурентоспособности и успешного развития нашей национальной экономики, важности диверсификации в сфере услуг продуктами-питания, его сущность, матрица «рынок услуг» а также предложения по решению ряда проблем.

**Ключевые слова:** торговля продуктами-питания, сфера услуг, диверсификация, модернизация, макроэкономический баланс, рыночная среда, малый бизнес и предпринимательство, занятость, горизонтальная диверсификация, концентрическая диверсификация, диверсификация конгломератов, матрица «рынок услуг».

## THE NATURE AND PROBLEMS OF DIVERSIFICATION OF SERVICES IN FOOD TRADING ENTERPRISES

Suyunov Jaloliddin Uktam ugli -  
doctoral student of the Samarkand Institute of Economics and Service

**Resume:** The article states that the continuation of structural changes and diversification of the economy in the country is an important factor in ensuring sustainable and balanced economic growth, increasing the competitiveness and successful development of our national economy, the importance of diversification in the field of food services, its essence, the matrix "services market" as well as suggestions for solving a number of problems.

**Key words:** food trade, service sector, diversification, modernization, macroeconomic balance, market environment, small business and entrepreneurship, employment, horizontal diversification, concentric diversification, diversification of conglomerates, matrix "services market".

**Кириш.** Мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар негизда иқтисодий эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида эркинлаштириш, таркибий қайта қуриш ва модернизациялашга йўналтирилган туб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Республикамизда аҳолисининг турмуш даражаси, яшашининг сифат кўрсаткичлари, уларнинг фаровонлиги айнан хизматларга, айнан хизматларга, аниқроғи озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларининг сифати ва салмоғига боғлиқдир.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматлар субъектлари фаолиятининг иқтисодий табиати ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари, самарадорлиги масалалари чет эллик иқтисодчи олимлардан А.М.Фридман[1], Н.М.Ушакова[2], К.А.Раицкий[3], К.В.Пиваваров[4], В.Г.Бычков[5], Т.В.Емельянова[6], ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди.

Хусусан, Ғ.Х.Қудратов[7], М.Пардаев[9], И.Иватов[10], М.М.Мухаммедов[11], Б.Сафаров[12], И.С.Тухлиев[13], Д.Ҳ.Асланова[14], Ё.А.Абдуллаев[15], Н.Йўлдашев[16], Б.А.Абдука-

римовлар[17]нинг бу борада олиб борган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Лекин илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификацияси ва соҳа субъектларида самарадорликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялаш ва самарадорлигини ошириш йўллари билан боғлиқ тадқиқот жараёнида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, каби усулларида ҳамда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантикий ёндашув каби усул ва услублардан фойдаланилди.


**Таҳлил ва натижалар.** Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳалари ялпи ички маҳсулотни яратишдаги иштирокига кўра моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратилади. Масалан, сиҳатгоҳ, шифохона, болалар муассасаларида умумий овқатланиш хизмат кўрсатиш соҳасига киради. Озиқ-овқат савдоси корхоналарида ялпи ички маҳсулот моддий буюм шаклида яратилади. Бундан ташқари, умумий овқатланиш миллий иқтисодиётда йўналтирилган маблағларнинг тез айланивчанлиги билан дастлабки жамғаришга хизмат қилувчи тармоқлардан бири сифатида бозор ривожланишига хизмат қилади. Бозор иқти-

содиётининг шаклланиши шароитида умумий овқатланишга йўналтирилган маблағларнинг тез айланиши, соҳанинг ривожланишига хизмат қилиши билан бирга миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам бозор муносабатларининг кириб келишига, сингишига хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда ривожланади. Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожлана олмагани сингари, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ҳам бошқаларидан ажралган ҳолда ривож топмайди. Чунки, тармоқларнинг яхлит бир тизими ягона ташкил этилган бозор инфратузилмасини ташкил этади. Иқтисодиёт тармоқларидан бирининг оқсаши бошқа тармоқларга ҳам салбий таъсир этгани сингари, бир тармоқнинг тез суратларда ривожланиши бошқа тармоқларнинг ривожланишига замин яратади. Масалан, ахборот технологиялари соҳасидаги илмий тараққиёт унинг натижаларини бошқа тармоқларга жалб этилишига, натижада эса тармоқларда механизациялаш, автоматлаштириш, роботлаштириш жараёнларининг ривожланишига олиб келди. Кузатишлар натижасида бир қатор ривожланган мамлакатлар тараққиётининг замирида ўша мамлакатгагина хос айрим тармоқлар

ётишини кўришимиз мумкин. Масалан, Японияда радиоэлектроника соҳаси ривожланиши билан автомобилсозлик, кemasозлик, авиация саноати ва бошқа бир қатор тармоқлар ривожланган бўлса, Голландия ва Дания каби мамлакатларда иқлим шароитидан келиб чиқиб, аграр соҳа ривожлантирилган ва шу билан боғлиқ тармоқлар ривожланишига асос солинган. Миср, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатларнинг иқтисодиёти туризм саноати замирида барпо қилинган.

Шунинг учун биз аввало иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожланишига ундовчи куч бўла оладиган тармоқни топишимиз ва айнан шу тармоқни ривожлантиришга урғу бермоғимиз керак. Бу борада мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборнинг кучайиши айнан шу соҳани иқтисодий тараққиёт «локомотив»ига айланттиришга қаратилган десак хато бўлмайди. Чунки сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси кириб бормаган тармоқ ҳам, унинг иштирокисиз ривожланиши мумкин бўлган фаолият ҳам йўқ. Айнан сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида озиқ-овқат савдоси етакчи ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистонда 2010-2019 йй. ЯИМ ўсиш суръати

Хусусан, 2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,6 фоизга, экспорт 28 фоизга, олтин-валюта захиралари 2,2 миллиард долларга 28,6 миллиард долларни ташкил этди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 3,7 бараварга ўсди ва 4,2 миллиард долларни ташкил этди, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 37 фоизга етди. Саноат маҳсулотларининг айрим турларини ишлаб чиқаришда етакчи тармоқларнинг улуши 1-жадвалда келтирилган.

Бундан ташқари, 2019 йилда саноат ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича Давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида маҳаллий саноат корхоналари томонидан умумий қиймати 111,5 трлн. сўмни ташкил этди, бу 2018 йилга нисбатан 112,1 %ни ташкил этади. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий таркибида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тармоқларининг улуши 33,7 фоизни ташкил этди.

Саноат маҳсулотини алоҳида олинган турларини ишлаб чиқариш суръатларини ўсиш суръати[21]

Саноат маҳсулоти	2018 йил	2019 йил	2018 йилга нисбат ўсиш, % ҳисобида
Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш, дона.	220 667	271 113	122,9
Юк автомобиллар ишлаб чиқариш, дона.	4 237	5 320	125,6
Дон ва ун ишлаб чиқариш, минг тонна.	1 463,9	1 486,1	101,5
Автомобил двигателларини ишлаб чиқариш, минг.дона.	158,8	200,6	126,4
Пахта толасини ишлаб чиқариш, минг тонна.	817,7	476,5	58,3
Ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш (тозаланган), минг тонна.	185,1	159,5	86,2
Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, млн. дона.	10 961,0	11 504,0	05,0
Дизел ёнилғисини ишлаб чиқариш, минг. тонн	1 080,8	1 030,5	95,3
Автомобиль бензинини ишлаб чиқариш, минг тонна.	1 147,0	1 025,1	89,4
Тракторлар ишлаб чиқариш, дона.	3 477,0	2 022,0	58,2

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг умумий таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 32,0 фоизни, ноозиқ-овқат товарлари еса 68 фоизни ташкил этади. Худудий асосда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда айрим тармоқларнинг улуши бўйича Андижон вилояти етакчи ўринни егаллайди - 23,9%, Тошкент шаҳри - 20,7%, Тошкент вилояти - 10,2%, Самарқанд вилояти - 8,6%, Фарғона вилояти - 5,7 %.Мазкур сифат ўзгаришлари, энг аввало, иқтисодиётда саноат тармоғи улушининг жадал суръатларда ўсиб, саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бораётгани, янги замонавий корхоналар ташкил этилаётгани, иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизасия қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланаётгани, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, уларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бораётгани орқали намоён бўлмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Шу ўринда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трлн сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш темпи эса 1,3 баробарни ташкил этди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1% ташкил этди). БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференциясининг (ЮНКТАД) ҳисоботида кўра, жаҳон

миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кетма-кет учинчи йил пасайиб, глобал молиявий инқироздан сўнг дарҳол кузатилган энг паст даражага етди. 2018 йил охирида бу кўрсаткич 19 %га камайди (2017 йилда - 16%).

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар бўйича ЮНКТАДнинг ҳисоботида кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ижобий ўсиши Осиёда кузатилиб, унинг ҳажми 5%га ўсди. Шу ўринда Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 %ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига (2,9 млрд.доллар, шундан асосий капиталга - 1,6 млрд доллар) нисбатан 3,2 баробарни ташкил этди (9,3 млрд доллар, шундан асосий капиталга - 6,6 млрд доллар) ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича республикамиз етакчилиқни таъминлади.

Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкорлар сифатида Хитой, Россия ва Германияни эътироф этиш мумкин, шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди. Натижада йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлардаги улуши 34%гача қисқарди.

2018 йил кўрсаткичларига нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўсиш - 7,5 баробар), металлургия (ўсиш - 4,6 баробар), тўқимачилик (ўсиш - 2,5 баробар), чарм-пояфзал (ўсиш - 2,1 баробар) ва нефть-газ (ўсиш - 2 баробар) тармоқларида кузатилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар оқимининг ўсиш суръати худудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бориб, уларнинг умумий ҳажми 2019 йилда 4,8 млрд долларни (шундан асосий капиталда - 4,2 млрд доллар) ташкил этиб, 2018 йил мос даврига



нисбатан 4 барабар ва 2017 йилга нисбатан 24 барабар кўпайди. Фақат хорижий капитал иштирокида ҳудудларда умумий қиймати 858,5 млн долларга тенг 167 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. 2022 йил ва ундан кейинги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни фаол жалб қилиш, уларни электр энергетика, ахборот технологиялари, шунингдек мавжуд ҳом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирига яратишга қаратилган кимё саноати, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали уларнинг йўналишларини диверсификация қилиш ишлари давом эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга қарийиб 233,2 трлн. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган, бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг – 7,1 млрд. доллар, давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – 2,7 млрд. доллар ўзлаштирилиши режалаштирилди.

Хусусан, 2020 йилда ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 2 мингдан зиёд объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган: 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари, 240 та ҳудудий ишлаб чиқариш объектлари, 1,6 мингта ижтимоий ва инфратузилма аҳамиятига эга объектлар.

Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, дастлабки даврдаги тадқиқотлар хорижий тажрибага нисбатан мослашувчан хусусиятга эга эди. Улар буни ички иқтисодий шароитларига қараб нусха кўчириш мақсадида қайта баҳолашга ҳаракат қилдилар. Ҳозирги кунда ушбу соҳани ечими янгилик эмаслиги ва ягона тармоқдаги корхоналар фаолиятини диверсификация қилиш бўйича етарли амалий тажрибанинг йўқлиги сабабли ушбу муаммони ҳал қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу мавзуга бағишланган нашрлар ва илмий мақолалар сонининг кўпайишига қарамай, кўпгина маҳаллий тадқиқотларда диверсификация муаммосига корхонанинг асосий (анъанавий) фаолиятига деярли эътибор берилмайди. Асосий эътибор корхона-

нинг ихтисослашув доирасидан ташқарида таъсирга эга бўлиш, бошқа соҳаларда фойда олиш имкониятларини излаш ва амалга оширишга, ривожланиш суръати ва афзал кўриладиган фойда ҳажмига қаратилади. Шу билан бирга, ғарбий тадқиқотчилар (Р. Кунц, Р. Лехман ва М. Паскиер) асарларида таъкидланишича, фақатгина компаниянинг диверсификациялашдаги ваколатлари доирасида корхона ушбу соҳада иш тажрибасига эга бўлган рақобатдош устунликларни амалга ошириши мумкин[18].

Маҳаллий олимларнинг корхоналарни диверсификация қилиш муаммосига бағишланган бир қатор илмий ишлари таҳлили шуни кўрсатдики, улар тўлиқ ҳажмда қамраб олинмайди. Кўпгина тадқиқотларда ҳал қилиниши керак бўлган кўплаб саволлар ва фикрлар кўриб чиқиш доирасидан чиқиб кетди. Шунинг учун ушбу муаммо, айниқса маълум бир соҳадаги корхоналар фаолиятини диверсификация қилиш имкониятлари, уларни амалга ошириш учун диверсификация қилиш стратегиялари ва воситаларини танлашни батафсил ўрганишни талаб қилади. Шу муносабат билан, чет эл давлатлари устувор бўлган диверсификация соҳаларига, биринчи навбатда, корхонанинг асосий йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳудудларга кириб боришга эътибор бериш керак, кейинчалик уни ишлатиш соҳасини кенгайтириш керак.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, диверсификациядан фойдаланиш иқтисодий такомиллаштириш воситаси сифатида мавжуд ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ички қарама-қаршиликлар ва корхоналар фаолиятига таъсир етувчи ташқи омиллар таъсирида юзага келади. Хўш, диверсификациянинг ўзи нима? Унинг моҳиятини белгилаб берувчи услубий ёндашув қандай? Унга берилган иқтисодий таърифлардаги асосий фарқлар нималардан иборат?

«Диверсификация» лотинча (diversificatio) сўздан олинган бўлиб ўзгариш, ҳар хиллик, бир оз нарсага кўп томонлама, комбинациялашган, кўп тармоқли тус бериш каби маъноларни англатади[20].

Диверсификация жараёнига берилган замонавий таърифлар орасида англиялик иқтисодчилар Бэннок, Бакстер ва Девнслар томонидан келтирилган таърифга эътиборан «диверсификация-бу бирор фирма ёки географик минтақада товарлар ва хизматлар доирасини кенгайтиришдир». Кўрсатиб турибдики, бу таърифда диверсификацияга жараён сифатида қаралиб, асосий эътибор унинг натижасига қаратилмоқда. Уларнинг фикрича, диверсификация жараёнининг зарурияти корхоналар ва фирмалар фаолиятининг анъанавий бозорларда даромадли-

лик даражасининг пасайиши, уларда керагидан ортиқча капитал ёки бошқарув ресурсларининг мавжудлиги, иқтисодий ҳавф-хатар ва корхоналарнинг циклик жараёнларга боғлиқлигини камайтириш билан боғлиқ.

Қуйидаги таъриф бирмунча аниқроқ ва кенгроқ бўлиб, унда диверсификация жараён ва муайян субъектлар томонидан амалга оширилган тадбир сифатида талқин қилинади: «диверсификация — алоҳида олинган корхона ёки конгломерат ёхуд иқтисодиёт томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар турининг ошишидир. Диверсификация иқтисодиётда табиий жараён сифатида рўй беради. Айрим ҳолларда эса бизнес соҳиблари ёки давлат томонидан тор доирадаги маҳсулотларга (айниқса уларга бўлган талаб ўзгарувчан бўлган шароитда) боғлиқ бўлиб қолиш хатарини камайтириш учун амалга оширилади». Ушбу таъриф диверсификация жараёнларини амалга оширишнинг микро ва макро даражаларини қамраб олганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Аммо диверсификацияни шарт қилиб қўювчи сабаблар унда тўлиқ ёритилмаган. Чунки диверсификация фақат тор доирадаги маҳсулотларга боғлиқ бўлиб қолишга барҳам бериш учун амалга оширилмайди.

У янги бозорларни эгаллаш, анъанавий бозорлардаги улушни ошириш, капитал учун янги соҳаларни излаш, ишчи кучини сақлаб қолиш ва бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Британиялик Сюзан Мейхью нуқтаи назари ҳам ушбу концепцияга анча яқин. У диверсификацияга «саноат ишлаб чиқаришни кенг доирадаги фаолият турларига ёйиш ва шу орқали фақат бир турдаги маҳсулотта ўта боғлиқ

бўлиб қолмаслик учун қўлланиладиган тадбир» сифатида таъриф беради. У ўз фикрини давом эттирар экан, диверсификациянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади[20]:

- горизонтал диверсификация;
- концентрик диверсификация;
- конгломерат диверсификация;
- меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси;

Машина ёки малакани камроқ мослаштиришни талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш горизонтал диверсификациядир. Концентрик диверсификация янги бозорларни эгаллаш учун бир маҳсулотнинг ўзини кенгроқ ишлатишдир. Конгломерат диверсификация бозорлар, технология ва маҳсулотлардаги ўзгаришлар туфайли саноат тармоғининг янги соҳаларга ўсишидир.

Трансмиллий корпорациялар турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмаларни сотиб олиш орқали диверсификациялашадилар, кўп ҳолларда ишчи кучининг фақат бир саноат тармоғига боғлиқ бўлиб қолиши муаммоси мавжуд. Бу аниқса ихтисослашув даражаси юқори бўлган соҳаларга тааллуқлидир,

Бундай ҳолатда меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси юз беради. Агар диверсификацияга берилган ушбу таъриф ва унинг шаклларига синчиклаб назар ташласак, улар орасида зиддият борлигининг гувоҳи бўламиз, яъни таърифда «бир турдаги маҳсулотга ўта боғлиқ бўлиб қолмаслик» тўғрисида фикр юритилса, унинг шаклларида нафақат бир турдаги маҳсулот, балки бир турдаги бозор» бир турдаги тармоққа боғлиқликни юмшатиш лозимлиги таъкидланади.

1-жадвал

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматлари мақсадли бозорни ўзлаштиришнинг «хизмат-бозор» матрицаси

Хизматлар	Бозорлар	
	жорий бозор	янги бозор
<b>Жорий хизматлар</b>	<b>Бозорга чуқурроқ кириб бориш стратегияси</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• сотишни жадаллаштириш</li> <li>• янги харидорларни қидириш</li> <li>• рақобатчиларни синдириш</li> <li>• товарнинг истеъмол соҳаси кенгайиши</li> </ul>	<b>Бозорни ривожлантириш стратегияси</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• янги бозорлар</li> <li>• янги сотиш хууддлари</li> <li>• халқаро бозорлар</li> <li>• товар ишлатилишининг янги соҳаларини тузиш</li> </ul>
<b>Янги хизматлар</b>	<b>Хизматларни ривожлантириш</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўз кучи билан янги товар ишлаб чиқариш</li> <li>• битимларни ривожлантириш</li> <li>• лицензия</li> <li>• маҳорат билан айирбошлаш</li> </ul>	<b>Диверсификация</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• горизонтал</li> <li>• вертикал</li> <li>• концентрик</li> </ul>

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациясининг мақсади истеъмолчиларнинг хизматларни афзал кўриш, алоҳида бозор ёки бозор сегменти хусусиятларини ҳисобга олиш орқали хизматларни жалб этувчанлигини ошириш, уни рақобатбардошли-

гининг ўсиши ҳисобланади. Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматлар инновацияси янги хизматларни ишлаб чиқиш ва қўллашни кўзда тутиб амалга ошириш шакли бўйича хизматлар дифференциацияси ва хизматлар диверсификациясига бўлинишини кўрсатади.

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматлари борасида олиб борилган маркетинг тадқиқотларимиз натижалари мақсадли бозорни ўзлаштириш йўллари қидиришда муқобил стратегияларни аниқлаш учун И. Ансофф томонидан 1966 йилда таклиф этилган “товар-бозор” матрицасидан фойдаланган ҳолда хизматлар соҳасида “хизмат-бозор” матрицасини шакллантириш мумкинлигини кўрсатди. Бу 1-жадвалда кўрсатилган.

Жадвалга кўра, фирма афзаллиги ўсиш манбаларини ўзлаштиришнинг 4 та асосий стратегиялари бўлиши мумкин:

1. Бозорга чуқурроқ кириб бориш стратегияси.
2. Товарни такомиллаштириш стратегияси
3. Бозорни ривожлантириш стратегияси.
4. Диверсификация.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагиларни умумлаштириб, қуйидаги постулатларга асосланиб, озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификация қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал этиш хусусида таклифларни тақдим этамиз:

- озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни ривожлантиришда (уларнинг кўп функционаллиги ва янги фаолият турлари), бир томондан, фойдаланилмаётган ресурс захираларини (амортизация фондларини модернизациялаш) иккинчи томондан эса, бозордаги барқа-

рор талабни (озиқ-овқат, барча турдаги хизматлар) ҳисобга олган ҳолда чуқур ва самарали диверсификация ўзгаришларини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқиб таркий ислохотларнинг кўламини кенгайтириш;

- озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини ўрганиш, унинг бир тармоқли фаолиятдан кўп тармоқли янги турдаги фаолият йўналишларини ривожлантириш – келажакда соҳада мультипликатор самарадорликка эришиш имкониятини яратиш;

- озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялаш вужудга келадиган ўзгаришлар ўз навбатида ташкилот ва бошқарувдаги муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, ахборот ва инфратузилмани қўллаб-қувватлашни, шу жумладан консалтинг, соҳа да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

Мухтасар айтганда, озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялаш натижасида хизматлар соҳасида иқтисодий фаолиятнинг турли шакллари ва турлари яратилади, мамлакатимизнинг табиий ва меҳнат ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланилади. Республика шаҳар ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва унинг турмуш даражаси, яшашининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш имкониятларини яратади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. М.: «Дашков» 2008. с 625.
2. Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск. Новое знание, 2008.с.348.
3. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. - М.: ИВЦ «Маркетинг». 2003. с.683.
4. Пиваваров К.В. Планирование на предприятии.-М.: «Дашков и К<sup>о</sup>» 2006. с.245.
5. Бычков В.Г., Ходарова З.С. Общественное питание: итоги и перспективы. - М.: «Экономика». 1984. - с. 239.
6. Емельянова Т.В. Экономика общественного питания - Минск. Высшая школа. 2003.
7. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож - аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: «Fan va texnologiya», 2007. - 28
8. Қудратов Ғ.Х., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. Т.: «Fan va texnologiya», 2007. - 16 б.
9. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009. - 66 б.
10. Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие - Т.: ТГЭУ, 1998. - с. 131., Савдода маркетинг фаолияти. Монография. Т.: ТДИУ, 2004.
11. Мухаммедов М.М. и др. Экономика торговли. Самарқанд. 1998. с. 282
12. Сафаров Б.Ж. Ўзбекистон чакана савдосида бозор тизимларининг шаклланиши ва уларни тартибга солиш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. - Т.,ТДИУ, 1998. - 21 б.
13. Тухлиев И.С. ва бошқалар Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: «Иқтисод-молия», 2010.-264 б., Туризм асослари. Ўқув кўлланима. Самарқанд. 2010.
14. Асланова Д.Х. Трудоёмкость продукции общественного питания и резервы её снижения: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Киев. 1992.-с. 20.
15. Абдуллаев Ё.А. Статистиканинг умумий назарияси. Дарслик. Т.: «Ўқитувчи», 1993.- 240 б., Бозор иқтисодиёти асослари: Т.: - «Меҳнат», 1997. - 432 б., Макроиқтисодий статистика. - Т.: «Меҳнат», 1998. - 382 б., Статистика назарияси. - Т.: «Меҳнат», 2000.- 448 б., Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. -Т.: «Меҳнат», 2002. - 215 б.
16. Йулдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти.-Т.: ТДИУ. 2005. - 164 б.
17. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. - Т.: «Фан ва технология», II том 2008.- 224
18. Куноц Р.М. Диверсификация стратегияси ва корхона муваффақияти // Бошқариш назарияси ва амалиёти муаммолари. - 1994. - № 1, б. 96 - 100.
19. Паскуиер М. Диверсификация васамарадорлик // Менежмент назарияси ва амалиёти муаммолари. - 1994 й, № 1. - с. 79-82.
20. Словарь иностранных слов, М, "Славянский дом книги", 1998. - 509 с.
21. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши . 2019-йилда Ўзбекистон Республикасиси учун 2019 йил учун Статистик тўплами. - 5.с.
22. The Penguin Dictionary of Economics (GrahamBannock, R.B. Baxter and Emlen Davis], - 1998. -p. 168.

О'ЗБЕКISTONDA ELEKTR-ENERGIYA SANOATINING TAHLILI

*Nigmatullaeva Gulchekhra Nurullaevna -  
doktorant TDIU  
"Tarmoqlar iqtisodiyoti" kafedrasini*

**Annotatsiya:** Maqolada elektr sanoatining davlat iqtisodiyotini rivojlantirishga ta'siri ko'rsatilgan. Energetika sohasini davlat tomonidan tartibga solish usullari e'lon qilindi. Elektr energiyasini iste'mol qilish va ishlab chiqarish bo'yicha ma'lumotlar taqdim etiladi.

**Kalit so'zlar:** Elektr, zamonaviy xususiyatlar, monopoliyaga qarshi tartibga solish, elektr sanoati, innovatsiya, investitsiyalar.

АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКИ УЗБЕКИСТАНА

*Нигматуллаева Гулчехра Нуруллаевна -  
докторант  
кафедры «Экономика отраслей», ТГЭУ*

**Аннотация:** В статье показано влияние электроэнергетической промышленности на развитие экономики государства. Озвучены методы государственного регулирования сферы энергетики. Представлены данные о потреблении и производстве электроэнергии.

**Ключевые слова:** Электроэнергетика, современные особенности, антимонопольное регулирование, электроэнергетическая отрасль, инновации, инвестиции.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF THE ELECTRIC POWER INDUSTRY IN UZBEKISTAN

*Nigmatullaeva Gulchekhra Nurullaevna -  
doctoral student department of  
"Economics by industry", TSUE, Tashkent*

**Abstract:** The article shows the influence of the electric power industry on the development of the state economy. Methods of state regulation of the energy sector are voiced. Data of electricity consumption and production are presented.

**Keywords:** Electric power industry, modern features, antimonopoly regulation, electric power industry, innovations, investments.

**Introduction.** Energy plays a huge role in the development of the country's economy. This is due to the fact that any production process in all industries, in agriculture, in transport, all types of services to the population of the country are associated with an ever-increasing scale of energy use. In the distant past, the energy force was the muscular strength of people, supplemented by the motor power of animals, water and wind. The discovery of energy was associated with the industrial revolution of the XIII century, the subsequent technological progress of production and the growth of labor productivity. [4]

The electric power industry is a system-forming branch of the economy of any modern state and one of the most complex branches of the fuel and energy complex (FEC). [6] The need for state regulation of this industry is due to its economic and social importance for all other sectors of the economy and for the population of the country. Thus, within the framework of state regulation, it is necessary to pay attention to the activities of state authorities that carry out this regulation. [5] In

order to implement State regulation of the activities of economic entities in Uzbekistan, the relevant competent authorities have been established. With their help, a full-fledged, balanced and purposeful interaction with business entities is carried out. The state, represented by the competent authorities, which are in the course of their management activities use the methods of administrative regulation, has a direct impact on economic entities[7]. The main methods of regulating the electric power industry are price regulation; identification of consumers for mandatory service and establishment of a minimum level of their provision. According to the legislation of the Republic of Uzbekistan "On Electric Power Industry", the methods of state regulation of the electric power industry are:

- regulation of investment activities of natural monopolies in the electric power industry;
- state regulation and control (supervision) of state-regulated prices (tariffs) in the electric power industry; [8]

- state antimonopoly regulation and control, including the establishment of uniform rules on the territory of the republic for access to electric networks and services for the transmission of electric energy;

- management of state property; [9]
- energy supervision and technical regulation;
- environmental supervision;
- licensing of sales activities.

**Main part.** The state uses direct and indirect mechanisms of regulation of the electric power

industry. Direct methods of influence include: setting direct restrictions and tasks for certain types of activities, allocating budget funds for solving specific tasks, etc. Indirect mechanisms of influence include tariff and technical regulation, the tax system, and others. The scope of state regulation of electric power companies includes the regulation of: the economic aspects of the companies activities; technological and environmental aspects of companies' activities; issues of social and labor relations and labor protection [2].

**Table 1**

**Gross electricity consumption million kWh (consumed by subscribers)**

Name of regions	2016	2017	2018	2019
<b>Republic of Uzbekistan</b>	<b>45058,8</b>	<b>46746,3</b>	<b>60744,8</b>	<b>54174,8</b>
Republic of Karakalpakstan	1041,9	1088,7	1578,3	1690,1
regions:				
Andijan	2406,3	2639,5	3975,4	2627,3
Bukhara	2580,3	2678,2	3338,8	2437,0
Jizakh	1518,8	1581,4	2177,8	1924,4
Kashkadarya	4857,6	5116,1	5561,3	5594,6
Navoi	6895,0	7002,6	7431,4	8775,3
Namangan	2612,9	2789,6	3898,9	3099,1
Samarkand	2947,5	3247,8	4425,8	2769,7
Surhandarya	2148,1	2230,9	5653,0	2364,3
Sirdarya	1177,3	1159,4	1455,1	1748,9
Tashkent	6981,3	7235,1	8868,5	9253,6
Fergana	3829,4	3534,0	4965,3	4591,8
Horezm	1090,6	1118,1	1799,3	1765,7
Tashkent city	4971,7	5325,0	5615,8	5532,9

*www.stat.uz - Energy industry*

In 2020, electricity consumption in Uzbekistan amounted to 69.1 billion kWh. This is 6.1% more than in 2019 and 20.1% more than in 2016. In December 2020 alone, 1.74 billion kW were sold to the population. For comparison, the data of December 2018, when the Uzbek People received 1.57 billion kWh, that is, the supply growth was 11%. The growth in electricity consumption is ensured by the fact that 66.4 billion kWh of electricity was generated at the country's power plants in 2020. This is 5% more than in 2019 and 12.6% more than in 2016. More than 3.7 GW of capacity was introduced as part of the projects of the Investment Program in 2016 at the expense of loans under state guarantees. 1 power plant and 4

			Экономическая Политическая Туристическая Оздоровительная Учебная Этническая Военная Экологическая Религиозная
4	Причины миграции	Цели миграции	Принятие решения Территориальное перемещение
5	Стадии миграции	Процесс миграции	Адаптация Возвращение Реинтеграция

*Примечание:* Разработка автора

Необходимо отметить, что отдельные стадии миграционного процесса тесно связаны между собой, могут переходить и трансформироваться друг в друга в зависимости от различных обстоятельств внешней среды и личных мотивов мигрантов.

Ведущими учеными и специалистами в миграционной сфере [4], [5], исходя из мирового опыта, проведён анализ и сформулированы нижеследующие социально-экономические причины трудовой миграции:

- неравномерность экономического развития различных стран;
- пребывание их в разных фазах экономического цикла;
- различные уровни доходов в разных странах [16];
- существенное отличие уровней безработицы в странах;
- специфика формирования трудовых ресурсов в экономически отсталых странах (перенаселенность, безработица, низкая производительность труда);

- относительная дешевизна трудовых услуг слаборазвитых стран.

При этом, выделяются следующие виды трудовой миграции:

- безвозвратная, при которой мигранты выезжают на постоянное место жительства в принимающей стране;
- временно-постоянная, когда миграция ограничена сроком пребывания в стране въезда от 1 года до 6 лет;
- сезонная миграция, которая связана с кратковременным (в пределах года) въездом для работы в тех отраслях хозяйства, которые имеют сезонный характер (с/х и сфера услуг);
- маятниковая (челночная, приграничная) – ежедневный переезд из одной страны в другую и обратно;
- нелегальная – незаконный въезд в страну в поисках работы или прибытие в нее на законных основаниях (туристы, по приглашению) с последующим нелегальным трудоустройством;
- «утечка умов» – это односторонняя миграция научно-технических кадров в рамках ми-

рового хозяйства в преимущественно промышленно развитые страны, ведущая к утрате квалифицированных специалистов стран-доноров (ученых, «звезд» спорта) [2].

Некоторые аспекты традиционных систем и классификаций миграционных процессов становится не столь актуальными, в то время как появляются новые виды и формы миграции, связанные с внедрением информационных технологий, ограничительные меры приграничного контроля и управления.

**Анализ обсуждения результатов.** Исходя из основных концептуальных аспектов миграции, доказано что движущие факторы и причины миграции являются определяющими. Нами (табл.1.) расширены виды «Причин миграции» так как причин могут быть как экономические, политические цели, проблемы, связанные с военными операциями и угрозами здоровью и жизни вынуждающие мигрировать людей, так и экологическими, религиозными и т.д. Кроме того, мотивами и целями миграции могут являться учебная, туристическая, оздоровительная связанные с восстановлением здоровья мигрантов на краткосрочный и долгосрочный период времени. Ситуации в различных странах в каждый момент времени может быть может меняться актуализируются, те или иные движущие факторы миграции населения.

Необходимо отметить, что положительное отношение к миграции объясняется тем, что большинство трудовых мигрантов имеют больше возможностей улучшения своего финансового положения, становятся более опытными, овладевают новыми профессиональными и трудовыми навыками, расширяется их кругозор.

Для стран-доноров отправляющих трудовых мигрантов, обычно не востребованных на внутреннем рынке трудовых ресурсов, имеются преимущества [3] в виде уменьшения давления избыточных трудовых ресурсов. При этом снижается безработица и социальная напряженность в стране. Страны получают валютные переводы от своих граждан, работающих за рубежом. После работы за рубежом в страну возвращаются более квалифицированные работники. Вернувшиеся мигранты проявляют большую готовность к новым видам деятельности, принимают более активное участие в развитии новых форм экономики. В результате происходят существенные сдвиги в отраслевой занятости возвращающихся мигрантов (эмигранты переходят в малый бизнес);

Среди недостатков эмиграции можно отметить следующие:

- отток части трудовых ресурсов в наиболее трудоспособном возрасте;

- потеря части понесенных затрат на общеобразовательную и профессиональную подготовку эмигрантов (при «утечке умов»);

- потеря налоговых поступлений.

Миграционный процесс имеет как позитивные, так и негативные последствия. В числе позитивных, можно отметить улучшение платежного баланса страны за счет валютных денежных переводов, решение проблемы безработицы, увеличение платежеспособного спроса населения, повышение уровня развития человеческого потенциала и квалификации работников. Среди негативных аспектов миграционного процесса можно отметить потерю квалифицированной рабочей силы и «утечку умов», появления долгосрочной зависимости от иностранного спроса на рабочую силу, социальные – психологические проблемы в семьях мигрантов.

Правительства должны понимать и адекватно реагировать на множество положительных и отрицательных аспектов миграционных процессов, при этом учитывая социально-экономическое положение, учитывать баланс трудовых ресурсов страны в целях обеспечения максимального полезного использования трудовых ресурсов страны. В этой связи, основная задача правительства в управлении миграционными процессами, должна заключаться в максимальном увеличении ее положительных эффектов и сведение к минимуму потенциально возможных негативных последствий трудовой миграции.

Как правило, трудовая миграция за пределы страны осуществляется на основе внешнегосударственного трудоустройства и индивидуальной инициативы самих мигрантов. В Узбекистане, руководством страны поставлена задача принять комплексные меры по созданию удобных условий и расширит легальные каналы трудоустройства свободных трудовых ресурсов страны в зарубежных странах. Для этого приняты ряд программ оказания содействия мигрантам в подготовке к выезду, адаптационных программ, повышения квалификации до выезда, а также расширению международного межправительственного сотрудничества, по организованным формам временной трудовой миграции граждан страны зарубежом.

Анализ показал, что в мире растут объемы незаконных перемещений людей, нелегальной миграции, в основном связанные с деятельностью преступных группировок. В связи с этим, многие страны назначения, в том числе страны Европейского Сообщества, начали осуществлять политику, направленную на ужесточение режима въезда в регион иностранных граждан. Это осуществляется в целях защиты внутреннего рынка труда, посредством гармонизации национальных иммиграционных зако-

нодательств стран членов ЕС, унификации процедур и документации с целью регулирования доступа и пребывания иностранцев на территории зоны Шенгенского соглашения. При этом особый упор сделан на ограничение въезда в ЕС низкоквалифицированных работников, борьбы с нелегальной миграцией, и проведения политики реэмиграции и т.д. На наш взгляд, Министерство занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, а также Агентство по вопросам внешней трудовой миграции, с вовлечением Министерства иностранных дел могли бы вести целенаправленную информационную политику, и обсуждать возможность снятия ограничения и либерального подхода на миграцию наших граждан, с целью краткосрочного и среднесрочного легального трудоустройства зарубежом, в особенности на рынке Европейского Сообщества, которая настороженно относится в выдаче виз, с опасением нелегальной миграции из различных стран мира в том числе и Узбекистана.

Нами выявлены ряд факторов, влияющих на миграционную подвижность населения и определены особенности их воздействия на миграционные процессы в условиях Узбекистана. Выталкивающие и притягивающие факторы можно систематизировать по следующим типам:

#### **Глобальные**

- глобализация приводит к повышению мобильности населения;
- развитие телекоммуникаций и удешевление средств связи;
- безвизовый режим со странами въезда;

#### **Локальные**

- структурная трансформация экономики и высвобождение трудовых ресурсов;
- избыток трудовых ресурсов внутри страны, в условиях недостатка рабочих мест;
- не востребованность специалистов с соответствующим образованием на внутреннем рынке;
- развитие трудосберегающих технологий внутри страны;
- удешевление транспортных расходов и авиаперелетов;
- либерализация и открытость рынков труда зарубежных стран;
- упрощение визовых процедур на выезд и въезд;

#### **Измеряемые**

- повышение грамотности населения и квалификационного уровня мигрантов, приводит к качественным изменениям;
- рост спроса на рабочую силу в зарубежных странах;

- низкая стоимость рабочей силы внутри страны;
- удорожание стоимости жизни, несоответствие доходов расходам домохозяйств;
- рост стоимости недвижимости, снижающие доступность жилья;
- высокие темпы инфляции, рост цен;
- высокий демографический прирост населения в условиях узости рынка труда;
- рост плотности населения в отдельных населенных пунктах и регионах;
- неразвитость социальной инфраструктуры, влияющих на комфортность жизни;
- отсутствие/недостаточность жилищно-коммунальных и бытовых условий;
- слабая социальная защищенность в условиях возникающих кризисов;

#### **Не измеряемые**

- политические факторы, неуверенность в будущем [9];
- расширение социально-культурных и гуманитарных связей с зарубежными странами и гражданами других стран;
- развитие мигрантских сетей, этнических анклавов в зарубежных странах;
- развитие зарубежной этнической диаспоры;
- близость менталитета, культуры, языка, традиций стран въезда и выезда;
- толерантность принимающего сообщества по отношению к трудовым мигрантам;
- формирование организационных фирм трудовой миграции;
- семейные обстоятельства, желание быть с родственниками и близким социальным окружением;
- ухудшение экологической обстановки внутри страны;
- наличие личного опыта пребывания за рубежом;
- воздействие мобильности социального окружения;

Наличие и комбинации вышеназванных факторов может влиять на миграционную подвижность и в конечном итоге на миграционные процессы в целом. Вышеуказанные разработки автора возможных факторов, влияющих на миграционную подвижность населения могут явиться важным в принятии многовариантных сценариев и прогнозов изменения миграционной ситуации в Узбекистане.

В числе сдерживающих факторов миграционной подвижности населения можно отметить, такие как:

- увеличение спроса на рабочую силу внутри страны;
- низкий уровень осведомленности о законодательстве принимающих стран;

- снижение напряженности на рынке труда, снижение уровня безработицы;
- опасение о личной безопасности;
- неуверенность в защите прав со стороны правоохранительных и судебных органов зарубежных стран;
- сложность оформления визовых процедур;
- рост стоимости транспортных расходов связанные с миграцией;
- рост заработных плат и уровня социальной защищенности;
- политическая и социально-экономическая стабильность;
- рост экономики, развитие трудоемких отраслей и сферы услуг;
- удешевление стоимости жизни, стабильность темпов инфляции;
- снижение стоимости жилья;
- развитие социальной инфраструктуры внутри страны.

На наш взгляд анализ движущих факторов и миграционного поведения личности, а также миграционно-подвижного состава населения является важным в процессе государственного управления. Комплексный анализ движущих факторов миграции в Узбекистан был рассмотрен в монографии [15], которая может быть дополнена и расширена последними тенденциями и изменениями вследствие положительной работы правительства с периода 2017 по настоящее время. По нашим прогнозам в текущее время, в связи с широкими возможностями трудоустройства в Узбекистане, повышением среднего уровня оплаты труда, миграционные стимулы существенно сокращены. Это позволит прогнозировать поведение населения в зависимости от изменений социально-экономической ситуации в стране и выработать на ее основе результативные социально-ориентированные механизмы воздействия с учетом обеспечения конституционных прав граждан страны на миграцию и направления приложения своего труда.

**Выводы и предложения.** В целом, анализ проведенных социологических исследований и научных работ в области миграции в Узбекистане дает некоторые возможности выявления направлений и возможностей в решении вопросов повышения эффективности управления миграционными процессами в Узбекистане.

Однако требуются дальнейшие методические, методологические разработки, новое теоретическое осмысление современных миграционных процессов, изучение влияния миграции на общую и специфическую социально-экономическую ситуацию в стране.

В целях формирования эффективной системы управления миграционными процессами, учета множества движущих и сдерживающих факторов миграции предлагается:

- провести комплексную систематизацию всех видов миграционных процессов в стране на основе анализа современных теорий и моделей и механизмы управления в Узбекистане;
- выявить основные типы и виды миграционных процессов, главных причины и движущие факторы миграции включая социально-экономические;
- расширить проведение различных социологических исследований и научных работ в области миграции в Узбекистане, что позволит расширить аналитические возможности для повышения эффективности управления миграционными процессами в Узбекистане;
- необходимо разработать многовариантные сценарии и прогнозные показатели миграционных процессов, которые позволят принимать оперативные решения в критических ситуациях с задействованием государственных и негосударственных учреждений;
- требуется расширить целенаправленную информационную политику по снятию ограничений и обеспечения либерального подхода на миграцию наших граждан, с целью краткосрочного и среднесрочного легального трудоустройства в основными потенциальными трудовыми рынками зарубежных стран;
- учитывая широкий комплекс сдерживающих факторов миграционной подвижности населения в нашей стране, которые имеют управляемый характер важно эффективно и рационально использовать человеческий капитал в первую очередь для национального процветания нашей страны;
- основная задача правительства в управлении миграционными процессами, должна заключаться в максимальном увеличении ее положительных эффектов минимизации потенциально возможных негативных последствий миграции в том числе трудовой.

**Источник и список использованной литературы:**

1. Castles S., Haas H. de, Miller M.J. *The Age of Migration: International Population Movements in the Modern World*. 5th ed. N.Y.; L.: The Guilford Press, 2014. 401 p.
2. Клеменс, Майкл Эндрю, *Жизненный цикл эмиграции: как развитие влияет на эмиграцию из бедных стран*. IZA № 13614, *Доступен в SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3679020>*.
3. Hennebry, J., H. KC and K. Williams, 2021. *Gender and Migration Data: A Guide for Evidence-based, Gender-responsive Migration Governance*. International Organization for Migration (IOM). Geneva.
4. Исаев А.А. *Классификация миграции -М., 2010.*

5. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса. (Очерки теории и методов исследования), журнал «Миграция в России», Миграция населения, выпуск 5. М. 2001
6. Мукомель В.И. Вынужденные миграции в государствах СНГ: поиск согласованных решений в рамках Содружества, ООО "Фирма Инфограф", 1997 с. 94.
7. International Organization for Migration (IOM), 2021. The Migration Governance Indicators Success Stories. IOM. Geneva.
8. Трудовые мигранты из Узбекистана в южных регионах Казахстана (В.Чупик, К. Алимов. Исследовательский отчет. МОМ, Алматы. 2005).
9. Исакулов Ш. Вопросы дальнейшего совершенствования регулирования миграции населения в Республике Узбекистан, журнал «Экономика и финансы» №11, 2017 г. С 55-60
10. Перспективы миграции. Восточная Европа и Центральная Азия: планирование и управление трудовой миграцией. Под ред. Роджер Родригес Риос. Вена. Австрия. 2006.
11. Трудовая миграция в Республике Узбекистан: социальные, правовые и гендерные аспекты. Аналитический отчет. ПРООН и Гендерная программа Посольства Швейцарии в Узбекистане. Ташкент. 2008
12. Голоса трудовых мигрантов. Социологический центр «Шарх ва тавсия». Отчет. Гендерная программа Посольства Швейцарии в Узбекистане. Ташкент. 2008.
13. «Миграционные настроения и установки граждан Республики Узбекистан», опрос Центра изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр». [www.ijtimoiy-fikr.uz/ru/issledovaniya/prikladnie](http://www.ijtimoiy-fikr.uz/ru/issledovaniya/prikladnie)
14. Ачилова Л. Влияние COVID-19 на гостиничные услуги: национальный и зарубежный опыт. Review of law sciences (2020) 96-101 [Электронный ресурс] <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-covid-19-na-gostinichnye-uslugi-natsionalnyy-i-zarubezhnyy-opyt>
15. Исакулов Ш. «Потенциальные трудовые мигранты Узбекистана: трансформация миграционных предпочтений». Монография. – Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2018. - 185 стр.
16. Рузиназаров Ш., Ачилова Л. Тенденции и развитие правового регулирования иностранных инвестиций в Республике Узбекистан // Юрист ахборотномаси. - 2020. - № 1 (4). - С. 71-75.

### ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

**Хайдаров Баҳром Холмурадович -**  
Ўзбекистон Миллий университети  
Жиззах филиали ассистенти

**Аннотация:** Мазкур мақолада камбағаллик, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари, ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибалари, уни қисқартириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган. Камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахасисликлар ва касб-хунарларга тайёрлаш бўйича тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, ишсизлик, норасмий меҳнат билан бандлик, ижтимоий кафолатлар, аҳоли фаровонлиги, ҳаётини эҳтиёжлар, эҳтиёжманд аҳоли, инфратузилма, қашшоқлик чизиғи, тадбиркорлик ташаббуслари, рақамли иқтисодиёт.

### СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ В РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

**Баҳром Холмурадович Хайдаров -**  
Ассистент Джизакского филиала  
Национального Университета Узбекистана

**Аннотация:** В статье представлены бедность, ее социально-экономические последствия, критерии определения уровня бедности, опыт развитых стран в этой сфере, предложения и рекомендации по ее снижению. Были даны рекомендации по сокращению неформальной занятости и увеличению создания новых рабочих мест, что является основным направлением сокращения бедности, а также по подготовке молодежи к современным специальностям и профессиям.

**Ключевые слова:** poverty, unemployment, informal employment, social guarantees, welfare of the population, жизненные потребности, малообеспеченное население, инфраструктура, черта бедности, предпринимательство, цифровая экономика.

### REDUCTION OF POVERTY IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMIC REFORMS

**Bahrom Kholmuradovich Khaydarov -**  
Assistant at Jizzakh branch of the  
National University of Uzbekistan

**Abstract:** This article presents poverty, its socio-economic consequences, criteria for determining the level of poverty, the experience of developed countries in this area, suggestions and recommendations for reducing it. Recommendations were made to reduce informal employment and create new jobs, which are the main directions of poverty reduction, and to prepare young people for modern specialties and professions.

**Key words:** poverty, unemployment, informal employment, social guarantees, welfare of the population, vital needs, needy population, infrastructure, poverty line, business initiatives, digital economy.



**Кириш.** Камбағаллик даражаси мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларида ва аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлади. Камбағаллик мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда меҳнат бозорида турғун рақобатсизлик ҳолатини келтириб чиқаради, иқтисодий ва ижтимоий тизимларнинг ўзаро мувозанатини бузади, омонатлар ҳажмини қисқартиради ҳамда аҳоли харид қобилиятининг пасайиши эвазига бозор умумий талабини камайтиради. Камбағаллик бу - меҳнат қилиш, авлодлар узвийлигини давом эттириш, ҳаётий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий ҳолатларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида иқтисодий ривожланиш жараёнида моддий ва номоддий имтиёзлардан фойдаланиш ва даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликнинг оқибати сифатида изоҳланади.

Шу ўринда мазкур тушунчанинг халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: “Камбағаллик инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади” [1].

Олимлар “...камбағалликни абсолют ва нисбий даражаларда бўлади, деб ҳисоблайди. Шунингдек у камбағаллик категорияси дастлаб XIX асрнинг охирилари XX асрнинг бошланишида инглиз социологлари С.Роунтри ва Ч.Бута томонидан фанга олиб қирилганлигига эътибор қаратганлар. Ушбу олимлар яшаш минимуми – камбағаллик/даромад чегарасини фанга олиб киришади. Экспертлар ушбу ҳолатда озиқ-овқат, кийимлар ва яшаш шароити бўлишини мезонлар сифатида таъкидлашади. Ушбу мезонларга жавоб бера олмаслик эса, абсолют камбағалликни англатишини қайд этиб ўтади [2].

Аҳолининг камбағал қатлами мамлакатга хос бўлган тезкор иқтисодий ўсишдан фойда кўриш имкониятидан маҳрум бўлибгина қолмай, жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти чекланганлиги туфайли ривожланишга ҳам ҳисса қўша олмайди. Ҳозирги тараққиёт босқичида ҳудудларда инвестициялардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс ва айнан шу ҳолат мазкур муаммонинг долзарблигини белгилаб беради.

Камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахассисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида етарлича олиб борилмаганлиги мазкур мавзунинг долзарблигини янада оширади.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий адабиётларда “Камбағаллик – бу турмуш кечирish, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳолининг кўрсаткичи, ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият” деб таъриф берилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак” [4].

Хусусан мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Мурожаатномада таъкидлаганидек: “Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимининг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаёпти, деган савол ҳар куни қийнайди. Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тад-

биркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”.

Ўзбекистондаги камбағалликнинг янада аниқ тасвирини унга қарши кураш бўйича асосий чора-тадбирлар ва тавсияларнинг мазмунини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг 2020 йил маълумотида кўра, ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, кам таъминланган оила 7 кишидан иборат бўлиб, оила бошлиғининг ўртача ёши 50 ёшдан юқори ва у олий маълумотга эга эмас. Жумладан, 11% камтаъминланган оиланинг бошлиғи ишсиз, 93% ҳолатларда эса олий маълумотга эга эмас ва фақат 24% ўрта махсус маълумотга эга. камтаъминланган уй хўжалиқларининг 43% доимий иш жойига эга эмас. 93% марказий иситиш тизимига, 96% марказий канализация тизимига ва 66% марказий сув таъминотиغا уланмаган.

Камбағалликни аниқлашнинг меъёрий усули инсоннинг асосий физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар тўпламини аниқлашни, шунингдек, аҳолининг жинси 75 ва ёш гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилиш нормалари ва стандартларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади [5].

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан камбағаллик даражасига нисбатан мезонлар тавсия этилган. Жумладан, камбағаллик даражаси – бу маълум ёшдаги аҳоли гуруҳи даромадлари уй хўжалиқлари ўртача даромадининг ярмидан кам бўлган чегарадан паст бўлиши билан изоҳланади. Шунингдек, камбағаллик оралиғи категорияси ни ҳам киритишади ва бу– камбағал қатламнинг ўртача даромади камбағаллик даражаси мезонидан пастга тушиб кетади. Ушбу категория камбағалликни миқёсини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу кўрсаткич ёш доирасида аниқланиши амалга оширилади. Яъни 18-65 ва 65 ёшдан катталар[6].

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқотда камбағалликни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар мавзу бўйича услубий маълумотларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Асосий қисм.** Мамлакатимизда ҳам камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида қатор вазифалар белгиланган, жумладан:

1.БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки каби қатор халқаро ташкилотлар билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача камбағалликни қисқартириш стратегияси» лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2. Камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар жорий этилади яъни, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш бўйича Халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосида, «Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати» жорий этилади. Мазкур ёндашув аҳолининг камбағал қатламига кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан биргаликда таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик суви, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этишни назарда тутати.

3. Маҳаллаларда эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишлаш тизими яратилади.

4.Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган «Ижтимоий реестр»да «Темир дафтар»даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

5. Ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

6. Худудларнинг мавжуд салоҳиятини камбағалликни қисқартириш учун сафарбар этиш йўллари ишлаб чиқилади, жумладан:

- худудлардаги мавжуд махсус индустриал зоналардаги лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади;

- эҳтиёжманд аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича мотивация, кўникма ва молиявий кўмак тамойили асосида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади.

7. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратишнинг янги механизмининг амалиётга жорий этиш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон – аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатларидан қаторидан жой олади (Йилига киши бошига ўртача 1533 АҚШ доллари). Даромаднинг ўртача даражаси икки гуруҳга бўлинади. Даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар – киши бошига йилига 1036-4085 доллар ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар – киши бошига

йилига 4086-12615 доллар. Биринчи гуруҳдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган, бу мезонлар бўйича кунига киши бошига 3,2 доллар камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичини англатади. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичи деб қабул қилинган.

Жаҳон банки томонидан ўрнатилган мезонга мувофиқ, киши камбағаллик чегарасидан пастда қайд этилиши учун унинг даромади кунига 1,9 доллардан ошмаслиги керак. Айни ўлчамдан келиб чиқадиган таҳлилларга кўра, бугунги кунда сайёрамизнинг, тахминан, 700 миллион одами мутлақ қашшоқ ҳисобланади. COVID-19 пайдо бўлиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши оқибатида 2021 йил охирига бориб қўшимча яна 150 миллион киши ўша даражага тушиб қолиши ҳавфи ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси учун қашшоқлик чизиғи – кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани, мисол учун беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал деб ҳисоблаш мумкин.

Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизматлар киритилган истеъмол саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечирининг энг қуйи даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган [7]. Бироқ, истеъмол саватчаси ёш, жинс, мавсумийлик нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Олимларнинг фикрича “Камбағаллик кўрсаткичини аниқлаш, уни таҳлил қилишдан мақсад давлат ва фуқаролик жамиятининг камбағал инсонлар қаторига тушиб қолган аҳоли қатлами учун манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат. БМТ камбағаллик чегарасини асосий товар ва хизматлар учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгилайди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча бўлиб, муайян мамлакатнинг умумий фаровонлик даражасига боғлиқ. Жаҳон амалиётида камбағалликни ҳисоблашнинг учта, яъни мутлоқ, нисбий ва субъектив концепцияси кенг тарқалган. Ушбу концепциялар бир-бирини инкор этмаган ҳолда, аксинча бири иккинчисини тўлдиради. Камбағалликни ҳисоблаш икки босқичда амалга оширилади, биринчиси, камбағалликни аниқлаш бўлиб, бунда ушбу тоифага мансуб бўлганларни халқаро ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган методологиядан фойдаланиб ҳисобланади. Бунинг учун энг асосий шарт сифатида статистик кўзатувларни тўғри амалга ошириш талаб этилади. Иккинчиси, унинг ҳажмини, яъни қийматини келтириб чиқариш ва

уларга давлат томонидан манзилли ёрдам кўрсатишдан иборат [8].

Хорижий олимлардан покистонлик М.Мажид ва М.Малик томонидан амалга оширилган тадқиқотда камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар сирасига саводхонлик даражасини ҳам киритади. Бунда оила хўжалигининг камбағалликка тушиб қолишига оила бошлигининг тажрибаси, ёши, жинси ва бандлиги каби омиллар таъсир қилишини келтириб ўтади [9].

Бизнинг фикримизча мамлакатда камбағаллик муаммосини бутунлай ва қисқа вақт ичида бартараф қилиб бўлмайди. Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу жуда узоқ вақт ва машаққатли меҳнатни талаб этадиган жараён бўлиб, республикамизда “Темир дафтар”, “Маҳаллабай” иш тизими амалиёти камбағалликни қисқартиришнинг ностандарт усуллари сифатида ривожланиб бормоқда.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделларни қўллаш амалиётини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Фарбий Европа давлатларидан Швеция модели *тўлиқ бандлик ва даромадлар тенгсизлигини* камайтиришни таъминлаш сиёсатини юритиб, ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, замонавий талаб юқори бўлган соҳаларда ишлаш қобилиятини тиклашни асосий мақсад қилиб белгилайди. Чехияда эса камбағал аҳолини моддий томондан қўллаб-қувватлаш учун асосий нафақадан ташқари маҳсулотлар ва пул кўришидаги қўшимча кўмаклар берилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатилаётган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи чора-тадбирлар белгиланади. Энг кўп тарқалган ёрдам турлари бу озиқ-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдам турлари, бола парваришлаш бўйича нафақалар ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш турларини ўз ичига олувчи махсус дастурлар билан ёрдам кўрсатилади.

Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, Хитойнинг “Бир йўл-бир макон” ташаббуси билан 7,6 млн. киши ўта қашшоқликдан қутилиши, 32 миллион киши эса турмуш даражасини яхшилага ва қашшоқликка барҳам бериши мумкин.

Хитой иқтисодиёти ислохотлар ва очиқлик сиёсатини йўлга қўйгач, бошиданоқ ва кейинги 40 йил мобайнида ўсиш даражасининг юқори суръатини сақлай билди. Бу эса мамлакат аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш учун маҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди. Хитой “бира тўла ҳаммани” бойитишга интилгани йўқ, балки изчил равишда босқичма-босқич ривожланишни назарда тутган махсус модел ишлаб чиқди.

Хитойда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ер ислохотларига қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши айниқса қишлоқларда қашшоқликни енгишга ёрдам берди [10].

**Хулоса.** Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ оила турмуш шароитлари яхшиланишига муҳтож. Ўзбекистон шароитида ҳам ривожланган мамлакатлардек камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Ўзбекистонда охириги уч йил мобайнида камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига реал жами даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган номинал ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2324,5 минг сўмга ошди [11]. Нисбатан қашшоқлик ишчиларнинг нисбий қашшоқлиги – бу шахснинг ёки оиланинг даромади маълум бир мамлакатнинг ўртача даромадидан ёки харажатларидан пастроқ бўлиши тушунилади. Яъни, одамлар очарчиликда қолмайдилар, аммо «ўртача пастда» яшайдилар, ўзларини кўп нарсадан маҳрумдай ҳис қиладилар [12].

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида иқтисодий ислохотларни ривожлантиришда оила даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини

яхшиланиши учун қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик чора-тадбирларини амалга ошириш, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини изчил амалга ошириш;

- фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш ҳисобига янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, миллий “рақамли иқтисодиёт”ни шакллантириш, микрокластер тизимини ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар тарафлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали барқарор, самарали, меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган иш жойлари ташкил этишни кўпайтиришга эриши;

- рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик даражасини ошириш, меҳнат бозорини барқарорлаштиришга эришиш учун ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш.

- тирикчилик воситаларидан маҳрумлик, тенгсизлик, маданий, эксплуатация кўринишидаги ҳамда таркибий камбағалликка қарши курашиш борасида кишиларнинг иқтисодий тафаккури ва иқтисодий тарбиясини ўзгартиришга эришиш.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма». 2017 йил Нью-Йорк, Женева. [www.unpd.org](http://www.unpd.org).
2. Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии // Челябинский гуманитарий. – 2012, - №3(20). – С.80-84.
3. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга ойда атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғути / Абулқосимов Х.П. Абулқосимов М.Х. -Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” 2017. – 261-262 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)
5. В.С.Сычева. «Бедность и её измерение», Социология:4М, 2011, №14 с.128
6. OECD (2020), Poverty gap (indicator). DOI: 10.1787/349eb41b-en (Accessed on 23 April 2020) [6]
7. Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташқи қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>
8. Ш.Мустафақулов, Н.Муродуллаев, Р.Хамидов, О. Рахимбердиев. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2020 yil.
9. Majeed M.T., Malik M.N. Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan. he Pakistan Development Review 54:4, Part II (Winter 2015) pp. 701–718 [9].
10. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).
11. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг маълумотлари. <https://review.uz>.
12. Jonathan Bradshaw; Yekaterina Chzhen; Gill Main; Bruno Martorano; Leonardo Menchini; Chris de Neubourg (January 2012). Relative Income Poverty among Children in Rich Countries (PDF) (Report). Innocenti Working Paper. Florence, Italy: UNICEF Innocenti Research Centre. ISSN 1014-7837

## AKSIYADORLIK KORXONALARIDA PERSONALNI BOSHQARISH XUSUSIYATLARI

**Omanova Nargiza Rustam qizi -**  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
magistratura talabasi

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada hozirgi aksiyadorlik korxonalarida personalni boshqarish xususiyatlari va korxonada xodimlarining samaradorligini oshirish to'g'risida bayon qilingan. Tadqiqotlar natijasida personalni boshqarish xususiyatlariga iqtisodiy, ijtimoiy va psixologik konsepsiyalar asosida baho berilgan.

**Kalit so'zlar.** Personalni boshqarish, aksiyadorlik korxonalarini, samaradorlik, vaqt o'lchovi, inson faktori, tashkiliy tuzilma, tashkiliy madaniyat.

## ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ

*Оманова Наргиза Рустам қизи -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, магистрант*

**Аннотация.** В данной статье описаны особенности управления персоналом в современных акционерных обществах и повышения эффективности работы сотрудников. В результате исследования характеристики управления персоналом были оценены на основе экономических, социальных и психологических концепций.

**Ключевые слова.** Управление персоналом, акционерные общества, эффективность, измерение времени, человеческий фактор, организационная структура, организационная культура.

## FEATURES OF PERSONNEL MANAGEMENT IN JOINT-STOCK COMPANIES

*Omanova Nargiza Rustam qizi -  
Tashkent State University of  
Economics Master's student*

**Annotation.** This article describes the features of personnel management in today's joint-stock companies and improving the efficiency of the company's employees. As a result of the research, the characteristics of personnel management were evaluated on the basis of economic, social and psychological concepts.

**Keywords.** Personnel management, joint stock companies, efficiency, time measurement, human factor, organizational structure, organizational culture.

**Kirish.** O'zbekistonda iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish va iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayoni personalni boshqarish sohasida ham tub o'zgarishlar qilinishini taqozo etadi. Bunday sharoitlarda har bir korxonaning muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatishi uning jamoasi, personalni malakasi, bilim va tajribasi, tashabbuskorligi, intizomliligi, mas'uliyatiga bog'liq bo'lib qoladi. Rivojlangan davlatlarda korxonalarida bu va boshqa sifatlarini qaror toptirish va rivojlantirishga boshqaruvni takomillashtirish hisobiga erishilishi ko'pdan bo'yon yaxshi ma'lum[1].

Respublikamizda aksiyadorlik korxonalarini har tomonlama qo'llab-quvvatlab, ular ichki va tashqi bozorda raqobatlasha oladigan, sifatli mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatishni izchil yo'lga qo'ya oladigan mustahkam iqtisodiy sohaga aylinishini ta'minlash lozim. Buning uchun ayniqsa, aksiyadorlik korxonalarida personalni samarali boshqarish eng muhim omil hisoblanadi. Personalni boshqarish, bu xodimlar marketinggi, shaxslar iqtisodiyoti, kadrlar menejmenti, inson resurslari va ijtimoiy menejment hamdir, ya'ni personalni boshqarish asosida inson va uni motivatsiyalash hamda korxonalarida faoliyatida yuqori natijalarga erishishdir.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Personalni boshqarish xususiyatlari, kadrlar menejmenti, shaxslar iqtisodiyoti, inson resurslari va ijtimoiy menejment haqida turli normativ-hujjatlarda va turli iqtisodchi olimlarning asarlarida keng e'tibor qaratilgan.

Xususan, Q.X.Abdurahmonov, SH.R.Xolmo'minov, A.B.Xayitov, A.M.Akbarovlarning "Personalni boshqarish" asarida quyidagicha ta'rif berilgan: "Personalni boshqarish - alohida xodim va umuman

korxonalarida faoliyatida yuqori natijalarga erishishdir" [2]

2019-yil 18-oktabrda Hitech Bhasin shunday ta'kidlagan edi: "Har qanday tashkilot o'z ishchi kuchiga katta bog'liqdir va shaxsiy soyabon ostida ishlaydigan xodimlarning faoliyatini belgilash va nazorat qilish orqali maqbul mahsuldorlikni targ'ib qilish va rag'batlantirish shaxsiy boshqaruv vazifasidir" [3].

Kadrlarning asosiy vazifasi Bicker tomonidan ishlab chiqilgan (2018); "ulkan muvozanat harakati" bo'lishi. Xodimlar talab va taklifni muvozanatlash, tashkilotning aniq ehtiyojlarini muvozanatlash, mehnat bozori ta'minoti, tajriba va ko'nikmalarni muvozanatlash uchun javobgardirlar.[4]

Xuddi shu nuqtai nazardan Myer (2019) xodimlar menejmenti qarshi bo'lgan "muvozanatlashuvchi" ta'sir haqida gapiradi. Bu nazariyada odamlar munosabatlariga urg'u bergan holda chiziqli menejmentning ishlab chiqarishga e'tiborini muvozanatlashtirish nazaeda tutiladi.[5]

Susan M. Heatfieldning (2020) fikricha, xodimlarni boshqarish odatda quyidagi funksiyalarni o'z ichiga oladi:[6]

- Ishga qabul qilish
- Ish haqi aniqlash
- Imtiyozlarni boshqarish
- Xodimlarni rag'batlantirish
- Xodimlarni yangi yo'nalish o'qitish va rivojlantirish

Ekaterina Vodolazova (2019) shunday degan edi: "Inson resurslarini boshqarish texnologiyalari -

bu inson resurslarini samarali shakllantirish va ulardan foydalanishda tashkilot ehtiyojlarini qondirishga imkon beradigan, inson resurslarini boshqarish bo'yicha operatsiyalar va protseduralar to'plamidir. Kompaniyada dolzarb va strategik vazifalarni bajarishga qaratilgan eng so'nggi texnikalar qo'llaniladi.”[7]

F.H. Nazarova, Z.Ya. Xudayberdiyev, A.X. Nazirov, K.M. Xurramov, O.A. Saydaxmedov lar o'zlarining “Personalni boshqarish “asarida shunday degan: “Personalni shakllantirishni boshqarish quyidagi vazifalarni hal etish yo'li bilan bu mos kelmaslikni eng kam miqdorga keltirishdir:[8]

— ish tuzilmalari, ish o'rinlari va personal o'rtasidagi eng ko'p muvofiqlikka erishmoq uchun turli kasb-malaka va ijtimoiy-demografik tavsiflarga ega bo'lgan xodimlar soni nisbatini o'rnatish;

— xodimlar potensialidan to'liq foydalanish va ular mehnatining samaradorligini oshirish maqsadida xodimlarning ish bilan maksimal darajada band bo'lishini ta'minlash;

— turli funksional mehnat mazmuniga ega bo'lgan xodimlar tuzilishini optimallashtirish.”

Yuqorida qayd qilib o'tilgan huquqiy-normativ hujjatlar va olimlar tomonidan kiritilgan asosiy e'tibor asosan personal boshqaruvning nazariy asoslarini o'z ichiga oladi. Fikrimizcha, aksiyadorlik korxonalarida samaradorlikni oshirishda personal boshqaruvning o'rni katta bo'lishi kerak.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Ilmiy tadqiqotni amalga oshirishda aksiyadorlik korxonalarida personalni boshqarish xususiyatlari borasidagi menejment olimlari tadqiqotlarini tahlil qilish, ekspert baholash, jarayonlarni kuzatish, boshqaruv hodisa va jarayonlariga tizimli yondashuv, muallif tajribalari bilan qiyosiy tahlil o'tkazish orqali tegishli yo'nalishda xulosa, taklif va tafsiyalar berilgan.

**Tahlil va natijalar.** Hozirgi kunda, aksiyadorlik kompaniyalarining muvaffaqiyati hukumat siyosati yoki iqtisodiy nazariyalarga bog'liq emas deb ishoniladi. Erishilayotgan deyarli barcha yutuqlar insonlar va inson resurslarini samarali boshqarish orqali deb tushuniladi. Personalni boshqarishning muhim vazifasi ishchilar va ma'muriyat o'rtasida hamkorlikda ishchilarning korporatsiya ichida oilaviy muhitni shakllantirish uchun sharoit yaratishdir. Sony-da inson resurslarini boshqarishning asosiy printsiplari. Bu xususiyatlar “Poytaxt bank” AJ misolida o'z aksini topadi.

Korxonaning boshqaruv organlari:

- ✓ Aksiyadorlarning umumiy yigilishi
- ✓ Bank kuzatuv kengashi
- ✓ Boshqaruv raisi

Aksiyadorlarning umumiy yig'ilishi jamiyatning yuqori boshqaruv organidir. Jamiyat har yili aksiyadorlarning yillik (navbatdagi) umumiy yig'ilishi o'tkazishi shart va aksiyadorlarning umumiy yig'ilishi yil tugagandan keyin olti oydan kechiktiril-

magan muddatda o'tkaziladi va asosan iyun oyida o'tkaziladi. Jamiyatning kuzatuv kengashi Jamiyat faoliyatiga umumiy rahbarlikni amalga oshiradi, aksiyadorlar umumiy yig'ilishining vakolatiga taluqli masalalar bundan mustasno. Jamiyatning kundalik faoliyatiga rahbarlik boshqaruv va uning raisi tomonidan amalga oshiriladi. Boshqaruv vakolatiga Jamiyatning kundalik faoliyatiga rahbarlik qilishga doir masalalar kiradi, Aksiyadorlar umumiy yig'ilishi va kuzatuv kengashining vakolatlariga kiritilgan masalalar bundan mustasno.

Korxonada personalni boshqarish, eng avvalo, xodimlarni birja personalni toifalari (ishchilar, shogirdlar, brokerlar, xizmatchilar, kichik xizmat ko'rsatuvchi personal) bo'yicha to'g'ri taqsimlashni nazarda tutadi. Bunda ushbu toifali xodimlarning sonlari eng maqbul nisbatga erishishi muhimdir. Ana shu maqsadga ishchilar, broker xodimlar va boshqa xizmatchilari sonlarini me'yorlarini ishlab chiqish orqali erishiladi. Personalni joy-joyiga qo'yish xodim shaxsiy xususiyatlarining u bajaradigan ishga qo'yilayotgan talablarga iloji boricha to'la-to'kis mos kelishiga erishishdir.

Yangi xodimni kasbga moslashtirish kasbga yo'naltirishning yakunlovchi bosqichi, kasb bo'yicha axborot va maslahat berish, personalni tanlash bo'yicha faoliyat samaradorligini belgilovchi yakuniy natijalardan biridir. Kasbga moslashtirishning maqsadi – yangi xodim tomonidan xizmat va ish vazifasiga doir bilim va ko'nikmalarni egallab, ulardan amaliyotda samarali foydalana olishlariga erishishdir. Ushbu maqsadning pirovard natijasi yangi xodimni iloji boricha qisqa muddatda korxonaga integratsiya qilish, uni o'z mehnat faoliyatida muvaffaqiyatga erishishga qiziqtirish va bu bilan samaradorlikni ta'minlashdir.

Korxonada rahbari ishchilar o'zlarini oila a'zolari kabi his qilishlari kerak, deb hisoblashadi. Shuning uchun, ular hurmatga sazovor bo'lgan oila a'zolari kabi, yaqin hamkasblar kabi munosabatda bo'lishadi. Masalan, menejerlar bir xil pidjaklar kiyishadi va ishchilar ovqatlanadigan stollarda kafelarda ovqatlanishadi. Firmadagi bitta menejning alohida idorasi yo'q. Barcha menejerlar bo'ysunuvchilari bilan bitta binoda o'tirishadi.

Ishga moslashtirish – ikki taraflama jarayondir. Bir tomondan, xodim korxonaga ishga kirar ekan, bunday qarorga kelishga muayyan sabablar va ushbu ma'suliyatga asoslangan ongli tanlovga kiradi. Ikkinchi tomondan, korxonada xodimni muayyan vazifa yoki ishni bajarish uchun o'ziga tegishli majburiyatlar oladi.

Aksiyadorlik korxonalarida, shu jumladan “Poytaxt bank” AJ da personalni uzluksiz o'qitish tajribasiga tayangan holda uning quyidagi tamoyillarini ajratib ko'rsatish mumkin:

- o'qitishni umumiy ishlab chiqarish va kadrlar vazifalari bilan uzviy bog'likligini ta'minlash;

- o'qitish dasturlarini guruhlarlar va ixtisosliklarga muvofiq ravishda individuallashtirish;
- dasturlar uslubiyotini juda puxtalashtirish;
- o'qitishning faol usullaridan keng qo'llanish va o'qitish muddatlarini qisqartirish;
- ixtisoslashtirilgan malaka oshirish markazlari tarmog'ini yaratish;
- bilimlar, ko'nikmalar, mahoratga o'qitishda bu bilim va ko'nikmalarni rahbardan xodimga hamda xodimlar o'rtasida bir-birlariga uzatishlariga erishish.

Personalni boshqarish tizimi quyidagi tamoyillarga javob berishi kerak:

Egiluvchanlik – ishlab chiqarishda va personal tarkibida ro'y berayotgan o'zgarishlarga muvofiq qisqa muddatda tizim tuzilmasini qayta tashkil etish imkoniyati.

Markazlashtirish – korxonada bo'linmalari va xizmatlaridagi xodimlar funktsiyalarini oqilona markazlashtirish, tezkor boshqarish funktsiyalarini kuyi bo'g'inlar ixtiyoriga berish.

Huquq va majburiyatlar mushtarakligi – bu korxonada bo'linmalari va personalning huquq va majburiyatlari mushtarak bo'lishini taqozo etadi.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда аҳоли даромадларининг ўсиши билан бир қаторда харажатлар таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши барқарорлашиб, ноозиқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Уй хўжаликларининг ва унинг ижтимоий гуруҳлари ялпи харажатлари – бу турли хўжалик субъектларидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари, молия-кредит тизимига тўловлар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш, кўрилган зарар, қарзни қоплаш ва қимматли қоғозларни сотиб олиш харажатлари йиғиндисини ташкил этади.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолини умумий даромадларининг таркиби (фоизда)

Манба: Статистика қўмитасининг 2005-2019 йиллар бўйича маълумоти асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

2020 йилда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган “Бизнес юритиш” рейтингига қўра Ўзбекистон Республикаси 190 та мамлакат ўртасида 69 - ўринни эгаллади. Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, Жаҳон банкининг маърузасида қайд этилишича “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” меъзони бўйича Ўзбекистон айни пайтда глобал рейтингда, корхоналарни рўйхатдан ўтказишда – 8, қурилиш учун руҳсатнома олишда-132, электр таъминотига уланишда- 36, мулкни рўйхатдан ўтказишда - 72, кредитлар олишда – 67, миноритар инвесторларни ҳимоя қилишда – 37, солиққа тортишда – 69, халқаро савдода – 152, шартномалар ижросини таъмин-

лашда – 22, қарздорликни бартараф этишда – 100 ўринларни эгаллаган. Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги 20 давлатдан бири сифатида эътироф этилди[3].

Аҳолининг иқтисодий фаоллик кўрсткичи бўлган “Бизнес юритиш” (Doing business) рейтинги мамлакатларда бизнес муҳитининг энг ишончли мезонларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи омил сифатида “Бизнес юритиш” рейтингидаги бизнесни бошлаш (Starting a business) субрейтинги олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Аҳоли даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ва бизнесни бошлаш субрейтинги [4]

Йиллар	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад, млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм	Бизнесни бошлаш субрейтинги, балл	Йиллар	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад, млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм	Бизнесни бошлаш субрейтинги, балл
2005	2509,9	3165,2	76,89	2013	25258,5	30490,1	84,89
2006	3109,2	4041,0	77,15	2014	32677,2	37646,2	90,45
2007	4066,3	5903,5	76,85	2015	42068,9	44810,4	90,47
2008	5609,2	9555,9	81,77	2016	54497,8	51232,0	93,91
2010	11911,2	16463,7	82,72	2017	64239,0	72155,2	93,93
2011	16586,5	19500,0	81,46	2018	105072,1	124231,3	95,54
2012	19987,1	24455,3	84,21	2019	144774,0	189924,3	96,2

Мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи ушбу икки омилнинг таъсир қилиш механизми қуйидаги 1-расмда келтирилган. Шу муносабат билан аҳолининг иқтисодий фаоллик кўрсткичи бўлган “Бизнес юритиш” (Doing business) рейтинги мамлакатларда бизнес муҳитининг энг ишончли мезонларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи омил сифатида “Бизнес юритиш” рейтингидаги бизнесни бошлаш (Starting a business) субрейтинги олинди.

Мустақил равишда олинган даромадларга таъсир қилувчи ушбу икки омилнинг таъсир қилиш механизми 2-расмда келтирилган.

Шунинг учун, 2-жадвалга мувофиқ, асосий капиталга киритилган инвестициялар ва бизнесни бошлаш субрейтингининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларга таъсирини қуйидаги эконометрик моделда акс эттириш мумкин:

$$D_t = \beta_0 + \beta_1 I_t + \beta_2 B_t + \varepsilon \quad [6]$$

Бу ерда:

$D_t$ -Ўзбекистонда аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромади.

$I_t$ - Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар.

$B_t$ -“Бизнесни юритиш” рейтинг таркибидаги “Бизнесни бошлаш” субрейтинги баллари.

$\beta_0, \beta_1$  ва  $\beta_2$  регрессия тенгламаси параметрлари.

$\varepsilon$ - регрессия тенгламасининг стохастик қисми.



1-расм. Мустақил равишда олинган аҳоли даромадларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир қилиш механизми [5]

Энг кичик квадратлар усулини қўллашда муҳим шартлардан бири бу қолдиқларнинг нормал тақсимланганлигидир. Буни текшириш учун аввалига қолдиқлар гистограммасини кўриб чиқамиз. Кейин Жарке-Бера тести билан нормал тақсимланганлигини текшираемиз.

2-жадвал натижаларига кўра, олинган омиллар асосий капиталга инвестициялар ва бизнесни бошлаш субрейтинги бўйича баллар статистик жиҳатдан аҳамиятли ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадга ижобий таъсирга эга.

2-жадвал

Регрессия тенгламаси параметрларининг қийматлари [7].

	Coef.	Std. err.	T	P> t	95 % Conf. Interval	
$I_t$	0,55	0,22	2,53	0,03	0,07	1,03
$B_t$	2,42	107,43	2,26	0,05	6,38	479,29
Cons.	-18449	7715,57	-2,39	0,04	-35430,86	-1467,17

3-жадвалдаги натижалар шуни кўрсатдики, модел умумий жиҳатдан олганда статистик жиҳатдан аҳамиятли, чунки F-статистиканинг P-қиймати жуда кичик сон (0.001). Бундан таш-

қари олинган икки омилдаги ўзгаришлар натижавий белгидаги ўзгаришларнинг 94%ни изоҳлаб бера олади. Буни детерминация коэффиценти 0,94 га тенглигидан билиб олиш мумкин.

3-жадвал

Регрессия тенгламасининг мезонлар бўйича текшириш натижалари [8]

Source	SS	Df	MS	Number of obs.	=	14
Model	143206107,2	2	71603053,6	F(3,12)	=	98,9
Residual	7966191,3	11	724199,2	Prob>F	=	0.001
Total	151172298,5	13		R-squared	=	0.947

2-расмдаги гистограммадан қолдиқлар нормал тақсимланганлигини визуал жиҳатдан тасдиқлай олмаймиз, шунинг учун Жарке-Бера тестидан фойдаланамиз. Бунда ноль гипотеза қолдиқлар нормал тақсимланган деб таъкидла-са, муқобил гипотеза қолдиқлар нормал тақсимланмаган деб фараз қилади. STATA-14 дастури ёрдамида Жарке-Бера тести бўйича  $X_i$  - квадрат статистика қийматларини ва 5% муҳимлик даражасида  $X_i$  - квадрат статистиканинг

жадвалдаги қийматларини ҳисоблаймиз (3-расм).


STATA-14 дастури ёрдамида Жарке-Бера тести бўйича  $X_i$ -квадрат статистика қийматларини ва 5 % муҳимлик даражасида  $X_i$ -квадрат статистиканинг жадваладаги қийматларини ҳисоблаймиз.

4-жадвал маъмуотларига таяниб, шундай хулоса қилиш мумкинки, биз қолдиқлар нормал тақсимланган деган ноль гипотезани

рад эта олмаймиз. Бу энг кичик квадратлар усулидаги регрессия тенгламаси коэффицентлари статистик аҳамиятлилигини текширувчи гипотеза текширувлари ишончли эканини кўр-

сатади. 1-жадвалдаги маълумотларга таяниб, регрессия тенгламасининг детерминанлик қисмини қуйидагича белгилаш мумкин:

$$D_t = -18449 + 0.55I_t + 242.83B_t \quad [9]$$



2-расм. Моделнинг қолдиқлар гистограммаси

2-тенгликдан қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Бошқа омиллар ўзгармаган шароитда асосий капиталга инвестицияларнинг

бир бирликка ўзгариши аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олган даромадини 0,55 бирликка оширади.

4-жадвал

**Жарке-Бера тести учун  $\chi^2$ -квадрат статистикаси қийматлари**

$\chi^2$ - квадратнинг ҳисобланган қиймати	1.26
$\chi^2$ - квадратнинг жадвалдаги қиймати	5.99

“Бизнесни бошлаш” субрейтинги 2-тенгликдан қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Бошқа омиллар ўзгармаган шароитда асосий капиталга инвестицияларнинг бир бирликка ўзгариши аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олган даромадини 0,55 бирликка оширади. “Бизнесни бошлаш” субрейтингидаги бир балли ижобий ўзгариш эса мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадни 2,42 бирликка оширади.

Ушбу моделдаги таҳлиллардан қуйидаги тенденцияларни кузатиш мумкин:

– мустақил равишда ўз-ўзини банд қилиш аҳолининг иқтисодий фаоллигига тўғридан-тўғри таъсир этиб, уларни кўпроқ оилавий

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тақозо қилади.

– аҳоли томонидан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда иқтисодийдаги бизнес муҳити ва унга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми катта аҳамият касб этади.

– эконометрик моделдаги таҳлилларда шу нарса маълум бўлдики, келажакда аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадини ошириш учун узлуксиз равишда бизнес муҳитини яхшилаш ва киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш зарурлигини кўрсатади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 14 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777 сонли қарори.
3. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/10/24/doing-business-2020/>
4. Хейка Грамков. “Ведение бизнеса”, Обеспечение исполнения контрактов – Узбекистан и 5 стран – лидеров в 2019 году. Отчет Агентства США по международному развитию (USAID) –С.-5.
5. Муаллиф ишланмаси.
6. Муаллиф ишланмаси.
7. Муаллиф тадқиқотлари асосида “STATA 14” дастурида ҳисоблаб чиқилган

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

**Насимов Бахтиёр Васиевич -**

*Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштириш  
бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари буйича  
фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатига қилинадиган харажатлар, маҳсулот таннархи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, рақобатчиларнинг товар талаби, корхонанинг инновацион салоҳияти масалалари қўриб ўтилган.

**Калит сўзлари:** стратегия, концепция, менежмент, барқарорлик, рақобат, инновация, харажат, инвестиция, таннарх.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

**Насимов Бахтиёр Васиевич -**

*Начальник отдела Координации  
совместных образовательных программ,  
PhD*

**Аннотация.** В статье рассматриваются производственные мощности предприятия, стоимость продукции и ее качество, стоимость продукции, качество продукции, востребованность продукции конкурентами, инновационный потенциал предприятия.

**Ключевые слова:** стратегия, концепция, управление, устойчивость, конкуренция, инновации, стоимость, инвестиции, стоимость.

EFFECTIVENESS OF STRATEGIC MANAGEMENT OF ENTERPRISES

**Nasimov Baxtiyor Vasievich -**

*Head of the Department for Coordination of Joint  
educational programs, Doctor of Philosophy (PhD)*

**Annotation.** This article discusses the production capacity of the enterprise, the cost of production and its quality, the cost of the product, the quality of the product, the product demand of competitors, the innovative potential of the enterprise. issues discussed.

**Keywords:** strategy, concept, management, sustainability, competition, innovation, cost, investment, cost.

**Кириш.** Жаҳон тажрибаларидан маълум бўлишича, корхоналар фаолияти амалиётида стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Булар асосан уларнинг ваколатлари кенгайиши ҳамда иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражаси ошганлиги билан боғлиқ. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар фаолиятининг самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис корхоналарга замонавий менежмент усулларининг жорий этилиши бугунги кундаги энг устувор вазифалардан бири саналади. Ҳозирги вақтда корхоналар ўз тараққиётининг концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқиши зарур. Ҳар қандай корхона фаолиятининг узоқ муддатли ютуқлари ишлаб чиқилган стратегияга боғлиқ. Агар корхонанинг иқтисодий ривожланиш стратегияси бўлмаса, ёхуд бу стратегия у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол корхонага бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин эгаллаш имконини бермайди. Замонавий илм-фан ва амалиёт стратегик режалаштириш ҳамда бош-

қаришнинг катта тажрибасига эга, аммо ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда қўлланиб келинаётган кўпгина стратегиялар ҳалигача ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тўлалигича мослаша олмаяпти. Бу ҳали ҳанузгача стратегик бошқаришнинг барча муаммолари тўлиқ ўз ечимини топмаганлигини кўрсатадики, бундай ҳол, биринчи навбатда, корхона ривожланиши стратегик барқарорлигининг механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ[1].

Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, стратегик бошқарув тизимида корхона келажак фаолиятининг ретроспектив кўрсаткичларини ўрганиш ва уларгаэкстрополяция усулини қўллаш асосида белгиланиши назарда тутилади. Экстрополяция усули асосий усуллардан бири ҳисобланиб, бу ўтган замонда кузатилган тенденцияларнинг келгуси давр учун ҳам жорий этилишини ифодалайди. Бошқача айтганда, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозларни (имкони борича кўп вариантли прогнозларни) ишлаб чиқиш жараёнида келгусида корхона фаолиятининг

шарт-шароитлари ёмонлашмайди, демак, бунда ўтган даврларга нисбатан корхона фаолиятининг якуний натижаси яхши бўлишидан келиб чиқилади. Корхона тараққиётини оширувчи тенденция (тренд)нинг намоён бўлиши шундан иборат[2].

Рақобат шароитида мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналарнинг келажакдаги барқарорлигини баҳолаш (прогноزلаш) учун ривожланиш тенденциясини (трендини) ифодаловчи комплекс интеграл кўрсаткичлардан кенг кўламда фойдаланилади, бу эса олинган натижалар холислиги ва шаффофлигини таъминлайди; кенгайтирилган ҳолда чуқурроқ иқтисодий таҳлил қилиш ва захираларни аниқлаш учун интеграл кўрсаткичларнинг кенгайтирилган тизимидан фойдаланилади. Шундай қилиб, корхонанинг келажакдаги барқарорлигини баҳолаш (прогноزلаш) улар фаолиятининг турли томонларини баҳолашни назарда тутди. Бундай баҳолаш динамикликда ва маконда амалга оширилади.

2017–2021 йиллар Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш” каби устувор вазифалар белгиланган[3]. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ишлаб чиқариш корхоналари инновацион фаолиятини замонавий бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда турли мулкчиликка асосланган корхоналар фақат инновацияларни ва технологик ишланмаларни узлуксиз равишда босқичма-босқич жорий этилиши билан ривожлантириш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хорижий иқтисодчи олимлардан бири М.Портер илмий ёндашувларига компанияларнинг рақобат устунлигига эришишида инновациянинг ролини қуйидагича аниқлаган: “...компания рақобатдаги устунликни инновациялар воситасида қўлга киритади. Улар янги киритилган тартиб-қоидаларга ҳам янги технологиялардан, ҳам янги иш усулларида кенг маънода фойдаланган ҳолда ёндашадилар. Компания янгиликлар туфайли рақобатдаги устунликка эришганидан кейин, бу устунликни фақат мунтазам равишдаги яхшилашлар ёрдамида тутиб туриши мумкин бўлади. Рақобатчилар инновацияларни такомиллаштириш ва жорий этишдан тўхтаган ҳар қандай компанияни дарҳол ва албатта четлаб ўтиб кетадилар”[4].

Корхона рақобатбардошлиги деганда, унинг истеъмолчилар учун рақобатчиларнинг товарларига нисбатин кўпроқ ўзига тортувчан

бўлган товарлар ишлаб чиқариши ва сотиши тушунилади. Рақобат муҳитини узлуксиз назорат қилиб туриш – ишлаб чиқаришни эҳтиёжларни энг самарали усулда қондириш учун йўналтирилган зарур шартидир. Рақобат муҳитининг ҳолати ҳақидаги хулосалар, корхонанинг инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бошқариш соҳасидаги энг буюк назарий-чилардан бири Питер Дракердир[5]. У менежментни касбий фаолият, менежерлик эса касб деб билади. Дракернинг яна бир хизмати бошқариш ҳақида тизимлаштирилган таълимни ва унга мос равишда ўқув фанини яратишганида.

Дракер томонидан илгари сурилган энг машҳур назарий фикрлардан бири - бу мақсадлар бўйича бошқариш ғояси ҳисобланади. Чунки у ушбу ғояни таклиф этган давр XX асрнинг 50-йилларида менежерларнинг асосий эътибори вазифа ва жараёнларга қаратилган эди. Дракер ғоясининг моҳияти унда илгари сурилган бошқариш мақсадларини ишлаб чиқиш билан бошланиши лозим ва фақат навбатдаги функцияларни шакллантиришга ўзаро таъсир этувчи тизим ва жараёнга ўтиш керак деган ёндашув мантиқини тубдан ўзгартириб юборди.

Хорижий адабиётларни умумлаштириб, қиёсий таҳлил қилганимизда, рақобат шароитида корхоналарни бошқаришнинг асосий тамойиллари хусусида хорижий адабиётларда кўп-лаб мунозарали фикрлар, илмий ёндашувлар, фарқланишлар кузатилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган ёндашувлардир. Россиялик олим Е.В. Поповнинг фикрича, “корхоналарни бошқариш тамойили-кўпгина хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрича бошқарувнинг қоидалари, талаблари, ғоялари ва асосини белгилайди”[6]. “Асосий тамойиллар корхона ва унинг бўғинлари (бўлимлари, бригадалари, цехлари, участкалари ва бошқалар) раҳбарияти салоҳияти ва стратегиясини белгилайдилар. Ишлаб чиқилган асосий тамойиллар асосида корхона фаолияти мақсадлари, қарашлари тартибга солинади, устувор йўналишлар аниқланади, фаолият сиёсати шакллантирилади ва янги-ча ёндашувлар ва усуллар, мезонлар ишлаб чиқилади. Ф.А.Мирбабаевнинг фикрича, “...асосий тамойиллар, мақсадлар, мезонлар, омиллар ва устувор йўналишлар ҳар қандай корхона фаолияти сиёсатини татбиқ этишга мос келувчи ишчи услублар, қўлланмалар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ушбу тамойиллар иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ механизмини шакллантиради”[7].

**Тадқиқот методологияси.** Ҳозирда компаниялар фаолиятида стратегик режалаштиришнинг ахамияти юқори бўлиб, корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масаласи дол-




зарб бўлиб, ҳукумат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган меъёрлар асосида корхоналар фаолиятини самарали бошқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур мақолани ёритишда қиёсий таққослаш, гуруҳлаш, таркиблаштириш, статистик усулларидан фойдаланиш орқали илмий хулосалар шакллантиришга эришилди, қиёсий таққослаш орқали корхоналар барқарорлиги даражасига аниқлик киритилди. Таркиблаштириш орқали корхоналар фаолиятининг замонавий бошқаруви самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар аниқланди. Статистик усул буйича корхоналарда ресурс тежовчи технологияларни қўллаш жараёнларини тизимли бошқариш буйича амалий натижаларига эришилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Корхона барқарорлиги унинг узоқ муддатга мўлжалланган сама-

рали фаолият кўрсатишини характерловчи мураккаб иқтисодий категориядир (1-расм), у корхонанинг рақобатбардошлиги, иқтисодий ҳавфсизлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги каби учта элементга асосланган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу элементлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва биргаликда фаолият кўрсатади, аммо улар турлича функционал вазифаларга эга бўлади.

Умуман олганда, рақобатбардошлик – корхона ривожланишининг салоҳиятини, барқарорлик эса – корхонанинг узоқ муддатли истиқболини белгилайди. Корхонанинг барқарорлигини – вақт бўйича тақсимланган рақобатбардошлик деб айтиш мумкин. Вақтнинг катта бўлмаган оралиқ (интервал)ларида бу иккала тунча тенг кучга эга бўлади.



**1-расм. Корхона барқарорлиги элементларининг тузилмаси**

*Манба: Муаллиф ишланмаси.*

Корхонанинг ишлаб чиқаришни, меҳнат ва бошқаришни ташкил этишда, унинг техник ҳамда технологик имкониятларида фойдаланган ишлаб чиқариш салоҳияти – инновацияларни ўз вақтида таъминлаб берадиган элементдир. Мазкур 2-жадвалида рақобат муҳитида турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга баҳо берамиз.

Унда корхоналардаги асосий инновацион йўналишлар ҳамда соҳада инновацияларни жорий қилишга салбий таъсир қиладиган омиллар, шу билан бирга инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминловчи омиллар таҳлил этилади.

Илмий кузатишлар натижаларига кўра, корхоналарнинг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар кўплиги, улар муайян белгилар бўйича таснифлаш имконини беради. Корхона-

нинг ташқи омилларига қуйидагилар киради: иқтисодиёт соҳасида давлатнинг инқирозга қарши қаратилган сиёсати; мамлакатдаги демографик вазият; сиёсий барқарорлик; фан ва техника тараққиёти; транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги.

Ички омиллар корхонанинг ички муҳитида, унинг кичик тизимларида (ходимлар, ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш, молия, ташкилий тузилма) шаклланади. Ички омилларни бошқариш корхонага барқарорликни мустақамлаш захира (резерв)ларини аниқлаш ва ташқи омиллар ўзгарган ҳолда, ишлаб чиқаришни жадал равишда бошқариш имконини беради[8]. Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, корхонанинг тизимли ривожланиши марказлаштиришдан номарказлаштиришгача бўлган босқичларни биринкетинлик билан босиб ўтиш орқали амалга оширилади.

Корхоналар фаолиятининг замонавий бошқаруви самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

№	Омиллар	Омиллар таъсири натижалари
1.	Билим ва кўникма	Ишлаб чиқариш корхоналарида айнан бошқарув (бозор иқтисодиёти қонунлари) бўйича билим ва кўникмаларни етишмаслиги инновацион бошқарувни жорий этишга тўсқинлик қилади.
2.	Марказлашиш даражаси	Марказлашув даражаси юқорилиги қуйи поғона бошқарувчиларининг ижодий фикрлаш ва бошқарувда ижодий ёндашиш имкониятини чеклайди.
3.	Коммуникация тизими	Коммуникация тизими яхши ташкил қилинмаганлиги ёки бошқарувчи улардан самарали фойдалана олмаслиги ахборот ва янгиликларни айрим ҳолларда ўз вақтида етказиш муаммосини келтириб чиқармоқда.
4.	Шартнома муносабатлари	Бошқарувчи ва ходим белгиланган вазифаларни аниқ билмаслиги ва уларга амал қилинмаслиги бошқарув жараёнини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.
5.	Инновацияларга бўлган қизиқиш	Бошқарувчиларда инновацияларга бўлган қизиқишнинг пастлиги, яъни бошқарувдаги мослашувчанлик қобилиятининг камлиги.
6.	Рағбатлантириш	Бошқарувда рағбатлантириш тизими мукамал ишлаб чиқилмаганлиги инновацион бошқарувни жорий қилишга қизиқишни пасайтиради.

*Манба: Муаллиф ишланмаси.*

Бу шуни англатадики, корхонанинг ҳар бир элементи режалаштирилганлик, ташкил лаштирилганлик хусусиятига эга бўлиб боради. Моҳиятига кўра, корхона томонидан бошқаришнинг марказлаштирилмаган схемасига ўтиш объектга, уни бошқа ҳолатга ўтказиш учун мақсадга йўналтирилган ташқи таъсир сифатидаги бошқарув парадигмасининг ўзини ҳам ўзгартиради. Номалум ташқи муҳит шароитида корхона элементларини мустақил қарорлар қабул қилиш даражасигача ривожлантириш – корхона рақобатбардошлигини таъминлаш зарурати-дир. Бошқа томондан, корхона ташқи муҳитдаги яхлитлик сифатида, мақсадга йўналтирилган ривожланиш сифатида муайян белгиларга эга бўлиши керак. Уларнинг асосийси – бошқарилувчанликдир. Шу муносабат билан бунга ўхшаш номарказлаштириш хусусиятига эга бўлган корхонани бошқариш, анъанавий шаклдан фарқли бошқа шаклга эга бўлиб боради.

Корхонани ривожлантириш тизимли бошқарилиши, шакллантирилаётган хусусиятларнинг қуйидагича кетма-кетлигида амалга оширилиши мумкин: эгилувчанлик – мослашувчанлик – рақобатбардошлик. Корхоналар фаолиятига инновацион технологияларни татбиқ этиш, стратегик бошқарув усулларида фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Таҳлил натижаларига кўра, корхоналар инновацион фаолияти стратегик бошқарувини жорий қилиш учун энг аввало бошқарувдаги кадрларнинг билим, кўникма малакаларини ошириш, марказлашув даражасини камайтириш ва босқичлар орасидаги маълумот алмашиш тизимига янги ахборот технологияларини жорий қилиш, инновацияга бўлган қизиқишни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, ҳар бир бошқарувчининг ўзига юклатилган вазифа-

ларни аниқ ва тўлиқ тушуниши ҳамда уларни ўз вақтида бажаришини таъминлаш, норасмий мулоқатлар даражасини камайтириш кабилар хизмат қилади[9].

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилган янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби ҳолларда юзага келади. Баъзан маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади[10].

Фикримизча, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим:

**Биинчиси** – капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

**Иккинчиси** – мавжуд ишлаб чиқаришга иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш,

таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).

Инсоннинг илмий-техник фаолияти натижасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки уларнинг илгари мавжуд бўлган турларини такомиллаштириш билан боғлиқ жараён инновацион фаолият ҳисобланади. Инновацияни жорий этиш натижалари компанияларга рақобатда муҳим устунликка эга бўлиш имконини берадики, бу, корхона учун жиддий рағбатлантирувчи омил бўлади[11].

Жаҳон тажрибасидан, **биринчидан**, корхоналар илм-фандаги илғор ресурс тежамкор ишланмаларни жорий қилишидан манфаатдор, **иккинчидан**, бу глобал тадбир натижасида

республикамиз корхоналари салоҳиятини янада ривожлантириш орқали уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, **учинчидан**, корхоналарда чуқур диверсификациялаш ва модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш орқали барқарор ва сифатли товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда соҳада самарадорликни тубдан ошириш имкониятларини янада кенгайтиришни кўрсатади.

Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, стратегик бошқарув фаолиятнинг ўзига хосликлари туфайли корхоналарни барқарор ривожлантиришнинг мослашувчан тизимини яратиш учун ресурсларни бошқаришда янгича комплексли ёндашув ишлаб чиқамиз (3-расм).



3-расм. Корхоналарда ресурс тежовчи технологияларни қўллаш жараёнларини тизимли бошқариш модели

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Фақат шундагина ҳар қандай мулкчиликка асосланган корхона табиий ресурсларнинг сақланиши ва тикланиши; меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг тежалиши; ишлаб чиқариш барқарорлиги ва самарадорлигининг ошишида ўз ифодасини топадиган синергетик самарага эришиши мумкин. Республикамиз корхоналари барқарор ривожланиши ва бошқарилишининг ўзига хос жиҳатларини амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган SWOT-таҳлил асосида баҳолаймиз (3-жадвал).

SWOT-таҳлил стратегик режалаштириш усули ҳисобланиб, корхоналарнинг ички ва ташқи муҳитларидаги мавжуд омилларини аниқлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли ҳи-

собланади. Улар моҳиятан тўртта категорияга ажратилган бўлади, яъни Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (заиф томонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (ҳавф-хатарлари).

Келтирилган 3-жадвалдан кўришиб турибдики, турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятини бошқаришда кучли томонлар билан бир қаторда, заиф томонлар ҳам мавжудлиги. Бошқарув ва хўжалик юритувчи субъектлари раҳбарлари ҳар доим заиф томонларга алоҳида жиддий эътибор беришлари керак, акс ҳолда қутилган иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди.

Ҳар қандай корхонанинг ҳозирча фойдаланилмай турган ҳамда эътибор қаратилмаган имкониятлари ҳам бўлади. Корхона раҳбари ва ходимлари айниқса келгусидаги фаолият стра-

тегиясини белгилаётган вақтда уларни инобатга олишлари шарт бўлиб, корхона иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсирини кўрсатади, барқарор ривожланишини таъминлайди.

3-жадвал

**Корхоналар ривожланишининг SWOT таҳлили**

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
Корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги	Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг пастлиги. Кооперацион алоқаларнинг узилиб қолиши
Корхоналарга берилаётган молиявий имкониятлар	Маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда инфратузилмалар етишмаслиги
Корхоналарда экспорт қилиш имкониятларининг юқорилиги. Арзон ишчи кучининг мавжудлиги. Асосий фондлардан янада самарали фойдаланиш мумкинлиги. Бой хом ашё базасининг мавжудлиги. Инновацион салоҳиятни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги	Маҳсулотларни сотиш ва сақлашда муаммолар мавжудлиги. Юқори малакага эга ишчи кучининг бошқа тармоқларга кетиб қолиши. Корхонада инвестицион лойиҳалар мавжуд эмаслиги ёки камлиги Инвестицияларнинг сезиларли етишмаслиги. Кўпгина корхоналарнинг паст даромадлиги
Имкониятлари	Хавф-хатар ёки таҳдидлари
Корхоналарда маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш имкониятлари. Қулай инвестицион муҳит яратиш. Давлатнинг корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича иқтисодий сиёсати	Ички ва ташқи бозорларданарх-навоининг ўзгариши. Меҳнатга бўлган мотивациянинг етарли эмаслиги
Хорижий бозорларга чиқиш имконияти	Жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши
Корхоналарда интеграцион жараёнларни кенг ривожлантириш	Давлатлардаги иқтисодий-сиёсий вазият ўзгариши

*Манба: Муаллиф ишланмаси*

Шунингдек, ҳар қандай корхона юқорида айтганимиздек, ҳавф-хатар ва рисклар билан ўз фаолиятини олиб боради ва бошқарилади. Бундай шароитда корхона раҳбари ва ходимлар ташқи ва ички ҳавф-хатар омилларига ҳам жиддий ёндашишлари мақсадга мувофиқ. Чунки бу ҳавф-хатар ҳар қандай корхона учун кўзда тутилмаган салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Охир-оқибатда корхона фаолияти иқтисодий ривожланиш омили эмас, балки унинг инқироз омилига айланиши ҳам мумкин. Бизнинг фикримизча, турли мулкчилик шаклига асосланган корхоналарда ресурсни тежовчи технологияларни муваффақиятли ўзлаштиришнинг асосий шартларидан бири – ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш жараёнидир.

Шундай экан, бошқаришга нисбатан қўллаш шароитларига ҳамда корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари томонидан қабул қилинишининг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш йўли билан ушбу технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга доир хорижий таъсиялар асосида ишлаб чиқилган комплекс ёндашув зарур.

Мазкур комплекс ёндашув тўртта асосий йўналиш бўйича тизимли ишни назарда тутди: ишлаб чиқариш тузилмасини мақбуллаштириш, корхонанинг технологик тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг моддий-техни-

ка базасини модернизация қилиш ва замонавий ташкилий-бошқарув инновацияларини қўллаш. Комплекс ёндашув ресурс тежовчи технологияларни жорий этишнинг барча йўналишлари бўйича тизимли ишни амалга ошириш назарда тутилади.

**Хулоса.** Илмий-тадқиқотимизни олиб бериш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Корхона ҳар бир фаолият тури бўйича харажатларни аниқлаш ва уни самарали бошқариш жараёни амалга оширишда имкониятни беради. Бундан ташқари, корхона ва унинг рақобатчиларининг асосий фаолият турлари бўйича харажатларини ўрганиш орқали бошқарувнинг замонавий самарали механизмини йўлга қуйиш лозим.

2. Корхонанинг бошқарув позицияси мустақамлашда корхоналарнинг фаолиятлари бўйича харажатларни тежаш ва уларни оптималлаштириш муҳим. Яъни маҳсулот сифати, корхонанинг молиявий ҳолати, техник ва технологик имкониятлари, маҳсулот ишлаб чиқариш даврининг давомийлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

3. Корхона фаолиятига салмий таъсир этувчи муаммоларни аниқлаш орқали менежерлар корхоналар инқирози вақтидаги барча олинган тадқиқот натижаларини ўрганиши лозим.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каплан Р.С., Нортон Д.П. Организация, ориентированная на стратегию. Как в новом среде –бизнесе преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей/пер.сангл.–М.:Олимп-Бизнес. 2004–46 с.
2. Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – С. 358; Баранчев В.П. Управление инновациями. – М.: Высшее образование, 2009, – 712 с.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎзР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.
4. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Под.ред. В.Д.Щетинина. –М. Международные отношения, 1993. – 64 с;
5. Қосимов Ф.М. Менеджмент. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 2002 – 203-бет.
6. Попов Е.В. Рыночный потенциал предприятия. –М.: Экономика 2002. –540 с., Саймон Г.А.и др. Менеджмент в организациях. М: Экономика 2008., Тихонравов Ю.В. Теория управления. Учебный курс. М: Вестник 2008., Ковалишина Г.В. Системный подход в оценке эффективности управления фирмой. Аудит и финансовый анализ. 2002'2.
7. [http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/23\\_F\\_A\\_Mirbabayev.pdf](http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/23_F_A_Mirbabayev.pdf)
8. Пардаев М.Қ.ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Дарслик.- Тошкент- 2011.-136 б.
9. Хонкельдиева Г.Ш.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий методологик асослари. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф.-Тошкент, 2018-71 б.
10. Абдураупов Р.Р.Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф.-Тошкент, 2017 й. –70 б.
11. Набиев Ҳ.Ф., Набиев Д.Н. Иқтисодий статистика. Дарслик, –Тошкент–2008.–106 б.
12. Ковалишина Г.В. Системный подход в оценке эффективности управления фирмой. Аудит и финансовый анализ. 2002'2.

## ИНСОН КАПИТАЛИНИ ОШИРИШДА ДУАЛЬ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Эшпулатов Комил Абдисаломович** -  
 Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва  
 мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини  
 ошириш институти ректори, и.ф.ф.д., (PhD), доцент

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон таълим тизимидаги долзарб муаммолар ва уни самарали ечими сифатида дуаль таълим тизимининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида очиқ берилган. Ушбу мақола дуаль тизимида кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг функцияларини белгилаб беришга бағишланган. Шунингдек, муаллифлар томонидан республикада касб-хунар коллежларида дуаль касбий таълимни амалда жорий этиш бўйича илмий хулосалар келтирилган.

**Таянч иборалар:** иш берувчи, кадрлар, таълим муассасалари, касб таълими, дуаль таълим, дуаль таълим дастури.

### ПРЕИМУЩЕСТВА СИСТЕМЫ ДВОЙНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УВЕЛИЧЕНИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

**Эшпулатов Комил Абдисаломович** -  
 Ректор Институт переподготовки и повышения  
 квалификации руководителей и специалистов  
 дошкольных образовательных организаций, PhD, доцент

**Аннотация.** В статье раскрываются актуальные проблемы в системе образования Узбекистана и социально-экономическое значение системы дуального образования как эффективного решения на основе изучения опыта зарубежных стран. Статья посвящена определению функций образовательных учреждений и работодателей в подготовке кадров по дуальной системе. Даются научные выводы о внедрении дуального профессионального образования в профессиональных колледжах республики.

**Ключевые слова:** работодатель, кадры, образовательные учреждения, профессиональная подготовка, дуальное образование, программа дуального образования.

### THE ADVANTAGES OF THE DUAL EDUCATION SYSTEM IN INCREASING HUMAN CAPITAL

**Eshpulatov Komil Abdisolomovich** -  
 PhD, Rector of Institute for retraining and advanced training of  
 directors and specialists of preschool education organizations

**Annotation.** The article reveals topical problems in the education system of Uzbekistan and the socio-economic significance of the dual education system as an effective solution based on studying the experience of foreign countries. The article is devoted to the definition of the functions of educational institutions and employers in the training of personnel according to the dual system. Scientific conclusions about the introduction of dual vocational education in professional colleges of the republic are given.

**Key words:** employer, personnel, educational institutions, professional training, dual education, dual education program.

**Кириш.** Жаҳон амалиётида меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номуносиблигини таъминлаш, касбий таълимнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда касбий таълим билан ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш масалалари давлатнинг таълим соҳасига оид устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизimini такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, устувор йўналишлари сифатида ёшларга

оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимини такомиллаштириш ўрин олган. Шу сабабдан, касбий таълим соҳасини такомиллаштириш, меҳнат бозори билан узвийлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу жиҳатдан, касбий таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди [1,2,3,4,5,6]. Шунга қарамай, таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорида рақобатбардош эмасликлари таълим тизими

олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммоларни келтириб чиқарётган асосий омиллар сифатида қуйидагиларни санаш мумкин [6]:

- таълим мазмунини (касб таълими муассасалари тайёрлов йўналишлари бўйича малака талабларини) ишлаб чиқишда иш берувчилар иштирокининг пастлиги;

- ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш корхоналарида етарли шарт-шароит яратилмаганлиги;

- битирувчилар эгаллаган ихтисосликлари бўйича ишлаб чиқаришдаги аниқ иш жойларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун етарлича амалий тажрибага эга эмасликлари;

- таълим муассасасида олинган билим ва орттирилган кўникмаларнинг ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ эмаслиги;

- ёш мутахассисларни иш жойларидаги шароитлар, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг кўп ҳолатларда қониқтирмаслиги;

- амалдаги меҳнат қонунчилигида ёшларга қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилганлиги учун уларнинг иш берувчилар томонидан камситилиши ва бошқалар.

Мамлакатимизда иқтисодий янада ривожлантириш, йирик ва кичик бизнес корхоналарида аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни самарали қисқартиришга эришиш учун ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти билан бир вақтда таълим олишини ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди. Ушбу мақсадга эришишнинг энг самарали йўли – бу малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига - дуаль таълим тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуаль таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 163-сон Қарорига мувофиқ, ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда профессионал таълим тизимида дуаль таълим шаклини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ҳар йили тасдиқланган режа асосида ўқувчиларни дуаль таълим дастурлари асосида ўқишга жалб этиш бўйича касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш;

- дуаль таълим ташкил этиладиган ташкилот ва профессионал таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этиш юзасидан ҳамкор-

ликни йўлга қўйсин ҳамда келишилган ўқув режаси ва ўқув жараёни графигини тасдиқлаш;

- ўқувчиларни ҳафтада камида икки кун профессионал таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларида иштирок этишларини ва қолган иш кунларида тегишли ташкилотларда амалий машғулотлар билан бирга меҳнат фаолияти олиб боришларини таъминлаш;

- профессионал таълим муассасаларида дуаль таълим жараёнини ташкил этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш;

- дуаль таълимни такомиллаштириш ва методик таъминотини мустаҳкамлаш юзасидан илғор халқаро тажрибаларни тизимли ўрганиш ишларини ташкил этиш.

**Адабиётлар таҳлили.** Дуаль таълим Ўзбекистонга сўнгги йилларда кириб келган бўлсада, лекин у аллақачон янги профессионал ходимларни тайёрлаш учун жуда машхур ёндашув ҳисобланади[7]. Дуаль ўқитишнинг ўзига хос хусусияти амалий тажриба ва назарий машғулотларнинг бирлашувидир. Айнан профессионал таълим тизимидаги ана шундай янги ёндашув келажакдаги юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Дуаль таълим дастури – профессионал таълим муассасаси ва ташкилотда таълим олувчининг муайян касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятини ва меҳнат вазифаларини бажаришига қаратилган давлат таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларидан иборат ҳужжатлар тўплами ҳисобланади [6].

Дуаль таълим модели педагогика соҳасига Германия, Австрия ва Швейцарияда давлатларида кириб келган бўлсада, ушбу таълим тизимини мамлакатда самарали жорий этиш орқали Германия ишчи-ходимларни тайёрлашда катта мувофақиятларга эришган[11]. Германияда 1969 йилда “Касб-ҳунар таълими тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан кейин расман иқтисодий корхоналарда “устоз-шогирд” тизимини такомиллаштириш мақсадида жорий этилган [7]. Кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар немис тажрибасини миллий хусусиятларига мослаштирган ҳолда ўқитишни бошлаган[8]. Айни кунларда Греция, Италия, Испания, Хитой, Швеция, Руминия, Жанубий Корея ва Африка мамлакатларида дуаль таълим модели самарадорликка эришиб келмоқда [10]. Шунингдек, дуаль таълим тизими Европа Иттифоқининг қатор мамлакатлари, жумладан Австрия ва Швейцарияда ҳам жорий қилинган[12]. Ҳозирги вақтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Россия ва Қозғоғистонда ҳам ушбу тизимни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.


Францияда ўрта маълумотли мутахассис-

ларни “устоз-шогирд” усулида тайёрлаш тажрибаси ҳам эътиборга молик [9]. Бу тизим, асосан, умумий таълим олгандан сўнг ўқишни давом эттирмайдиган ёшларга мўлжаллангандир. Бундай талабаларнинг умумий ва назарий таълимини “Касб шогирдлиги” марказлари амалга оширса, амалий машғулотлар бевосита корхоналарда олиб борилади. Марказлар расман Халқ таълими марказига бўйсунди, корхоналар зиммасига эса талабаларни иш жойларида касбларга ўргатиш вазифаси юкланган.

Дуаль таълим тизимининг афзаллиги - бу мутахассисларни тайёрлашда ўқув ва ишлаб чиқариш соҳаларининг мувофиқлаштирилган ўзаро алоқаси ҳамда битирувчиларни юқори даражада иш билан таъминлашга эришиши ҳисоб-

ланади. Дуаль таълимни қўллашнинг асосий йўналишлари олий ва профессионал таълим турлари ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистонда касбий таълимни янада такомиллаштириш учун ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибасидан ижобий фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, Германияда ўз самарасини кўрсатаётган дуаль таълим тизими диққатга сазовордир. Ушбу тизимнинг бош тамойили - “амалиёт орқали ўқитиш”дир. Бу ҳукумат, касбий таълим тизими ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклиги орқали амалга оширилади. Бу ўринда дуаль таълим тизимидан давлат ҳам, таълим муассасалари ва бизнес ҳам манфаатдорлигини таъкидлаш лозим (1-расм).



1-расм. Дуаль таълим тизимининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти

**Таҳлил ва натижалар.** Дуаль тизимида таълим муассасалари талабаларга зарур назарий ва асосий амалий билимларни берадилар. Бунинг учун одатда ўқув дастурининг 20-25% ажратилади. Талабалар амалий билимлар ва кўникмаларни бевосита корхоналарда оладилар (ўқув дастурининг 75-80%). Талабалар ҳафтанинг 4 кунини корхонада амалиёт машғулотларида, қолган 1-2 кунини таълим муассасасида бўла-

дилар. Корхона талабага иш ҳақи (стипендия) тўлайди. Битирувчилар амалиётни ўтаган корхоналарда ишга жойлашишлари ёки бошқа компания ва фирмаларга ишга киришлари мумкин.

Шу жиҳатдан, дуаль тизимида кадрлар тайёрлашни таълим муассасалари ва иш берувчилар ҳамкорлигида амалга оширишда бу шериклар ҳар бирининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилиши ҳам зарур (1-жадвал).



**Дуаль тизимида кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг функциялари [13]**

Таълим муассасалари	Иш берувчилар
Иш берувчилар буюртмалари ва меҳнат бозорининг мониторинги асосида ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш йўналишлари ва миқдорига ўзгартиришлар киритиш	Корхонада ўрта бўғин мутахассис-ларига жорий ва истиқболни эҳтиёжни аниқлаш ва уларни тайёрлаш бўйича таълим муассасалари билан шартнома тузиш
Ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Ўқув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда бевосита иштирок этиш
Таълим жараёнида интерфаол ва АКТлардан кенг фойдаланиш	Бевосита корхона ишлаб чиқаришида талабаларнинг амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш
Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	Ишлаб чиқаришда талабаларнинг амалиётига раҳбарлик қилиш учун корxonанинг педагогик тайёргарликдан ўтган тажрибали мутахассисларини жалб этиш
Талабаларнинг амалиётига раҳбарлик қиладиган ишлаб чиқаришдаги устоз- йўриқчиларга методологик ёрдам кўрсатиш	Талабаларнинг яқунловчи давлат аттестациясини ўтказишда бевосита иштирок этиш
Таълим муассасаларини тугаллаганларнинг ишга жойлашиши мониторингини олиб бориш	Касбий таълимни ривожлантириш учун инвестициялар киритиш

Касбий таълимда дуаль тизими асосида иш берувчиларнинг бевосита буюртмалари асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш имконини ҳам беради. Фикримизча, Ўзбекистондаги касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлашда дуаль тизими аввал, мамлакатнинг минтақаларидан бирида, масалан: Тошкент шаҳрида тажриба сифатида синовдан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Тўпланган ана шу тажриба асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич жорий этилиши лозим. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида инновацион педагогик технологияларни қўллаб, таълим сифатини ошириш ва миллий иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш учун, биринчи навбатда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар педагоглари ва педагог-муҳандисларининг касб ва уларнинг малакасини ошириш зарур.

**Хулоса ва таклифлар.** Республикамиз касб-хунар таълим муассасаларида дуаль таълим тизимини амалда жорий этишнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республика касб-хунар коллежларида дуаль касбий таълимни амалда жорий этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Касб-хунар коллежларида дуаль касбий таълимни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун жаҳоннинг қатор мамлакатлари қонунчилик тажрибасига асосланган ҳолда “Касбий таълим тўғрисида”

махсус Қонун ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, ушбу ҳужжатда қуйидагилар ўз ифодасини топиши керак:

- касб-хунар коллежларида дуаль таълим тизимининг қонуний асослари;

- дуаль таълим тизимини ташкил этишда таълим муассасаси ва ишлаб чиқаришнинг функциялари, вазифалари ва мажбуриятлари;

- дуаль таълим тизимида иштирок этадиган ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларга давлат томонидан имтиёзлар;

- касб-хунар коллежлари битирувчиларининг билими, малакаси, амалий кўникмаларининг мустақил экспертлар ва иш берувчилар томонидан баҳолаш мезонлари ва бошқалар.

2. “Касбий таълим тўғрисида”ги Қонун билан бир қаторда “Касб-хунар коллежлари талабаларини ишлаб чиқаришдаги амалиёти тўғрисидаги низом”, “Касб-хунар коллежларининг базавий корхоналари тўғрисидаги низом”, “Касб-хунар коллежлари талабалари устозлари тўғрисидаги низом”, “Иш берувчилари билан касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида меҳнат шартномалари тузиш тўғрисидаги низом”, “Касб-хунар коллежлари талабаларини ишга жойлаштириш мониторингини олиб бориш тўғрисидаги низом” каби қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни, ЎРҚ-637-сон, 2020 йил 23 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармони, 2020 йил 6 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони, 2019 йил 6 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 26 январь.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуаль таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” ги 163-сонли қарори, 2021 йил 29 март.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 466-сонли қарори, 2020 йил 7 август.

7. Авляякулов. А “Дуаль таълим принципларини жорий этиш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2020 йил, 60 б.

8. Proyecto de ley sobre educación dual avanza con nuevo texto: Ahora qué dice? Semanario Universal. (2019) Retrieved from <https://semanariouniversidad.com/pais/proyecto-de-ley-sobre-educacion-dual-avanza-con-nuevo-texto-ahora-que-dice/>.

9. Bravo J. (2019) Diputados aprueban proyecto de educación dual. La Nación. Retrieved from <https://www.nacion.com/el-pais/educacion/diputados-aprueban-proyecto-de-educacion-dual/7lsnh4jtiravdehxc4vc3xlf/story/conalep>.

10. 2020 Dual Education in Latin America: Challenges and Opportunities 23 Inter-American Development Bank (IDB). 2013. (n.d.). Support for the Implementation of the Impact Evaluation Program and Blockchain pre-pilot in the Bahamas. Retrieved from <https://www.iadb.org/en/project/BH-T1063> Institute for Apprenticeship. (n.d.). Route panels. Retrieved from <https://www.instituteforapprenticeships.org/about/route-panels/> International Labor Organization (ILO).

11. Dual education in montenegro Practical training in three-year educational programmes. © European Training Foundation and International Labour Organization, 2020. p. 56. [https://www.etf.europa.eu/sites/default/files/2020-09/dual\\_education\\_in\\_montenegro.pdf](https://www.etf.europa.eu/sites/default/files/2020-09/dual_education_in_montenegro.pdf)

12. Дудырев, Ф.Ф., Романова О.А., Шабалин А.И “Дуальное обучение в российских регионах: модели, лучшие практики, возможности распространения” Вопросы образования / Educational Studies Moscow, 2018. No 2, с. 117-138. DOI: 10.17323/1814-9545-2018-2-117-138

13. Эшўлатов К.А “Замонавий иқтисодиётда меҳнат бозори ва касбий таълим узвийлигини таъминлашни тақомиллаштириш” диссертация автореферати. Тошкент. 2018 йил, 59 б.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИДА ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

**Салихов Нодир Джамолович -**  
БухДУ докторанти

**Аннотация:** Мақолада мактабгача таълим тизими бошқарувининг самарасини аниқлаш, мактабгача таълим бўйича ҳудудлар рейтинг, мактабгача таълим тизимини бошқарувида иқтисодий усулларнинг аҳамияти, мактабгача таълим менежментига тарбиячи ходимларнинг ва тарбияланувчи болалар ота-оналарнинг фикрлари, таҳлиллар асосида мактабгача таълим менежменти бўйича тадқиқотчи хулосаси баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим, мактабгача таълим ташкилоти, таълим менежменти, мактабгача таълим тизими, менежмент иқтисодий усуллари.

## ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ, РЕАЛИЗОВАННЫХ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

**Салихов Нодир Джамолович -**  
Докторант БухГУ

**Аннотация:** В статье описаны эффективность управления дошкольным образованием, региональный рейтинг систем дошкольного образования, значение экономических методов в управлении дошкольным образованием, взгляды воспитателей и родителей дошкольников на управление дошкольным образованием, выводы исследователя управления дошкольным образованием. на основе анализа управления дошкольным образованием.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, организация дошкольного образования, управление образованием, система дошкольного образования.

## EVALUATION OF THE RESULTS OF MANAGEMENT METHODS IMPLEMENTED IN PRESCHOOL EDUCATION

**Salixov Nodir Djamolovich -**  
BukhsU doctoral student

**Abstract:** The article describes the effectiveness of preschool education management, regional ranking of preschool education systems, the importance of economic methods in preschool education management, the views of educators and parents of preschool children on preschool education management, the findings of the researcher on preschool education management based on analyses of preschool education management.

**Keywords:** preschool education, preschool education organization, education management, preschool education system, economic methods of management.

**Кириш.** Ўзбекистон мактабгача таълим тизими бошқарувида замонавий менежмент механизми ва воситалари жорий қилинмоқда ва бу ислохотлар сўнгги йиллар ҳудудларда ташкил қилинаётган кўплаб мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда улардаги ходимлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, натижада, таълим ва тарбия жараёнидаги ижобий сифат ўзгаришларида яққол кўринаяпти.

Мактабгача таълим тизимини бошқарув фаолияти самарасини ўрганиш ва жорий ҳолатига баҳо бериб бориш мавжуд ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, келгусида амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларни белгилаб олишга ёрдам беради.

Мактабгача таълим тизими бошқарувида менежментнинг бозор иқтисодиётига хос бўлган тамойиллари ва усуллари жорий қилиш, тизимда амал қилаётган менежментнинг воситаларини таҳлил қилиш, бошқарув самарасига баҳо бериш долзарб бўлиб ҳисобланади. Мактабгача таълим тизими бошқаруви натижаларини таҳлил қилиш ва бошқарув самарасига баҳо беришда содда, бир томонлама ёндашувдан воз кечган ҳолда, кўп томонлама ёндашув, яъни ҳукумат, мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ва тарбияланувчи болалар ота-оналари нуқтаи назаридан қарашга, бошқарув фаолиятини чуқур таҳлиллар асосида ўрганишга қарор қилдик.

Кўплаб тадқиқотларда мактабгача таълим мазмуни, болаларга берилаётган таълим ва тарбиянинг сифати ўрганилган бўлиб, мактабгача

таълим бошқарувида менежмент тамойил, усул ва воситалари самараси ўрганилмаганлиги тадқиқот долзарблигини асослайди.

Тадқиқотда мактабгача таълим тизимида замонавий менежмент тамойиллари, усуллари ва воситалари жорий қилиниши таъсирида мамлакат ҳудудлари мактабгача таълим ташкилотлари сони ва мулкчилик шакли, мактабгача таълим мазмуни, ёш авлодга эътиборнинг ортиши, мактабгача таълим билан ёш авлодни қамраб олиш ишлари ўрганилди.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эконометрик моделлаш, мантиқий таҳлил усулларида фойдаланилган бўлиб, назарий ва методологик асоси мактабгача таълим тизими ривожланишига оид республикада ишлаб чиқилган умумий стратегия, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мактабгача таълим ва тарбияга доир қабул қилган фармонлари ҳамда тадқиқот мавзусига оид илмий-методологик адабиётлар бўлиб ҳисобланади. Ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳукумат нуқтаи назаридан ҳудудларнинг мактабгача таълим тизимининг бошқарув фаолияти самарасини ҳудудлар мактабгача таълим ташкилотлари амал қилишининг натижавий кўрсаткичлари, ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилинди:

1. Мактабгача бўлган ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси ( $K_1$ )

$$K_1 = \frac{A_{\text{МТМга қатнайдиغان ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}}{A_{\text{ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}} * 100 \quad (1);$$

2. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари улуши ( $K_2$ )

$$K_2 = \frac{N_{\text{ҳудуддаги нодавлат МТМлар миқдори}}}{N_{\text{ҳудуддаги жами МТМлар миқдори}}} * 100 \quad (2);$$

3. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиغان болалар улуши ( $K_3$ )

$$K_3 = \frac{A_{\text{нодавлат МТМга қатнайдиغان ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}}{A_{\text{жами МТМга қатнайдиغان ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}} * 100 \quad (3);$$

4. МТМдаги олий маълумотлилар улуши ( $K_4$ )

$$K_4 = \frac{A_{\text{МТМ олий маълумотли педагог ходимлари}}}{A_{\text{МТМдаги жами педагог-ҳодимлар}}} * 100 \quad (4);$$

5. Сўнгги 3 йил ичида малака оширган МТМ ходимлари ( $K_5$ )

$$K_5 = \frac{A_{\text{сўнгги 3 йил ичида малака оширган МТМ педагог ходимлари}}}{A_{\text{жами МТМ педагог ходимлари}}} * 100 \quad (5);$$

Ҳудудлардаги мактабгача таълим муассасаларини юқоридаги кўрсаткичлар асосидаги таҳлиллар натижасида, кўрсаткичлар миқдори

аниқланади ва ҳудуд мактабгача таълим тизими ривожланганлиги кўрсаткичи геометрик ўртача миқдорда қўйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

$$K_{\text{МТМ рив.}} = \sqrt[10]{\prod_{i=1}^{10} K_i} = \sqrt[10]{K_1 * K_2 * K_3 * K_4 * K_5 * K_6 * K_7 * K_8 * K_9 * K_{10}} \quad (6);$$

Маълумки, нисбий кўрсаткичларнинг ўртача миқдори геометрик ўртача миқдор асосида

ҳисобланиб, нисбий миқдорлар бўйича ҳисоблангани геометрик ўртача миқдор бошқа ўртача

миқдорларга нисбатан аниқроқ натижа беради.

Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти мактабгача таълим бошқаруви натижаларини таҳлил қилдик ва мактабгача таълим тизими бошқару-

вини рейтинг баҳолаш услубиёти ёрдамида вилоят мактабгача таълим тизимини ривожланганлик кўрсаткичи 32,8 баллга тенг бўлишини аниқладик:

$$K_{\text{МТМ рив.}} = \sqrt[5]{\prod_{i=1}^5 K_i} = \sqrt[5]{K_1 * K_2 * K_3 * K_4 * K_5} = \sqrt[5]{40,3 * 31,0 * 32,4 * 32,7 * 28,9} = 32,8$$

Вилоятнинг 13 ҳудудлари ҳар бирининг мактабгача таълим тизими ривожланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ишлари давом эттирилди ва ҳудудларнинг ушбу кўрсаткич натижаларига асосан, кетма-кетликда жойлашув рўйхати ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Бухоро вилояти ҳудудларида мактабгача таълим тизимига баҳо беришда фойдаланилган бешта кўрсаткичлар натижасида Қорақўл тумани (36,5 коэффциент) энг юқори ва Қоровулбозор тумани (12,5 коэффциент) энг кам натижага эга бўлишган. Бухоро вилояти мактабгача

таълим тизими 2020 йилга вазият тегишли кўрсаткичлар асосида баҳолаб 32,8 коэффциентни ташкил қилмоқда. Бухоро вилояти мактабгача таълим тизимини ривожланганлик кўрсаткичи ҳудудлар бўйича ўртача 29,3 баллни ташкил қилиб, ҳудудларнинг ушбу кўрсаткич бўйича ўртача квадратик фарқланиши 7,1 га тенг бўлмоқда.

Ҳудудлардаги мактабгача таълим тизимини ривожланганлик ҳолатига берилган баҳоларини вилоят кўрсаткичи билан таққослаш натижасида, ҳудудларни икки йирик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1-жадвал

Ҳудудларнинг мактабгача таълим тизими фаолияти баҳолаш натижалари

Ҳудудлар	Мактабгача бўлган ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси (K1)	Нодавлат мактабгача таълим муассасалари улуши (K2)	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар улуши (K3)	МТМдаги олий маълумотлилар улуши (K4)	Сўнгги 5 йил ичида малака оширган МТМ ходимлари (K5)	Ҳудуд МТМ тизими ривожланганлиги кўрсаткичи	
						Кўрсаткич миқдори, K <sub>МТМ рив.</sub>	Вилоят кўрсаткичига нисбатан +,-
Қорақўл т.	25,7	52,9	57,4	35,4	23,5	36,5	3,7
Жондор т.	29,4	44,1	45,7	35,8	26,3	35,4	2,6
Пешку т.	45,0	38,4	41,4	26,5	28,6	35,2	2,4
Ромитон т.	40,2	40,1	43,7	30,2	24,2	34,9	2,1
Шофиркон т.	20,3	51,7	57,6	29,9	24,8	33,9	1,1
Вобкент т.	39,9	35,3	37,2	25,3	31,2	33,4	0,6
Ғиждувон т.	38,8	35,2	37,4	24,1	29,8	32,6	-0,2
Олот т.	16,4	25,3	28,5	67,0	33,5	30,5	-2,3
Когон т.	24,9	38,7	41,2	20,5	21,3	28,0	-4,8
Бухоро т.	32,8	19,6	21,4	36,8	22,5	25,8	-7
Бухоро ш.	69,7	6,8	5,3	44,6	35,8	20,9	-11,9
Когон ш.	55,5	8,0	6,5	25,2	25,2	17,9	-14,9
Қоровулбозор т.	57,2	3,3	2,1	34,9	22,3	12,5	-20,3
Бухоро вилояти	40,3	31,0	32,4	32,7	28,9	32,8	0

Манба: Муаллиф тадқиқотлари натижасида тайёрланган маълумотлар.

Биринчи гуруҳ, вилоят кўрсаткичидан юқори кўрсаткичга эга ҳудудлар, бу гуруҳга Қорақўл (+3,7), Жондор (+2,6), Пешку (2,4), Ромитан (+2,1), Шофиркон (+1,1) ва Вобкент (+0,6) туманлари киради.

Иккинчи гуруҳ, вилоят кўрсаткичидан паст кўрсаткичга эга ҳудудлар, бу гуруҳга Ғиждувон (-0,2), Олот (-2,3), Когон (-4,8), Бухоро (-7,0), Қоровулбозор (-20,3), туманлари ва Бухоро (-11,9) ҳамда Когон (-14,9) шаҳарлари киради.

Биринчи гуруҳ Қорақўл, Жондор, Шофиркон ва Вобкент туманларидаги мактабгача таъ-

лим тизимини ривожланганлиги кўрсаткичининг юқори бўлишига сабаб, ҳудудларда нодават мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилишга бўлган катта эътибор бўлса, гуруҳдаги Пешку ва Ромитан туманларида ушбу кўрсаткичнинг юқори бўлишига асосий сабаб, мактабгача таълим ёшидаги болаларни таълимга қамраб олиш даражасининг юқори ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ Бухоро ва Когон шаҳарлари, Қоровулбозор ва Ғиждувон туманларида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси вилоят кўрсаткичидан нисбатан юқори

бўлиб, ҳудудларда нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш бошқа ҳудудларга нисбатан суғурув борганлиги мактабгача таълим тизимини ривожланганлик кўрсаткичининг паст миқдорда бўлишига сабаб бўлди. Алоҳида қайд этиш жоизки, аҳоли зич жойлашган шаҳар ҳудудларида аҳоли ўз фарзандларини етарли даражада мавжуд бўлган давлат мактабгача таълим муассасаларига юборишади ҳамда бундай муассасаларнинг кўплиги натижасида, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси қишлоқ ҳудудларига нисбатан юқорироқдир.

Олот, Когон ва Бухоро туманларида ёш авлодни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси кескин пастлиги ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил этилганлиги ҳамда бундай муассасаларга болалар қатнови даражасининг бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги ушбу ҳудудларда мактабгача таълим тизими ривожланганлик даражаси паст бўлишига олиб келган.

Ҳудудларнинг мактабгача таълим тизими баҳо бериш ишлари Бухоро вилоятида Қорақўл тумани энг намунали мактабгача таълим тизими ва Қоровулбозор тумани энг қолоқ мактабгача таълим тизими натижаларини қайд қилишган. Ушбу баҳолаш натижаси мактабгача таълим тизими ривожланганлик кўрсаткичи вилоят даражасидан юқори бўлган ҳудудлардаги мактабгача таълим тизими кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ижобий натижага эга жиҳатларини намуна сифатида қабул қилиш ҳамда вилоят даражасидан паст натижага эга ҳудудларда камчиликларни аниқлаш ва ушбу камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

Олот ва Шофиркон туманларида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини ошириш, туман маҳаллаларида оилавий, давлат-хусусий шерикликдаги мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Бухоро ва Когон шаҳарлари туб аҳолиси эҳтиёжларига мос, замонавий, болалар учун қулай, электрон воситалар билан етарли даражада жиҳозланган мактабгача таълим муассасалари ташкил қилишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ғиждувон тумани ва Когон шаҳрида мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари маълумотлилик даражасини ошириш, жамоада олий маълумотлилар улушини ортиб боришига аҳамият бериш зарур.

Мамлакатимиз ва ҳудудлардаги мактабгача таълим тизимини бошқарув самарасига фарзандлари мактабгача таълимга қатнайдиган ота-оналар фикрларини ўрганишга батафсил тўхталиш ва ота-оналар фикрларини ҳозирги замон электрон технологиялар (интернет сайт-

лари) ёрдамида ижтимоий сўров ўтказиб, ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мактабгача таълим ташкилоти фаолияти, кўрсатаётган хизматларига баҳо бериш борасида мактабгача таълим тарбияланувчиларнинг ота-оналари фикрини ўрганиш учун тайёрланган анкетага мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 450 нафар фуқароларнинг жавоблари олинди ва таҳлил қилинди. Анкета сўрови <http://docx.google.com> сайти орқали ўтказилган бўлиб, фуқароларнинг берган жавоблари дастурнинг ўзида тўпланди ва таҳлил қилиш жараёнида қулайлик ҳосил қилди[16].

Фарзандлари мактабгача таълимга қатнайдиган ота-оналарга “Фарзандингизга юқори сифатли таълим ва тарбия бериш борасида мактабгача таълим фаолиятини ривожлантириш учун қандай таклифлар билдирасиз?” мазмунидаги саволимизга энг кўп жавоблар “тарбиячиларнинг олий маълумотли бўлишлари” ҳамда “Барча МТМларда инглиз ва рус тили ўқитувчилари мавжуд бўлиши” ва “МТМларда ўйин майдончалари ва ўйинчоқларни кўпайтириш” мазмунида бўлишган, баъзи респондентлар 2-3 та жавоб ёзганликлари боис, жавоблар сони респондентлар сонидан ортиқча бўлган. Биз сўровда қатнашган 450 нафар респондентнинг жавобларини алоҳида келтирмасдан, мазмуни ўхшаш бўлган жавобларни маълум бир гуруҳларга бирлаштирдик (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ота-оналар юқоридагилардан ташқари, яна мактабгача таълим билан қамраб олиш ёш болаларнинг 2 ёшга тўлганларидан бошлаб амалга оширишни таклиф қилишган. Шунингдек, тарбиячиларнинг иш ҳақларини ошириб бориш, ҳар бир машғулот доимий кузатувда бўлиши, гуруҳлардаги болалар 15 нафардан оширилмаслиги, МТМларда спорт заллари кераклиги, болаларнинг саломатлиги ва овқатланишини доимий назорат қилиш, қиш мавсумида бинони иситиш, ҳар бир хонани телевизор билан таъминлаш каби фикрларни билдиришган. Республикаимиздаги ҳар бир ҳудудда мавжуд ва янги ташкил қилинаётган МТМлар раҳбарлари ота-оналарнинг ушбу фикрларини инобатга олишлари зарур бўлиб ҳисобланади.

Берилган жавоблар ота-оналар фарзандларининг МТМга қатнаши учун ота-она тўлови миқдори ҳақида фикр билдирмаганликлари ушбу тўлов миқдори улар учун мақбул эканлигини, инсонпарварлик тамойили асосида ишлаб чиқилганлигини англатади. Шунингдек, ота-оналар МТМ ходимлари фаолиятларидан шикоят қилмаганликлари, МТМ ходимлари ўз касбларини сидқидилдан бажараётганликлари, тарбиячиларнинг маълумотлилик даражаларини оши-

ришлари бўйича берилаётган таклифлари эса тарбия сифатини оширишга бўлган уринишлар МТМларда ёш авлодга берилаётган таълим ва деб ҳисоблаш мумкин.

2-жадвал

**“Фарзандингизга юқори сифатли таълим ва тарбия бериш борасида МТМ фаолиятини ривожлантириш учун қандай таклифлар билдирасиз?” мазмунидаги саволга респондентлар томонидан билдирилган фикрлар**

Респондентларнинг фикрлари	Респондентлар сони, киши	Улуши, %
Барча тарбиячилар олий маълумотли бўлсин	138	26,8
Чет тили (инглиз ва рус тиллари) ўқитувчилари керак	113	22,0
Ўйин майдончалари ва ўйинчоқларни кўпайтирсинлар	86	16,7
МТМларга 2 ёшли болаларни қабул қилишсин	59	11,5
Тарбиячиларнинг иш ҳақи оширилса, ишига меҳр қўяди	43	8,4
Ҳар бир машғулотни кузатиб туриш зарур	26	5,1
Гуруҳлардаги болалар сонини 15 нафардан оширишмасин (баъзан гуруҳларда болалар 30 нафардан ошади).	19	3,7
Спорт зали керак	12	2,3
Овқатланиш доим назорат қилиб борилсин	6	1,2
Чет тили тўғараги ҳар бир МТМда бўлсин	5	1,0
Қишда бинони иситиш яхши бўлсин	3	0,6
Болалар саломатлигига эътибор кўпайсин	2	0,4
Ҳар бир гуруҳ хонаси телевизор билан таъминлансин	2	0,4
Жами:	514	100,0

*Манба:* Муаллиф ўтказган ижтимоий сўров натижалари асосида тайёрланган.

Республикамиз ҳудудларида фаолият юритаётган МТМлар раҳбарларининг бошқарув салоҳияти, қўлланилаётган менежмент усуллари, бошқарув самарасини МТМ таълим ва тарбия жараёнида банд бўлган ходимларнинг фикрлари ёрдамида ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳар бир ташкилотда раҳбарнинг бошқарувчилик салоҳияти, бошқарув бўйича эгаллаган билим ва кўникмалари, бошқарув жараёнида қўлланиладиган менежмент тамойиллари, усуллари корхона фаолияти натижаларида, меҳнат жамоасидаги муҳит, ходимлар меҳнатининг натижасида ўз аксини топади.

Мактабгача таълим муассасаларда раҳбар

ва унинг бошқарув фаолиятига ходимларнинг муносабатини ўрганиш мақсадида, ижтимоий сўров ўтказдик.

Ижтимоий сўров замонавий электрон воситалари ёрдамида <https://docs.google.com> интернет сайтидаги махсус дастурлар асосида амалга оширилиб, ижтимоий сўровга мамлакатимиз ҳудудларидаги мактабгача таълим муассасалар таълим ва тарбия жараёнида меҳнат қилаётган 165 нафар ходимлар иштирок этишди [17]. 63,0 фоиз респондентлар фикрига асосан, мактабгача таълим муассасаларида ходимларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган (3-жадвал).

3-жадвал

**"Мактабгача таълим муассаса барча ходимларининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланганми?" ва "Мактабгача таълим муассаса раҳбари жамоани меҳнатга даъват қила оладими?" саволларига респондентларнинг фикрлари**

"Мактабгача таълим муассаса барча ходимларининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланганми?" саволига жавоблар			"Мактабгача таълим муассаса раҳбари жамоани меҳнатга даъват қила оладими?" саволига жавоблар		
Жавоблар	Респондентлар		Жавоблар	Респондентлар	
	Сони, киши	Улуши, %		Сони, киши	Улуши, %
Ҳа	104	63,0	Ҳа	98	59,4
Йўқ	36	21,8	Йўқ	33	20,0
Қисман	17	10,3	Қисман	22	13,3
Жавоб бермаганлар	8	4,8	Жавоб бермаганлар	12	7,3
Жами:	165	100,0	Жами:	165	100,0

*Манба:* Муаллиф ўтказган ижтимоий сўров натижалари асосида тайёрланди.

Ушбу вазият мактабгача таълим муассаса меҳнат жамоасидаги вазиятнинг ижобий эканлиги, яъни барча ходимлар ўзларининг лавозимлари бўйича бажарадиган функцияларини англаган ҳолда, топшириқларни ўз вақтида бажариб борадилар.

21,8 респондентларнинг фикрларига кўра, мактабгача таълим муассасаларда ходимлар ўз мақсад ва вазифаларини билмайдилар. Бу ачинарли вазият бўлиб, ходимларнинг ўз лавозимлари доирасида мақсад ва вазифаларни англамасликлари ходимларда иш ўрнидан бегонала-

шув ва лоқайдлик, шунингдек, меҳнатга натижаларининг пасайишига олиб келади.

59,4 фоиз респондентлар мактабгача таълим муассаса раҳбари жамоани меҳнатга, топшириқ ва вазифаларни бажаришга даъват қила олади. 20,0 фоиз респондентлар мактабгача таълим муассаса раҳбари ходимларни меҳнатга даъват қила олмаслигини билдиришгани салбий ҳолат бўлиб, мамлакатимиз 20,0 фоиз мактабгача таълим муассасаларида раҳбар меҳнат жамоасини бошқара олмаслигини кўрсатади.

Респондентларнинг 51,5 фоизи мактабгача таълим муассаса бошқарувида ташкилий, 16,4 фоизи ижтимоий-психологик, 14,5 фоизи иқтисодий, 4,5 фоизи маъмурий менежмент усуллари қўлланилади деган фикрни билдиришган (4-жадвал).

Мамлакатимиз мактабгача таълим муассасаларида меҳнатни рағбатлантириш ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, афсуслар билан айтиш мумкинки, 27,9 фоиз респондентлар “Умуман рағбатлантирилмайди” жавобини бел-

гилашган ва 16,4 фоиз респондентлар ушбу саволга жавоб беришмаган.

Маълумки, корхона молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ходимлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни амалга ошириб борилиши ходимлар фаоллигини ошириб, меҳнат натижаларининг сифат ва миқдор бўйича ошишини таъминлайди. Респондентларнинг 23,6 фоизи бир марталик мукофотлар, 9,1 фоизи тариф ставкалари оширилишини, 8,5 фоизи пул ва моддий ёрдам берилишини, 7,3 фоизи устама ҳақлар белгиланишини ва 7,3 фоизи бошқа хил куринишда рағбатлантиришлар амалга оширилишини билдиришган.

Бу кўрсаткичлар қониқарли ҳолатда бўлиб, респондентларнинг 55,8 фоизи мактабгача таълим муассасаларда турли кўринишдаги иқтисодий рағбатлантиришлар мавжудлигини қайд қилишган ва 44,2 фоиз респондентлар мактабгача таълим муассасаларда меҳнатни рағбатлантириш амалга оширилмаётганлигини кўрсатишган.

4-жадвал

**"Мактабгача таълим муассаса бошқарувида, асосан, қандай усуллар қўлланилади?" ва "Мактабгача таълим муассаса ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришда қайси иқтисодий усуллар қўлланилади?" саволига жавоблар**

"Мактабгача таълим муассаса бошқарувида, асосан, қандай усуллар қўлланилади?" саволига жавоблар			"Мактабгача таълим муассаса ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришда қайси иқтисодий усуллар қўлланилади?" саволига жавоблар		
Жавоблар	Респондентлар		Жавоблар	Респондентлар	
	Сони, киши	Улуши, %		Сони, киши	Улуши, %
Ташкилий	85	51,5	Бир марталик мукофот	39	23,6
Ижтимоий- психологик	27	16,4	тариф ставкалари оширилади	15	9,1
Иқтисодий	24	14,5	Пул ва моддий ёрдам берилади	14	8,5
Маъмурий	8	4,8	Устама ҳақлар белгиланади	12	7,3
Жавоб бермаганлар	21	12,7	Бошқа хил кўринишда	12	7,3
			Умуман рағбатлантирилмайди	46	27,9
			Жавоб бермаганлар	27	16,4
Жами:	165	100,0	Жами:	165	100,0

*Манба:* Муаллиф ўтказган ижтимоий сўров натижалари асосида тайёрланди.

Бу эса мактабгача таълим муассаса раҳбарлари ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириб боришларини йўлга қўйишлари зарурлигини кўрсатади. "Мактабгача таълим муассаса меҳнат жамоасида психологик муҳит

қандай?" саволига аксарият мактабгача таълим муассаса ходимлари “Дўстона” ва “Иш юзасидан муносабатлар” жавобларини билдиришган (5-жадвал).

5-жадвал

**"Мактабгача таълим муассаса меҳнат жамоасида психологик муҳит қандай?" саволига жавоблар ва "Сизга тўланаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш миқдори маъқулми?" саволига жавоблар**

"Мактабгача таълим муассаса меҳнат жамоасида психологик муҳит қандай?" саволига жавоблар			"Сизга тўланаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш миқдори маъқулми?" саволига жавоблар		
Жавоблар	Респондентлар		Жавоблар	Респондентлар	
	Сони, киши	Улуши, %		Сони, киши	Улуши, %
Аъло	15	9,1	Маъқул	29	17,6
Дўстона	66	40,0	Қисман	44	26,7
Иш юзасидан муносабатлар	42	25,5	Йўқ	79	47,9
Ёмон	25	15,2	Жавоб бермаганлар	13	7,9
Жавоб бермаганлар	17	10,3			
Жами:	165	100,0	Жами:	165	100,0

*Манба:* Муаллиф ўтказган ижтимоий сўров натижалари асосида тайёрланди.

9,1 фоиз респондентлар “Аъло” ва 15,2 фоиз респондентлар “Ёмон” жавобини белгилашган. Ушбу саволга жавоб бермаганлар 17 нафар ёки респондентларнинг 10,3 фоизини ташкил қилишган. Шу ўринда айтиш жоизки, тарбиячилар ва мактабгача таълим муассасанинг бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва меҳнатларини моддий рағбатлантириш юқори даражада ташкил қилиниши мактабгача таълим муассасалар меҳнат жамоаларида психологик муҳит аъло даражада эканлигини билдирадиган респондентлар улуши 9,1 фоиздан анча юқори улушни эгаллашарди.

“Сизга тўланаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш миқдори маъқулми?” саволига респондентларнинг 47,9 фоизи “Йўқ”, 26,7 фоизи “Қисман”, 17,6 фоизи “Маъқул” жавобларини белгилашган ва 7,9 фоиз респондентлар ушбу саволга жавоб бермаганлар. Респондентларнинг ушбу саволга берган жавобларини ижобий кўринишда деб бўлмади, бу эса яқин келажакда мактабгача таълим тизими бошқарувига ваколатли ташкилотлар раҳбарлари мактабгача таълим муассаса ходимлари иш ҳақларини ошириш ва меҳнатни моддий рағбатлантиришга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

**Хулоса.** Мактабгача таълим тизими бошқаруви саамарасини таҳлил қилиш ҳудудлар кесимида эришилаётган ютуқлар ва йўл кўйилаётган камчиликларни кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти мактабгача таълим тизими ривожланишини рейтинг баҳолаш услубиёти бўйича баҳолаганимизда, вилоятнинг Олот, Когон ва Бухоро туманларида ёш авлодни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси кескин пастлиги ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил этилганлиги ҳамда бундай муассасаларга болалар қатнови даражасининг бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги ушбу ҳудудларда мактабгача таълим тизими ривожланганлик даражаси паст бўлишига олиб келган.

Ҳудудларнинг мактабгача таълим тизими баҳо бериш ишлари Бухоро вилоятида Қорақўл тумани энг намунали мактабгача таълим тизими ва Қоровулбозор тумани энг қолақ мактабгача таълим тизими натижаларини қайд қилишган. Ушбу баҳолаш натижаси мактабгача таълим тизими ривожланганлик кўрсаткичи вилоят даражасидан юқори бўлган ҳудудлардаги мактабгача таълим тизими кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ижобий натижага эга жиҳатларини намуна сифатида қабул қилиш ҳамда вилоят даражасидан паст натижага эга ҳудудларда камчиликларни аниқлаш ва ушбу камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

Бухоро вилоятининг Олот ва Шофиркон

туманларида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини ошириш, туман маҳаллаларида оилавий, давлат-хусусий шерикликдаги мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Бухоро ва Когон шаҳарлари туб аҳолиси эҳтиёжларига мос, замонавий, болалар учун қолай, электрон воситалар билан етарли даражада жиҳозланган мактабгача таълим муассасалари ташкил қилишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ғиждувон тумани ва Когон шаҳрида мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари маълумотлилик даражасини ошириш, жамоада олий маълумотлилар улушини ортиб боришига аҳамият бериш зарур.

Мамлакатимиз ва ҳудудлардаги мактабгача таълим тизимини бошқарув самарасига фарзандлари МТМларга қатнайдиغان ота-оналар фикрларини ўрганиш натижасида, кўплаб ота-оналар болаларига берилаётган таълим ва тарбиянинг сифатини оширишни, яъни олий маълумотли тарбиячилар кўпайишини, фарзандларига хорижий тиллар ўргатилишини ва таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини бойитишни сўрашган.

Шунингдек, ота-оналар мактабгача таълим муассасаларига ёш болаларнинг 2 ёшга тўлганларидан бошлаб қабул қилишларини, тарбиячиларнинг иш ҳақларини ошириб бориш, ҳар бир машғулот доимий кузатувда бўлиши, гуруҳлардаги болалар 15 нафардан оширилмаслиги, МТМларда спорт заллари кераклиги, болаларнинг саломатлиги ва овқатланишини доимий назорат қилиш, қиш мавсумида бинони иситиш, ҳар бир хонани телевизор билан таъминлаш каби фикрларни билдиришган. Республикаимиздаги ҳар бир ҳудудда мавжуд ва янги ташкил қилинаётган МТМлар раҳбарлари ота-оналарнинг ушбу фикрларини инобатга олишлари зарур бўлиб ҳисобланади.

Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларидан ўзлари меҳнат қилаётган ташкилот бошқаруви тўғрисида фикрлари ўрганилганда, “Мактабгача таълим муассасада ходимларнинг мақсад ва вазибалари аниқ белгиланмаган”, “Мактабгача таълим муассаса раҳбари меҳнат жамоасини меҳнатга даъват қила олмайди”, “Мактабгача таълим муассасада жуда кўп низоли вазиятлар содир бўлади” мазмунидаги жавоблар берган ва мактабгача таълим муассаса раҳбарининг бирор ижобий жиҳатини кўрсата олмаган респондентлар ўзларининг мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг ёшини 34 ёшдан кичик ва 55 ёшдан катта деб белгилашган, мактабгача таълим муассаса раҳбарининг маълумоти ўрта махсус, мутахассислигини педагогика ва иқтисодиётдан бошқа мутахассисликлар деб белгилашган.



Хулоса сифатида айтиш жоизки, мактабгача таълим муассаса раҳбарининг ёши 35-55 ёшларда, олий маълумотли, иқтисодиёт ёки педагогика мутахассислигига эга, аёл жинсидаги раҳбар бўлиши мактабгача таълим муассаса бошқарув фаолияти самарали кечиши, меҳнат

жамоаси юқори натижаларга эришиб бориши мумкин. Мактабгача таълим муассасаларидаги кузатув кенгашлари мактабгача таълим муассасига раҳбарликка номзод тавсия қилаётган вақтларида ушбу меъзонларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги 595-сонли “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, Халқ сўзи, 2019 йил 17 декабрь 260-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2019 йил 9 май 95-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетаси 2020 йил 30 декабрь сони 1-2 бетлар.
4. Белых С.С. “Управление развитием дошкольного образования в Республике Коми в условиях рыночной экономики” дисс. Сыктывкар, Россия. СыктГУ, 1998.
5. Muminov Kh.I., Jurayev A. (2019) Forecasting economic growth by multi-factored model. Journal Economics and Innovative Technologies, No 5, september-october pp. 83-89 <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
6. Muminov Kh.I., Jurayev A. (2020) The Impact of the coronavirus pandemic on exports to the economic growth of Uzbekistan. Trans Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR), Vol. 9, No 11, November 2020, pp. 19-26, <https://www.indianjournals.com>
7. Муминов Х.И. (2020) Прогнозирование экономического роста на основе временных рядов и многофакторной модели, (Forecasting of economic growth on time series and a multi-factor models), Научные вестни, No 4(23), стр. 117-128, <http://www.nvesti.ru/%d0%b0%d1%80%d1%85%d0%b8%d0%b2/>
8. Набиева С. ва б. “Мактабгача таълимда буюк мутафаккирлар ва тарихий ёдгорликлар” Ўқув қўлланма. ҚўқонДПИ. 2008.
9. Нуркелдиева М. “Мактабгача ва коррекцион педагогика” Ўқув қўлланма. Т. ТДПУ, 2013 й.
10. Шодмонова Ш. “Мактабгача таълим педагогикаси” Ўқув қўлланма. Т. “Фан ва технология” н. 2008 й.
11. Петряков П.А. “Концепции и стратегии образовательного менеджмента ВУЗа в отечественной и зарубежной педагогике” автореферат. Великий Новгород, Россия, ИПЦ НовГУ, 2013.
12. Сафаров О.А. “Замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш” автореферат, Тошкент, 2018. «Академия ноширлик маркази» Давлат унитар корхонаси н. 13-б.
13. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги маълумотлари, [www.mdo.uz](http://www.mdo.uz)
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
15. Тадқиқотчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.
16. [https://docs.google.com/forms/d/1-q7O2718-liwmhbKKOPk\\_sLEARsuf\\_ELygusJ8wJcs0/edit](https://docs.google.com/forms/d/1-q7O2718-liwmhbKKOPk_sLEARsuf_ELygusJ8wJcs0/edit)
17. [https://docs.google.com/forms/d/1OF57hAD77qfXilodtH4JSFnXKSxEJMVmiDbUl7gI\\_Dg/edit](https://docs.google.com/forms/d/1OF57hAD77qfXilodtH4JSFnXKSxEJMVmiDbUl7gI_Dg/edit)

## ДИНИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ КОНСЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Дусанов Салим Мамарасулович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
Мустақил тадқиқотчи  
**Маллабоев Абдуллоҳ -**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,  
Манбалар хазинаси мударир ўринбосари

**Аннотация:** Мақолада диний таълим муассасаларини молиялаштириш, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, мударрис(профессор-ўқитувчилар) ва талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари, молиялаштириш мотивацияларининг аҳамияти ва роли каби долзарб масалалар ёритилган. Диний таълим муассасалари молиялаштиришнинг аҳамияти ва уни ривожланиш босқичлари борасида ўзбек ва хориж олимларининг таҳлилий ёндашувлари ўрганилди. Мақолада монографик ва эксперт ҳамда тизимли таҳлил натижаларига асосланиб, молиялаштиришнинг тарихий аҳамияти ва бугунги кундаги ҳолатининг қиёсий таҳлиллари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** давлат таълим муассасалари, динга оид таълим, қиссалар, саводхонлик, мударрис, талабалар, мактаб, муаллим, муаддиб (одоб берувчи, тарбиячи, мураббий), масжид, мадраса, вақтбай маош, ўқувчилик нафақаси (маоши), қозилар, Байтул-ҳикма, Фотимийлар, Низомул-мулк, Низомия, жоиза, мукофот, мақтов, рағбатлантириш, шижоатлантириш (қўллаб-қувватлаш), адабий мукофот, махсус диний таълим, расмий диний таълим электрон портали.

## КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ РЕЛИГИОЗНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

**Дусанов Салим Мамарасулович** -  
Ташкентский государственный экономический университет,  
самостоятельный соискатель,  
**Маллабоев Абдулла** -  
Международная исламская академия Узбекистана,  
Заместитель директора Хранилище рукописей

**Аннотация:** В статье рассматриваются такие актуальные вопросы, как финансирование религиозных образовательных учреждений, эффективность использования финансовых ресурсов, механизмы финансовой поддержки учителей и студентов, значение и роль финансовых стимулов. Изучены аналитические подходы узбекских и зарубежных ученых о важности финансирования религиозного образования и этапах его развития. В статье представлен сравнительный анализ исторического значения финансирования и его текущего состояния, основанный на результатах монографического и экспертно-систематического анализа.

**Ключевые слова:** Рассказы, религиозная грамотность, учителя и ученики, школьные учителя, муаддибы, учителя, работающие в мечетях и медресе, заработная плата, зависящая от времени, зарплата ученика, муаддибы, судьи, Байт аль-Хикма, Фатимиды, Устав, награда, похвала, поощрение, литературные награды, специальное религиозное образование, религиозное образование в государственных учебных заведениях, обучение через электронные порталы официального религиозного образования.

## CONCEPTUAL BASES OF FINANCING OF RELIGIOUS EDUCATIONAL INSTITUTIONS

**Dusanov Salim Mamarasulovich** -  
Tashkent State University of Economics,  
Scientific research  
**Mallaboev Abdullah** -  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Deputy Director of the Repository of Manuscripts

**Annotation:** The article discusses topical issues such as the financing of religious educational institutions, the effectiveness of the use of financial resources, the mechanisms of financial support for teachers and students, the importance and role of financial incentives. Analytical approaches of Uzbek and foreign scholars on the importance of funding religious education and the stages of its development were studied. The article presents a comparative analysis of the historical significance of funding and its current state, based on the results of monographic and expert and systematic analysis.

**Keywords:** Stories, religious literacy, teachers and students, school teachers, muaddibs, teachers working in mosques and madrassas, time-related salary, student-related salary, muaddibs, judges, Bayt al-Hikma, Fatimids, Charter, Charter, award, reward, praise, encouragement, literary award, special religious education, religious education in public educational institutions, education through electronic portals of official religious education.

**Кириш.** XX аср охири XXI асрнинг бошла-рида дунё мамлакатларининг ўзаро боғлиқлик даражаси ортиб, барча соҳаларда глобаллашув жараёнининг авж олиши миллий иқтисодиётларда инсон капиталига эътиборнинг янада кучайишига замин ҳозирлади. Зеро замонавий олий таълим муассасаларини барпо этилиши ҳаётий заруриятлиги ва мамлакатларнинг ривожланиши бўйича ўзининг устувор аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бу ўз навбатида олий таълим тизимини ривожлантиришнинг аҳамиятини белгилаб беради. Мазкур жараён эса тизимдаги молиявий ресурслар ва уларнинг самарадорлигини оширишни тақозо этади. Демак, бундан олий таълим тизими ва ундаги молиявий ресурсларнинг самарадорлигини ошириш борасида тадқиқотлар қилишни ҳамда унинг қонуниятларини кўрсатиб беришни долзарблиги келиб чиқади.

Тарихдан маълумки, ислом оламида илм-фан ривожига катта эътибор берилиш билан бир қаторда унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароит ўз вақтида тизимли равишда яратиб берилган. Жумладан, Моварауннахр ва Хуросан худудларида яратилган шароитлар ва берилган эътибор натижасида илм-фаннинг барча йўналишларида забардаст олим-уламо-лар, фақиҳлар, маматматиклар, астраномлар ва бошқа соҳанинг етук мутахассислари етишиб чиққани ҳеч кимга сир эмас. Ўз ўзидан маълумки, дунё олимларига устозлик қилган уламо-ларни етиштириб чиқарган худудда илм-фанга тарғиб, уни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш қай йўсинда йўл қўйилган-ки шунча алламо-лар етишиб чиққан ва илм-фан чўққилари забд этилганлиги борасида савол туғилади. Шу боис, уларнинг илм-фан соҳаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, мударрис ва талабаларга яра-

тилиб берилган шарт-шароитлар, ойлик маошлари (нафақалар), стипендия тўловлари, илм-даргоҳларини сақлаб туриш харажатлари ва бошқа молиявий дастакларнинг тизимли равишда йўлга қўйилиши, молиялаштириш манбаларининг узлуксизлиги каби жиҳатларини ўрганиш ва бугунги кундаги амалий аҳамиятини асослаб бериш мазкур мавзунинг муҳимлигини тасдиқлайди.

Бугунги кунда Республикамизда диний-маърифий соҳани тубдан такомиллаштириш, ажодларимизнинг бой илмий меросларини тадқиқ этиш бўйича халқаро илмий тадқиқот марказлари, мавжуд диний таълим муассасаларини фаолиятини ривожлантириш борасида кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан соҳада туб ўзгариш ва ислохотларни олиб бориш мақсадида бир қанча фармон, қарор ва фармойишлар чиқарилди. Жумладан, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон Қарори, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5416-сон Фармони, 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4436-сон Қарори, 2020 йил 11 августдаги “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4802-сон Қарор[1] лари шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида” 364-сон, 2017 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 483-сон, 2018 йил 1 ноябрдаги “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 896-сон Қарор[1] лари ҳам диний-маърифий ва диний таълим муассасаларини ривожлантиришга, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.** Диний таълим (олий таълим) муассасаларини молиялаштириш, профессор-ўқитувчиларга ойлик иш ҳақлари жорий этиш, илм толиблари (талабалар)га (стипендия) нафақалар тайинлаш масалалари хорижлик олимлар томонидан жумладан, Доктор Аҳмад Шалабий, Салоҳуддин Мунжид, Khuda Bukhsh, William Schweiker, Maria

Antonaccio, Elizabeth Bucar, David A. Clairmont каби олимларнинг тадқиқотларида диний таълим муассасалари ва соҳада фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва мураббийларга маош тўлаш, уларни рағбатлантириш, талабаларга стипендия тайинлаш каби жиҳатлар ўрганилган. Бироқ, ўзбек олимлари томонидан ушбу йўналишда, ўқитувчи ва мураббийларга ойлик маошлари тайинлаши, талабаларнинг (нафақалари) стипендия тайинланиши, молиялаштириш манбалари борасида тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу эса ўз навбатида ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришни, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигининг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усуллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

**Таҳлил ва натижалар:** Ислом оламида илм-фанни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш, илм соҳибларини қадрлаш, талабаларга илм олишлари учун шароит яратиш бевосита Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) давридан бошланганлиги тўғрисида далиллар мавжуд. Зеро, У зот Маккани фатҳ этиб, Мадинага қайтиш чоғларида Маъоз (р.а.)ни Макка шаҳрига муаллим қилиб қолдирганлар. Маъоз (р.а.) маккаликларга янги диннинг янги қоидаларини ўргатиш билан шуғилланган.

Умар (розияллоху анху) даврига келиб, ислом ўлкаси ҳудудий жиҳатдан кенгайган. Натижада Умар (розияллоху анху) бир нечта саҳобаларни ақл-заковатини, илмий салоҳиятини инобатга олган ҳолда танлаб олиб, ўша даврдаги машҳур шаҳарларга муаллим сифатида юборди. Мазкур саҳобалар Маоз (р.а.)нинг Маккадаги фаолиятини давом эттирган, яъни маҳаллий аҳолининг диний саводхонлигини оширишга хизмат қилган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) Куфада, Абу Мусо Ашъарий (р.а.) эса Басрада таълим соҳасида ислохотлар олиб борган ва маҳаллий аҳоли вакиллариининг саводини оширишга ҳаракат қилган. Шунингдек, фақиҳлар қўшин таркибида муҳим ўрин тутган. Профессор Гиббнинг ёзишича, мусулмонлар фақат ҳарбий саркарда эмас, балки янги диннинг қоидаларини ўргатадиган марказ бўлган[2, 193-б].

Умавийлар даврига келиб, давлат раҳбарлари асосан сиёсий ишлар билан машғул бўлган. Шунинг учун уларда фатво бериш ва одамларга диний билимлардан сабоқ бериш каби хислатлар кам учраган. Айнан шу ўринда олимларнинг нуфузи ошиб, уларга таълим бериш масъулияти

юклатилган. Ислоннинг илк даврларда илм соҳиблари - олимлар давлат томонидан моддий рағбатлантирилмаган. Улар фақатгина савоб умидида одамларга диний таълим берган. Ўша даврда таълим муассасалари сифатида асосан масжидлар фаолият олиб борган ва олимлар масжидларда таълим бериш билан машғул бўлган. Чунки, масжидларда ўргатилаётган илмлар ҳозирги кунимиздаги каби фанлар, мавзуларга ажратиб ўргатилмаган. Балки ҳар бир олим ўз билими ва салоҳиятидан келиб чиқиб, фатво ва диний таълим бериш билан шуғилланиб келган. Бу берилаётган дарслар илмлар давлат томонидан молиялаштирилмаган ва дарс вақтлари тартиби режалаштирилмаган.

Шунингдек, бу даврда таълим бевосита Қуръони карим билан боғлиқ бўлган. Олимлар Қуръони карим тиловати, тажвиди ва тафсиридан дарс берган. Аммо таълим олиш истагида келган тингловчилардан бунинг учун ҳақ олинмаган. Чунки ўша даврда Қуръон карим таълими учун ҳақ олишни кўплаб олимлар ёқламаган. Ҳатто олим ва муаллимлар таълим учун ўз ҳисобларидан маблағ сарфлаганлар. Жумладан, Нишопур муҳаддиси Абу Бакр Жавзаний раҳимахуллоҳ бу ҳақида шундай деган: “Ҳадис таълими учун юз минг дирҳам сарфладим. Лекин бир дирҳам ҳам фойда олмадим” [2, 217-б].

Таълим соҳасини молиялаштириш дарсларни мавзуларга ажратишдан бошланган. Дарслар муайян мавзуда олиб борилиши ҳақидаги фикрлар ўртага ташлангандан сўнг ҳукумат таълим соҳасига бевосита аралаша бошлаган. Таълимни мавзуларга ажратиш илк марта Муовия (розияллоху анху) даврида рўй берган. Ислоний таълимнинг илк мавзуси “қиссалар” бўлди [2, 194-б].

Ҳатто Мовароуннаҳр олимлар Бағдодда “Низомия” мадрасаси таъсис этилганини эшитиб, илмга мотам тутиб, шундай ҳасрат-надомат қилганлари манбаларда қайд этилади: “Илм билан олий ҳиммат ва покиза нафс соҳиблари шуғилланар эди. Улар илмнинг шарафли экани ва комилликка фақат илм билан эришиш мумкинлигини ният қилиб, таълим беришар эди. Агар илмга ҳақ тўланадиган бўлса, илмга дангасалар ёпирилади. Бу эса илмнинг обрўсизланиши ва заифлашишига сабаб бўлади” [2, 194-б].

Мақризий раҳимахуллоҳ бу ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Али (розияллоху анху) бир кун намозда имомликка ўтиб, кунут дуосини ўқийди ва мазкур дуода ўзига қарши курашаётган ҳарбийлар (Муовия (розияллоху анху) тарафдорлари)ни дуои бад қилади. Бундан хабар топган Муовия (розияллоху анху) қиссахон лавозимини жорий қилади. Қиссахонларнинг вазифаси бомдод намозидан сўнг ҳамда шом ва хуфтон намозларининг орасида мажлис ташкил

қилиб, қиссалар ёрдамида одамларни Муовия (розияллоху анху) тарафга чорлаш эди. Муовия (розияллоху анху) бу иш билан сурияликларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиб, Усмон (розияллоху анху)ни мудофаа қилишга бепарво бўлган одамларга қарши курашишлари учун ватанпарварлик туйғуларини пайдо қилишни ният қилган эди [2, 194-б].

Таълим соҳасидаги бу илк ислоҳот, яъни “қиссалар” мавзусидаги дарслар 38/658 йилда Мисрда ташкил қилинган. “Амр” жоме масжидида қиссахонлик қилганлар орасида Абу Исмоил ибн Нуъам ва Абу Ражаб ибн Осим (раҳимахуллоҳ)лар ҳам бор эди. Қиссахонларга ойига 10 динар (тилла танга) тўланар эди” [2, 194-б].

Ислон оламида қадимда муаллимлар уч тоифага ажратилган:

1. Мактаб муаллимлари;
2. Муаддиб (одоб берувчи, мураббий)лар;
3. Масжид ва мадрасаларда фаолият юритган мударрислар [2, 200-б].

Бу уч тоифа фаолияти ва билим савияси билан бир-бирдан фарқ қилган. Шунинг учун уларга бўлган ҳурмат-эътибор ва рағбат ҳам турлича кўриниш олган.

#### *Мактаб муаллимлари*

Муаллимлар қишлоқлардаги мактабларда фаолият юритганлар. Улар, асосан, қишлоқдаги ёш болаларга Қуръондан таълим бериш билан шуғилланганлар. Бу тоифа муаллимлар фақат Қуръон тиловати ва тажвид илмларидан сабоқ берганлар. Улар бошқа диний билимлар, жумладан, фикҳ, тафсир ва ҳадис каби илмларни яхши ўзлаштирмаганлар. Бу тоифа муаллимлар кунлик ризқ топиш мақсадида таълим берганлар. Ўқувчилар уларга нон, кийим ва бошқа шу каби арзимас маош билан таъминлаб турганлар.

Ғарб тадқиқотчиларидан Голдзиҳер ва Ламменс мазкур муаллимларнинг аксарияти мавлолардан бўлган. Мавло озод қилинган қул бўлиб, жамиятда катта обрўга эга бўлмаган [3]. Бу ҳолат ҳам мазкур муаллимларга камроқ маош тўланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Ҳатто баъзи муаллимлар бир бурда нон учун “Кавсар” сурасини ўргатгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу маълумотларнинг ишончлилиги хусусида баъзи қарашлар бор бўлса-да, бу ҳолат мактаб муаллимларининг кам маошга ҳам қаноат қилиб яшаганларини билиш мумкин. Ибн Ҳавқал раҳимахуллоҳ Сицилиядаги мактаб муаллимлари маошининг озлиги ҳақида шундай ёзади: “Улар бир йилда ўн дирҳам пул топдилар. Ҳатто уларнинг йиллик маоши баъзида бу миқдорга ҳам етмайди” [2, 223-б].

Мактаб муаллимларига тўланадиган ҳақ ўқувчиларнинг иқтисодий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлган. Ота-оналар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муаллимларни рағбатлантириб

турганлар. Муаллимларнинг маошини умумий ҳолатда икки қисмга ажратиш мумкин:

1. *Вақт билан боғлиқ бўлган маош.* Аксарият ўқувчилар шу услубда муаллимга ҳафталик ва ойлик ҳақ тўлашган бўлиб, бунда муаллимнинг маоши битта нон ёки шу каби арзон матоҳлар билан ҳам тўланган. Шунингдек, байрам ва фасллардаги маросимлар муносабати билан ҳам буғдой, арпа ёки нақд пуллар ҳам тўлани турган.

2. *Ўқувчи боланинг ўзи билан боғлиқ маош.* Бунда ўқувчи Қуръондан бирор сурани тугатгач, ота-оналар муаллимга ташаккур айтиш мақсадида маълум миқдорда ҳақ тўлаб борганлар. Хусусан, ўқувчи Қуръонни тўлиқ ёдлаб бўлганда муаллимга кўпроқ ҳақ тўланган. Тўланадиган ҳақ ўқувчи оиласининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб ҳар хил бўлган. Кимдир кийим-кечак, яна кимдар озиқ-оват, бошқалар эса нақд пуллар билан муаллимни рағбатлантирганлар[2, 224-б].

*Муаддиблар* - Муаддиб, яъни тарбиячи муаллимлар, асосан, халифалар, вазир ва амирлар ҳамда бадавлат шахсларнинг фарзандларини тарбия қилиш билан шуғилланганлар. Шу боис муаддибларнинг обрўси ва жамиятдаги мавқеи баланд бўлган. Халифалар ва подшоҳлар фарзандларига яхши таълим ва тарбия беришга алоҳида эътибор қаратганлар. Бу эса ўз навбатида муаддибларнинг мавқеи амирлар ва валиаҳд шахзодалар билан тенглаштирилган. Шунингдек, муаддибларга тўланадиган ҳақ ҳам юқори бўлган. Мисол учун Али ибн Ҳасан Аҳмар раҳимахуллоҳ 194/810 йилда халифа ал-Аминнинг фарзандларига муаддиблик қилишидан олдин жуда камтарона ҳаёт кечириб, яъни бир хонали уйда истиқомат қилар эди. Муаддибликка тайинлангандан сўнг унинг иқтисодий ҳаёти сезиларли даражада яхши томонга ўзгарган. Муҳаммад ибн Жаҳм раҳимахуллоҳ бу ҳақида шундай деган: “Биз Аҳмар раҳимахуллоҳнинг олдида борганимизда, бизни хизматкорлар кутиб олар эди. Биз подшоҳларнинг саройига ўхшаш бир қасрга кирар эдик. Қасрдан Аҳмар раҳимахуллоҳ подшоҳлар кийимида чиқиб келар эди” [2, 208-б].

Муаддибларга тўланадиган ҳақ ҳам шу каби юксак миқдорда бўлган. Жумладан, Умавийлар халифаси Ҳишом ибн Абдулмалик раҳимахуллоҳ иқтисодий жиҳатдан қаттиққўл бўлишига қарамай, фарзандлари учун тайинланган муаддиб Зухрий раҳимахуллоҳга етти минг динор ҳақ тўлагани манбаларда қайд этилган. Халифа фарзандларига муаддиблик қилган Кисой раҳимахуллоҳга ҳам ўн минг дирҳам ва битта чиройли жория берилган ва барча эҳтиёжлари халифа томонидан қопланган[2, 225-226-б].

Шу каби тарихий маълумотларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, муаддибларнинг ўртача ойлик маоши минг дирҳамни ташкил қилган. Дирҳам кумуш тангани англатади. Шунингдек, муаддибларнинг маошлари тилла тангада ҳам тўланган бўлиб, улар ҳар ойда ўртача етмиш динор ҳақ олганлар[2, 226-б]. Албатта, муаддибларнинг бу қадар катта миқдорда маош олишларига халифа, подшоҳ ёки мансабдор шахсларнинг саҳийлиги ва иқтисодий ҳолати ҳам катта туртки бўлган.

*Масжид ва мадрасалардаги мударрислар.* Мударрислар энг обрўли ва юксак мартабали олимлар бўлган. Улар халифа ва подшоҳларнинг ҳузурда ҳам катта ҳурматга эга бўлиб, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларда маслаҳат бериб турган. Ҳатто подшоҳлар ҳам бу олимларнинг хизматида бўлган. Шунинг учун уларга тўланадиган маош ва мукофотлар ҳам юқори бўлган. Мударрисларнинг яшаш шароитлари ҳам жуда яхши бўлган. Чунки халифа, подшоҳ ва бадавлат савдогарлар уларнинг ҳолидан доимий тарзда хабардор бўлиб турган. Жумладан, халифа Маъмун раҳимахуллоҳ Ҳунайн ибн Исҳоқ раҳимахуллоҳга тўхтовсиз ҳада юбориб тургани тарихдан маълум. Шунингдек, Имом Шофеъий раҳимахуллоҳ Мисрга келганида Ибн Абдулҳакам раҳимахуллоҳ у зотга минг динор, савдогар Ибн Асома ҳам минг динор ва яна икки савдогар ҳам минг динор ҳада қилгани манбаларда қайд этилади[4].

Қолаверса, мударрислар бир нечта соҳаларда фаолият юритиб, ҳар бир фаолияти учун ҳам маош олганлар. Жумладан, Зажжож раҳимахуллоҳ (в. 310/922 й.)нинг исми ҳужжатларда надим, фақиҳ ва олим сифатида қайд этилиб, ҳар бир лавозими учун маош олган. Бу маош ҳар ойда 300 динорни ташкил қилган.

Ибн Дурайд раҳимахуллоҳ (в. 321/933 йи.) Бағдодга келганида фақир инсон бўлган. Халифа Муқтадир унга эллик динор ойлик маош белгилаб берган[2, 225-226-б].

Кейинчалик мадрасалар таъсис этилиб, мударрислик лавозими жорий қилингач, мударрисларга умумий хазина (давлат хазинаси) ва вақфлардан ҳар ойда маълум миқдордаги маош ажратиладиган бўлди. Ойлик маошлар мударрисларнинг мавқеи ва вақфларнинг имкониятига қараб турлича белгиланган. Ҳар икки ҳолатда ҳам мударрисларга яхши маош тўланган дейиш мумкин.

Мақризий ва Қалақшандий раҳимахуллоҳлар Фотимийлар даврида муаллим ва давлат хизматчиларига тўланган маош ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Улар келтирган рўйхатга назар солинса, муаллимларнинг маоши юқори бўлганини кўриш мумкин [2, 329-330-б].

## ТАЪЛИМ ВА ФАН

№	Лавозим номи	Тўланадиган ойлик маош миқдори
1.	Вазир	5 000 (беш минг) динор
2.	Вазирнинг ўринбосари	200 (икки юз) динор
3.	Дасти шариф котиби	150 (бир юз эллик) динор
4.	Дарвозабон	120 (бир юз йигирма) динор
5.	Қозиюл-қузот	100 (юз) динор
6.	Доъиюд-дуъот (Бош мударрис)	100 (юз) динор
7.	Устозлар	100 (юз) динор
8.	Байтул-мол соҳиби	100 (юз) динор
9.	Рисола соҳиби	100 (юз) динор
10.	Дафтардор	100 (юз) динор
11.	Қиличдор	70 (етмиш) динор
12.	Найзадор	70 (етмиш) динор
13.	Тафтиш девони раиси	70 (етмиш) динор
14.	Хос табиб	50 (эллик) динор
15.	Таҳқиқ девони раиси	50 (эллик) динор
16.	Мажлис девони раиси	40 (қирқ) динор
17.	Масжид воизи	10 (ўн) динордан 20 (йигирма) диноргача
18.	Халифа шоири	10 (ўн) динордан 20 (йигирма) диноргача
19.	Саройда яшаган бошқа табиблар	10 (ўн) динор

Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ ҳам таълим соҳасида баъзи ислоҳотларни амалга оширган. Жумладан, “Мадрасаи салоҳия” номли мадраса қурдиради ва Шайх Нажмуддин Хабущий раҳимаҳуллоҳни мазкур мадрасага мударрис ва назоратчи қилиб тайинлайди. Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ бу лавозимда ишлайдиган олим учун қуйидаги маошлар тўланиши ҳақида қарор чиқаради:

1. Дарс бериш учун ҳар ойда 40 (қирқ) динор;

2. Вақф ишларини назорат қилиб туриш учун ҳар ойда 10 (ўн) динор;

Шунингдек, бу лавозимда ишлаганларга ҳар куни 60 Миср ратлида нон ва ҳар куни икки марта Нил дарёсидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган[2, 230-323-б].

Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ “Суюфия” номли яна бир мадраса қурдиради ва Шайх Маждуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Жабтий раҳимаҳуллоҳни мударрис этиб тайинлайди. Мударрисга эса, 11 (ўн бир) динорлик ойлик маоши тайинлайди[2, 231-б].

*Қозилар*[2, 221-б] - Қозиларнинг фаолияти ҳам таълим соҳасига алоқадор бўлиб, аҳолига фикҳий ҳукмларнинг амалда татбиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қозилик жуда масъулиятли вазифа бўлиб, қозиларга ойлик маош ажратилган. Ибн Халдун раҳимаҳуллоҳнинг ёзишича, Миср қозиси Фазл ибн Ғоним раҳимаҳуллоҳ 198/814 йилда ҳар ойда 168 динор ойлик олган. 212/827 йилда худди шу лавозимда ишлаган Исо ибн Мунқадир раҳимаҳуллоҳ эса, ҳар куни 7 динордан маош олган[5].

Ҳукуматнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиши шу тарзда бошланган. Кейинчалик давлат томонидан таълим муассасалари ташкил этилгач, бу ислоҳотлар кўлами кенгайиб борди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Аббосийлар Бағдод шаҳрида “Байтул-ҳикма”ни ташкил қилиб, бир қатор олимларни таржима ва кўчириш ишларига жалб қилдилар. Мазкур олимларга катта миқдорда ойлик маошлар ва иш ҳақлари тайинланган. Шу билан бирга аббосий халифалар мазкур таълим муассасаси бошқарувини тўлиқ ўз қўлларига олган.

2. Қоҳирадаги *Фотимийлар* даврида ҳам таълим соҳаси ҳукумат томонидан тартибга солинган. Улар махсус диний соҳа таълимига алоҳида эътибор қаратиб, дарслар мавзусини назоратга олганлар.

3. Таълим соҳасининг ривожланишида *Низомул-мулк* олиб борган ислоҳотлар алоҳида ўрин тутди. Низомул-мулк “*Низомия*” мадрасаларини ташкил қилиб, мударрис ва олимларни танлаб олган ва уларга катта миқдорда ҳақ тўлаш тизимни жорий қилди. Мазкур мадрасалардаги таълим йўналиши, асосан, Бувайҳийлар даврида кенг тарқалган шиаларнинг мазҳабига раддия бериш ва Аҳли сунна мазҳабини кенг ёритишга қаратилган эди. Бу ишларда ҳукумат бош-қош бўлган ва мударрисларни қаттиқ назорат остига олган. Хусусан, шиаларга ён босган ёки шиа мазҳабига эътиқод қилган мударрислар мазкур мадрасалардан бўшатиб юборилган.

Низомул-мулк мадрасалари ҳақида Имоуддин Асфҳоний раҳимаҳуллоҳ шундай ёзади: “Салжуқийлар даврида қаерда бир олим машхур бўлиб, илмда денгиз бўлса, дарҳол мазкур олим учун ўша ерда бир мадраса қурилар, унга бир бир вақф ажратилиб, ичида кутубхона ташкил қилинар эди” [2. 101-б].

Шунингдек, Шомда Нурудин ва Мисрда Салоҳуддин ҳам айнан шу каби ислоҳотларни амалга оширганни кўриш мумкин. Бу давлат раҳбарлари ҳам мадрасалар барпо қилиб, дарслар маълум бир фикҳий мазҳаб асосида олиб борилишини назорат қилиб борганлар.

Кейинчалик аббосий халифа Мунтасир (в. 640/1243 й.) даврида “Мунтасирия” мадрасаси ташкил қилиниб, у ерда тўрт мазҳаб асослари ўргатила бошлади. Мадраса тўрт “айвон” (бино)га ажратилиб, ҳар бир айвонда муайян мазҳаб таълимотлари ўқитилган. Ҳар бир мазҳабдан бир мударрис танлаб олинган. Ҳар бир мударрис 75 та талабага таълим берган. Ҳукумат томонидан мударрис ва талабаларга ойлик маош тайинланган[3].

Таълим соҳасида олиб борилган ислохотларда ўқувчи ва талабалар ҳам эътибордан четда қолмаган. Талабаларни таълимга қизиқтириш мақсадада мукофотлар ҳам ташкил қилинган. Мукофотлар икки турга бўлинган:

1. *Жоиза*. Талаба маълум бир фан асосида бўлиб ўтган мусобақада ғалаба қозонса, жоиза билан мукофотланган.

2. *Мукофот*. Бу рағбатлантириш талаба яхши ўқигани ва фанларни пухта ўзлаштириб, аъло баҳолар билан бошқалардан ажралиб тургани учун берилган[2. 257-б].

Бу мукофотлар икки хил услубда амалга оширилган:

1. *Мақтов, рағбатлантириш ва шижоатлантириш*. Бу “адабий мукофот” ҳам дейилади. Ўқувчилар орасида одоби ва билими билан ажралиб турадиган аълочи талабалар шу мукофот билан тақдирланиб турган. Одатда, аълочи ўқувчи от ёки хачирга миндирилиб, чиройли либослар кийдирилган. Сўнг тенгдошлари ҳамроҳлигида шаҳарнинг энг муҳим кўчаларидан олиб ўтилган. Одамлар ўқувчини табриклар, унинг устидан бодом ва ёнғоқ каби нарсаларни сочишган. Бу эса, бошқа ўқувчиларни илмга бўлган рағбатини оширишга хизмат қилган [2.258-б].

2. *Молиявий жоиза ва мукофотлар*. Моддий рағбатлантиришлар, асосан, мадраса таъсисчилари томонидан белгиланган. Салоҳиддин Мунжид раҳимахуллоқ бу ҳақида шундай ёзади: “Илм билан машғул бўлган (талаба)ларнинг ҳар бирига 8 дирҳам берилган. Ким кўпроқ илм билан шуғилланса, мазкур маош миқдори ҳам ошириб борилган. Тингловчиларга уч ёки тўрт дирҳамдан берилган. Яхши ўқиган тингловчиларга кўшимча ҳақ тўланган. Шунингдек, иқтидорли талабаларга кўшимча равишда саккиз дирҳам тўланган. Ҳадис китобларини ёд олган талаба эса, шайх (устоз) томонидан алоҳида жоиза билан тақдирланган”[6].

Ислом дини тарихида олиб борилган таълим соҳасидаги ислохотларда муаллим ва талабаларга тўланадиган маош ва мукофот пуллари, асосан, дирҳам ва динор тангалар кўринишида бўлган. Дирҳам ва динор узоқ вақт давомида Ислом ўлкаларида асосий пул бирлиги сифатида муомалада бўлган. Бу тангалар ҳозирда истеъ-

молдан қолган бўлса-да, баъзи диний аҳкомларни амалга оширишда ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Яъни дирҳам ва динор тангалар ҳар бир давлат ва шаҳарда турлича вазнда зарб этилган бўлиб, уларнинг қийматини ҳозирги пул бирликлари билан солиштириш деярли имконсиз. Лекин дирҳам ва динорнинг шаръий миқдори ҳозирга қадар сақланиб қолган. Мазкур шаръий миқдорга суянган ҳолда муаллим ва талабаларнинг моддий жиҳатдан қай даражада қўллаб-қувватлангани ҳақида бир оз бўлса-да тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Дирҳам кумуш танга бўлиб, қадимда кенг қўлланилган пул бирлиги саналади. Дирҳамнинг шаръий вазни ҳанафийлик мазҳабида 3,125 граммни ташкил қилади. Ҳозирда дирҳамни пул бирликлари билан ифодалашда закот нисоби эътиборга олинмоқда. Яъни 200 (икки юз) дирҳам закот нисоби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Муслмонлар идораси томонидан 1436 ҳижрий йил Рамазон ойи (2020 йил июнь-июль) учун закот нисоби 21250 000 (йигирма бир миллион икки юз эллик минг) сўм этиб белгиланди. Ушбу закот нисобига кўра ҳисобласак, **1 дирҳам** ҳозирги миллий валюта-мизда **106 минг 250 сўмга** тенг бўлади.

Динор тилла танга сифатида ишлатилган бўлиб, унинг шаръий миқдори эса, ҳанафийлик мазҳабида 4,250 граммдан иборат. 20 динор закот нисоби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Муслмонлар идораси томонидан эълон қилинган закот нисобига кўра ҳисобласак, **1 динор** ҳозирги миллий валюта-мизда **1 миллион 6 минг 250 сўмга** тенг бўлади.

Шу ҳисобга суянган ҳолда муаллим ва талабаларга тўланган юқоридаги маош ва мукофот пуллари ҳақида тахминий ҳулосага эга бўлиш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳам Республикамизда мазкур йўналишда таълим олиш, илми изланишлар олиб бориш бўйича етарли шароитлар яратиб берилган. Диний таълим олиш бўйича яратилган имкониятларни инобатга олган ҳолда Республикамизда диний таълим олиш соҳасини шартли равишда 3 бўғинга бўлиш мумкин:

1 - махсус диний таълим,

2 - давлат таълим муассасаларидаги динга оид таълим,

3 - расмий диний таълим электрон порталлари орқали таълим олиш.

Ўзбекистонда 15 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 13 таси Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари, жумладан, 3 та олий - Тошкент ислом институти, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби ва 10 ўрта махсус ислом билим юртлари ҳисобланади (улардан 2 таси

аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасалари) ва 2 та ноисломий диний таълим муассасаси мавжуд[7].

Ўтган яқин йиллар давомида республика-мизда ҳам дунёдаги бошқа давлатларда бўлгани сингари диний таълим сифатини оширишга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Диний таълим тизимини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Ҳадис илми мактаби энг илғор диний таълим муассасасидир. Марказий Осиёда ноёб ҳисобланган бу таълим муассасасида таълим жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, таълим жараёнларига хорижий ноёб мутахассислар ҳам жалб қилинмоқда.

Ўрта махсус маълумотли имом-хатиблар малакасини ошириш ва уларни олий маълумотли қилиш мақсадида Тошкент ислом институтида 3 йиллик модуль таълим тизими жорий этилди. Мазкур таълим тизимига 2019-2020 ўқув йилидан асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда имом-хатиблар ўқишга қабул қилинди.

3 та илмий тадқиқот муассасалари (Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқот маркази, Имом Термезий номидаги илмий тадқиқот маркази ва Имом Мотрудий халқаро илмий тадқиқот марказлари) ҳамда Ислом цивилизация маркази фаолият олиб бормоқда.

Мазкур таълим даргоҳларидан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Мусулмонлар идораси муассислигида ташкил этилган бўлиб, диний ва дунёвий илмларни парапелл ўргатувчи олий таълим муассаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 466-сон Қарори[1] асосида ташкил этилган. Шу билан бир қатор ушбу олий таълим даргоҳи давлат ташкилоти ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистонда диний таълимдан фарқли ўлароқ *академик диншунослик-исломшунослик* таълими ҳам йўлга қўйилган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси бу йўналишда малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Қолган барча таълим муассасалари бево-сита Ўзбекистон мусулмонлар идораси маблағлари, Вақф хайрия жамғармаси ва талабалар томонидан тўланадиган тўлов-контракт маб-

лағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда молиялаштирилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Диний таълим муассасаларининг бугунги кундаги молиявий ҳолати, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг стипендияларининг тайинланиши ўрнатилган стандартларга ҳам мос ҳолда эмас. Ўзбекистон аҳолисининг қарийиб 95 фоизини мусулмонлар ташкил этишини ва тарихдан ҳудудимизда етишиб чиққан олимлари, фақиҳлар дунё илм-фан бешигини тебратганлигига алоҳида ёндошилса ҳамда бугун ва келажакда шу каби олимларнинг яна қайта дунёга келиши ва шу соҳада яна дунёда етакчиликни қўлга киритиш мақсадида диний таълим муассасаларини молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш зарур. Диний таълим муассасаларини молиялаштиришдаги бугунги кундаги ечимини кутаётган масалалар сифатида қуйидагиларни келтириш ўринли: Жумладан,

- диний таълим муассасалари молиявий эркинлик берилиши:

- тўлов-контракт асосида қабул қилинаётган талабалар қабул квоталарини эркинлаштириш,

- аниқ ҳисоб-китоблар қилинган ҳамда таълим даргоҳининг харажатларини инобатга олган ҳолда, тўлов-контракт миқдорини белгилаш,

- диний таълим муассасаларига давлат буюртмаларини жорий этиш,

- ушбу соҳада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини қайта кўриб чиқиш,

- тўлов-контракт асосида хорижлик талабалар ўқишини йўлга қўйиш,

- соҳада етакчи бўлган хорижлик профессор-ўқитувчиларни ишга жалб этиш механизмларини ва уларнинг ойлик маошларини тўлаш тартибини ишлаб чиқиш,

- диний таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш бўйича асосли ҳисоблар бўйича маблағлар жалб этиш чораларини кўриш ва бошқа масалалар ўз ечимини кўтмоқда.

Мазкур масалалар ечими сифатида диний таълим муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида илмий асосланган канцепция ишлаб чиқилиши ва кенг жамоатчилик фикрлари ўрганилган ҳолда молиялаштириш манбалари бўйича таклифлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бир қаторда диний таълим муассасаларига молиявий ресурслар жалб қилиш борасида қуйидаги йўналишларда амалга ошириши мумкин бўлган ишларни тавсия этилади:



- Диний таълим муассасалари ҳузурида профессор-ўқитувчиларнинг потенциал илмий салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда муддати 7-9 ойдан ошмаган ҳолда, диний таълим даргоҳларида мавжуд йўналишларга кириш учун 5 та фан доирасида тайёрлайдиган тайёрлов курсларини ташкил этиш.

- 3-6 ойдан ошмаган муддат мобайнида араб тили курсларини жорий этиш.

- 3 ойлик ҳаттотлик курсларини ташкил этиш.

- Малайзия, Индонезия ва Туркия тажрибасини қўллаган ҳолда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан Ҳаж ва Умра зиёратига кетаётган зиёратчиларни 5 кунлик, 10 кунлик пуллик ўқитиш ишларини ташкил этиш. Бунда Умра зиёратига бораётган зиёратчилар 5 кунлик, Ҳаж зиёратига бораётган зиёратчилар 10 кунлик дастур асосида ўқитилиб, Ҳаж ва Умра зиёратининг асосий арконлари (фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаблари) ва зиёратчи аёлларга хос масалалар ўргатилади. Амалий дарслар тайёрланган макетлар асосида ўтилади.

- Дин ишлари бўйича қумита қошида Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилди) ташкил этилиши лозим. Мазкур Жамғарманинг маблағлари Республика Ҳаж ва Умра зиёратидан тушадиган маблағларнинг 2,0 фоиз миқдоридоғи ажратмалар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлардан иборат бўлади. Жамғармага йиғилган маблағлар доирасида диний таълим муассасаларининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш ва соҳада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, талабаларга имтиёзли стипендиялар жорий этиш, соҳага малакали чет эллик профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ва бошқа долзарб молиявий масалаларни ечими учун маблағ йўналтириш

- Диний таълим муассасаларнинг халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун:

- Ўзбекистоннинг халқаро мақомидан фойдаланган ҳолда БААнинг Ал-Нахён фонди билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

- Ислом тараққиёт банкининг имкониятларидан унумли фойдаланиш.

1. Хорижий диний таълим муассасалари (университетлар) билан қўшма дастурлар, қўшма факультетлар ва Double degree (икки даражали) лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш.

Давлат таълим муассасаларидаги динга оид таълим бўйича ҳолат ҳақидаги хулосалар:

1. Ўзбекистон дунёвий таълим муассасаларида дин ҳақидаги билимлар академик ёндашув асосида берилди;

2. Умумий ўрта таълим муассасалари 1-11 синф ўқувчилари учун умуминсоний ва диний кадриятлар, юксак маънавиятни ўзида мужассам этган “Тарбия” деб аталган янги фан жорий этилди. Бу фан ўз ичига дин билан боғлиқ маълумотларни тақдим этади;

3. Олий таълим муассасалари ўқув режасига “Диншунослик” фани киритилган. Ушбу фан доирасида жаҳон ва дунё динлари, миллий динлар ҳақида бирор бир динга устунлик бермаган ва камситмаган ҳолда таълим берилди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, барча диний таълим муассасаларида ҳам диний фанлар қаторида дунёвий фанлардан таълим берилди.

Ҳозирги кунда юртимизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институту, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби ва 10 та ўрта махсус ислом билим юрти, жумладан 2 та аёллар мадрасаси, Имом Термизий маркази, фикҳ, ақида, ҳадис ва тасаввуф мактаблари биргаликда узлуксиз диний таълим тизимини ташкил қилади. Уларда ўрта махсус таълим, бакалавриат, магистратура, докторантура босқичларини ўзига қамраб олган дин таълими тугалланган циклни ташкил этади. Мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларини молиялаштириш, тўлов-контракт маблағлари тўловини аниқ ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда белгилаш, профессор-ўқитувчилар ойлик маошларини қайта кўриб чиқиш, қабул квоталарини эркинлаштириш лозим.

Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши диний таълим даргоҳларининг моддий-техника базасининг яна мустаҳкамланишига, мавжуд бюджетдан ташқари молиявий ресурслар самарадорлигини оширишга ва молиявий барқарорлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади деган фикрдамиз.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) миллий қонунчилик базаси.
2. Доктор Аҳмад Шалабий. *Тарих ат-тарбия ал-исламия*. – Қоҳира: Дар ал-Кашишوف, 1954.
3. *Encyclopaedia of Religions and Ethics*. V p: 202. Моавиуа. Р. 361.
4. Khuda Bukhsh. *Islamic Civilization*. P. 277; Доктор Аҳмад Шалабий. *Тарих ат-тарбия ал-исламия*. – Қоҳира: Дар ал-Кашишوف, 1954. – Б. 227.
5. Абдулҳаким Жузжоний: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/zozi-uz/>. ҚОЗИ (араб. — ижро этувчи, ҳукм чиқарувчи) — мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. Батафсил маълумот учун хаволагақаранг.
6. Салоҳуддин Мунжид. *Вақф ал-малик ал-ашраф*. – Дамашқ; нашир ва нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 35.
7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қумита ҳисобот.

8. Абдулҳаким Жузжоний: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qozi-uz/>.
9. Вақф хайрия жамоат фондининг статистик хисоботлари
10. <https://www.religions.uz/>
11. З.Абдурашидов, Устози муаззам. <http://kh-davron.uz/kutubxona/>
12. Л.Асророва. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ханафий фикҳи. –Т: Тошкент ислом университети, 2014
13. Л.Асророва. Бухоро Мадрасалар тарихидан.-Т: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2017.
14. Б.Валихўжаев. Самарқандда олий таълим мадраси олия-университет тарихидан лавҳалар.- Самарқанд, 2001.
15. А.Иноятов, М.Солиева. Зулматдаги зиёкорлар. Эътиқодини истибдод бука олмаган бухорий зиёлилар ҳётидан ҳикоялар.1.-Т.: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2016.
16. А.Ирисов, А.Носиров, И.Низомиддинов. Ўрта Осиёлик қирқ олим. –Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1961.
17. Т.Раҳмонов. Маданий инқилоб: Бухоройи шарифга юриш. Фан ва турмуш, 1994. 3-сон
18. Р.Шамсутдинов, Б.Расулов. Туркистон мактаб ва мадрасалар тарихи (XIX аср охири ва XX бошлари). – Андижон, 1995.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ

**Қодиров Хумоюн Толибжон ўғли -**

Наманган муҳандислик-технология институти  
“Маркетинг” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

**Аҳмаджонова Мафтуна Баҳодир қизи -**

Наманган муҳандислик-технология институти  
“Маркетинг” кафедраси магистратура талабаси

**Аннотация.** Мақолада таълим хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобатни аниқлаш ва потенциал талабни баҳолаш учун маркетинг тамойилларидан фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган ҳамда, Наманган вилоятида олий таълим тизимини ривожланиши бўйича мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Таълим хизматлари, олий таълим муассасалари, олий таълим билан қамров даражаси, таълим тизимини ривожлантириш, таълим хизматлари бозори, қабул параметрлари, рақобат муҳити, илмий салоҳият, талабалар контингенти, олий таълим муассасалари рейтингли.

## РАЗВИТИЕ УСЛУГ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Қодиров Хумоюн Толибжон ўғли -**

Наманганский инженерно-технологический институт  
Старший преподаватель кафедры маркетинга, к.м.н.

**Аҳмаджонова Мафтуна Баҳодир қизи -**

Наманганский инженерно-технологический институт  
Магистрант кафедры маркетинга

**Аннотация.** В статье рассматриваются способы использования принципов маркетинга для выявления растущей конкуренции на рынке образовательных услуг и оценки потенциального спроса, а также даны комментарии по развитию высшего образования в Наманганской области.

**Ключевые слова:** Образовательные услуги, высшие учебные заведения, уровень охвата высшим образованием, развитие системы образования, рынок образовательных услуг, приемочные параметры, конкурентная среда, научный потенциал, студенческий контингент, рейтинг вузов.

## DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION SERVICES IN NAMANGAN REGION

**Kadirov Humoyun Tolibjon ogli -**

Namangan Institute of Engineering and Technology  
Senior Lecturer of the Department of Marketing, PhD

**Ahmadjonova Maftuna Bahodir qizi -**

Namangan Institute of Engineering and Technology  
Master's student at the Department of Marketing

**Abstract.** The article explores ways to use marketing principles to identify growing competition in the educational services market and assess potential demand as well as comments on the development of higher education in Namangan.

**Key words:** Educational services, higher education institutions, level of coverage with higher education, development of the education system, educational services market, acceptance parameters, competitive environment, scientific potential, student contingent, rating of higher education institutions.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га асосан: “мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги рўйхатига киритиш, шу жумладан, олий таълим билан қамров даражасини ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибдорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади” [1].

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Таълим хизматлари бозорини ҳам иқтисодиёт тармоқларидаги талабга асосланиган ҳолда ривожлантириш ҳозирга кун тартибидаги масалага айланди.

**Мавзуни ўрганилганлик даражаси:** Хорижлик олимлардан Ф. Котлер, Дж. Иган, Н. К. Малхотра ва бошқаларининг кўплаб тадқиқотларида таълим хизматлари бозорини ривожлантириш ва унинг маркетинг стратегиялари моҳияти бўйича илмий хулосалар шакллантирилган [2].

Ўзбекистонда эса, Б.Ш. Усмонов, З.Д. Адилова, О.С. Қаҳҳоров, Б.И. Адизов ва бошқа олимларимизнинг тадқиқотларида олий таълим хизматлари бозори ривожланишига оид илмий тадқиқотлар олиб борилган [3].

**Таҳлил ва натижалар:** Таълим тизими соҳасида янги билимларни амалда қўллаш оладиган, муайян касб соҳасидаги инновацион имкониятлар кўламини тушуна оладиган кадрларга талаб юқори. Олий таълим тизими эса юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Юртимизнинг қатор университет ва институтларида хорижий турдош муассасалар билан ҳамкорликда қўшма диплом дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Албатта, бу тизимдаги янгиланишларнинг дебочаси.

Олдинда эса қилинадиган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўп.

Таълим хизматлари бозори – маркетингнинг янги истиқболли соҳаси. Шундай экан, бу жабҳада маркетингшунослик ва мониторингнинг аҳамияти жуда катта [4].

Республикада 129 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 96 таси миллий олий таълим муассасалари, 24 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади [5].

Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди. Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги бўйича шу кадрлар тайёрланмоқда.

2019-2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди. Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди. Умумий қилиб айтганда, Республика бўйича 2019-2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилмоқда (2017 йилда 48 та). Сўнгги 3 йилда 1693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ҳодимлар сони 9636 нафарга етди (шундан 2130 нафари фан доктори (DSc), 7506 нафари фан номзоди (PhD) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди.


Шу жумладан, Наманган вилоятида олий таълимнинг ривожланиш динамикаси асосида таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилнинг 31 декабр ҳолатига вилоят олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичида таълим олаётган талабалар 23284 нафар ва магистратура мутахассислигида таълим олаётган талабалар 830 нафарни ташкил этган. Бундан 10211 тасини эркактар, 9898 тасини эса аёллар ташкил этади.

## ТАЪЛИМ ВА ФАН

Талабаларнинг 15,0 % давлат грантлари асосида, 85,0 % тўлов-шартнома асосида таҳсил олган. 2019-2020 ўқув йилида бакалавр босқичини 3918 нафар талаба тамомлади[6]. Бу кўрсаткичларни ўтган ўқув йиллари билан таққослаганимизда қабул параметрлари сезиларли даражада ўсганини кўришимиз мумкин. Сўнгги 3 йил мобайнида вилоятдаги олий таълим муассасаларининг қабул параметрларини амалдаги ҳолатини куйидаги жадвалда кўриб чиқамиз (1-расм).

Наманган вилояти олий таълим муассасалари бакалаврият босқичига қабул қилинган та-

лабалар 2017-2018 ўқув йилида 4005 тани, магистратура босқичига қабул қилинганлар 36 тани ташкил этган бўлса, 2019-2020 ўқув йилида 6042 та бакалавриятга ва 289 та магистратурага қабул қилинди. Умумий қилиб айтганда, Наманганда 2020-2021 ўқув йили учун қабул параметрлари 24114 тани ташкил этди ва сўнгги 3 йилда вилоят олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ҳодимлар сони 1222 нафарга етди. Шундан 56 нафари фан доктори (DSc), 393 нафари фан номзоди (PhD) ҳисобланади. Вилоят олий таълим муассасаларидаги факультетлар эса 20 тани ташкил этди.



**1-расм. Наманган вилояти олий таълим муассасаларига қабул қилинган талабаларнинг йиллар кесимида таққослама таҳлили**

*Манба:* Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарорига асосан “олий таълим муассасаларини илмий салоҳиятини мустақамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш” мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан сўнгги 3 йилда олий

таълим муассасаларининг миллий рейтинги эълон қилиб келинмоқда[7].

Миллий рейтинг олий таълим муассасаларимизнинг нуфузли халқаро рейтингдан жой олишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ушбу рейтингда Наманган вилояти олий таълим муассасаларининг ҳам илмий салоҳияти чуқур таҳлил қилинганлигини куйидаги 1-жадвалда келтирилган

**1-жадвал**

### Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг рейтинги[8]

Миллий рейтингда тутган ўрни	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ	Миллий рейтингдаги балл кўрсаткичи
1	Ўзбекистон миллий университети	65,94
2	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	65,93
3	Самарқанд давлат университети	52,10
16	Наманган муҳандислик-технология институти	44,63
34	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	38,44
38	Наманган давлат университети	37,88

Наманган вилояти олий таълим тизимида 3 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида 1 та университет ва 2 та институтлар фаолият юритмоқда. 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бу рейтингдан 16-ўринда Наманган муҳандислик-технология институти 44,63 балл билан, 34-ўринда Наманган муҳандислик-қурилиш институти 38,44 балл билан, Наманган давлат университети эса 38-ўринда 37,88 балл билан жой эгаллади.

Янгиланган методикага олий таълим муассасаларининг битирувчилари ҳақида иш берувчилар баҳоси, талабаларнинг мутахассислик фанларини билиш даражаси, профессор-ўқитувчилар яратган илмий мақолаларнинг “Web of Science” ҳамда “Scopus” каби халқаро базалардаги улуши, халқаро индекслар маълумотлари асосида илмий нашрларга иқтибослар сони, олий таълим муассасаси илмий тадқиқот фаолиятининг натижадорлиги, таълим муассасасидаги ижтимоий-маънавий муҳит каби янги индикаторлар киритилди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан:

- олий таълим билан қамров даражасини ошириш таълим сифатини таъминлаш;
- илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш;
- олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- олий таълимнинг жозибadorлигини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардошликни таъминлаш ҳисобланади.

Узоқ истиқболли мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш асосида амалга оширилади.

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш асосида Наманган вилояти олий таълим муассасаларининг сўнгги 2020-2021 ўқув йилидаги талабалар контингенти билан қуйидаги 2-жадвалда танишишимиз мумкин.

2-жадвал

2020-2021 ўқув йилидаги Наманган вилояти олий таълим муассасаларининг талабалар контингенти

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Бакалаврият (жами)	Шундан бакалаврият (эркаклар)	Шундан бакалаврият (аёллар)	Магистратура (жами)	Шундан магистратура (эркаклар)	Шундан магистратура (аёллар)
1	Наманган муҳандислик-технология институти	6049	4566	1483	204	132	72
2	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	5588	4899	689	153	118	35
3	Наманган давлат университети	11647	4197	7450	473	264	209

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал маълумотларига кўра, Наманган вилояти бўйича олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг энг юқори кўрсаткичи бакалавр босқичида 11647 нафар ва магистратура мутахассислигида 473 нафар талаба билан Наманган давлат университетида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич бакалавр босқичида 5588 нафар ва магистратура мутахассислигида 153 нафар талаба билан Наманган муҳандислик-қурилиш институтида қайд этилмоқда. Наманган муҳандислик-технология институтида бакалавр босқичидаги талабалар 6049 тани ва магистратура мутахассислигида талабалар сони эса 204 тани ташкил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, Наманган вилояти олий таълим муассасаларидаги умумий талабалар контингенти 2020-2021 ўқув йили ҳолатига 24084 нафарни ташкил этмоқда.

**Хулоса ва тақлифлар:** Таълим тизими жамият ва давлатнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий бўғини бўлиб хизмат қи-

лувчи восита ҳисобланади ва бунда таълим хизматлари бозорини ривожлантириш алоҳида кўзда тутилади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси томонидан тақлиф этилган турли йўналишларини таҳлил қилган ҳолда, уларни табақалашган ҳолда қўллаш мумкинлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Рақобатбардош устунликка эришиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси таълим хизматлари бозоридида асосий ва қўшимча хизматларнинг фарқи, ўзига хос усулларини топиши керак, шу жумладан:

- иш берувчиларнинг жорий ва келажакдаги эҳтиёжларини аниқлаш;
- олий таълим муассасалари томонидан тақдим этиладиган асосий ва қўшимча таълим хизматларини “нарх-сифат” меъзонида мослаштириш;
- олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш;

таълим хизматларида рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида қўшимча таълим хизматлари, яъни илғор малака ошириш курслари, масофавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш, тренинглари ва консултатив хизматлар билан таъминлаш;

таълим хизматларининг янги турларини яратиш масалаларини ҳал қилиш зарур.

Маркетинг хизматлари томонидан олий ўқув юртлигининг аниқ йўналишлар ва мутахас-

сисликлар бўйича иқтисодийнинг турли соҳалари ва тармоқлари учун битирувчи мутахассисларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлаштириш натижалари таҳлилиги ҳам алоҳида эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони.* Манба: <https://lex.uz> сайти.
2. *Котлер, Ф. Маркетинг менежмент. Экспресс-курс / Ф. Котлер; 2-нашр.-СПб.: Питер, 2006. - 464с., Иган, Дж. Маркетинг взаимоотношений: Анализ маркетинговых стратегий на основе взаимоотношений / Дж. Иган; пер с англ. - М. ЮНИТИ, 2008. - 375 сс., Малхотра Н. К. Маркетинговые исследования. - М.: Вильямс. 2002, 960 с.*
3. *Б. Ш. Усмонов. Олий таълимнинг инновацион фаолияти ва уни иқтисодий ривожланишидаги ўрни. “Иқтисодий ва таълим” журнали. № 1, 2018 йил, З. Д. Адилова. Иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида фан ва таълимни такомиллаштириш: муаммолар ва таклифлар. “Иқтисодий ва таълим” журнали. № 6, 2018 йил, О. С. Қаҳҳоров, Б. И. Адизов. Олий таълим муассасасида битирувчиларни ишга (касбга) йўналтириш ва бандлигини таъминлаш. “Иқтисодий ва таълим” журнали. № 6, 2018 йил.*
4. *З. А. Ҳакимов. Таълимда маркетинг концепцияси: Келажакка қиритилган сармоя. “Халқ сўзи” газетаси. № 92 (7872), 2 май 2021 йил.*
5. <https://olivyoh.uz> сайти.
6. *Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.* Манба: <https://namstat.uz> сайти.
7. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.* Манба: <https://lex.uz> сайти.
8. <https://www.tdi.uz> сайти.

## АГРАР СОҶАДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚУЙИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДАН ФЙДАЛАНИШ

*Каленов Кузберген Тлегенович -  
Қорақалпоғистон Республикаси Бердах номидаги  
Қорақалпоқ давлат университети Мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларни классификациялаш ҳамда давлат-хусусий шерикчилиги ҳамда суғурта мукофотларининг бир қисмини ўзаро суғурталаш жамиятлари ташкил этиш орқали ушбу жамиятларга давлат томонидан тўлаб бериш билан қўллаб-қувватлаш орқали суғурта хизматлари билан таъминлашнинг самарадорлигига эришиш масалалари ёритилган ва хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ рисклар, агросуғурта, суғурталашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, рискларни бошқариш, ўзаро суғурта.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МИРОВОЙ ПРАКТИКИ ОТКЛЮЧЕНИЯ СТРАХОВЫХ УСЛУГ В АГРАРНОЙ СФЕРЕ

*Каленов Кузберген Тлегенович -  
Республика Каракалпакстан Каракалпакский государственный  
университет имени Бердаха самостоятельный соискатель*

**Аннотация.** В статье освещены и сформулированы выводы о рисках, связанных с деятельностью сельскохозяйственных предприятий, и их классификации, а также о достижении эффективности обеспечения страховых услуг посредством государственно-частного партнерства и поддержки этих обществ выплатой части страховых взносов государством путем создания обществ взаимного страхования.

**Ключевые слова:** Риски, связанные с деятельностью сельского хозяйства, Сельскохозяйственных предприятий, сельскохозяйственных предприятий, Агрострахование, государственная поддержка страхования, урожайность сельскохозяйственных культур, управление рисками, Взаимное страхование.

## USING THE WORLD PRACTICE OF DISABLING INSURANCE SERVICES IN THE AGRICULTURAL SECTOR

*Kalenov Kuzbergen Tlegenovich -  
Republic Of Karakalpakstan Karakalpak State University  
named after Berdakh Independent researcher*

**Annotation.** The article covers the risks associated with the activities of agricultural enterprises and their classification, as well as the issues of achieving the efficiency of providing insurance services by supporting them with the payment by the state through the establishment of Public-Private Partnership and mutual insurance societies of a part of the insurance premiums, and the conclusions are formed.

**Keywords:** Risks associated with the activities of Agriculture, Agricultural Enterprises, agricultural enterprises, Agro-Insurance, state support for insurance, agricultural crop yields, risk management, Mutual Insurance.

**Кириш.** Дунёда аграр суғурта дастурларининг кўплаб турлари мавжуд бўлсада, уларнинг бирортаси ҳам аниқ ва ишончли маълумотлардан фойдаланмасдан туриб амалга оширилмайди. Шу билан бирга бу тизим давлатнинг маълумотлар селексияси ва жамланиши каби муҳим йўналишидаги қўллаб-қувватлашисиз фаолият юрита олмайди. Қишлоқ хўжалигидаги актуал ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун эса аграр ишлаб чиқариш ҳамда об-ҳаво тўғрисидаги маълумотлар зарур.

Суғурта ташкилоти нуқтаи-назаридан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йўқотишлардан ҳимояланиш даражасини танлаш учун, томонлар қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга оши-

риш жараёнида дуч келадиган зарарлар табиати, ўзига хос хусусияти, ҳажми ва частотаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Суғурта мукофоти ставкалари нафақат ишлаб чиқарувчилар учун ҳамёнбоп бўлиши, балки суғурта мажбуриятларини юритиш ва суғурта қопламаларини амалга ошириш имконияти нуқтаи-назаридан ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Суғурта тарифларини ҳисоблаб чиқишда аграр ишлаб чиқарувчи томонидан суғурта қилиш тўғрисидаги қарорига қандай омиллар таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари нуқтаи-назаридан, қишлоқ хўжалиги суғуртаси

каби таваккалчиликларни бошқаришнинг муҳим усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишига таъсир қилувчи қатор омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай омиллар қаторида биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси бўйича хўжаликнинг пул маблағлари айланмаси ва кутилаётган даромаднинг бўлиши мумкин бўлган зарар ҳажмига нисбатини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир давлат қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва унинг барқарорлигини таъминлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида ҳисоблайди. Чунки қилоқ хўжалиги муҳим стратегик соҳа бўлиб, ушбу тармоқ орқали мамлакат фуқароларининг ҳаёт фаровонлиги таъминланади.

**Асосий қисм.** 2004 йилга келиб қишлоқ хўжалиги ўсимликлари мажбурий суғуртаси тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши ва унинг давоми сифатида 2006 йилда ўзаро суғурта тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши натижасида экин майдонларининг 78,3 фоизини суғурта хизматлари билан таъминлашга эришилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари суғуртаси ҳажмининг бундай даражага эришишида ўзаро суғурта тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муҳим роль ўйнади. ЎСЖнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари эгалари учун маъқул келган жиҳатларидан бири шу бўлдики, суғурта мукофотлари ЎСЖнинг ҳисоб рақамида тўпланади ва улар бошқа заҳиралар ташкил қилишга, инвестицияга, ЎСЖ аъзолари учун қисқа муддатли қарз беришга йўналтирилиши мумкин ва энг муҳими, тўпланган маблағлар ва уларнинг ишлатилиши тўғрисидаги маълумотлар шаффофлиги таъминланган ҳолда қишлоқ хўжалиги

суғуртасининг арзон ва ишончли тизими йўлга қўйилган.

Чет мамлакатлар тажрибасига кўра, қишлоқ хўжалиги суғуртаси учун бюджетдан ажратилган маблағлар конкурс асосида танлаб олинган суғурта ташкилотлари билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида тузилган суғурта шартномалари асосида ушбу суғурта ташкилотларига суғурта мукофоти сифатида ўтказиб берилади. Бу маблағлар қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан суғурта ташкилотига тўланадиган суғурта мукофотининг бир қисми бўлиб, қолган қисмини қишлоқ хўжалик корхонаси ўз ҳисобидан амалга оширади ва натижада корхона ўз фаолияти билан боғлиқ хатарларнинг тўлиқ суғуртавий таъминотига эга бўлади. Бундай таъминотга эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарининг экинларига ёки чорва молларига табиий ёки бошқа ҳодисалар натижасида зарар етказилганда кўрилган зарар давлат ёки ўзлари томонидан эмас, балки суғурта ташкилоти томонидан қоплаб берилади.

АҚШда қишлоқ хўжалиги суғуртаси кенг ривожланган суғурта тармоғи ҳисобланади. Ушбу мамлакатда қишлоқ хўжалиги суғуртасининг тарихи 1930 йилда Конгресс томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини федерал даражада суғурталаш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ хатарларни суғурталашда шу соҳадаги корхоналарни суғурта хизматларидан фойдаланишга кенг жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири сифатида, давлат-хусусий шерикчилигига (PPP-Publik-Private Partnership) асосланган моделлардан фойдаланишнинг синовдан ўтган хорижий мамлакатлар тажрибаларини келтириш мумкин.

1-жадвал

**АҚШда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган давлат-хусусий шерикчилик асосидаги моделига кирувчи дастурларнинг хусусиятлари**

Кўрсаткичлар	Хусусиятлари
Қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга оширишда қўлланилаётган асосий дастурлар	“Хавфлилик даражаси юқори бўлган хатарлардан суғурта қилиш” (CRP), “Ҳосилни суғурталашнинг кўп даражали дастури” MPCИ, “Туруҳ режаси дастури” GRP, “Даромадларни ҳимоя қилишга йўналтирилган дастур” IP
Мазкур дастурлар асосида суғурталанадиган хатарлар	Қурғоқчиликдан (53 %), сув тошқинидан (23 %), совуқ ҳаво оқимидан (6 %)
Мазкур дастурлар асосида суғурталанадиган қишлоқ хўжалик экинлари	Маккажўхори, буғдой, соя
Моделнинг асосий хусусиятлари	Суғурта дастурларини шакллантириш ва жорий этишда давлат суғурталанувчилар билан тўғридан-тўғри алоқада бўлади

АҚШда юқоридаги кўринишдаги давлат-хусусий шерикчилигига асосланган дастурларнинг қўлланилиши ушбу мамлакатда қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилишидан ва бунда суғурта воситасидан кенг фойдаланили-

шидан далолат беради. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керак, қишлоқ хўжалигида бу каби лойиҳаларни амалга оширишда бошқа қўллаб-қувватларда ҳам давлат-хусусий шерикчилиги асосида суғурта хизматларидан фойдаланилмоқда.



**Канада ва Исроилда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган давлат-хусусий шерикчилиги моделининг хусусиятлари**

Кўрсаткичлар	Канада моделининг хусусиятлари	Исроил моделининг хусусиятлари
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун асосий давлат суғурта дастурлари	Ҳосилни тўлиқ ёки қисман йўқотишдан суғурта қилиш дастури (фермерларнинг 80 фоизи фойдаланади)	Табий офатлардан (The natural Disaster Program) дастури (KANAT фонди орқали давлат томонидан бошқарилади)
Суғурталанадиган хатарлар	Совуқ ҳаво ва тошқин ҳодисаларидан суғурталаш	Қишлоқ хўжалиги экинларининг деярли барча турлари, шунингдек бутун мамлакат бўйлаб чорва моллари ва сув хўжалиги корхоналари суғурталанади
Суғурталанадиган экинлар	Буғдой, арпа, колза ва маккажўхори экинлари суғурталанади	
Моделнинг асосий хусусиятлари	Давлат таъсирининг юқорилиги	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси мажбурий ҳисобланади (бундақишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилари барчаси суғурталанади)

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича европа давлатлари ичида Испания тажрибаси энг самарали ҳамда давлат, маҳаллий ҳокимиятлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг манфаатларини оптимал даражада таъминлайдиган тизим ҳисобланади. Бу мамлакатда суғурта ташкилотларига қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлайдиган суғурта ва қайта суғурта мукофотларининг 60 фоизини давлат томонидан тўлаб берилади. Бунда суғурта қопламасини ҳисоблашда охириги 5 йиллик ҳосилдорликнинг ўртача ҳажми асос қилиб олинади [1, с. 214].

Испания қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида махсус қишлоқ хўжалиги суғуртаси агентлиги ташкил этилган бўлиб, ушбу агентлик суғурта фаолияти билан шуғулланади, Молия вазирлиги эса суғурта ва қайта суғурта фаолияти назоратини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва моллари ва сув хўжаликларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида суғурталаш Европа мамлакатларида кўп йиллардан бери самарали қўлланиб келмоқда. Ушбу давлатлардан Испания модели 35 йиллик тарихга эгаллигини алоҳида таъкидлаш мумкин [1, с. 214].

**Испания ва Туркияда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган давлат-хусусий шерикчилиги моделларининг хусусиятлари**

Кўрсаткичлар	Канада моделининг хусусиятлари	Исроил моделининг хусусиятлари
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун асосий давлат суғурта дастурлари	“Agroseguro” давлат компанияси томонидан ишлаб чиқилган “Seguros Agrarios Combinados” дастури	“TARSIM” бошқарув компанияси бошчилигидаги қишлоқ хўжалигини суғурталаш шерикчилиги
Суғурталанадиган хатарлар	Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, сув хўжалиги корхоналарини сув ресурслари камайишидан ва чорва молларини касалликлардан суғурталаш	Қурғоқчилик, тошқин, бўронлар ва чорва моллари ўлимидан суғурталанади
Суғурталанадиган экинлар	Буғдой, арпа, колза ва маккажўхори	Буғдой, помидор, зайтун ва узум
Моделнинг асосий хусусиятлари	Давлат-хусусий шерикчилиги асосида қишлоқ хўжалиги билан бирга чорва моллари суғуртасини ҳам қўллаб-қувватлайди	Испания моделига ўхшаш. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси “TARSIM” компанияси ва суғурта шерикчилиги орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртасини ўзаро суғурта ёрдамида амалга ошириш Европада кенг ривожланган. Айниқса бу йўналиш Австрияда кенг ривожланган бўлиб, бунинг қонуний базаси ушбу давлатда 1946 йилда яратилган. Ҳозирги даврда Австрияда қишлоқ хўжалигини суғурталаш ўзида 8 тадан ўзаро суғурталаш жамиятини (ЎСЖ) бирлаштирган ассоциациялар

томонидан амалга оширилмоқда. Улар нотижорат шаклидаги ЎСЖлар бўлиб, уларнинг фаолияти давлат томонидан қўллаб келинади, яъни ЎСЖларга фермерлар тўлайдиган суғурта мукофотларининг 50 фоизи давлат томонидан тўлаб берилади. Бунда ушбу маблағларнинг 25 фоизи маҳаллий бюджет маблағлари ва қолган 25 фоизи

зи федерал бюджет ҳисобидан тўлаб берилади. [2, с. 177]

Аммо шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги суғуртасида суғурта компанияси учун риск даражаси юқори ҳисобланади ва бу суғурталанувчи томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари қийматини белгиловчи тариф ставкаларининг бирмунча юқори бўлишига олиб ке-

лади. Айниқса қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини суғурталашда хўжаликлар катта миқдорда суғурта мукофотларини тўлаб беришларига тўғри келади.

Кўп ҳавфларни биргаликда суғурталашда субсидиялардан фойдаланишга асосланган дастур сифатида Австрия давлати тажрибасини ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз.

4-жадвал

Австрия ва Швецарияда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган давлат-хусусий шерикчилиги моделларининг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Канада моделининг хусусиятлари	Исроил моделининг хусусиятлари
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун асосий давлат суғурта дастурлари	“Die Osterreichische Hagelversicherung” ўзаро суғурталаш жамияти субсидияланган суғурта дастурларини бошқаради	Қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича суғурта шерикчилигига асосланган
Суғурталанадиган экин ва хатарлар	Экинлар билан боғлиқ ҳавфларни комплекс суғурталаш (қурғоқчилик, аёз, сув тошқини, уруғликнинг ўсиб кетиши, қор бўронлари ва зараркунандалар таъсири) ва чорва молларини касалликлар ва бошқа ҳавфлардан суғурталаш	Ўсимликларни суғурталаш ихтиёрий, аммо фермерлар учун чорва молларини юқумли касалликлардан суғурталаш маҳаллий ҳокимият томонидан назорат қилинадиган мажбурий суғуртадир
Моделнинг асосий хусусиятлари	Қишлоқ хўжалиги ихтиёрий суғурталанади. Суғурталаш фақат битта компания (Hagelversicherung) орқали амалга оширилади	Қишлоқ хўжалигини суғурталашга миллий даражада субсидия берилмайди. Бироқ айрим маҳаллий ҳокимиятларда фермерларга молиявий ёрдам кўрсатиш амалиёти кузатилади

Яқин кўшни мамлакат Қозоғистонда қишлоқ хўжалиги суғуртаси бозорида рақобат етарли даражада бўлмаганлиги туфайли юқори риск даражасига эга бўлган ва нисбатан паст даромад келтирувчи объектларни суғурталашга қизиқиш кам. Ўттиздан ортиқ тижорат суғурта компаниялари орасида бешта йирик компания бозорнинг қарийб тенг ярмига эгалик қилади. [4, с. 89]

Бундай ҳолатда фақатгина давлатнинг аралашуви билан риск даражаси юқори бўлган объектларни суғурта ҳимояси билан таъминлаш мумкин. Ҳудди шундай объектлардан бири ва энг йириги қишлоқ хўжалигидир.

Ўзбекистонда бўлгани каби Қозоғистон ҳам мустақилликка эришгандан кейин қишлоқ хўжалиги суғуртаси ихтиёрий суғурта объектига айланди ва натижада суғурталанадиган объектлар сони кескин камайиб кетди ва шу билан бирга суғурта хизматларининг нархи ошиб кетди. Натижада табиий офатларнинг тез-тез юз бериши оқибатида хўжаликларнинг асосий қисми молиявий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди. 1997 йилда Президент фармони билан қишлоқ хўжалиги мажбурий суғуртасининг киритилиши ҳам ўзининг самарасини бермади. Ҳаддан ташқари юқори суғурта тарифлари (20 %дан ортиқ) ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тўловга ноқобиллиги бунга имкон

бермади [5, с.65].

**Натижалар ёки яқуний қисм.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашда мазкур соҳани суғурта хизматлари билан қамраб олиш самарали восита ҳисобланади. Аммо қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғуртага ёппасига жалб қилиш биров мушкул бўлиб, ушбу муаммони суғурта ташкилотлари билан давлат ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали, яъни чет мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланиб келаётган давлат-хусусий шерикчилигига асосланган моделлардан фойдаланиш ёки нотижорат шаклидаги Ўзаро суғуртааш жамиятларини ташкил этган ҳолда, суғурта мукофотларининг бир қисмини давлат маблағларидан амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалик корхоналарини ёппасига суғуртага жалб қилишга эришиш мумкин. Бизнингча, ЎСЖлар ташкил этган ҳолда, суғурта мукофотларининг бир қисмини давлат маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш орқали мазкур муаммони ҳал этиш ҳар жиҳатдан маъқул бўлади. Чунки, ЎСЖ ташкил этиш орқали арзон ва ишончли ҳамда суғурталанувчи учун манфаатли (инвестиция фаолияти даромадларидан суғурталанувчининг манфаатдорлигининг мавжудлиги) суғурта хизматларига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарори асосида, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларнинг қайтмаслик ҳавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилиги тўғрисида низом ишлаб чиқилиб, унга кўра деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик ҳавфини суғурта қилиш бўйича суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида суғурталовчилар ўртасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган суғурталовчиларнинг касбий бирлашмаси суғурта шерикчилиги тузилади. Ушбу шерикчилик асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига лимон етиштириш учун иссиқхоналар ташкил этиш, унаби, грек ёнғоғи ва паррандачилик маҳсулотларини етиштириш мақсадида ажратиладиган кредитларни қайтмаслик ҳавфини суғурта қилиш шартномалари мазкур хў-

жалиklar билан тузилиб, суғурта қопламалари шерикчиликка аъзо компаниялар томонидан биргаликда тўлаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги 505-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш бўйича расмийлаштирилган суғурта шартномаларига асосан тўланиши лозим бўлган суғурта товонлари, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи хўжалик субъектларидан тушган жами суғурта мукофотларининг 80 фоизгача бўлган қисми "Ўзагросуғурта" АЖ томонидан қопланади, суғурта товонларининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Ўзагросуғурта" АЖга ажратиладиган бюджет субсидияси орқали қопланиши белгилаб қўйилди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Турбина К.Е., Дадьков В.Н. *Взаимное страхование. -Москва, Анкил, 2007, с.214*
2. UN Department of Economic and Social Affairs. Division for Sustainable Development (National CSD report: Austria - Agriculture) материаллари.
3. Борина Б.К. *Пути совершенствования страхования в растениеводстве. Автореферат диссертации на получение научное звание к.э.н.- Астана, 2006, с.74.*
4. Алтынбеулы Кайрат. *Финансовая устойчивость страховых компаний в условиях конкурентной среды. Автореферат диссертации на получение научное звание к.э.н. -Алматы, 2006, с.89*
5. Қўлдошев Қ.М. *Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Тошкент, 2019.*

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ  
БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Ачилов Машраб Улуғбекович,**  
Тошкент давлат аграр университети  
Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси ассистенти,

**Аннотация:** Мақолада ривожланган АҚШ, Нидерландия, Исроил ва Корея ҳамда қўшни Қозғистон ва Россия давлатларининг мева-сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқаришни модернизациялаш тажрибалари, қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган чора-тадбирлари ўрганилган. Хориж мамлакатларининг мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича илғор тажрибаларини умумлаштирган ҳолда улардан республикамиз шароитига мос бўлган айрим йўналишларини жорий қилиш бўйича тавсиялар тайёрланган.

**Асосий тушунчалар:** модернизация, инновация, механизм, илғор технологиялар, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, органик маҳсулот.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПО МОДЕРНИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА  
В ПЛОДОВООВОЩЕВОДСТВЕ

**Ачилов Машраб Улуғбекович -**  
Ташкентского государственного аграрного университета  
Ассистент кафедры агробизнеса и инвестиционного деятельности,

**Аннотация:** В статье изучен опыт и мероприятия по государственной поддержке сельхозпредприятий развитых стран как США, Нидерландии, Израиля и Кореи, а также соседних государств Казахстана и России. Обобщая передовых опытов зарубежных стран по модернизации производства в плодовоовощеводстве, подготовлены рекомендации по внедрению некоторых аспектов приемлемых к условиям нашей республики.

**Основные понятия.** модернизация, инновация, механизм, передовые технологии, “умное” сельское хозяйство, органическая продукция.

FOREIGN EXPERIENCE IN MODERNIZATION OF PRODUCTION IN HORTICULTURE

**Achilov Mashrab Ulugbekovich -**  
Tashkent State agrarian university  
Assistant of the Department of Agribusiness and Investment activities,

**Abstract:** The article examines the experience and measures of state support for agricultural enterprises in developed countries such as the United States, the Netherlands, Israel and Korea, as well as neighboring states of Kazakhstan and Russia. Summarizing the best practices of foreign countries to modernize production in fruit and vegetable production, recommendations have been prepared for the implementation of some aspects acceptable to the conditions of our republic.

**Basic concepts.** modernization, innovation, mechanism, advanced technologies, smart agriculture, organic products.

**Кириш.** Республикамининг инновацион иқтисодиётга ўтиши шароитида мева-сабзавотчилик тармоғини ва унинг қиймат занжири бўйича ҳар бир бўғинини ривожлантириш бўйича дунё миқёсида тўпланган тажриба, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган турли дастурларнинг амалиётда жорий қилиш натижаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ривожланган мамлакатлар жумладан, ислохотлар йўли ҳамда ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган давлатлар тажрибаларидан кенг фойданмасдан туриб мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириб бўлмайди [1].

Шу нуқтаи назардан, мева-сабзавотчиликни модернизациялашда, авваломбор, ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтаётган ва эндигина ривожланаётган мамлакатларнинг мева-

сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялашни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бориладиган ислохотларининг ижобий ва салбий томонларини, бу борадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш асосида мавжуд тажрибаларнинг мақбул жиҳатларини республикамининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Асосий қисм.** Нидерландиянинг иқтисодиёти экспортга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барчаси устувор равишда ташқи бозорларда сотилади. Мамлакат экспортидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши 24 фоизни ташкил этади. Нидерландия 2018 йилда 91,7 млрд. евро қийматга эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экс-

порт килган. Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг механизациялашганлик даражаси жуда юқоридир. Айнан замонавий билим ва технологияларни кенг жорий этилиши Нидерландиянинг озиқ-овқат маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллашига сабаб бўлди. Айтиш жоизки, Нидерландия дунёда ер майдони катталиги бўйича 131-ўринда туради. Бундай улкан натижаларга Нидерландия ҳукуматининг “икки марта кам ресурс ва икки марта кўп озиқ-овқат” тамойили асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилган дастурлар, шунингдек, ГАТ (географик ахборотлар тизими) ҳамда учувчисиз аппаратлардан фойдаланган ҳолда аниқ деҳқончилик юритиш тизимини кенг жорий қилиши орқали эришган десак муболаға бўлмайди. Мутлақ рақамларда айтадиган бўлсак, мамлакатнинг бутун дунёдаги жами қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортидаги улуши 7,5 фоизни ташкил этади. Сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда, мева маҳсулотлари экспорти бўйича эса АҚШ, Испания ва Чилидан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди.

Таъкидлаш лозимки, Нидерландияда қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларнинг нарҳи нисбатан жуда юқоридир, тахминан 1 га ер нарҳи 50-70 минг евро туради. Шунинг учун фермерлар кўпроқ ундан ижара асосида фойдаланишни маъқул кўрадилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш тайёрлов кооперативлари билан олдиндан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг мамлакат бозоридаги улуши 70 фоизни ташкил этади. Лекин, фермерлар мажбурий равишда кооперативга аъзо бўлиши керак эмас, балки улар ўз тадбиркорлик фаолиятларини мустақил равишда юритишлари мумкин. Кичик фермер хўжаликлари учун зарарларни коплаб беришда солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Миллий кооперативларнинг самарадорлигини ва натижадорлигини таъминлаш учун трансмиллий кооперативлар тузилган ва уларга бир нечта кооперативлар ихтиёрий равишда бирлашганлар. Кооперативларни бундай тузилмаларга бирлашуви хўжалик юритишга оид бўлган кўпгина муаммоларни тезкор равишда ҳал қилишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришни жаҳон стандартларига мос равишда йўналтиришга имкон берди.

Ҳозирги вақтда Нидерландияда органик қишлоқ хўжалигини кескин ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Умумий қишлоқ хўжалиги ерларидаги органик маҳсулот етиштириш бўйича майдонлар улуши охириги беш йилда 10 фоизга ўсиб 52 минг гектарни ташкил этмоқда. Ҳукумат томонидан боғдорчилик ва сабзавотчи-

лик йўналишида экологик тоза маҳсулот етиштирувчи тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, давлат томонидан ажратилган субсидиялар ёрдамида чиқиндиларни қайта ишловчи ва табиий ресурсларни қайта тикловчи кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги корхоналари ривожланиб бормоқда.

Мамалакат агросаноат мажмуи ривожланишининг устувор жиҳатларидан бири бу унинг жадал суръатларда билим ва технологияларни амалиётга жорий қилиб борилаётганидир. Нидерландия агросаноат мажмуи биринчи навбатда барча тармоқ субъектлари билан, жумладан: ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналари, техника ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, илмий муассасалар ҳамда давлат тузилмалари ўртасидаги узвий ҳамкорликка асосланади. “Ишлаб чиқарувчи - давлат – фан” учбурчаги мамлакат учун жаҳон майдонидаги рақобатда етакчилардан бўлишида муҳим омил бўлди. АСМга интеллектуал мулкни экспорт қилишдан даромад 2016 йилда 9 млрд. евро ни ташкил этди. Голландия олимлари ҳар йили ўзининг юқори ҳосилдорлиги ва сифати билан ажралиб турувчи ҳамда табиатнинг ноқулай шароитларига чидамли бўлган 1,8 мингта янги навлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари дурагайлари амалиётга тадбиқ этишади. Голланд навларининг юқори генетик салоҳиятидан бутун дунё қишлоқ хўжалиги фойдаланиб келинмоқда. Энг кўп экспорт қилинувчи маҳсулот бу уруғлик материалларидир. Уруғликни экспорт қилишдан олинган даромад эса 2016 йилда 1,7 млрд.ни ташкил этган. Мисол учун, АҚШда экилаётган барча сабзавот экинларининг 70 фоизини голландиядан келтирилган навлар ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрича, Нидерландия қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожланишининг асосий омиллари булар: экспортёрларни рағбатлантириш ва компанияларни ташқи бозорларнинг янги соҳаларига кириб боришларига яқиндан қўмак берилиши, мева-сабзавотчиликда маҳсулот етиштиришдан то истеъмолчига тайёр маҳсулотни етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган вертикал тизимни йўлга қўйилганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даврийлигининг барқарорлиги ва аграр озиқ-овқат секторининг илмий-тадқиқот муассасалари балан узвий ҳамкорлигидадир [5].

АҚШ қишлоқ хўжалигида мева ва сабзавот экинлари ўзининг турли туманлиги билан ажралиб туради. Кўпгина ҳолатларда мева ва сабзавот етиштириш табиий-иқлим шароитлари қулай бўлган ҳудудларда мужассам бўлганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мева ва сабзавот экинлари асосан Калифорния ва Флорида штат-

ларида етиштирилади. Бу ерда деярли 70 фоиз меванинг (қиймати бўйича) ва деярли барча цитрус меваларнинг (апельсин ва лимон) ҳосили йиғиштириб олинади. Иккала штат ҳудудлари эртаги ва қишги сабзавот экинларини ва гуллар етиштириш бўйича ҳам энг салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари Буюк кўл қирғоқлари ҳудуди ҳам мева ва узум етиштиришга жуда қулай ҳисобланади, чунки ушбу кўллар боғ ва токзорларни музлаб қолиш хавфини бирмунча юмшатишга ёрдам беради.

Умуман олганда АҚШ дунёда энг йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишалб чиқарувчиси ҳисобланади. Бу ердп дунёда биринчилардан бўлиб қишлоқ хўжалигида агротадбиркорлик фаолияти кенг йўлга қўйилган. Эътиборлиси шуки, аграр соҳада унумдорликнинг ўсиш суръатлари саноатга нисбатан ҳам тезроқ одимлаб бормоқда. Масалан, охириги 10 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўсиш даражаси 81 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалигини нечоғлик интенсив равишда ривожланаётганлигини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билиб олса бўлади, яъни 1 гектар ердан 580 доллардан 1100 долларгача қийматда маҳсулот етиштирилаётганлиги, 1 нафар қишлоқ хўжалиги ходими 50-60 гектар майдонгача ишлов бера олиши ва 80 кишигача аҳолини боқа олиши ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида ишчи кучнинг 2 фоизи банд бўлиб келмоқда. Бундай ютуқларга эришилишининг асосий омилларини бири бу замонавий техника ва технологияларни жорий этилиши, юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик, илмий янгиликларни изчил равишда жорий этиб борилиши ҳамда фермерларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари АҚШ қишлоқ хўжалиги ўзининг ихтисослашганлик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Масалан, Миссисипи қуйи оқими бўйлаб пахтачилик ривожланган бўлса, Гавай оролларида шақарқамиш етиштирилади, Виржиния ва Королина штатларида тамаки ва Шимолий штатларда эса мева, сабзавот ва картошка экинлари етиштирилади [6].

Америка қўшма штатларида бундай самарали аграр сиёсат биринчи навбатда 2008 йилда қабул қилинган “Озиқ-овқат, табиатни муҳофаза қилиш ва энергетика тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу қонун қабул қилиниши билан фермерларни қўллаб-қувватловчи бир қатор давлат дастурлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Жумладан, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

*Маҳсулотни сотиш учун қарз ёрдами бериш дастури.* Ушбу дастурга кўра, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб

чиқарган маҳсулотни Товар-кредит корпорациялари (ТКК) орқали сотиш имкониятига эга бўладилар. Ҳосил йиғиб олинганидан кейин ишлаб чиқарувчи амалдаги ставкаларда сотиш учун қарз олиши мумкин бўлади. Бундай қарз фермер йиғиб олган ҳосилни сотиш учун таклиф килган қисми учун ёки тўлиғича олинishi мумкин. Қарзларни қайтариш эса асосий сумма ва унга нисбатан фоиз ҳисобида амалга оширилади.

*Кредитлаш дастури.* Мева-сабзавот етиштирувчи фермерлар молиявий ҳолати етарли бўлмаганда ишлаб чиқаришни тубдан техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ер сотиб олиш ҳамда бошқа жорий ишларни амалга оширишлари учун АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Фермерларга хизмат кўрсатиш агентлигидан кредит олишлари мумкин. Бундан ташқари кредит қарзлари табиий офатлар рўй берганда, фавқулодда вазиятларда ҳам келтирилган зарарларни қоплаш ва хўжаликни қайта тиклаш учун ҳам берилади.

*Илмий-тадқиқотлар учун молиявий кўмак бериш дастури.* АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Аграр тадқиқотлари хизмати ва бошқа штатларда тузилган Агентликлар ва университетлар орқали кенг қўламли фундаментал ва амалий илмий изланишлар молиялаштирилади. Олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш мақсадида, уни вазирлик томонидан мунтазам равишда мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторинг қилиш хизмати йўлга қўйилган.

*Ҳосилни суғурталаш ва табиат ҳодисалари юз берганда ёрдам бериш дастури.* Ҳосилни суғурталаш хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади. Бунда ушбу компаниялар ҳосил суғуртаси бўйича Федерал корпорация томонидан белгиланган ставкаларда субсидиялар олишади. Бундаги барча жараёнлар АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Хавфхатарларни бошқариш агентлиги томонидан назоратга олинади.

*Экспортга кўмаклашиш дастури.* АҚШнинг “Ташқи бозорга имконият” деб номланган дастури орқали ваколатли ташкилотларга чет элда маҳсулот сотиш, реклама қилиш, ярмаркалар ташкил қилиш, бозор конъюктурасини ўрганиш, чет эл истеъмолчиларнинг АҚШда ишлаб чиқарилаётган товарлар бўйича бохабарлигини ошириш учун семинарлар ўтказиш ва ҳакозолар учун молиявий кўмак берилади. Бренд маҳсулотлар учун тақдим этиладиган молиявий ёрдамлар эса кичик хўжаликлар, кооперативлар ва ишлаб чиқариш уюшмалари доирасида амалга оширилади.

*Табиатни муҳофаза қилиш бўйича дастур.* Ушбу дастурларда иштирок этиш ихтиёрий

бўлиб, у тупроқ эрозиясига қарши кураш, сув билан таъминлаш тизимини яхшилаш ва сифатини ошириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, табиат ходисалар туфайли зарарни камайтириш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу ерда фермерлар ижара тўловларини тўлаш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қайта тиклаш каби тадбирларга кетган харажатларини қоплаш каби қўллаб-қувватлашнинг дастакларидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Дастур доирасида қишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлган ерларни қайтариш, хайдов ерларидан интенсив тарзда фойдаланиш каби йўналишларга ҳам молиявий кўмак олиш мумкин [7].

Исроилда жами ерларнинг фақатгина 20 фоизигина қишлоқ хўжалиги учун яроқлидир. Лекин шундай шароитда фермерлар томонидан мамлакат аҳолисининг янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талаби 95 фоизга қондирилмоқда. Суғориш сувининг сезиларли даражада етишмаслиги шароитида томчилатиб суғориш технологияси жуда ривожланган. Исроил ҳукумати фермерлар томонидан сотиб олинган ва жорий этилган технологиялар қийматининг 40 фоизигача субсидиялаш орқали агар соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Айниқса “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ҳар томонлама жорий қилишга алоҳида эътибор берилиши натижасида суғориш тизимида, иссиқхоналарда, ҳосил йиғиб олишда ва бошқа агротехник жараёнларни рақамли технологиялар ёрдамида бажарилишига ёрдам берувчи техника ва жиҳозларни жорий қилиш учун фермерларга давлат томонидан субсидиялар ажратилиши кенг йўлга қўйилган. Исроилда давлат, хусусий сектор ва илмий муассасаларнинг ўзвий ҳамкорлиги туфайли қишлоқ хўжалигини, айниқса мева-сабзавотчилик тармоғини юқори технологик кўрсаткичларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Исроил қишлоқ хўжалигининг феномени шундан иборатки, унумдорлиги паст бўлган табиий салоҳиятнинг етишмаган қисми янги технологияларни жорий қилиш асосида юқори интенсивлик ва самардорлик билан ўрни тўлдирилади. Қишлоқ хўжалигини юритишда анъанавий агротехникалардан деярли фойдаланилмайди. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари каби мева-сабзавотчиликда ҳам юқори даражадаги инновацион ёндашувларни кенг тадбиқ этилиши, энг кам харажат эвазига энг кўп ҳосилдорлик, энг сифатли маҳсулот ва энг юқори даромад олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Корея Республикасининг қишлоқ хўжалиги юқори технологик тармоқ сифатида алоҳида диққатга сазовордир. Кореяда нафақат қишлоқ хўжалиги балки иқтисодиётнинг ва инсонлар

ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий технологиялар ва инновацион янгиликларни жорий этилишида давлат томонидан ҳар томонлама кўмак берилади. Корея Республикаси қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланиш йўли ноёб бўлиб, мамлакатимиз учун озиқ-овқат муамосини ҳал қилишда ва аграр соҳани инновацион йўлга ўтказишда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. 2018 йилда Корея республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бутун мамлакат бўйлаб “ақлли” фермер хўжаликларини ривожлантириш ва инвестициялашга тайёр эканлигини ва унинг майдонини 7 минг гектаргача оширишни эълон қилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида турли-туман махсус ҳароратни бошқарувчи, тежамкор ва аниқ томчилатиб суғориш ускуналари, дронлар, датчиклар ва бошқа дастурий таъминот маҳсулотларидан кенг фойдаланилади. Сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи иссиқхоналарда барча агротехник жараёнлар компьютер дастури ёрдамида бошқарилади, бу ерда автоматика экинларни қулай ўсиши ва ривожланишини учун керак бўладиган барча параметрларни тартибга солиб туради, зарур бўлганда тегишли ўзгартиришлар киритиб боради. Мутахассислар ўзларининг мобил телефонларидаги иловалар ёрдамида иссиқхона хўжалигида бўлаётган жараёнларни бевосита кузатиб туриш имкониятига эгадирлар. Шу билан биргаликда ўсимлик зараркунандалари билан курашишда махсус туткичлар орқали ҳашоротларини жалб қилиш тажрибаси ҳам қизиқарлидир[8].

Россия иқтисодиётида хўжалик юритишнинг кооператив шакли кенг ривожланган бўлиб, биринчи кооператив тузилмалари Россия империяси давридан шаклланиб келган бўлиб, улар ўз фаолиятларини муваффақиятли тарзда олиб боришган. Кооперативларнинг яшовчанлигининг асосий шартларидан бири бу кооператив аъзолари ўртасидаги ишонч ва адолатнинг мавжуд бўлишидир. Масалан, Россиянинг Нижегород худудида ҳозирда 40 дан ортиқ турли йўналишдаги кооперативлар фаолият юритаётган бўлиб, улардан 10 га яқини мевачилик ва иссиқхона хўжалиги билан шуғулланади. Ушбу кооперативларга йилиги 50-100 кг мева маҳсулотлари етиштирадиган томорқа эгалари ҳам, қатта миқдордаги маҳсулот етиштирувчи йирик фермер хўжаликлари ҳам аъзо бўлишган бунда худуддаги барча турдаги катта-кичик ишлаб чиқарувчилар барчаси қамраб олинган.

Ушбу кооперативларни ва унга аъзо бўлган хўжаликларни янада ривожлантириш учун бир қатор мақсадли кредитлар жорий этилган. Россия ҳукумати бундай қатламдаги субъектларини қўллаб-қувватлаш ва мевачилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш

учун паст фоизли, яъни 5 фоизли 2 йилдан 5 йилгача бўлган имтиёзли кредитлар бериш дастурини ишга туширган. Бундай кредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилди: иссиқхона қуриш ва ревонструкция қилиш учун керакли материаллар сотиб олишга; навдор кўчатлар, уруғликлар сотиб олиш учун; кимёвий препаратлар, минерал ўғитар сотиб олишга; ресурс тежамкор технологияларни жорий қилишга имкон берувчи ускуна ва жихозларга (томчилатиб суғориш, намлик, сув сарфини назорат қилувчи ускуналар ва бошқалар); бошқа мавсумий тадбирлар ва айланма маблағлар учун ва хакозо.

Кредитлаш Россия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим дастаклардан бири бўлишига қарамадан, банклар аграр соҳага маблағ беришдан унча манфаатдор эмаслар. Шу боисдан давлат кредит қайтарилишини кафолашни ва кредит фоиз ставкаларини бир қисмини қоплаб беришни ўз зиммасига олади[9].

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикасида “ақлли қишлоқ хўжалиги”нинг элементларини жорий этиш ишлари бошлаб юборилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларининг дала хариталарини рақамлаштириш жараёнлари бошланган бўлиб, деярли яримдан кўпроқ майдонларнинг электрон хариталари тузиб бўлинган. Бундан ташқари далалар ва техника воситаларини ҳамда минерал ўғитлар ва кимёвий препаратлар билан аниқ ишлов беришни спутник орқали мониторинг қилиш тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник-технологик жиҳатдан қайта қуролантириш вазифаси доирасида тадбиркорлик субъектларини давлат ва хусусий шерикчилиги асосида замонавий технологияларни, шу жумладан аниқ қишлоқ хўжалиги юритиш технологияларини ва “ақлли” фермерларни яратишга кенг жалб қилиш учун қулай ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароити яратилган.

Мутахассисларнинг фикрича, аниқ деҳқончилик, далаларни электрон харитасини тузиш, аниқ метео маълумотлар, сенсорлар, датчиклар, космомониторинг каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар харажатларини камида 25 фоизгача қисқартиришга имкония яратилади.

Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан башорат қилинишича Агросанаоат мажмуи соҳасини рақамлаштириш натижасида иқтисодий самарадорлик 2025 йилга бориб 40 млрд. танга (105,5 млн. долл.) ни ташкил этади.

Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2019 йилдан бошлаб АСМ маҳсулотларини, айниқса мева-сабзавотчилик маҳсулот-

ларини “даладан то дастурхонгача” кузатиб бериш тизими ишга туширилган. Боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида замонавий асбоб-ускуна ва инновацион технологияларга асосланган техника воситаларини сотиб олган фермерларнинг 25 фоизгача бўлган харажатлари давлат томонидан қоплаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда аграр фанини молиялаштириш учун бюджетдан 5,5 млрд. танга (14,54 млн. долл.) ажратилган бўлиб, 22 та илмий тадқиқот муассасаларини таъминлаш, олимларнинг иш ҳақи ва тадқиқотлар олиб бориш учун учун йўналтирилган. Ушбу сумма Қозоғистон қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 0,12 фоизини ташкил этади. АҚШ, Канада, Франция ва Голландияда бунга ЯИМдан 1-3 фоизгача ажратилади. Ҳозирги вақтда Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан олимларнинг илмий ишланмалари сотиб олинмоқда ва буни “илмий жамоаларни давлат маблағлари эвазига таъминлаш” деса ҳам бўлади. Бу борада фермерлар бюджет маблағларига ҳисобига ўзлари учун долзарб бўлган илмий ишланмаларни илмий-тадқиқот институтларидан сотиб олиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бу фермер хўжаликларининг инновацион янгиликларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишларига бўлган интилишларини янада рағбатлантирмоқда.

Қозоғистонда 2025 йилгача АСМда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ва қайта ишланган мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар экспорти ҳажмини камида 2,5 баробарга ошириш вазифаси давлат томонидан белгилаб қўйилган.

**Хулоса.** Ривожланган ва ислохотлар йўли ўхшаш бўлган МДХ мамлакатларининг мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича илғор тажрибаларини умумлаштирган ҳолда улардан республикамиз шароитига мос бўлган айрим йўналишларини жорий қилиш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик, жумладан (1-жадвал):

- Нидерландия тажрибасига кўра Республикамиз Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари томонидан илмий ечимини кутаётган долзарб мавзулар аниқланиб, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази учун буюртмалар портфелини шакллантириш ва уни давлат томонидан мақсадли молиялаштириш механизминини ишлаб чиқиш;

- Нидерландия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда мева-сабзавотчилик кооперативлари сони ортиб бораётгани боисдан уларни фаолиятини мувофиқлаштириш ва муаммоларини тезкор ҳал қилиш мақсадида уларнинг вилоят уюшмаларини ташкил этиш



## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

лозим;

- Исроил ва Корея тажрибасидан келиб чиқиб, фермерлар ишлаб чиқа ришга жорий этган янги технология ва техникалар учун кетган харажатларни ҳеч бўлмаганда 25 фоизни давлат томонидан тўлаб бериш механизмини жорий этиш;

- АҚШ тажрибасидан ўрганган ҳодда қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан алоҳида тор йўналишлар, яъни маҳсулотни сотиш, кре-

дитлаш, илмий-тадқиқотларни молиялаштириш, суғурталаш ва бошқалар бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши тадбирлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошишига олиб келади;

Россия тажрибаси бўйича маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш, иссиқхоналар қуриш ва бошқа мақсадлар учун мақсадли имтиёзли кредитлар бериш механизмини жорий этиш;

### 1-жадвал

#### Мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг бўйича хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Мамлакат номи	Республикамиз шароитига мос ва қўллаш мумкин бўлган хорижий тажрибанинг мазмуни	Амалга ошириш механизми
Нидерландия	- “Ишлаб чиқарувчи - давлат - фан” учбурчагини ташкил қилиш, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, қайта ишловчи корхоналари, техника ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, илмий муассасалар ҳамда давлат тузилмалари ўртасидаги узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш; - миллий кооперативларнинг самарадорлигини ва натижадорлигини таъминлаш учун трансмиллий кооперативлар тузиш ва уларга бир нечта кооперативлар ихтиёрий равишда бирлашиш тажрибаси.	- қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари томонидан илмий ечимини кутаётган долзарб мавзулар аниқланиб, Билим ва инновациялар миллий маркази учун буюртмалар портфелини шакллантириш; - мева-сабзавотчилик кооперативлари сони ортиб бориши боисидан уларни фаолиятини мувофиқлаштириш ва муаммоларини ҳал қилиш мақсадида уларнинг вилоят уюшмаларини ташкил этиш лозим
АҚШ	Маҳсулотни сотиш учун қарз ёрдами бериш дастури, кредитлаш дастури, илмий-тадқиқотлар учун молиявий кўмак бериш дастури, ҳосилни суғурталаш ва табиат ҳодисалари юз берганда ёрдам бериш дастури, экспортга кўмаклашиш дастури, табиатни муҳофаза қилиш бўйича дастур.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан алоҳида тор йўналишлар бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши тадбирлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошишига олиб келади.
Исроил ва Корея	- фермерлар томонидан сотиб олинган ва жорий этилган технологиялар қийматининг 40 фоизигача субсидиялаш; - қишлоқ хўжалиги вазирлиги бутун мамлакат бўйлаб “ақлли” фермер хўжаликларини ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиши,	- фермерлар ишлаб чиқаришга жорий этган янги технология ва техникалар учун кетган харажатларни ҳеч бўлмаганда 25 фоизни давлат томонидан тўлаб бериш механизмини жорий этиш; - айнан “ақлли қишлоқ хўжалиги” элементларини жорий этиш бўйича мақсадли инвестициялар ажратиш.
Россия	Мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун 5 фоизли 2 йилдан 5 йилгача бўлган имтиёзли кредитлар бериш дастури.	Маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этишни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш.
Қозоғистон	Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва аграр фанини ҳамда олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тажрибаси	Илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишни давлат томонидан молиялаштириш.

**Манба:** Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

- Қозоғистонда кенг жорий этилаётган қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, ерларни электрон харитасини тузиш, маҳсулотни етиштиришдан то истеъмолчигача бўлган жараёнларни кузатиб бориш тизимини яратиш, шунингдек, олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва долзарб бўлган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш нуктаи-назардан фермерлар томонидан сотиб олиш тизимини жорий этиш ва бу жараёнларни давлат томонидан молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Юқоридаги тавсияларни амалиётга жорий этиш орқали мева-сабзавотчилик тармоғига ҳам “ақлли қишлоқ хўжалиги” элементларини жорий этиш, мева-сабзавотчиликка иқтисослашган фермер хўжаликлар замонавий технологияларга асосланган ҳолда моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш ва қишлоқ аҳолисининг кўшимча даромадини кўпайтиришга, пировард натижада тармоқнинг модернизация даражасини янада ортишига олиб келади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли Қарори.
3. Мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш бўйича вазифалар белгиланди. Электрон режим. Сайт: <https://uza.uz/uz/posts/meva-sabzavotchilik-klasterlarini-samarali-tashkil-ilish-b-y-14-02-2020>
4. Попова Е.В. Основные направления модернизации российской экономики // <http://bujet.ru/article/98452.php>
5. Юсупов А., Рашидбеков А. Опыт Нидерландов в сфере развития сельского хозяйства. Сайт Института Стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан <https://isrs.uz/ru/maqolalar/opyt-niderlandov-v-sfere-razvitiya-selskogo-hozajstva>
6. Сельское хозяйство США. Сайт: CAWATER-info. [http://www.cawater-info.net/review/agro\\_usa.htm](http://www.cawater-info.net/review/agro_usa.htm)
7. Обзор торговой и сельскохозяйственной политики Соединенные Штаты Америки. [http://www.fao.org/fileadmin/templates/est/meetings/wto\\_comm/RU/Trade\\_policy\\_brief\\_US\\_RUS\\_final.pdf](http://www.fao.org/fileadmin/templates/est/meetings/wto_comm/RU/Trade_policy_brief_US_RUS_final.pdf)
8. Кутбитдинов Ю. Обзор инновационных технологий и зарубежного опыта «умного» сельского хозяйства. Экономическое обозрение №3 (231) 2019 <https://review.uz/post/umniye-instrumentiy-selskogo-hozvaystva>
9. Особенности и проблемы кредитования сельского хозяйства в России. Электронный научный журнал «Аэкономика: экономика и сельское хозяйство» 2015 год. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-i-problemy-kreditovaniya-selskogo-hozvaystva-v-rossii>
10. <https://www.agro.uz>

МИНТАҚАЛАР ИЈТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ СУР'АТЛАРИ ВА  
УЛАРИНИНГ ИНВЕСТИТСИОН ЈОЗИБАДАОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

*Ismatullayev Jasurbek Anvarovich -  
TDIU huzuridagi ITM tadqiqotchisi*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada jaxondagi rivojlangan davlatlar tajribalaridan kelib chiqqan holda, respublika iqtisodiyotining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish sur'atlari tahlili hamda mamlakatimizning investitsion faolligini va jozibadorligini oshirishdagi erishilgan yutuqlar hamda mavjud imkoniyatlar, muammolar tahlil qilinib, ularning yechimlari bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalitli so'zlar:** YaIM, investitsiya, investitsion jozibadorlik, kapital, innovatsiya, globallashuv, modernizatsiya, infratuzilma, eksport.

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ СТЕПЕНИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ И ИХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ

*Исмагуллаев Жасурбек Анварович -  
исследователь НИЦ при ТГЭУ*

**Аннотация:** В статье на основе опыта развитых стран анализируются темпы социально-экономического развития экономики республики, достижения, возможности и проблемы в повышении инвестиционной активности и привлекательности нашей страны, а также разрабатываются предложения по их решению.

**Ключевые слова:** ВВП, инвестиции, инвестиционная привлекательность, капитал, инновации, глобализация, модернизация, инфраструктура, экспорт.

ANALYSIS OF THE CURRENT DEGREE OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT  
OF THE REGIONS AND THEIR INVESTMENT ATTRACTIVENESS

*Ismatullayev Jasurbek Anvarovich -  
Researcher at the Research Center at TSUE*

**Annotation:** Based on the experience of developed countries, the article analyzes the pace of socio-economic development of the republic's economy and the achievements, opportunities and problems in increasing the investment activity and attractiveness of our country, and develops proposals for their solutions.

**Key words:** GDP, investments, investment attractiveness, capital, innovation, globalization, modernization, infrastructure, export.

**Kirish.** Mamlakatimiz iqtisodiyotiga olib borilayotgan tarkibiy o'zgarishlarning asosiy vositalaridan biri bo'lib, iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb etish hamda mamlakat mintaqalarning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish davlat siyosati hisoblanadi. Ushbu investitsiya siyosatini shakllantirishda maqsadlar hamda ustuvor yo'nalishlarni belgilash, strategiya va dasturlarni ishlab chiqish shu bilan bir qatorda qulay investitsiya muhitini yaratish chora-tadbirlarini nazarda tutadi.

Shu o'rinda aytib o'tish joizki xorijiy investitsiyalar xalqaro globallashuv va iqtisodiy integratsiya jarayonining asosiy vositasi bo'lgani sababli erkin bozor iqtisodiyotining global raqobatida xorijiy investitsiyalarni jalb etishni faollashtirish obyektiv zaruriyat hisoblanadi. Milliy iqtisodiyotdagi moliyaviy resurslar taqchilligini qoplash maqsadida xorijiy kapitalar oqimini jalb etish uchun qulay investitsiya muhiti zarur. Investitsiya muhiti xorijiy investorlarga ishlab chiqarishga sarmoya kiritish, o'z faoliyatlarini kengaytirish uchun imkoniyat va rag'batlar yaratadigan bir qator omillar majmui bilan belgilanadi.

Investitsiya muhit jozibadorligi – bu xorijiy investorlar xo'jalik faoliyati yuritishining umumiy iqtisodiy, meyoriy-huquqiy va tashkiliy shart-sharoitlarini belgilaydi.

Har qanday mamlakatdagi investitsion jozibadorlik, avvalambor, siyosiy barqarorlikka bog'liqdir. Bu omilning mavjudligi kelajakda foyda olishga, uzoq muddatli investitsiya loyihalarini amalga oshirishga yo'naltirilgan xorijiy investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatini beradi.

2020-yilning yakunlari bo'yicha asosiy vositalarga kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmi 2019-yilning shu davriga nisbatan 101,5 foizni yoki 6,6 mlrd. dollarni tashkil etdi. Dastlabki hisob-kitoblarga ko'ra, investitsiya dasturi doirasida 197 loyiha amalga oshirildi va shuning hisobiga 38 ming ish o'rni yaratildi. Bundan tashqari, hududiy investitsiya dasturlari doirasida jami 59,1 trln so'mlik 10586 ta loyiha amalga oshirildi va bu 131,5 mingta yangi ish o'rni tashkil etilishiga imkon berdi.

Davlat dasturida belgilangan, xorijiy investitsiyalarni jalb etish, qulay investitsiya muhitini yaratishni ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respubli-

kasi Prezidenti Administratsiyasi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, O'zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari mamlakat hududlariga birlashtirilganligi bugungi kunda o'z samarasini bermoqda.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili.** "Mintaqaviy investitsion jozibadorlik" atamasi zamonaviy iqtisodiy adabiyotlarda juda tez qo'llaniladi. Shunday bo'lsada, bu iqtisodiy kategorianing hech qanday umume'tirof etilgan ta'rifi hozirgacha taklif etilmagan. Eng keng tarqalgan ta'rifga ko'ra, mintaqaning investitsion jozibadorligi investitsiyalar oqimiga ta'sir qiluvchi mintaqaning xususiyatlari to'plami sifatida qaraladi. Bu xususiyatlar ko'pincha mintaqaviy investitsion jozibadorlik omillari deb yuritiladi. Investitsion jozibadorlik investitsiya oqimining intensivligiga ta'sir etuvchi omillar kombinatsiyasi sifatida keng ta'riflash nafaqat mintaqaga, balki sanoat yoki muayyan kompaniyaga ham qo'llanilishi mumkin. Mintaqaviy investitsion jozibadorlik tushunchasining asosiy o'ziga xos xususiyati shundaki, undagi ko'rib chiqilayotgan omillar majmui moliyaviy-iqtisodiy jihatlar bilan cheklanib qolmasdan, balki siyosiy, ijtimoiy, institutsional, huquqiy va boshqa jihatlarni ham o'z ichiga oladi. Polshalik iqtisodchi olim. M.Noviski o'zining tadqiqotlarida investitsion jozibadorlik nafaqat omillar majmui emas, balki muayyan mintaqaning investitsiya oqimini omillarning kombinatsiyasi orqali jalb qilish qobiliyati ekanligini ta'kidlamogda[1]. Ushbu tushuntirishda mintaqada investitsion muhitni yaratib, potensial investorlarni tegishli axborot bilan ta'minlash orqali investitsiyalarni jalb qilish uchun mintaqaning boshqaruv organi va biznes muhitining faoliyatini faollashtirishni ta'kidlaydi.

Mintaqalarning investitsion jozibadorligi tushunchasiga rossiyalik iqtisodchi olimlar tomonidan bir qancha tariflar berilgan. Xususan L.S. Valinurova va O.B.Kazakova o'zlarining investitsiya nomli darsligida investitsion jozibadorlik bu – turli xil obektiv belgilarning kombinatsiyasi, investitsiyalarga bo'lgan samarali talabni belgilovchi iqtisodiy tizimning xususiyatlari, vositalari, salohiyatlari yig'indisidir[2] deb ta'rif bergan.

Iqtisodchi olim T.M. Smaglyukova investitsion jozibadorlikni belgilovchi barcha ko'rsatkichlardan kompleks baholash talablariga ko'proq muvofiq keladigan ko'rsatkichlar[3] sifatida ajratib olgan.

"Investitsiya muhiti" va "investitsiya iqlimi" sinonim tushunchalar sifatida ishlatiladi. Bu xususida iqtisodchi-olimlardan D.G'ozibekov va T.Qoraliyevlar tomonidan quyidagi fikrlar bildirilgan: "Investitsiya iqlimi juda keng ma'noda ishlatiladigan tushuncha bo'lib, investor tomonidan hisobga olingan barcha muammo va masalalarni mujassamlashtiradi. Investor tomonidan ma'lum bir mamlakatga kapital ajratishning qulay va noqulay tomonlari belgilanadi, shu bilan bir qatorda, o'z kapitalini kiritmoqchi bo'lgan mamlakat mafkurasi, siyosati, iqtisodiyoti va madaniyatiga katta ahamiyat beriladi"[4]. Shuningdek, iqtisodchi olimlar K. Eklund, J. Keyns, M. Sornarajax, V.N.Sherbakov, K.V. Baldin, V.M.Askinadzi, V.F. Maksimov, T.M.Smaglyukova, O.P.Ovchinnikova, YE.YE.Churlova, E.S. Kazanovich, Ali Salim, Muhammad Reza Razavi, Liu Vang va N.G.Karimov, D.G'.G'ozibekov, A.V.Vaxabov, Sh.X.Xajibakiyev, N.G.Muminov, M.A.Raimjonova, B.S.Mamatov, Sh.I.Mustafakulov, D.Y. Xo'jamqulov, B.B.Valiyevlarning ilmiy ishlarida investitsion muhit jozibadorligi, milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish muammolariga bag'ishlangan masalalar ko'rib chiqilgan.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Ilmiy maqolada ko'tarilgan muammoni atloficha tahlil qilish, tahlil natijalarini tizimlashtirish asosida ilmiy asoslangan xulosa va tavsiyalar ishlab chiqishda induksiya va deduksiya, maqsadli rivojlantirish, tizimli va qiyosiy tahlil, grafik tasvirlash, ekspert baholash va iqtisodiy statistik kabi usullardan keng foydalanildi.

**Tahlil va natijalar.** O'tgan 2020-yilda respublikamizda yalpi ichki mahsuloti hajmi joriy narxlarda 580,2 trln so'mni tashkil etdi va 2019-yil bilan taqqoslaganda 70, trln so'mga, 2015-yil taqqoslaganda 408,8 trln so'mga 2010-yil bilan taqqoslaganda esa 517,8 trln so'mga o'sgan. YAIM deflyator indeksi 2019-yil narxlariga nisbatan 111,9 %ni tashkil etdi.

1-jadval

**O'zbekiston Respublikasida asosiy vositalarga kiritilgan investitsiyalar va YAIM to'g'risida ma'lumot[5]**


№	Ko'rsatkichlar	Yillar			O'zgarish 2020 yil 2010 yilga nisbatan (+,-)
		2010	2015	2020	
1	YAIM (hududlar bo'yicha YAHM), mlrd.so'm	62388,3	171369,00	580203,20	517 814,90
2	Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar, mlrd so'm	15338,7	41670,5	202000,1	186661,4
3	Jon boshiga investitsiyalar, ming so'm	543,4	1 331,40	5840,01	5296,61
4	Jon boshiga to'g'ri keladigan o'rtacha daromad, ming so'm	1668,10	3928,80	11700,0	10031,90

Respublikamizda so'nngi yillarda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarni tahlil qiladigan bo'lsak, 2010-yilda 15338,7 mlrd so'm mablag' kiritil-

gan bo'lsa 2020-yilga kelib 202000,1 so'm mablag' kiritilgan. Ushbu kiritilgan investitsiyalarni aholi jon boshiga taqsimlaydigan bo'lsak 2020-yilda 2010-

yilga nisbatan o'sish dinamikasi 5296,1 mln so'mni tashkil qilgan. Albatta kiritilgan sarmoyalar aholi daromadlari o'sishida ham o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatgan ya'ni 2020-yilda 11700 ming so'mni tashkil etib 2010-yilga nisbatan 10031,9 ming so'mga o'sgan. Mamlakatimizga 2020-yilda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 202,0 trln so'm-

ga yetdi. 2010-2020 yillarda o'rta hisobda mamlakatimizga jalb qilingan asosiy kapitalga investitsiyalarning 50,4% to'rtta hudud - Toshkent shahri, Qashqadaryo, Buxoro va Toshkent viloyatlari hissasiga to'g'ri kelmoqda. Biz buni quyidagi 1-chizmadan ko'rishimiz mumkin.



1-chizma. 2010-2020 yillarda O'zbekistonda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning hududlar bo'yicha taqsimlanishi, o'rtacha %da [5]

Hududlar orasida poytaxt Toshkent shahri mamlakat iqtisodiyotiga o'zlashtirilgan investitsiyalar tarkibida eng katta ulushga (aytilgan davrda o'rtacha 21,1%) ega bo'lib, ushbu ko'rsatkich 2010-2013 yillarda 20,6%, 2014-2016 yillarda 17,6%, 2017-2020 yillarda 21,0% ga yetgan. 2020 yilda Toshkent shahri mamlakat aholisining o'rtacha 7,7%ni yalpi ichki mahsulotda esa Toshkent shaxrining ulushi 15,3 foizni tashkil qiladi. O'z navbatida Qashqadaryo va Buxoro viloyatlari ham respublika iqtisodiyotining 6,0 % va 5,3 %ni, aholining esa 9,6% va 5,6% tashkil etsada, ularga o'zlashtirilgan investitsiyalar respublikaga o'zlashtirilgan jami investitsiyalarning 10,4% va 9,3%ni tashkil etmoqda. 2020-yilda investitsion faollikni pasayganligini ko'rishimiz mumkin, ya'ni asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmini o'tgan yilning mos davriga nisbatan o'sish sur'ati 91,8 %ni tashkil etdi. 2020-yilda 202,0 trln. so'm asosiy kapitalga investitsiyalar o'zlashtirilib, ularning 65,4% yoki 132,0 trln. so'mi jalb etilgan mablag'lar hisobidan moliyalashtirilgan bo'lsa, korxonalar, tashkilot va aholining o'z mablag'lari hisobidan 34,6% yoki 70,0 trln. so'm moliyalashtirilgan. Jami investitsiyalar hajmida, markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga kiritilgan

investitsiyalarning ulushi, 2020-yilning mos davridagi ulushiga nisbatan 8,0% punktga kamayib, 19,5%ni yoki 39,3 trln. so'mni tashkil etdi. Mos ravishda markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan 162,7 trln so'm yoki jami investitsiyalarning 80,5% investitsiyalari o'zlashtirilib, o'tgan yilning mos davridagi ko'rsatkichga nisbatan 8,0% ko'paygan. O'tgan davr mobaynida korxonalar va tashkilotlarning o'z mablag'lari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar - 51,9 trln so'mni yoki jami asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning 25,7 %ni tashkil etdi. Aholi mablag'lari hisobidan jami asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar 8,9% yoki 180,8 mlrd.so'mi o'zlashtirildi. To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hisobidan o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmi 28,7 trln so'mni tashkil etdi va o'tgan yilning mos davriga nisbatan 5,3% kamayib, 14,2% tashkil etdi.

Respublika bo'yicha asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarni mulkchilik shakllari bo'yicha tahlil qiladigan bo'lsak, 2020-yilda 22,5 foiz davlat mulki asosida 77,5 foiz nodavlat mulki asosida 2013-yilga nisbatan o'sish dinamikasiga qarasa davlat mulki ulushi 8,7 foizga oshga nodavlat mulk shakli ulushi 2,3 foizga kamaygan.

О‘zbekiston Respublikasida mulkchilik shakllari buyicha asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar (foizda) [5]

№	Ko‘rsatkichlar	Yillar								O‘zgarish 2020 yil 2013 yilga nisbatan o‘zgarish	
		2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	(+,-)	% da
		1	Jami	100	100	100	100	100	100	100	100
	Shundan										
1.1.	davlat	20,7	19,1	16,3	16,1	14	18,6	21,7	22,5	1,8	108,7
1.2.	nodavlat	79,3	80,9	83,7	83,9	86	81,4	78,3	77,5	-1,8	97,7

Shuningdek, tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablag‘lari hisobidan 28,5 trln so‘mni tashkil etib, 2019-yilning mos davriga nisbatan 0,3%ga kamaygan, O‘zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlar 22,4 trln so‘m, kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar 35,4 trln so‘m, Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi 1,8 trln so‘m, Respublika budjeti 13,1trln so‘m va suv ta‘minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish jamg‘armasi tomonidan 1,9 trln so‘m miqdorida asosiy kapitalga inestitsiyalar o‘zlashtirildi.

Respublikamizda xorijiy investitsiya va kreditlarning 2020-yilda yuqori o‘shishini Jizzax va Sirdaryo viloyatlari (7,4 marta), Samarqand viloyati (5,5 marta), Xorazm viloyati (5,9 marta) kabi viloyatlarda ular hajmining salmoqli darajada oshganligi bilan izohlash mumkin.

**Xulosa va takliflar.** Xulosa shuni aytish kerakki, mamlakatimiz hududlarida so‘nggi yillarda pandemiya sharoitini hisobga olmaganda investitsiya muhit jozibadorligi va faolligi ortib bormoqda. Ammo shu bilan birga ayrim muammolar ham saqlanib qolmoqda. Jumladan, 2010-2020 yillarda respublikamizga jalb qilinayotgan investitsiyalarning yarmini 4 ta hudud – Toshkent shahri, Qashqadaryo, Buxoro va Toshkent viloyatlari hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Ushbu hududlarga o‘zlashtirilayotgan investitsiyalar hududlar iqtisodiy ko‘lami va

aholisi soniga nisbatan kattaroq ulushga ega bo‘lib qolmoqda. Ushbu holat esa investitsiya salohiyati darajasi bo‘yicha hududlar o‘rtasida o‘zaro katta tafovutni keltirib chiqarmoqda Bu muammolarni hal etish uchun quyidagi islohotlarni faollashtirish zarur:

- xorijiy investitsiyani jalb etuvchi korxonalarining tashqi bozorga chiqishda yetarli bilim va tajribaga ega emasligi, xalqaro bozordagi mavqeining pastligi;

- investitsiya jarayonida ishtirokchi tomonlarning o‘zaro bir-birlari to‘g‘risida yetarli ma‘lumotga ega emasligi yoki bu ma‘lumotlarning doimo ham to‘liq va ishonchli bo‘lavermaydi;

- xalqaro maydonda respublika hududlarinig investitsion muhit va hudud iqtisodiyotining yetakchi tarmoq, kompaniya va tashkilotlarining investitsion imkoniyatlari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni keng targ‘ib etish, tahlil qilish, baholash va tasdiqlash kabi tadbirlarni kuchaytirish;

- kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari uchun jaxon bozorlariga chiqish uchun faoliyatini yanada jadallashtirish va rag‘batlantirish mexanizmlarini takomillashmaganligi;

- hududlarda xorijiy investitsiyalarning iqtisodiy samaradorligini oshirish bo‘yicha dasturlar ishlab chiqish va boshqalar.

**Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:**

1. Nowicki M. *The Investment Attractiveness of the Regions and the Sub-regions of Poland 2010–Poland*, Gdansk: The Gdansk Institute for Market Economics, 2010
2. Валинурова Л.С., Казакова О.Б. *Инвестирование: учебник для вузов. М.: ВолтерсКлувер, 2010. 448 с.*
3. Смаглюкова Т.М. *Методика оценки инвестиционной привлекательности региона // Экономические науки. - 2018. - № 4. - С. 117-119*
4. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. *Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007. – 92 б*
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ЭТИШ

*Ахмедова Мавлуда Шавкатовна -  
ТДИУ “Статистика” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш шароитида, фермер хўжаликларининг ўрни, уларнинг фаолияти, иқтисодиётга қўшадиган ҳиссаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида фермер хўжаликларининг ўзаро кооперацияси муаммолари ўрганилиб тадқиқ этилди ва бу муаммоларни ҳал этишида тегишли хулоса ва таклифлар берилди.

**Асосий тушунчалар:** эркин рақобат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, фермер хўжаликлари, кооперация, деҳқон хўжалиги, озиқ-овқат, чорвачилик.

СТАТИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*Ахмедова Мавлуда Шавкатовна -  
ТГЭУ старший преподаватель  
кафедры “Статистики”*

**Аннотация.** В данной статье были изучены и исследованы проблемы взаимного сотрудничества фермерских хозяйств в области развития экономики Узбекистана, их деятельности, вклада в экономику, подготовки, хранения, переработки и реализации сельскохозяйственной продукции, а также оказания сервисных услуг, а также сделаны соответствующие выводы и предложения по решению этих проблем.

**Ключевые слова:** Свободная конкуренция, сельскохозяйственная продукция, фермерские хозяйства, кооператив, сельское хозяйство, продовольствие, животноводство.

STATISTICAL RESEARCH OF ACTIVITY OF FARMER FARMS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

*Akhmedova Mavluda Shavkatovna -  
TSUE senior lecturer of the department “Statistics”*

**Annotation.** In this article, the problems of mutual cooperation of farmer farms in the field of development of the economy of Uzbekistan, their activities, contribution to the economy, preparation, storage, processing and sale of agricultural products, as well as the provision of Service services were studied and investigated, and relevant conclusions and proposals were made in solving these problems.

**Keywords:** Free competition, agricultural products, farming farms, cooperative, farming, food, livestock.

**Кириш.** Мамлакат тараққиётининг бугунги босқичидаги асосий вазифа–қисқа давр мобайнида иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий секторни янада ривожлантириш орқали унинг ЯИМ ҳажмидаги салмоғини яқин истиқболда 65 фоизга етказиш долзарб вазифа қилиб қўйилган. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва самарадорлигининг ўсиши аҳоли даромадлари ва фаровонлигининг ошиши, қишлоқда мулкдорлар қатламини мукамал шаклланиши ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, уни диверсификация қилиш ва фермер хўжаликларидан кўп тар-

моқли фаолиятни ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг рентабеллик даражасини кўтариш, қишлоқ жойларда қўшимча янги иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 2017-2021 йилларда фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳудудларнинг табиий-иқлим, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, шунингдек, мавжуд моддий-техник ресурслар ҳамда кадрлар салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини жорий қилиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида фермер хўжаликларининг ўзаро кооперациясини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда замонавий интензив ресурс тежовчи агротехнологияларни кенг қўллаш, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини ўзлаштириш асосида ер-сув, моддий-техника ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган фермер хўжаликларидан 2017-2021 йилларда кўп тармоқли фаолиятни босқичма-босқич ташкил этиш прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди[1].

**Асосий қисм.** Прогноз кўрсаткичларига биноан тижорат банкларига фермер хўжаликларини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоиз ставкада қуйидаги йўналишлар учун белгиланган тартибда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматлари кўрсатиш:

- замонавий ресурс тежовчи агротехнологияларни, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг илғор технологияларини ва қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишга;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, шунингдек сервис хизмати кўрсатиш учун технологик ускуналарни харид қилишга;

- фермер хўжаликларидан кўп тармоқли фаолиятни ташкил этиш мақсадида бошланғич капитални шакллантиришга;

- кейинчалик қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга.

- фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини амалга оширувчи кооперативлар ташкил этиш учун ўзларининг молиявий ва бошқа ресурсларини бирлаштириши мумкин;

- фермер хўжаликларини томонидан ташкил этилган кооперативлар ўз фаолиятини юридик шахс мақомини олган ҳолда, таъсисчилар томонидан тасдиқланган низом асосида амалга ошириши бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликларини ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5199 – сон фармонида белгилаб қўйилганидек, ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни

ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди, ислохотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликларини фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш бўйича мустақкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди, қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди, ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг бир қатор қарорларида истикболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Фермер хўжалиги маҳсулотлари бозорини ривожлантириш масалалари Л.В.Агаркова, И.А.Баранов, Н.А.Попов[3] каби хориж олимлари томонидан таҳлил қилинган. Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Фермер хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш, бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалалари Н.Р.Асадулина, А.Х.Бурҳонов, М.М.Мирзаев, Ч.Муродов[4], Э.И.Эргашев, У.С.Мухиддинова, Ш.Т. Эргашева, Б.Х. Шафқаров, М.Рахматов, Т.Ю.Дадабоев, Д.С.Ашурова кабиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган[4]. Жумладан, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан В.Қ.Қобилов, Т.Ш.Шодиев, Н.Латипов ва бошқалар бу борада тадқиқот олиб борганлар. Н.Латиповнинг илмий ишларида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий-математик услуги кенг таҳлил қилинган. Ёш олимлардан Э.И.Эргашевнинг илмий ишида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш йўналишлари, унга таъсир этувчи омиллар, тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари тадқиқ этилган бўлса, У.С.Мухитдинованинг тадқиқот ишида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг ривожланиши, маркетинг



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

тизимини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Т.Ю. Дадабоевнинг ишида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари, Д.С.Ашурованинг ишида аграр иқтисодий жараёнлардаги мураккаб иқтисодий алоқаларнинг статистик таҳлили, эҳтимолликни аниқ даражаларида аниқлаш, қишлоқ хўжалиги ривожланиши даражасини келажакка башорат қилиш ва режалаштиришнинг аниқ кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот ишлари аграр-иқтисодиёт фанига муайян даражада ҳисса қўшиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-

сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг самарадорлиги муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Лекин юқоридаги илмий тадқиқот ишларида ҳудудий даражаларда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятини статистик жиҳатдан тадқиқ этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаганлиги, ўрганилаётган мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

**Таҳлил ва натижалар.** Қуйидаги жадвалда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дехқон ва фермер хўжаликларининг охириги йиллардаги улушини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дехқон ва фермер хўжаликларининг улуши[2]**

Йил-лар	Барча тоифадаги хўжаликлар	Жумладан: (% да)								
		Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари	ташкилотлар	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари	ташкилотлар	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари	ташкилотлар
		Жами			Дехқончилик			Чорвачилик		
2010	100	36,3	61,6	2,1	59,1	39,4	1,5	3,9	93,1	3,0
2011	100	34,7	63,0	2,3	57,8	40,6	1,6	3,9	93,0	3,1
2012	100	33,0	64,6	2,4	56,8	41,4	1,8	4,0	92,8	3,2
2013	100	32,1	65,5	2,4	55,5	42,9	1,6	4,1	92,7	3,2
2014	100	30,1	67,5	2,4	53,4	44,8	1,8	4,1	92,8	3,1
2015	100	30,7	66,9	2,4	52,0	46,2	1,8	4,0	92,9	3,1
2016	100	29,7	68,0	2,3	52,0	46,4	1,6	3,9	92,9	3,2
2017	100	29,3	68,4	2,3	49,2	49,1	1,7	3,7	93,1	3,2
2018	100	26,0	71,2	2,8	45,3	52,2	2,5	4,6	92,3	3,1
2019	100	26,9	70,1	3,0	48,7	48,4	2,9	5,0	91,9	3,1

Фермер хўжалигининг даромадлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан кейин фермер хўжалигининг раҳбарига берилади ва солиққа тортилмайди. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, 1-расмда фаолиятнинг ташкилий ва иқтисодий механизмлари ва фермер хўжалигини ривожлантириш схемаси ишлаб чиқилди.

Биринчи гуруҳ давлат томонидан яратилган умумий иқтисодий бошқарув механизмларидан иборат, иккинчиси - фермер хўжаликлари бошқаруви ва амалиёт механизмлари, учинчиси - сотиш, сотиб олиш ва меҳнат шартномаларини тузиш ва бажариш учун шартномавий муносабатлар механизмларидир. Уларнинг барчаси фермер хўжалигини бошқариш жараёнида биргаликда амалга оширилади ва фермер хўжалигининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бизнес-режаларида сифат кўрсаткичларини аниқлайди.

Давлатнинг умумий иқтисодий механизмлари томонидан ташкил этилган фермер хўжалигининг фаолиятини ташкил этиш учун асослар мавжуд. Фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, уларда мавжуд бўлган ресурслардан,

яъни энг аввало ер, сув, меҳнат, буюмлашган ва молиявий ресурслардан қандай фойдаланганлигини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг объектив зарурати доимий равишда таъсир қилувчи омиллар қолаверса мамлакатимиз ривожланиши ҳозирги ҳолатининг қатор ўзига хослиги билан характерланади. Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар бирлиги ҳисобига олинган самара билан аниқланади.

Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик биринчи навбатда рентабелликнинг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, шу индикаторлар орқали ўз тавсифини намоён қилади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишда, уни аниқ ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимини услубий жиҳатдан тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Самарадорликни белгиловчи кўрсаткичлар ичида «Фойда» массаси асосий кўрсаткичлардан бири сифатида алоҳида ўринда туради.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ



1-расм. Фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришнинг асосий механизмлари[5]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: - “Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инobatга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади”[6] - деб таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларидида жами экин экилган майдонининг ўзгариш динамикасини таҳлил қилганимизда, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йилда 2016 йилга нисбатан жами экин экилган майдон 363884 гектарга, 11,6 фоизга камайган. Шундан, суғориладиган ерлар 376652 гектарга, яъни 13,1 фоизга камайган (2-жадвал).

2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларидида жами экин экилган майдонининг ўзгариш динамикаси[7]

Кўрсаткичлар	Жами экин экилган майдони, гектар					Шундан: суғориладиган ерлар, гектар				
	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2016 йилга нисбатан		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2016 йилга нисбатан	
				(+;-)	%				(+;-)	%
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>3 137772</b>	<b>2 911 394</b>	<b>2 773 888</b>	<b>--363884</b>	<b>88,4</b>	<b>2 868 887</b>	<b>2 635 480</b>	<b>2 492 325</b>	<b>-376652</b>	<b>86,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	217048	225404	192811	-24237	88,8	217 048	225 404	192 811	-24237	88,8
<b>вилоятлар:</b>										
Андижон	196516	186989	185830	-10686	94,6	196 516	186 989	185 830	-10686	94,6
Бухоро	199503	197543	187828	-11675	94,1	199 503	197 543	187 828	-11715	94,1
Жиззах	365849	317818	323004	-42845	88,3	246 450	207 938	197 058	-49392	80,0
Қашқадарё	411266	390129	376320	-34946	91,5	348 350	322 273	320 957	-27393	92,1
Навоий	79649	74824	73738	-5911	92,6	79 649	74 807	73 602	-6047	92,4
Наманган	192245	169040	161937	-30308	84,2	192 245	169 040	161 937	-30308	84,2
Самарқанд	297420	289451	284123	-13297	81,4	245 378	229 848	224 765	-20613	91,6
Сурхондарё	236231	217940	192343	-43888	81,4	219 244	193 848	164 408	-54836	75,0
Сирдарё	210894	191412	169477	-41417	80,4	210 894	191 412	169 477	-41417	80,4
Тошкент	296962	248747	247627	-49335	83,4	279 421	234 285	234 802	-44619	84,0
Фарғона	242342	226595	212082	-30260	87,5	242 342	226 595	212 082	-30260	87,5
Хоразм	191847	175502	166768	-25079	86,9	191 847	175 498	166 768	-25079	86,9

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Бу кўрсаткичлар фермер хўжаликларида агросаноат мажмуининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятининг ихтисослашуви ва концентрациясининг босқичма-босқич оширилишини кўрсатади. Бу эса аграр иқтисодиёт секторда фермерлик таркибининг роли ва аҳамиятини оширишга таъсир қилди.

Республика хўжаликларида чорвачилик ва паррандачилик самарадорлигини ошириш тенденцияси кузатилмоқда, ширкатлар ва бошқа йирик фермер хўжаликларида эса маҳсулдорлик пасаймоқда. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликларида сут соғиб олиш, товуқларни тухум ишлаб чиқариш ва қорамол бошига гўшт ишлаб чиқариш паст бўлади. Фойдаланилмай ётган ерлар ҳисобига фермер хўжалиklarининг ер майдонлари кўпайтирилди. Қисқартирилган ғўза экин майдонлари ҳисобига сабзавот, полиз, боғ ва узумзорлар майдони кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича фермер хўжаликлари маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 0,2 %га ўсди, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 4,7 % га камайди, чорвачилик маҳсулотлари 6,5 %га ошди. 2018 йилда 192,7 трлн. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди ва ушбу ҳажмининг 102,5 трлн. сўмга тенг қисми ёки 53,2 % деҳқончилик, 90,2 трлн. сўмга тенг қисми ёки 46,8 % чорвачилик соҳасига тўғри келди.

Мамлакатимизда 2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент вилоятларида асосан деҳқончилик соҳаси-

нинг анча ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу вилоятларда жами қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари ҳажмининг 51,6-69,3 %ни деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади.

Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳаси ҳам анча ривожланган. Ушбу вилоятларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 52,5-61,5 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида 36,1 %ни, деҳқон хўжалиklarининг энг юқори улуши Навоий вилоятида 77,5 %ни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида 7,5 %ни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида 19,4 % ни, деҳқон хўжалиklarининг энг кам улуши Самарқанд вилоятида 60,7 %ни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Андижон вилоятида 1,0 % ни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлар динамикасини таҳлил қилдиган бўлсак, 2018 йилида фермер хўжаликларида 5020,5 минг тонна (87,6 %) дон экинлари етиштирилди, 2 990,9 минг тонна (69,9 %) картошка кавлаб олинди, 2328,1 минг тонна (77,3 %) сабзавотлар, 728,7 минг тонна (76,4 %) озиқабоп полиз экинлари, 911,6 минг тонна (94,6 %) мевалар ва резаворлар, 977,6 минг тонна (91,5 %) узум йиғиб олинган (3-жадвал)

### 3-жадвал

#### 2018 йилида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлар динамикаси [8]

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2018 йил 2017 йилга нисбатан	
			(+;-)	%
Дон экинлари	5731,1	5020,5	-7106	87,6
Картошка	429,0	299,9	-129,1	69,9
Сабзавотлар	2996,2	2328,1	-6681	77,7
Полиз	953,7	728,7	-225	76,4
Мева ва резаворлар	963,3	911,6	-51,7	94,6
Узум	1068,4	977,6	-90,8	91,5

Олиб борилган ислохотлар ва таркибий ўзгартиришлар натижасида фермер хўжаликлари жами экин экилган майдони 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 363884 гектарга, 11,6 фоизга, суғориладиган ерлари 376652 гектарга, яъни 13,1 фоизга камайган. Лекин ушбу таркибий ўзгаришлар ерларидан фойдаланиш самарадорлиги ошишига салбий таъсир кўрсатмаган.

Шу сабабли, фермер хўжаликлари маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва ҳосилдорлиги ҳам сезиларли равишда ўзгарди. Бу эса, озиқовқат ҳавфсизлигининг барқарор таъминланаётганлигидан дарак беради, 2018 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига мева ва узум истеъмоли 2,33 баробарга, картошка истеъмоли 196,6 фоизга, сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли эса 2,66 баробарга кўпайди. Бошқа

маҳсулотлар ҳам меъёрдан ортиқ миқдорда етиштирилди.


Умуман, давлат томонидан ер участкаларини ва фермер хўжаликларини қайта тузиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар уларнинг самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш учун замин яратади. Шу билан бирга, натижаларга эришиш учун, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқаришга ихтисослашишни яхшилаш, улар жойлашган ҳудудларнинг табиий, меҳнат ва бошқа потенциалдан оқилона фойдаланишни ҳисобга олиш зарур. Шу муносабат билан келажак учун фермерлар маҳсулотларининг ихтисослашуви ва мослашуви учун оптимал вариантларни аниқлаш керак.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, республиканинг барча ҳудудларида ер участкалари миқдори бўйича фермер хўжаликлари мавжуд. Ушбу фермер хўжаликларининг ривожланиши асосан ҳудудларнинг иқлим, ер сувлари, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитлари, шунингдек, давлатнинг аграр сиёсати қоидалари билан белгиланади.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, фермер хўжаликларини бундан буён ривожлантириш уларнинг нафақат бозор шароитларига, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун табиий, иқлим, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларга мослашишга йўналтирилган бўлиши керак.

Шу муносабат билан фермаларнинг бозорга мослашиши шароитида ривожланиш омилларини ва улар жойлашган ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларини аниқлаш муҳимдир.

Буни ҳисобга оладиган бўлсак, фермаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар бизни уч гуруҳга ажратди. Биринчи гуруҳ макроиқтисодий омиллар, иккинчи гуруҳ - ҳудудий (минтақавий) омиллар ва учинчи - ички иқтисодий омиллар (2-расм). Фермер хўжаликларини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати муҳим аҳамиятга эга, самарадорлиги асосан ҳар бир хўжаликнинг молиявий ва иқтисодий ҳолатига боғлиқ.



2-расм. Фермер хўжаликларининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва шартлар тизими[9]

Ҳозирги вақтда давлат томонидан яратилган ташкилий-иқтисодий механизмлар ва шарт-шароит фермер хўжаликларини ривожлантириш омиллари сифатида мақсадли ва улар самарали амалда намоён бўлади.

Шу билан бирга, фермерларни қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати уларнинг маҳсулотига бўлган эҳтиёжга нисбатан ички бозорда ва ташқи бозорларда уларнинг нархларидан келиб чиқадиган маҳсулотларга боғлиқ бўлиб, улар асосида маҳсулот нархлари шакллантири-

лади, айниқса, давлат томонидан дастлабки қайта ишлаш учун пахта сотиб олинади. Фермерларга бериладиган кредитларнинг фойдаси, миқдори ва муддати, уларнинг фоизлари, шунингдек даромад бўйича солиқ ставкалари ва олинган моддий-техник ресурслар учун муҳимдир.

Умуман, давлат томонидан бошқариладиган макроиқтисодий омиллар барқарорлаштирувчи хусусиятга эга ва фермерлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фаол рол ўйнайди. Фер-

мер хўжаликларининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар ер ресурсларининг мавжудлиги ва ҳолатини ўз ичига олади. Табиий унумдорлик, тупроқ шўрлиги даражаси, ер ости сувининг даражаси ва шунга ўхшаш омиллар ҳосилдорлик даражаси ва маҳсулот сифатига кучли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ҳудуд аҳолисининг зичлиги ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ҳам фермер хўжаликларини ривожлантириш ва жойлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фермер хўжаликлари учун пахта ва суғориладиган деҳқончиликнинг бошқа навларини етиштириш учун уларнинг ердан фойдаланиш шартлари асосида уларнинг наслчилик навларини муайян турларига йўналтириш катта аҳамиятга эга. Қабул қилинган даража фермер хўжаликлари, айниқса, мини-банклар, консалтинг ва ахборот марказлари эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатиш учун етарли даражада эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг сони фермер хўжаликларини жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва ихтисослашуви натижалари асосида ҳал қилиниши керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослашувига бевосита таъсир кўрсатадиган навбатдаги омиллар фермер хўжаликлари омилдир.

Муайян товар ёки хом-ашёни ишлаб чиқариш учун ихтисослашган фермер хўжаликлари сифатида бундай фермер хўжаликлари ернинг миқдори ва чорва молларига нисбатан пастроқ чегараланган. Масалан, пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўртача экин майдони 35 гектардан 125 гектарга қадар бўлган майдонлар ҳажмига эга; боғдорчилик ва узумчиликда 2 гектардан 20 гектарга, 4 гектардан 46 гектаргача суғориладиган ерга сабзавот етиштиришга мўлжалланган. Ёки чорвачилик фермер хўжаликларида ихтисослаштирилган чорва моллари ўттизта бош қорамолга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, суғориладиган ерларда бир шартли поданинг вакили 0,3 дан 0,45 гектарга ва камида 2 гектар суғорилмайдиган (ёмғирли) ерларга эга бўлиши керак. Фермер хўжаликларининг алоҳида гуруҳлари дон, сабзавот, мева, сут ва гўшти қайта ишлаш учун кичик корхоналар мавжуд. Бундан ташқари, ҳар бир минтақа (ёки маъмурий ҳудуд) ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, реал шароитларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, хусусан, деҳқончиликни концентрациялаш ва ихтисослаштириш даражасининг ҳал қилувчи омилларига айлантиради. Ушбу омиллар қуйидагилардир:

- минтақанинг (ҳудудларнинг) қишлоқ аҳолисини ва унинг ишчи қисмини;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг мавжудлиги;
- минтақада сув мавжудлиги даражаси, айниқса ўсимлик мавсумида;
- вилоят ичкарасида ва ташқарисида фермерларнинг маҳсулот ва хом ашё талабларига жамоатчилик талаби;
- минтақадаги маҳсулот ва хом ашёнинг бозор имкониятларини;
- имкониятлар ва мавжудлиги, шунингдек, бозорларни моддий-техника ресурслари ва бошқа товарларга яқинлиги.

Бу ва бошқа омиллар, ривожланаётган бозор шароитлари билан биргаликда, минтақада фермерликни ривожлантиришнинг миқдорий кўрсаткичлари белгиланадиган минтақада концентрация (жойлаштириш) ва фермер хўжаликларининг ихтисослашув даражасини оптималлаштириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш (концентрация даражаси) ер ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари (капитал), ҳудуддаги меҳнат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик даражасини белгилаш билан тавсифланади. Концентрацияни ошириш фермер хўжаликларида ихтисослаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ва комбинациялаш асосида амалга оширилади. Шу асосда фермер хўжаликларининг ҳудудий ривожланиши учун концептуал қоидаларни ишлаб чиқармиш, бу фермер хўжаликлари учун мақбул ер фойдаланиш вариантларини баҳолаш ва танлаш, уларнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари учун ҳудудий ривожланишини прогноз қилиш, жумладан, маҳсулотни ишлаб чиқариш, прогнозлаштириш ва сотиш прогнозларини кiritиш имконини беради. Энг яхши ечимларни танлаш мезонлари фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромад (ёки фойда) бўлиши керак, уларнинг миқдори минтақадаги аҳоли турмуш даражасига ва шахсий оилага боғлиқ.

Ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги ташқи ва ички омиллар билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ташқи омилларга нархлаш, солиққа тортиш, кредитлаш, инфляция жараёнлари, субсидиялар ва компенсациялар, аграр қонунлар, ички омилларга эса қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги, ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этилиши, ихтисослашуви киради.

**Хулоса ва таклифлар.** Фермер хўжалигини ривожлантириш асосан табиий-иқлим, техник-технологик, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий омилларга боғлиқ (3-расм)..

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ



**3-расм. Фермер хўжалигини ривожлантириш омиллари[9]**

Мамлакат бўйича қишлоқ хўжалигидан олинадиган ялпи даромаднинг 54 фоизи деҳқончиликка ихтисослашган, 46 фоизи эса чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келади. Соф фойдада бу кўрсаткич мос равишда 62 ва 38 фоизни ташкил этади. Бу сабзавот ҳамда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўта сердаромадлиги билан изоҳланади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари юқори даражада концентрацияланганлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигининг юқорилигига қарамасдан юқори рентабелликка эриша олмаяптилар. Бунинг асосий сабаби юқори маҳсулдорликка эга бўлган ҳайвонлар учун озуқалар, зотдор ёш ҳайвонлар, бинолар, соғиш жиҳозлари ва сутни бирламчи қайта ишлаш қуролларининг қимматлиги бўлмоқда.

Фермерларнинг ерга бўлган мулкчилик шакли доимо ўзгаришда бўлади. Ўз ерининг тўла эгаси бўлган фермер бир вақтнинг ўзида қўшни ернинг қисман эгаси ёки ижарачиси бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига боғлиқ.

Ўтган 2008-2016 йиллар давомида асосан тўла мулкдор бўлган фермерлар ҳисобига уларнинг сони кескин қисқарди. Чунки унчалик юқори бўлмаган молиявий натижалар туфайли кўпгина фермерлар ўз фаолиятларини давом эттира олмадилар. Лекин қизиғи шундаки, таҳлил этилаётган давр мобайнида ўз ерининг тўла эгаси бўлган фермерлар сони 35 фоизга қисқарган бўлсада, улар эгаллаб турган ер майдонлари ҳажми 21 фоизга қисқарган. Чунки ўз фаолиятини давом эттираётган фермерлар «синган» фермерлар ҳисобига ўз ерларини кенгайтирганлар.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016-2018 йиллар бўйича маълумотлар асосида тузилди
3. Асадулина Н.Р. Механизм регулирования эффективности плодовоовощного комплекса Республики Узбекистан на основе логистического подхода. Дисс.на соис. учен. степ. канд. экон. наук. – Т.:–2006.–с.158.;
4. Бурҳонов А.Х. Турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.– Т.: ЎзБИИТИ, 2000. – б.117.;
5. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил, № 271-272 (7229-7230).
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016-2018 йиллар бўйича маълумотлар асосида тузилди
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил маълумотлари асосида тузилди
9. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИ ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

*Айсачев Абдулфотих Абдулфаизович -  
Андижон машинасозлик институти  
докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги тармоғини иқтисодий ривожланиш ҳолати, уларга таъсир қилувчи омиллар, соҳаларнинг ривожланиш динамикаси, макроиқтисодий кўрсаткичларда вилоят иқтисодиётининг тутган ўрнига баҳо берилган.

**Таянч иборалар:** қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, деҳқон хўжалиги, чорвачилик, таркибий ўзгаришлар, инвестиция, ҳудуд иқтисодиёти, иқтисодий-статистик таҳлил, аграр ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.

СОСТОЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА  
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА

*Айсачев Абдулфотикс Абдулфаизович -  
Андижанский институт машиностроения  
докторант*

**Аннотация:** В статье оценивается состояние экономического развития аграрного сектора Андижанской области, факторы, влияющие на них, динамика развития отраслей, роль экономики региона в макроэкономических показателях.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, сельскохозяйственное производство, валовой внутренний продукт, валовой региональный продукт, сельское хозяйство, животноводство, структурные изменения, инвестиции, региональная экономика, экономико-статистический анализ, аграрная реформа, социально-экономические процессы.

STATUS OF ECONOMIC DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL SECTOR IN  
ANDIZHAN REGION STATISTICAL ASSESSMENT

*Aysachev Abdulfotix Abdulfaizovich  
Andijan Institute of Mechanical Engineering  
PhD student*

**Abstract:** The article assesses the state of economic development of the agricultural sector of the Andijan region, the factors affecting them, the dynamics of the development of industries, the role of the region's economy in macroeconomic indicators.

**Keywords:** agriculture, agricultural production, gross domestic product, gross regional product, agriculture, animal husbandry, structural changes, investments, regional economy, economic and statistical analysis, agrarian reform, socio-economic processes.

**Кириш.** Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳудудларнинг алоҳида тармоқ хусусиятлари ва уларнинг ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни ўрганиш яхлит ҳудуднинг таркибий таҳлили аниқлигини оширади. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тuzилишида бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши асосий тармоқ ва соҳалар қаторида сезиларли улушга эга бўлсада, амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми ортиб борган ҳолда улуши пасайиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодиётнинг миллий ва ҳудудий кесимида саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин [1].

Мамлакатимизда аграр ислохотлар доирасида тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожлантириш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий

ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш учун тажриба-синов тариқасида инвестициявий дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган [2].

2019 йил охирида жаҳон мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан қийин ҳолатга туширган пандемия шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги тармоғи бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида юз бераётган ўзгариш тенденцияла-

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ри асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Макро ва мезо даражада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг статистик таҳлили алоҳида мамлакатлар ҳамда минтақа (ҳудуд)лар бўйича кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Ё.Абдуллаев ва Н.Соатовлар[3] иқтисодий-статистик таҳлилнинг назарий жиҳатларини, Т.Шодиев[4] қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг эконометрик моделларини назарий ва амалий жиҳатдан, Д.Пармакли [5] қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларини назарий жиҳатдан ўрганишган бўлса, В.Сомов алоҳида ҳудудий бирлик қишлоқ хўжалиги ривожланишини иқтисодий-статистик жиҳатдан таҳлил қилган [6].

Юқоридаги тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишини макро ва мезо даражада иқтисодий-статистик таҳлил қилиш назарий жиҳатдан ўрганилган бўлсада, бугунги кунгача мамлакатимиз ҳудудий бирликлари қишлоқ хўжалиги тармоғи мезо даражада чуқур таҳлил қилиниб, ундаги ўзгариш тенденцияларини аниқлаш асосида ҳудудий тармоқ ривож-

ланишининг асосий йўналишларини белгилаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқотни амалга оширишда ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тармоғини иқтисодий ривожланиш ҳолатини статистик баҳолашнинг назарий-усулбий асослари, аграр соҳада кичик бизнес ривож-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тараққиётидаги роли, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш каби йўналишларда илмий тадқиқот ишини олиб борган бир қатор олимларнинг ишлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида илмий тадқиқотларнинг диалектика назариясига таянган ҳолда анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Андижон вилояти мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида Самарқанд ва Тошкент вилоятидан кейин энг кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи ҳудудий бирлик бўлиб, йиллар давомида етиштирилган ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

**Миллий иқтисодиёт ва Андижон вилояти асосий макро (мезо) иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариши, млрд. сўм [7]**

Кўрсаткичлар	Йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	78936,6	103232,6	127590,2	153311,3	186829,5	221350,9	255421,9	317476,4	424728,7	529391,4	602551,4
Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти (млрд. сўм)	4497,3	6183,4	7623,8	9918,6	11872,3	13914,0	16115,6	19753,0	27144,4	33802,1	38531,0
Мамлакат кўрсаткичидаги улуши (%)	5,7	6,0	6,0	6,5	6,4	6,3	6,3	6,2	6,4	6,4	6,4
Миллий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	16463,6	19500,0	24455,3	30490,1	37646,2	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	202126,8
Вилоят иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	726,2	1037,2	1379,9	1462,3	1645,0	1956,5	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	8755,1
Мамлакат кўрсаткичидаги улуши (%)	4,4	5,3	5,6	4,8	4,4	4,4	4,3	4,1	3,8	3,8	4,3
Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	30856,7	45285,9	55750,0	66435,3	81794,3	99604,6	115599,2	148199,3	187425,6	216283,1	249754,5
Ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	2841,1	4264,9	5283,6	6575,4	7992,4	9796,6	11873,4	15290,9	19606,3	23686,7	26142,8
Мамлакат кўрсаткичидаги улуши (%)	9,2	9,4	9,5	9,9	9,8	9,8	10,3	10,3	10,5	11,0	10,5

Юқоридаги жадвал маълумотларида келтирилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Андижон вилоятининг ҳудудий кўрсаткичлари таҳлили вилоят иқтисодиётининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини аниқроқ кўриши имконини беради.

Андижон вилояти эгаллаган ҳудуди жиҳатидан бошқа вилоятлардан анча кам ҳудудни эгаллаган бўлсада, аҳоли сони жиҳатидан ол-

динги ўринлардан (ҳозирги кунда вилоятда доимий аҳоли сони 3188,2 минг киши бўлиб, аҳоли сони бўйича республикамизда тўртинчи ўринда туради) бирини эгаллайди ва шу билан боғлиқ ҳолда аҳоли зичлиги бўйича мамлакат бўйича биринчи ўринда туради (Навоий вилоятида 1 км<sup>2</sup> га 9 киши, Қорақалпоғистон Республикасида 1 км<sup>2</sup> га 11 киши, Андижон вилоятида эса 1 км<sup>2</sup> га 733 киши тўғри келади).



Табиий-иқлим ҳамда демографик омиллар таъсирида 2010 йилда вилоят ҳудудий маҳсулоти мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,9 %ни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 0,6 % га ортиши натижасида 6,5 %ни ташкил қилган. Республика ялпи ички маҳсулоти кўрилатган 11 йил давомида 7,8 марта ўсиб, ўртача йиллик ўсиш даражаси 6,3 %ни ташкил этган бўлса, Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 2010-2020 йиллар давомида 8,7 марта ўсиб, ўртача йиллик ўсиш даражаси 5,2 % бўлган. Кўрсаткичларни таққослаш вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг умумий ўсиш даражаси мамлакат кўрсаткичидан юқори, ўртача ўсиш даражаси эса бир оз пастлигини кўрсатади.

Ялпи ички маҳсулот ва ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўзгариши кўп жиҳатдан миллий ёки ҳудудий иқтисодиётга жалб этилган ва ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Миллий иқтисодиёт бўйича 2010-2020 йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 12,6 марта ортиб, 2010 йилдаги 16463,6 млрд. сўмдан, 2020 йилда 202126,8 млрд. сўмга етган. Мамлакат бўйича ушбу кўрсаткичнинг йиллар давомидаги ўртача ўсиш даражаси 3,2 %ни ташкил қилган ва бу кўрсаткичнинг аввалги йилга нисбатан ўсиш даражаси 2017-2019 йилларда 4,0 % атрофида бўлган.

Вилоят миқёсида ҳудуд иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми мамлакат даражасидан бир оз пастроқ бўлган. Хусусан, ўтган 11 йил давомида вилоят иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 10,3 марта ўсган бўлиб, 2010 йилдаги 726,2 млрд. сўм инвестиция ҳажми 2020 йилга келиб 7882,9 млрд сўмга етган.

Вилоят бўйича ҳудудий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмининг 11 йил давомидаги ўсиш даражаси 10,8 мартани ташкил этган бўлиб, ўсиш даражасида 2010-2011 йиллардан сўнг пасайиш ва 2017 йилдан бошлаб кескин ўсиш тенденцияси кузатилади. Жумладан, 2017-2020 йилларда ҳудудий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш даражаси 26,3 % атрофида бўлган.

Андижон вилояти бўйича ҳудудий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмининг макро даражадаги кўрсаткичдаги улушининг ўзгаришида ҳам ўзига хос ўзгариш тенденциясини кузатиш мумкин. Бу кўрсаткич 2011-2012 йиллар давомида ўсган (мос равишда 5,3 ва 5,6 %) бўлса, 2013-2020 йиллар давомида барқарор пасайганлигини (2020 йилда 3,9 % ни ташкил қилган) кўриш мумкин. Бу албатта, бошқа вилоятларда иқтисодиёт тармоқларининг Андижон вилоятига нисбатан фаолроқ инвестицион ҳаракати билан изоҳланиши мумкин.

Андижон вилояти мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида Самарқанд ва Тошкент вилоятидан кейин энг кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи ҳудудий бирлик бўлиб, йиллар давомида етиштирилган ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, 2010-2020 йиллар оралиғидаги 11 йил давомида вилоятда яратилган ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 2841,1 млрд. сўмдан 16454,5 млрд. сўмга ўзгариб, 5,8 мартага ортган. Ушбу кўрсаткични мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида яратилган кўрсаткичнинг ўсиш суръатига таққосланганда, вилоят кўрсаткичи мамлакат даражасидаги кўрсаткичдан 0,4 марта кўпроқ ўсганлиги кўринади.

Кўрилатган даврда Андижон вилоятида яратилган ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мамлакат даражасидаги кўрсаткичнинг 9-11 %ни ташкил этиб, йиллар давомида барқарор ўсиш даражасига эришган ва 2020 йилдаги улуши 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,6 % га ортган. Вақтли қатордаги қийматлар таҳлили аввалги йилларга нисбатан вилоят кўрсаткичининг 2013, 2016 ва 2019 йилларда мос равишда 0,4, 0,5 ва 0,8 % га жадал суръатларда ўсганлигини ва бу ўсиш вилоят қишлоқ хўжалиги тармоғидаги маълум бир табиий-иқтисодий омилларнинг таъсирида юз берганлигини акс эттиради.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоғининг кўрилатган даврдаги ривожланишига тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш ресурси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонларининг ўзгариши ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади (2-жадвал).

Андижон вилояти ҳудудий қишлоқ хўжалиги тармоғи томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланиладиган экин майдонлари ўтган 11 йил давомида деярли ўзгармасдан қолган бўлсада, 2012-2015 йиллар оралиғида экин майдонларининг маълум даражада қисқарганлиги ва 2020 йилга келиб, аввалги кўрсаткичга ўсган.

Республика қишлоқ хўжалиги тармоғи томонидан фойдаланиладиган экин майдонларининг кўрилатган даврда 10,8 %га қисқарганлиги эътиборга олинандиган бўлса, вилоят ҳудудий қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонларининг ўзгариш даражасини ижобий баҳолаш мумкин. Чунки, вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланилувчи экин майдонларининг республика кўрсаткичидаги улуши ўтган давр мобайнида 6,2 % дан 6,9 % га ортиб, ўсиш даражаси 0,7 % ни ташкил этган.

2010-2020 йилларда Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги айрим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили [7]

Кўрсаткичлар	Йиллар											2020 йилда 2010 йилдагига нисбатан мутлоқ ўзгариш (+, -)
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Вилоят қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, минг га	230,1	230,2	229,6	229,9	229,9	230,0	230,0	230,1	230,2	230,2	230,1	100,0
Мамлакат кўрсаткичидаги улуши (%)	6,2	6,4	6,3	6,3	6,2	6,2	6,2	6,6	6,8	6,9	6,8	+0,6
Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоғида бандлар сони, минг киши	692,2	723,4	725,1	762,1	797,5	817,6	820,5	822,4	781,7	778,9	773,4	81,2
Мамлакат кўрсаткичидаги улуши (%)	22,2	22,4	22,3	22,4	22,6	22,7	22,5	22,4	22,1	22,0	22,0	-0,2
Вилоятдаги умумий бандлар сонидagi улуши (%)	25,9	26,7	26,3	27,2	27,9	28,1	27,7	27,3	25,5	24,9	24,4	-1,0

Жадвалдаги асосий кўрсаткичлардан яна бири бўлган тармоқда банд бўлган меҳнат ресурслари сонининг ўзгариш даражаси ҳудуд қишлоқ хўжалиги ривожланишининг сифат жиҳатларини ўзида акс эттириб, қишлоқ хўжалиги тармоғида бевосита меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариш хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлган меҳнат ресурслари сони 2010 йилда 692,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилда 11,7 %га ортган ва 773,4 минг кишига етган. Вилоятнинг ушбу соҳада банд бўлган меҳнат ресурслари миқдори мамлакат қишлоқ хўжалигида бандларнинг 22,0-22,7 % оралиғидаги улушни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2010-2020 йиллар оралиғида 0,2 % га пасайган. Вилоят қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг жами банд аҳолидаги улуши эса 24,9-28,1 %ни ташкил этган ва бу кўрсаткичнинг йиллар давомидаги ўзгариши таҳлили 2015 йилгача ўсиш ва кейинги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилда 2010 йилдагидан 0,5 %га пасайганлигини (24,4 %) кўрсатади.

Таҳлилий маълумотлардан кўриш мумкинки, вилоят ҳудудий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлган меҳнат ресурслари сони миқдор жиҳатидан ортиб борган бўлсада, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал суръатда ривожланиши таъсирида улуш жиҳатидан пасайиб борган. Бу ҳолат, бир томондан, ҳудудий тармоқнинг маълум даражада интенсив ривожланиб боришини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли зичлиги мамлакат даражасида энг тигиз бўлган вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоғидан бўшаган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасидаги бандлик муаммосини маълум даражада кескинлаштиради. Юқоридаги таҳлиллар Андижон вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғининг умумлашган кўрстакларидаги ўзгаришлар ҳолатини

акс эттирсада, бу кўрсаткичлар таҳлили тармоқнинг вилоят ҳудудлари, қишлоқ хўжалиги тармоғи соҳалари ҳамда корхоналари кесимида юз бераётган ўзгаришлар хусусиятларини аниқ тавсифлаб бера олмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотда вилоят ҳудудий қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳолатини вилоятнинг шаҳар ва туманлари, тармоқнинг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ҳамда асосий корхона шакллари бўйича таҳлиллар амалга оширилди.

Вилоят ҳудудлари кесимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг ўзгариши қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳисобланган ҳудудий бирлик (шаҳар ва туман)ларнинг тармоқ учун қулай шароитларига боғлиқ ҳолда юз берган (3-жадвал).

Вилоятнинг 3 та шаҳридан Андижон ва Хонобод шаҳарларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми умумий миқдор жиҳатидан ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлсада, Хонобод шаҳрининг вилоят ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмидаги улуши ўтган 10 йил давомида 0,1 % га пасайган, Андижон шаҳрининг улуши эса 0,3 % га ортган.

Асака шаҳрида эса 2010 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши статистик ҳисобдан чиқарилганлиги сабабли 2011 йилдан бошлаб, бу шаҳар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мавжуд эмас.

Туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми таҳлили соҳани ривожлантириш учун мавжуд табиий-иқлим ресурслари ҳамда тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожлантириш омиллари ҳисобига ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улуш Асака (2,2 %), Улуғнор (1,1 %), Бўз (0,8 %), Жалакудук (0,8 %) ва Шаҳрихон туманларида жадал ўсиш тенденциясига эгаллигини, Андижон (-2,5 %), Избоскан (-1,1 %), Балиқчи (-1,0 %) ва Қўрғонтепа (-0,8 %) туманларида эса пасайиш тенденцияси юз берганлигини кўрсатади.

## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ

3-жадвал

### Андижон вилояти ҳудудлари бўйича 2010-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг ўзгариши, фоизда [7]

Ҳудудлар	Йиллар											2019 йилда 2010 йилдагига нисбатан ўзгариш (+,-)
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Вилоят бўйича, млрд. сўм	2841,1	4264,9	5283,6	6575,4	7992,4	9796,6	11873,4	15290,9	19606,3	23686,7	26142,8	х
Фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х
<i>Шаҳарлар</i>												
Андижон ш.	2,9	2,8	2,7	2,6	2,6	2,5	2,5	2,4	2,5	2,4	2,4	-0,5
Асака ш.	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-1,3
Ҳонобод ш.	0,8	0,8	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7	0,6	0,5	0,5	0,5	-0,3
<i>Туманлар</i>												
Андижон	6,1	5,9	5,8	5,9	5,8	5,9	6,4	6,7	6,6	6,6	6,3	0,2
Асака	9,2	9,5	9,3	9,3	9,3	9,3	9,0	8,7	6,3	5,9	5,8	-3,4
Балиқчи	7,5	7,5	7,4	7,3	7,3	6,8	6,7	6,7	7,2	7,3	7,4	0,0
Бўз	4,7	4,8	4,6	4,7	4,7	4,4	5,2	5,2	5,1	5,3	5,4	0,7
Булоқбоши	4,8	4,9	4,9	4,9	5,0	5,0	5,2	5,2	5,2	5,3	5,4	0,6
Жалақудуқ	9,1	9,1	8,8	9,0	9,0	9,3	9,7	10,4	9,7	9,4	9,5	0,3
Избоскан	6,7	6,6	6,6	6,6	6,5	6,6	6,5	6,4	6,1	5,6	5,7	-1,0
Улуғнор	3,6	3,5	3,5	3,4	3,4	3,3	3,2	3,2	3,9	3,8	3,9	0,3
Марҳамат	7,5	7,7	7,7	7,4	7,4	7,5	7,5	7,3	7,2	7,3	7,5	0,0
Олтинқул	7,6	8,9	9,7	10,3	10,4	10,4	9,8	9,6	10,0	9,9	9,8	2,2
Пахтаобод	7,0	6,9	6,8	6,5	6,5	6,6	6,4	6,5	7,3	7,3	7,1	0,2
Хўжаобод	8,2	8,2	8,4	8,5	8,5	8,5	9,0	9,3	9,3	9,8	9,8	1,6
Шахрихон	8,2	8,2	8,1	7,9	7,8	7,7	7,3	7,3	8,0	7,9	7,8	-0,4
Қўрғонтепа	4,7	4,8	4,9	5,0	5,0	5,4	4,9	4,5	5,1	5,5	5,7	1,0

Ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотигади улуш миқдори бўйича 2019 йилга келиб Асака (9,6%), Жалақудуқ (10,0%) ва Шахрихон (8,9%) туманлари бошқа шаҳар ва туманларга нисбатан юқори улушга эга бўлиб, бу 3 туман томонидан охириги йилларда ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 28%дан ортиқроғи ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоғининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг 2010-2020 йиллардаги ўзгариш ҳолати таҳлили ҳам тармоқ соҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз бераётганлигини кўрсатади (4-жадвал).

4-жадвал

### Андижон вилоятида ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг тармоқ соҳалари бўйича ўзгариши

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	2841,1	4264,9	5283,6	6575,4	7992,4	9796,6	11873,4	15290,9	19606,3	23686,7	26142,8	
Фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	
Деҳқончилик маҳсулоти, млрд. сўм	1886,1	2819,5	3373,0	4150,3	5059,1	6436,8	7852,5	10516,8	13106,5	15926,3	16840,0	
Улуши, %	66,4	66,1	63,8	63,1	63,3	65,7	66,1	68,8	66,8	67,2	64,4	
Чорвачилик маҳсулоти, млрд. сўм	955,0	1445,4	1910,6	2425,1	2933,3	3359,8	4020,9	4774,1	6499,8	7760	9302,8	
Улуши, %	33,6	33,9	36,2	36,9	36,7	34,3	33,9	31,2	33,2	32,8	35,6	

Кўрилатган даврда вилоятда деҳқончилик соҳаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2010 йилдаги 2841,1 млрд. сўмдан 2020 йилда 26142,8 млрд. сўмга етган ва соҳанинг ялпи маҳсулоти ўтган 11 йил давомида 9,2 мартага ортган. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларининг вилоят ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улушида чорвачилик соҳаси улушининг ортиши билан боғлиқ тенденция кузатилади. Хусусан, 2010 йилда ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида деҳ-

қончилик соҳасининг улуши 66,4% ни, чорвачилик соҳасининг улуши 33,4% ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу нисбат соҳалар бўйича мос равишда 64,4% ва 35,6% га ўзгарган. Бундан кўринадики, чорвачилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига мутаносиб равишда деҳқончилик соҳасининг ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улуши ортиб борган.

Андижон вилояти ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг хўжалик юри-

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

тиш шакллари бўйича таҳлили 3 турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳудудий қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотигади улушининг ўзгаришида ҳам маълум бир ўзгариш тенденциялари мавжудлигини аниқлаш имконини берди (5-жадвал).

5-жадвал

### Андижон вилоятида ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг хўжалик юриштиш шакллари бўйича ўзгариши

Кўрсаткичлар	Йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	2841,1	4264,9	5283,6	6575,4	7992,4	9796,6	11873,4	15290,9	19606,3	23686,7	26142,8
<b>Фоизда</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Деҳқон хўжаликлари, млрд. сўм	1918,8	2817,9	3551,5	4523,8	5546,6	6851,7	8302,0	10846,6	13483,9	15710,6	16978,9
Улуши, %	67,5	66,1	67,2	68,8	69,4	69,9	69,9	70,9	68,8	66,3	64,9
Фермер хўжаликлари, млрд. сўм	890,5	1397,9	1669,1	1976,8	2361,6	2842,2	3462,8	4340,2	5931,8	7626,4	8520,7
Улуши, %	31,4	32,8	31,6	30,1	29,5	29,0	29,2	28,4	30,2	32,2	32,6
Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, млрд. сўм	31,8	49,1	63,0	74,8	84,2	102,7	108,6	104,1	190,6	349,7	643,2
Улуши, %	1,1	1,1	1,2	1,1	1,1	1,1	0,9	0,7	1,0	1,5	2,5

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари томонидан 2010 йилда 1918,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 8,8 мартага ортиб, 16978,9 млрд. сўмга етган.

Деҳқон хўжаликлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажмининг ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотигади улуши ўтган 11 йил давомида маълум бир тебранишни кўрсатади. Умумий ҳолатда деҳқон хўжаликларининг ушбу кўрсаткичи 2010 йилдаги 67,5 % дан 2020 йилда 64,9 % га камайган (-4,4 %).

Фермер хўжаликлари томонидан кўрилатган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2010-2020 йиллар давомида барқарор ўсиб борган, аммо фермер хўжаликларининг ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотигади улуши ўтган 11 йил давомида пасайиш тенденциясига эгаллиги кўринади. 2010 йилда фермер хўжаликларининг ҳудудий қишлоқ хўжалигидади улуши 31,4 % бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 32,6 % га пасайган. Ушбу пасайиш вилоятдаги фермер хўжаликларининг аксарияти пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганлиги, деҳқон хўжаликларининг боғдорчилик, иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳажмининг жадал суръатларда ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари вилоят ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг жуда оз қисмини ишлаб чиқараётган бўлсада, сўнгги йилларда ушбу турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг умумий ҳажмдади улуши ўсиш тенденциясини бошланглигини кўриш мумкин.

**Хулоса ва тақлифлар.** Андижон вилояти ҳудудий иқтисодиёти ва унинг асосий таркибий

қисмларидан ҳисобланган ҳудудий қишлоқ хўжалиги тармоғидади ўзгаришларни статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш вилоят аграр соҳасида юз берган қўймдади тенденцияларни ажратиш олиш имконини берди:

1. Андижон вилояти эгаллаган ҳудуди жиҳатидан бошқа вилоятлардан анча кам ҳудудни эгаллаган бўлсада, аҳоли сони жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайди ва шу билан боғлиқ ҳолда аҳоли зичлиги бўйича мамлакат бўйича биринчи ўринда туради. Кўрсаткичларни таққослаш вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг умумий ўсиш даражаси мамлакат кўрсаткичидан юқори, ўртача ўсиш даражаси эса бир оз пастлигини кўрсатади.

2. Андижон вилояти бўйича ҳудудий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмининг макро даражадади кўрсаткичдади улушининг ўзгаришида ҳам ўзига хос ўзгариш тенденциясини кузатиш мумкин. Бу кўрсаткич 2011-2012 йиллар давомида ўсган бўлса, 2013-2020 йиллар давомида барқарор пасайганлигини кўриш мумкин.

3. Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги тармоғи ишлаб чиқариш кўлами ҳамда ҳажми бўйича мамлакатнинг Самарқанд ва Тошкент вилоятидан кейин энг кўп миқдордади қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи ҳудудий birlik ҳисобланиб, йиллар давомида етиштирилган ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган.

4. 2010-2020 йиллар оралиғида вилоятда яратилган ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 5,8 мартага ортган. Ушбу кўрсаткични мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида яратилган кўрсаткичнинг ўсиш суръатига таққосланганда, вилоят кўрсаткичи мамлакат даражаси-

даги кўрсаткичдан 0,4 марта кўпроқ ўсганлиги кўринади.

5. Андижон вилояти ҳудудий қишлоқ хўжалиги тармоғи томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланиладиган экин майдонлари ўтган 11 йил давомида деярли ўзгармасдан қолган бўлсада, 2012-2015 йиллар оралиғида экин майдонларининг маълум даражада қисқарган ва 2020 йилга келиб, аввалги кўрсаткичга ўсган. Республика қишлоқ хўжалиги тармоғи томонидан фойдаланиладиган экин майдонларининг кўриладиган даврда 10,8 %га қисқарганлиги эътиборга олинандиган бўлса, вилоят ҳудудий қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонларининг ўзгариш даражасини ижобий баҳолаш мумкин. Чунки вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланувчи экин майдонларининг республика кўрсаткичидаги улуши ўтган давр мобайнида 6,2 % дан 6,8 % га ортиб, ўсиш даражаси 0,6 % ни ташкил этган.

6. Таҳлилий маълумотлардан кўриш мумкин, вилоят ҳудудий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлган меҳнат ресурслари сони миқдор жиҳатидан ортиб борган бўлсада, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал суръатда ривожланиши таъсирида улуш жиҳатидан пасайиб борган. Бу ҳолат, бир томондан, ҳудудий тармоқнинг маълум даражада интенсив ривожланиб боришини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли зичлиги мамлакат даражасида энг тифиз бўлган вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоғидан бўшаган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасидаги бандлик муаммосини маълум даражада кескинлаштиради.

7. Вилоят ҳудудлари кесимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг ўзгариши қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳисобланган ҳудудий бирлик (шаҳар ва туман)ларнинг тармоқ

учун қулай шароитларига боғлиқ ҳолда юз берган. Туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми таҳлили соҳани ривожлантириш учун мавжуд табиий-иқлим ресурслари ҳамда тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожлантириш омиллари ҳисобига ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуш Асака, Улуғнор, Бўз, Жалақудуқ ва Шахрихон туманларида жадал ўсиш тенденциясига эгаллигини, Андижон, Избоскан, Балиқчи ва Қўрғонтепа туманларида эса пасайиш тенденцияси юз берганлигини кўрсатади. Ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуш миқдори бўйича 2019 йилга келиб Асака, Жалақудуқ ва Шахрихон туманлари бошқа шаҳар ва туманларга нисбатан юқори улушга эга бўлиб, бу 3 туман томонидан охириги йилларда ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 28 % дан ортиқроғи ишлаб чиқарилмоқда.

8. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларининг вилоят ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улушида деҳқончилик соҳаси улушининг ортиши билан боғлиқ тенденция кузатилди.

9. Ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг хўжалик юритиш шакллари бўйича таҳлили 3 турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улушининг ўзгаришида ҳам маълум бир ўзгариш тенденциялари мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги тармоғини келгуси даврда ривожлантириш борасидаги ўрта ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнида юқоридаги таҳлиллар асосида аниқланган ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олиниши тармоқни илмий асосланган ҳолда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).
3. Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 2003. – 214 б; Соатов Н.М. Статистика: олий ўқув юрлари учун дарслик. – Т.: Ибн Сино, 2003. – 744 б.
4. Шадиёв Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.: Фан, 1986. – 168 с.
5. Пармакли Д.М. Экономика сельского хозяйства: учебное пособие для студентов высших учебных заведений / Д.М. Пармакли, А.Е. Шамин, Н.Коваленко / – Княгинино: НГИЭУ, 2015. – 245 с.
6. Сомов В.Л. Экономико-статистический анализ развития сельского хозяйства Саратовской области. / Вопросы статистики, 2019, Т.26, № 6. – С. 47-54.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари ([http://web.stat.uz/open\\_data/uz/](http://web.stat.uz/open_data/uz/)).

АГРАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
РИВОЖИ СТРАТЕГИЯСИ

*Ражамурадов Хабибулло Зайниддинович –  
Тошкент давлат аграр университети  
илмий изланувчи*

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги барқарор бўлмаган муҳитда дунё ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кечаётган жараёнлар, ўзгарувчан шароитларга мослашиб ахборот технологиялари ва буюмлар интернетни ёрдамида ишлаб чиқариш хажмлари ва қўвватларини ошириш таклифлари ўрганилган.

**Асосий тушунчалар:** инновацион ривожланиш, пандемия, иқтисодий ислохотлар, аграр соҳада АКТ, буюмлар интернет, унумдорлик.

СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УПРАВЛЕНИИ  
АГРОПРОМЫШЛЕННЫМ ПРОИЗВОДСТВОМ

*Ражамурадов Хабибулло Зайниддинович -  
Ташкентский государственный аграрный  
университет научный соискатель*

**Аннотация.** В статье рассматриваются процессы протекающие в мировой и местной сельскохозяйственной отрасли в сегодняшний нестабильный период, адаптация к изменчивым условиям и предложения по увеличению производственных мощностей и объемов с помощью информационных технологий и интернета вещей.

**Основные понятия:** инновационное развитие, пандемия, экономические реформы, ИКТ в аграрной сфере, интернет вещей, производительность.

STRATEGY OF DEVELOPMENT OF INFORMATION TECHNOLOGIES  
IN AGROPRODUCTION MANAGEMENT

*Rajamuradov Khabibullo Zayniddinovich -  
Tashkent state agrarian university*

**Abstract.** The article consider the processes taking place in the global and local agricultural industry in today's unstable period, adaptation to changing conditions and offers for increasing production capacities and volumes using information technologies and the Internet of things.

**Basic concepts:** innovative development, pandemic, economic reforms, ICT in the agricultural sector, internet of things, productivity.

**Кириш.** 2020 йил бошидан бошланган коронавирус пандемияси келтириб чиқарган карантин шароити бутун дунёни шу жумладан мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-иқтисодий дастурларини қайта кўриб чиқишга, вужудга келган шароит талабларига мослаштиришга, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳаракат қила бошлади. Кун тартибига иқтисодиётни ҳаракатда ушлаб қолиш, соғлиқни сақлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш тарзи тушиб кетишини олдини олиш, аҳолини заиф қатламларига ижтимоий кўмакни кучайтириш, озиқ-овқат танқислиги муаммоларини ҳал этиш каби энг долзарб масалалар чиқди [1][5].

Озиқ-овқат танқислиги муаммосини ҳал этиш учун соҳа ишлаб чиқарувчиси, қишлоқ хўжалиги соҳасини ва унга кўмакчи соҳаларни инновацион ривожланиш босқичига олиб чиқиш зарур. Пандемия шароитида тотал карантин ва изоляция ҳолатлари мамлакатларга авваламбор ўз шароити ва имкониятларидан келиб чиқишга ўргатиши керак.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** Тадқиқот борасида олиб борилган изланишлар, чоп этил-

ган илмий ишлар таҳлили ҳозирги кунда мавзу ўта долзарблигини кўрсатмоқда, олинган билим ва тажрибалар натижаларини амалиётга қўллаш агросаноат ишлаб чиқариши ва бутун иқтисодиётни ривожлантириш масаласини кўндаланг кўймоқда. Қонунчилик борасидаги ислохотлар[1], инфратузилма, билимлар, молиявий ва технологик ресурсларни тўғри ташкил этиш ва йўналтириш асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда.

**Асосий қисм.** Ахборот асри даврида ахборот технологиялари барча соҳаларни қамраб олгани сингари қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам ўзининг ўлкан таъсирини кўрсата бошлади. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари ягона умумжаҳон ахборот маконини юзага келтирмоқда[2]. Ҳозирги кунда ривожланган қишлоқ хўжалигини ахборот-коммуникация технологиялари ишланмаларисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Ахборот оқимларининг катта ҳажмлари тез-тез янгиланиб, дастурлар ёрдамида тезкор ва аниқ қайта ишланиб истеъмолчиларни энг долзарб ва қимматли маълумотлар билан таъминлаб, ҳал қилувчи қарор қабул қилишда ёрдам бермоқда. Қишлоқ хўжалиги ривожлан-

ган мамлакатларда инсон омилини қисқартириш, ишлаб чиқаришни роботлаштириш, ахборот узатиш ва қайта ишлаш вазифларини янада мукаммаллаштириш жараёнлари кечмоқда[3]. Мамлакатимиз аграр соҳасида ҳам бу жараёнларга босқичма-босқич қўшилиш амалга ошиши керак. Бу босқичлар қуйидагилардир:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ахборот технологиялари соҳасида саводхонлигини ошириш;

- барча ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларининг зарурий инфратузилмасини ташкил этиш(симли интернет билан қамраб олиш – 0,9%, мобил интернет – 84% ни ташкил этмоқда (2019й ҳолатига) [4]);

- жаҳон илғор тажрибаси ва технологик янгиликларни тадбиқ этиш;

- дастлаб давлат раҳнамолигида юқоридagi босқичларни бирлаштириб амалга ошириш ва кейинчалик бу жараёнларга хусусий компанияларни ҳам жалб қилиб соҳага соғлом рақобат ва ривож муҳитини олиб кириш.

Аграр соҳага ахборот технологиялари кириб келиши билан маълумотлар оқиб кела бошлайди. Уларни таҳлил қилиб, қайта ишлаш учун маълумотлар базаси, математика, аналитика, робототехника соҳаларидаги мутахассисларга талаб орта бошлайди. Давр инновацияларга сармоя киритилишини талаб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таннархи шаклланишининг узун занжири ва ахборот технологиялари билан автоматизация ёрдамида ҳал қилиниши мумкин бўлган ҳал этилмаган муаммолар соҳанинг инвестицион жозибдорлигини оширмоқда. Соҳани модернизация қилиш имкониятлари жуда кенг, ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш зарурияти ортидан қишлоқ хўжалиги аъъанавийдан юқори технологик тармоқга айланиб, мавжуд бир талай муаммоларни ечиш учун инновацион ишланмалар янги бозорига замин яратади.

«Қишлоқ хўжалигида аналог даври тугади, тармоқ рақамли даврга қадам қуйди» - дейди Goldman Sachs, илғор технологияларни қўллаш жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини 2050 йилга келиб 70 %[6]га ошишини башорат қилган холда. Экспертларнинг фикрича буюмлар интернет (IoT)га асосланган аниқ деҳқончилик технологиялари оқибатида хаттоки шу давргача бўлган техника ва генетика ютуқлари қўлланган, инсоният тасаввур қилмаган даражада ҳосилдорлик ортиши мумкин. Технологиялар эволюцияси, арзонлашиши уларни шундай босқичга олиб чиқдики ҳозир ҳар бир қишлоқ хўжалиги объекти ва унинг атроф муҳити тўғрисида маълумот олиш, кейинги қадамларни математик аниқ ҳисоблаб натижани башорат қилиш имкони пайдо бўлди.

Буюмлар интернет шунингдек инновацион ишланмалар жумласидан. Уларнинг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигини ошиши қўл меҳнати харажатларини камайишига, меҳнати автоматлаштирилган тизимлар билан алмаштириладиган ишлаб чиқариш жараёнларидан қўл меҳнатини бўшашига олиб келади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасини қуйидагилар аниқлайди: қишлоқ хўжалик илм-фани, тадқиқотларнинг ҳолати, илмий ишланмалар, инновациялар жорий қилиниши, ўсимликларни етиштириш, парваришlash ва ҳимоясида илғор тажриба билан алмашиш, мелиорация ютуқлари, ўзаро боғлиқ тармоқлар ҳолати – саноат, биокимё (янги материаллар, ўғитлар, қўшимчалар, ҳимоя қимёвий воситалари), биотехнология (турли стресс ҳолатларига чидамли янги юқори ҳосилдор навлар), ижтимоий-иқтисодий омиллар (таълим даражаси, техник малака, иштиёқ, интизом, ҳаёт ва меҳнат фаолиятининг маиший шароитлари ва ҳ.к.). Меҳнат унумдорлиги – ҳар бир хўжалик рақобатбардорлигининг асосий омилларидан бири. Тармоқда меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот ҳажмларининг ошишига олиб келади. Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича бошқа давлатларга солиштирганда соҳадаги бир ишчига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ялпи баҳоси: АҚШда – 195 минг долл, Германияда – 40 минг долл, Россияда – 12 минг долл, мамлакатимизда – 4 минг долларни ташкил этмоқда[6]. Бу қолоқликнинг сабаби механизация ва ўғитларни қўллашнинг паст даражаси, инновацияларнинг соҳага секин жорий қилиниши ва буларни қўллаш учун молиявий имкониятларнинг пастлиги билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жуда нозик соҳа бўлиб об-ҳаво ва табиат инжиқликларига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш стандарт усули (ёппа суғориш, ўғитлаш, қимёлаш) табиат беқарорликлари ва муайян хусусиятларини ҳисобга олмаслик бесамар натижага – ортиқча сарфга ва кутилмаган муаммоларга олиб келади. Қурғоқчилик ёки намгарчилик, ўғитлар нормасининг етишмаслиги ёки ошиб кетиши, ўт ва хашарот зараркунандалар зудлик билан аралашини талаб этади. Кутилмаганда пайдо бўлган касалликни сабабини вақтида аниқлай олмаслик, кечикиш, нотўғри даволаш ҳосилни каттагина қисмига зарар етказиши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра бир мавсум давомида фермерга 40 дан ошиқ турли хил қарорлар қабул қилишга тўғри келади: уруғ танлаш, қачон экиш, ишлов бериш, касалликни даволаш ва экин майдони ривожига ҳавф солувчи бошқа турли хил ҳолатларни хал этиш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг

автоматлаштирилган тизими бугунги кунда ҳосил нобуд бўлишини келтириб чиқарувчи омилларнинг (об-ҳаводан ташқари) 2/3 қисмини назорат қилиш имконини беради[8].

Ҳосилдорликни бошқаришда фермер бажариши зарур бўладиган кўникмалар:

1. Аввалги йиллардаги ҳосил, об-ҳаво, ҳар бир ишлатилган кимёвий модда ёки ўғитдан олинган самара бўйича маълумотларни йиғиш.

2. Экин майдонлари ва қишлоқ хўжалик техникасига ўрнатилган қўрилмалар ва телекоммуникация тармоқлари орқали об-ҳаво, ҳарорат, намлик ва тупроқдаги моддалар таркиби тўғрисида узлуксиз равишда маълумотга эга бўлиш.

3. Жами ахборотларни маълумотларни бошқариш тизимига бирлаштириш.

4. Шу маълумотларни қайта ишлаш ва йўриқнома тайёрлаш алгоритминини ишлаб чиқиш учун бизнес-таҳлил тизимини жорий этиш.

5. Ишлаб чиқариш майдонларида ўрнатилган масофадан туриб бошқариладиган қурилмалардан (суғориш қурилмалари, радиобошқарувчи тракторлар, иссиқхоналардаги ҳарорат ва намликни тартибга солувчи қўрилмалар, кузатувчи дронлар) келадиган буйруқларга жавоб берадиган автоматик бошқарув тизимини жорий қилиш.

Мана шундай қадамлар мажмуи автоматлаштирилган буюмлар интернетини АБИ-лойиҳадан иборат. Бундай лойиҳа чорвачилик ва деҳқончиликда бутун ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш имконини беради. Ахборот технологияларининг вазифаси ишлаб чиқариш жараёнида йўқотишларини олдини олиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, имкониятлардан унумли фойдаланиш каби босқичларни максимал автоматлаштиришдан иборат. Бундай тизимнинг жорий этилиши хўжалик-

нинг даромади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошишига сезиларли даражада таъсир қилади. Қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор фермер табиий омилларни назорат қилиш, аниқ бизнес-жараёнларни лойиҳалаштириш ва натижани математик аниқлик билан башорат қилиш имкони пайдо бўлмоқда[9].

J'son & Partners Consulting мутахассисларининг фикрича нафақат аграр ишлаб чиқариш жараёнларини балки маҳсулот таннархини шакллантирадиган занжирнинг ҳар бир бўғини қамраб олинганда қишлоқ хўжалигида буюмлар интернетини (IoTAg) жорий этиш энг катта самара беради, бутун занжирни автоматлаштириб қишлоқ хўжалигини рақамли тармоққа айлантиради. Буюмлар интернетини қўллашдаги ва катта маълумотларни йиғиш жараёнида маълумотларни қайта ишлаш илғор усулларини қўллаб маълумотларнинг бир жойда йиғилиши, таҳлили, синтези ва қайта ишланиши тизимни янада ақлли ва истеъмолчиларга ахборотни янада қимматли қилади.

Мамлакатимизнинг каттагина қисми бўлган дашт ва чўл зоналарида сув ресурслари чегараланган ҳудудларда сувдан оқилона фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишда ҳам замонавий ахборот технологияларининг ўрни беқиёс, чунки чегараланган сув захираларидан фойдаланишни ақл билан бошқариш имкониятини беради. Суғоришнинг оптимал тизимини ташкил этиб, ҳар бир экинни суғориш вақтини ҳисоблаб ўз вақтида ва етарлича миқдорда сув билан таъминлай олади, бу ўз вақтида чегараланган сув захираларини катта миқдорда тежашга олиб келади. Энди ҳозирги кунда жаҳон бозорида таклиф қилинаётган буюмлар интернетини IoTAg асосий воситалари ўртача нархлари билан танишсак:

**1-жадвал**

**Аграр буюмлар интернетининг айрим воситалари таснифи [10]**

№	Восита номи	Нархи	Кафолатли ишлаш муддати
1	Тензиометр	50-15.000 \$	~ 8 йил
2	Суғориш программатори	120-5.000 \$	~ 5 йил
3	Автоматик суғориш тизимлари	0.5 \$ дан /м <sup>2</sup>	~ 5 йил
4	Масофавий зондлаш дронлари	3.000-20.000 \$	~ 4 йил

Жадвалдан кўриниб турганидек нархлар ҳозирча жуда ҳаманбоп эмас. Дастлаб ҳамма хўжаликларда бу янгиликларни жорий қилиниши анча мушкул масала, чунки асосий омил молиявий бўлиб қолади. Юқорида ҳаводан қатта майдонларни зондлаш дронлари камида минг гектар майдонда ишлагандагина ўзини оқлаши мумкин. Ҳар қандай хўжаликни ҳам шароити тўғри келмайди, шунинг учун аввало йирик, бой, илғор хўжаликлар, агрокластер корхоналари ишларини бошқаришда автоматлаштирил-

ган тизимни, автоном ботларни жорий этиши, катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маълумотларини қайта ишлаш учун инновацион математика усулларини ўзлаштириши керак бўлади. Молиявий кучли хўжалик ўзига у ёки бу ускуналарни синовдан ўтказиб ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятини бера олади. Ундан кейин бошқа ўрта ва кичик шароитли хўжаликлар йирик хўжаликлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, келишиб сотиб олиш ёки ижарага олиш, бир неча хўжалик биргаликда харид қилишлари



мумкин бўлади, ёки шу хизматларни таклиф этувчи аутсорсинг компанияларига мурожаат этади. Бу ўша даромадлари ўрта ёки ундан паст хўжаликларга инновацияларни жорий қилишда яхшигина ёрдам бўлиши мумкин.

Давлат тўғри, аниқ ва тезкор ахборотни истеъмолчиларга етказишда манфаатдор ва албатта бунда яна ҳам жонбозлик кўрсатиши мумкин. Бу йўлда у йирик агрокорхона, кластер ва холдингларни шу мақсад сари бирлаштириб ва бу ҳаракат қишлоқ хўжалиги ривожини учун зарур бўлган юқори технологик тежамкор иш-

ланмаларни тадбиқ этишда, ахборот технологиялари ривожини учун катта ёрдам бериши мумкин.

**Хулоса.** Иқтисодиёт тармоқларида бошқариш соҳасида кечаётган рақамлаштириш жараёнларини қишлоқ хўжалигида ҳам жадаллаштириш чораларини амалга ошириш, хусусан буюмлар интернетини ёрдамида агросаноат мажмуаси иштирокчилари меҳнатини осонлаштириш ва тезлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кузда тугилган.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.С. Гулямов, Ш.Я. Максудов. Стратегия цифровой Узбекистан-2030 и Концепция «Цифровизация агропромышленности и развитие экологично умного сельского хозяйства» - «Саноат иқтисодиёти ва менежменти: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги он-лайн халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: 2021. - 760 б.
2. И.И. Искандаров. Жаҳон глобаллашуви жараёнида саноат корхоналарида инновацияларни самарали бошқариш масалалари - «Замонавий корпоратив бошқарув: муаммо ва ечимлар» мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: 2020. - 340 б.
3. С.С. Гулямов. Новые цифровые технологии в управлении производством - «Саноат иқтисодиёти ва менежменти: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги он-лайн халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: 2021. - 760 б.
4. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари 2015-2019 / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси - Тошкент, 2020
5. А.А. Ахлестова. Организация деятельности предприятий агропромышленного комплекса в условиях пандемии и ее последствий - <https://www.researchgate.net>
6. Р.К. Курбанов, Г.И. Личман. Интернет вещей в сельском хозяйстве - Информационное агентство «Светич» Журнал «Нивы России» №5 (171), июнь 2019.
7. М. Митин. Комплекс SkyWatch для автоматического мониторинга территорий — Control Engineering, июнь 2018.
8. Ю. Кутбитдинов. «Умные» инструменты сельского хозяйства / Ю.Кутбитдинов - Текст: электронный // Журнал экономическое обозрение №3 (231) 2019 — [review.uz](https://review.uz/post/umnye-instrumentiy-selskogo-hozyaystva); - <https://review.uz/post/umnye-instrumentiy-selskogo-hozyaystva>
9. Л. Ли, А.А. Ким. Применение в сельском хозяйстве Китая - Вестник владивостокского государственного университета экономики и сервиса (4), декабрь 2019.
10. [www.alibaba.com](http://www.alibaba.com)
11. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Жўраев Фаррух Дўстмирзаевич -**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун рақамли трансформация қилиш заруриятидан келиб чиқадиган масалалар таҳлил қилинган ва эконометрик моделлаштирилган. Рақамли технологияларнинг қўлланилиши асосида истиқболдаги муаммоларни ечиш долзарблиги тушунтирилган. Рақамлаштирилган “Агрохизматлар марказлари”ни ташкил этиш бўйича намуналар тавсия этилган.

**Асосий тушунчалар:** рақамли трансформация; рақамли технология; рақамли иқтисодиёт; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси; рақамли инфраструктура; қишлоқ хўжалигини ривожлантириш; ерни тежаш-технологик усули; меҳнатни тежаш-технологик усули; “Ақилли” қишлоқ хўжалиги технологиялари; эконометрик модел; моделлаштириш; “Агрохизматлар марказлари”ни ташкил этиш схемаси; дастурий таъминот бўйича талаб ва таклифлар асосида оптималлаш масаласи.

## ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ И ИХ ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ

**Жўраева Фарруха Дўстмирзаевича -**

Научный сотрудник Каршинского инженерно-экономического института

**Аннотация.** В статье анализируются и эконометрически моделируются проблемы, возникающие в связи с необходимостью цифровой трансформации для развития сельского хозяйства. Объяснил актуальность решения проблем будущего на основе использования цифровых технологий. Рекомендуются образцы по организации оцифрованных «Центров сельскохозяйственных услуг».

**Основные понятия:** цифровая трансформация; цифровая технология; цифровая экономика; сельскохозяйственные продукты; Стратегия «Цифровой Узбекистан-2030»; цифровая инфраструктура; развитие сельского хозяйства; земледельческий технологический прием; трудосберегающий технологический прием; «Умные» агротехнологии; эконометрическая модель; моделирование; Схема «Центры сельскохозяйственных услуг»; задачи оптимизации исходя из требований и предложений ПО.

PERSPECTIVE PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL PRODUCTION  
AND THEIR ECONOMETRIC MODELING

*Juraev Farrukh Do'stmirzayevich -*

*Researcher of the Karshi Institute of Engineering and Economics,*

**Annotation.** The article analyzes and econometrically models the problems arising in connection with the need for digital transformation for the development of agriculture. Explained the relevance of solving the problems of the future based on the use of digital technologies. Recommended samples for the organization of digitized Agricultural Service Centers.

**Basic concepts:** digital transformation; digital technology; digital economy; agricultural products; Strategy "Digital Uzbekistan-2030"; digital infrastructure; agricultural development; agricultural technological method; labor-saving technological method; "Smart" agricultural technologies; econometric model; modeling; Agricultural Service Centers Scheme; optimization tasks based on the requirements and software proposals.

**Кириш.** Замоннинг тезкорлик билан ривожланиш воқеялигида барча соҳаларнинг орда қолмаслик шарти энг асосий жиҳат ҳисобланади. Маълумки, бутун бир жамиятнинг глобал ривожланишигина замонавий дунё портретини тасвирлаб бера олади. Бу эса барча минтақаларда ахборот алмашилиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш, илм-фан ютуқларидан ўз вақтида самарали фойдаланиш каби жараёнлар билан ўзвий боғланган. Шунингдек, бу ёндошув соҳавий олиб қаралганда ҳам, худди шу аналогия ўринли бўлади. Агар шундай бўлса айтиш мумкинки, соҳалар кесимида ҳам, ҳар бир соҳанинг комплекс ривожига талаб этилади. Бу ерда асосий масала сифатида маълум бир соҳанинг умумий ҳолати (бошқарув, ишлаб чиқариш, хизматлар ва бошқалар) ривожланиш даражасининг бошқа ривожланган соҳалардаги шу мазмундаги даража билан мослиги, узлуксизлиги, параллел соҳалар билан рақобатбардошлиги тушунилади. Бугунги кунда ривожланиш майдонида рақамли трансформация тушунчаси асосий жараёнлардан бири сифатида кўрилмақда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодий фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[1].

Рақамли трансформация глобал миқёсида ҳам иқтисодийда, ҳам алоҳида секторлар даражасида амалга оширилмоқда. Ушбу жараённи ўрганиш ҳозирда жуда долзарбдир, чунки халқаро корпорациялар ўзларининг рақобатчилари энгиб бўлмайдиган технологик тўсиқларни яратиш орқали ўз соҳаларида етакчи мавқеини сақлаб қолиш учун янги технологияларни ва ўз бизнес моделларини, рақамли трансформациясини жорий қилаётганлигини кўриш мумкин[2].

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ҳозирги глобал ривожланиш механизмларини ҳисобга олиб, бажарилиши шарт бўлган талаблар асосида рақамлаштирилган, замонавий комплекс тизимни шакллантиришни мақсад қилади

**Асосий қисм (таҳлил, таклиф).** Рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича келтирилган тадбирлар амалга оширилган ҳолатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни учун ривожланишнинг минимум даражаси қандай кўринишда бўлиши мумкин. Минимум ҳолат деганда, яратилган имкониятлардан умумий, яъни оммага хос фойдаланишни тушуниш мумкин. Бунда асосан қуйидаги жиҳатга эътибор қаратиш лозим, яъни соҳавий тезкор ахборот олиш ва алмашилиш майдонининг мавжудлиги. Бу соҳада табиий равишда реклама бозорини кучайтиради, тажриба орттириш ва алмашилиш, рақобатнинг кучайиши ҳисобига сифат ва миқдорий такомиллашувнинг вужудга келиши, маҳсулот етиштиришга таъсир этувчи айрим факторлар жорий ва келгуси ҳолати тўғрисида очиқ маълумотлардан фойдаланиш, билимлар базасининг шаклланиши ва кенгайишига сабаб бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) дунё аҳолисининг кўпайиши билан жон бошига қишлоқ хўжалиги ерлари тез камайиб боришини тахмин қилмоқда. Шу муносабат билан, ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш учун фермерлар 2050 йилга қадар доимий равишда бир ярим баравар кўп ҳосил этиштиришлари керак бўлади[3].

Одатда илмий адабиётларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг икки йўналиши - меҳнатни тежайдиган ва ерни тежайдиган ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари келтирилади. Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муаммолар сферасининг ерни тежаш босқичидан ўтиб, ривожланишнинг кейинги босқичларига қадам қўйишган. Уларнинг бу мақомга мос бўлишигида асосий мезонларидан бири рақамли эволюция индексининг қиймати қабул қилинган. Маълум характерига кўра рақамли эволюция индекси 4 та гуруҳ бўйича ажратилади. Бунда 1-гуруҳ лидерлар деб номланиб, гуруҳнинг характеристик тавсифи рақамли ривожланишнинг

юқори даражаси ва тез суръатда ўсишни ифода-лайди. Бу гуруҳда Сингапур, Буюк Британия, Янги Зеландия, Эстония, Гонконг, Япония ва Исроил мамлакатларини киритиш мумкин.

2-гуруҳ “секин суръатли ўсиш” деб номла-ниб, характеристик жихатдан узоқ вақт давоми-да динамик ўсишда давом этиб, ҳозирги вақтда ривожланиш суръати пасайиб кетганлиги билан тавсифланади. Уларда инновацияларни дина-мик равишда амалга оширмаслиги сабабидан рақамлаштиришнинг етакчиларидан орқада қо-лиш эҳтимоли юқори эканлиги кутилади. Бу гуруҳга Жанубий Корея, Австралия, шунингдек, Ғарбий Европа ва Скандинавия мамлакатлари-ни ҳам киритиш мумкин. Рақамлаштиришнинг умумий даражаси дастлабки икки гуруҳга нис-батан паст, аммо шу билан бирга барқарор ра-қамли ривожланиш динамикасига эгаллиги билан характерланадиган индекслашнинг 3-гу-руҳига Хитой, Кения, Россия, Ҳиндистон, Малай-зия, Филиппин, Индонезия, Бразилия, Колум-бия, Чили, Мексика мамлакатлари киритилади. Булардаги мавжуд ҳолат инвесторларни жалб қилиши ва ҳатто уларнинг етакчилар гуруҳига киришга имкон бериши ҳам мумкин. Сўнги 4-гуруҳ “муаммоли” деб номланади ва гуруҳ ха-рактери асосан ички омиллар билан боғлиқ кўп-гина тўсиқлар таъсирида секин ўсиш суръатли, ривожланишнинг паст даражаси билан тавсиф-ланади. Бу гуруҳга мамлакатлардан Жанубий Африка Республикасини, Перу, Миср, Греция, Покистонни киритиш мумкин. [4].

Замонавий ишлаб чиқариш параметрла-рини баҳолашда хориж тажрибасига таяниш асосий манбалардан биридир. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт саторларида рақамли технологияларнинг қўлланилиши ҳақида сўз кетганда, унинг нафақат қишлоқ хўжалиги, бал-ки, иқтисодиётнинг турли тармоқларида сама-раддорлик кўрсаткичларини ахборот сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки рақамли техноло-гиялар иқтисодиёт тармоқларининг барчаси-нинг комплекс ривожини учун бирдай хизмат қи-лади ва умум ривожланиш ҳолатини белгилаб беради. Шу маънода иқтисодий ўсиш даражаси-ни рақамли технологиялар билан боғлаганда, кўплаб жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот мар-казлари, тадқиқот институтларининг тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг маълум сектори фа-қат шу секторга тегишли натижалар таҳлили билан чекланиб қолмаган [5].

Рақамли технологиялар асосида бошқа-риш ва ишлаб чиқаришни ташкил этган кўпгина фирмалар, ишлаб чиқарувчиларнинг статистик маълумотларига таянилганда, ушбу таҳлил на-тижалари келтирилган. Бошқаришнинг замона-вий янги усули ва рақамли технология фактори-нинг иқтисодий ўсишга фойдаланиш ёки фойда-ланмаслик ҳолати бўйича таъсири бир неча ва-риантларда келтирилган. Бунда икки фактор-дан фойдаланмаслик вариантыда ишлаб чиқа-рувчи рақобатчиларига нисбатан иқтисодий ўсиш даражаси 24% га камайгани келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал

Ишлаб чиқарувчининг рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича самарадорлик кўрсаткичи (%) [6]

Вариант	Технология	Янги бошқариш усули	Фойда
1	-	-	-24%
2	-	+	+9%
3	+	-	+11%
4	+	+	+26%

Рақамли технологиялаштириш янги бош-қариш усулидан фойдаланишга нисбатан 2% юқори самара бериши, ҳар икки ҳолатда ҳам у ёки бу факторнинг тадбиқ этилиши самарали эканлиги исботланади. Бу жараёнда энг катта самара уларнинг биргаликда қўлланилиши бў-либ, у ишлаб чиқарувчига 26 %лик иқтисодий ўсишини таъминлайди [7].

Республикамиз ҳам ерни тежаш ва капи-тални талаб этадиган босқичдан ўтмоқда. Агар буни Қашқадарё вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш-нинг техник-иқтисодий босқичларига кўра меҳ-натни ва ерни тежаш муаммолари энг катта ха-рактерда кўринмайди, балки мавжуд ер ресурс-ларидан самарали фойдаланишнинг бошқа омилларига эътиборнинг кўп қаратилаётганли-

ни кузатиш мумкин. Масалан, тизимлаштириш жараёни. Аслида тизимлаштириш жараёнини рақамли технологиялар ёрдамисиз ташкил этиб бўлмайди. Демак, вилоятда “Ақилли” қишлоқ хў-жалиги лойиҳасини жорий этиш билан ечим то-пиш мумкин. Бунинг учун соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жо-рий этиш орқали еришилади.

Иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни-даги минимум самарадорлигини баҳолаш учун қу-йидагиларга эътибор қаратамиз.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ик-кига, дастлабки ва иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ажратамиз. Рақамли трансформа-

циянинг аҳамиятлилик жиҳатларидан бири, фақат ҳомаш ё етиштириш ва унинг экспортини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш эмас, балки иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам қўллаб-қувватлашдир. Айтайлик, рақамли технологиялар тадбиқ этилиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошди, меҳнат унумдорлигига эришилди. Бунинг иккинчи томони ҳам борки, яъни бўшатишган меҳнат ресурсларини мақсадли йўналтириш масаласи пайдо бўлади. Худуднинг бошқа иқтисодий секторларида мазкур меҳнат ресурсларига талаб етарли даражада эмас. Бу ҳолатда қўлланилаётган замонавий технологияларнинг самарадорлиги фақат бир томонлама бўлиб қолиши табиий. Демак, иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг экспорти масаланинг энг оддий ечими сифатида баҳоланади. Шундагина кўзланган мақсадга эришилган ҳисобланади.

Рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва истиқболли “рақамли” стартапларни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, маҳаллий имкониятлар, худуднинг географик, экологик, геологик, биологик хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда ишлайдиган маҳаллий технологик – дастурий рақамли воситаларни ишлаб чиқариш зарур. Бунинг минимум босқичи бу хорижий ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалик соҳасида қўллаётган замонавий технологик – дастурий рақамли воситалардан фойдаланишни етарлича ўзлаштиришнинг оптимал ечимини аниқлаш талаб этилади. Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали мақсадли кўрсаткичлар билан берилган натижаларга эришиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонида 13-иловасида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2020–2022 йиллар Қашқадарё вилоятини рақамли трансформация қилиш Дастури келтирилган [8].

Қашқадарё вилоятида рақамли инфратузилмани кенгайтириш чора-тадбирларининг асосий амалга ошириш механизми юқори тезликдаги ахборот узатиш, қабул қилишнинг оптик-толали ва симсиз алоқа тармоқларига ўлашиш тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича инновацион ва технологияларни қўллаш орқали вилоятда қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, савдо ва бошқа соҳаларда кўрсатилаётган хизматлар ҳақида аҳолига маълумот бериш, онлайн буюртма бериш имконини берувчи мобил илова яратиш

дастлабки йил учун вазифалари қаторида белгиланган. Мобил илованинг энг аҳамиятлилик жиҳати, бу энг қўлай тарзда маълумотлар базасидан фойдаланиш воситаси бўлади. Бунда, хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тури, ҳажми, нархи, сифати бошқа маълумотлар билан аҳолини, тадбиркорларни, ишлаб чиқарувчиларни таъминлаш билан, қайси мазмундаги ахборотларга мурожаатлар ресстери асосида талаб даражасини аниқлаш имконияти келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида ташкил этилаётган “Агрохизматлар марказлари” фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича 2021-2022 йиллар давомида тўлиқ ижронинг таъминланиши мақсадли кўрсаткичларга эришишни кафолатлайди. Демак, ижронинг ҳолати асосий фактор ҳисобланади. Ижро этиш “Агрохизматлар марказлари” фаолиятини қандай ташкил этилишига боғлиқ. Қуйида мазкур бўйича маълум бир таклифлар киритамиз.

“Агрохизматлар марказлари” фаолиятини 1-расмда келтирилган схема асосида шакллантириш мумкин. Бу ерда 5 та асосий марказлар яхлит тизим асосида интеграциялашган ҳолатда фаолият юритади.

Илмий тадқиқотлар маркази ахборотлашган тизим бўлиб, қишлоқ хўжалик соҳасида молиялаштирилган илмий тадқиқотлар олиб борилади. Молиялаштиришнинг манбаларидан бирини соҳанинг ишлаб чиқариш объектларидаги реал муаммолар ечимига йўналтирилган илмий тадқиқотлар асосида фермер, деҳқон хўжаликлари билан бевосита хўжалик шартномаларини тузиш орқали ташкил этиш мумкин. Марказ маҳсулот сифати ва миқдорини ошириш, турини кўпайтириш ва бошқа йўналишлар бўйича илмий асосланган ғоялар бериш, хўжаликнинг маълум бир ёки умумий тармоғи учун илғор хориж тажрибаларини самарали тадбиқ этишнинг тажриба-синовдан ўтказилган усул, технология, воситаларини таклиф этиши, инновацияларни киритишни, янги техник-технологик жараёнларни моделлаштириш, лойиҳалаш хизматларини кўрсатади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришнинг эконометрик моделларини тузиш, оптимал режалаштириш, таваккалчилик фаолиятининг самарадорлик эҳтимоллиги маълумотларини, иқтисодий ўсиш прогнозини тақдим этади. Марказ ОТМ ва илмий-текшириш институтларининг илмий потенциалидан фойдаланган ҳолатда ташкил этилади.

Техник-технологик хизмат кўрсатиш маркази қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг замонавий технологиялари, хусусан, интенсив

## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ

усулда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, электрон тизимлаштириш, рақамли технологиялар билан таъминлаш, юқори даражадаги

механизациялаш, соҳани автоматлаштириш қурилма ва воситалари билан таъминлаш каби вазифаларни бажаради.



**1-расм. “Агрохизматлар марказлари”ни ташкил этиш схемаси**

*Манба:* муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Агробизнес маркази бизнес лойиҳаларни ўрганиш, тақдим этиш, инвесторларни жалб қилиш, кредитлаш, замонавий техника, технологиялар, вилоятда етиштириш мумкин бўлган, самарадорлиги илмий асосланган маҳсулотлар навини, умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилувчи усул ва воситаларни импорт қилиш, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг рақамлаштирилган тизимини ташкил этиш хизматларини кўрсатади.

Дастурий таъминот маркази хизматлари таркибига бошқариш компьютерларини, мобил алоқа воситаларини, ва бошқа турдаги рақамли қурилмаларни зарурий ва соҳавий дастурий воситалар билан таъминлаш киради. Хорижий дастурий таъминотнинг маҳаллий муқобили билан бир қаторда вилоятнинг географик, биологик, экологик, геологик хусусиятларини ҳисобга олган инновацион иловалар ишлаб чиқади. Дастурий таъминот аграр соҳада бошқариш, ҳисоблаш, лойиҳалаш ва моделлаштириш жараёнларини автоматлаштириш даражасида бўлиши лозим. Шунингдек мазкур марказ ахборот алмашилиш тармоқларини ташкил этади, рақамли қурилмаларга сервис хизматини кўрсатади. Рақамлаштирилган тизимдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув курсларини ташкил этади.

Маълумотлар маркази давлат ташкилотлари, илмий-текшириш институтлари, билимлар базасини ташкил этади. Ишлаб чиқарувчиларга, бошқа марказларга, хусусан илмий потенциалга соҳага оид тегишли меъёрий хужжатларнинг, статистик маълумотларнинг электрон нусхасини тақдим этади. Эълонлар, рекламалар,

соҳавий, иқтисодий-ижтимоий янгиликлар бериш хизматини кўрсатади. Ушбу марказ қошида юридик маслаҳат бериш кабинети ва ахборот ресурслар маркази фаолия юритади.

Агрохизматлар марказини ташкил этиш негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ҳажми ва сифати ошишига қўйиладиган талаблар бажарилиши асосий мақсадлардан биридир.

### Моделлаштириш

1) Масаласининг қўйилиши (Дастурий таъминотни талаб ва таклифлар асосида оптималлаш). Вилоят қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш мақсадида рақамли технологиялар базасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларига қўлланиладиган дастурий таъминот масаласини ечиш талаб этилади. Бунда соҳавий дастурий таъминот икки хорижий ва маҳаллий дастурий воситалар жамланмасидан иборат бўлади.

Ҳорижий ишлаб чиқилган дастурий воситаларни қишлоқ хўжалигига жорий этиш учун  $t$  та хориж компаниялари чакана савдо тизимида  $A_1, A_2, \dots, A_t$  миқдорда,  $S$  та маҳаллий ишлаб чиқарувчилар шу тизимда  $A_{t+1}, A_{t+2}, \dots, A_{t+s}$  миқдорда таклиф этсин. Бу ерда ҳар бир  $A_i$  ( $i = \overline{1, t+s}$ ) яхлит дастурий таъминот комплекси ҳисобланади. Вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш пунктлари сони  $g$  та бўлиб, улардаги талаб миқдори мос равишда  $B_1, B_2, \dots, B_g$  га тенг бўлсин.

Дастурий таъминотчи корхона ( $A_i$ ) дан қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

$(B_j)$  га бир комплект дастурий таъминотни олиб келиш ҳаражати  $C_{ij}$  билан белгилаймиз.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнининг дастурий таъминотини энг кам ҳаражатли ташкил этишни оптимал режалаштириш талаб этилсин.

Дастлаб талаб даражаси ўрганилади. Демак,  $B_1, B_2, \dots, B_g$  параметрлар қийматланади. Таклиф даражаси ўрганилади ва  $A_i (i = \overline{1, t+s})$  параметрлар қийматланади.

Бу ерда учта ҳолат кузатилиши мумкин, яъни таклифлар сони талаб сонидан кўп, тенг, кам. Биринчи ва учинчи ҳолатлар юз бериш эҳтимоллиги ҳам мавжуд. Чунки талаб аниқлансада, дастурий таъминотчи томонидан киритилган мақбул таклиф унга мос келмаслиги, ёки талаб миқдорига мос таклиф миқдори нарх ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолат бўйича режа жадвали куйидагича бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг оптимал дастурий таъминот режаси**

Талаб \ Таклиф	$B_1$	$B_2$	...	$B_g$	$\sum_j^g B_j$
$A_1$	$x_{11}$	$x_{12}$	...	$x_{1g}$	$\sum_{j=1}^g x_{1j}$
	$c_{11}$	$c_{12}$	...	$c_{1g}$	
$A_2$	$x_{21}$	$x_{22}$	...	$x_{2g}$	$\sum_{j=1}^g x_{2j}$
	$c_{21}$	$c_{22}$	...	$c_{2g}$	
...	...	...	...	...	...
$A_t$	$x_{t1}$	$x_{t2}$	...	$x_{tg}$	$\sum_{j=1}^g x_{tj}$
	$c_{t1}$	$c_{t2}$	...	$c_{tg}$	
$A_{t+1}$	$x_{t+1,1}$	$x_{t+1,2}$	...	$x_{t+1,g}$	$\sum_{j=1}^g x_{t+1,j}$
	$c_{t+1,1}$	$c_{t+1,2}$	...	$c_{t+1,g}$	
...	...	...	...	...	...
$A_{t+s}$	$x_{t+s,1}$	$x_{t+s,2}$	...	$x_{t+s,g}$	$\sum_{j=1}^g x_{t+s,j}$
	$c_{t+s,1}$	$c_{t+s,2}$	...	$c_{t+s,g}$	
$\sum_i^{t+s} A_i$	$\sum_{i=1}^{t+s} x_{i1}$	$\sum_{i=1}^{t+s} x_{i2}$	...	$\sum_{i=1}^{t+s} x_{ig}$	$\sum_i^{t+s} A_i = \sum_j^g B_j$

2) Масаланинг моделини қуриш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда соҳанинг дастурий воситалар билан таъминланиши бўйича асосий масала ҳаражатни қисқартиришдир. Буни эса куйидаги ифода билан ёзиш мумкин:

$$F(X, C) = \sum_{j=1}^g \sum_{i=1}^{t+s} x_{ij} c_{ij} \rightarrow \min \quad (1)$$

Бу ерда  $x_{ij} \in X, c_{ij} \in C, i = \overline{1, t+s}, j = \overline{1, g}$

Таклиф (I) ва таклиф (II) бўйича чекла-нишлар тизими:

$$(I) \begin{cases} x_{11} + x_{12} + \dots + x_{1g} = A_1 \\ x_{21} + x_{22} + \dots + x_{2g} = A_2 \\ \dots \\ x_{t1} + x_{t2} + \dots + x_{tg} = A_t \\ \dots \\ x_{t+s,1} + x_{t+s,2} + \dots + x_{t+s,g} = A_{t+s} \\ x_{ij} \geq 0, i = \overline{1, t+s}; j = \overline{1, g} \end{cases}$$

$$(II) \begin{cases} x_{11} + x_{21} + \dots + x_{t+s,1} = B_1 \\ x_{12} + x_{22} + \dots + x_{t+s,2} = B_2 \\ \dots \\ x_{1g} + x_{2g} + \dots + x_{t+s,g} = B_g \\ x_{ij} \geq 0, i = \overline{1, t+s}; j = \overline{1, g} \end{cases} \quad (2)$$

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

3) *Масалани ечиш усули.* Дастурий таъминотни талаб (эҳтиёж) ва таклиф (заҳира) лар асосида оптималлаш масаласини ечишда, унинг моделига кўра транспорт масаласини ечишга келтирилади.

4) *Танланган объект ҳисоби.* Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли таъсир этиши кутилаётган истиқболдаги омиллар, хусусан рақамли технологиялар таркибидаги дастурий таъминот омилига эътибор қаратамиз. Бошқа дастурий тизимларнинг аҳамиятлилик даражасини юқориликни истисно этмаган ҳолда, бу омилни ташкил этувчилардан бири - геоахборот тизимларидир.

Геоахборот тизимлари (ГАТ) – бу автоматлаштирилган тизимлар, уларнинг функциялари фазовий-вақт маълумотларини йиғиш, сақлаш, бирлаштириш, таҳлил қилиш ва график талқин қилиш, шунингдек ГАТда тақдим этилган объектлар ҳақидаги тегишли атрибут маълумотдир. ГАТ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун асосий восита ҳисобланади.

Бугун ривожланган кўпгина давлатларнинг ички бозорларида дастлаб хорижий ГАТ (ГИС-Геоинформационные системы) ишланмалари узоқ вақт давомида тақдим этилган, аммо уларнинг юқори нархлари, шунингдек улар билан ишлашни биладиган етарли сондаги му-

тахассисларнинг этишмаслиги туфайли, улардан фойдаланишда маълум қийинчиликлар юзага келган. Бу ҳолат ишлаб чиқариш жараёнларининг оптимал дастурий таъминот масаласини ечиш заруриятини келтириб чиқарган. Ҳар бир ривожланаётган мамлакат бу босқичдан ўтишини ҳисобга олинса, демак бу масала долзарблигича қолаверади.

Бугунги кунда кўпгина дастурий таъминот компаниялари дунё бозорига ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда. Жумладан, халқаро "GEOMIR" муҳандислик маркази кенг кўламли вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ҳар хил турдаги дастурларни сотади, ўрнатади ва хизмат кўрсатади. Бу дастурий таъминоти бўйича электрон дала хариталарини яратиш, дала майдонларининг ҳақиқий чегаралари ва майдонларини аниқлаш, ҳосил йиғиш бўйича статистик маълумотларни юритиш ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги учун имкониятларни таклиф этади. Шу каби бошқа компаниялар ҳам ўз маҳсулотларини жаҳон бозорида келишилган нархларда баҳолайди.

Россиянинг "Раногата" акциядорлик компанияси географик ахборот тизимлари ва технологияларини ривожлантириш бўйича етакчи компания ҳисобланади. Компания томонидан тақдим этилаётган соҳавий дастурлар комплекси ўз нархига эга [9].

### 3-жадвал

**Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигини ГАТ (ГИС) лар билан таъминлашнинг ахборот жадвали**

	Дастурий комплекслар тури						Эҳтиёж
	Панорама АГРО-5.1	Панорама АГРО-5.5	Панорама АГРО-5.10	Панорама АГРО-5.1-0711	Панорама АГРО-5.5-0712	Панорама АГРО-5.10-0713	
Таннархи (млн.сўмда)	8,316	7,196	4,956	4,183	3,528	2,590	
<b>Туманлар</b>	<b>Маҳсулот (етказиш, ўрнатиш, хизмат кўрсатиш билан) нархи (млн.сўмда)</b>						
Қарши тумани	8,328	7,294	4,98	4,196	3,698	2,71	82
Шаҳрисабз тумани	8,395	7,314	5,012	4,255	3,615	2,65	46
Ғузор тумани	8,402	7,354	5,043	4,313	3,629	2,95	58
Деҳқонобод тумани	8,453	7,414	5,061	4,405	3,711	2,98	22
Қамаш тумани	8,365	7,397	5,012	4,286	3,65	2,69	156
Косон тумани	8,377	7,409	5,153	4,305	3,714	2,713	202
Китоб тумани	8,386	7,422	5,192	4,344	3,729	2,729	96
Миришкор тумани	8,432	7,557	5,457	4,399	3,723	2,84	188
Муборак тумани	8,419	7,513	5,288	4,35	3,699	2,89	105
Нишон тумани	8,429	7,524	5,355	4,401	3,721	2,912	165
Касби тумани	8,433	7,584	5,519	4,456	3,73	2,908	196
Чироқчи тумани	8,381	7,433	5,022	4,2	3,668	2,854	150
Яккабоғ тумани	8,359	7,398	5,018	4,198	3,645	2,795	94
<b>Вилоятнинг барча туманлари бўйича эҳтиёж миқдори, жами</b>							<b>1560</b>
<b>Заҳира</b>	295	365	320	240	190	150	<b>1560</b>

*Манба:* Муаллиф томонидан [8, 10] га асосан тузилган.

Туманлар эҳтиёжини заҳирадан қоплашнинг номаълум миқдорларини  $X$  матрица сифатида оламыз:

$$X = \begin{pmatrix} x_{11} & x_{12} & \dots & x_{16} \\ x_{21} & x_{22} & \dots & x_{26} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ x_{(13)1} & x_{(13)2} & \dots & x_{(13)6} \end{pmatrix}.$$

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Бир комплект дастурий воситалар учун белгиласак, у ҳолда бу матрица қуйидаги кўсарф - харажатлар матричасини  $C$  билан ринишда бўлади.

$$C = \begin{pmatrix} 8,328 & 7,294 & 4,98 & 4,196 & 3,698 & 2,71 \\ 8,395 & 7,314 & 5,012 & 4,255 & 3,615 & 2,65 \\ 8,402 & 7,354 & 5,043 & 4,313 & 3,629 & 2,95 \\ 8,453 & 7,414 & 5,061 & 4,405 & 3,711 & 2,98 \\ 8,365 & 7,397 & 5,012 & 4,286 & 3,65 & 2,69 \\ 8,377 & 7,409 & 5,153 & 4,305 & 3,714 & 2,713 \\ 8,386 & 7,422 & 5,192 & 4,344 & 3,729 & 2,729 \\ 8,432 & 7,557 & 5,457 & 4,399 & 3,723 & 2,84 \\ 8,419 & 7,513 & 5,288 & 4,35 & 3,699 & 2,89 \\ 8,429 & 7,524 & 5,355 & 4,401 & 3,721 & 2,912 \\ 8,433 & 7,584 & 5,519 & 4,456 & 3,73 & 2,908 \\ 8,381 & 7,433 & 5,022 & 4,2 & 3,668 & 2,854 \\ 8,359 & 7,398 & 5,018 & 4,198 & 3,645 & 2,795 \end{pmatrix}$$

Мақсад функция қийматидан иборат матрицани  $F$  билан белгиласак, у ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$F = R^+ \cdot Z \rightarrow \min \quad (3)$$

Бу ерда  $R^+ = X \cdot C^T \cdot D \cdot Z$  тенглик билан аниқланувчи  $13 \times 1$  ўлчовли устун матрица,  $D$  ва  $Z$  матрицалар қуйидагича аниқланган:

$$D = D_{diag(13 \times 13)} = \begin{pmatrix} 1 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & 1 & \dots & 0 \\ 0 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & 0 & \dots & 1 \end{pmatrix}, \quad Z = Z_{ust(13 \times 1)} = \begin{pmatrix} 1 \\ 1 \\ \dots \\ 1 \end{pmatrix}$$

(3) муносабат  $g = 13$ ,  $t = 6$ ,  $s = 0$  ўринли бўлган ҳол учун (1) муносабатни ифодалайди. Умуман олганда мақсад функциянинг (1) чизиқли формасини (3) билан алмаштириш, транспорт масаласининг ечиш усулларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, балки ахборотлар-нинг ифодаланишини бир хилликга келтириш учун фойдаланилади.

Келтирилган масала ёпиқ масала бўлади. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш асосида ривожлантиришда рақамли технологияларнинг жорий этилишида таклифни ҳар доим талаб даражасидан келиб чиқиб қабул қилиш мумкин. Бу жараёндаги айрим муаммоларни ўз-ўзидан ечим топишига олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, агар нарх ҳолати ҳисобга олинмаганда ҳар доим мавжуд эҳтиёжга мос келувчи ресурс захирасини шакллантириш мумкин.

Демак, транспорт масаласини ечамиз ва қуйидаги натижаларга эга бўламиз:

$$X_{opt} = \begin{pmatrix} 0 & 12 & 70 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 38 & 8 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 41 & 10 & 8 & 0 & 0 \\ 0 & 15 & 4 & 4 & 0 & 0 \\ 53 & 55 & 24 & 24 & 0 & 0 \\ 35 & 33 & 33 & 33 & 43 & 26 \\ 26 & 16 & 16 & 16 & 13 & 9 \\ 33 & 33 & 33 & 33 & 30 & 26 \\ 27 & 18 & 18 & 18 & 14 & 11 \\ 32 & 29 & 29 & 29 & 25 & 22 \\ 34 & 34 & 34 & 34 & 31 & 28 \\ 29 & 26 & 26 & 26 & 23 & 19 \\ 26 & 16 & 16 & 16 & 12 & 9 \end{pmatrix}, \quad F_{min} = (9018,46232)$$

5) *Таҳлиллаш.* Ҳисоблаш натижаларига кўра Қарши, Шаҳрисабз, Ғуздор, Деҳқонобод ва Қамаш туманларига сўнги 2 турдаги воситалар, 1-тур восита ҳам фақат Қамаш туманидан фарқли равишда харид қилинмайди. 4-тур восита фақат Қарши ва Шаҳрисабз туманлари учун харид этилмайди. 2-ва 3-тур воситалар барча туманларга жорий этилади.

Агар маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан шу турдаги дастурий восита ишлаб чиқарилса ва унинг нархи асосида, айтайлик  $C$  мат-



рицанинг охирги усутунидаги қийматлари тенг ярмига камайтирилса (маҳсулот нархи миллий-лаштириш ҳисобига 2 марта арзонлаштирилса)  $F_{min} = (8805,693678)$  натижага эришилган экан, яъни 212,768642 млн.сўм тежалар экан. Бу фақат биргина маҳаллий маҳсулотнинг жараёнга қўшилишидан келиб чиқадиган тежамкорлик миқдоридир. Умуман олганда заҳирадан фойдаланиш ҳаражати заҳира турлари бўйича ҳар бирдан 1 %га камайтириш, умумий ҳаражатнинг 1 %га камайишига сабаб бўлади. Буни (1) муносабатдан кўриш қийин эмас.

**Хулоса.** Қашқадарё вилоятининг чорвачилик маҳсулотларининг улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан олинганда 2020 йилнинг дастлабки статистик маълумотларига кўра 60,5%, деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми эса 39,0%ни ташкил этмоқда[10]. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 24,5 %ни ташкил этди. Деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 3950,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,4 %ни, чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 229,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 97,8 % ни ташкил этган.

Юқоридаги маълумотлар асосида энг катта масса чорвачилик маҳсулотларига тўғри

кеलाётганлигини кўриш мумкин. Лекин бу деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда ресурсларнинг етишмаслигини изоҳламайди. Негаки, вилоятда чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари интеграцияси яхши шаклланмаган. Ҳозирда жорий этилаётган интенсив усуллар, рақамли технологиялар қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари ўртасида ўзаро алоқадорлик жиҳатларини кучайтиришни талаб этади.

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид белгиланган вазифалар айнан шу маънода жуда аҳамиятлидир. Бу ерда соҳанинг мақсадли кўрсаткичларига ишлаб чиқариш тармоқларини мажбурий кенгайтириш ёки уларнинг сонини ошириш билан эмас, балки мавжуд ҳолатни ривожлантириш, усулларга, техника-технологияларга инновацион такомиллашувни кириштириш билан эришиш асосийдир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболдаги муаммолари албатта рақамлаштириш жараёнларида кузатилади. Бу муаммоларнинг ечимлари кичик диапазонларда, моделлаштиришнинг блокли тамойиллари асосида топилиши ва уларнинг тизимли кўрилишига келишини башоратлаш мумкин.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон
2. Гарифуллин Б.М., Зябриков В.В. Цифровая трансформация бизнеса: модели и алгоритмы. Журнал “Креативная экономика”. Том 12, Номер 9, Изд. Креативная экономика-2018, 1346-1358 стр.
3. Кутбидинов Ю.. Цифровая сельскохозяйственная эволюция. Экономическое обозрение, №3 (231), 2019. <https://review.uz/post/tsifrovaya-selskoxozyaystvennaya-evolyutsiya>
4. Санникова Т.Д. и друг. Зарубежные модели цифровой трансформации и перспективы их использования в российской практике. Журнал Экономические отношения. Том 9, № 2, Апрель–июнь 2019. Стр.481-494.
5. Гарифуллин Б.М., Зябриков В.В.. Цифровая трансформация бизнеса: модели и алгоритмы. Журнал креативная экономика. Том-12, №9,09.2018, 1345-1358
6. Gerald C. Kane other. MIT Sloan Management Review guest editor for the Digital Transformation Strategy Initiative. Strategy, Not Technology, Drives Digital Transformation. July 14, 2015. <https://sloanreview.mit.edu/projects/strategy-drives-digital-transformation>
7. MIT Sloan Management Review, Strategy, Not Technology, Drives Digital Transformation- Becoming a Digitally Mature Enterprise. - 2015
8. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2020–2022 йиллар Қашқадарё вилоятини рақамли трансформация қилиш ДАСТУРИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармонида 13-илова.
9. Цены на программные продукты АО КБ Панорама. Электрон документ в КБ Панорама. <https://qisinfo.ru/price/price.pdf>
10. Қашқадарё вилоятининг статистик ахборотномаси. Қарши-2020
11. Rakhimov A.N., Makhatkulov G.Kh. Rakhimov A.M. Construction Of Econometric Models Of Development Of Services For The Population In The Region And Forecasting Them. The American Journal of Applied sciences (ISSN – 2689-0992) Published: February 20, 2021, Pages: 21-48
12. Mukhitdinov Kh.S., Juraev F.D. Methods of Macroeconomic Modeling. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), e-ISSN: 2456 – 6470, 29-32 pag. <https://www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd38498.pdf>
13. Рахимов А.Н. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида): и.ф.б.ф.д. (PhD) – Т.: ТДИУ, 2020. –165 б
14. Ochilov M.A., Juraev F.D., Maxmatqulov G.X., Rahimov A.M. Analysis of important factors in checking the optimality of an indeterminate adjuster in a closed system. Journal of Critical Review. /VOL 7, ISSUE 15, 2020/ 1679-1684 pag
15. Juraev F.D. Problems Of Informatization Of Management Of Agricultural Industry And Modeling Of Agronomic System In A Market Economy. The American Journal of Applied sciences, (ISSN –2689-0992), Volume03, Issue02-04, February 20, 2021, Pages:49-54
16. Mukhitdinov Kh.S. Econometric Modeling Of Public Service Networks. Psychology and Education (2020) 57(8): 625-632 ISSN: 00333077
17. Интернет манбалар:
- 17.1) [https://qisinfo.ru/price/price\\_agro.htm](https://qisinfo.ru/price/price_agro.htm)
- 17.2) <https://qisinfo.ru/price/price.pdf>
- 17.3) [https://qisinfo.ru/products/products\\_agro.htm](https://qisinfo.ru/products/products_agro.htm)
- 17.4) <https://sloanreview.mit.edu/projects/strategy-drives-digital-transformation>
- 17.5) <https://lex.uz/ru/docs/5030957>
- 17.6) <http://www.icreview.com/fulltext/197-1593952802.pdf?1599633671>
- 17.7) <https://usajournalshub.com/index.php/tajas/article/view/2120/2014>

### ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Саттаров Шухрат Ҳасанович** -  
Тошкент давлат аграр университети проректори

**Аннотация.** Ушбу мақола “хизмат” тушунчасини кўриб чиқиш ва батафсил ўрганишга бағишланган, шунингдек, ушбу атаманинг муаллифлик тарифи берилган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияси таҳлил қилинган, таҳлил натижаларига асосан республикада хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** фаолият, неъмат, хизмат, хизмат кўрсатиш соҳаси, юқори технологик хизматлар, инновацион фаоллик.

### ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Саттаров Шухрат Ҳасанович** -  
Проректор Ташкентский государственный аграрный университет

**Аннотация.** Данная статья посвящена рассмотрению и детальному изучению понятия “услуга”, а также дается авторское определение данного термина, проанализированы тенденции развития сферы услуг в Республике Узбекистан, по результатам анализа предложены основные направления развития сферы услуг в стране.

**Ключевые слова:** деятельность, благо, услуга, сфера услуг, высокотехнологичные услуги, инновационная активность.

### THE MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN UZBEKISTAN

**Sattarov Shuhrat Hasanovich** -  
Tashkent state agrarian university vice rector

**Annotation.** This article is devoted to the consideration and detailed study of the concept of “service”, and the author’s definition of this term is given, analyzed the development trends of the service sector in the Republic of Uzbekistan, based on the results of the analyses, the main directions of the development of the service sector in the country are proposed.

**Key words:** activity, benefit, service, service sector, high-tech services, innovative activity.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиёти жадал суратларда ривожланаётган ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоотида юқори даромад келтираётган ва ривожланиш тенденциясига эга бўлаётган хизмат кўрсатиш соҳасининг экспорт ҳажми 6 триллион долларни[1], ривожланган давлатлар ЯИМдаги улуши 70-82%ни ташкил этмоқда[2]. Хизматлар соҳаси аҳолининг ижтимоий яшаш шароитлари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам, ҳар қандай жамият иқтисодиётида кўрсатиладиган хизматлар ўзининг кенг қирралиги ва ўзаро боғлиқлиги жиҳатидан илмий-тадқиқот ишларини рақамли иқтисодиёт талабларига мос тарзда тизимли, мақсадли ва манзилли ташкил қилишни тақозо этади.

Шуни қайд этиш лозимки, рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларнинг жадал татбиқ этилиши хизмат бозори таркибига кирувчи ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳасининг фаолиятини, бир томондан айри ҳолда, иккинчи томондан эса, кўпроқ унинг бошқа соҳа хизматлари билан ўзаро боғлиқлик ва таъсир этиш йўналишларини ҳам инobatга олган ҳолда тадқиқ этишни талаб қилади. Чунки, бу соҳа хизмат-

лари иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларида яратиладиган қўшимча қиймат занжирининг ажралмас таркибий манбаи сифатида ҳам алоҳида рол ўйнайди.

Шу боис, мамлакатимиз хизмат бозорини ривожлантириш, хизматлар ҳажми ва турларини кўпайтириш, сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий-меъёрий актларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ... кўрсатиладиган хизматлар таркибини, энг аввало уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”га алоҳида урғу берилмоқда[3].

**Адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ўрни тобора ўсиб бормоқда. Йилдан йилга ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сони ҳам кўпайиб, хизматлар соҳасини ўрганиш бўйича турли ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Лекин шунга қарамай, хизмат тушунчаси бўйича олимлар ўртасида яхлит умумий ёндашувлар мавжуд эмас. Иқтисодиёт назариясида хизмат тушунчасидан фойдаланиш асосчиси Адам Смит ҳисоб-

ланади, у хизматларни инсон фаолияти натижасида пайдо бўлади ва улар фойдали таъсирга эга бўлган пайтдан бошлаб йўқолади деб ҳисобланган [4].

К.Маркс, А.Смитнинг хизматлар бўйича қарашларини ўрганиб, уни янада такомиллаштирган. У хизмат тушунчасини ишлаб чиқариш жараёни натижаси сифатида тасвирлаб, қуйидагича тариф берган: “Бу ибора, умуман, ҳар қандай бошқа меҳнат сингари, бу меҳнат берадиган махсус истеъмол қийматидан бошқа нарсани англатмайди, аммо ушбу меҳнатнинг махсус истеъмол қиймати бу ерда “хизматлар” деган ўзига хос номини олган, чунки меҳнат хизматни буюм сифатида эмас, балки фаолият сифатида юзага чиқаради...” [5].

Пост-индустриал жамияти назариясининг асосчиси америкалик олим Д.Беллнинг таъкидлашича: “Пост-индустриал жамиятининг биринчи ва энг оддий хусусияти шундан иборатки, унда ишчи кучининг катта қисми қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатида эмас, балки савдо, молия, транспорт, соғлиқни сақлаш, ўйинкулги саноати, шунингдек, фан, таълим ва бошқарув соҳаларини ўз ичига олган хизмат кўрсатиш соҳасида мужассамлашган” [6].

Ф.Котлернинг фикрича, “Хизмат – бу бир томоннинг бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган, асосан номоддий ва бирор нарсага эгаллик қилиш учун мос бўлган ҳар қандай тадбир ёки фойдадир. Хизматларни ишлаб чиқариш моддий шаклдаги маҳсулот билан боғлиқ бўлиши ёки бўлмалиги ҳам мумкин” [7].

Г.Ассэльнинг фикрига кўра, хизматлар – бу истеъмолчи томонидан сотиб олинган, лекин мулк билан боғлиқ бўлмаган номоддий неъматлардир [8].

А.Н.Федякиннинг фикрига кўра: “Хизматлар – бу харидор учун ва унинг талабига биноан хар хил турдаги фаолият орқали тақдим этиладиган неъматдир” [9].

Бугунги кунда, шунингдек, яқин келажакда республикада хизматлар соҳасининг кейинги ривожланиш жараёнлари инновацион технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт тараққиёти билан узвий боғланган. Шу нуқтаи назардан, Е.С.Нестеренко иқтисодиётни трансформациялаш ва рақамлаштириш жараёнида хизматларнинг, айниқса, рақамли хизматларнинг аҳамиятини янада ошиб боришини таъкидлаб, рақамли хизмат тушунчасига қуйидагича таъриф беради, яъни: “рақамли хизмат – бу инсоннинг минимал тарзда аралашуви билан жамият ҳаётининг сифатини яхшилаш мақсадида томонлардан бири бошқа томонга рақамли битим орқали таклиф қилиши мумкин бўлган автоматлаштирилган онлайн фаолиятдир” [10].

Хизмат тушунчасининг мазмуни тўғрисида турли муаллифларнинг фикрларини ўрганиш натижасида, ушбу тушунчанинг аниқ тарифи йўқлигини пайқаш мумкин. Баъзи муаллифлар хизматни ҳаракат сифатида, бошқалар фаолият ёки инсон фаолияти натижаси деб таъкидлашлар, яна бошқалар хизматни истеъмолчининг маълум эҳтиёжларини қондирадиган неъмат сифатида тушунадилар.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, хизмат – бу махсус билим ва малакага эга бўлган бир томоннинг бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган исталган фаолият тури бўлиб, унинг натижасида фойдали истеъмол қиймати яратилади ва жамиятдаги турли субъектларнинг муайян эҳтиёжлари қондирилади. Бунда билим ва малака даражаси қанча юқори бўлса, ушбу фаолиятнинг самараси шунча юқори бўлади.

**Таҳлил ва натижалар.** Рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётган бир пайтда жаҳондаги етакчи мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида хизматлар соҳасини модернизациялаш, уларнинг инновацион турлари ва йўналишларини жадал ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйилмоқда. Зотан, хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламлари ва иқтисодиёт тармоқларини қамраб олиб, жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётганини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Шу боисдан, ушбу соҳанинг иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини ошириш каби иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик устувор вазифаларни ҳал этишдаги ролини эътиборга олиб, республикада ҳам хизмат турларини кўпайтириш, сифати ва ҳажмини оширишга доир мақсадли дастур ва чора-тадбирлар қабул қилинмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада, республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда.

Агар, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 41,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб унинг улуши 4,8 фоизга камайган, ёки 36,3 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

Аммо, таъкидлаш жойизки, мамлакат ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркибини таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши унинг таркибида энг юқори бўлиб қолмоқда. Таққослаш учун, 2020 йилда мамлакат ЯИМнинг 35,5 фоизи саноат ва 28,2 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоқлари ҳиссасига тўғри келган [11].

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари, 2010-2020 йиллар

Кўрсаткичлар номи	Йиллар											2020 й.да 2010 й.га нисбатан, марта
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
Мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасини улуши,%	41,1	40,2	40,5	41,5	40,3	39,7	39,4	38,1	35,9	35,5	36,3	- 4,8
Жами кўрсатилган хизматлар ҳажми, трлн.сўм	27,1	35,2	44,4	55,9	68,0	78,5	97,1	118,8	150,9	193,7	218,9	8,1
Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, млн.сўм	0,9	1,2	1,5	1,8	2,2	2,5	3,0	3,7	4,6	5,8	6,4	7,1

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Маълумки, хизмат кўрсатиш ҳажмининг ЯИМ таркибидаги улушининг ўсиши мамлакат аҳолисининг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш жойизки, ЯИМдаги хизмат кўрсатиш соҳасининг амалдаги улуши бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, АҚШ иқтисодиётида хизматлар соҳаси ЯИМнинг 77,4%ини ва бошқа иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам бу кўрсаткич ўртача олганда 70%ни ташкил этади[12]. Демак, республикада ушбу кўрсаткич даражаси ривожланган хорижий давлатлар даражасига нисбатан деярли 2 баробар камдир.

Бироқ, таъкидлаш лозимки Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши жадал суръатларда амалга ошмоқда. Хусасан, агар 2010 йилда пуллик хизматларнинг умумий ҳажми қиймат кўринишида 27,1 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 218,9 трлн. сўмни ташкил этган, ёки ўтган даврга нисбатан 8,1 баробарга кўпайган.

Тадқиқот даврида мамлакатда пуллик хизматлар ҳажмининг ошиш тенденцияси аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Натижада, 2010 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 900,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, 7,1 марта кўпайган ва 6,4 млн.сўмни ташкил этган.

Умуман, республикада хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати бўйича кейинги йиллардаги нисбатан ижобий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳаси ва бозорини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ташкилий-иқтисодий ислохотлар билан биргаликда хизмат турлари истеъмолчиларининг тўлов қобилиятининг ошиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, аҳоли турмуш даражасининг ошишига ва хизматлар бозори инфратузилмасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўзгариши, трлн. сўм.

Хизматлар тури	Йиллар											2020 й.да 2010 й.га нисбатан, марта
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
<b>Хизматлар, жами</b>	<b>27,1</b>	<b>35,2</b>	<b>44,4</b>	<b>55,9</b>	<b>68,0</b>	<b>78,5</b>	<b>97,1</b>	<b>118,8</b>	<b>150,9</b>	<b>193,7</b>	<b>218,9</b>	<b>8,1</b>
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2,1	2,7	3,2	3,7	4,5	5,2	6,3	8,2	10,3	10,9	12,9	6,1
Молиявий хизматлар	2,6	3,3	4,2	5,5	6,7	8,2	9,9	15,0	21,3	34,0	45,8	17,6
Транспорт хизматлари	10,5	13,6	16,5	20,6	23,8	26,8	30,6	36,2	44,2	54,5	53,8	5,1
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,9	3,0	3,6	4,7	5,9	5,9	19,7
Савдо хизматлари	6,6	8,8	11,5	14,8	19,0	21,4	27,4	32,0	39,7	48,7	56,5	8,6
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	0,8	1,1	1,4	1,8	2,2	2,8	3,4	4,0	5,0	5,9	6,1	7,6
Таълим соҳасидаги хизматлар	0,8	1,0	1,4	1,8	2,2	2,7	3,3	4,4	5,4	7,2	9,1	11,4
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	0,3	0,4	0,5	0,7	0,9	1,1	1,4	1,7	2,2	3,1	3,2	10,7
Ижара ва прокат хизматлари	0,5	0,7	0,9	1,2	1,5	1,8	2,3	2,6	3,3	3,7	4,2	8,4
Компьютер ва маиший товарларни таъмирлашга оид хизматлар	0,6	0,8	0,9	1,1	1,4	1,7	2,2	2,3	2,6	3,2	3,4	5,7
Шахсий хизматлар	0,8	1,0	1,2	1,6	2,0	2,4	2,9	3,1	3,7	4,6	5,0	6,3
Архитектура, инженерлик изланишлари, техник тадқиқотлар ва таҳлил бўйича хизматлар	0,3	0,4	0,5	0,7	0,7	0,8	1,1	1,6	3,0	4,5	4,9	16,3
Бошқа хизматлар	0,9	1,2	1,6	1,9	2,3	2,8	3,2	3,9	5,5	7,3	8,1	9,0

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Республикада кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг ошишига 2020 йилда 2010 йилга нисбатан яшаш ва овқатланиш хизматларининг 19,7 марта, молиявий хизматларнинг 17,6 марта, архитектура, инженерлик изланишлари, техник тадқиқотлар ва таҳлил бўйича хизматларининг 16,3 марта, таълим соҳасидаги хизматларнинг 11,4 марта, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг 10,7 марта, савдо хизматларининг 8,6 марта, ижара ва прокат хизматларининг 8,45 марта ошганлиги таъсир кўрсатган (2-жадвал)

Шу билан бирга, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизмат турлари таркибида савдо хизматлари энг катта улушни ташкил қилади. 2020 йилда уларнинг ҳажми 56,5 трлн. сўм ёки 25,8 фоизни ташкил этган. Шунингдек, транспорт хизматлари (53,8 трлн.сўм ёки 24,6 %) ва молиявий хизматлар (45,8 трлн.

сўм ёки 20,9 %)да юқори кўрсаткичлар қайд этилган.

2020 йил якунлари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида 309,4 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатиб, улар республикадаги жами хўжалик субъектлари сонига нисбатан 65,1 %ни ташкил этади. Хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар таркибида савдо билан шуғулланувчилар устунлик қилмоқда (42,7%). Жумладан, яшаш ва овқатланиш хизматлари 9,7%, ташиш ва сақлаш 5,6%, ахборот ва алоқа хизматлари 3,1% ва соғлиқни сақлаш билан шуғулланувчи субъектлар 3,0 %ни ташкил этган[11].

Хизмат кўрсатиш ҳажмини ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудлар ичида энг катта улуш Тошкент шаҳри (36,3%) ҳиссасига тўғри келган бўлса, унинг энг кам улуши эса Сирдарё вилояти (1,5 %)га тўғри келган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудлари кесимида кўрсатилган хизматлар ҳажми (2020 йил)

№	Ҳудудлар	Жами хизматлар		Шу жумладан, аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, минг сўм
		Млрд. сўм	Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %	
1.	Ўзбекистон Республикаси	218 853,5	100	6393,2
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	6 508,9	3,0	3405,8
<i>вилоятлар:</i>				
3.	Андижон	11 250,3	5,1	3562,6
4.	Бухоро	9 874,1	4,5	5101,8
5.	Жиззах	4 925,0	2,3	3527,2
6.	Қашқадарё	10 109,2	4,6	3056,4
7.	Новоий	5 769,7	2,6	5738,1
8.	Наманган	8 881,8	4,1	3128,4
9.	Самарқанд	14 318,7	6,5	3659,8
10.	Сурхондарё	7 919,7	3,6	2982,8
11.	Сирдарё	3 236,8	1,5	3791,5
12.	Тошкент	16 677,3	7,6	5619,2
13.	Фарғона	13 361,4	6,1	3529,1
14.	Хоразм	6 575,0	3,0	3497,7
15.	Тошкент ш.	79 462,6	36,3	30278,4

*Манба:* Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Бу ҳолат, республикада хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, яъни 23,0 фоизи Тошкент шаҳрига ва энг кам қисми Сирдарё вилояти (3,2%)га тўғри келиши билан ҳам боғлиқдир[11].

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудлари кесимида аҳоли жон боши ҳисобига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2020 йилда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг юқори даражаси Тошкент шаҳрига (30278,4 минг сўм) тўғри келган. Бунинг асосий сабаби, республикада 2020 йилда аҳоли жон бошига ўртача умумий даро-

мадлар миқдори – 11,7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич – 23,6 млн. сўм ёки республика ўртача даражасидан 2,0 баробар зиёдни ташкил этган[11].

Шунингдек, нисбатан юқори кўрсаткичлар Новоий (5738,1 минг сўм), Тошкент (5619,2 минг сўм) ва Бухоро (5101,8 минг сўм) вилоятларида, паст кўрсаткичлар даражаси эса Наманган, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида қайд этилган. Масалан, рейтинг бўйича энг паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятига (2982,8 минг сўм) тўғри келиб республика даражасига (6393,2 минг сўм) нисбатан 3410,4 минг сўмга, яъни 53,3%га кам демакдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унинг ривожланиш даражаси ҳудудлар кесимида кескин фарқ қилади. Шунингдек, республикада хизмат турлари бўйича транспорт ва савдо хизматлари каби ананавий хизмат турлари устунлик қилади. Шунинг учун, ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатда хизмат кўрсатишнинг юқори технологияларга асосланган ахборот ва алоқа, бизнес, суғурта, молия ва бошқа турларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда республикада хизматлар соҳасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга қўйидаги ташкилий-иқтисодий муаммолар тўсиқ бўлмоқда:

- хизматлар соҳасини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг талаб даражасида эмаслиги;

- хизматлар соҳаси ва бозорини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича аниқ инновацион йўналишларнинг белгилаб олинмаганлиги;

- хизматлар соҳасини ривожлантиришда турли ташқи омиллар (табиий офатлар, касаллик ва пандемия оқибатлари) таъсирларининг ҳудудларда етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги;

- хизматлар соҳасини ривожлантириш жараёнлари ва чора-тадбирларида рақамли иқтисодиёт талабларига мос ташкилий-иқтисодий механизм тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;

- хизматлар соҳасини ривожлантиришда жаҳон тажрибаси, айниқса, индустриал ривожланган хорижий давлатларда эришилган илғор ютуқлардан республика ва унинг ҳудудларида етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;

- хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновациянинг паст даражада қўлланилаётган-

лиги, айниқса келажак хизматлар, янгиликка асосланган хизматлар бўйича тизимли ишларнинг йўлга қўйилмаганлиги ва ҳ.к.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида келтирилган асосий ва бошқа муаммоларни инобатга олган республикада хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг қўйидаги асосий йўналишларини келтириш мумкин:

- 1) республикада хизматлар соҳасини кам харажат эвазига юқори даромад олиш имкониятини берувчи ҳамда киритилаётган инвестицияларни тез қопловчи хизмат турларини ривожлантириш;

- 2) республикада, айниқса, унинг sanoat тармоқлари кам ривожланган ҳудудларида рақамли технология ва ахборот-коммуникация воситаларига асосланган янги хизмат турларини жорий этиш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлаш ва камбағал деб тан олинганлар сонини камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- 3) турли эпидемиологик вазиятлар, айниқса, пандемия шароитида республикада аҳолисининг эпидемиологик ҳавфсизлигини таъминлашга имкон берадиган масофавий – онлайн хизмат турларини ривожлантириш;

- 4) хизмат кўрсатиш соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш чора-тадбирларида халқаро даражада тўлиқ синовдан ўтган жаҳон тажриба ва ютуқларидан мақсадли фойдаланиш;

- 5) республикада истиқболда хизматлар ҳажмининг янада ошиши ва уларнинг юқори технологик турларининг кўпайишини эътиборга олиб, олий маълумотли, шунингдек, чуқур ихтисослашган ва касбий маҳоратга эга ўрта бўғин мутахассис кадрлар тайёрлаш, бу жараёнда хорижий давлатлар олий ва илмий-тадқиқот муассасалари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, ўзаро кадрлар алмашиш тизимини жорий қилиш ва ҳ.к.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://www2.deloitte.com/us/en/insights/economy/issues-by-the-numbers/trade-in-services-economy-growth.html>.
2. Kupelian B., *Global Economy Watch*. [www.pwc.com](http://www.pwc.com). March 2020.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М.: Соцэкгиз, 1962.
5. Маркс К. Теории прибавочной стоимости // К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. – 2-е изд. – Т. 26, ч. I. 11. П.
6. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. — Москва: Академия, 1999. С.18.
7. Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм. М.: «Юнити - Дана», 2002.
8. Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия. М.: ИНФРА-М.2003.
9. Федеякина Л.Н. Международные экономические отношения. Москва: Издательство Юрайт, 2018. С.115.
10. Нестеренко Е.С. Цифровая услуга: понятие, виды, особенности. Журнал “Теоретическая экономика” №7, 2019. С. 70.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси [www.stat.uz](http://www.stat.uz) веб-сайти маълумотлари.
12. Жаҳон банки маълумотлари. 2020 йил. <http://data.worldbank.org>.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР  
СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

**Каланова Мохигул Бахритдиновна -**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
стажёр тадқиқотчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматларнинг сифатига алоҳида урғу берилган. Аҳолининг овқатланишга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжидан келиб чиқиб, миждозларга кўрсатиладиган овқатланишни ташиқил этиш хизматларининг даражаси ҳамда ўзига хос белгиларининг пайдо бўлаётганлиги янги иш ўринлари билан биргаликда янги иш турларини юзага келишига сабаб бўлмоқда. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг айрим турларининг тузилиши, характери ва ўзаро боғлиқлигини тушуниш учун кенг қўлланиладиган ва кўпинча уларни тўлдирадиган ёки қўллаб-қувватлайдиган асосий хизматлар ва тўлиқ хизматларга алоҳида урғу берилган.

**Калит сўзлар:** овқатланиш хизматлари, хизмат, хизмат кўрсатиш, провайдер, парҳез, хизмат кўрсатиш жараёни, хизмат кўрсатиш сифати, миждоз, асосий хизмат, тўлиқ хизмат.

ОЦЕНКА КАЧЕСТВА УСЛУГ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ

**Каланова Мохигул Бахритдиновна -**  
Самарқандский институт экономики и сервиса,  
стажер-исследователь

**Аннотация.** В данной статье делается акцент на качестве услуг, предоставляемых в заведениях общественного питания. В связи с растущей потребностью населения в продуктах питания, уровень предоставляемых клиентам услуг общественного питания и появление их собственных характеристик приводят к появлению новых видов работы, а также новых рабочих мест. Акцент делается на базовых услугах и комплексных услугах, которые широко используются для понимания структуры, характера и взаимозависимости определенных типов услуг, предоставляемых предприятиями общественного питания, и часто дополняют или поддерживают их.

**Ключевые слова:** услуги общественного питания, услуга, провайдер, диета, процесс обслуживания, качество услуги, клиент, базовая услуга, полное обслуживание.

ASSESSMENT OF THE QUALITY OF SERVICES PROVIDED IN PUBLIC CATERING ENTERPRISES

**Kalanova Mokhigul Baxritdinovna -**  
Researcher of Samarkand Institute  
of Economics and Service

**Annotation.** This article focuses on the quality of services provided in catering establishments. Due to the growing demand of the population for food, the level of catering services provided to customers and the emergence of their own characteristics lead to the emergence of new types of work, as well as new jobs. The emphasis is on basic and integrated services, which are widely used to understand the structure, nature and interdependencies of certain types of catering services, and often complement or support them.

**Key words:** catering services, service, provider, diet, service process, quality of service, client, basic service, full service.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда бутун дунёни таҳликага солаётган коронавирус пандемиясининг давомийлиги ва унинг глобал иқтисодиётга салбий таъсирининг сақланиб қолиши жорий йил 4 чорагида ва кейинги йиллар учун ҳам мавҳумликни сақлаб қолмоқда. Бу ўз навбатида, асосий иқтисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор мураккабликларга олиб келиши мумкин. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, пандемия 2021-2022 йилларда ҳам давом этиб 2022 йилнинг иккинчи ярмида тугаши кутилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пандемия шароитида бўлса ҳам глобал иқтисодиёт 2021 йилдан бошлаб қайта тикланишни бошлайди. Бунга асосий сабаблардан бири панде-

мия бошланиши билан ҳозирги давр солиштирилганда пандемияга қарши курашишда умумий овқатланиш корхоналарида хизматлар кўрсатиш сифатининг сезиларли даражада ривожланганлиги ва ушбу соҳага янги хизмат турларини кириб келишига эришилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланишини таъминлашнинг муҳим асосларидан бири бўлган хизмат кўрсатишда овқатланиш хизмати сифатини янада ривожлантириш ва унинг алоҳида олинган соҳаларига устуворлик бериш муҳим ҳисобланади. Бу борда Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини

камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва овқатланиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, овқатланиш хизматлари ривожланишида янги имкониятларни очиб бериш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш жуда муҳимдир. Бугунги кунда мавжуд хизмат кўрсатиш соҳалари орасида овқатланиш хизматлари борасида алоҳида тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади.

Овқатланиш хизматлари аҳолининг овқатланишга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжидан келиб чиқадиган мижозларга кўрсатиладиган овқатланишни ташкил этиш учун хизматлар сифати даражаси ва ўзига хос белгиларни мужассамлаштирган ҳолда уларнинг қониқишини ифодаловчи фаолият тури ҳисобланади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Умумий овқатланиш хизматлари масаллари билан билан мамлакатимиз ва хорижий олимлардан П. Эглер., Э. Лангар., Л.Шостак., Иватов И., Кучер Л.С., Шкуратова Л.М. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М., Исроилов Ж.И. кабилар [1,2,3,4,5,6,7] шуғулланиб келмоқдалар. Аммо туристларга кўрсатиладиган овқатланиш хизматларига кам аҳамият берилган. Шу туфайли мазкур мақолада умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматлар сифатини баҳолашда умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Умумий овқатланиш корхоналарининг хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш учун, авваламбор хизмат кўрсатиш сифати нима эканлигини тушунишимиз керак. Қайд этиш жоизки "Хизмат" ва "Хизмат кўрсатиш" бу тушунчалар ўзаро боғлиқ, бироқ, иккинчиси истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, унда хизмат кўрсатиш бу муносабатларни вақт ўтиши билан кенгайтирилган характерга эга бўлиб, ўз тузилишига эга бўлган босқичма-босқич жараён сифатида изоҳлайди.

*Хизмат кўрсатиш жараёни* - пудратчи томонидан умумий овқатланиш маҳсулотларини сотишда ва дам олиш вақтни ташкил этишда, кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчи билан

бевосита алоқада бўлган операциялар мажмуи ҳисобланади.

*Хизмат кўрсатиш сифати* ўз навбатида қайсидир вақт давомида янада барқарор бўлиши мумкин бўлган ҳамда қулай ва ноқулай характерга эга ва дискрет кетма-кетликдан яратилаётган, хизмат кўрсатувчи провайдер билан қониқарли алоқаларни ўрганилган мойилликни ифодалайди.

Умумий овқатланиш корхоналари томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг айрим турларининг тузилиши, характери ва ўзаро боғлиқлигини тушуниш учун кенг қўлланиладиган ва кўпинча уларни тўлдирадиган ёки қўллаб-қувватлайдиган асосий хизматлар ва хизматларни тавсифлаш амалиёт моделларида, шунингдек, Л. Шостак, П. Еглер ва Е. Лангар томонидан таклиф қилинган ушбу хизматларнинг тузилиши ва сифатини тавсифлашга ёрдам беради.

Инвеститсияларни бошқариш гуруҳининг маркетинг тадқиқотлари бўйича директори Линн Шостак барча хизмат турларини асосий хизматга қиймат қўшадиган қўшимча элементларни тасаввур қиладиган молекуляр моделда тақдим этди. Ушбу модел асосида харидорнинг асосий эҳтиёжларини тўғридан-тўғри ёки билвосита қондиришга қаратилган асосий афзаллик мавжуд, аммо у бошқа хизмат хусусиятлари билан боғлиқ ҳисобланади. Кимёвий формулада бўлгани каби, элементлардан бирининг ўзгариши бутун тизимнинг моҳиятини бутунлай ўзгартириши мумкин; хизматлардан бирини амалга оширишдаги ўзгаришлар умуман хизмат ғоясини бутунлай ўзгартириши мумкин [8].

Ушбу турдаги моделни яратиш хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ моддий ва номоддий элементларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, умумий овқатланиш корхоналарида, хизмат кўрсатиш жараёни номоддий элемент бўлса, худди шу умумий овқатланиш корхонасининг ўзида, озиқ-овқат ва ичимликлар моддий элементни англатади. Ушбу элементларни ажратиб кўрсатиш орқали корхона моддий ёки номоддий элементларнинг корхона кўрсатаётган хизматлар устунлигини аниқлаши мумкин. Ҳамда моддий бўлмаган нарсалар қанчалик кўп бўлса, корхона учун ўз хизматларининг сифат кўрсаткичларига оид аниқ далилларни тақдим этиш шунчалик муҳимдир. Шундай қилиб, тўғри шакланган молекуляр модел корхонада хизмат кўрсатиш сифатини – ва энг муҳими сиёсатини, истеъмолчилар билан алоқа дастурларини ишлаб чиқиш жараёнини сезиларли даражада осонлаштиради. Француз тадқиқотчилари Пер Эглер ва Эрик Лангард қуйидаги моделни таклиф қилдилар, унга кўра асосий хизмат ҳар бир маҳсулот учун ўзига хос бўлган бир қатор қў-



шимча хизматлар билан тўлдирилиши керак. Уларнинг ёндашуви, худди Л. Шостак сингари, турли хил таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, улар қўшимча хизматларни икки гуруҳга ажратадилар: асосий хизматдан фойдаланишни осонлаштириш учун зарур ва асосий хизматни истеъмолчи нуқтаи назаридан янада жозибатор қилиш учун зарур.

П. Эглер ва Э. Лангар томонидан таклиф қилинган, методика бўйича модел яратиш жа-

раёни, қуйидаги саволларга жавоб беришга имкон беради, биринчидан, қўшимча хизматлар асосий хизматдан фойдаланишга ёрдам беради-ми, уни янада жозибатор қилади; иккинчидан, мижозлар охирида нима учун тўлаши керак - хизматнинг ҳар бир элементи учун алоҳида ёки унинг барча элементлари учун умумий нарх белгиланиши керак[1]. Ушбу моделни замонавий ресторанга хос бўлган махсус хизматлар билан тўлдириб, уни 1-расмда кўрсатилгандек намоиш этиш мумкин.



1-расм. П. Эглер ва Э. Лангарнинг ёндашувини ҳисобга олган ҳолда ресторан учун хизматларнинг таркиби ва таснифи

Расмдан кўришиб турибдики, махсус хизматлар гуруҳига одатдаги хизмат кўрсатиш жараёнидан ташқарига чиқадиган хизматлар киради. Масалан, махсус хизматнинг ушбу тури, масалан, ўзига хос талаблар, истеъмолчи шахсий муаммолари сабабли одатдаги хизмат кўрсатиш тартибидан четга чиқишни талаб қилдиган ҳолат - парҳез овқатланишига талаб, врачларнинг парҳезга оид кўрсатмалари, диний эътиқод ва бошқалар. Хусусан, ҳисоб-китоблар ва тўловлар асосан хизмат кўрсатувчи провайдер томонидан белгиланади, аммо мижозлар баъзи қўшимча хизматлардан фойдаланишни истамасалар ҳам, улар умуман ҳар қандай хизмат алоқасининг ажралмас қисми бўлиб қолади ва ҳар қандай самарасиз тақдим этилган элемент хизмат ташриф буюрувчининг хизмат кўрсатиш сифатини англашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маълумот ва маслаҳат каби қўшимча хизматлар рўйхатига киритилиши, хизматлардан фойдаланадиган мижозлар билан мулоқотда уларнинг билими ва маҳсулот рекламасига қанчалик катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Шубҳасиз, умумий овқатланиш корхонасида хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш-

да хизматлар тоифалари, тузилиши, таркиби, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга пухта ёндашиш, истеъмолчиларнинг манфаатларини иложи борича инobatга олиш, мижозлар учун объектив равишда қизиқадиган соҳаларда хизмат кўрсатиш сифати ва стандартларига кўпроқ эътибор бериш, умумий овқатланиш корхонасида хизмат кўрсатиш сифати сиёсатидаги устуворликни тўғри белгилашда ёрдам беради. Умумий овқатланиш корхонасида хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш методикаси босқичлар кетма-кетлиги сифатида ифодаланиши мумкин (2-расм).

I-босқичда тўлиқ хизмат кўрсатиш даврини яратишлигини амалга ошириш структурной схемаси кўринишида ёки жадвал шаклида тасвирланади. Бу ерда хизмат кўрсатиш босқичлари, сифат кўрсаткичлари, ташриф буюрувчига бевосита ёки билвосита мурожаат қилувчи ходимларнинг ҳаракатлари.

II – босқичда тўлиқ хизмат кўрсатиш даврини таҳлил қилиш асосида мувофақиятсизлик нуқталари ҳамда вақтинчалик ҳавф хатарларни потенциали билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш босқичлари аниқланади (3-расм).

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ



**2-расм. Хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш методикаси**

III – босқичнинг мақсади – сервис (хизмат кўрсатиш), маҳсулот ва хизмат кўрсатиш тезлиги коэффициентидан мижозлар эҳтиёжини қондириш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатининг комплекс кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш ва уларнинг ҳар бирига хизмат кўрсатишнинг якуний сифатининг муҳимлик даражасини белгилашдир.

IV – якуний босқичда олинган ХКСКК (хизмат кўрсатиш сифатининг комплекс кўрсаткичини ҳисоблаш)нинг қиймати, маълумот қиймати билан ёки рақобатчиларнинг ХКСКК (хизмат кўрсатиш сифатининг комплекс кўрсаткичини ҳисоблаш)нинг қиймати билан таққосланади ёки бошқарув вақт ўтиши билан ўз корхонасида хизмат сифатининг эволюциясини белгилайди. Ушбу таққослашлар ва таҳлиллар асосида зарур ҳолларда, агар керак бўлса, хизмат кўрсатиш жараёнини яхшилаш, хатолар ва сифат йўқотишларнинг яна олдини олиш бўйича тузатишлар амалга оширилади.

Ушбу методиканинг ҳар бир босқичларни амалга ошириш хусусиятларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Хизмат кўрсатиш жараёнлари асосан номоддий структура билан характерланганлиги сабабли, уларнинг визуал ифодаланишини сезиларли даражада мураккаблаштирганлиги сабабли, ҳар қандай фаолиятни кўриб чиқишда тафсилотларнинг юқори даражасига эришиш орқали сезиларли даражада яхшилаш мумкин, бунинг учун тўлиқ хизмат кўрсатиш даври босқичларининг таркиби ва кетма-кетлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Тўлиқ хизмат кўрсатиш даврининг таркибий схемасини кўриб чиқиш учун биз ресторани танладик, айнан шу ерда, умумий овқатланиш корхоналарининг бошқача шакли сифатида, сервис хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ташриф буюрувчилар ўртасидаги энг юқори даражадаги алоқа билан тавсифланади, бундан ташқари арзон (паст) нархлар ва бепул хизматлар


асосида рақобатлашишни танлаган бошқа умумий овқатланиш корхоналари ҳар бир тоифадаги асосий ва қўшимча хизматларнинг камроқ элементларидан фойдаланадилар, ресторанда эса, одатда, умумий овқатланиш корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг барча турлари тақдим этилади.

Муайян хизматни баҳолашда истеъмолчи, одатда қоида тариқасида, маълум сифат кўрсаткичларидан фойдаланади, бу билан у ўзининг қониқиш даражасини энг аниғини белгилай олади.

В. А. Зейтмалом, А. Парашураманом ва Л. Л. Берри томонидан хизмат кўрсатиш сифатини ўлчаш учун 1980-йилларнинг ўрталарида ишлаб чиқилган SERVQUAL методологиясига мувофиқ, истеъмолчилар ўзларининг қониқиш даражасини баҳолашда, уларга тақдим этилган хизматлар туридан қатъий назар оддий мезонлардан фойдаланиши аниқланди.

Истеъмолчиларнинг ўзлари томонидан сифатни баҳолаш учун асос бўлган юқорида санаб ўтилган хизмат сифати мезонлари хизмат кўрсатишнинг ҳар бир босқичи учун сифат кўрсаткичларида ходимларнинг иш сифатининг хусусиятлари (ХИСХ) юқорида қайд этилган мезонларнинг барча мажмуини (ижтимоий, компетентлик ва бошқаларни) назарда тутган. Бундай ҳолатда хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичларини танлашда умумий овқатланиш корхоналарининг саноат хусусиятлари, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари, танланган кўрсаткичларнинг корреляцияси (муносабати) ва тақдим этилган хизмат сифатини баҳолашда ахборот таркиби ҳам ҳисобга олинади.

Вақт кўрсаткичини жорий этиш нафақат хизматни режалаштиришда вақтнинг ролини тушуниш учун, балки ушбу хизматни олиш билан боғлиқ истеъмолчиларнинг потенциал харажатларини аниқлаш, шунингдек, ўз хизматларини тақлим қилувчи корхонанинг ресурсларини тўғри тақсимлаш учун ҳам жуда муҳимдир.



**3 – расм. Хизмат сифати мезонлари**

Истеъмолчи хизматнинг ҳар бир элементи олиш учун сарфлаши керак бўлган мақбул вақтни аниқлаш жуда муҳимдир. Истеъмолчилар одатда кутишлари керак бўлган хизмат кўрсатиш жараёнининг босқичларини аниқлаб, ҳар бир фаолият тури учун стандартларни, шу жумладан, ҳар бир муайян вазифани бажариш учун ажратилган вақтни, хизматнинг алоҳида босқичларини таъминлаш ўртасида истеъмолчиларни максимал кутиш вақтини ишлаб чиқишлари керак.

Бундай ҳолатда, хизмат кўрсатиш жараёнининг структурасида кўрсатилган потенциал "муваффақиятсизлик нуқталари" ҳавфли бўлган нуқталардир, чунки жараён муваффақиятсиз бўлади ва хизмат сифати пасаяди. Бу фикрларни аниқлаш асосида менежерлар бундай салбий жиҳатларнинг олдини олиш учун тартиб-қоидалар, хизмат кўрсатишнинг ҳар бир жараёнини (сценарийларини) пухта ишлаб чиқишлари ёки кутилмаган ҳолатларда ҳаракат режасини тайёрлашлари лозим.

**Хулоса.** Шундай қилиб, корхона, мумкин бўлган вақт ва хизмат сифатини йўқотмаслик учун, соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ва корxonанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, потенциал ҳавфли хизмат кўрсатиш элементлари учун стандартларни ишлаб чиқиши керак. Хизмат кўрсатиш стандартлари – умумий

овқатланиш корхоналари сифатини бошқариш тизими самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган мезондир. Хизмат кўрсатиш стандартлари ишлаб чиқиши керак бўлган асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

- стандартлар аниқ одамларнинг эҳтиёжлари ва умидларига асосланган бўлиши ва улар хизмат ҳақида айтганлари ва фикрлари асосида ишлаб чиқиши керак
- хизмат кўрсатиш стандартлари аниқ, улардан фойдаланадиган ходимлар учун тушунарли ва ўлчанадиган бўлиши керак,
- ходимлар учун қулай ва миждозларнинг турли гуруҳларига нисбатан мослашувчан;
- ишлаб чиқиш пайтидан бошлаб истеъмолчи томонидан қопланиши мумкин бўлган барча харажатларни ўз ичига олиши керак;
- стандартларни ташкилотнинг барча ходимлари баҳам кўришлари керак,
- оммавий равишда эълон қилиниши керак,
- вақт ўтиши билан қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштирилиши керак.

Ҳар қандай турдаги объектларнинг сифат кўрсаткичини ҳисоблаш, жумладан объектив маълумотлар асосида хизмат кўрсатиш сифатини режалаштириш ва аниқ таҳлил қилиш, шунингдек уни ҳар томонлама (комплекс) тавсифлаш мумкин:

$$ХКСКК = a_{\text{коэф}1} \cdot \text{Коэф}_{\text{қонқ}}^{\text{мақ}} + a_{\text{коэф}2} \cdot \text{Коэф}_{\text{қонқ}}^{\text{сер}} + a_{\text{коэф}3} \cdot T_{\text{коэф}}$$

бу ерда ХКСКК- хизмат кўрсатиш сифатининг комплекс кўрсаткичи (СК – сифат кўрсаткичи) хизмат кўрсатиш;

$a_{\text{коэф}1}$  - асосий коэффициент хизмат кўрсатиш СК– маҳсулотдан қониқиш;

$\text{Коэф}_{\text{қонқ}}^{\text{мақ}}$  – мижозларнинг маҳсулотдан қониқиш коэффициенти;

$a_{\text{коэф}2}$  – асосий коэффициент хизмат кўрсатиш СК– сервисдан қониқиш;

$\text{Коэф}_{\text{қонқ}}^{\text{сер}}$  - мижозларнинг сервисдан қониқиш коэффициенти;

$a_{\text{коэф}3}$  - асосий коэффициент СК хизмат кўрсатиш – хизмат кўрсатиш тезлиги;

$T_{\text{коэф}}$  – индивидуал хизмат кўрсатиш босқичларининг тезлик коэффициенти. Юқоридаги формула орқали хизмат кўрсатиш сифатининг комплекс кўрсаткичини (ХКСКК) ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Shostack G. L. Breaking Free from Product Marketing // Journal of Marketing. 1977. April. P. 73–80.
2. Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие. -Т.: ТГЭУ, 1998. -131 с.
3. Кучер Л. С., Шкуратова Л. М. Умумий овқатланиш хизматларини ташкил қилиш: дарслик. - М.: "Ишбилармон адабиёт" нашриёт уйи, 2002. - 544с.
4. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривожини – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: Фан ва технология, 2007. -16 б.
5. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография) -Т.: Фан ва технология, 2007.-163 б.
6. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. – Т.: "Иқтисод-молия", 2016. – 384 б.
7. М.Қ.Пардаев умумий таҳрири остида. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма.– Т.: "Иқтисод-молия", 2016. – 504 б.
8. Азбука ресторатора: все, что нужно знать, чтобы преспеть в ресторанном бизнесе. М.: Изд-во Жигульского, 2003. 215 с
9. Аграновский Е.Д., Аносова М.М., Лифанова Р.Ф. «Организация производства на предприятиях общественного питания». - М.: Экономика. 2009. - 350 с.
10. Андрушквич Б., Кирич Н. Как улучшить работу сферы обслуживания // Экономика, 2012. - № 6. - С. 82-87.
11. Шарипов Т.С., Абдукаримов Б.А. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография. -Тошкент: Иқтисодиёт, 2011.
12. Мирзаев Қ.Ж., Равшанов З.И. Умумий овқатланиш хизматларини ташкил этишининг муҳим хусусиятлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017.
13. Худайшукуров Т., Шукуров И.Х. "Овқатланиш корхоналарида санитария ва гигиена". Олий ўқув юртлари учун Дарслик. Тошкент, 2012.
14. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари // М.Қ.Пардаев, Қ.Х.Абдурахманов, М.А.Маҳкамova,
15. Schwab K. The fourth industrial revolution. – Currency, 2017. – 192 p.
16. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ҳолати. UZSTAT маълумотлари асосида
17. Kalanova Mokhigul. (2021). Issues of increasing the efficiency of services provided in public catering enterprises in conditions of the digital economy. Philosophical Readings, XIII(4), 563–582. <http://doi.org/10.5281/zenodo.5018206>.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТРЕНД МОДЕЛЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ**

**Рахимов Анварь Норимович -**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
"Бизнес ва инновацион менежмент" кафедраси доценти,

**Очилов Муроджон Ашурқулович -**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
"Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш" кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши, ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига нисбатан ўзгариши таҳлил қилинган. Транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш жараёнлари тренд моделлар асосида баҳоланган, иқтисодий таҳлили ҳамда прогнози қилинган.

**Калит сўзлар:** Турмуш сифати, тренд моделлар, п-кўрсаткичли тренд модели, экспоненциал тренд модели, фукнционал модел, эмпирик модел, корреляция коэффициенти, регрессия тенгламаси, ковариация, Стъюдент мезони, прогнозлаш.

ОЦЕНКА РАЗВИТИЯ ТРАНСПОРТИРОВКИ ТРАНСПОРТНЫХ УСЛУГ НАСЕЛЕНИЮ  
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ НА ОСНОВЕ ТРЕНДОВЫХ МОДЕЛЕЙ

**Рахимов Анвар Норимович** -  
доцент кафедры Бизнес и инновационный менеджмент  
Каршинского инженерно-экономического института  
**Очилов Муроджон Ашуркулович** -  
старший преподаватель кафедры Автоматизация  
и управление технологическими процессами Каршинского  
инженерно-экономического института

**Аннотация.** Проанализировано развитие сектора транспортных услуг населению и изменения относительно других секторов услуг. Сделали оценки, экономические анализа и прогнозирования на основе трендовая моделям в процесса развития сектора транспортных услуга.

**Ключевые слова:** Качество жизни, трендовые модели, n-индикаторная трендовая модель, экспоненциальная модель тренда, функциональная модель, эмпирическая модель, коэффициент корреляции, уравнение регрессии, ковариация, критерий Стьюдента, прогнозирование.

EVALUATION OF THE DEVELOPMENT OF TRANSPORTATION OF TRANSPORTATION SERVICES  
TO THE POPULATION OF KASHKADARYA REGION BASED ON TREND MODELS

**Rakhimov Anvar Norimovich** -  
associate professor of the department of Business and innovation  
management of the Karshi engineering and economic institute  
**Ochilov Murodjon Ashurkulovich** -  
Senior Lecturer of the Department of Automation and Control of  
Technological Processes of the Karshi Engineering and Economic Institute

**Abstract.** The development of the sector of transport services to the population and changes in relation to other sectors of services are analyzed. We made estimates, economic analysis and forecasting on the basis of trend models in the process of development of the transport services sector.

**Key words:** Quality of life, trend models, n-indicator trend model, exponential trend model, functional model, empirical model, correlation coefficient, regression equation, covariance, Student's test, forecasting.

**Кириш.** Бозор иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш соҳаси сифатини оширишнинг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос концепциясини яратишга зарурат туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган «Турмуш сифати» концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин. «Турмуш сифати» концепцияси инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ўринда гап фақат турмуш сифатини (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик, таълим даражаси) баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан «ўз фаровонлиги», «бахт», «қониқиш», «роҳат» каби тушунчаларни субъектив ҳис қилиш тўғрисида ҳам бормоқда. Бунда масалан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар, маиший хизматлар, коммунал хўжаликлар интеллектуал хизматлар каби транспорт хизматларини ҳам ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. «Турмуш сифати» концепцияси инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади. Бу муносабатлар эҳтиёжлар қондирилганли-

ги ва мавжуд имкониятларнинг қутилган имкониятларга мослиги даражасини ифодалайди.

«Турмуш сифати» концепцияси қоидаларига амал қилиш шунингдек, аҳолининг турмуш шароити ва фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кундаги турмуш шароитини ўрганиш, яшаш жойларининг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини баҳолаш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз эҳтиёжларини қондириш учун транспорт хизмат кўрсатиш соҳасини аҳоли имкониятларига мослаштириш керак бўлади.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу – йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдир.

**Асосий қисм.** Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ҳам бу соҳага алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, қуйидаги вазифалар белгиланган:

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш ҳавфсизлиги-

ни ошириш ва атроф–муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

- йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, аҳоли пункти кўчалари-ни капитал ва жорий таъмирлаш.

Бу кўрсаткичлар кенг халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини янада оширади.

Юқоридагиларга асосланиб, мамлакатни модернизациялаш шароитида жойларда аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш учун, ҳар бир минтақанинг иқлими, бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олган ҳолда, эконометрик моделлаштиришдан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш учун қатор муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Чунончи:

- ҳудудлар ўртасида транспорт хизмат кўрсатиш тармоқларидаги тафовутларни бартараф қилишни;

- жойларда транспорт хизмат кўрсатувчи субъектларни устувор тарзда ривожлантиришнинг моделлаштиришни;

- жойларда транспорт хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги рақобат муҳитини яхшилашни;

- жойларда ишлаб чиқариш фондлари ва ишчи кучларини ҳисобга олиб транспорт хизмат кўрсатиш соҳасини янада тўлароқ жалб қилишни, яъни жамиятнинг чегараланган ресурсларидан тўғри фойдаланишда бошқаришни моделлаштиришни.

Вилоятда транспорт хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириб, ҳудудларда газ, сув ва электр энергия тақчиллигини пасайтириш учун янги технология, янги услублардан фойдаланиш керак. Мамлакатимиз олимларининг кўпчилиги транспорт хизмат кўрсатишнинг тармоқлар таркибини аниқлашда қуйидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатишган:

Биринчидан, транспорт хизмат кўрсатишнинг энг асосий белгиси аҳолини умумий шароитлар билан таъминлашдир. Умумий шароитлар бир томондан, моддий ишлаб чиқаришнинг бевосита жараёнини таъминловчи, бошқа тарафдан, инсоннинг ҳар кунлик ҳаётини таъминлаши мумкин. Бунда ишлаб чиқариш жараёнида ва меҳнатнинг умумий тақсимоти тизимида пайдо бўлувчи, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва ишлаб чиқаришнинг умумий шароитлар йиғиндисидан иборат бўлган хизмат кўрсатишга таъриф бериш мумкин;

Иккинчидан, транспорт хизмат кўрсатишда ҳеч қандай янги моддий маҳсулот яратилмайди, балки мавжуд бўлган хизмат турлари учун сарфланган харажатлар тушунилади;

Учинчидан, транспорт хизмат кўрсатиш барча соҳалар билан бевосита боғлиқ. Транспорт хизмат кўрсатишнинг вазифаси барча ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга зарур бўлган умумий шароитларни таъминлашдан иборат;

Тўртинчидан, транспорт хизмат кўрсатиш натижасида истеъмолнинг фойдали самараси билан транспорт ишлаб чиқариш жараёни мос келади. Демак, хизмат кўрсатишнинг асосий тармоқларидан бўлган транспорт соҳасининг хусусияти шундан иборатки, у маҳсулотнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишида асосий омил ҳисобланади. Маҳсулотнинг харакати, уни сақлаш, етказиш инфратузилма тармоқларининг ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланиб, асосий ишлаб чиқариш жараёни билан тўғри келади. Шу билан бирга, асосий ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот истеъмолчига етказилгандагина истеъмолга тайёр бўлиши мумкин;

Бешинчидан, транспорт хизмат кўрсатиш соҳаси товар ва маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнлари шаклида намоён бўлади, маҳсулотларнинг ҳаракатга келишини таъминлайди;

Олтинчидан, транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши йирик бирламчи капитал қўйилмаларни талаб этади. Шундан инфратузилма объектлари фонд сиғими кўрсаткичларининг юқорилиги келиб чиқади;

Еттинчидан, транспорт хизмат кўрсатиш самарадорлигини фақат бошқа соҳалар мисолида аниқлаш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, хизмат кўрсатиш самарадорлиги асосан ишлаб чиқариш тармоқларида намоён бўлади. Бинобарин, хизмат кўрсатиш фаолиятининг самараси узоқ вақтдан сўнг сезилади.

Ижтимоий ва хизматлар соҳаси тармоқлари ривожланишининг замонавий даврида хизматлар кўрсатиш оммавий тус олмақда. Шундай экан, эришилган натижа бирлигига қилинган меҳнат самарадорлиги асосий фондлар, моддий ва молиявий сарф-харажатларни ҳисоблаб чиқишга имкониятлар бўлиши талаб этилади.

Ушбу хизматлар қўламини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин[2]:

$$TP_t = \lambda_1 (A_t, t); \quad (1)$$

$$TP_t^0 = \lambda_2 (TP_t, A_t, t); \quad (2)$$

Бу ерда:  $TP_t$  –  $t$  йилдаги кўрсатилган транспорт хизмати, минг киши;

$TP_t^0$  –  $t$  йилдаги транспорт хизмати айла-ниши, [км].

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Йўл ҳар бир ҳудуднинг маданияти қай даражада эканлигини кўрсатувчи кўзгудир.

Бу эса, хизмат кўрсатиш тармоқларининг, иқтисодий механизмнинг ҳаракатини таъминлайди. Бундай усул хизмат кўрсатиш жараёнларнинг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ва прогнозлашда кенг қўлланилади. Негаки, бунда ривожланишдаги бош омиллар ҳаракатларининг натижавий таъсирлари вақт омилида умумлаштирилган, деб қаралади.

Хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди [1].

Дастурда 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгилаб берилди:

хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш;

2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш;

муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш кабилардир.

Саноатлаштириш тўғридан - тўғри транспорт йўлларининг сифатига боғлиқ. Ҳозирги

вақтда транспорт йўлларнинг аҳволи талаб даражасида эмас.

Хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш аҳоли эҳтиёжини қондирадиган рағбатлантирувчи куч ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавий шароитларда ҳудудлар ривожланишини модернизациялашнинг асосий ички муаммолари куйидагилар ҳисобланаши мумкин:

иқтисодий ҳудудларнинг реал интеграциясини таъминловчи янги замонавий техник базада транспорт, энергетик, телекоммуникацион, логистик хизматларни ривожлантириш;

мамлакат ҳудудлари орасида ресурсларнинг мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаш;

ҳудудлар хўжалик тузилмаларининг бозор иқтисодиёти ва барқарор ривожланиш талабларига мослашувчанлиги, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш.

Шундай экан, бозор иқтисодиёти жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидан ва аввало давлатдан ажралган тарзда мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши мумкин эмас. Бундан ташқари иқтисодиёт давлатнинг фаол қатнашуви ва қўллаб-қувватлашисиз ривожлана олмайди. Ўз навбатида ҳеч бир ҳукумат ғоявий-сиёсий йўналтирилганлигидан қатъи назар иқтисодиёт ҳолатига қатнашмасдан қолиши мумкин эмас. Давлат дастурлари иқтисодиётнинг ўсиши ва ривожланишида ҳал этувчи ролни ўйнайди.

Қашқадарё вилояти аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг 5 йиллик ривожланиш тенденциясини кўришимиз мумкин, шу билан бирга хизмат кўрсатиш бўйича ҳар бир тармоқнинг 2018 йида жами хизматлар таркибидаги улушини таҳлил қиламиз.

1-жадвал


### Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервис соҳаси тармоқларининг 2010 - 2018 йиллардаги улуши [10] (млрд.сўмда)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
<b>Жами хизматлар</b>	<b>997,2</b>	<b>3066,4</b>	<b>3645,6</b>	<b>4556,2</b>	<b>5859,3</b>	<b>6975,9</b>
Шу жумладан асосий турлари бўйича:						
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	89,4	241,2	274,8	328,7	370,6	426,1
Молиявий хизматлар	83,1	254,2	312,9	412,8	566,9	787,4
Транспорт хизматлари	198,9	652,2	792,8	910,1	1491,5	1608,9
Яшаш жойлари ва овқатланиш хизматлари	31,4	20,9	25,4	146,9	185,1	220,8
Савдо хизматлари	312,6	1133,8	1290,6	1646,3	1935,8	2337,0
Кўчмас мулкка боғлиқ хизматлар	31,4	108,3	136,9	170,2	191,3	226,9
Таълим хизматлари	39,3	89,8	106,5	131,1	163,9	227,8
Соғлиқни сақлаш хизматлари	16,4	28,2	39,5	45,8	54,4	75,0
Ижара хизматлари	29,7	88,1	109,1	135,9	158,0	197,7
Маиший моллар ва компьютерларни таъмирлаш хизматлар	48,4	135,4	185,3	216,4	226,5	256,5
Якка тартибдаги хизматлар	57,1	150,8	158,3	209,2	234,5	262,9
Техник синаш ва меъморчилик хизматлари	20,3	21,2	33,3	30,0	50,3	76,7
Бошқа хизматлар	39,2	142,3	180,2	172,8	212,2	272,2

1-расмдан кўриниб турибдики, вилоят аҳолисига савдо ва транспорт хизматлар кўрса-

тиш тармоғининг улуши бошқа хизматларни- кига қараганда анча юқори.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ



**1-расм. Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервис соҳаларининг 2018 йил бўйича улуши (млрд. сўм)**

К.Ховард, Н.Д.Эриашвили, Б.А.Соловьев, Д.А.Цигичко, Л.Абдуллаева, М. Насретдинова[6] каби олимларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда биринчи жиҳат доирасида учта асосий элементни ажратиш кўрсатиш мумкин: бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот, прогноз қилиш ва режа ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун зарур бўлган ахборот.

Биринчи элемент соҳадаги умумий аҳвол, хусусан, жойларда маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат ва транспорт хизматлари соҳасидаги аҳвол тўғрисидаги ахборотлардан иборат бўлади. Бундай ахборотлар оператив-техник ҳисоб тизимига асосланади. Бу ҳолда маълумотлар асосан бухгалтерия ҳисобининг бошланғич маълумотлари, шунингдек, оператив ва даврий статистика ҳисоботларидан олинади.

Иккинчи элемент прогноз қилиш ва режалаштириш учун зарур бўлган ахборотларни ўз ичига олади. Шу муносабат билан унинг таркибий қисмини тадқиқ этилаётган соҳани ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон берувчи маълумотлар ташкил этиши лозим.

Учинчи элементда тадқиқ этилаётган жараёнларнинг ўзаро алоқаларини акс эттирувчи турли моделлар ҳисоб-китобини амалга оширишга имкон берувчи муаммоларга йўналтирилган ахборот қисми мавжуд бўлиши лозим.

Иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқлари ижтимоий соҳа тармоқлари жумласига киради: тураржой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқаришга

хос бўлмаган турлари, йўловчи транспорти, алоқа (ижтимоий соҳа ташкилотлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш юзасидан), сув хўжалиги (ижтимоий соҳа ҳусусида), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат, кредит ва давлат суғуртаси, ҳокимият ва жамоат ташкилотларини бошқариш[7].

Вилоятда транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг бозор муносабатлари ва рақобат шароитида муваффақиятли фаолиятини бошқаришни шундай ташкил этиш керакки, у тармоқларнинг ички ва ташқи муҳитига таъсир қилиши шарт. Бунинг учун хизмат кўрсатишнинг янги ташкилий эконометрик моделларини яратиш лозим бўлади.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилган. Ундан кутилган асосий мақсад мамлакат аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш учун иқтисодиётнинг барқарор ва мутасил ривожланишини таъминлашдан иборат. Мазкур стратегия асосида Ўзбекистон иқтисодиёти узоқ муддатли истиқболли ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва вариантлари бир неча ҳолатда кўриб чиқилди.

Қашқадарё вилояти аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш жараёнларини баҳолашда тренд моделларидан фойдаланишни лозим топдик. Вилоят аҳолисига хизмат кўрсатиш тармоқларидан ҳар бири ривожланишининг n-кўрсаткичли ва экспоненциал кўринишда тренд моделларини ҳосил қил-



дик. Бунинг учун жараённинг тренд моделлари- дан фойдаландик.  
ни ҳосил қилишда энг кичик квадратик усули-

$$Y_x = a_0 + a_1x + a_2x^2 + \dots + a_kx^k \quad (3)$$

тренд моделини ҳосил қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

$$F = \sum(Y - Y_x)^2 \rightarrow \min \quad (4) \text{ ёки}$$

$$F = \sum(Y - a_0 - a_1x - a_2x^2 - \dots - a_kx^k)^2 \rightarrow \min \quad (5)$$

бундан хусусий ҳосила олсак, қуйидаги кўришдаги тенгнамалар системаси ҳосил бўлади.

$$\left\{ \begin{array}{l} \sum Y = a_0n + a_1 \sum x + a_2 \sum x^2 + \dots + a_k \sum x^k \\ \sum Yx = a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 + a_2 \sum x^3 + \dots + a_k \sum x^{k+1} \\ \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \dots \\ \sum Yx^k = a_0 \sum x^k + a_1 \sum x^{k+1} + a_2 \sum x^{k+2} + \dots + a_k \sum x^{2k} \end{array} \right. \quad (6)$$

$$Y_x = a_0 e^{a_1x} \quad (7)$$

тренд моделини ҳосил қилиш учун қуйидаги ишни амалга ошириш лозим:

Бунинг учун тенглик иккала томонини натурал логарифмлаймиз.

$$\ln Y_x = a_1x + \ln a_0 \quad (8)$$

$$F = \sum(\ln Y - \ln Y_x)^2 \rightarrow \min \quad (9)$$

ёки

$$F = \sum(\ln Y - \ln a_0 - a_1x)^2 \rightarrow \min \quad (10)$$

Бундан хусусий ҳосила олсак, қуйидаги кўришдаги тенгнамалар системаси ҳосил бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \sum(\ln Y) = n \ln a_0 + a_1 \sum x \\ \sum(x \ln Y) = (\ln a_0) \sum x + a_1 \sum x^2 \end{array} \right. \quad (11)$$

Олинган натижаларни қуйидаги баҳолаш мезонлари билан баҳолаймиз:

Регрессия тенгнамасининг «аҳамиятлилик» баҳолаш учун Фишернинг F-мезонидан фойдаланилади. Бу F-мезони миқдори детерминация коэффициенти билан қуйидагича боғланган:

$$F_{\text{haqiqiy}} = \frac{r_{xy}^2}{1 - r_{xy}^2} \cdot (n - 2), \quad n \geq 3. \quad (12)$$

Агар  $\alpha = 0,05$  (беш фоизли маънодорлик даражаси) ва эркинлик даражаси  $k_1 = 1$  ва  $k_2 = n - 2$  бўлса, тасодикий миқдорларнинг Фишер тақсимоли келтирилган жадваллардан F-мезони жадвал қиймати -  $F_{\text{jadv}}$  топилади.

Агар ушбу  $F_{\text{haqiqiy}} > F_{\text{jadv}}$  тенгсизлик ўринли бўлса, регрессия тенгнамаси статистик маънодор ҳисобланади.

Регрессия тенгнамасидаги хатоликларга „a“ ва „b“ параметрларни ҳамда  $r_{xy}$  - корреляция коэффициенти ҳисоблашдаги тасодикий хатоликлар ҳам таъсир этади. Шунинг учун „a“ ва „b“ параметрларни ҳисоблашдаги стандарт хатоликлар  $m_a, m_b$  лар аниқланилади.

Регрессия коэффициентининг тасодикий хатолиги қуйидаги формула билан аниқланилади:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum(y - y_x)^2 / (n - 2)}{\sum(x - \bar{x})^2}}. \quad (13)$$

Регрессия тенгнамасининг „a“ параметри тасодикий хатолиги қуйидаги формула билан аниқланилади:

$$m_a = \sqrt{\frac{\sum(y - y_x)^2}{n - 2} \cdot \frac{\sum x^2}{n \cdot \sum(x - \bar{x})^2}}. \quad (14)$$

Чизиқли корреляция коэффициентининг тасодикий хатолиги эса қуйидаги формула асосида аниқланилади:

$$m_r = \sqrt{\frac{1 - r^2}{n - 2}} \quad (15)$$

Регрессия тенгнамаси параметрларининг статистик маънодорлигини баҳолаш Студент-*t* критерияси ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин (эркинлик даражаси сони  $n - 2$  ва  $\alpha = 0,05$  бўлганда *t* белгининг жадвал қийматлари Студент тақсимоли жадвалидан топилади). Унда қуйидагилар ҳисобланади[8]:

$$t_a = \frac{a}{m_a}, \quad t_b = \frac{b}{m_b}, \quad t_r = \frac{r_{xy}}{m_r}. \quad (16)$$


Агар *t* белгининг топилган асл қийматлари унинг жадвал қийматидан катта бўлса (яъни  $t_a > t_{\text{jadv}}, t_b > t_{\text{jadv}}, t_{r_{xy}} > t_{\text{jadv}}$ ), „a“ ва „b“ параметрлар статистик маънодор ҳисобланади.

Ҳар бир хизмат кўрсатиш тармоғини *Y* деб белгиладик, кузатувлар натижасида олинган қийматлар *t* вақт омилига боғлаган ҳолда тренд моделларини ҳосил қилдик. Статистик маълумотларга (2004–2018 йиллар) асосланиб, ҳар бир хизмат кўрсатиш тармоғининг бир қанча вариантдаги тренд моделлари ҳосил қилинди ва баҳолаш мезонлари билан баҳолаб, оптимал моделларини танлаб олдик.

Вилоят аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг тренд моделлари 2-расмда кўрсатилган. Бунда транспорт хизмат кўрсатиш тармоғининг ўзгариш тенденциясига қараб, бир қанча моделлари ҳосил қилинган. Булардан,  $R^2=0,994$ ,  $F_{\text{ҳисоб}}=149,5$ ,  $t_{\text{ҳисоб}}=12,23$  ( $\alpha = 0,05$  бўлганда  $t_{\text{жад}}=2,1314$ ,  $F_{\text{жад}}=2,4034$ ) га тенг бўлган вақтда,  $y=33,15e^{0,2643t}$  кўринишдаги регрессия тенгнамасини танлаб олдик. Биз  $R^2=0,986$ ,

$F_{\text{хисоб}}=143,83$ ,  $t_{\text{хисоб}}=11,48$  ( $\alpha = 0,05$  бўлганда,  $t_{\text{жад}}=2,1314$ ,  $F_{\text{жад}}=2,4034$ ) га тенг бўлган вақтда,  $y=0,8359t^3-8,3024t^2+47,666t-7,9589$  кўринишдаги регрессия тенгламасини танлаб олишимиз мумкин эди. Аммо ҳозирги даврда бу соҳада

олиб борилаётган ислохотлар экспоненциал кўришида регрессия тенгламасидаги ўзгаришга мос келганлиги сабабли биринчи кўринишдаги тренд моделини адекват ҳисобладик.



2-расм. Қашқадарё вилояти аҳолисига транспорт хизматлар кўрсатиш ҳажмининг тренд модели[2]

Ҳосил қилинган тренд моделлар асосида хизмат кўрсатиш тармоқларининг 5 йиллик ривожланиш жараёни прогнози қуйидагича натижага эришиши мумкин эканлигини ҳисоблаб чиқдик.

$$Y(2021)=33,15e^{0,2643 \cdot 18}=3839,3;$$

$$Y(2022)=33,15e^{0,2643 \cdot 19}=4999,2;$$

$$Y(2023)=33,15e^{0,2643 \cdot 20}=6509,7;$$

$$Y(2024)=33,15e^{0,2643 \cdot 21}=8476,4;$$

$$Y(2025)=33,15e^{0,2643 \cdot 22}=11037,4;$$

Вилоят аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳаси 2020 йилдагига нисбатан 2021 йилда 1,30 баробарга, 2025 йилга бориб эса 2020 йилдагига нисбатан 3,74 баробарга ошиши кутилмоқда.

**Хулоса.** Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш муаммоси хизмат кўрсатиш тармоқлари тизимини ривожлантиришнинг анъанавий ва инновацион чоралари

биргаликда олиб борилиши билан ҳал қилиниши мумкин. Анъанавий чоралар аҳолининг транспорт хизмат турлари билан таъминланганлик даражасини ошириш ва хизмат кўрсатиш тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилади.

Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг замонавий шакл ва усуллари асосини эконометрик моделлаштиришни такомиллаштириш ташкил қилади. Илғор тажрибани ўрганиш, транспорт хизмат кўрсатиш стандартларини жорий қилиш, транспорт хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишни такомиллаштириш усуллари ривожланишини моделлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг татбиқ этилиши вилоятда аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш даражаларининг самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 89-модда, 27-сон, 326-модда; 2017 й., 15-сон, 257-модда, 33-сон, 863-модда.
2. Рахимов А.Н. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида): иқт. фан. фал. док. дисс. – Т.: ТДИУ, 2020. –165 б.
3. Пардаев М.Қ., Мусаев Ҳ.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари –Т.: Иқтисод-молия, 2008.
4. F.D. Juraev. Problems Of Informatization Of Management Of Agricultural Industry And Modeling Of Agriconomic System In A Market Economy. The American Journal of Applied sciences, (ISSN –2689-0992), Volume03, Issue02-04, February 20, 2021, Pages:49-54 <https://usajournalshub.com/index.php/tajas/article/view/2120/2014>
5. M.A.Ochilov, F.D.Juraev, G.X.Maxmatqulov, A.M.Rahimov. Analysis of important factors in checking the optimality of an indeterminate adjuster in a closed system. Journal of Critical Review. /VOL 7, ISSUE 15, 2020/ 1679-1684 pag. <http://www.jcreview.com/fulltext/197-1593952802.pdf?1599633671>
6. Ховард К., Эриашвили Н.Д., Соловьев Б.А. Маркетинг. Принципы и технология маркетинга в свободной рыночной системе: учебник для вузов/ изд., перераб. И доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001, –623 с.
7. Павленко В.Ф. Планирование территориального развития (территориальный аспект планирования). –М.: Экономика, 1984. С.267.
8. Эконометрика: учебник. / Под ред. И.И.Елисеевой. –М.: Финансы и статистика, 2003. С.344.
9. Kh.S.Mukhitdinov, F.D.Juraev. Methods of Macroeconomic Modeling. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), e-ISSN: 2456 – 6470, 29-32 pag. <https://www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd38498.pdf>
10. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

**TURISTIK SANOATINING YORDAMCHI TURISTIK HISOBIDAN FOYDALANGAN  
HOLDA MOLIYA HOLATINI KUZATISH METODIKASI**

*Alieva Maxbuba Toychiyevna –  
TDIU u.f.d., professor  
Xujanazarova Nargis Shohmurodovna –  
TDIU katta o'qituvchisi*

**Аннотасија:** Maqolada turizm dunyo iqtisodiyotining eng yuqori daromad olish mumkin bo'lgan sohalaridan biri ekanligi tasvirlangan. Butunjahon turizm tashkiloti (UNWTO) ma'lumotlariga ko'ra, turizm sohasida jahon mehnat resurslarining 9,4 foizi, har 16-ish joyini egallaydi. Shuningdek, jahon iste'mol xarajatlarining 11 foizi va barcha soliq tushumlarining 5 foizini tashkil etadi. Turistik xizmatlar bozorida vujudga keladigan munosabatlar, O'zbekistonda turizm sanoatining mamlakat iqtisodiyotiga ta'siri, turizmni moliyalashtirish masalalari o'rganilgan.

**Калит со'злар:** yordamchi hisob-raqamlar, turistik salohiyat, xizmat ko'rsatish, mehmondo'stlik, moliya, iqtisodiyot, statistika, turizm, sayyoh, sayohat va h.k.

**МЕТОДИКА МОНИТОРИНГА ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ  
ИНДУСТРИИ С ПОМОЩЬЮ ВСПОМОГАТЕЛЬНОГО СЧЁТА ТУРИЗМА**

*Алиева Махбуба Тойчиевна –  
ТГЭУ д.э.н., профессор  
Хужаназарова Наргис Шохмуродовна –  
ТГЭУ стр. преподаватель*

**Аннотация:** в статье описывается, что туризм является одной из крупнейших высокодоходных и наиболее динамичных отраслей мировой экономики. По данным Всемирной туристской организации (ЮНВТО) в отрасли туризма задействовано около 9,4% мирового капитала, обеспечивается каждое 16-е рабочее место, а также на нее приходится 11% мировых потребительских расходов и 5% всех налоговых поступлений. Объектом исследования является весь комплекс отношений, возникающих на рынке туристских услуг между его участниками. В Узбекистане влияние туристской индустрии на экономику страны пока незначительно, финансирование туризма производится по остаточному признаку.

**Ключевые слова:** вспомогательные счета, туристический потенциал, сервис, гостеприимство, финансы, экономика, статистика, туризм, турист, путешествие и др.

**METHODOLOGY FOR MONITORING THE FINANCIAL HEALTH OF THE TOURISM  
INDUSTRY USING A TOURISM SATELLITE ACCOUNT**

*Alieva Makhbuba Toychiyevna –  
TSUE Professor  
Khujanazarova Nargis Shohmurodovna –  
TSUE Teacher*

**Annotation:** The article describes that tourism is one of the largest highly profitable and most dynamic sectors of the world economy. According to the World Tourism Organization (UNWTO), the tourism industry employs about 9.4% of world capital, provides every 16th job, and also accounts for 11% of global consumer spending and 5% of all tax revenues. Relations arising in the market of tourist services between its participants. In Uzbekistan, the influence of the tourism industry on the country's economy is still insignificant, financing of tourism: is made on a residual basis.

**Keywords:** tourism satellite accounts, tourism potential, service, hospitality, finance, economics, statistics, tourism, tourist, travel, etc.

**Введение.** Узбекистан считается страной, имеющей конкурентные преимущества в сфере туризма, во всяком случае, по сравнению с соседними центрально азиатскими странами. Однако поток туристов в страну из-за пандемии остаётся нестабильным.

Фактическое отсутствие полноценного функционирования туристской отрасли приводят к тому, что Узбекистан теряет и потерял миллиарды суммы в течение пандемии COVID - 19, которые могли бы поступить в бюджет страны в случае увеличения туристского потока. Несмотря на свой колоссальный туристский

потенциал, страна занимает весьма скромное место на мировом туристском рынке, менее 1,5 % мирового туристского потока. Среди туристских компаний в Узбекистане существуют 250 фирм, которые занимаются в основном выездным туризмом, способствуя вывозу капитала из страны. Объективные и субъективные политические и экономические причины и следствия за последние несколько лет вызвали сокращение въездного потока в Узбекистан, а также усиление нестабильности в развитии внутреннего туризма. В частности, спрос на санаторно-курортные и туристско-экскурсион-

ные услуги постепенно расширяется, развивая местный туризм страны, а предложение этих услуг за последние годы резко сократилось. Отметим также, что современная сеть туристских учреждений вместе с санаторно-курортными, пансионатами, домами и базами отдыха в значительной степени нуждаются в реконструкции и реставрации. Уровень цен, сложившихся на рынке внутреннего туризма, значительно выше, чем на рынке выездного туризма, что предполагает выбор потребителя не в пользу отечественного производителя.

Кроме того, низкое качество туристских услуг на местном рынке предопределяет их неконкурентоспособность на мировом рынке. Это обстоятельство препятствует динамичному развитию услуг, как наиболее перспективному направлению диверсификации экономики Узбекистана, зафиксированному в программе социально-экономической политики. Правительством страны на среднесрочную перспективу (2017-2030 гг.). Увеличение масштабов экспорта услуг и замещение их импортом требует проведения государством активной политики в отдельных секторах, в частности, в области туризма. Особенно актуальна эта проблема для регионов с уникальными природными и историко-культурными туристскими ресурсами. В связи с этим необходимо принятие комплекса мер по государственной поддержке развития индустрии туризма в рамках региональных программ для выделения значительных денежных средств как в форме прямого инвестирования, так и в виде налоговых льгот.

**Обзор литературы по теме исследования (анализ):** Многие экономисты проделали ряд научных и практических работ по вопросам занятости, что является одной из составляющих стремительного развития туристических услуг. В том числе А. Смит, Дж. Сей, А. Маршалл, Дж. Кейнс и др. Среди экономистов СНГ очень много исследований по этой теме. Александрова А.Ю., Анчукова Н.В., Москвина О.С., Балабанов И.Т., Каримов Н.Г., Алиева М.Т., Биржаков М.Б., Safaeva S.R., и другие уделяли большое внимание теоретическим и практическим аспектам развития сектора туристических услуг.

**Методология исследования.** В процессе исследования широко использовались такие методы, как логическая абстракция, индукция и дедукция, систематический анализ, статистический анализ. На основе диалектического метода формируются приоритетные направления исследований, имеющие научное и практическое значение для индустрии туризма в целом.

Современная индустрия туризма является одной из крупнейших, высокодоходных и наиболее динамичных отраслей мирового хозяйст-

ва. В течение последних десятилетий на услуги туризма сохраняется стабильно высокий потребительский спрос, достаточно устойчивый к неблагоприятным изменениям общеэкономической конъюнктуры, например, мировая практика показывает, что развитие туристской отрасли имеет высокий эффект, который позволяет стимулировать рост и развитие таких важнейших секторов как финансы, транспорт, связь, строительство, торговля, сельское хозяйство, производство товаров народного потребления, машиностроение и др. Между тем, с сожалением следует констатировать, что Узбекистан, несмотря на свой колоссальный туристский потенциал, занимает весьма скромное место на мировом туристском рынке. Отечественный туристический бизнес в основном ориентируется на выездном туризме. В современных условиях подавляющее большинство турфирм предпочитают заниматься привлечением в Узбекистан иностранных туристов. Глубинной причиной такого положения является недооценка государственными органами туристской отрасли, ее значения для развития узбекской экономики и совершенствования социальной сферы. Эта статья призвана сконцентрировать внимание на туризме которой может сыграть в становлении рыночной экономики, используя финансовый и экономический рост страны учитывая реализации современных задач экономического развития Узбекистана в условиях усиления финансовых ограничений определяя необходимость формирования финансовой системы с применением финансового механизма в целом (рис 1).

**Анализ и результаты.** Опираются на создание необходимых предпосылок для устойчивой экономической динамики в сфере туризма это актуализирует научную разработку проблемы влияния уровня финансового развития на экономический рост компании или фирмы. Показано, что в силу коэволюции финансов и экономических секторов фактором экономического благополучия так и источником экономической нестабильности. Обоснован комплексный подход к исследованию категориальной определенности финансового развития, включающий выделение его качественных и количественных характеристик. Проведен анализ и мониторинг финансового состояния туристической индустрии с помощью вспомогательного счёта туризма, построенных на основе системы параметрических оценок финансового развития экспертов Всемирного банка и ЮНВТО учитывающих структурно функциональные особенности отечественной финансовой системы. Полученные выводы позволили выделить наиболее существенные финансовые детерминанты экономического роста и обосновать ключевые

направления политики развития отечественного финансового сектора. Важной отличительной особенностью работы является комплексный

подход к исследованию финансовых проблем в сфере туризма. Данные проблемы исследуются как на макро, так и на микроуровнях.



Вспомогательный счет туризма (ВСТ) – радикальная инновация метода оценки экономической эффективности туризма как в отдельной стране, так и в мировой экономике в целом. Вспомогательный счет туризма – метод оценки роли туризма в экономике, основанный на сборе и анализе огромного числа статистических данных. В основе метода лежат идеи скрупулезного сбора информации, а затем подробного анализа всех аспектов спроса на товары и услуги, которые в экономике могут быть связаны с туризмом. Вспомогательный счет туризма рассматривается как эффективный инструмент формирования международной статистики туризма для успешной работы в любой сфере деятельности необходимо обладать наиболее полными данными о ней. Очевидно, что туризм не исключение из этого правила. Туризм – достаточно динамично развивается даже после пандемии COVID-19. В свете данной тенденции неудивительно, что туризм во всём мире привлекает местных и зарубежных инвесторов.

Инвесторы, вкладывая свои денежные средства, хотят принимать взвешенные решения, подтвержденные достоверными цифрами и фактами. Исходя из вышесказанного очень важно, чтобы каждая территория, развивающая туризм, стремилась к формированию информационной и финансовой базой. Но не только инвесторы заинтересованы в формировании подобных информационных баз. Правительст-

венные организации, занимающиеся контролем в области туризма и его развитием, также нуждаются в информационной и финансовой обеспеченности. По мнению специалистов, представляющих Комиссию Европейских сообществ, Всемирную туристскую организацию и Статистический отдел Организации Объединенных Наций вспомогательный счет туризма может стать эффективным инструментом формирования международной статистики туризма. Вспомогательный счет туризма – это метод оценки роли туризма в экономике, основанный на сборе и анализе огромного числа статистических данных.

В основе этого метода лежат идеи скрупулезного сбора информации, а затем подробного анализа всех аспектов спроса на товары и услуги, которые в экономике могут быть связаны с туризмом. При построении вспомогательного счета туризма каждая страна должна учитывать индивидуальные особенности развития. Исторически процесс формирования предпосылок к возникновению данного метода, его непосредственная разработка и внедрение в практику был достаточно долгим. Время с 1937 г., когда Совет Лиги Наций рекомендовал определение термина «международный туризм», по 1980-е годы можно определить, как период разработки классификаций и определений для статистики туризма.

Начиная с 80-х по 90-е годы, происходила корректировка теоретической базы, целью которой стала сопоставимость имеющихся классификации и определений с другими международными статистическими системами. Именно в этот период произошли первые попытки включить туризм в аналитические рамки систем национальных счетов. 1999 и 2000 гг. стали важным этапом развития данного вопроса. В 1999 г. была создана межсекретариатская рабочая группа ВТО–ОЭСР–Евростат с целью разработки общей концептуальной основы для подготовки методологической основы вспомогательного счета туризма. А в марте 2000 г. Статистической комиссией был принят важнейший документ – «Вспомогательный счет туризма: рекомендуемая методологическая основа».

А 2001 г. стал годом его публикации. Документ «Вспомогательный счет туризма: рекомендуемая методологическая основа» создана для того, чтобы помочь странам при его построении и является результатом труда множества специалистов, учреждений и стран. Работа над этим документом ведётся постоянно, например, в 2008 г. были внесены некоторые изменения. Эти изменения имели уточняющий характер и коснулись некоторых понятий, были дополнены и некоторые классификации. Пионерами применения вспомогательного счета туризма стали такие страны, как Франция и Канада. Сегодня множество стран применяют данную методику для оценки экономического эффекта, а также сбора и структурирования статистической информации, относящейся к туризму.

Принципы построения вспомогательного счета туризма, закрепленные в документе «Вспомогательный счет туризма: рекомендуемая методологическая основа», предъявляют определенные требования к информации, которая используется в этом методе. Именно эти требования и формируют информационную базу по туризму, данные которой сопоставимы, наиболее полные и доступны для восприятия различными категориями потребителей информации.

Основные требования к информации следующие: – должна быть статистической по характеру и готовиться на регулярной основе, то есть не только в виде единовременных расчетов, но и в качестве текущих статистических процессов, сочетающих базовые расчеты с более гибкими видами использования показателей для повышения полезности получаемых результатов; – расчеты должны опираться на надежные статистические источники, в которых отслеживаются туристы и показатели услуг, возможно, с использованием независимых процедур; – данные должны быть сопоставимы во

времени в одной стране, сравнимы с другими странами, сопоставимы с данными с остальными сферами экономической деятельности; – данные должны быть внутренне последовательными и представляться в макроэкономических рамках, признаваемых на международном уровне.

К наиболее значимым вопросам, эксперты относят: анализ спроса, создаваемого различными видами туризма; влияние туристского предложения на базовые макроэкономические переменные соответствующей страны; описание характера занятости и рабочих мест, накопления капитала и нефинансовых инвестиций; воздействие на государственные доходы, образование личного и предпринимательского дохода. Не может не волновать вопрос о том, планирует ли Узбекистан начать применение такого инновационного метода как вспомогательный счет туризма, который в узбекских источниках также называется сателлитный счет туризма, этапы должна быть созданы по этапной и организационная платформа, в состав которой войдут представители национальной статистической службы, центрального банка и других государственных организаций, являющихся важными административными источниками для реализации такого масштабного проекта как внедрение вспомогательного счета туризма.

Научной новизной статьи является реализация следующих этапов: на первом этапе это внедрение вспомогательного счета туризма.

На втором этапе должна произойти оценка состояния национальной статистики туризма. Третий этап – разработка пилотного проекта первого вспомогательного счета туризма с учетом особенностей страны. Узбекистану сложно определить, когда сформируются благоприятные условия для начала реализации данных этапов. Специалисты говорят о том, что в любом случае это может произойти не раньше 2022 г., так как отмечает, что точность этих данных напрямую зависит от инициативы региональных туристских администраций по проведению в регионах туристских опросов, рекомендованных в указанном Порядке.

Без этих цифр невозможно выполнять стратегическое планирование. На данном этапе никто не знает, куда и сколько именно едет туристов, где они останавливаются, места наибольшего притяжения и сезонность посещения. Зато существуют субъективные мнения экспертного сообщества и единичные случаи сбора информации, которые при сравнении очень часто не совпадают. Чтобы планировать маркетинговые активности и измерять их эффективность, надо понимать, что интересует туриста, почему именно это место, в конкретный период,

из какой страны или региона он к нам приехал, где и на сколько времени остановился и так далее. Существует еще одна проблема - нерелевантность данных. Большинство информации подается в Госстат в бумажном виде, что требует много времени на обработку данных вручную. При этом теряется актуальность цифр. Для нас сейчас очень важно создать систему, в которую будут поступать все данные по туризму и аккумулироваться на спутниковом счете.

Сегодня появился шанс наконец реализовать этот процесс с применением международных стандартов. На правительственном уровне есть понимание его важности и необходимости. Сегодня идет коммуникация с Госстатом на уровне руководителей структурных подразделений, чтобы сделать удобную форму подачи и анализа данных. Именно поэтому сейчас активно идет сотрудничество с госорганами о том, как это все реализовать в рамках диджитализации государственной власти в сфере туризма.

**Заключение и рекомендации.** Статистические данные должны обновляться как по крупным регионам, областям, так и по отдельным городам и даже громадам. Кроме государственных структур, такая информация также необходима органам местной власти и бизнесу для анализа и детального планирования развития туризма. Важно, чтобы эти данные были открытыми (кроме персональных), а все желающие онлайн смогли зайти в систему, найти необходимое и отфильтровать информацию по своему запросу. Инвестор, желающий вкладывать средства в туристический бизнес Узбекистана, смог бы видеть эти цифры, и понимать, в каком регионе ему интереснее реализовать проекты. Например, как это работает в Финляндии. Сейчас во всем мире реализуется политика Open Data, и мы следуем этим трендам. Главная цель - заполнить туристический спутниковый счет, чтобы с него поступали уже годовые данные по 2021-му и ежемесячно - с 2022-го.

Информация из заведений размещения - это одна из частей сбора данных, но именно она является архиважной для многих решений в маркетинге. Большинство европейских стран собирают ее автоматически из систем бронирования отелей. Эти данные ежедневно передаются в Евростат. Например, если проходит большой фестиваль, очень легко получить информацию, насколько увеличилось проживание в гостиницах и откуда приехали туда туристы. На сегодня у нас отсутствует инструмент для сбора таких данных.

Госстат располагает информацией по туроператорам и турагентам по количеству принятых и отправленных туристов, по заведениям размещения, но эти данные - годовые и посту-

пают с существенным опозданием. И, к сожалению, не все предоставляют их достоверно. Сегодня от короны кризиса страдает туристическая отрасль. Эти данные могли бы нас оперативно сориентировать, кому нужно помочь и оценить реальные потери в сфере туризма. В частности, Госагентство развития туризма приложило много усилий для предоставления грантовой поддержки турбизнесу, но не менее сложным стало формирование критериев отбора. Сделаем все, чтобы, начиная с 2023-го, наши KPI (*Key Performance Indicators, KPI*) — это числовые показатели деятельности, которые помогают измерить степень достижения целей или оптимальности процесса, а именно: результативность и эффективность.

**KPI** это инструмент позволяющий контролировать и оценивать работу, людей, групп, подразделений и компаний, а так же позволяет помочь в оценке реализации **стратегии**. Если выбранный KPI не связан с целью и не образуется исходя из её содержания, то такие KPI бессмысленно использовать. Технологии постановки, пересмотра и контроля целей и задач легли в основу современного управления и называется «Управление по целям».

Подводя итоги данного исследования, можно сделать следующее заключение по применению таких показателей, как:

- Годовой и месячный показатели койко-ночей проживания в средствах размещения (национальный и по регионам).
- Годовой показатель по количеству койко-мест в средствах размещения (национальный и по регионам; по типам средств размещения).
- Месячная загрузка средств размещения (по типам средств размещения).
- Общий оборот и показатель роста отдельных отраслей, относящихся к туристическим (годовые данные, национальный и по регионам).
- Поступления от въездного и внутреннего туризма (годовые данные, национальный уровень).
- Соотношение поступлений от въездного туризма к расходам на выездной туризм (годовые данные, национальный уровень).
- Расходы граждан Узбекистана на путешествия с минимумом одной ночевкой. Общие, разделены по направлениям: внутренний туризм, выездной туризм (годовые данные, национальный уровень).
- Соотношение загрузки гостиниц и других средств размещения в наиболее активный и наименее активный месяц национальный уровень, по регионам.

- Количество койко-мест в средствах размещения на 1000 местных жителей годовые данные, по регионам.

- Количество ночевки в коллективных средствах размещения на 1000 местных жителей годовые данные по странам происхождения.

- Средняя продолжительность пребывания в средствах размещения (годовые данные по странам происхождения, и по регионам).

- Количество путешествий туристов резидентов и нерезидентов разделены по времени пребывания 1-3 ночи, 4 и более ночей, по регио-

нам и по цели поездки бизнес, отдых (годовые и месячные данные).

- Количество лиц, занятых в туристической отрасли: в общем, по полу, возрасту, образованию, занятости (годовые данные, национальный уровень и по регионам)

При наличии эффективно функционирующего механизма финансирования туристской отрасли большинства проблем в ее развитии можно было бы избежать. В настоящее время такой механизм отсутствует, на государственном уровне предпринимаются лишь отдельные, разрозненные попытки по его созданию.

### *Источник и список литературы:*

1. Александрова А.Ю. Структура туристского рынка. М.: Пресс-Соло, 2002.-382 с.
2. Анчукова Н.В., Москвина О.С. Туризм в экономике региона: Спрос и предложение. Факторы развития. Эффективность функционирования. -Вологда. Изд-во: Вологодский научно-координационный центр ЦЭМИ РАН, 2002 г.-72 с.
3. Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента. Уч.пособие. -М.: Финансы и статистика, 2014. - 320 с.
4. Каримов Н.Г. "Development of the Banking and financial system as the main priority direction of economic reforms", <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1894&context=interfinance>
5. Алиева М.Т. Tourism problems in the Central Asian republics. International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science 11 (67) 2018. Impact Factor ISRA (India-3.117) Impact Factor ESJI(KZ) based on Eurasian Citation Report(ECR)-5.015 Impact Factor SJIF(Morocco-5.667) 2018 y.30-34 p.
6. Биржаков М.Б. Введение в туризм. —М-СПб: «Издательский дом Герда, НП «Издательство Невский фонд» издание 11-е. переработанное и дополненное спб.: Издательский торговый дом Герда, 2016. 554 с.
7. Safaeva S.R., Alieva M.T. Organizational and economic aspects of the development of the international tourism and hospital it industry. [https://www.scopus.com/inward/record.DOI:10.14505/jemt.11.4\(44\).15\(2020\)Journal\\_of\\_Environmental\\_Management\\_and\\_Tourism,11\(4\),pp913-919.2020](https://www.scopus.com/inward/record.DOI:10.14505/jemt.11.4(44).15(2020)Journal_of_Environmental_Management_and_Tourism,11(4),pp913-919.2020).

## ТУРИСТИК КЛАСТЕРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Мамаюсупова Диловархон Бегматовна -**  
Қўқон университети  
Таълим кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур илмий мақолада минтақада туристик кластерни ташкил қилишда давлат-хусусий шериклигининг тутган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, концептуал асослари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

**Таянч тушунчалар:** давлат-хусусий шериклик, туризм, кластер, стратегик режаштириш, ижтимоий инфраструктура, субсидия, экотуризм.

## КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА ПРИ СОЗДАНИИ ТУРИСТИЧЕСКОГО КЛАСТЕРА

**Мамаюсупова Диловархон Бегматовна**  
Кокандский университет  
Преподаватель кафедры образования

**Аннотация:** В данной научной статье исследуются роль и значение государственно-частного партнёрства в организации туристических кластеров в регионе, а также вопросы, связанные с концептуальной базой.

**Ключевые понятия:** государственно-частное партнёрство, туризм, кластер, стратегическое планирование, социальная инфраструктура, субсидии, экотуризм.

## CONCEPTUAL BASIS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE CREATION OF A TOURIST CLUSTER

**Mamayusupova Dilovarkhon Begmatovna**  
Kokand University Lecturer of Department for Education

**Abstract:** This scientific article examines the role and importance of public-private partnerships in organizing tourism clusters in the region, as well as issues related to the conceptual framework.

**Keywords:** public-private partnership, tourism, cluster, strategic planning, social infrastructure, subsidies, ecotourism.



**Кириш.** Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида бугунги замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош ва юқори самарадорликка эга бўлган туристик комплексларни шакллантириш, ҳудудларда инвестицион муҳитни яхшилаш асосида уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш жараёнида кластерларни ташкил қилиш ҳамда уларга асосланган минтақавий сиёсат ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Туристик мажмуани кластерлар шаклида ташкил қилиш унинг иштирокчиларга инновацион технологиялардан фойдаланиш, малакали ишчи кучини жалб қилиш, ахборот, бизнес хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш имкониятини таъминлайди. Шунингдек, туризмни кластерлар асосида ривожлантириш мамлакат минтақалари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш, туризм саноати инфратузилмасининг инновацион йўналишда барқарор ўсиши учун имконият яратишга ёрдам беради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Туризмни ривожлантириш ва туристик салоҳиятни оширишнинг назарий-услубий масалалари В.И.Азар[1], Е.И.Богданов[2], В.С.Боголюбов[3], И.В.Зорин[4], Н.И.Кабушкин[5], В.А.Квартальнов[6], А.Д.Чудновский[7] каби хорижлик олимлар илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда туризм ва туристик салоҳиятни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари Н.Т.Тухлиев[8], М.Қ.Пардаев[9], И.С.Тухлиев[10], М.М.Мухаммедов [11], М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев[12], А.Н.Норчаев[13], О.Ҳ.Хамидов[14], Б.Х.Тўраев[15], М.Т.Алимова[16], С.С.Рўзиев[17], Д.З.Норқулова[18], А.К.Алымов[19]ларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда иқтисодчи олимлардан Н.Юсупов ва Ф.Карабаев БМТ тараққиёт дастури доирасида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масала[20]ларини тадқиқ қилганлар.

Шу билан бирга, У.Джуманиязов томонидан эса ДХШ асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш[21]га йўналтирилган изланишлар борилган бўлиб, ушбу тадқиқотларида олим: “давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатлари турли шаклларда турли вариантларда амалга оширилади. Давлат ва бизнес субъектлари билан дастлаб алоҳида яқка ҳолда муносабатларга киришса, кейинчалик тадбиркорлик ва бизнес уюшмалари, гуруҳлари билан ўзаро муносабатларга киришади. Шунингдек, давлат ва бизнес муносабатларининг айрим ҳолатларида давлат етакчилик қилса, айрим ҳолатларда бизнес етакчилик қилишини” келтириб ўтган.

Бироқ, ушбу ишларда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган Фарғона вилоятида туристик кластерни ташкил этишда ДХШнинг концептуал асослари билан боғлиқ масалалар яхлит илмий изланиш сифатида амалга оширилмаганлиги илмий мақоламизнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, суҳбат, статистик, иқтисодий, молиявий, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Кейинги даврда кластерлар иқтисодий таҳлил ва синтез объекти сифатида кенг қўламдаги иқтисодчилар эътиборини жалб қилаётганига қарамадан кластерларни ташкил қилишнинг аниқ ўзига хос услубиятлари ишлаб чиқилмаган. Туристик фаолият самарадорлигини оширишда кластер ёндашуvidан фойдаланиш энг жозибадор ҳисобланади, чунки туристларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун технологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмаган кўплаб корхона ва тармоқлар учун товар ва хизматлар талаб қилинади. Ушбу ҳолатда ДХШнинг асосий ўрни кластер сиёсатини ҳамда минтақада туристик кластерни ташкил қилиш учун тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқишдан иборат ҳисобланади.

Кластерларни ташкил қилишда мазкур сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- кластернинг таркибий тузилиш, кучли ва заиф томонлари аниқлаш, стратегия ва режаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- тажриба ва билим алмашиш, алоқа ўрнатиш марказларини яратиш, манфаатдор ташкилотларни кластер доирасида биргаликдаги ҳаракатини ташкил этиш;
- кластер таркибидаги корхоналарини ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашиш, маркетинг тадқиқотлари ва реклама тадбирларини ўтказиш;
- кадрлар тайёрлаш дастурлари самарадорлигини ошириш, жумладан, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини биргаликда ташкил этиш, таълимни кредитлашни қўллаб-қувватлаш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришга кўмаклашиш;
- кластер доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш;
- ижтимоий инфратузилма ривожлантириш, субсидиялар тақдим этиш ва кредитлаш.

Кластерларни исталган иқтисодий йўналишда қўллашдан олдин уни ташкил қилишда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳам шунга мос равишда фаолиятини таъминлаш талаб қилинади. Амалга оширилган ўрганишларимиз натижаларига асосланган ҳолда кластерларнинг асосий хоссалари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

**Биринчидан**, кластерлар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, даставвал тараққиётни таъминлаш ва ундан кейингина молиялаштириш керак бўлади.

**Иккинчидан**, кластерларни ташкил қилишда маълум бир ҳудуд нуқтаи назаридан қаралади ва унинг ресурс салоҳиятига таянади. Натижада бирон ҳудуддаги кластерни тузилишини бошқа ҳудудга тадбиқ қилиб бўлмайди. Бу нуқтаи назардан кластерлар ноёб хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаси ҳисобланади.

**Учинчидан**, кластер лойиҳалаш хусусиятларини ўзида жамлайди, чунки у кластерни шакллантиришни бошқарув лойиҳаси деб ҳисоблайдиган шахсларнинг онгли ташкилий ҳаракатлари натижасидир. Натижада кластернинг иқтисодий тизим сифатида самарали фаолият кўрсатишининг ўзаги стратегик режалаштириш жараёни ҳисобланади.

**Тўртинчидан**, келажакда кластернинг ўзагини шакллантириш ва ривожлантириш ҳуқуқий асосни шакллантириш ҳамда унинг бажарилишини назорат қилишнинг институционал таркибини ташкил қилиш талаб қилинади.

**Бешинчидан**, кластернинг асосий хусусиятларидан бири унинг инновацион фаолиятни қўллаб – қувватлашга хизмат қилишидир.

**Олтинчидан**, кластер муҳитида иқтисодий лойиҳаларни синергетик механизмларини ишга туширадиган барқарор ва кенгайтириладиган инфратузилмасини шакллантириб, бири бири билан боғланади.

**Еттинчидан**, кластер шакллантириш жараёни - ривожланаётган тизимни шакллантириш жараёнидир. Кластер каби мураккаб лойиҳани бирданига яратиш ва амалга оширишнинг имкони йўқ. Кластер яратилиши билан лойиҳа элементлари мунтазам янгиланиб боради. Даставвал, кластернинг баъзи элементлари, кейин ўзаги ва бошқалар яратилади.

Кластерларнинг юқорида келтирилган ўзига хосликлари уни шакллантириш учун аниқ усуллар ишлаб чиқилмаганлигини асослайди ва хусусиятларнинг ҳар бири тўла амалга ошмаган мураккаб илмий муаммо сифатида майдонга чиқади. Натижада бугунги кунда кластер тузишда унинг услубиятини шакллантиришда мавжуд билимларга таянилади. Яъни кластер тузиш дастурини амалга ошириш натижасида вужудга келадиган вазият ўрганилади. Бунда

биринчи босқич объектнинг якуний ҳолатини тасвирлашда инновацион тамойилга риоя қилишни талаб қилади, чунки баъзи ҳолатларда ҳеч қачон эришиб бўлмайдиган, лекин унга интилиш лозим бўлган муайян идеаллаштирилган ҳолат сифатида қаралиши мумкин.

Кластер тузишда илмий ёндашувни қўллашнинг шарт-шароитларини яратиш мақсадида керакли ҳолатни тасвирлаш учун айрим асосий тушунчалардан фойдаланиш талаб қилинади, чунки айнан ушбу тушунчалар кластерларни тавсифлаш тизимининг асосини ташкил этади ва уларни кластерни тавсифлаш тизимининг элементлари сифатида таърифлаш мумкин.

Кластерларни тўртта тизимларнинг яхлит бирлиги сифатида кўриб чиқиш тавсия этилади. Бунда барча иқтисодий тизимлар хилма-хиллиги қуйидаги турларга бўлинади:

1) “объектлар” - юридик ва жисмоний шахслар, ташкилотлар, корхоналар, уларнинг гуруҳлари, давлатлар, давлатлар иттифоқлари ва ҳ.к.;

2) “жараёнлар” – мавжуд муҳит ёки объектлар у ёки бу даражада эволюцион ўзгаришлари;

3) “муҳитлар” - иқтисодиёт объектларининг ўзаро алоқаларни амалга ошириш ва иқтисодий жараёнлар содир бўлиши учун яратилган шарт-шароитлар;


4) “лойиҳалар” - ижтимоий-иқтисодий соҳадаги вазиятнинг нисбатан қисқа муддатли жиддий ўзгариши.

Юқорида келтирилган тизимлар макон ва замонда иқтисодий тизимлар хилма-хиллигини ифодалайди.

Санаб ўтилган тушунчаларни аниқлаш ҳамда белгилашда “объектлар”ни ўзини уч тоифага ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча туристик йўналишдаги объектларни “товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар”; “товар ва хизматлар истеъмолчилари” қараб чиқиш вазиятни янада тўла тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, туркластерларни ташкил қилишда “муҳит” тушунчаси туристик ва рекреацион ресурслар сифатида ҳам қаралади.

Кластерларни ишлаб чиқишда минтақани тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган идеал ҳолат сифатида қараб чиқилади. Шу сабабли кластернинг зарурий ҳолатини тасвирлаш учун уни шакллантириш мақсадларини аниқ ифодалаш керак бўлади. Минтақада туристик кластер тузишнинг стратегик мақсадлари келтириб ўтмоқчимиз (1-расмга қаранг).

Минтақада туризм тараққиёти бевосита самарали ҳамда рақобатбардош туризм бозорининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун қатор вазифаларни амалга ошириш ва шарт-шароитларни таъминлаш талаб қилинади.



1-расм. Минтақа туристик кластерини шакллантиришда стратегик мақсадлар

*Манба: Муаллиф ишланмаси.*

Жумладан ҳудуд ривожини, ажтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инфра-тузилма, хусусан туристик инфратузилмани ривожлантириш ҳамда сифатини ошириш, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, экологик ҳавфсизлик даражасини таъминлаш кабилар шулар жумласидандир. Келтирилган барча вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга оширилиши минтақада туристик оқим таркибини оптималлаштиришга хизмат қилиш лозим, яъни жами туристлар таркибида ички ва ташқи туристлар, мақсади бўйича туристлар нисбатини оптималлаштиришни таъминлаши керак.

Белгиланган мақсадга эришиш учун стратегик режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ қатор вазифаларни ҳам қараб чиқиш талаб қилинади. Ушбу вазифалар юқорида келтирилган самарали ва рақобатбардош туризм бозори шакллантириш учун зарур бўлган вазифаларни таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.

Туристтик кластерни шакллантиришда муҳим таркибий қисмлар ҳисобланган “объект”, “жараён”, “муҳит”, “лойиҳа” тушунчаларига аниқлик киритиш, яъни минтақа ҳудудида яшаётган одамлар фикрлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Бунинг учун мавжуд ҳамда потенциал истеъмолчиларнинг фикрлари ўганилгани ҳолда кластер тасвирлаш тизими элементлари ўртасида график шаклида мантиқий боғланишлар ўрнатилади. Боғланишларни ўрнатиш жараёнида рўйхатлар аниқлаштирилади. Ушбу босқичда рўйхат элементларини солиштириш ва синергетик таъсир яратувчи элементларни аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, кластер тузишнинг асосий мақсадларидан бири максимал синергетик таъсирга эга бўлган тизимни яратиш ҳисобланади.

Натижада, алоҳида илмий муаммо вужудга келади, яъни кластерни тасвирлаш учун фойдаланиладиган элементларни синергетик таъсирни баҳолаш ва тавсифлаш усулларини яратиш талаб қилинади. Кластерни тасвирлашда муҳим натижаларга эришган ўхшаш тизимларни қараб чиқиш ва ўрганиш аҳамиятлидир. Икки қарама-қарши ҳодиса кластер тавсифига киритилган элементларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Бир томондан, ҳар бир элементнинг ривожланиши кластер тизимига ижобий таъсир кўрсатади, иккинчи томондан, ҳар қандай элементнинг ривожланиши ўзига хос салбий оқибатларга олиб келади. Салбий томони, одатда, стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда етарли эътибор берилмайди. Кластернинг исталган ҳолати тавсифини ишлаб чиқиб, унинг ўзагини, яъни кластер ривожини ҳаракат-


га келтирувчи кучга айланадиган тавсиф элементларини танлаш лозим.

Элементлар танлаб бўлинганидан кейин уларнинг бирликлари шакллантирилади ва якуний ҳолатни тасвирлаш учун ишлаб чиқилган атамалардан фойдаланилади. Шундагина жорий ҳолатни тавсифлаш учун қандай маълумотларни тўплаш кераклиги ойдинлашади ва қандай маълумотлар базасини шакллантириш лозимлиги аниқланади.

Кейинчалик лойиҳа танлаш моделлари синфига кирувчи тизим элементларини бошланғич ҳолатдан якуний ҳолатга ўтказиш учун оптималлаш моделлари тузилади. Натижада иқтисодиётнинг муайян секторига йўналтирилган моделларни қуриш босқичи яна бир мураккаб илмий муаммо сифатида майдонга чиқади. Бугунги кунда кластерларни шакллантиришда етарли эътибор берилмаётган муаммолар орасида ҳудуднинг ижобий имиджини яратиш, ҳавфсизлик муаммолари ҳудудларда туризмни ривожлантиришда чекловчи омил ҳисобланади. Одатда уларни таъминлаш минтақа ҳукуматининг бевосита жавобгарлиги остида бўлади.

Мамлакатимиз минтақаларида туризмни ривожлантириш туристик кластерни шакллантириш нуқтаи назаридан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, чунки унинг фаолият самардорлиги тизим ва лойиҳа ёндашувларини интеграциялашиши сабабли юқори бўлади. Зеро, туризмни муайян ҳудудда ривожлантириш институционал, иқтисодий, ташкилий ва бошқа элементларнинг махсус тизимини шакллантиришни талаб этади ва бунга кластер механизми ёрдамида эришиш мумкин. Кластерни шакллантиришнинг шарт-шароитлари тақдим этилган туристик хизматларнинг мураккаблиги ва бу соҳада интеграллашган маҳсулотларни яратиш ва таклиф қилишда синергетик самараларни олиш имкониятидан келиб чиқади. Кластер тузишнинг яна бир муҳим шarti табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Минтақа туризм кластерининг таклиф этилган тузилмаси намунавий ва мамлакатимизга мосланган шаклни таклиф қилиб ўтмоқчимиз (2-расм). Минтақанинг иқтисодий тараққиёт даражаси жойлашган ўрни, табиий-иқлим шароитлари, ҳудуддаги экологик ҳолат, аҳолини турмуш тарзи каби кўплаб олмиллар уларда ёрдамчи ва қўллаб-қувватловчи хизматлар, экологик ҳолат, ихтисослашган, дам олиш ва кўнгилочар хизматлар, туризм саноати вакиллари, профессионал туризм уюшмалари, инфратузилма, транспорт ва бошқалар турлича бўлишини таъминлайди.



2-расм. Минтақа туристик кластери тузилмаси

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Бу эса ўз навбатида туризмнинг кластерларга асосланган минтақавий ривожланиши маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштирилишини талаб қилади.

Туристик фаолиятини ривожлантиришда муҳим объектлар, жараён ва муҳитни таъминлаш нуқтаи назаридан туристик кластерни шакллантириш ва ривожлантиришда ДХШ механизмидан фойдаланмасликни ҳеч иложи йўқ. Шунингдек, минтақанинг илмий салоҳиятини жалб қилмасдан туриб, инновацион ривожланиш йўли ҳам бўлиши мумкин эмас. Таҳлил натижаларига кўра асосий муаммоларни ҳал этишга қаратилган барқарор тадқиқот гуруҳларини яратиш, бажарилган ишлар учун масъулиятни ошириш ва лойиҳаларда иштирок этиш учун барча шароитларни таъминлаш мақсадида иш натижалари кенг илмий жамоатчиликка ва фуқароларга тақдим этиш туристик кластерларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлашнинг гарови сифатида қаралади.

Туристик кластерларни ташкил қилишда ДХШ механизмидан фойдаланиш зарурати давлат мулки бўлган туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни реконструкция қилишга, сақлашга хусусий сектор маблағларини жалб қилишда ўз аксини топади. Шундай қилиб, амалда хусусий бизнес давлат объекти қурилиши ёки қайта таъмирланишини ўзининг маблағлари ҳисобига амалга оширади. Хусусий инвесторнинг харажатларини қоплаш кейинчалик операциядан олинган даро-

мад ҳисобига ёки бюджетдан тўловлар ҳисобига амалга оширилади. Хусусий молиявий ташаббуснинг кўп ҳолларида инвестор объектни кейинги эксплуатация қилишга ва унинг фаолиятини ташкил этишга жалб қилинади.

Туристик кластерни шакллантириш асосида самарали ва рақобатбардош туризм бозорини ривожлантириш унинг таркибий қисмларини қараб чиқиш, бажаралиши зарур бўлган вазифаларни аниқ бўлгилаб олиш, уларни бажарилишини назорат қилишни талаб қилади. Бироқ келтирилган вазифаларни белгилаб олишдан один туристик кластерни шакллантиришда муҳим таркибий қисмлар ҳисобланган “объект”, “жараён”, “муҳит”, “лойиҳа” тушунчаларини аниқлаштириш, уларнинг аҳамиятлилик даражасини ҳудуднинг имкониятлари нуқтаи назаридан қараб чиқиш керак бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Фикримизча, Фарғона вилоятида туризм бозори ривожини таъминлашда ДХШ асосида туристик кластерни шакллантириш туристик маҳсулотларни яратиш ва таклиф қилишда синергетик самараларни олиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, мавжуд салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, туризм бозорига янги туристик маҳсулот ва хизмат турларини олиб кириш, минтақага ташриф буюрувчи туристлар таркибини оптималлаштириш, хорижий туристлар сонини оширишга хизмат қилади.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Азар В.И. Экономика и организация туризма. М.: Профиздат, 1993;
2. Е. И. Богданов, Е. С. Богомолова, В. П. Орловская. Экономика отрасли. Туризм: учебник. - М.: ИНФРА - М, 2013. - 318 с.;
3. В.С.Боголюбов, С.А. Быстров, С.А.Боголюбова. Экономическая оценка инвестиций в развитие туризма. Уч. пос. .М.: Академия 2009.;
4. Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности // Учебник. М.: ФиС. 2005. – 288с.;
5. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: учебник / 6-е изд., стер. - Мн.: Новое издание, 2006. - 408 с.;
6. Квартальнов В.А. Туризм: Теория и практика: Избр. труды: В 5 т. - Т.4. Иностранный туризм. - М.: ФиС, 1998. – 312 с.;
7. Биржаков М.Б., Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: уч.пособие. М.: КНОРУС, 2007. - 416 с.;
8. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. -Т.: Гос. Науч. Изд. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2006. - 386 с.;
9. Пардаев М.Қ. Туризмни режаслаштириш. Дарслик. Т.: "Иқтисод ва молия" 2008. – 262 б.;
10. Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт" фанидан дарслик. – Т.: "Фан ва технология". 2018-412 б.;
11. Мухаммедов М.М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири. //Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.;
12. Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов Ш.А., Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув кўлланима. Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б.;
13. Норчаев А.Н. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишига таъсири. Иқт. фан. номз...дисс. 2004. – 120 б.;
14. Ҳамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлан-тиришини бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2017.;
15. Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.:Фан, 2009.;
16. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. – 300 б.;
17. Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. Иқт. фан...дисс. – Тошкент, 2009.;
18. Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. (Ph.D) фалсафа доктори. дисс. автореф Самарқанд, 2018.;
19. Алымов А.К. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналиш-лари ва истиқболлари. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018.
20. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.unp.uz
21. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 28 б.

## ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Навроз-зода Бахтиёр Шохрў –  
БухДУ докторанти*

**Аннотация:** Мақолада ёшлар туризмнинг коронавирус пандемиясидан олдин ва кейинги ривожланиш ҳолати таҳлили келтирилган. Статистик маълумотларга асосланган ҳолда ёшларнинг мобил иловалар ва электрон бронлаш орқали ўз саёҳатларини ташкиллаштириш имконияти очиб берилган. Шунингдек, пост пандемия шароитида туризмни тиклаш учун бир қатор янги тенденциялар таклифи келтирилган.

**Калит сўзлар:** ёш авлод, ёшлар туризми, электрон бронлаш, мобил илова, интернет, ижтимоий тармоқлар, тенденция.

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В РАЗВИТИИ МОЛОДЕЖНОГО ТУРИЗМА

*Навроз-зода Бахтиёр Шохру –  
Докторант БухГУ*

**Аннотация:** В статье представлен анализ развития молодежного туризма до и после корона вирусной пандемии. На основе статистических данных раскрывается возможность для молодых людей организовать свои путешествия с помощью мобильных приложений и электронного бронирования. Также, предлагается ряд новых тенденций для восстановления туризма в условиях постпандемии.

**Ключевые слова:** молодежь, молодежный туризм, электронное бронирование, мобильное приложение, интернет, социальные сети, тенденция.

## MODERN TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF YOUTH TOURISM

*Navroz-zoda Bakhtiyor Shohro –  
BukhsU doctoral student*

**Abstract:** The article presents an analysis of the development of youth tourism before and after the coronavirus pandemic. On the basis of statistics, it is reported that young people can organize their travels through mobile applications and electronic reservations. Also, a number of new trends are proposed for tourism recovery in post-pandemic conditions.

**Keywords:** young generation, youth tourism, e reservation, mobile application, internet, social network, tendency

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2021 йилни “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб эълон қилиб, ёшларга эътибони кучайтиришни таъкидлаб ўтдилар. “Ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади” дейдилар юртбошимиз[1]. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда ёшларга эътибор кучайиб бормоқда. Барча соҳаларда, тадбиркорлик бўладими, таълим масаласими, умуман ёшлар билан боғлиқ кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга ёшларни чет эл мамлакатларининг нуфузли таълим муассасаларида ўқишлари учун қулай шартшароитлар яратилиб берилмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари шахсан ёшлар билан учрашув ўтказиб, улар учун яратилаётган имкониятлар билан таништириб ўтдилар. Ёшларни шундай сўзлар билан руҳлантирдилар юртбошимиз: «Мен ҳар гал ёшларини

билан учрашганимда сизларнинг ғайратшижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман»[2]. Ушбу фикрлар шунчаки айтиб ўтилмади, ёшларга янада кўпроқ имкониятлар яратиш мақсадида ҳар бир вилоятда “Ёшлар форуми” ўтказилиб келинмоқда. Форумда нафақат Ўзбекистон ёшлари, балки қўшни мамлакат Қирғизистон ёшлари ҳам иштирок этдилар. Бундай тадбирларни уюштириш натижасида ёшлар орасида туризмни ривожлантиришга ҳам эришилмоқда. Форумга қатнашиш билан бирга, ёшлар мамлакатимиз ичида саёҳатни амалга ошириш имконияти туғилмоқда. Бундан ташқари бошқа мамлакатлардан келган ёш қатнашувчилар ички туризмнинг ривожланишига туртки бўлади.

Мақолада ёшлар туризмни ривожлантириш ва унинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқиш масаласи ёритилган. Бундан асосий мақсад мамлакатимизда ёшлар туризмни янада ривожлантириш, ёшларнинг бутун дунё

мамлакатларига ҳеч қандай муаммосиз саёҳат қилишларига эришишдир. Ва аксинча Ўзбекистонимизга ташриф буюрувчи туристлар қаторини ёшлар билан тўлдириш ҳам асосий масалалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ёшлар туризмни ривожлантириш мавзусида кўплаб олимлар, жумладан Теплова Д.С. [14], D Chapman [15], Орловская В.П. [16], Ахророва Н.У. [17], Ayalon, Y., & Schnell, I. [18], Boukas, N., & Sourouklis, C. [19], Chen, J.S., Johnson, C., & Labben T.G. [20], Carr, N. [21], Horak, S., and Weber, S. [22] каби хорижлик ва мамлакатимиздаги олим ва изланувчилар тадқиқот олиб борилган бўлишса, лекин, туризмни ушбу турини коронавирус пандемиясидан кейинги даврда ривожлантиришнинг самарали тенденциялари ўрганилмасдан қолиб келинмоқда. Бу эса ёшлар туризмни жадвал ривожлантириш бўйича изланишлар олиб бориш зарурати ва долзарблигига асос бўлиб хизмат қилади.

